

# ШАРҚ ЮЛДУЗИ

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ОЙНОМАСИ

11 ' 1992

61-йил чиқиши

*Бош муҳаррир:*

**Ўткир ҲОШИМОВ**

*Таҳрир ҳайъати:*

**Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ**

*(Танқид ва адабиётшунослик  
бўлими мудири)*

**Мурод МАНСУР**

*(Наср бўлими мудири)*

**Омон МУХТОРОВ**

*(Бош муҳаррир ўринбосари)*

**Икром ОТАМУРОД**

*(Назм бўлими мудири)*

**Носир ФОЗИЛОВ**

*(Масъул котиб)*

**Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ**

*(Мақоланавислик бўлими мудири)*

**Асқар ҲАЙДАРОВ**

*(Мерос ва қадрият бўлими мудири)*

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ

... Кунлар ортидан кунлар ғамгин ўтарди. Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархоннинг аранг пирпираётган киприкларига термилади. Бир томонда шам эрий-эрий кичрая боради.

Умр ва шам...

Моҳларойим уни эслади-ю, чўчиб кетди, ўзини ўзи койиди.  
«Йўқ, йўқ, бундай лаънати ўйни ел олсин!»

— Ҳазратим...

Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархонга интиқ термилди, тобора музлаб бораётган баданга қўли тегдию кўзёшлари окиб тушди.

Эзувчи ва публицист Мирза Каримнинг «Моҳларойим» асари билан ойнома саҳифаларида та-нишасиз.



1982 йилнинг бошида менга ўша пайтда СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган Ю. В. Андропов қўнғироқ қилди...

Эртаси кунни қабулига бордим. У мени самимий кутиб олиб, яна ҳол-аҳволимни сўради. Кейин ўйланиб туриб:

— Нуриддин, Ватанинг бетинч-ку, хабаринг борми?— деди.

— Йўқ, хабардор эмасман, нима бўлибди?

— У ерда аҳвол яхши эмас,— деди Юрий Владимирович.

Кейин яна саволга тутди:


— Рашидов қанақа одам, мен уни яхши билмайман?

— Шароф Рашидович яхши одам...

— Ўз юртдошингни ҳимоя қиляяпсан,— деди Юрий Владимирович жилмайиб.

Таниқли давлат арбоби Нуриддин Муҳитдиновнинг «1983 йилдаги икки учрашув» мақоласи ҳам ойномамиз саҳифаларидан ўрин олган.

ЖАМОАТ КЕНГАШИ: Неъмат АМИНОВ, Саид АҲМАД, Бўрибой АҲМЕДОВ, Машраб БОБОЕВ, Эркин ВОҲИДОВ, Хуршид ДАВРОН, Мирзо КЕНЖАБЕК, Салоҳиддин МАМАЖОНОВ, Мурод МУҲАММАД ДҮСТ, Тўлан НИЗОМ, Умарали НОРМАТОВ, Гулчеҳра НУРУЛЛАЁВА, Жуманазар САЛАЕВ, Муҳаммад СОЛИҲ, Хайриддин СУЛҲОНОВ, Абдураим ТУРСУНМАТОВ, Улмас УМАР-БЕКОВ, Шукур ХОЛМИРЗАЕВ, Озод ШАРИФИДДИНОВ, Бобоҳон ШАРИПОВ, Ислом ШОҒУ-ЛОМОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Ҳамид ҒУЛОМ, Раҳмон ҚҶЧҚОРОВ.



Хуррам Маҳмудов

# Ёдлов

Қисса

Отам Кўчкин ўгли Маҳмуд хотирасига

## УЮРИДАН АЙРИЛГАН ОТЛАР

...Атрофни зулмат босиб келарди. Кейин бирдан қуюнга айланиб, балонифатдек уни кўкка учуриб кета бошлади.

Бир хасдек айлантириб юрди-юрди-да, кутилмаганда ташлаб юборди ва у тумонат одам йиғилган жойдаги темир изда қотган томчанинг кичкина тешикчасидан шувиллаб аллақандай бир катакка келиб тушди. Шу заҳоти томча ҳам ҳаракатга келди ва номаълум ўлкаларга қараб йўрғалай кетди. Тарақа-туруқ, тарақа-туруқ... Бу ниманинг овози, томча кимга қарашли, қайдан-қайга кетаётир, ҳеч тасаввур эта олмасди.

Бир маҳал уйғониб кетди ва анчагача тушининг таъбирини ўйлаб ётиб-ётиб, яна уйқу элитди.

Томча орқага қайта бошлади, аммо манзилга яқинлашгани сари темир изда чайқалиб, баттар ларзага келар эди. Ёпирай, ана йиқилади, мана йиқилади билан бирдан тубсиз жарликка қулаб кетди. Сўнг жарликнинг оғзи кичрайиб бориб, томчани ютиб юборди.

## МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

*Бу одам дунёдаги энг хокисор кишилардан биттаси. Агар оламда хокисор одам ёлғиз битта қолган бўлса ҳам, ўша — шу одам.*

*У гўё қадим етмас довон ортида яшайдию йилда икки борагина — кўклам — довон очилиб, кўзда бекилиш олдидан бир кўриниш беради-да, кейин бадар кетади. Қолдирган шеър у мақолалари чиқавермагин-да, уч ойлар ичиди бир энликкина хат йўллайди. Шунда ҳам мақоласини сўраб эмас, ҳаётингизда бир яхшилик содир бўлади, менги белги бермоқда, деган мужда юборади. Ва бу мужда кўп ўтмай рост чиқади.*

*У шунақа авлиёсифат одам. Тўғрироғи, мусулмони комил, ҳудожўйи одам. Яна қишлоғида кўп савобли иш — муаллимлик қилади. Бу ёзганларини эса, бу дунёда рўшнолик кўрмаган ота руҳи олдидаги қарз деб битибди. Уни «Ёдлов» деб номлаб, эътиборингизга ҳавола этдик.*



Яна энтикиб уйгонди. Аммо туш таъбирини ҳеч топа билмади...

Дехқонободга оқиб келадиган Кичик Ура дарёсининг ўнг қирғоғида бир манзил бор. Нурқай тоғидан бошланган дарё шу ерда ёйилиб, кўримли бўлиб оқади. Ана шу воҳанинг ўртасида «Белибойли» деган кўҳна қабристон мудраб ётади. Дехқонободдан шу жойгача нақ тўрт тош масофа бор-ов. Шарққа қараб кетган эгри-бугри тош йўлнинг сўл томонида каттакон харсанглар билан ўралган тошқалама ичида яқин-яқингача мармардан йўнилган одам қиёфасидаги бели боғловлиқ бир тош бўларди. Уни қандайдир бир баднафс ичида олтин бор-ов, деб теша билан майдалаганмиш. Аммо ўзи ҳам кўпга бормабди, аллақандай касалга учраб ўлибди. «Белибойли» номи шу тошдан қолган. Ана шу Қўрғонтепанинг атрофида катта-кичик саккизта қишлоқ бор. Энг кичкина-сини Офтобрўй деб аташади. Унга энг аввал уч оға-ини келиб жойлашган ва қолганлар шулардан кўпайганмиш.

Кўчкин бободан Шосамад, Шоқосим ва Саъдибек деган оға-инилар қолган ва улар дарёнинг икки қирғоғида ястанган сервиқор Қорасирт ва Қоратос тоғининг ўртасидаги беланчақда ётгандек мўъжаз қишлоқни она юрт деб билишар эди. Улар шу кўм-кўк қир-адирларда эсларини таниб, туп қўйиб палак ёзган, бошқа оламни танимас эдилар.

Узинг кимсан, дерсиз? Қудратман. Уша «уч оға-ини ботир»ларнинг қонида шу, жонида шу ман. Отамни яхши эслайман. Жуссаси кичик, лекин ёноқлари қизил олмадай таранг, ўзи миқтигина, зуваласи пишиқ одам эди. Жуда камгап, аммо ҳаракатчан. Шунинг учунми, рўзғоримиз бутун эди. Анчагина қўй-қўзимиз, сигир-бузоғимиз, ҳатто тойчоқли биямиз ҳам бўларди. Отам билан Эшбобонинг юмуши — ишдан бўшаган ҳўкизларни тунда далада ўтлатиш эди. Кўп ҳолларда ўриндошликка мен бориб турардим. Уйимиз дарёнинг ўнг қирғоғида бўлгани учун ундан ўтиб бироз юраман-да, сувтегирмон тепасидаги ёлғизоёқ йўлга чиқиб оламан.

Тегирмон сойликда бўлиб, бир томони жарлик эди. У кунчиқардан оқиб келадиган катта ариқдаги сувнинг қўйилишига мослаб қурилган, новдан тушаётган сув ҳамиша бўғиқ гувиллаб ётарди.

Кун пешинга оққан. Тегирмоннинг тепасидаги сўқмоқда эшак миниб кет-япман. Кўтарма ариқ-новнинг бетиде уч-тўртта одам кўринади. Уларнинг орасида Эшбобо бор экан, товуш берди:

— Ҳов, Қудрат-ов, ҳўкизларни ҳайдайбер...

Яна нима деганини англай олмай қолдим. Қайси тоғ оралиғига деди?

Узим Эгизакни мўлжалладим. Эгизак — Белибойли билан Оқрабат сувларининг ўртасида ётган баланд тоғлиқ. Гўё бир вақтлар иккисини икки ёққа ажратиб ўртасидан ёриб чиққандай. Тўғри ўша томонга ҳайдадим. Қуёш заминга бош қўйиб, ғира-шира қоронғилик ҳам туша бошлади, аммо Эшбободан дарак йўқ эди.

Мулла Йўлдош бобонинг бир ҳўкизи бўларди, ўркачи бамисоли телпақдай, ўзи ювошгина. Секин ушлаб олдим-да, бир оёғидан қозиқбов қилиб, бир учини кулранг эшагимнинг оёғига, иккинчи учини чап оёғимга чандидим. Бу шунчаки, ухлаб қолмаслигим учун эди. Кўзим илинди дегунча эшак билан ҳўкиз икки-уч метрга судраб кетишади. Бундай ҳолатда уйқу бўлармиди? Оёғимдаги ипни ечиб юбордим-да, тошдай қотиб ухлаб қолибман. Бир вақт қулоғим тағида қора чигирткаларнинг узлуксиз чириллашидан уйғониб кетдим. Ҳўкизлардан ном-нишон йўқ, узоқ-узоқлардан андизларнинг шатир-шутирлаши эшитилади, холос.

Йиқилиб-сурилиб, бир бало қилиб, ҳўкизларни яна Эгизакнинг ёнбағрига тўпладим-да, эшакни шувоққа илдириб ухлагга ётдим.

Қуёш Нурқай тоғидан бош кўтарса, илк нури менга тушиши керак эди. Мўлжаллаганимдай юзимга офтоб тушиб уйғондим. Қарасам, терлаб кетибман. Турасолиб ҳўкизларни санадим-да, тепага чиқиб қўшчиларга разм солдим. Олдинма-кетин бўлиб пиёда, эшакда ишга келишяпти. Чошгоҳга яқин қўш бошига тўпладим. Ҳар ким ўз жуфт ҳўкизини қулоғидан тортқилаб, қўшга қўша бошлади. Эшбобо ёнбошлаб ётиб, сўкиб қолди:

— Ҳе, отангнинг жилигига!.. Мен сенга Чегани дарасига ҳайда десам, Эгизакка чиқиб кетибсан-да.

— Яхши эшитмабман,— дея минғирладим.

— Кўрқмадингни ишқилиб,— у юмшади.— Сен тенги болалар дўлта кел-  
япти деса, ин қип кўяди.

— Кўрқиб нима бор,— дедим ўзимча мағрурланиб.

Хўкизларни бўйинтириққа киритаётган Абдурахмон бобо гапга суқулди:

— Буни Шоқосим кичкинанинг ўғли дегудай эмас, тоғаларига тортган-  
ми дейман-да...

Ҳаммадан олдин кўш-омочини тайёрлаб бўлган найнов Нурмат амаким  
бошини даст кўтарди.

— Бизнинг аканинг ўғли асл хўроз-да, ўзи. — Ҳамма кулиб юборди.

— Сўранг-чи, ўзидан, айранакми, жаванак?

— Хўп, қани, қайсинисан?

Мен гапга тушунмай таваккал айранак, деб юбордим. Роса кулги бўл-  
ди. Иззам чиқиб, уйга жўнаб юбора қолдим.

Энг кичкина укачамнинг туғилганига икки ойча бўлган. Исмини Муҳам-  
мадиёр қўйгандик. Тунни кунга улаб йиғлайди денг. Гоҳида онамнинг аччи-  
ғи чиқиб:

— Ияккинанг синсин!— деб қарғаб кўяди.

Ота-боболаримиздан қолган эски удум бор. Йиғлоқи болани остонага  
ётқизиб иягини нағал қоқилган кавуш ўкчаси билан уч маротаба уриб, «эми-  
думи шу бўлсин», деса — қолармиш. Иримини ҳам қилиб кўришди, қани қолса.  
Устига-устак, уруш йиллари — йўқчилик замонлар. Туну кун ёш-қарида тиним  
йўқ. Калхўз раиси Тиркашали ўзи ўрта бўйли, чўтир юзлиг-у, аммо тили заҳар.  
Одамлар бу зот ҳеч кимга ичини ёрмаган, писмиқ дейишади. Ўша даврларда  
ҳосилот деган амал ҳам бўларди. Нурмамат Қулмирзаев деган мўғулбашара,  
чалакам-чатти имзо чекишни биладиган одам шу амалга минган эди. Отамнинг  
туғишган иниси Саъдибек Кўчкинов шуларнинг қўлида биргад. Оққишлоқ  
билан Офтобрўй қишлоғидаги ерлар унга қарайди. Ўрта бўйли, чиройлигина  
йигит. Эскичаю арабчадан саводи чиққан-у, аммо ўзи енгилтабиат, дўст билан  
душманнинг фарқига бормайдиган шошқалоқ одам. Замон алғов-далғов,  
урушнинг охири, ҳамма ўзи билан ўзи овора. Лекин қўл кўйишни билган одам  
борки, кимсан — фаол бўлиб олган.

Бошқа, қўйни оғзидан чўп олмаганларни эса... ҳарбий комиссариат чақи-  
риқ қоғози юбориб, ишчи батальонга олиб кета бошлади. Биринчи навбатда  
эллик ёшгача бўлган бечораҳоллар чақирилди. Отам паканароқ, ўзи кенг  
пешонали-ю, аммо саводсиз бир одам эди. Эллик килоча зиғирни эшакка  
юклаб, майда-чуйда харид қилгани Ғузор бозорига кетган эди. Ҳафтанинг  
учинчи кунни ҳосилот чақириб келди. Отининг жиловини тортиб туриб, эшик  
тепасидан шанғиллади:

— Ҳов, Тўтигулбойбича, Шоқосим жебачи қаёқда?

Ўртада ўчоқ, ёнига устун кўмилган, ўзи иторқа қилиб ёпилган.

Бир гала болалар ўчоқни қуршаб олганмиз. Узанги билан отнинг ўмгани  
кўзга ташланиб турибди. Товушни эшитиб, пусиб кетдик.

— Билмадим, бозорга кетганига уч кун бўлди, кўп алағдамиз,— деди онам.

— Келса, учрасин,— деб, отлиқ кетди. Онам бир алпозда ўтириб  
қолди. Сўнг:

— Ишқилиб худойимнинг ўзи асрасин, бу кеча ёмон туш кўрибман, отанги  
ни йўлданоқ қайтариб олиб кетсалар керак булар,— дедию йиғлаб юборди.

Унинг тушида отам қора чакмон кийиб, кун ботиш тарафга кетганмиш.  
Кўёш нури энг баланд тепалиқлардагина қолганда Терскай томондан  
Саъдибек фаол кела бошлади ва кесатиб:

— Шоқосим жебачи ҳам қўлга тушибди-ку. Қочирворган экансизлар-да?—  
деди. Биз онам билан ташқарида бузоққа нўхта эшаётгандик. Онамнинг ранги  
бир оқариб, ўзини зўрға ростлади.

— Сизлардан қочиб-қутулиб бўладими?— дедию икки кўзи жиққа ёшга  
тўлиб келиб, мени қучоқлаб олди.— Сҳ, Қудратжоним, шу кунларам бор экан-  
ми бошимизда?!

Унинг кўз ёшларига мен ҳам чидаб туролмадим, она-бола қўшилиб йиғла-  
дик. Қани бирон тасалли айтадиган одам бўлса.

Шу кеча иккимиз ҳам ухламадик ҳисоб. Мўъжизани қарангки, отам кет-  
дию кичик укамнинг йиғиси таққа тўхтади. Ё қудратингдан!

Эртасига эшигимизнинг олдидаги калхўзининг йўнғичқа майдонига гўнг солгани бир гала хотин-қизлар йиғилишди. Мен ҳам шулар қаторида онамнинг ўрнига тўрвача кўтариб чиққан эдим. Тўрт-беш хотин бириккан жойда нима кўп—гап кўп.

«Бечорани денг, Пистамозорга келганда уриб-уриб, қайтариб олиб кетишганмиш».

«Худойқулбой улининг юраги ёмон бўлиб, дўхтирхонага тушиб қолганмиш» ва ҳоказо ва ҳоказо.

Кечга яқин иш битиб, уйга борсам, оймаининг икки кўзи қизариб, шишиб кетибди. Лип-лип чироқни ёқиб, овқат сузиб келди-ю, лекин ўзининг томоғидан ҳеч нима ўтмади. Ахийри укаларимни жой-жойига ётқизиб, чироқни ўчирдик. Хаёлим қочиб кетди.

Бир маҳал онам бошини кўтариб:

— Уйғоқмисан, Қудрат?— деди.

— Ҳа,— дедим сергакланиб.

— Энди, болам, нима бўлса, пешонага ёзганини кўрамиз, илгари белимни бир жойдан бойлаган бўлсам, энди икки жойдан бойлайман. Сен укаларингга ҳам ота, ҳам акасан. Шўрлик энди келгич-келмагич. Бечорани ярим йўлдан уриб-сўкиб қайтариб кетишибди. Болаларимни бирров кўриб кетайин, деб шунча зорланса кўйишмабди. Илоё кўзёшларимиз урсин уларни. Энди, болам, сен ўқигин, отангдай саводсиз бўлмагин.

Ўзимнинг ичим куйиб кетяпти. Лекин онамга далда бера олмайман. Унинг пинҳона йиғлашларидан ўт бўлиб ёнаман. Ҳали у ёнимга, ҳали бу ёнимга ағдариламан, уйқум келмайди. Бошим арининг уясидай ғувуллайди. Кўз олдимдан отамнинг бўй-баста кетмайди.

Эрта билан офтоб нури тепага қўнган маҳал хабар келди.

— Ҳў-ў, эшитмадим деманглар, Оққишлоққа—Худойқулбойникига жанозага.

Бу совуқ товуш икки-уч такрорланиб ўтиб кетди. Онам ташқарида сигир соғаётган эди.

— Бечора Абдуллажон-а, дунёга келиб нима кўрди йигит шўрлик?—дея ғудранганча уйга кириб кетди.

## МАКТАБ

У бир қир наридаги Терскай қишлоғида. Унга узоқ Оқработ, Шамоликам қишлоқларидан юқори синф болалари ҳам келиб ўқишади. Оқработдан Холмат деган—биздан бир синф юқори болани танийман. Узи пучуқ, хушчақчақ бу бола ўта қувлиги билан ҳаммага отнинг қашқаси бўлиб қолган. Томир тортса керак, янгамнинг укаси Бобошер билан тез-тез келиб туради.

«Равшанхон» деган дostonни биласиз. Бир куни танаффузда:

— Холмат, дoston китобингни бериб тур, ўқиб келайин, ҳақиқа манави қаламтарoшни олақол,— дедим. Қаламтарoш бўладию бериб турмайдими! Лекин дostonи зўр экан. Уйда иш билан чиқишoлмай юргандим, дoston билан элакишиб кетдим. Қичқириб ўқиб ётаман денг. Бир куни онамнинг жаҳли чиқиб қолди:

— Э, дoston-мостонингминан қўшмозор бўлгур! Қаёқдан топдинг буни?— Косов билан тушириб қолди-ку. Сигир тапписини тозалаш баҳонасида қочиб, оғилхонага кирдим. Апил-тапил ташиб йўқотдим-да, охурга тушиб олиб, яна ўқишга киришдим. Анча маҳал ўтган бўлса керак, онам изиллаб чақира кетди:

— Ҳой, оғилхона юткур, қаёққа гум бўлиб кетдинг?

Яна косов ишга тушди.

— Улоқ-кўзи қаёқда — билмайсан, онамга қарашай демайсан!..

Онажон, бажараман, деб қутулдим, аммо китобни қўлтиқдан қўймадим. Ишларни наридан-бери бажараман-да, бир дарахт соясига ўтиб, Равшанхон қиссасини ўқиб кетаман. Гоҳида қўлимга ярим қулочча чўп олиб, уни дўмбира қилиб, бахши бўп кетаманми-ей. Алқисса, Зулхумор билан Равшанхоннинг муҳаббати мени мактабдан воз кечишга олиб келди.

Муаллимларим суриштириб уйга келишади, далага боришади, қани топишса... Онамдан сўрайдилар: мактабга кетган бўламан.

Муаллимлар болалардан сўрашган экан, бири бўлмаса, бири манзил-гоҳимни сотиб қўйибди. Сўнг бўшангина муаллим Ҳайтали Азизов қидириб келди.

— Қудрат-ов, ҳо, Қудрат!

Овоз бериш қаёқда! Мен баттар ўт-ўланлар орасига кириб кетдим. Топмай хуноби ошиб, қайтиб кетди. Эртасига эгарланган отдай бўлиб Дарвешев келди. Қаршилик бўлса керак, талаффузи қишлоқи муаллимларни-кига ўхшамасди.

— Вей Қудрат, бомисан, баққа чиқ!

Қайдан тутқич бераман, миқ этмай ётавердим. Индинига қарасангиз, директорнинг ўзи қидириб келди. Жийрон қашқага миниб опти. Узоқроққа боғлаётувди, биров хотинчалиш товуш билан чақирди:

— Қудратжон-ув...

Онамнинг Бибирайҳон деган дугонаси бўларди, у мени кўриб ҳар гал гап отиб ётаверарди. Мен ўшани хаёл қилиб ҳув, десам, манглайимда Саидов турибди-да.

— Ҳа, муттаҳам, қўлга тушдингми, қани, олдимга туш-чи!— ўдағайлади у.

Энди қочиб қутулолмаслигимни билиб, ялангоёқ-яланбош, отнинг олдига тушиб, без-безлаганча боравердим. Қарабсизки, ярим соатда идорада ўтирибман. Уқитувчилар суд қилишяпти. Жаҳли тезларидан бир-икки шапалоқ тайин эди, аммо Саидов жонга аро кирди.

— Ҳай-ҳай, урақўрманглар, калласини қаранглар, қора қўчқорникидай, дoston ўқишига қараганда бир балоси бор бунинг.

Бир соат насиҳат ўқиб дарсга киритиб юборишди. Шу ҳолда яна мактаб тўрига илиндик. Бир кунни адабиёт муаллими Иброҳимни доскага чиқарди:

— Сен ҳосилотнинг ўғлисан, келажакда отангди ўрнини олувинг керак. Қани, мана буни ўқи-чи,— деб китобнинг бир бетини очиб кўрсатди.

У ҳижжалаб ўқий бошлаган эди, муаллимнинг жони ҳиқилдоғига келди:

— Қанақасан, тоза ўтмас болта экансан-ку,— дея ўгирилиб нари кетди-да, журналдан кимнидир излай бошлади ва охири:

— Шоқосимов Қудрат!— деб қолди. Мен, дея жойимдан секин турдим.

— Доскага чиқ!— сўнг ўша жойни кўрсатди,— ўқи!

Шариллатиб ўқий бошладим.

— Ие, тузуксан-ку! Қани, бўрни ол-чи. Арифметикадан қалайсан?!

Мен елка қисдим:

— Қайдам.

— Икки карра уч неча?

— Уч.

— Уч карра уч-чи?

— Олти.

Ҳамма ҳо-ҳолаб кулиб юборди.

— Демак ўқишдан яхши, ҳисобдан чатоқ, шундайми?

Охири юмшади. Ҳай, майли, «ўрта» қўямиз, деди. Ана сизга томоша, мана бизга байрам. Эҳ-ҳей, эшитмадим деманглар, аканг қарағай уч олдилар!

Талтайиб кетиб, эртасига бир соат дарсга кечикибмиз. Хайрият, мен тенгилар анча экан. Ҳаммамизни кўзойнакли татар муаллим идорага қамаб олиб, сиқа бошлади.

— Ҳу, қовоқ каллалар, қайда эдинглар?

Менга навбат келганида секингина «эртага бир хумча қатиқ олиб келайми?» дедим. Муаллим бош ирғади. Қаёқда олиб бораман, қайтанга йигирма кун мактаб қорамни кўрмайдиган бўлди. Яна манзилимиз ўша томорқа, хаёлда Гўрўғли. Қаердандир, «Гўрўғлининг туғилиши» деган ўн варақдан ошиқроқ ташландиқ китоб топиб олганмиз. Товушни анави бахшиникига ўхшатиб... келган жойидан олиб ётибмиз. Шошманг, мен сизга у бахши ҳақида ҳеч нарса демадим-а? Бундан олти ойлар чамаси бурун ҳосилотнинг дуддан қорайиб кетган катта меҳмонхонасида Умирбахши деган одам бир неча қўшиқ айтди. Биз қишлоқ болалари унинг оғзига тикилганча роса томоша қилиб ўтиргандик, бир вақт қўшиқ тамом бўлди, катталар ёш болаларни қувиб солишди. Наҳот, кетиб қолса? Шунда мен ҳеч кетгим келмай деразадан бош суқиб туравердим.

Шу кунгидай кўз ўнгимда: бир товоқ гўштни бахшининг олдига келтириб қўйишди. У эса қўл чая туриб:



— Интересний қилдингиз ишни, қаердан обкелдингиз бир товоқ гўштни,— деганди, ҳамма кулиб юборди.

Ана энди ўша товушни ўхшатаман деб, томоқларим қирилиблар кетди-ей.

Онам бечора менга ачинади, ўзи ичмаган иссиққина шўрваларни менинг оғзимга тутади:

— Ма, мановини ичиб ол.

Мен эса...

Бир куни онам мактабга бормайдиган бўлсанг, тоғанларникига ўтиб кел, деб қолди. Менга жон кирди. Эрта билан оёғим олти, қўлим етти бўлиб, эшакнинг жабдуғини тортиб, «Сассиқ қўтон» қайдасан, деб йўлга тушдим. Дўнгқаллақдан ўтаётиб, халачўпни дўмбира қилиб, дostonнинг зўр жойидан бошлаб кетаётган эдим, бир шарпа эшакнинг орқасидан «хап» этди.

Ҳай дегунимча эшак сакраб кетди, мен чалқанча тушдим.

Уст-бошимни қоқиб турганимда, чўпон бобо ёнимга келди:

— Улим-ей, кўзингни юмиб қўшиқ айтгунча, ён-атрофингга қараб юрсанг бўмайдими-а?

Мен эшагимни ушлаб, минишга ҳозирландим.

— Кимнинг ули бўласан?

Отамнинг отини айтдим.

— Ҳа-а, бизнинг Шоқосим ошнанинг улимисан? Укағар Тиркашқал раис бўлмади — бир бало бўлди. Отанг нони бутун, лекин бечора яримжон одам эди. Ноҳақдан ноҳақ уста Ҳаққулнинг ўрнига жўнатиб юборди-я. Ўлмай келсаку бахтиларинг-а! Мени таниб қўй, отангнинг ошнаси Жўрағайбар бўламан.

Эшакнинг устида кетяпман, хаёлимда отам. Белибойлининг бозорига эргаштириб борганлари-ю, қора узум олиб бергани-ю, уни еб, уруғини уйда



ариқнинг ёқасига экканлариму қачон мева тугади деб термулиб ўтирганларимгача... Яна Белибойли қабристондаги ҳайитнамозу арафа кунларидаги воқеалар кўз олдимдан бир-бир ўтади. Тоғамнинг қишлоғига туташган Туяқатор тепалигининг нишаблигида хушим ўзимга келди. Тоғамлар тўрт оғанини — Холли, Хонимқул, Пиримқул, Суюнқул, яна икки эгачи-сингил—ҳаммаси ўзига яраша бадавлат яшайди. Холли тоғам чўпон, умри қўйнинг кетида. Хонимқулиси ғалла бригадири, Пиримқул тоғам бош ҳисобчи, Суюнқулиси зеновой, боз устига чавандоз. Кечки овқатдан кейин дастурхонни йиғиштираётган эдилар, тоғамнинг исмини атаб биров кириб келди.

— Ҳо, Хонимқул, уйдამисиз?

Бурни япалоқ, мушук мўйлов, ёши ўттизларни урган бу одам мен билан ҳам сўрашиб олди.

— Ҳа, жиян, яхшимисан, катта йигит бўляпсанми, опамнинг вақти хушми?— Сўнг гапини узмай давом этди.— Сизларда бир тул хотин бормиш. Маҳмудалибойнинг қизи дейишади. Исми Зухра эмишми?

— Ҳа,— дедим ерга тикилиб.

— Унда, жиян, эртага иккаламиз бир совчилик қиламиз-да?

Мен баттар уялиб, ер суздим.

Гурунг кечаси алламаҳалгача давом этди. Бу ерда бунақа хотин, у ерда унақа хотин бор, боласи йўқ, боласи бор, ишқилиб гап қозони қайнади. Биласиз, ўша даврларда хотин олиш, уйланиш мулкдор олдида ҳеч нарса эмас эди. Бўй қизларга бир сигир, мундайроғларига уч эчки, хунукларига бир эчки юборар, бева хотинларга эчки бермас эдилар. Хотин олиш, уйланишдан кўра, қорин тўйдириш оғирроқ эди. Гап қиёмига етди. Сафарга отланадиган бўлиб келишдик. Тонг ёришди, мен эшакда, у киши пиёда, қўлида катта зарангтаёқ, йўлга тушдик. Эгизакдан ошиб нишаблагандан кейин:

— Жиян,— деди Холматбой.— Бугун қишлоғимиз Катта Оқнинг остига, Катта тахтага кўчмоқчи. Бизам ишни битириб эртага келинни янги юртга олиб борсак? Жуда иш жойида бўлармиди?

Мендан садо чиқмади. Дўнгаллакда қаршимиздан бир эшакли йўловчи чиқди. Ҳамроҳим билан саломлашди-да, иккаласи анча-мунча гурунглашиб қолди.

— Қани, йўл бўлсин?

— Алай бўлсин, олғали.

Бундай ўйлаб қарасам, ота-боболаримиздан қолган ҳар бир саволнинг муносиб жавоби бўлар экан. Кечгача онам билан суҳбатлашдик. Кечроқ онам Зухра опанинг ота-онаси билан гапни бир ерга қўйиб келди. Уларнинг уйи бизникидан икки қўшни нари эди. Онасини Хирмиз момо деймиз, онамнинг дугонаси. Улар бир уйда еттижон, мол-ҳоли йўқ, қўл учигагина кун кўришади. Бу аҳволда қандай тўй бўларкин денг...

## ЗУХРА ОПАНИНГ УЗАТИЛИШИ

— Уйи тўла бир этак гўдак, биттагина эчки берингизлар ҳеч бўлмаса, шу гўдакларни еб-ичса, савоб бўлар,— деди онам.

— Оҳ, опажон-а, ҳеч вақомиз йўқ-да,— деди ялинган бўлиб Холматбой.

Онам мокидай қатнаб-бориб келаверди. Менинг ичим эзилади. Она, чарчадингиз, қўйинг десам, бош чайқайди:

— Улим-эй, қурғур қиз фарзанднинг исноди бўлади. Шуни жойлаштириб жубарайн, савобига қоларман.

Эртасига гап ечилди. Бермаса-бермасин ўша улоқчани, олиб кетаберсинга тақалди. Гапни қарангки, отаси, укалари қўшилиб бормаймиз, дейишибди. Совчи белини боғлаб, қўлига таёқни олди:

— Опа, бундай келин обборишнинг охири қандай чиқаркин?..

Онам уни эшитди-эшитмади-да, салмоқлаб гап бошлади:

— Замонлар келар, даврлар ўтар, Зухра бола-чақали бўлар, қуруқ сўппайтириб эргаштириб келган экан, ота-оналари ҳам қутулишига «қулҳувалло»на ўқиб ётган экан демасин?! Қудратжон, сен ҳамроҳ бўлиб боргин.

— Хўп,— дедим ерга қараб.

Холматбой олдинда, биз Зухра опа билан юз метрлар чамаси орқада,

Жийдабулоқ йўли билан кетяпмиз. Зухра опанинг эгнида ювилавериб ўнгиб кетган лола гулли сатин кўйлак. Йиғлайвериб кўзлари қизариб кетибди. Юзининг сағал қоралигини ҳисобга олмаса, ўн саккиз ёшли қизларга ўзини алмашмайди. Менга бурилиб, ўз-ўзича:

— О, худоё худовандо, Тўтигул холам юзга кирсин, улларининг яхшилигини кўрсин,— дейди.— Мендан ота-онам безор бўлган-да, улини қўшиб жўнатди.

Йиғлаб-йиғлаб дуо қилади-да, яна мендан сўрайди:

— Қудратжон, жойи қандай? Халқи яхшими? Шиғанай дейишади элини, ростми?

Мен эса шиғанайми-пиғанайми — билмайман, лекин яхши халқи бор, дейман. Яна менга гап қотади, яна йиғлайди. Қиз болани палахмоннинг тоши дер эмишлар. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, Жийдабулоқнинг устига чиқиб бордик. Биз борадиган овул шундоққина кўриниб турибди: Катта Оқнинг ости.

Қуруқ кўприкнинг устидаги Катта Тахта бор-йўғи ўттизтача ўтов, кигиз капалар тикилган. Бошидаги уч ўтов — тоғамларники, пастроқда яна беш-олтитаси. Қуруқ кўприкдан чиқиб келишда ўнг тарафда иккита кигиз капаниң бири ўша Зухра опа борадиган Холиёр тоғаники. Бошдан-оёқ бир-бир тушунтириб чиқдим.

Элчимиз олдин кетган. Оғзи қулоғида, акамга хотин топиб келдим, деб гуриллаб, бир гапни қўйиб, бир гапни олаётган бўлса керак. Иккаламиз олдинма-кетин овулга яқинлаша бердик. Ун-ўн беш чоғли ёш болалар, келин-келвақлар, қизлар олдимизни ўраб чиқишди. Салом-алик, кўришиш-сўрашиш қаёқда, бари Зухра опанинг юзига тикилади. Менинг жаҳлим чиқиб кетди:

— Нима, келин кўрмаганмисизлар? — десам, бир кап-катта қиз кулади:

— Хушрўймикан деяпмиз-да.

— Нимаси хушрўй эмас? Каллаларинг борми, мен меҳмон олиб келяпман. Агар чиндан куёвсираб қолган бўлсаларинг юринглар, Белибойлига оббориб, ҳар бирингни беш эчкидан сотай, тўққиз қиз қирқ беш эчки бўласизлар. Бир отар мол деган сўз-а!

Бири кулиб, бири аччиқланди:

— Ҳе, жигит ўлгур, бизни эчкига сотмай!

Мен бўш келмадим:

— Жигит обқочиб кетгур, туядай бўмай!

Ёнимда келаётган Ойкумуш холамнинг қизи Ойимхол ҳо-ҳолаб кулиб юборди:

— Ҳа, бу эрсиз қолгур мегажинларни боплаб қўйдинг.

Ади-бади билан овулга ҳам кириб бордик. Келдинг-кетдингдан дарак йўқ. Бир вақт шошиб, Ойкумуш холам келиб қолди.

— Ҳай, қурғурлар, келинни менинг иним узатиб келибди-ку. Нимага тўннинг каттасини кийгизмадиларинг?

Қилди тўпалон, қилди жанжал. Ахийри сандиқни кавлаштира-кавлаштира битта эски қалпоқ чиқариб беришди. Менга қалпоқдан кўра бир коса шўрва азирок эди шу тобда...

## ХАТ

Бу дунёда ота-она меҳридай меҳрни топиб бўлмаскан. Уларнинг васияти эса олтинга ҳам топилмас экан. Чинданам, тириклик вақтлари қадрларига етмасканмиз, аммо кейин шундай билинарканки... Гўё сен суянган тоғнинг бир томони кулаб кетгандай бўлаверар экан. Минг йиллар бурун ўтган донолар ота-она, ака-укаларни тошқалоққа менгзаганлар. Тошқалоқнинг бири юмаласа, қолгани ҳам навбати билан изма-из юмалайверармиш. Аммо биз-чи? Буни асло фаҳмламаймиз. Вақт ўтгандан кейин эса афсус қилиб юрамиз. Бу ҳақда Махтумқули Дурди шоир билан шундай айтишган экан:

— У нимадир, ёқаси бор, ёни йўқ?

У нимадир, қаноти бор, қони йўқ?

У нимадир, одам ютар, жони йўқ?

Шоир бўлсанг, шундан бизга хабар бер!

— У кафандир — ёқаси бор, ёни йўқ.

Капалақдир — қаноти бор, қони йўк.  
Қора ердир — одам ютар, жони йўк.  
Биздан, салом бўлсин, жавобимиз шу!

Дарвоқе, отам ана келади-мана келади, деб эшик тиқ этса, чопиб чиқамиз. Бир бамаънироқ одам келиб, қайтиб қолади, ҳукумат ногирон кишини олмайди деса, бор егуликларимизни дастурхонга тўкиб, оғзига термуламиз. Бемазароқ одам келиб, ёмонроқ хабар айтса, йиғлашиб оламиз.

Алқисса, орадан уч ой ўтгандан кейин отамдан хат келди. У Кўйбишев деган бир шаҳарга бориб жойлашибди. Уқиш-ёзишни билмас эди, бир шоиртабиат одам билан ака-ука тутинибди. Шунга айтиб туриб, хат ёздирганмиш.

«Кўйбишев шаҳридан алангали саломхат!

Ўзал Ўзбекистонда соғ ва саломат яшаб турган, азиз ва меҳрибон умр йўлдошим Жумаева Тўтигулга ва жондан азиз ўғилларим Қудратжон, Абдурахмонжон, Алиқулжон ва Муҳаммадиёржонларимга алангали саломлар бўлсин!

Менинг азиз, тиловчи қизларим Тўлғоной, Зайнаббиви ва Ойимсоражонларга осмондаги юлдузларча саломлар. Биз вақтимиз хуш, димоғимиз чоғ, ўйнаб-кулиб, тирик-тетик ишлаб юрибмиз. Алағда бўманглар. Менинг биргина васиятим шуки, Тўтигулим, мен ўлмай боргунимча, шу етти фарзандни сизга, сизни Оллоҳга топширдим. Етти фарзанднинг биттасини ҳам бировнинг эшигига етимликка берманг. Энг кичкина ўғлимни суннат қилдилинг. Мен кўриб-кечирганим етимликларни улар кўрмасин, илойим.

Осмон тўла кабутарлар,  
Она юртга бориб кел.  
Кўшиқ тўла дафтларлар,  
Севинч хабар олиб кел.  
Тўтигулдай севгилимга,  
Алангали саломим айт.  
Ул етти жони-дилимга,  
Ширин-шакар каломим айт.  
Ўғлим, қизим ўрним боссин,  
Магар ажал кўмсаб келса.  
Кўйган қалбим топар таскин,  
Шоқосимнинг ўғли деса.  
Эларо бўлсанг, номимни  
Доим покиза сақлагин.  
Еш тўкиб чекма ғамимни,  
Фарзандлик бурчингни оқлагин.

Донолар ютганим ўзимники, чайнаганим гумон деганлар. Ўлмай борсам деб катта гаприб юбордим, чоғи. Астағфируллоҳ-астағфируллоҳ! Аммо, дийдор кўришолмайдиганга ўхшаймиз. Тушларим элчиларига разм солсам, йўлда қаердадир менинг тупроғим бор. Аммо сизлар мен учун нолаю фиғон чекмангиз! Улик тирилмайди, тириклар ўлмасин. Отанг Шоқосим Кўчкин ўғли».

Шундан эътиборан отам келади, деб чопиб чиқишдан умид узилди. Ҳар куни шу хатни онамга икки маротаба ўқиб бераман. Ривоятларда айтишларича, ҳиндларнинг аллақандай муқаддас китобида заминда ўн саккиз миллион махлуқот яратилгандан буён барча мавжудот бир жуфтдан эмиш, аммо ёлғизлик фақат Оллоҳ Таолога хос эмиш. Лекин, эр хотинидан, хотин эридан бирор манзилли ёшга етмай ҳеч-ҳеч жудо бўлмасин экан. Бу жудолик оғир мушкулот экан. Орадан олти ойлар ўтди чоғи, бир куни онам мени олдига чақириб, хомуш ҳолда:

— Отангнинг қошидан бир одам келибди. Оқтошдан эмиш. Хўжайжириқ дейишади. Айтиб юборибди. Отанг Когонга келганда унга икки юз эллик сўм билан бир хат ҳам берганмиш, — дедию давомини айтмай йиғлаб юборди.

Оҳ, дедим, жоним сачраб кетгандай бўлиб! Отамнинг қазосини онам иккимиз эшдиг-у, аммо одамларга айтолмадик. Барибир бир куни хотин-халаж қайдан эшитишган, уйимизга бостириб кела бошлашди. Ён қўшнимиз эса шошиб ёнимга келдию мени қучиб бағрига босди:

— Вой, қандай отанг бор эди, етим қолибсизлар, болам... — Кейин секин энгимдан тортди. — Жилла қурса товуш чиқариб тургин...

Оҳ, мэн эса икки ойдан буён ич-ичимдан куйиб-ёниб, йиглаб кул бўлган манку-я...

Лекин уларга буни қандай айтай...

## ОТАМНИНГ ОМОНАТИ

Отам ишчи батальонидан Хўжайжириқ деган одам билан бирга бир вагонда қайтган экан. (Уни жириқ дейишнинг сабаби, лаби туғма жириқ бўлиб, доим тиши кўриниб турар эди. Қарияларнинг айтишича, аёллар бошқоронғи бўлганда қуён гўштини еб қўйсалар, боланинг лаби шунақа туғилармиш.) Когонга яқинлашганда отам оғир дардга чалиниб қолибди. Юртига етиб олишга кўзи етмай уни чақирибди:

— Эй, Хўжайжон. Мана шу салом хатни оиламга етказсанг. Мана бу икки юз эллик сўм пулга кичик ўғлим Муҳаммадиёрга суннат қилдирсин. Мен бу дунёдан тинчгина оёқ узатиб кетайин. Сенга шуни етказиш қиёмат қарз...

Охирги гапи шу бўлдибди-ю, тили калимага келмай қопти: Поезд станциясида ўн беш минут тўхташи керак экан, бир соатча қолиб кетибди. Тилдан қолган олти жафокашни касалхонага топшириб жўнашибди. Эртаси, жума куни эса Когоннинг ғарб томонидаги эски мазорнинг жарлик тарафига катта чуқур қазиб, ҳалиги бандаликни бажо келтирган бояқишлар кўмилибди. Юртимга етдим деб, олов бўлиб ёниб келаётган олти юрак... тупроқ уюмига айланибди...

Хайрият, ҳар куннинг кечаси бор! Агар кеча ҳам бўлмаса бу дунёпараст одамлар нима қиларди, ишлайвериб-ишлайвериб, ишнинг бошида ўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас эди. У иш чиқди, бу иш чиқди билан Хўжайбобо уйимизга уч ойдан кейин келди. Укаларимга худди уйда байрам бўлиб кетди. Онам билан менинг кўзимизда ёш. Уйга кираман, ташқарига чиқаман. Юрагимга қил ҳам сиғмайди. Сени одам деб гап тайинлаб, қоғоз берибди, ўлармидинг эртароқ келсанг!

— Катта ўғлинг шуми? — Менга ишора қилди у.

— Ҳа, шуғона.

— Улмаса отасининг ўрнини босади, хафа бўлма. Шу болаларнинг манга-лайини силаб одам қил. — Бобо пул ҳақида гап очиб, чайнала бошлаган эди, онам бош чайқади:

— Йўқ, розимиз, сизга бағишладик.

Бобо жўнаб кетди.

Укаларим, хатни ўқи, хатни ўқи, деб жавдираб тикилишади. Марҳумнинг васиятини яқин кишилар олдида ўқишнинг даҳшат эканини кўз олдингизга келтирасизми?

Ўзим ўқияпман-у, кўзимдан ёш тинмайди. Онам эса ҳеч кимга, ҳеч биримизга қарай олмайди.

«Ассалому алайкум, менинг рўзғорбошим Тўтигул, ассалому алайкум, тўрт ўғил, уч қизим, соғ-саломат саксондан ошинглар. Бир кўриб ўлсам армоним йўқ дердим. Афсус-афсус, тилагимга етолмадим. Ўғилларимни ўқит, илмли, онгли одамлар бўлиб етишсин, токи менингдек кўрсавод бўлиб қолмасин. Менинг душманларимдан ўч олмасин. Йўқ, ўзим оламан ўчимни. Ўғилларим, жондан азиз болажонларим, сиздан биргина илтимосим — ҳамиша тўғри юриб, тўғри туринглар! Ҳалол меҳнат билан еб-ичинглар. Ҳамиша мағрур бўласизлар. Камтар, камгап ва камсуқум бўлинглар — иззат топасизлар. Қизларим сизлардан илтимос, онангиз раво кўрган жойнинг эркак ва аёлини ҳурмат қилинг! Жуфти ҳалолнингиз билан покиза ҳаёт кечиринг! Бу билан онангиз ҳурмати оширасиз. Охирги ваъдам:

Арзим айтай, аё дўстлар,  
Менинг ўтли фиғоним бор,  
Очиқ кетди қора кўзлар,  
Арш аълога дostonим бор.  
Тўртта ўғил, учта қизим,  
Тўтибону ул юлдузим,  
Олов қалбдан ҳар бир сўзим,  
Очилмаган хазоним бор.  
Мендан ёдгор етти жоним,

Тўтигулдай меҳрибоним,  
Ширин-шакар хонадоним,  
Кўрмадим, минг армоним бор.  
Дарё бўлди кўздан ёшим,  
Узокларда қолди лошим,  
Мусофирдир азиз бошим,  
Кўрмадим, минг армоним бор.

Ушбу салом хатни ёзиб берувчи Эшони Чўлпонхон авлодидан». Иккита имзо чекилган.

Отамдан қолган мана шу ўн олти мисра шеърини қўшиқ ҳали-ҳануз руҳимга куч бағишлайди. Ривоят қилишларича, катта ғорда бир илонни тош босиб қолибди. Рўбарў келиб, мол боқиб юрган чўпон тошни ағдариб илонни ўлимдан қутқарибди. Илон инига кириб кетиб, бир маҳал қайтиб-чиқибди-да:

— Ма, беш танга, ол! Ҳар куни келиб тур, — дея кириб кетибди. Чўпон қартайиб қолгач, ўғлига мерос қилиб қолдириш учун илонни таништирибди.

Ўғли эса ҳар куни келавериш жонига тегибди-ю, бир куни илонни ўлдириб, биратўла дунёсига эга бўлсам-чи, дея қиличини яшириб келибди. Илон беш тангани бериб қайтганда, қилични бир сермаб экан, думини учириб юборибди. Эртаси илон инидан чиқмабди. Ўғли отасига бўлган воқеани айтишга мажбур бўлибди. Шунда у бекор қилибсан-ку, деб анча койибди ва ўғлининг ножўя иши ҳақида узр сўрамоқчи бўлиб, илон ҳузурига борибди:

— Узр, ўғлим номуносиб иш қилибди, яхшиликка ёмонлик. Бир куни мен ўлсам...

Шунда илон унинг мақсадини тушуниб:

— Афсуски, мен ҳар дафъа ўғлингга танга бераётганимда чиройли думчам ёдимга тушаверади. Ахир, қасос қиёматга қолмайди-ку! — деган экан.

Менинг падарбузрукворим ҳам худди илонлар шоҳидек, ўзининг ҳалол меҳнати билан топган-тутганларини дастурхонга тўкиб, ошна-оғайнилари билан баҳам кўриб юрган экан. Аммо нонини туя қилиб юрган тузҳаромилар-чи? Унинг изига сув қуйишди. Одамзод она заминга табиатнинг сирли сармоёси бўлмиш падарбузрукнинг ғуруридану модарибузрукнинг суруридан бир парча эт бўлиб —ингалаб, яъни менга ҳам жой, деб туғилади. Қисқагина етмиш-саксон йил умр кўради, аммо шугина умрида қилган яхшилиги ҳам, ёмонлиги ҳам сўзсиз ўзига сийлов бўлиб қайтади. Э, осий бандалар-а, нега буни сезмайсиз?..

## ЧУЛОН ШЎРВАНИНГ ПОДШОСИ

Кунлар ўтаверди, ишлар эса ҳад-ҳисобсиз. Ғалла ўриш, ҳўкиз қўшиш, янчиб давлатга топшириш, ишқилиб тинч ётиш йўқ. Онам бўлса икки гапнинг бирида ўқишингга бор, дейди. Бир куни қулоғим тинчисин учун Терская қишлоғидаги Тўлғаной опамникига борсам, ёнғоғимни қоқиб бер, деб ялиниб туриб олди. Мен дарахт устида, опам пастда, ёнғоқ йиғиштираётган эдик, Мўмин деган ошнам бориб қолди. Гапдан гап чиқиб:

— Биз Эрмат билан Деҳқонободдаги мактабга қатнаямиз, — деди у.

— Қачондан?

— Бу йил тўққизинчимиз.

— Мени ҳам эргаштиринглар, — дедим қизиқиб.

— Эртага дириктир саккизта бола олиб боради. Тушда келсанг, бирга кетамиз, — ваъда қилди у.

Кечга бориб онамга гап солдим, хўш-хушвақт, борақол, деди. Эртаси пешинда олти кулчани халтага солиб, йўлга тушдик. Қарасам дириктир Саидов отда, қолганлари эшакда, Пистамозордан ўтиб кетишяпти. Орқаларидан етиб, товуш қилдим.

— Уртоқ Саидов, менам борайин.

— Юр, юравер, — дейишди бараварига. Кечаси билан салқинда йўл юриб, эрта билан у мактаб дириктирининг қабулига кириб бордик. Оғзим очилиб, анграиб турибман. Қирра бурун, қора қош, узун бўйли, қадди-қомати келишган Гадов ҳужжат қабул қиляпти. Саидов мени кўрсатиб:

— Мана бу боланинг делосиям, шаҳодатномасиям йўқ, лекин ўқийман деб, эргашиб келди, — деди.

Гадоев кулди.

— Үҳ-үҳ! Асли бизга шунақа отилиб чиққанлари керак-да, делосини ўзимиз тайёрлаймиз, — деди кейин...

Ётоқда ўттиз-қирқ боламиз. «Мудофаа» колхозидан Холмўмин деган оғзи қориндай, девсифат, ибосизроқ бир бола ўқийди. Биз унга «урғочи носирлик» деб лақаб қўйганмиз. Онаси ўндан ортиқ фарзанд тукқанмиш. «Отам носирлик», «онам носирлик», деб ўзини мақтайвериб, ҳамма болаларнинг меъдасига теккан. Ўзи ўласи уйқучи, дарсдан эса нўл. Бир куни Мўмин йўқлигидан фойдаланиб: «Ҳой, ошналар, шу «урғочи носирлик»нинг изига сув қўймаймизми?» дедик. Тун ярим, ҳамма ширин уйқуда. «Урғочи носирлик» билан бешта боланинг башмалдоғига иккита қоғоз қистириб, олов бердик-да, тагига бир стакан сув қуйиб, индамай ётиб олдик.

— Вой ўлдим!..

Оёқ куйган, таги шалоббо, кимни ушлашни билмайди. Роса йиғлади. Эртасига юқори синф ўқувчиларининг йиғилиши бўлди. Айбдорларни топишолмас-да, тикка туриб роса таъзиримизни едик. Шундай қилиб, бора-бора шўхлигимизни ҳам ўқишга алмаштирадиган бўлдик. Лекин шу ҳазилдан кейин «урғочи носирлик» изини қумга солиб, қаёққадир гумдон бўлди.

Мактабда ўша маҳал икки марта бепул овқат берадиган ўттиз кишилиқ интернат бўларди. Тўққизинчи синфнинг иккинчи чорагини тамомлаган пайтим эди, тўсатдан тўрт юз грамм нондан ризқим узилиб қолди. Бозорда бир кило буғдой юз эллик сўм, бозори чалпакни бўлса қирқ-элликка зўрға беради. Оч қоринга ўқиш ёқадими? Декабрнинг сўнгги кунлари қишлоғимизга шалпайиб кириб бордим. Онам суюниб:

— Э, кел, ўғлим! Ўқишларинг қалай, аълolarинг кўпми? — деди.

— Кўп, — дедим секингина. У ёқ-бу ёқдан алламаҳалгача гаплашиб ўтирдик, аммо келиш сирим очилмади. Уй ишларига шўнғиб кетдим. Орадан икки кун ўтиб, онам сўраб қолди:

— Нимага ўқишга кетмаяпсан?

— Бормайман!

— Нимага?

— Нон бермай қўйди.

— Мен тирик эканман, очдан ўлмайсан, бор! — Жаҳли чиққанидан ярим қулоч таёқни қўлига олиб қувди. — Ҳозироқ йўқол. Бир ярим йил ўқиб, энди эшак нўхталайсанми?

— Пода боқаман!

— Ҳе, бўйнинг сингур, шунча ўқитиб фалончининг ўғли подачи бўпти, деган гапни эшитаманми? Аҳмоқ, беақл, мол-ҳолни сотиб бўлса ҳам тўйдираман бир қорнингни: қани, ўқимай кўр-чи?!

Шу маҳал амаким келиб қолди. Кенг пешона, алп қоматли, дили очик одам эди у.

— Ҳа, чеча, Қудратбойга таёқ кўтариб қопсиз?

— Буни қаранг, ўқишни ташлаб, подачилиқ қилармиш.

У кулиб ёнимга келди-да, кифтимга қўлини қўйди.

— Биламан ҳаммасини, интернатдан ўчиришибди. Эртага ўқишга бор. Дириктирга тайинлаб келдим. Фиди-биди қилса, ижроқўмда ошнам бор, ўшанинг олдига кирасан.

Эртаси чошгоҳларда дириктир ишга келди. Оёғимда латта ботинка, тумшуғи йиртиқ, бош бармоғим саёҳатга чиқиб турибди. Бу ёқда кун совуқ, ташқарида қор, аралаш ёмғир ёғяпти.

— Хўш, нима арз?

— Отам йўқ, иқтисодимиз оғир. Интернатга қабул қилсангиз!

Ўтирган жойида қўлини шоп этиб, столга ташлади:

— Интернат ўттиз ўринлик, минг ўринлик эмас-ку, ахир! Қабул қилолмайман, бор!

Тўғри ижроқўмга кириб бордим. Эшикнинг калит соладиган тешигидан разм солсам, амакимнинг ошнаси ўтирибди: шоп мўйлов, келишган, қирра бурун йигит, кифтига оқ пўстин ташлаб, нимадир ёзаяпти. Секингина ижозат сўраб кириб, салом бердим.

— Мени Чори амаким олдингизга юборувди. Интернатга қабул қилмаяпти.

У оёғимдан бошимгача қараб чиқди.

— А-ҳа, бизнинг Чори Қурбонов ошнанинг укасимисан?

Бир варақ қоғоз олди-да, икки буклаб йиртиб, ярмига ёза бошлади.

«Ўртоқ Гадов!»

Ушбу хатни олиб борган болани бугуноқ интернатга олинг! Деҳқонобод район ижроқўмининг масъул котиби Бозор Кенжаев. 27 декабр, 1948 йил».

Дириктир идорасидан жилмай, хатни бердим. Уқиб кўриб, ўқрайиб қаради.

— Мен сенга нима?! Тушимни айтдимми? Урин йўқ.

Яна ижроқўмга югурдим. Бу дафъа амакимнинг ошнаси менга тикилиб туриб:

— Масъул котиб чақиряпти де! — деди.

Югуриш мендан — буйруқ улардан. Дириктир олдин, мен орқада изма-из кириб бордик. Қисқагина салом-алик, кўришув бўлди. Бозор Кенжаев ўрнидан туриб, ўрта бармоғини столга тик қадаб, сиёсат қила кетди:

— Эй, ўртоқ Гадов, сенда калла борми? Калла деб нимани кўтариб юрибсан?.. Боланинг оёғига қара, усти-бошига разм сол! Райондаги корчалонларнинг боласини қабул қилгунча, шунақаларга қараш! Ё ҳозироқ райкомнинг бюросини чақиртириб, думингни тугдириб қўйсам, ақлинг ўзингга келадими?

Дириктир эса тик қотиб турар, бир сўз айтишга мажоли йўқ, гўё қадаб қўйилган ёғочга ўхшарди. Фақат:

— Хўп! Хўп бўлади! — дерди холос.

Алқисса денг, яна сиқса суви чиқадиган тўрт юз грамм нон, бир коса чулан шўрваннинг подшоси бўлиб қолдик...

Унинчини онам айтгандай яхши баҳолар билан тамомлаб, районга тушдим. Ҳамма мактабларга ўқитувчилар тайинланиб бўлган, менга ўхшаш суянчиқлари йўқларгина идорама-идора иш қидириб юрган экан. РайОНО эшиги тагида киришга юрагим пўкиллаб турибман. Ичкаридан вағир-вуғур эшитилади, одамлар камая қолмайди. Шунда бирдан РайОНО мудирининг ўзи чиқиб қолди: қошлари қоп-қора, келишган одам экан.

— Хўш, акаси, бу ерда нима қилиб турибсан?

— Ўқитувчилик қилмоқчи эдим, — дедим тортиниб.

— Баққа кел-чи! — У орқасига қайтди.

Идорага кириб, тик бўлдим.

— Хў-ўш, шундай дегин? — деди у усталига чўкиб.

— Шундай, — қимтиндим мен.

— Унда мен савол бераман, сен жавоб қиласан. Маъқул келсанг, ҳозироқ буйруқ чиқариб бераман. Келишдикми?

— Майли.

— Ньютоннинг биринчи қонунини айт-чи.

Оғзидан чиқар-чиқмас жавобни ёқасига ёпиштирдим.

— Иккинчи қонун-чи? — деди у ҳайратини сездирмай.

Буниям қотириб ташладим.

— У-хў! — У балосан-ку дегандай бош силкиди. — Нисбийлик назариясини ким яратган?

Жавоби ёд бўлиб кетган, шариллатиб айтиб ташладим.

У жонланиб, столга кўксини берганча тикилди:

— Яша, энди яна битта савол бераман. Топсанг ишим беш деявер. — Сўнг бир китоб олиб бетини очди-да, «Дада, Эркин тоғам қанилар? — деди Гулно-ра». Хўш, бу қандай гап?

Ўйлаб туриб-туриб дангал жавоб қилдим:

— Кўчирма гап.

— Э, барака топ. Сени олмасак кимни оламиз! — деди у столга шапатилаб. Сўнг кираверишдаги ўтирган ёшгина йигитчани чақирди.

— Ўртоқ Жонқулов, шу болани «Оқрабат»даги Чкалов номли мактабга жойлаштирасиз. Буйруқни шу бугуноқ тайёрланг. Ҳайми?! Мен кетдим, келгунимча буйруқ столда тайёр турсин.

Шунақиб денг, еттинчи сентябр куни мактабга буйруқни кўтариб бордим. Ўрта бўйли, чағир кўзли, шошқалоқ дириктир буйруқни ўқиб кўриб:

— Яхши, иккинчи синфни берамиз, — деди.

На иш план, на конспектдан дарак бор, икки синфни бирлаштириб дарс ўтаман. Ҳафталар ўтди чоғи, дириктир ҳузурига чақириб иш буюриб қолди:

— Шу Галиманинг эллик килоча буғдойи боракан. Шунини кўтармадан ун қилиб, торттириб келсангиз. Ўзи Менглиқул аканинг уйида туради.

Дарсдан кейин буғдойни эшагимга юклаб, довон ошиб кетдим. Шу кечаси билан тегирмонда торттириб, эртаси пешинда олиб келсам, Галима ўзида йўқ шод, ўтқазгани жой тополмай қолди. Бир зумда усти-бошини алмаштириб чиқди-да, бир пиёла чойга кистай кетди. Кириб ҳавасим келиб ўтирибман, у суйкалишини қўймайди. Нима қилсаю кунглимни олса.

— Уртоқ синфдош, мен сенга атаб яримта келтириб қўйганман, — дея столнинг устига шишани чиқариб қўйди. «Ёпирай, нияти шу эканми?» Юрагим шув орқасига тортиб кетди. Галима ҳеч тортинмай шишани очяпти.

— Бугун қоласиз, азиз меҳмоним бўласиз!

Ичсам! Қизишсам! Ёпишиб қолсам — шунини истаяпти-да. Шундай-ку, лекин бу менга қўйилган тузоқ бўлса-чи?..

Йўқ! Йўқ! Бўлмайди.

Бўйнимни ҳам қилиб:

— Ташқарига чиқай, эшагим бўшалиб кетган бўлмасин, — дедим зўрға.

— Майлингиз, майлингиз! — розилик берди у.

Мен эшакни миндиму туёқни шиқиллатиб қолдим. Мактабда ўн кишимиз, иккитаси педбилим юртини битирган, қолганлари ҳатто ўрта мактабни ҳам тугатмаган. Келади-кетади, дарс нима, таҳлил нима билмайди, конспект борми-йўқми, ҳеч ким лом-лим демайди.

Маош қирқ тўққиз сўм, шундан ўттиз олти сўм қўлга тегади. Унинг бир сўмини ҳам харжламай онамнинг қўлига бераман. У киши эса йиғиб-терибиб, тўй ҳаракатида. Икки гапнинг бирида менинг бошимни иккита қилиб қўйиш ҳақида оғиз очади. Охири қўшнимизнинг Бибигул исмли қизини унашадиган бўлишди.

Бир куни онам чақириб қолди:

— Хабаринг бор, бир қўйни булутдай қилиб боқиб қўйибман. Энди тоғангни айтиб келсанг, қудалар билан гаплашиб келса бўлармиди...

Тоғам колхозда ҳисобчи бўлиб ишлайди. Бамаъни, барваста, билимдон одам. Тафтишларидан қилча ҳам камчилик топмайдилар. У кечикиброқ келди-да, онам билан шивирлаша кетди. Сўнг сўраб қолди:

— Хўш, Қудратбой, бизнинг Кенжаев ошна уйдамикан-йўқмикан? Билсак бўларди...

— Уйида-уйида, бойловдаги отини сувлаётганда кўзим тушди, — деди онам жонланиб.

— Ундай бўлса ишимиз ўнгидан кепти, жиян, — у кўз қисди, — яримта «дори» ола келганман, иш битди деявер!

Гапимиз энди болалаётган эди, ташқаридан дўриллаган овоз келди. Англадиму қуён бўлдим.

— Э, келинг, келинг, ўртоқ Кенжаев!

Иккаласи кучоқлашиб кўриша кетдилар.

— Куёвтўрани роса кўрқитвордим шекилли, — деди у қаҳ-қаҳ уриб.

Улар бирон соат ҳангомалашгач, Бибигулларникига чиқиб кетишди.

Сўнг баҳоли-қудрат саруполар ҳам юборилди.

Кечқурун эса дўстим Эгамшукур билан бориб хотинларнинг имтиҳони — «куёвлик таъзими»дан ўтадиган бўлдик.

Ота-бободан қолган удумлар — олов ёқиш, ит хириллар, кампир ўлди, ипак илди, соч сийпатар — ҳаммаси ўтди. Сўнг иккаламиз бараварига чап енгни бурунга тутиб, таъзимга киришдик. Олифта ойимчалар, куёвни секинроқ уринг дейдиган танноз келинчаклар, элликни урса ҳам ўн саккиз ёшли қизлар билан баҳс бойлашиб юзига лола қўйган қайрилмақошлар атрофимизни ўраб олишган денг...

— Кўп яшанг! Қуйруқ ошанг!

— Куёвнинг тиззаси чиқяпти, уринг!

— Кўп яшанг! Қуйруқ ошанг!

— Куёв эгилмаяпти, белига туширинг!..

Кулги. Қийқирик.



Бу ота-бободан қолган урф-одатлар ниҳоясига етди чоғи, уйда келин-куёвнинг гапига пинҳона қулоқ тутадиган шақилдоқ хотинларгина қолди.

— Менга қаранг!

— Ҳозирча жим ўтиринг, — пичирлади келин. — Атроф тўла қулоқ!

Бунга эшитиб булар аввалдан топишиб қўйган экан-ку, деб ҳалигилар жойидан туриб кетишди. Келин-куёв ёлғиз ўзимиз қолдик...

Бир-биримизга тикилиб тўймайдиган кун қани энди бир умр давом этса...

## ЙЎЛОВЧИЛАР

Кунлар ойларни, ойлар йилларни қувиб ўтаверди. Институтни тамомлаб, яна ўқитувчилигимни бошладим. Таътилларда эса турли шаҳарларга саёҳатга борадиган одат чиқардим. Шундай сафарлардан бирида «Китоб-Тошкент» поездига чиқиб, саксонни қоралаган бир чол билан танишиб қолдим. Узоқ йўл. Купеда нон-чоё ташкил қилдик.

— Уғлим, сўрамоқнинг айби йўқ, сизники қаердан? — сўради ҳамроҳим.

— Деҳқонободдан! Ўзларидан сўрасак, — дедим мен.

— Мен Янгийўлданман. Қаршида ишчи батальонида хизмат қилган ошнам бўлгучи эди. Дийдор кўрайин деб келсам, раҳмати қазо қилибди. Жойи жаннатда бўлсин, илоҳим.

Бу гап миямга ўқдек урилди: ким бўлди экан бу одам?

У эса, дарди-дунёмни остун-устун қилиб юборганидан беҳабар ўз саргузаштларини ҳикоя қилади:

— Эҳ-ҳе ўғлим, бу бош не кўргилик, не укубатларни кўрмади, ўзим неча бор ўлиб-тирилдим. Биз тушган эшелон Куйбишев шаҳрига бориб оёқ илганда кўрсангиз: камида икки ярим минг одам тушди-ёв. Бундай қарасам, поезднинг атрофида оёқ босадиган жой қолмабди. Икки қатор турғизиб, исм-фамилия-мизни, иш жойимизни айтиб, гуруҳ-гуруҳга бўлиб олиб кета бошлашди. Ким дори тайёрлаш заводида, ким — чўчка фермасига, ким — фишт заводида. Қўйингки, ҳар ёққа бўлиб ташлашди. Икки-уч гуруҳ бир баракхона. Бир маҳалгина иссиқ овқат. Иш унча қаттол эмас-у, ой ўтиб-ўтмай ичбуруғ касалига чалина бошладик. Биздан бир чақирим нарида катта госпитал бор эди. Лекин унга тушганларнинг бешдан бири тузалса-тузалади, қолгани ўлаверди. Даҳшат ичида қолганмиз. Худодан сўраганимиз — шу касалга чалинмасак деймиз. Лекин аяган кўзга чўп тушиб қашқадарёлик полвон ошнаимиз билан бетобла-ниб, госпиталга тушиб қолдик. У шундай кучли, ақлли йигит эдики, асти қўяверинг. Колхоз раиси билан айтишиб қолгач, бу ёққа суриб юборишган экан. Мен нимагадир ётсам худди ўлигим шу ёқларда қолиб кетадигандай бўлаверди. Негадир нуқул чўчийман, хавфсираб юраман. Ахийри берган дорисини ҳам ичмай жанжаллашиб чиқиб кетдим. Полвон дўстим эса, мен ётиб, бирор ҳафта дам олай дедию қолди.

Беш кунни ўтказиб, аҳвол сўрашга борсам, унга сен хавфли касалсан, деб ташқарига ҳам чиқишни ман этиб қўйишибди.

Орадан бир ҳафта ўтиб кирсам, алпдай йигит бир ҳолатда ётибди, жойидан туролмайди. Нима дейсиз, дардингизни кимга айтасиз, уч кун ўтиб, ўша ошнаимиз бандаликни бажо келтирди. Кейин эшитдик, қўш ўти бор экан. Шу ўтни олиш учун йигирма кун дори ичириб тайёрлашибди-я, падарлаънатлар. Лекин орадан бир ой ўтмай очди-очди бўлиб қолди. Бутун атрофимизни солдат босиб кетди. Уша госпиталнинг бош врачини қўлга олишди. У душман одам бўлиб чиқди. Госпитал врачларини элакдан ўткази кетишди. Лекин ўлганлар тирилиб қолармиди? Бир йилдан кейин уй-уйимизга жавоб тегди. Ҳамма бола-чақасини, оиласини соғинган, қаноти бўлса, қани учиб кетақолса. Бечоралар топган-тутганини халта-хултасига жойлаб станцияга чиқиб боришди. Кейин учи-қуйруғи кўринмайдиган товар поездга миндиришди...

Мен секингина, қўрқа-писа сўрадим:

— Уша поезд номерини эслайсизми?

— Ҳе, ким номерини сўрабди, — чол қўл силтади. — Билмадим, икки суткалар юрди чоғи, кечқурун одам-одамни танимайдиган пайда бир кичик-роқ разъездда уч минутча тўхтади. Бир маҳал тўсатдан қаёқдан пайдо бўлди, денг ҳар вагонга беш-олтидан бир хил кийимли, рангларига қони йўқ одамлар

сўрамай-нетмай чиқиб кела бошлашди. Сўнг қўлларидан икки юзли пичоқ, бир чеккадан бор бисотимизни шила кетишди. Кичкина ўғлимга бир соат олгандим, шугинани қолдир деганимни биламан, оғзимдан пичоқ солиб юборди. Мана, қаранг, ўнг бетим чандиқ бўлиб қолган. Яна ярим соатлар ўтди. Дод дейдиган одам йўқ. Ахийри поезд секинлаб, ҳалигилар тушиб қола бошлади...

Чол ҳикоя қиляптию кўз олдидан отамнинг қиёфаси, бошдан кечирганлари кетмайди. Ичимдан йиғига ўхшаш бир нима тошиб келаётгандай...

Ахийри чидолмай Бухородаёқ тушиб қола қолдим. Нимага тушдим, қаёққа бораман, бу ерда нима қиламан — ўзим аниқ билмайман-у, лекин ўзимга ўзим нуқул «топиш керак» дейман. Давлат архивини сўраб-суриштириб, бир бало қилиб топиб бордим. Соч-соқоли оппоқ оқариб улгурган мовий кўз одам менга бир дақиқа тижилиб турди-да, сўради:

— Нечанчи йиллар дедингиз?

— Қирқ олтинчи йиллар бўлса керак. Когон касалхонасида ўлган.

— Э-ҳа, уми, улар энг пастда қолиб кетган. Топиш амри маҳол.

— Сиздан ўтиниб илтимос қиламан.

— Юринг, ўзингиз кўринг, ҳеч иложи йўқ! — У етаклаб бориб бир хонанинг қулфини очди.

— Мана кўринг, шу ердан топиб бўладими?

Мен яна ўтиниб туриб олдим.

— Жуда узоқ йўлдан келдим, ака, ўтинаман! Хизмат ҳақингизни берай, бир уриниб кўринг, — дея бир сиқим пул узатдим. Ўйланиб туриб, олди.

— Ҳай, майли, титкилаб кўрай-чи, балки... Исм-фамилияси нима эди? Айтгандай кимингиз бўлади?

Ҳаммасини ёзиб, олдига қўйдим.

— Гап бундоқ, бугун кечгача излайман. Эртага соат саккизларда келсангиз. Айтмоқчи, ётадиган жойингиз борми?

— Бир амалларман...

Шу кечаси билан уйқум келмади. Тонг ёришишига яқин уйқу элтибди...

Бир вақт Когоннинг ғарб томонидаги тош йўлда тез-тез юриб кетяпман. Қабристон биқинидаги катта жарлик четига соя солиб турган ёлғиз дарахт тагида олти одам суҳбат қуриб ўтирганмиш. Бундай қарасам, бири менинг падарбузрукворим. «Ассалому алайкум, ота. Сизни ҳам топадиган кун бора-кан-ку. Изларингизни қидириб қаерларга бормадим...» дебман-у, уйғониб кетибман... Ажаб, бу нимадан имдод бўлди?

Эртароқ туриб, бозор олдидаги чойхонага ўтдим-да, чой ичган бўлиб, айтилган вақтда архивга кириб бордим. Юрагим дукурлаб турибди. Ишқилиб топилган бўлсин-да.

— Келинг-келинг, ўтиринг. — У сарғайиб, ёзувлари ўчиб кетаёзган катта делони олдимга қўйди. — Мана. — Уртароғидан бир бетини очиб, — шу икки актга эътибор беринг-чи, — деди.

Шошмасдан кўздан кечирिशга киришдим. «Архив № 988. 1946 йил Бухоро област Когон район касалхонасида оғир касалликдан ўлган мурдаларнинг акт делоси». Уша бетни очгунча юрагим уриши тезлашиб, пешонамни муздай совуқ тер босди. Кўзим бир нуқтада қотиб қолган. Ўзим столга маҳкам ёпишиб олганман. «Ҳа-ҳа» дейман-у, нафасим чиқмайди, бошдан-оёқ қалтирайман.

Кўз ўнгимда эски бўз алача тўнли одам... бошида нимранг салла, оёғида кирза этик, шундоққина мўлтираб турибди...

Епирай! Бу ахир, отам-ку! Ёки арвоҳимикан?!.

Шунча уринаман, қани кўзимни ўша нуқтадан ололсам...

— О...о...о...та!! — дейман-у, ўз овозимни ўзим танимайман.

Мудир бўлса, тинмай юлқилайдими-ей, бақирадими-ей.

— Ҳай, йигит! Ўзингга кел дейман! Бу ёққа қара, кўзингни оч, дейман!

Шу алфозда қанчадир вақт ўтиб... шарпа йўқолди.

Эс-ҳушим ҳам ўзимга келди. Мудир буни кўриб, сўкиб берди:

— Э, қанақа одамсиз! Ўлиб қолаёздингиз-ку! Нима балодан кўрқдингиз?

— Арвоҳ келди, — дедим секингина.

Мудирнинг ранги оқариб кетди. Тили гапга келмай дудуқланди.

— Қанақа... ар...ар-воҳ? — Кўзи аланг-жаланг бўлиб, ўзи қалтирай бошлади. Энди менинг куним унга тушган эди. Олдидидаги делого кўз ташладим.

1946 йил 27 ноябр кунда бизларким акт тузиб имзо қилувчилар: Бухоро област Когон район 15-больницасининг врачлари С. Зокиров, Т. Смирнов ва даволовчи фельдшер З. Акимовалар бўлиб, поезддан тушириб қолдирилган ишчи батальон қатнашчилари — Кўчкинов Шоқосим, Нурматов Норали, Менглиев Бобоқул, Ашуров Йўлдош, Қурбонов Султон, Азизов Ҳақимлар юрак кучсизлигидан вафот этди деб тасдиқлаймиз.

Бош врач С. Зокиров  
Дежур. врач. Т. Смирнов.  
Даволовчи фелд. З. Акимова».

«Илова:

Когон қабристонининг ғарб томонида ёлғиз сўқмоқ ёқасидаги ёлғиз дарахт ёнида, жарликдан эни ва бўйи икки метр, чуқурлиги бир метру қирқ сантиметр чуқур қазилиб, исм-фамилияси кўрсатилган шахслар биргаликда дафн этилсин.

Дафн комиссиясининг раиси: С. Зокиров аъзолари: Т. Смирнов...»

Бутун аъзои баданим қалтираб кетяпти. Бир алпозда ўрнимдан турдим.

— Уша жойни... тахминан бўлса ҳам... кўрсата олмайсизми?

Мудир менга раҳми келиб тикилди, сўнг бош чайқади.

— Айбга буюрмайсиз. Мен ишлаганимга ниҳояти ўн йил бўляпти. Бу эсан қирқ йилнинг нарёғидаги воқеа...

— Шунисига ҳам раҳмат.

Ташқари қараб юрган эдим, у орқамдан чақирди.

— Биродар, айтмоқчи, сиз қишлоққа кириб, бир одамни сўранг. Назирқул бобо дейишади. Шу одам тўқсонларни қоралаган. Ана ўша чол эсласа зора...

Чап қўлга бурилганимда олти-етти ёшлар чамаси бола йўлдош бўлди.

Салом берган эди, гапга солдим.

— Уйлариңг қаерда, жужуқ?

— Мана шитта!

— Назирқул бобони эшитганмисан?

— Менинг бувам-де.

— Яшанг, ўғлим, мени буванг билан таништирасанми?

— Хўп, бўлади, мулла ака!

Бува неварачеваралари билан чорпояда чуғурлашиб ўтирган экан.

— Меҳмон атои худо! Қани нондан олинг. Чойга қаранг.

Бир пиёла чой ичдим. Юрагим тарс ёрилай деяпти. Бошим лўқиллаб, нафасим сиқилади. Тезроқ сўрасам дейман. Охири ўзи изн берди:

— Хизмат, ўғлим?

— Шу, отамни излаб... Ҳеч бўлмаса қабрини топай деб...

— Нима? Нима? Аниқроқ айт-чи, болам.

— Бундан қирқ йиллар муқаддам олти мусофирни бир жойга дафн этишган экан...

Бирор беш дақиқа сукутдан сўнг чол бошини кўтарди:

— Шундоқ дегин. Бўлган, шунақаси бир бўлган. Мусофирлар экан, деб айтиб юришгич эди. Қабрлари ёлғиз дарахтга яқинроқ эди шекилли. Кўмилиб текис бўлиб кетган бўлса...

У чорпоядан тушиб, қарс билан белини боғлади-да, кимнидир чақирди:

— Хўв, Акбарали!

— Лабрай, буважон! — деди ўрта бўйли йигитча.

— Бизни хўв жарлик ёқасидаги қабристонга олиб бориб кел-чи, болам.

Яна вужудим дағ-дағ титраб кетяпти. Бутун баданимдан тер қуйилади.

Машинадан тушиб бироз тетиклашдим. Тўрт қулочча жой сал дўмпайиб турибди. Нарироқда ёлғиз дарахтнинг тўнқаси, у ҳам чириб, адои-тамом бўпти. Во дариғ, одамнинг қадри шу экан-да. Беихтиёр ўпкам тўлиб, четга қарадим. Шу топда таскин берадиган бир оғиз сўзми, нимадир етмас, кўз олдимни тушунуксиз бир туман қоплаб борар эди. Худди шуни сезгандай, бир чеккага чўккан қария оҳиста тиловат бошлади ўзимга келиб, чўнқайдим...



## Эркин Самандар

# Баҳор фасли → Эр Васли

### САККИЗЛИҚЛАР ТУРКУМИ

1

Сезар эдим, кўнглимга  
Келаётган эди қиш.  
Қани, қишнинг йўлига  
Босиб бўлса эди ғишт.  
Шунда эшик очилди  
Ва сен келдинг ёнимга.  
Қишнинг йўли тўсилди,  
Ишқ йўғрилди жонимга.

2

Айланай сендан ўзим,  
Сендан ўзим ўргилай.  
Менинг нуқра-юлдузим,  
Қаро кўзим ўргилай.  
Сенинг юзларинг хандон,  
Менинг кўзларимда нам.  
Хуш келдинг жонга жонон,  
Менинг сулув маликам.

3

Тил учида сўзларим  
Гўё қотиб қолдилар.  
Мисли гунгман. Кўзларинг  
Эс-ҳушимни олдилар.  
Сен-да жимсан, мен-да жим,  
Фақат кўзлар сўзлашар.  
Менинг икки зор кўзим  
Ой юзингни кўзлашар.

4

Излаганим сен эдинг,  
Йиллар кезиб саросар.  
Ҳар сония йилга тенг,  
Йил асрга баробар.  
Мана энди ғам-ғусса  
Бари ортда қоладир.  
Сабрли қул ўлмаса  
Бир куни шоҳ бўладир.

5

Йўл бўйида хиёбон,  
Ғунчалари маъсумдир.  
Йўл бўйида хиёбон,  
Тонг-саҳардан гавжумдир.  
Кўёш ёрди булутни,  
Зар сочилди бошимдан.  
Гавжум боғни унутдим,  
Сен турардинг қошимда.

6

Кетдик. Шамол йўл бошлаб  
Ўйнар эди сарсари.  
Тик борардик қуёшга  
Қўш қалдирғоч сингари.  
На осмонда бир ғубор,  
На оламда гард бордир.  
Фақат сен бор ва мен бор,  
Севги деган дард бордир.

7

Битта хона бегона,  
Икки курси ёнма-ён.  
Икки соат ҳамхона  
Икки оташ-икки жон.  
Сўйла, соат, ургил занг,  
Тақдир на дер, аён қил?!  
Хукм кутар бошяланг  
Бир курсида икки дил.

Гўё соат тўхтади,  
Кафтгири тош қотди худ.  
Милтиғини ўқлади  
Ишқ — юрақнинг фотиҳи.  
Икки юрак турар тик  
Бир-бирининг пинжида.  
Икки юрак дук-дук  
Урар бўҳрон кунжида.

9

Бир гўшада икки қуш,  
Чуғур-чуғур сўйлашар.  
Бир гўшада икки қуш,  
Гоҳ танг қотиб ўйлашар.  
Бир гўшада икки қуш,  
Кичкинадир қаноти.  
Бир гўшада икки қуш,  
Силкитадир қанотин.

10

Кимдир қоқар эшикни,  
Таъқиб этар қай бир дум.  
Гизлаб<sup>1</sup> бўлмади ишқни,  
Кўз ичида у мардум.  
Бир мардумки, оламга  
Шуълаларин сочади.  
Уйғон дея одамга  
Ўзи эшик очади.

11

Висол чоғи эрка сўз,  
Нозик суҳбат, гап ширин.  
Тушганида кўзга-кўз,  
Энтикишлар зап ширин.  
Ширин эрур зулф иси,  
Гулдан нозик таъб ширин.  
Айтаверсам барисин,  
Барисидан лаб ширин.

<sup>1</sup> Гизлаб — яшириб, бекитиб.



12

Ҳай-ҳай кўнгил, ҳай кўнгил,  
Шўх созларинг муборак.  
Ҳай-ҳай кўнгил, ҳай кўнгил,  
Оғозларинг муборак.  
Ҳай-ҳай кўнгил, ҳай маъво,  
Қутлуғ бўлсин авжларинг.  
Ҳай-ҳай кўнгил, ҳай дарё,  
Қайга сиғар мавжларинг?!!

13

Деразанинг олдида  
Ўсган сарв, осмон бўл.  
Илк висол ҳақида  
Сўйлағувчи дoston бул.  
Сарв шоҳида ўлтирган  
Қушча, бизга меҳмон бўл.  
Ишқ жомини тўлдирган  
Шароб, жон ичра жон бўл.

14

Шабнамли гул япроғи,  
Жилоларинг чиройли.  
Шабнамли гул япроғи,  
Имоларинг чиройли.  
Чиройли, ҳей, чиройли,  
Чиройли ёр дудоғи.  
Чиройли, ҳей, чиройли  
Шабнамли гул япроғи.

*Етмиш иккинчи йил баҳорида мен тоққа кўтарилган эдим. Бошим мовий осмонга теккудек, қўлим юлдузларга етгудек, пойимда қип-қизил лола, қўлимда ишқ майи тўла пиёла.*

*Баҳор, тўқсон кеча-кундуздан иборат сулув фасл менинг бағримга кирган эди. Гулгун баҳор тўқсонидан тўқсон дақиқа менга ишқдан ҳикоялар сўйлаганди, ўшанда. Наинки сўйлаган, балки суйдирган, борлиғимни куйдирган эди. Тўқсон дақиқа висоли, изтироблари менга тўқсон шеър берган, тўқсон саккизлик қоғозга тушганини сезмай қолган эдим.*

*Мен тоққа кўтарилган эдим.*

*Бугун, тўқсон иккинчи йилнинг баҳорида (яратганга ҳамду санолар бўлсинким) яна тоғ ҳавоси, гул бўйи, юлдуз иси мени сархуш этиб, виқорди чўққиларга бошлади. Яна осмон мулошм ва меҳрли, қўл етмас қоялар яна пойимда, яна висол ҳаяжонлири дилимни энтиктиради, яна нозик карашмалар хаёлимни ўғирлайди.*

*Яна баҳор тўқсони тўқсон рангда товланиб, мени тўқсон кўйга солади.*

*Шояд дилимни ёндирган ишқдан тўқсон суврат кўринса!*

МУАЛЛИФ

Асалмисан сен, ҳаёт,  
Шакармисан сен, ҳаёт?!  
Ишқни этган муҳайё  
Сарвармисан сен, ҳаёт?!  
Сафомисан сен, ҳаёт,  
Ибомисан сен, ҳаёт?!  
Дилу жоним маҳлиё,  
Вафомисан сен, ҳаёт?!  
16

Кўзим очсам, кўзимда  
Фақат Ишқ бор, фақат Ишқ!  
Лабим очсам, сўзимда  
Фақат Ишқ бор, фақат Ишқ!  
Ҳеч нарсада бақо йўк,  
Фақат Ишқ бор, фақат Ишқ!  
Ишқдан бўлак вақо йўк,  
Фақат Ишқ бор, фақат Ишқ!  
17

Юрагимда бир дутор,  
Чалингани-чалинган.  
Қулоғингга сулув ёр,  
Ялингани-ялинган.  
Торлари-да бир бўлак,  
Ҳаволари бўлакдир.  
Тинглагувчи ҳам юрак,  
Чалғувчи ҳам юракдир.  
18

Бир оғиздан бир оғиз  
Гул исини ислади.<sup>1</sup>  
Бир оғиздан бир оғиз  
Олма олиб тишлади.  
Бир оғизга бир оғиз  
Шароб ичсанг ол, деди.  
Бир оғиздан бир оғиз  
Шароб ичиб, бол еди.  
19

У, малаклар малаги,  
Бу оқшом мезбон ўзинг.  
Менинг харис<sup>2</sup> юрагим  
Дардига дармон ўзинг.  
У, малаклар малаги,  
Бу тун чароғбон ўзинг.  
Менинг шайдо юрагим  
Тахтида султон ўзинг.  
20

Бир новдада қўш олма,  
Этдим уни ихтиёр.  
Қўш олма, эс-ҳуш олма,  
Сиймобдайн жоним бор.  
Қўш олма, қўш олмажон,  
Асир этдинг бўйингга.  
Жон қуши сайрар нолон,  
Олгин уни қўйингга.  
21

<sup>1</sup> Ислади — ҳидлади.

<sup>2</sup> Қаттиқ берилган маъносида.

Жисму жон рағбат тилар,  
Жаҳд тилайдир жисму жон.  
Лабларинг муҳлат тилар,  
Аҳд тилайдир жисму жон.  
Кон тилайди ўтли сўз,  
Ўтли сўз шиддат тилар.  
Сулҳ тилайдир икки кўз,  
Икки тан ваҳдат тилар.  
22

Ғунча уздим олчадан,  
Майда-майда гуллари.  
Кулоқ тутсам ғунчага  
Ширин-ширин тиллари.  
Тутумласам... мўрчадай  
Нозик-нозик беллари.  
Шайдо бўлиб ғунчага  
Куйлар баҳор еллари.  
23



Шодлан кўнгил, шодлангил,  
Лолазорга отлангил,  
Сенинг тақдирингда, бил,  
Баҳор ва Ишқ эгизак.  
Куйла кўнгил, куйлагил,  
Булбул бўлиб сайрагил,  
Сенинг тақдирингда, бил,  
Ишқ ва Қўшиқ эгизак.  
24

Кўзим очсам, кўринур —  
Баҳор фасли, ёр васли.  
Юрагимда икки нур —  
Баҳор фасли, ёр васли.  
Жиловланиб турган дур —  
Баҳор фасли, ёр васли.  
Қўша келган кайф эзур —  
Баҳор фасли, ёр васли.  
25

Айни баҳор, қуш базми,  
Булбулнинг сархуш базми.  
Ўқилур гул достони,  
Севишган дил достони.  
26

Барғлардаги оқ томчи  
Булбулларга илҳомчи.  
Бийрон этган қуш тилин  
Мажнунтолнинг кокили.  
27

Сочларингни ел ўйнар,  
Ел ўйнаса, дил ўйнар.  
Ҳилпираган толаси —  
Юрагимнинг воласи.  
Сочларингни ел ўйнар,  
Сабода кокил ўйнар.  
Тўйгунча ўйнамоқчи —  
Елнинг ошиғи олчи.  
28

Субҳидам. Сой соҳили,  
Сариқ от сенга маҳтал.  
(От-да сариқ жигули),  
Юган-пугани зарҳал.  
Сени олдим эгарга,  
От пишқириб энтиккан.  
Омад келса агарда  
Темир ҳам кишнар экан.  
29

Отим етса манзилга,  
Туёғига зар тақай.  
Отим етса манзилга,  
Бошдан-оёқ ясатай.  
Отим етса манзилга,  
Тош кесиб, сув келтирай.  
Отим етса манзилга,  
Элга қирқ кун тўй берай.  
30

Мавзелар кўп жаҳонда,  
Сен Тузэлни эсда тут.  
Бўлсанг қайси томонда,  
Сен Тузэлни эсда тут.  
Висолдами, ҳижронда,  
Сен Тузэлни эсда тут.  
Ишқ муҳри шул маконда,  
Сен Тузэлни эсда тут.  
31

Қўлимда жом лиммо-лим,  
Сипқарай шу дам учун.  
Ўзингда тер маржони —  
Гулдаги шабнам учун.  
Комил инсон боғида  
Севгинг учун дилдорим,  
Сипқарайин оқ қилиб,  
Қўлимда жом лиммо-лим.  
32

Сарв каби ғурурли  
Туришингда Ишқ кўрдим.  
Баҳор гулидай нурли  
Кулишингда Ишқ кўрдим.  
Қадамингда хаёллар,  
Юришингда Ишқ кўрдим.  
Пинҳон-пинҳон хаёллар  
Суришингда Ишқ кўрдим.  
33

Кўрдим, қандай иболи —  
Севги кирган маконлар.  
Кўрдим, қандай сафоли —  
Муҳаббатли давронлар.  
Кўрдим, қандай ҳаёли —  
Ишққа гувоҳ райҳонлар.  
Ёринг бўлса вафоли —  
Қолмас дилда армонлар.

33

Тил очадир соқовлар,  
Севилсалар, севсалар.  
Тилдан қолар бировлар,  
Севилсалар, севсалар.  
Шоҳ бўладир гадолар,  
Севилсалар, севсалар.  
Қул бўладир подшолар,  
Севилсалар, севсалар.

34

Ҳеч кимсага чўкмаган,  
Тизимни чўкдим сенга.  
Ҳеч кимсага эгмаган,  
Бошимни эгдим сенга.  
Ҳеч кимсага айтмаган,  
Сўзимни айтдим сенга.  
Қиличдан ҳам қайтмаган,  
Сувора байтим сенга.

35

Қулоғимга кўксингдан  
Келаётир садолар.  
Уни еткарди менга  
Дилда эсган саболар.  
Ажаб, садолар ишқдан,  
Тўлқинлардан яралар.  
Юрагингдан кўшиқлар  
Юрагимга таралар.

36

Намунча ингичка қош,  
Шамшир бўлурми, шамшир?!  
Олмоққа ҳар дамда бош  
Абжир бўлурми, абжир?!  
Оғиз деган мунча тор,  
Ахмар бўлурми, ахмар?!  
Айлагувчи жон ато  
Шаккар бўлурми, шаккар?!

37

Ўз сочингнинг ўйини  
Бўйинсунмас ўзингга.  
Шалолодек куйилиб,  
Тушаверар юзингга.  
Ўзинггаки буй бермас,  
Менинг ҳолим не кечар?!  
Менинг кўзим тин билмас,  
Шалолодан сув ичар.

Қўлимдадир қўлларинг,  
Қўлимдадир оқ ипак.  
Қўлимдадир қўлларинг,  
Кафтимда нур лак-лак.  
Қўлингдадир қўлларим,  
Қўлингдадир гулдирак.  
Қўлингдадир қўлларим,  
Кафтингда ошиқ юрак.

39

Ташқарида гулбаҳор,  
Ичкарида гул нигор.  
Ташда айқирар анҳор,  
Ичда жилваланар тор.  
Ташда қийғос гулли боғ,  
Ичда гул — соҳибжамол.  
Ичу ташда истиғно,  
Ичу ташда иштиёол.<sup>1</sup>



40

Дўстлик — битта қанотим,  
Бир қанотим — муҳаббат.  
Дўстлик — топган бисотим  
Ва ҳаётим — муҳаббат.  
Тангрим, айлама ғофил,  
Эттирмагил истилот.  
Қўш қанотим тугал қил,  
Куч-қувватим қўш қанот.

41

Сирдарёнинг бўйида  
Сирли-сирли бир гурунг.  
Гулу гулзор кўйнида  
Сирли-сирли бир гурунг.  
Сирли-сирли гурунгга  
Қулоқ тутди шаббода.  
Сирдош бўлиб сирингга  
У ҳам кўтарди бода.

<sup>1</sup> Иштиёол — шуълаланиш

Юзинг тутдинг қуёшга,  
Икки шуъла олишди.  
Тоб беролмай «қураш»га,  
Қуёш доводи раб, шошди.  
Юзинг олдида қуёш  
Қуёшлигин унутди.  
Номусидан олиб бош  
Булутга кириб кетди.

43

Кўзим севар кўзингни,  
Қабоғингни севарлар.  
Шафтолигул юзингни,  
Яноғингни севарлар.  
Шайдо кўзим маҳлиё,  
Сақоғингни севарлар.  
Оёқдан бош, бошдан то  
Оёғингни севарлар.

44

Учиб-учиб ул ҳумо  
Қуш қўлингга кўнибди.  
Райҳон ҳиди ҳувайдо  
Кокилингга кўнибди.  
Капалаклар боғ аро  
Сунбулингга кўнибди.  
Ҳинду каби қоп-қаро  
Хол белингга кўнибди.

45

Қаршимизда бир дарё,  
Соҳил бизга бир Ватан.  
Сув ортида бир дунё  
Ланг очилди дафъатан.  
Ишқ аталмиш бу дунё  
Кўзларига қара тик.  
Қаршимизда бир дарё,  
Унда Вафо қилкўприк.

46

Шўх эди соз, шўх эди,  
Дарди-ғами йўқ эди.  
Шўх эди соз, шўх эди,  
Бутун эди, тўқ эди.  
Мунгга тўлди соз энди,  
Маҳзун бўлди соз энди.  
Сарсон йўлда соз энди,  
Инграр қўлда соз энди.

47

Ёмғир ёғар шивалаб,  
Тинмайди ҳеч, тинмайди.  
Айтаверар кўк алла,  
Тошкент алла тинглайди.  
Бугун унга осмондан  
Ёруғ кўшиқ инмайди.  
Кўзим Хадра томонда,  
Келмайди ёр, келмайди.

Тоқати-тоқ сариқ от,  
Елай дейди, елолмас.  
Нега боғлиқ қозикқа,  
Билай дейди, билолмас?!  
Биров унга сўз солмас,  
Биров унга кўз солмас.  
Йиғлай дейди, йиғлолмас,  
Кулай дейди, кулолмас.

49

У кўчага ўтаман,  
Бу кўчага ўтаман.  
Гоҳ Урдага етаман,  
Гоҳ Кўкчага ўтаман.  
Мажнун келар ёдимга,  
Фарҳод боқар отимга.  
Ёмғир ёғар шивалаб,  
Усти-бошим увада.

50

Вафосизлик, қани сен,  
Турарсан қай бурчакда?!  
Топар бўлсам сени мен  
• Бўлай бўлак-бўлакка.  
Жисму жонинг кескилаб,  
Ёқиб ўтда қовурай.  
Шамолли кун сепкилаб,  
Кулинг кўкка совурай.

51

Ишқнинг боғлиқ қўллари,  
Жафо унга кишандир.  
Ишқнинг беркдир йўллари,  
Қадим-қадим тикандир.  
Ишқнинг лолдир тиллари,  
Алдовда бесухандир.  
Фақат ўтдир диллари,  
Унга олов маскандир.

52

Наштар экансан, ҳаёт,  
Ханжар экансан, ҳаёт.  
Шакар дедим, адашдим,  
Заҳар экансан, ҳаёт.  
Сангар<sup>1</sup> экансан, ҳаёт.  
Зангар экансан, ҳаёт.  
Дилбар дедим, адашдим,  
Алдар экансан, ҳаёт.

53

Ҳар қадам макр, бай-бай,  
Дам-бадам макр, бай-бай!

<sup>1</sup> Сангар — тошли.

Оёғингдан чаладир,  
Бу олам макр, бай-бай!  
Муҳташам макр, бай-бай,  
Муҳтарам макр, бай-бай!  
Ҳар одамга кўрсатур  
Ҳар одам макр, бай-бай!

54

Қон эт дилим майли сен,  
Менга шараф ютмоқ қон.  
Лекин, сас бер, қайдасан,  
Жон овозинг кутмоқда.  
Майли, ўтга ташла сен,  
Ўтда ёнмоқ менга шаън.  
Фақат, айтгил борай мен,  
Қаёнда ўшал гулхан?!

55

Кеча туғилган япроқ  
Мунғаяди қаримсоқ.  
Кеча кўкарган дарахт  
Шохалари ҳам карахт.  
Кеча сайраган қушлар  
Ин-инига қочмишлар.  
Сўлим баҳор не бўлди,  
Келмади ёр, не бўлди?!

56

Жафо илгида болта,  
У кўзлайди бошимни.  
Кўтарилиб устимда  
Тўсибдир қуёшимни.  
Мажнун бошини олган —  
Эски болта шу болта.  
Тоҳирни нобуд қилган —  
Кескир болта шу болта.

57

Кўчада, қоқ пешинда,  
Туш кўрибман тик туриб:  
Эмишман боғ ичинда,  
Боғ турармиш қулф уриб.  
Айланмишсан, сен гулга,  
Кимдир ғунчанг юлибдир.  
Чидайолмай боғ бунга  
Кун-паякун бўлибдир.

58

Эриб борар юрагим,  
Қуриб борар юрагим.  
Кўкрагимга тинмайин  
Уриб борар юрагим.  
Уннга қарар юрагим,  
Сўлга қарар юрагим.  
Ёмғир ёғар шивалаб,  
Сени сўрар юрагим.

59

Қайга бурай отимни,  
Адаштирсанг, алдасанг?!  
Кимга айтай додимни,



Адаштирсанг, алдасанг?!  
Қайга урай бошимни,  
Адаштирсанг, алдасанг?!  
Қандай тияй ёшимни,  
Адаштирсанг, алдасанг?!

60

Мен уйингга сим қоқдим,  
Мен симни жим, жим қоқдим.  
Симнинг нари учи жим,  
Бу учидан қон оқди.  
Мен уйингга сим қоқдим,  
Мен симни босим қоқдим.  
Симнинг нари учи жим,  
Бу учи бағрин ёқди.

61

Шундоқмиди ваъдалар,  
Аҳду паймон шумиди?!  
Боқиб қибла — Каъбага,  
Ваъда берган ким эди?!  
Аҳдин бузган ким бўлди,  
Ким сўзида турмаган?  
...Савол бердим хурмога,  
Хурмо барги жим бўлди!

62

Қизил кўйлак кийган қиз  
Келаверди, худди, сен.  
Қизил кўйлак кийган қиз  
Салом берди, худди, сен.  
Ўзин тутди қиз илдам,  
Излагани мен эмас.  
Қизил кийган жонон ҳам  
Сен эмассан, сен эмас.

63

Қай сўқмоққа гизландинг,  
Қайси боққа гизландинг?  
Қайси сокин анҳорнинг  
Ёқасида турибсан?  
Кетдинг қайси йўл билан,  
Ўйноқлашиб ел билан?  
Қайси бир ёш чинорнинг  
Орқасида турибсан?

64

Кўкдан сўрдим: Жирканч не?  
Жавоб келди: Хиёнат!  
Ишқда вафо бирламчи,  
Бирламчидир Садоқат!  
Яна сўрдим: Таянч не?  
Жавоб келди: Қаноат!  
Ишқда сабр бирламчи,  
Бошқа бари омонат!

65

— Сен нимасан?  
— Ҳижронман!  
— Нега мунча келдинг тез?  
— Барглар учар ҳар ёнда,

Баҳор худди ҳазонрез.  
Оғриқ яна зўрайди,  
Яна деди: мен ҳижрон!  
Муҳаббатингни айни  
Қилаяпман имтиҳон.

66

Турай десам қарор йўк,  
Юрай десам мадор йўк.  
Баҳор эди теграмда,  
Бир зумда гул баҳор йўк.  
Ҳуснинг баҳор экан-да,  
Сўзинг мадор экан-да.  
Лафзингда бир қарор йўк.  
Дил беқарор экан-да.

67

Тўғри йўлдан адашган,  
Севилмаган, севган мен.  
Гул деб, урилиб тошга,  
Севилмаган, севган мен.  
Сохта сўзга лақ тушган,  
Севилмаган, севган мен.  
Не тушса тушсин бошга,  
Севган менман, севган мен.

68

Чидайман не азоб бор,  
Ҳижронингга чидам йўк.  
Кўзларимга дунё тор,  
Ҳижронингга чидам йўк.  
Чидайман не ситам бор,  
Ҳижронингга чидам йўк.  
Ҳар нарсага чидам бор,  
Ҳижронингга чидам йўк.

69

Куюк ҳиди анқиди,  
Сассиқ итдек санқиди —  
Менинг ичим, ёронлар,  
Менинг ичим куядир!  
Жиз-жиз этар бир нима,  
Боис нима, сир нима?!  
Менинг ичим, ёронлар,  
Менинг ичим куядир!

70

Бўзтўрғайим, бўзтўрғай,  
Ичкин-ичкин бўзлайсан,  
Сен нимангни йўқотдинг,  
Сен нимангни излайсан?  
Бўзтўрғайим, бўзтўрғай,  
Ўқтин-ўқтин инграйсан.  
Ўз ҳолингга йиғлайсан,  
Мени қачон тинглайсан?!

71

Эй сен менга ҳурган ит,  
Йўл бермайин турган ит,

<sup>1</sup> Ичкин — дилдан.

Мени ғариб кўриб сен,  
Фингшима шу кечада.  
Ириллама, кел бери,  
Сийлай сени дил бериб,  
Фақатгина келдим де,  
Ёринг турган кўчадан.

72

Тун, сендан сўрайман,  
Жунунингга борми чек?!  
Тонг, сендан сўрайман,  
Фусунингга борми чек?!  
Кун, сендан сўрайман,  
Қуюнингга борми чек?!  
Ишқ, сендан сўрайман,  
Уйинингга борми чек?!

73

Сенга мактуб битдин, мен  
Мактуб битиб йиртдим, мен.  
Тонган бўлсанг ваъдангдан,  
Мактуб битиб нетдим, мен.  
Қоғозни-да ёқдим, мен,  
Кулини-да қоқдим, мен.  
Шамол ўйнаб тўзғитган  
Кулга йиғлаб боқдим, мен.

74

Ғира-шира саҳарда  
Чиқиб кетдим шаҳардан.  
Оларми деб доғларни  
Кўтарилдим тоғларга.  
Тоғ ҳам сени сўради,  
Мунгли-мунгли қаради.  
Чўққиларда совуқ қор,  
Йўқ экан сенсиз баҳор.

75

Кўл урсам, ўз-ўзидан  
Тошлар думалаб кетди.  
Боқсам, лола кўзидан  
Ёшлар думалаб кетди.



Юрсам, ларза бердилар  
Илон изи сўқмоқлар.  
Турсам, дардим сўрдилар  
Шивир-шивир япроқлар.

76

Сувга айтсам дардимни,  
Оқиб-оқиб кетдилар.  
Елга айтсам дардимни,  
Ёқиб-ёқиб кетдилар.  
Булбуллар гул мадҳини  
Уқиб-уқиб кетдилар.  
Гулни ташлаб, қалбини  
Чўқиб-чўқиб кетдилар.

77

Баланд-баланд чўққилар,  
Сиздан нажот истадим.  
Сизга монанд чўққилар,  
Дилга сабот истадим.  
Сизга етмоқ қасдида  
Учқур ғирот истадим.  
Сиз баҳона, аслида,  
Ёрни, ҳайҳот, истадим.

78

Қоядаги дўлана,  
Гирдингдаги қор қани?  
Қиш қорини эритган  
Эрка навбаҳор қани?  
Қоядаги дўлана,  
Субҳи жилвақор қани?  
Ваъдасини унутган  
Юраги тош ёр қани?

79

Емирилган адр, сен,  
Умидларим эдингми?!  
Қачон кўрдинг жабр, сен,  
Кўққис завол едингми?!  
Метин-метин тошларинг  
Қай офатда эланди?!  
Мағрур эди бошларинг,  
Қачон қонга беланди?!

80

Алвон лола ўрнида,  
Кўрдим сариқ лолалар.  
Алвон лола ўрнига,  
Тердим сариқ лолалар.  
Алвон лола ўрнини,  
Олмиш сариқ лолалар.  
Олмиш олқиш ўрнига,  
Қарғиш сариқ лолалар.

81

Битта тоғдан ошдим, мен,  
Уёнида нима бор?  
Битта кўл бор тошқин-эй,  
Кўлда битта кема бор.

Тошқин кўлга бормасман,  
Бўлса-да минг жилвакор.  
Кемасига минмасман,  
Кўринмайди унда ёр.

82

Адрда от ўтлайди,  
Битта эмас, мингта от.  
Менга қанот бўлсайди,  
Мингта отдан битта от.  
Олиб учса узоққа,  
Қочоқ ёрга етказса.  
Қочоқ ёрни қучоқлаб,  
Эгарига ўтқазсам.

83

Чотқолда мен гул тердим,  
Қўлим тўлди бир пасда.  
Сайладим, хил-хил тердим,  
Гулим бўлди бир даста.  
Энди тоғда турмасдан  
Елга ўхшаб чопсам, бас.  
Қўлда гулим сўлмасдан  
Энди сени топсам, бас.

84

Қорадарё, сен нега  
Шовқин солиб бўзлайсан?!  
Сигмайин ўз танангга,  
Нималар деб сўзлайсан?!  
Излайсанми Норинни,  
Шундан йўқми ороминг?!  
Қора терга ботдингми,  
Шундан отинг Қорами?!

85


Ақлим айтди: Қўй, севма!  
Дилим айтди: Севаман!  
Жаҳлим айтди: Қўй, севма!  
Дилим айтди: Севаман!  
Гинам айтди: Қўй, Севма!  
Таънам айтди: Қўй, севма!  
Дилим айтди: Севаман!  
Тилим айтди: Се-ва-ман!

86

Оқ кийинган қиёқгул,  
Кўк кийинган қиёқгул,  
Ёр келдими, бир сўз айт,  
Ўз тилингдан қиёқгул?  
Оқ кийиб, оқ таранган  
Дилдор бунда келдими?!  
Қўлларининг исими —  
Юзларингдан таралган?!

87

Баҳор келди серёғин,  
Эрта ёмғир, кеч ёмғир.  
Худди дилдаги оҳим —  
Тугамади ҳеч ёмғир.



Қайда ой — тун чироғи,  
Уғирлади кунни ким?  
Баҳор келди серёғин,  
Сернам келди кипригим.

88


Эсди сабо субҳидам,  
Бир ёқимли-ёқимли.  
Оҳанрабо субҳидам,  
Бир ёқимли-ёқимли.  
Мурувватли бу саҳар,  
Бир ёқимли-ёқимли.  
Келар гўё хушхабар,  
Бир ёқимли-ёқимли.

89

Каптар учирган эдим,  
Оёғига хат бойлаб.  
Каптар учирган эдим,  
Ёрга илтижо айлаб.  
Кўринган оқ осмонда  
Каптар — менинг каптарим.  
Бордимикан жононга,  
Етдимикан гапларим?!

90

Келаяпти бир кийик,  
Ўйнаб қора кўзлари.  
Келаяпти бир кийик,  
Ёнаяпти юзларим.  
Келаяпти бир кийик,  
Менинг оҳу маликам —  
Тўхтамагил, жон кийик,  
Жоним кийик, бари гал!



Мирза Карим

## МОҲЛАРОЙИМ

Езувчи ва публицист Мирза Карим кўхна адабиётимизнинг ёрқин юлдузларидан бири бўлмиш Моҳларойим (Нодира) ҳақида таваллудининг 200 йиллиги арафасида китоб ёзиб тугатди. Қуйида шу китобдан олинган, шоира ҳаётининг баъзи қирралари ёритилган лавҳалар билан танишасиз.

### ОЛАМ ЭТАГИ

Саратоннинг бир тутам тунида кўзинг илинмасиданоқ тонг ёришади. Моҳларойим хобгоҳининг ён томонидаги деразадан оппоқ нур ўйноқлаётганини кўрди-ю, ўрнидан туришга ошиқди. Аммо, вужудида анчадан буён баҳр тўлқинидай тўлиб-тошган истаклари ушалганиданми ёинки, олампаҳоҳининг суҳбатларию қайноқ қучоқларидан узилгиси келмасди. У яна вужудида ҳорғинлик сезди, сониян оппоқ пардай учишга ҳам шай эди. Моҳларойим ўрнидан турмак ниятида нозик қўлларини олмоқчи эди, ёстиқдошининг узун ва тим қора соқоли юзига тегиб, баданида чумоли югургилагандек бўлди. Қизарган баданини беркитди, секин ўгирилиб мунсак ва тунбонини кийди, зарковушини оёғига илиб, обрез томон юрди. Бугун унинг учун олам янада кўхли ва мунаввар, боқий ва муқаддас эди. Ана шу боқийлик Моҳларойимга далда берар, ёр ва диёр ҳақидаги некбин ўйларига жон бағишларди. Тунов кунги мажлисларнинг бирида ғижжакчи Отахон Ҳўқандий «Кел даҳрни имтиҳон этиб кет» матлаи билан бошланадиган ғазални шундай куйга солиб хониш қилдики, ўз-ўзингдан сел бўлмай иложинг йўқ эди. Бир томонда олампаҳоҳ кўзларини юмганча бошини тебратар, гўё ақл-хушини ҳофизнинг хонишию шоиранинг сўзлари олиб қўйгандек эди. Моҳларойим Жаҳон отин билан чеккароқда, салтанат арбобларига яқин махсус хонада ўтираркан, кўзларидаги ёш томчилари дур сингари тўкилай-тўкилай дегандай омонат турарди. Ғазалнинг қиличдай кескирлигини яна бир бор ҳис этган, мана шу ҳис уни яна ижод этишга ундарди. Қадди бироз тик, ёши улуғ, локин ҳуснда ҳар қандай нозанин билан бас бойлаша оладиган Жаҳон отин ҳам чуқур ўйларнинг гирдобига ботганча хаёл сурар, чамаси ана шу қарашларининг ўзи билан Моҳларойимга тан бермоқда эди. Йўқ, Моҳларойим ўзини юқори тутмади, салгина жилмайди, атрофини мажлис аҳлининг шарафловчи овозлари тутди. Моҳларойим буни ғижжакчи Отахон Ҳўқандий шайни дея хаёл этди, аммо хонанда сўз сарварига таъзим этганида икки юзи лоладек қизарди-ю, бош эгиб қўя қолди. Унинг бу такаллуфи ўзбек аёлининг адаби, камолотидан дарак берар, қолаверса, шундай дабдабали давраларда ўзини ҳам майин, ҳам мулоим, ҳам эркин тутар, ўз навбатида бу айрим кўнгли ярим одамларнинг дилини ўртаб юборарди. Илгари бундай анжуманларга заифалар таклиф этилмаэди. Энди эса замон ўзгариб, гўё дунё ғилдираги терс айланаётгандай, мана шундай кутлуғ давраларда ожизалар иштироқ этишади, тап тортмай суҳбатга қўшилишади, ё атайин, казо-казоларнинг сўзини бўлишади. Бу ҳам майли, очиқ юз билан қалам қошини, қора кўзини, таъ-там қоматини кўзгуга солгандай мушоараларда иштироқ этишади. Айрим кўнгли эгри одамлар қиёфасини ўзгартириб ўзини мамнун намойиш этмоқчи бўладилар-у, лекин олампаҳоҳнинг кўнглини овлаш мақсадида қўл қовуштириб «Сиз, ҳақсиз» дегандай бош эгадилар.

Моҳларойим мажлису мушоараларни муштоқлик ва интизорлик билан кутар, олампахоҳнинг салтанат ташвишларидан холи, амиру умаролари орасида эркин бўлишини айти мана шу мажлис аҳли учун хаёлини жамлаб, дилида рўй берган ўзгаришлар, соғинишлар хусусида қоғоз қоралашини ва «Амирий» тахаллуси билан ошиқона ғазаллар битишини яхши кўради. Алалхусус, шоиранинг фикри жойизича, ғазал битилган хонадонга хизр нигоҳ ташлаб ўтармиш. Моҳларойим ўз хонадонини ҳам, салтанатини ҳам ҳамиша ана шу нигоҳ остида бўлишини кумсайди, ҳар куни саҳармардондан тиловат қилади. У эл-улуснинг эзгу ниятини бажо келтириш орузида. Бу орзунинг қанот қоқиши бир томондан соҳибқироннинг маъқуллашига боғлиқ, ҳозирча Моҳларойим мадад олаётир. Худди мана шу мадад, эл назарида, Моҳларойим ҳурматини баланд этаётир. Бунинг устига у Жаҳон отинсиз ўзини ёлғиз ҳис этади. Негаки, у яқин ўн йиллик қадрдон, сирдош, мураббий. Бунинг устига Жаҳон отин келин-какининг қирқи чиқмаёқ хонадонга ташриф буюрган. Моҳларойимнинг эсида, келинликнинг дастлабки кунлари Марғилон негадир унинг учун бегонадек туюлаверди, Андижонни, тўптош ўйнаган болалик дамларини, лола терган Хокан адирларини ўйлайверди, чеҳрасига соғинч ҳислари тепчиб чиқди, буни панжшанба куними, тунги таҳорат олиш олдидан Умарбек пайқаб қолди, эркалади, қучди, кўнглида уйғонган ҳадикми, кўрқинчми, ҳаммасини бирма-бир сўзлаб беришни илтифот ила сўради. Тўғриси, Моҳларойим куёвтуранинг кучоғида чўғ бўлди, нима дейишини билолмади ва базўр Ҳафиза отинни тилга олди. Умарбек ожизасининг қалбида ғазал дарди ёниб, тобора аланга олаётганлигини тушуниб өтди, мамнун бўлганидан ёрининг пешонасидаги патила сочларини қайириб ўпди, сўнг меҳр билан бағрига босди. Бекнинг оташ бағридан Моҳларойим чиққиси келмасди. Умарбекнинг хаёлида нимадир уйғонди шекилли, секин ўрнидан туриб хобгоҳдан ташқарига йўналди. Хонадоннинг ўнг томонидаги эшик унинг китобхонаси эди. Бу ерда гарчи қам бўлса-да, Навоий, Фузулий, Яссавий асарларини ўқир, ўзи тақираларга иштиёқманд, номи хаёлдан кўтарилса-да, ғазали дилнинг чуқур жойидан ўрин оладиган шоирларнинг баёзларини кўп мутолаа қиларди. Ҳозир у бу ерга бежиз чиқмагани. Тўй-томоша бўлибдики, Умарбек беклик ишлари билан банд. Моҳларойим эса келинлик чилласидан сармаст. Умарбек қоралаган қоғозларни бирма-бир излаб топди ва кўз югуртирди, айримларига кўз ташлаб кулимсиради. Шу маҳал Умарбекни қизгангандай остонада Моҳларойим кўринди. Яна ихлос ва ҳавас билан бағрига босди, сониян қоғозни кўлига олиб, ғазални тўлиб-тошиб ўқишга тушди. Моҳларойим бу гал бағрига олгандан ҳам бошқача таъсир оғушида тўлғонарди. Умарбек қилич билан машғул бўлган бекгина эмас, унинг кўлида қалам ҳам яйраб ёзаркан. Ҳаммасидан «Амирий» деб ғазал мақтасини тугатишлари жозибали эди. Шу-шу Умарбек вақти бўлганда Моҳларойим билан сабоқ қилишни йўлга қўйди, лекин бу машғулот узоқ чўзилмади. Умарбек беклик юмушлари билан бўлиб, марғилонлик шоира Жаҳон отин — Увайсийга одам юборди. Жаҳон отин беклик даргоҳига келди-ю, Моҳларойим билан бири кўз, бири қош бўлиб қолди.

Моҳларойим заррин сочиқларга артиниб, патила сочларини тўғрилади. Пардозхонада машшота мушқлардан бўйинларига, қулоқларининг ортларига суртди, соҳибқирони тунов куни мақтаган ўрик гуди янглиғ кўйлагини ҳавасманд кийди ва яна хобгоҳ сари юрди. Кўзининг нури, дилининг малҳами, умрининг йўлдоши, олампахоҳ Умархон бу гал Моҳларойимнинг ўрнида гоят хушсуврат ухларди. Шундай бўлса-да, Моҳларойим шоҳи кўрпачани секин суриб, соҳибқироннинг елкасини ўраб қўйди-да, бамдод намозини ўқишга ошиқди. У яна орқасига ўгирилиб меҳмонхона ёнидаги эшикни очди-да, илгичдаги барқут жойнамозни олиб, юзини қиблага ўгирди. Моҳларойим оёқ шарпасини эшитди-ю, эътибор бермади. «Ассалому алайкум ва раҳматулло» деб ҳам ўннга, ҳам сўлга бурилган пайтда Олима отинга кўзи тушди, у гўё бемаврид кирганидан хижолатда эди. Моҳларойим бамдод намозидан сўнг тиловат қилиб, жойнамозини йиғиштириб, ўрнидан турганда қушдай енгил эди. Олима отин пешвоз чиқди, кўлини кўксига қўйиб, таъзим бажо келтирди-да: «Жаҳон отин ташриф буюрмишлар», деди Моҳларойимга қарата. Моҳларойим мана шундай дили равшан дамларда Жаҳон отинни кўрса яйраб кетар, шу куни саҳармардондан шомгача айрилгиси келмас, ўқиган баёзю қоралаган ғазалигача бирма-бир баён этар, гоҳида Жаҳон отинни ёнига олиб турли қурилишларнинг боришини ўз кўзлари билан кўрмак ниятида шаҳарнинг турли даҳаларига бошларди...

Моҳларойим Жаҳон отиннинг йўқлаганини эшитиб, хонадан чиқди ва одимини тезлаштирди. У йўл-йўлакай рўмолини тўғрилаган бўлди. Меҳмонхона пойгагида назокат ила ўлтирган Жаҳон отинга кўзи тушди-ю, яшнаб кетди.

— Хуш келибсиз Жаҳон биби, қадамларига ҳасанот, — Моҳларойимнинг қарашларию сўзларидан келинлик давридаги илтижо, майинлик ва тавозе намоён эди.

— Сизнинг ҳусну жамолингизу ширин каломингизсиз тура олармидим, оймим! — Жаҳон отин илтифот ила жавоб қайтарди.

— Локин ойна юзига чанг ўрнашгандай эмасми? Ё мен адашдимми?

Жаҳон отин Моҳларойимнинг сезгирлигига тонг қолди. Моҳларойим интизорлик билан яна сўради.

— Бу кўзларни мискин этган ким бўлди? Менга ёрилмасангиз кимга айтасиз дардингизни, биби!

Жаҳон отин сахармардондан бостириб кирганига ўзини минг қатла койиди, шундай бўлса-да, Моҳларойимнинг саволига секин жавоб берди.

— Кеча ҳужрамга кеч бориб эдим. Не кўз билан кўрайин, дарвоза очиқ. Қулф бузилган. Кимга нима керак бўлдийкин, деб хонага отилдим. Қаранг, ойим, дилим ҳамроҳи — танбуримни ҳам кўп кўрибдилар. Ахир, толибларимга илми муסיқийдан сабоқ берардим. Туни билан фарёд чекдим. Мен йиғламай ким йиғласин.

Жаҳон отиннинг ўртаниб ёнишлари Моҳларойимнинг бағрини тилиб ўтди, ҳалигина шодмон бўлган кўнгли устига туз сепилгандай бўлди, Моҳларойимга ҳам кийин, ҳозир кўнглини кўтарайин деса, ўзининг кўли қисқа, Жаҳон отиндек мумтоз шоира, мураббия ва бунинг устига доно аёлга ким озор берди? Моҳларойим чуқур ўйлар, ўйлаган сари турли сабоқ келаверарди. Охири фикрини жамлаб, секингина жавоб берди.

— Мени авф этгайсиз, биби! Хонадонингизга кирган нобакорлар топилур! Узингизни ўкситманг. Бу дунёда яхшидан кўра, гумроҳлик уруғини сочаётган кимсалар устундир. Локин ундайларнинг косаси оқармас. Сиз билан бизнинг хожамиз бор экан, алалхусус, айтганимиз аён бўлгусидир.

— Сиз мени авф этинг, ойим!

— Ҳечқиси йўқ, биби! Сизни кўриб шодландим. Нонушта қилайлик, мадрасадан хабар олмоқчийдим. Биргалашиб борамиз.

Олима отин шу орада дастурхон ёзди, ноз-неъматларни бирма-бир қўйиб чиқди. Моҳларойим иссиқ патирнони ушатаркан, чеҳрасида табассум ўйнаганини сезди. Ҳозиргина ўзини эзаётган ғам юкидан фориг бўлди. Сўнг кеча дилининг бир четига тугиб қўйган фикрини айта бошлади.

— Саримозор даҳасидаги Ҳожи отиннинг меҳмони бўлгандим. Толибаларни кўриб ҳайрон қолдим. Қизлар эмас, нақ булбулнинг ўзи дейсиз. Келини ҳам шеърга кўп хуштаб экан. Дилшод Барно...

— Дилшод Барно, — қизиқиб сўради Моҳларойим. Сўнг эслай олмади шекилли, секин бошини қимирлатди.

— Сизга ихлоси баланд эрур. Бир ғазалини ўқиб берди. Уратепадан келиб қолибди. Банди қилинган экан.

— Йўғ-эй... — ҳайратланди Моҳларойим.

— Ўз тилидан эшитдим. Айтмоқчиманки, ўша муҳожирлик дамларини қоғозга тушира бошлабди.

— Дилшод Барно дедингизми? Ҳарамга чорласакми?

— Билмадим.

— Нега?

— Олампаҳоҳ ҳузурларида шеър ўқиб, қаҳрларига учраган эмишлар.

— Гап бу ёқда денг. Салтанат доирасида бўлмаган одам ўзини бегона ҳисоблайверади. Бўлмаса, Гулҳаний, Махмурдек алломалар ўзларини четга олишармиди. Ё ҳажв кучи ўтмаслашиб қолишига ақллари етса керак-да. Дилшодингиз ҳам ўша тоифадан... Сездим, сездим, ўша тоифадан...

— Локин ғазаллари бағоят гўзал. Ширали. Мана, нима деб ёзибди шоира: «Урдан чиққач, икки йил кейин фаҳм этдимки, у ерда Фарғона мулкининг маликаси, шеърят ва тарона шавқ-завқининг соҳиби, яъни давр Нодираси ва замонаси кўзга кўринган шоираси ҳаёт эканлар, кўришга кўп ҳаракат қилдим, аммо муяссар бўлмадим:

Тонг маҳал чиқди ҳарамдин турфа моҳ,  
Шеърят тожини кийган подшоҳ.  
Таъзим этдик эҳтироми назмига,  
Лойиқ айлаб анга ҳурмат иззу жоҳ,  
— Ким? — дедим, — Нодира, — дедилар ани  
Ёнида Васий турур олампаҳоҳ.  
Ҳар бири минг шоира ўрнидадир,  
Иккови бирла тўлур, ҳар боргоҳ.

Жаҳон отин кўзини қоғоздан олди-да, сукут сақлади.

— Уқинг, ўқинг, давом этинг, биби, — деди Моҳларойим хаёл дарёсида чўмган ўйларини жамлаб. — Қандай ғазал-а, ўқинг, биби.

Жаҳон отин давом этди:

— Бир анор васфи учун минг офарин,  
Деб малика бир менга қилди нигоҳ.  
Шу билан етти бошим то осмон,  
Қолабимга тўлди лиқ меҳри гиёҳ.  
Даврасида ўлтуриб Дилшод эдим,  
Айрилиқ этди мани ҳолим табоҳ.

Моҳларойим бир сония тонг қотиб қолди. Бу сўзларда қуруқ мақтов, аврашу алдаш йўқ, аксинча хуш тавозе, самимияту эътироф этишдек маънили маънолар яширинган

эди. Ана шу сирли, сеҳрли сўзлар нанки Моҳларойимни, балки Жаҳон отинни ҳам банд этган, у ҳам ўзи ўқиган ғазалдан лол, бемажол эди. Хўқанд салтанатида ўзини шоир деб санаган казо-казолар сафининг қарвонбошиларидан бири аталишига арзирли Дилшод Барнога таҳсин ўқимасдан иложи йўқ эди. Моҳларойим буни тушуниб етди, у ҳам Дилшод Барно билан учрашишни дилига тугди...

Жаҳон отин бир бурда патир нонни қўлига олиб, зар югуртирилган пиёладаги чойдан хўпларкан, хаёлида ҳамон ўзини койир, арзимаган танбур учун Моҳларойимга юмуш орттирдиммикин, дегандай бесаранжом кўринарди. Локин, хаёлининг яна бир четида Моҳларойимни кўнларга кўтарган, Хўқанд вилояти маликаси дея чин кўнгил ва виждон амри ила куйлаётган Дилшод Барнодек яна бир ғазалнавис топилганидан, вақт-соати билан кўришиш ниятида бўлганидан Жаҳон отиннинг боши осмонда эди. Нега боши осмонга етмасин. Моҳларойимнинг қувончи — унинг қувончи. Гар афсус ва надомат чеккудай бўлса Жаҳон отинга ўн чандон оғир. Аввалдан турмуш ташвишлари уни кунма-кун эзиб турибди. Умрининг гули ва ҳамроҳи Хожихоннинг фоний дунёдан боқий дунёга сафар этганига яқин саккиз йил бўляпти. У, қолаверса, умр йўлдошига садоқатини сақлади, уни бузгиси ҳам йўқ. Ахир тўнғичи Муҳаммадхон, Кўёшхон бўй чўзиб келяпти. Жаҳон отин умрининг, орзу-умидининг давомини ана шу фарзандларида кўриш ниятида. Мана шу ниятгина унинг қаддини эгмай турибди. Бунинг устига Муҳаммадхон Мажнун тахаллуси ила битган ғазалларини ўқиганда энтикиб кўйишлари бир ўзигагина аён. Қизи ғазалларни муштоқ ва иштиёқ билан ўқийди, ҳатто хаттотлик билан шуғулланади. Демак, Жаҳон отиннинг эртаси ёрқин, нурафшон. Яна ким билсин дейсиз?..

Бир гала ўй Жаҳон отинни ўз гирдобига тортганини Моҳларойим ҳис этарди. Моҳларойим ана шу ҳис — сезгининг қули эди, унга ҳар қанча ва ҳаммиша қуллик занжирида бўлишга шай эди. Негаки, олам бесабот ва бебақо! Ҳар бир одам, алалхусус ижодкор сезги ва севги билангина тирик. Қўйиб берса одамнинг ўзи энг кичик зарра, локин ана шу заррада ақл ва имон устивор. Бу устиворлик беш кунлик дунёни шоду хуррамлик билан ўтказишга, эзгу ишлар қилишга ундайди, қолаверса эрк тифининг нозик паллаларида қайнашдан ҳам тоймайди...

Моҳларойим ана шундай эзгу юмуш билан банд. Ён-атрофида, даврада ва боринги, Хўқанд салтанатида хайрли ишларга қўл урган кишиларни ардоқляпти, кўлидан келган яхшилик уруғини сепишга интиляпти. Ножоизликларни кўрганда, эшитган дамларда Моҳларойим кун бўйи тунд, бесаранжом юради, баъзан юрагига қил сиғмайди. Шунда Моҳларойим қаердадир бир гала ғаламис қиличини қайраётганини, салтанатга кўз олайтираётганини, кўнглининг мулки ва олампаноҳ Умархонга таҳдид қилаётганини англайди. Моҳларойим шу заҳоти ҳарир гуллик кўйлагининг ёқасини хиёл очиб, кўксига туфлаб қўяди: «Узидан келиб, ўзига кетсин», деган саловатни уч-тўрт бор қайтаради, шундан сўнггина кўнгли бир оз таскин топади.

Шу сония остонада Олима отин кўриниш берди-ю, сўз қотиб Жаҳон отин билан Моҳларойимнинг ширин ўйларини тўзғитишга халақит этадигандай бирпас сукут сақлади-да, журъатсизлик билан:

— Мулозимлар айтдиларки, олампаноҳ йўқламишлар!

Моҳларойим этакларини йиғиштириб, секин ўрнидан турди-да, бирров хабар олишга изн сўрагансимон Жаҳон отинга ўгирилди. Сониян остонадан ўтиб одимини тезлаштирди. Моҳларойим хонаи хосга кирганида мулозимлар олампаноҳни кийинтириб бўлишган, янги бир буйруқ, имо-ишорани эҳтиром билан кутиб туришарди. Мулозимлар Моҳларойимни кўрибоқ, таъзим бажо этишди, сўнг ўзларини четга олмак ниятида орқаси билан юриб ташқарига чиқдилар. Олампаноҳ қоп-қора, қалин соқолларини силаганча тийрак кўзларини Моҳларойимга тикди, бу иболи, илтижоли қарашида фақат иккови учун сир яширинлиги ўз-ўзидан аён эди. Моҳларойим беихтиёр олампаноҳнинг рўпарасида тўхтади. Олампаноҳ аини нозли чеҳрани соғингандай бағрига олиб узоқ босди.

— Қўйингиз, номаҳрамлар нима дейишади! Олампаноҳимиз аиниб қолибди деган ўй-хаёлларга бормайдими? Кейин, кейин...

— Кўришсин, майли бутун Хўқанд аҳли кўришсин. Розимен.

— Вой анавиларни...

Моҳларойим ноз билан иссиқ бағридан чиқди ва чеккароққа ўтди. Ҳозир ана шу иссиқ бағрида узоқ эракалангиси, қоп-қора соқолининг тиканларига оппоқ юзларини ўйнатгиси келарди, лекин, ёйилиб қолган офтоб нурлари хон ва маликанинг хатти-ҳаракатидан огоҳ бўладигандай эди. Моҳларойим олампаноҳнинг қони мана шундай гупуриб турган маҳалда дилини ёради. Олампаноҳ иссиқ бағирнинг нашъасиданми, ишвали кўзларининг нигоҳиданми қарахт бўлгандай, лаъл қадалган саллали бошини секин-секин қимирлатиб, адо этишга ризолик беради. Моҳларойим ҳозир ана шу дақиқанинг этагини кўлдан чиқармаслик мақсадида эди.

— Бегим, Жаҳон бибим ташриф буюрган эдилар, анчайин хомушлар...

— Сабаб? — олампаноҳ қошини чимириб, Моҳларойимнинг сўзини бўлди.



— Хужрасидан танбури ўғирланганмиш...

— Ким...

— Шуни билолмай гарангмиз, бегим!

— Маликамизнинг мураббиялари хужрасига кирадиган бадбахтнинг чотони йириб ташлангай!

Моҳларойим олампаҳо оғзига олган хунук сўздан ерга қаради-ю, локин алам ва дард билан айтилган, эрта-индин у нокаснинг топилиши муқаррар экани таъкидланганидан қувонди. Ҳозир чиқибок, Жаҳон отинни қувонтиради, қувонтирадигина эмас, эрта-индин танбурини қайтариб бердиради-ю, яна аввалгидай ўзини лол этган «Муножот»ми, «Тановор»ми, истаган куйини чалдириб, роҳатланади, лаззатланади. Моҳларойим шу билангина чегараланса бўларди, иттифоқо ингирчоқлик Хосият кампирнинг арзи ҳамон ечилмаётганини эслади. Ана шу онанинг кўзешлари ҳаққи, фарзандининг йўлига нигорон орзу-умидлари ҳаққи ҳозир айтиши керак, ҳа, ҳозир!

— Бегим... — Моҳларойим олампаҳо олдида ва умрининг йўлдоши олдида тасрайиб тургиси келмадими бошини хиёл эгди. Лекин Моҳларойим бир муддат сукут сақлаб турди.

— Сўзлангиз... — олампаҳо бетоқатлик билан сўради.

— Аввал сиздан ўтиниб сўраган эдим, ингирчоқлик Хосият кампирнинг қизи ҳусусида...

— Ингирчоқлик...

— Ҳа, яккаю ёлғиз қизалоғини ўғирлаб кетишганмиш. Ҳатто ҳарамга олиб кетилган деган миш-миш юрибди. Уша куйган онаизор ҳаққи қизининг топилишини ўзингиз қўлламасангиз...

— Ингирчоқдан дедингизми?

— Ҳа, ҳа, — Моҳларойим ҳозирнинг ўзида топилиб қоладигандай севинарди.

Олампаҳо Умархон севгилиси Моҳларойимнинг илтижо ила айтган илтимосларини ерда қўймас, адо этишга ваъда берса ернинг остидан бўлса ҳам қидиртирар ва топилган, севгилисининг чеҳрасида жилва қилган кулдиргичларидан ўпиб қўйгувчи эди. Тўғри, Моҳларойим олдида ғоят ювош ва майин кўринган Умархон салтанатда, саройда, жанг майдонию ва ҳатто сайр-саёҳатда бутунлай ўзга ҳолатда бўлар, буни ўзича



табий ҳисоблар ва шундай бўлишни истарди. Негаки, у биргина Моҳларойимнинг ошиғигина эмас, балки бутун Ҳуқанд салтанатининг отаси! Унинг дасти узун — хоҳласа қирқади, хоҳласа узайтиради ва аини пайтда хумга авайлаб чоғир қуйилгандек, олампа-ноҳнинг миясида ҳам жаҳолат уруғи кўпаяверади. Узининг фаҳмича, салтанат ма-йинлик, ибодикни эмас, балки қиличдек кескирлик ва қаттиққўлликни ёқтиради. Ҳозир ингирчоқлик қиз ҳақида эшитди-ю, чуқур ҳаёлга толди. Уйлаб-уйлаб эслолмади, кейин бирдан нимадир ёдига тушди. Эҳ-ҳа, ўша эмасмикин? Қувасой атрофида эди шекилли. Йўқ, ўшанда чодирнинг бурчагига икки арвоҳ капалак кўнгандию бутун орзу-умидлари пучга чиққанди. Аниқ куни эсида йўқ, вазири калоннинг: «Ҳалиги парини синглингиз чўриликка синаш умидидадирлар», деганини эшитди-ю, устма-уст чоғир ичиб, дунё ишларидан кўнглини узган олампаҳо ким ҳақида, нима деяётганлигини ҳам унутиб «Буюрингиз!» деганди.

Подшоҳи аъзамнинг ўйлаб-ўйламай берган буйруғи ўша заҳоти адо этилиши му-қаррар. Бу минг йиллаб ўзгармай келаётган удум.

Ҳозир рўпара турган салтанат маликаси ёхуд беозор маъшуқаси сўровига нима деб жавоб берсин?! Тўғриси, Моҳларойим олдида ёлғон гапиришга ботинолмас, бунга тили ҳам келмас, аини маҳалда ўрганмаган ҳам эди. Шу хислат устун келдими ва ниҳоят дилдан ёрилишни фарз деб билдими, ишқилиб, олампаҳо Умархон деди:

— Шаҳрихонга чопар юборингиз. Ҳожи тўра хонадонда бўлса ажаб эрмас.

Бу гапларни эшитиб Моҳларойимнинг ҳайрати ошди, тўғриси қулоғигача қизариб кетди. Гўё ёстикдошини ҳаром-ҳариш жойда қўлга туширган-у, ҳозир устига устак дакки бераётганга ўхшарди.

— Шаҳрихон... Қизиқ... Ингирчоқлик қиз нима қилади у маконда.

Олампаҳо қовоғини уйди.

— Салтанат атрофида неча минг югурдак борлигидан беҳабармусиз. Илло билади, не мақсадда ўғирлашгани-ю, уни Шаҳрихон сари элтишганини... Ниҳоят синглим чўри-ликка сўраттирган экан, буюриб эдим.

— Қуллук... — Моҳларойимнинг чин дилдан айтаётган ташаккури аллақандай таъ-нага ўхшарди.

...Олампаҳо қафтини бир-бирига урди, остонада шай турган икки мулозим қўл қовуштириб кўриниш берди. Сўнг олампаҳонинг имоси билан ҳузурига ошиқди.

— Сизларга икки кунлик муҳлат берурмен. Маликангизнинг измида бўласизлар. — Сўнг олампаҳо Моҳларойимга ўгирилди. — Бугун йўл тадоригини кўришинми?

— Ихтиёрингиз...

Олампаҳо «қап тамом» дегандай шахдам одимлар билан чиқиб кетди. Мулозим-лар Моҳларойим гап шиссида нима қиларини билмай жовдираганча туришарди. Моҳлар-ойим аввал Ингирчоққа чопар юбориб, Хосият кампирни тинчитиш заруриятини ўйла-ди-да: «Сизлар бораверингизлар, керагида йўқлатурмен», деб рухсат берди. Муло-зимлар озод этилган қушдай энгил чиқишар экан, Моҳларойим танасида оғриқ тургандай туюлди. Бу қачонлардан бери айтолмаган ва айтишга истихола этган муҳаб-бат оғриғи эди! Бу оғриқ қачонлардан бери акс садо берар эди-ю, ҳозиргидек юрагига ханжар янглиғ қадалмаганди. Умрининг йўлдоши сайру саёҳат ва шикор баҳонасида дилига хуш келадиган юмушларни уялмай-нетмай сўзлаб ўтирибди-я. Аёл қалбини нимта-нимта қилмайдими бу! Моҳларойим яна Жаннат кампирга бағрини очиб-ди-я. Ахир ўша жодугарнинг эркаси олампаҳонинг тоза тўшагида юмалашга рози бўлгандир-да! Йўқ, бундай энгил табиат қизларни парчалаб ташлашга қодир Моҳлар-ойим. Кейин яна бир зум ўйга толди. «Нималар дедим мен! Ахир онаизорнинг йиғлаши дунёнинг ағдар-тўнтарига тенг эмасми?! Кўриб-билиб ва ҳатто сўхбат қурмай одамнинг ичидагисини билиб бўларканми? Эҳтимол ингирчоқлик қиз бутунлай бегонадир».

Моҳларойим баъзи ўйларидан қизғаниб, баъзиларидан эса безиб ўзини авайлаган бўлди-да, ҳеч нарса рўй бермагандай Жаҳон отин ўтирган хонага кирди. Сўнг ҳаяллаб қолганидан дув қизариб узр сўради. Жаҳон отин бундан хижолат тортди ва «Айта олдингизми, ойим» дегандек кўзларини пирпиратди.

— Безовта бўлмангиз, биби, ҳаммаси ўз ўрнида бўлур...

— Ҳудога минг қатла шукур-эй...

— Аммо топилганда қарздорлигингизни унутмасиз деб ўйлайман.

— Айтганингиз бўлур, ойим.

— Фаҳмлаган одамдан минг ўргилсанг арзийди. Сизнинг «Тановор»ингизни, «Му-ножот»ингизни шундай соғийдим...

Моҳларойимнинг ҳам дили ёришди. Уғирланган танбур топилгунга қадар қаноат қила олмади, Олима отинни танбур олиб чиқишга буюрди. Жаҳон отиннинг кайфияти яхши эдимки, ёинки, Моҳларойим даврасида шундай бўлмадимки, ҳайтовур ўзи ҳам эриб кетди. Олима отин олиб чиққан танбурнинг у ёқ-бу ёғини кўрди-да, созлашга тушди. Сўнг ўнғай ўтирди-да, торларни черта бошлади. Ҳозиргина совуқ, нимжон симлар гўё тилган кириб ўтмишнинг адамли дамларини шундоқ кўз ўнгинда акс эттирар, ана шу кунлар, онлар давридан омон келаётган қўшиқ, ғазал ва сўзни улуғларди. Бу ҳикоялар маънили, мақсадли ва шунинг баробарида бир хазина эди. Ана шу хазина ҳозир бирги-

на Жаҳон отиннинг қўлида жаранглар, гўё олтин сандиқ очилган-у, ундан ноёб буюмларни бирма-бир улашаётгандай туюларди. Жаҳон отин ана шу хазинани улашаётганидан мамнун ва масрур эди.

Янграётган садо айна дамда Моҳларойимни гоҳ ўтмиш салафлари ҳузурига етаклар, уларнинг ғам тўла кўзларида дардли муножотни уқаётгандай бўларди. Шу билан бирга ўзининг бахтиёр онларини ҳам эсларди. Тўғриси, бахтли онлари бисёр, алалхусус, гул тикансиз бўлмаганидек, баъзан-баъзан мушкул ҳаёлот — дард, мусибат ҳам ўз номасини такдим этарди. Эл-улус дарди учун қалқон бўлишга интилган Моҳларойимнинг кўксига турли-туман найзалар тез-тез санчилгудек, қўйиб берса қалбини тилкапора қилгудек эди. Ваҳоланки, салтанат олампахои ана шу найзаларнинг учини қайириб турар, зеро Моҳларойим буни яхши билар ва қадрига етарди.

Садо тингач, Моҳларойимнинг ҳам, Жаҳон отиннинг ҳам елкасидан тегирмон тоши сидирилиб тушгандай бўлди. Оғир тин олиш билан ўша дард бирдан энгил тортди, шу тобнинг ўзида иккови ҳам пардай парвоз қилишга шай турарди.

Моҳларойим Жаҳон отиннинг безовталанаётганини сезиб, Олима отинни чорлади-да, дастурхонни йиғштиришга буюрди. Уч-тўрт ходима дастурхондаги ноз-неъматларни олабошладилар. Сўнг Жаҳон отин узоқ дуо ўқиди, улар бирин-кетин ўринларидан турдилар.

— Мен борай, ойм! — Жаҳон отин товушида ўкинч оҳанги кучлироқ туюлди.

— Вой, во-ой, бибим, ҳали келишган эдик-ку! Яна ёлғиз ташлаб кетмоқчимисиз?

— Олима отин-чи?

— Ҳозир Ингирчоққа йўл оладир. Бир онахоннинг арзи юзасидан. — Моҳларойим атайин Хосият кампиру унинг париваш қизи хусусида тўхталмади. — Шунга ўзингиз ёнимда бўласиз.

— Жоним билан.

Моҳларойим Олима отинни ҳузурига чорлаб қулоғига нималарнидир қўйди-да, зудлик билан хабар етказишни сўради. Қадди бироз тик, бўйнига оппоқ рўмон ташлаган Олима отин бекасининг сўзини тез-тез илғаб «айтганингиз бўладур» дегандай бош силкиди. Сўнг ошиғич ортга қайрилди. Моҳларойим эса Жаҳон отин билан Хўқанд кўчалари томон йўл олди.

Хўқандликлар бу икки аёлни яхши билар, мабода йўлида учратиб қолса, бир зум тўхтаб, ҳурматини жойига қўйишарди. Ана шундай пайтларда айрим чорикор, косиб, дурадгор, тақачи, умуман аҳли фуқаро бир нима демоқчидек жовдираганча бош эгиб туришарди. Бундай онларда Моҳларойим дарров тўхтаб, улар арзини тинглар ва шу заҳоти хулоса чиқарарди.

Моҳларойим ҳозир Жаҳон отин билан йўл танлаб, терак ва толлар сояси бўйлаб секин бораркан, одамларнинг саломига алиқ оларди. Зеро, каттага кичик ғоят азиз санар, ана шу номнинг ўзидан беадад фахрланар эди. Ахир унинг ғазаллари ҳофизлар ижросида пастқам-пастқам ҳужраларгача етиб борган, айна пайтда Хўқанднинг машҳур қозоғига қайта-қайта зеб берилиб; кўчирилиб, қўшни салтанат ва юрт томон учирма қилинаётганди. Ва ўз ўрнида Нодира эл-улуснинг маликаси, онаси ҳамда қизи эди. Бу билан Нодира фахрланарди, фахрланишга ҳақ-ҳуқуқи ҳам бор эди.

Моҳларойим Жаҳон отин билан қурилаётган янги мадраса томон бурилишди. Остона ҳатлашлари ҳамоно бугун бу ерга шайхулисом Маъсумхон тўра ҳам қадам ранжида қилганлигини эшитиб, беҳад севинишди. Чунки шайхулисом Маъсумхон тўра Хўқанднинг ёруғ юлдузларидан бири. Бу зот олампахоҳ Амир Умархон кенгашларида кўп булар, оллоҳнинг инояти ила яхшилиқлар қилишни буюрар, ўзга юрт, эл-улус устига ҳужум қилишни, бежиз қон тўкилишини қораларди. Шайхулисомнинг ўғитлари ғоят бамаъни ва мағизли эди, афсуски, юксак мартабада ўтириб, оёқ остини кўришга ийманган, чоҳ қазиш илинжида пайт пойлаган ва бунинг уддасидан чиқишга қийналаётган феъли эгрлар олампахоҳни бошқа йўл сари буриб юборишга ошиқардилар, шайхулисомнинг оталиқ ўғитлари, йўл-йўриқларини эшитмасликка ундардилар ёки ундан бошқача бир маъно йўйишга уринардилар. «Ҳақ» сўзини тилдан туширмаган шайхулисом Маъсумхон тўра эгри йўл асқотмаслигини, барибир эгрлигича қолишини айтардики, бу писандадан айрим феъли эгрларнинг дами ичига тушиб кетарди.

Шайхулисом Маъсумхон тўра Моҳларойимни анчадан бери кўрмаган, унинг ширин каломини тинглашга мушарраф бўлишни орзулаб юрган эди. Бунинг устига Жаҳон отин, яъни Увайсий ҳам бирга эди, уларни ёнма-ён кўрганда, дарров опа-сингиллари кўз олдига келаварарди. Моҳларойим Маъсумхон тўрани кўрибоқ шайхулисом томон уч-тўрт одим юрди ва ибо билан эгилиб саломлашди. Жаҳон отин ҳам айна ҳаракатни такрорлади.

— Баракалло, малика келин! Баракалло, Жаҳон отин, — деди шайхулисом қироат билан. — Умрларингиз узун, йўлларингиз равшан бўлғай.

Шайхулисом Маъсумхон тўра Моҳларойимни келин қилиб тушириб келган кундан «қизим» деб, кейин Умархон Хўқанд салтанатини эгаллагач, «малика келин» дейишга ўтганди.

Моҳларойим шайхулисом Маъсумхон тўра ёнида каловланиб қолгандай, сўзларини

йўқотиб қўйди, шошиб Жаҳон отинга қаради, ўз навбатида Жаҳон отин ҳам «Сиз сўзланг, ойим», дегандек имо қилди.

— Мадраса қурилишидан хабар олай дегандик... — деди Моҳларойим.

— Бу юмушнинг савоби бисёр, малика келин! — деди.

Сўнг шайхулислом Маъсумхон тўра балх тути остидаги сўри томон юрди. Моҳларойим билан Жаҳон отин шайхулислом изидан эргашиди.

— Мен сизга айтсам, малика келин, мадрасани Моҳларойим замонамизнинг запкошоналаридан бири бўлиб қолғай...

— Мадрасани Моҳларойим...

— Ҳа, шундоқ, ҳайратланманг, — деди шайхулислом Маъсумхон тўра. Мадрасалар номи кўпинча уни қурдирган киши номи шарифи билан аталади. Ана ахсилик Хонхўжа Юсуф Алихўжанинг муборак номлари Мадрасани Хонхўжага муҳрланган. Ёмон бўлибдими? Мадрасани Моҳларойим. Улуғ ном. Сизнинг муборак номингизни асрлар оша баён этгусидир. Бу дунё беш кунлик дунё деймиз-у, еб-ичиш, ўқиш, ўрганишдан ташқари қилинадиган ишлар ҳам бисёр. Пешонамизга олампазоҳ Амир Умархондай саховатпеша соҳибқирон ёзилган экан, алқисса ишларимиз чўнг бўлгусидир. Шу орзу-умид йўлида тасбеҳ ўгириб, оламнинг баркамоллигига оятлар ўқиб, кунни кеч қилмоқдамен. Бу оламнинг этаги кенг деймиз-у, кенга кенг, торга тор, малика келин. Дегрезлик маҳалласида мен ҳам мадраса қурдирыпман: «Мадрасани Ҳакимхон тўра».

— Ҳакимхон тўра номигами?

— Шундай. Шу ўғлимдан умидим катта. Ақлли, синчков, меҳрибон. Тарихимиз ўчмасин деганига шукроналар айтамен. Бўладиган бола бошидан, малика келин.

Шайхулислом Маъсумхон тўра қўлларини очиб узун дуо ўқиди ва қафтларини юзига суртиб соқолини силаб қўйди. Ҳозир шайхулислом Маъсумхон тўранинг бу дуою хожани Хизрнинг «Тила тилагингни» деб, дуо қилишлариға ўхшаб кетди. Моҳларойим кўз остидан Жаҳон отинга қаради. Жаҳон отин эса бор диққат-эътиборини шайхулислом Маъсумхон тўрага қаратган эди. Бу нуруний чолни салтанат давраларида кўрган бўлса ҳам феъли бунчалик кенг, ақли расо, нияти улуғ ва фидойилигини тушуниб етмаганди. Шайхулислом Маъсумхон тўра ўрнидан кўзгалди-да, дегрезлик маҳалласи томон йўл олди. Моҳларойим шайхулисломнинг ортидан кузатиб қоларкан, балх тутга суюнганча яна бир бор улўғвор мадрасага кўз тикди. Саратоннинг ҳароратига ўралиб майин эсаётган сабо аллақердан сас олиб келар ва у ҳам гўё «Мадрасани Моҳларойим», «Мадрасани Моҳларойим», деб такрорларди...

## ОЙНИНГ ҲАМ БИШИ ЁРУҒ...

1240<sup>1</sup> ҳижрий йил зулқарда ойининг охирлари.

Ҳўқанд салтанати маликасининг амри бўйича Ўрда бугун кун бўйи банд бўлгуси, бу хабар жазойирий қилич таққан махсус муҳофиз йигитларга уқдирилган, мушоираю дил базмига ташриф буюрган санамларгина ҳарам дарвозасига қўйиларди. Олима отин саҳармардондан канизларни ишга солган, айниқса қўрғоннинг ташқи айланасидаги гулзор ҳавас қилгулик эди. Гулзор ўртасидаги олти қиррали мармар ҳовуз ёнига сўрилар қўйилган, мажнунтол атрофлариға селгитиб сув сепилган, канизларнинг бири қўйиб, бири дастурхон тузатишга ошиқар, таомни хушбўй ва ширин тайёрлаш борасида баҳслашарди. Моҳларойимнинг илтифоти яна ўша — мушоира ташкил этиш, шу баҳонада дил дардларини тўкиш ва бу шевага меҳр-муҳаббатни хийла ошириш эди. Унинг муборак сўзлари сидқидиллик ила адо этилар, бу давра қайиғига тушган ойсанамларнинг дили ёруғлик нуруни тўлалигича сипқорар, мунгли қўшиқ ортидан галма-гал шўх лапарлар ҳам янграр, инчунин Мастон ойм лапарчи бунинг урдасидан қойилмақом чиқа оларди. Унинг Қумри деб аталмиш йўрғалама ўйинчиси ғоят киришимли, кўзга яқин, қараган саринг қарагинг келаверади.

Олима отиннинг каниз ва қўлларни шоширганича бор, кеча оқшом Нодира унинг қулоғига махфий гап қуйган, бугун у ишларни юриштириб ана шу юмушни адо этиши зарур эди. Бу юмуш аслида савобли эди: Дилшод Барно номини бир неча эслаб юрди-ю, аини мана шундай дамларда уни даврага тортгиси, ўз тилидан ғазаларини эшитгиси келарди. Буни Олима отинга уқтирди, ўз навбатида Олима отин мамнун бўлиб, таъзим бажо этди.

— Боримизни бирга баҳам кўрамиз-да, нима дедингиз?

— Дунё тургунча туринг, ойим!

Нодира оғир уҳ тортди.

— Қанийди сиз айтганча бўлса... Бу урушу қирғин эл-улус қаддини букиб юборяпти, қонини зулукдай сўряпти. Дилшод Барнони мажлисимизга чорлашдан мақсад ҳам шу. Унинг ёш бошига минг ташвиш ортган ҳам биз, туғилган масканидан айиргани-

<sup>1</sup> 1820 йилга тўғри келади.

миз етмасмиди... Бундай савдони бошдан кечираётганлар оз дейсизми? Қанийди, ўшандай санамларнинг бошини силай олсак.

— Қуллуқ, ойим!

— Сиз йўқлаб борсангиз боши осмонга етар. Кейин, назм дафтари...

— Тушундим, ойим!

Олима отин Нодираи давроннинг кечаги юмушни ўйладию қуёшга қиё боқди. Кун бугун ҳам иссиқ бўлиши муқаррар эди. Бу санамларнинг жон-дили, соя салқинда, мажнунтолларнинг узун ва қайрилма новдалари остида шўхчан қулишлари, хониш қилиб даврада гир-гир айланишлари учун қулай эди. Олима отин сайр гулшанини яна бир бор кўздан кечириб, канизлар орасидан суғуриди ва юмушни бажариш иштиёқи-да шитоб йўл олди.

Шу сония Нодира ўз хонасида оқ ҳарир рўмолини ҳолсизгина боғлаб, бугунги даврага янги ёзиб тугатган ғазалини ўқиш умидида ўзича такрорларди.

*Кел, сенга, эй шаҳи жаҳон, мамлакати жаҳон фидо,  
Дийдаларимга қўй қадам, ҳар қадамингга жон фидо.*

*Лаъли лабинг, фироқида хуни жигар ғизо менга,  
Сарв қадинг ҳавосида жон этарам равон фидо.*

*Айшу нашоти офият дарди ғамингни садақаси,  
Бир нафас иштиёқинга ишрати жовидон фидо...*

Қаламни бир ён қўйиб, қайтадан ўқишга тушди. Ўқилган сайин кўнгли хуш бўлаётгандай туюларди, инчунун ғазалнинг ўзи ҳам жон фидо этаётган соҳибаси янглиф беҳад ишвали эди. Бу ишванинг не-не дилга қанот бўлгуси аён эди. Нодира қуюқ қошини чимирганча беҳос ўрнидан турди ва хонаи хосга тўшалган арабий гилам узра одим ташлади. Беихтиёр ғунча лаблари пичирлаб, ғазал матлаини тилга кўчирди.

Хонаи хос эшиги ёнида сокин қадам товуши синди, Нодира ногоҳ ўша томон кўз ташлади, ўн саккиз ёшли каниз Гўзал бош эгиб турарди.

— Юмушингиз бормиди, сўзлангиз?

Гўзал қимтина-қимтина сўз бошлади.

— Эйтибор энага киришга изн сўрайдир.

Нодиранинг кўз олдида дўмбоққина ўғли Султон Маҳмудхон кўринди, кўриндию шу заҳоти ўртаниб соғинганини ҳис этди. Юрагининг бир парчаси — ўтган кундан буён кўриниш бермаган эди. Ҳозир ўша соғинган дамларнинг ҳиссасини чиқаради, бағрига боссин, бир тўйиб боссин!

— Айтингиз, марҳамат!

Гўзал яна таъзим бажо айлаб секин орқаси билан юрди. Остонада Эйтибор энага кўринди. Қўлидаги дўмбоққина болани ерга қўйди-да, Нодира томонни кўрсатиб:

— Амирзода Султон Маҳмудхон, волидаи муқаррамангиз ила саломлашинг-чи? Нима деб ўргатувдим.

— Ассалому алайкум, буви...

Фарзанднинг бийрон тилидан Нодира ўзида йўқ хурсанд эди.

— Ваалайкум ассалом, тилларингиздан онангиз ўргилсин!

Амирзода волидаси бағрида эриб кетгандай эди. Бу манзара Эйтибор энагага хуш ёқди шекилли, чеҳрасида тўкин нур ўйнади. Бола талпина-талпина Нодира бағридан чиқар экан, бироз ўсган кокилларини кўрсатди.

— Сочим ўсиб қолди, қарангиз, мана, мана...

Нодира беихтиёр кенжа фарзандини яна бағрига олиб, сочларини узоқ силади.

— Кўрдим, ўғлим, жуда ярашиқлик...

— Энагам эртак айтиб берадилар.

Нодира ер остидан Эйтибор энагага қаради ва «ташақкур» дегандай бош силкиди, ўз навбатида энага ғамзали боқди. Эйтибор энага бурма ёқали оқ батис куйлагининг этагини хиёл кўтарди ва ўрнидан туриб кетишга изн сўради, алҳол Султон Маҳмудхон волидаи муқаррамаси бағридан ҳамон айрилгиси келмасди. Мана шу айрилиқ азобини дил қатига жойлаштириш энага учун ҳам оғир, ҳам машаққатли эди. Шу сабабли синиқ овоз билан:

— Амирзода Султон Маҳмудхон! — дея чорлади. — Қани, юринг, сабоғимиз...

Султон Маҳмудхон бир энагага, бир волидаи муқаррамасига термулди. Тили бийрон, айна шакарнинг ўзига ўхшаш бола учун ҳар иккови ҳам азиз ва меҳрибон эди. Она меҳр-муҳаббатига тўйган боланинг имони мустаҳкам бўлади. Султон Маҳмудхон волидаи муқаррамаси бағрига отилди. Нодира ўғлининг кенг пешоналаридан, мунчоқдек қоп-қора, узун сочларидан, олма янглиф юзларидан узоқ ўпди, даст кўтариб кучоғига олди, сониян яна туширди.

— Амирзодам! — деди Эйтибор энага. — Кун ёйилиб қоляпти. Сабоғимиз...

— Ҳозир, ҳозир...

Нодира Султон Маҳмудхоннинг катталардек бийрон тилларидан ўзида йўқ тўлқинланди. Амирзода секин қайрилиб хайрлашгандек бошини силкиди. Нодира кўнгли

ҳалигина лиммо-лим турган ғазал туйғуларини юрагининг бир бўлаги — фарзандининг севинчлари билан тўлиб-тошганди.

Моҳларойим Андижон заминида чопқиллаб юрган қизалоқ эди, вақти етиб Марғилон ҳокимига узатилди, куёвнинг бахти чопиб Хўқанд тахтига чиқди. Моҳларойим бека, шоирагина эмас, малика. Унинг катта ўғли Муҳаммад Алихон бўй чўзиб қолган. Оталиқ етакчилигида отда чопиш, қилич уруштириш, жангда ўзини ҳимоя қилиш сирларини ўрганади. Мусиқадан, тарих ва риёзиётдан сабоқ олади. Билъакс, ҳисобни негадир сўрамайди, алжабрдан сўз очилса, ўзини четга олиш пайида бўлади. Шаҳзода Муҳаммад Алихон биродари Ҳақимхон тўрадан айрилмас, кўпинча сабоқни бирга олишарди. Ғазал, шеърят борасидаги сабоқлардан Нодиранинг кўнгли тўлмас, ғазалиётнинг нозик сирларини, табаррук бобокалонларнинг дилўртар ҳикоятларини ўзи ҳикоя қилишни волидалик бурчи деб ҳисобларди. Билъакс Нодира мана шу сабоқ баҳона турли қўлёмма, баёз ва тарихларни титкилар, пичоққа илингулик топилса, дафтарга қайд этар ва унинг энг мукамалларини сабоқ пайида тилга оларди. Айниқса, Ҳақимхон тўранинг тарихга дилдан берилганлиги Нодиранинг хаёлида шаҳзодамга ҳам юқса қанийди, деган ўй чимдиб ўтарди.

Остонада пайдо бўлган каниз Гўзал оғиз жуфтлашга улгурмаёқ шаҳзода Муҳаммад Алихон билан Ҳақимхон тўра бўй кўрсатишди.

— Ассалому алайкум! — ёқасига зар қўшиб тикилган куйлак, тилла суви югуртирилган қалпоқ кўндринг шаҳзода Муҳаммад Алихон салом берди ва шошиб Ҳақимхон тўрани кўрсатди. — Биз ўтган кунларнинг тарихи ҳақида тортишиб қолдик. Мен айтурменки, Хўқанд салтанатининг хони — падари бузрукворимизнинг эл-улус йўлида чекаётган заҳматлари боқийдир. Шундай эмасми, ойижон!

Нодира шаҳзода Муҳаммад Алихон саломига алик олди ва унинг қизара-бўзара тез-тез сўзлаётганидан, билъакс қозилиқ қилишга ундаётганидан «Не тарих экан?» дегандай ҳайратланди. Бу орада Ҳақимхон тўра одоб ва қироат билан саломлашди, малика ҳузурида бир сония бош эгиб турди.

— Айбга буюрмасангиз, бир бошдан сўзлаб берсам...

Нодира ақл, идрок ила сўзлаётган Ҳақимхон тўра томон юз бурди.

— Марҳамат...

— Гапнинг индаллоси шуки, бугунги кунимиз эрта учун тарих. Билъакс, бу биздан ёхуд ҳар биримиздан дамларнинг қадрига етишга ундайди. Беихтиёр шундай деб ўйлайди одам.

— Шундай, шундай... — таъкидлади Нодира. — Хўш, нечук керак бўлди бу гаплар!

— Сизнинг сабоқларингиз мени қадимий қўлёммаларни ўқишга ундаганлигидан бахтлиман. Алҳол... Утмишда ҳам, биробарин бугунги кунимизда ҳам хатоликлар рўй бераётганлигини яширмаслигимиз даркор. Шаҳзода иккимиз тортишган муаммони тилга олишимиз гуноҳи азимдир. Алҳол, ҳақ йўлини қидирар эканмиз, айтмасдан ўзга иложимиз йўқ.

— Бағоят ҳақлисиз...

— Бундан беш йил муқаддам биз Уратепага юриш қилган эканмиз. Ҳақ таоло йўлида дилимиз ёруғ ва равшан бўлиши юзасидан айтиш жойизки, адолатсиз бўлган бу юриш...

— Кўряписизми, ойижон, падари бузрукворимизнинг юришларини адолатсизга йўйяпти, Ҳақимхон. Тортишиб қолганимизнинг боиси шул.

Нодиранинг қошлари чимирилди. Қаршисида турган болакайларнинг фикрлари дадил ва мустақил эди. Аввалан, Ҳақимхон тўранинг теран билими, мулоҳазаси ва сўзларини жой-жойига қўя олиши, нодир тарихий воқеаларни тилга кўчирганда вужудан берилиши оқил ва билимдон аллома камол топаётганидан дарак берарди. Таассуфки, шаҳзода Муҳаммад Алихон бу шохда бироз енгил, ҳатто жирраки, инчунун, уни манфур воқеалар, ҳодисалар, тақдирлар қизиқтирмасди. Дарвоқе, амиралмуслимин Амир Умархоннинг пешонаси ярқираб, унинг қадами етган жойлар бешак бўйин эгиб хирож тўлаш билан банд, мамлакат сарҳадлари кенгаймоқда, янги-янги мадраса-қарвонсарой, хонақоҳлар қад кўтармоқда. Хонлиқнинг хазинаси ҳам кам эмас, ҳозир тўрт томонга қўл узатса етгудек. Билъакс, яхшилиқнинг соясида ёмонлик ҳам томир отиши муқаррар. Шаҳзода Муҳаммад Алихон тилга олган ғозий юришлар ва сармаст ғалабалар остида аччиқ қисмат беркинганини ким билмайди.

Ҳақимхон тўра Нодиранинг чуқур ва ғалаёнли ўйлар гирдобиди фарқ бўлганлигини сезар, чамаси, дарду аламларни ёлғиз малика ва шоирагина тушуна олишига ишонарди. Ҳақимхон тўра вужудидаги ўйлар малика қалбини қанчалик сирқиратса, биродари Муҳаммад Алихонни-эса шунчалик оловлантирарди. Ҳозирнинг ўзида Муҳаммад Алихон бетоқат, сабоқ олиш, ёинки, панд-насиҳат эшитишни сира ёқтирмасди...

Нодира хаёл дарёсининг соҳилига чиққандай бир сония сукут сақлади ва ниҳоят:

— Ҳақимхон тўранинг фикрида адолат бор, — деди.

Бу Муҳаммад Алихон қалбига момоқалдиروقдай гумбирлаб урилди, шаҳзоданинг юзлари қип-қизариб кетди.

— Нималар деяписиз, бувижон...

Нодира шаҳзода сочини силади.

— Адолат ҳамиша ҳақ чиққусидир...

— Сиз... Сиз падари бузрукворимга қаршимисиз?

— Нега бундай деб ўйлайдирсиз, жоним...

Шаҳзода Муҳаммад Алихон дилидагини яшириб туролмади.

— Падари бузрукворимнинг юришлари хусусида...

Нодира бу гал масала нима хусусда бораётганини фарзанди тўғри англай олмаётганидан ўксинди. Бу ўксикдан дилида оғриқ пайдо бўлди.

— Наҳотки, масалага юзак баҳо берсак. Ҳакимхон тўра, тарих — ҳаёт кўзгуси эканлигини тўғри фаҳмлаган. Сиз билан ҳар қанча тарихий воқеаларни яшириш хусусида қизишмайлик, барибир у ўз аксини топқусидир. Бу масалада Ҳакимхон тўранинг ҳақлиги шундаки, сиз билан бизга зафар ҳадя этган ана шу жангу жадал неча оиланинг ёстиғини куритган. Бу ҳақда лоақал ўйлаб кўрдингизми, жоним. Сизлар камолот палласига қадам қўйдиларингиз. Ҳар бир масалага ҳақ торозуси нуқтаи назаридан қарашга ўрганишларингиз лозим.

Ҳакимхон тўра ҳақ эканлигини дилдан ҳис этди-ю, тилига чиқармади, чеҳрасида ҳам ўзгариш юз бермади. Нодира бунинг боисини тушуниб етди. Ҳозир, Ҳакимхон тўра бу ҳақда тилга кирса, ўлганнинг устига тепган бўлади.

Нодира бу икки ўсмирга тарихий воқеалардан кўп сабоқ берган, аммо бугунгидай чигал масалага дура келмаган эди. Ҳарқалай, эл-улус учун ёнаётганлиги ва ўз олами узра теран таҳлил қилаётганлигидан Нодира мамнун бўлди. Шаҳзода Муҳаммад Алихон волидаи мукаррамасидан бироз нолиган ҳолда хушқайфият ила хонаи хосдан узоқлашди, ўз навбатида Ҳакимхон тўра бош эгиб хайрлашди.

Маликаи мукаррама бугун аввалан фидойи фарзандларининг камолини хаёлан тасаввур этди, эртанги кундан умидворлигини сезди, қолаверса, кези келганда Муҳаммад Алихонга тарихий воқеаларни тўғри англай олиши, улардан тўғри хулосалар чиқара олиш хусусиятини сингдириш зарурлигини тушуниб етди. Ахир, кечаги куннинг фазилатини тўғри англай олмаслик бугунги куннинг қадрига етмасликка ва эртани бутунлай унутишга етакламайдими? Бундай ёвузликка йўл қўйиш гуноҳ! Унинг нафосати ва латиф сўзларигина ийғит қалбини эркалаши ва уйғотиши муқаррар. Нодира хаёл дарёсига чўмганча дафттарини қўлига олди ва яна дон-дон ўқиди:

Вақти хиром, эй санам, дийдаларимга қўй қадём,  
Ҳоки раҳинга айларам чашми гуҳарфишон фидо...

Остонада пайдо бўлган Олима отин Нодира хаёлларини тўзғитгиси келмай ўзини четга олди, унинг сояси хонаи хосда ялт этиб пайдо бўлганидан Нодира бош кўтарди. Олима отин таъзим бажо этди.

— Марҳамат...

Олима отин остонадан авайлаб ўтаркан, қироат билан саломлашди. Нодира алик олиб, ўтиришга таклиф этди, билъакс Олима отиннинг ҳали юмуши кўплигидан узр сўраган бўлди.

— Дилшод Барно Уратепага йўл олган эканлар, қайнонаси афсус билан таъкидладилар. Ҳарқалай мураббийси ўрнини боса оладиган шогирдлари анчагина...

— Таклиф этилдими...

— Албатта, ойим.

Ўрданинг баҳаво жойларидан бири — олти қиррали мармар ҳовуз бўйларида қўйилган сўрилар мисоли гулшан чаманининг ўзи. Бир ёнда райҳон, жамбил, ўсма, хина, иккинчи ёнда раъногул, атиргул, сапсаргул бўй таратаётгандай эди. Канизлар иззат-икром ила оймларни қарши оларди. Эрта келган санамлар қуйироқдан, нақ ҳовузнинг бўйига, шундоққина мажнунтол соясига ўрнатилган сўрида ўтиришарди. Санамлар дув этиб ўринларидан туришди: Жаҳон биби билан Маҳзуна биби ёнма-ён келишмоқда эди. Хўқанднинг эътиборли шоираларидан ҳисобланмиш Жаҳон отин қадди бироз тик, Маҳзуна бибига нисбатан улуг кўринар, шу сабабли унга кўпроқ ҳурмат ва иззат кўрсатилмоқда эди. Маҳзуна биби ўрта бўйли, ҳандалак юзли, сочлари майда қилиб ўрилган, билъакс юзини шодонликдан кўра аллақандай маҳзунлик эгаллаб қўйгандай эди.

\* \* \*

...Нодира Андижонда бўлган куннинг эртасига волидаи муҳтарамадан узр сўраб, мураббийси Ҳафиза отинни йўқлаш тадоригини кўрди. Ойшахоним қизининг бу одатини яхши билар, ҳар сафар Ҳафиза отиннинг ҳузурига ўзи отланарди. Бу гал ҳам Нодира шундай қилди. Нодира ўзига илк бор ҳарф танитган, эндигина уйғониб келаётган гунча янглиғ кўнглига шеърят уруғини солган ва уни не азоб, машаққат ила кўкартирган Ҳафиза отин олдига ўзини ҳамиша қарздор ҳисобларди.

Қайтар чақи волидаси ризолик сўраганда кўнгли бирдан бўшашиб кетди. Тез-тез хабар олиб тургин, деб тайинлади. Бунга жавобан Моҳларойим бундай гапларни ти-

лингизга олманг, ўтинман, ёлвораман, деди. «Айтганинг келсин қизим», деди буювониси. Аммо Ҳўқанд сари қайтаётганида кўзлари филтиллаб, ёшга тўлди. Бебаҳо, бор бойлигидан ажралаётганини кўз олдига келтириб, унсиз йиғлади. Шу-шу волидаси номига нома юбориб турар ва чопар қайтиб келгунча, кўзи тўрт бўлиб қутарди.

Ҳозир у Ҳўқанд салтанатининг улуғ ва кўркем маскани бўлмиш ўрдадаги санамлар, эвоҳ, қумрилару булбуллар даврасида бу гулшандан сармаст бўлиб, хуш кайфиятда ҳордиқ чиқараркан Дилшод Барнонинг эътиборли шоғирди Моҳинбону тилдан янграётган алам-ситамлари дилини ўртарди, нега қалби тирналмасин, ахир Андижони олис, волидаю падари бузруквори олис. Илгари у ота-онаси ҳақида бугунчалик ўртанмас ва ёнмас эди. Беихтиёр ён-верига қаради, Жаҳон отин ҳам, Маҳзуна биби ҳам бошини қуйи солишганча хаёл дарёсига фарқ бўлишган. Ҳазал ҳаммасининг юрагини сел қилган эди.

Моҳинбону Ҳазал ўқиб бўлгач, бир лаҳза жим қолди. Унда-бунда оғир тин олишлар эшитилди. Жаҳон отин секин сўз қотди.

— Дилшод Барнога бизнинг номимиздан ташаккур ва таҳсинлар етказгайсиз. Ярадор дилни яралаб яна ўзи даволай олиш қудратига эга Ҳазал битибдилар. Бу ҳар кимнинг қўлидан келмас.

Моҳинбону қуллук қилди-да, сўнг:

— Каминаи ғарибингиз биродару ёр хусусидаги ҳикоятдан бежиз бошлаганим йўқ. Олампаҳо, қолаверса, маликаи муҳтарамамизнинг беҳад илтифоти ила бошимиз ҳам нелигини кўрмаса дейман.

— Тўғри гапни айтурсиз!

— Алқисса, яна бир ғайритабиий таомилимиз ҳам бор. Муҳтарам шоира мураббийларимиз кўнгилларига олмасалар чинини айтишим керак.

— Марҳамат!

— Сўзлангиз...

— Биз ўтган кунларимизга тош отиб келдик. Алқисса, бу таомил кейин ҳам давом этгусидир! Шундай экан, тарихни қадрлаш заруриятдир. Токи, набираларимиз бизнинг пешонамизга тавқи лаънат битмасинлар.

Моҳинбонунинг гапларидан Маҳзуна чеҳрасига қизиллик югурди.

— Гапингиз бағоят қадрли, синглим!

Нодира Маҳзуна фикрини қўллаб-қувватлади. Шу сония Моҳинбону ёнида Тўтиқиз пайдо бўлиб, деди:

— Бугунги устозлар давраси мени ғоят мамнун этди. Аввало, Ҳазал ўқиб вақтни олишим...

— Ўқинг, ўқинг! — атрофдан турли овозлар ёғилди.

Тўтиқиз уялиб, гапнинг индаллосини айтди.

— Устозлар Ҳазалиёти олдига меники ҳали анча ғўр. Топган бир боғ гул, топмаган бир боғ пиёз, деганлар ахир. Қуни кеча Нодирабегимнинг Ҳазаларидан девон тартиб қилиб эдим. Ёш хатотнинг тўхфаси деб билурсиз, устоз!

Тўтиқиз майин ва оҳиста қадам ташлаб сўри томон юрди ва Нодира ёнида таъзим бажо қилди-да, қўлидаги девонни узатди. Нодира беҳад шод, бунинг устига қўтилмаган совға ҳам эди. Нодира Тўтиқизнинг пешонасидан ўпиб, «ташаккур» дегандай ишора билдирди. Мана шу ҳадя юраклар чигилини ёзиб юборди. Мاستон ойм лапарчи ана шу чигилини батамом ёйиш мақсадида чилдирмани зарб билан ура бошлади. Ҳалидан бери дам олиб ўтирган раққосалар муқом билан бирма-бир даврага отилдилар. Дастурхондан хабар олиб турган Олима отин Нодиранинг қўлидан девонни оларкан, кўз қарашларидан нима деяётганлигини англади ва «қуллук» дегандай шитоб юриб кетди. Дам ўтмай Тўтиқиз учун тилла зебигардон солинган барқут қутичани авайлаб, малика ёнига қўйди.

Ёмғир селгиб ўтгач, баҳаво бўлгани сингари Нодиранинг кўнгли ёришган эди. Санамларнинг ошифта муқомлари, дилдан яйраб, осмон қадар сакрагиси келаётганлигининг ўзи роҳат бағишларди кишига.

Мастон ойм лапарчи санамларнинг хислатларига мос терма тўқиб, ҳаммани қулдирарди. Санамларнинг шўх-шан қийқириқлари Ўрдани тутар, йироқ-йироқлардан жазоирий қилич таққан махсус муҳофиз йигитлар оғир тин олиб, ютиниб қўйишарди.

Кун Ўрда орқасига ўтиб, пастлади. Ҳароратнинг дами қайтди. Санамлар биринкетин ўз ўринларидан қўзғалдилар.

Нодира хонаи хосда арабий гилам узра тўшалган зар кўрпачада ўтирганча, ҳозиргина тўхфа этилган ўз Ҳазаларини кўздан кечириаркан, ногоҳ очилган эшик унинг хаёлини тум-тарақай учириб юборди. Олима отиннинг чеҳраси негадир тунд эди.

— Ойим, — Олима отин оҳиста сўз бошлади-ю, бошқа гапиролмади.

Нодиранинг юрагига ғубор қўнди, бу ғубор бутун жисмини эгаллаб олган эди.

— Сўзлангиз!

— Андижондан чопар бор...

— Чопар! — Нодира беихтиёр тиззалари қалтираб, ўрнидан туриб кетди. — Тинчликми?

Олима отин гапиролмади, чақирайин дегандай ортига қайрилди. Дам ўтмай шошиб кирган чопар гилам узра юкинди.

— Қутлуғ хонадонингиз узра шум хабар олиб келганлигим учун изн сўрайман, ойм. Сиз зудлик ила сафар тадоригини кўрмоқлигингиз жоиз.

Нодира муз қотиб қолди, наҳотки волидаи мукаррама... Йўк, йўк, унинг ишонгиси келмасди, унсиз фарёд-ла чопар кўзига тикилди. Чопар найза янглиғ санчилаётган қарашларга бардош беролмади, бошини солинтириб давом этди.

— Волидаи мукаррамангиз бугун пешинда... — Чопар ҳиқ этиб ютинди. — Пешин чоғи...

Нодира фарёд чекиб, йиқилаёзганда Олима отин чаққонлик билан бағрига олди. Ҳозир изтироб билан вақт ўтказишнинг мавриди эмас, буни Олима отин англадида, канизларга сафар ҳозирлигини кўришни буюрди.

Тинимсиз увлаётган Ҳўқанд шамоли аро Андижон сари от бошини буришди. Бу сафар абри ғуррон! Нодира қалбида тинимсиз айланар, назарида қоронғи кунлар бошланмоқда эди...

## ЯРАДОР ЮРАК

Куз Ҳўқанд диёрига ўз палагини ёйди.

Моҳларойим ҳар галгидай тонг билан туриб, илимилиқ сувда таҳорат олди. Бугун унинг кўнгли негадир ўксик эди, олампаноҳ Амир Умархон елкасидаги оғриқ яна қайталангандай кечаси икки-уч ингради. Бундан Моҳларойим чўчиб уйғонди, сониян зар кўрпачани секин суриб, олампаноҳ елкаларини ўради.

«Ишқилиб кўнглим подшоҳининг умри узун бўлсин!» Хаёлидан чақмоқ сингари ўтган бу фикр Моҳларойимга тасалли берди-да, хонаи хосга кирди.

Бамдод намозини ўқиб, хонаи хосдан айвон томон юрди. Бу орада олампаноҳ Амир Умархон кўриниш берди. Моҳларойим ўзини четга олди.

— Ўзларидан бўлсин, хоним.

Қачонлардан бери бу мулойим сўзни тингламаган Моҳларойим рости энтикди, тўғриси мана шу илтифотни соғинган эди. Эрта баҳордан, яъни Уратепа қолиб, Жиззах учун бўлган жангу жадалдан олампаноҳ Амир Умархон ўзини олдириб қўйган, деярли беш-олти ҳафта табибларнинг назоратида бўлган ва ниҳоят турли муолажалардан кўнгли эндигина равшан тортиб келаётган эди. Бу орада не-не савдолар ўтди, бу биргина оллоҳгаю Моҳларойимгагина аён. Дастлаб, оғриқ аламларига аранг чидаган олампаноҳ беихтиёр Хонпошша ойм деб юборган пайти Моҳларойим бир қадар титраган, кўнглим подшоҳи деб эъзолаб юргани кўз олдида ўзгаларни қумсаётганлигидан ранги қув оқарган, «Эвоҳ, бундай кўргиликка қандай чидар эканман», деган хаёлга борган ва яна «кўз очиб кўрган жуфти ҳалолим-ку», дея ўзини босганди. Уша куни тун тобора узайиб бораётгандай туюлди Моҳларойимга. Кўнгли ҳам ғира-шира эди. Тўғриси, Моҳларойим ҳалиги исми юзига солмоқчи бўлди, қаёқда, оғиз жуфтлашга қудрати етмади. Олампаноҳ Амир Умархон кечаги кундан анча тетик, бардам, кайфияти хуш эди. Моҳларойимга мана шу керак. Беихтиёр олампаноҳ Амир Умархоннинг чеҳрасидаги табассумдан кўнгли яйради, хайрият, муолажа ўз таъсирини кўрсатди. Худо хоҳласа кейинги ҳафтада ўрнидан батамом туради! Шундай табиблар бор бўлсин! Олампаноҳ Амир Умархон ўшанда Муҳаммад Алихон билан Султон Маҳмудхонни кўражагини айтганди. Моҳларойим шу заҳоти фарзандларига ясовул юборди, ўзининг ҳам соғинганини ҳис қилди. Шаҳзода Муҳаммад Алихон беш яшар чамаси, иниси — Султон Маҳмудхонни етаклаб кириб келди, аввал оналари, сониян падари бузрукворлари бағрига отилишди. Худди шу сония олампаноҳ Амир Умархоннинг кўзлари бирдан чарақлаб кетди.

— Қани-ўтиринглар, меҳмонлар, — деди олампаноҳ Амир Умархон.

Олампаноҳ Амир Умархоннинг бу гапи шаҳзода Муҳаммад Алихонга нашьа қилди.

— Биз фарзандингиз эрурмиз, падари бузруквор.

Олампаноҳ Амир Умархоннинг юзидан жиддийлик тарк этмади, оҳиста нафас олди.

— Бу дунёга ҳаммамиз ҳам меҳмонмиз, ўғлим.

— Падари бузруквор...

— Падари бузруквор ўғитини у қулоқларингизга ҳам, бу қулоқларингизга ҳам қуйиб олинглар, болаларим.

Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархон қулоғига: «Ҳозир мавриди эмас», демоқчи эди, тили айланмади.

— Падари бузруквор...

— Муҳаммад Алихон ибн Амир Умархон! Келинг, бахт қуши қўнишга ошиқаётган пешонангиздан бир ўпай!

Шаҳзода Муҳаммад Алихон довдиради, Султон Маҳмудхон нима қиларини билол-

<sup>1</sup> Абри ғуррон — момақалдироқли даҳшатли булут.



май бир падари бузрукворига, бир Моҳларойимга ўгирилди. Муҳаммад Алихон олам-паноҳ сари юрди.

— Кенжатоимиз Султон Маҳмудхон, келинг, жоним, қачонлардан бери эркалатолмадим чоғи. Бу падари бузрукворингиз салтанат ишлари билан бўлиб...

Султон Маҳмудхоннинг йирик-йирик кўзлари ловуллаб ёнди, шу сония падари бузруквори қучоғида эркалангиси келди ва ўзини ана шу ҳароратли оғушга отди.

— Болаларим, сизлар мен учун бирингиз кўз, бирингиз қошсизлар. Ҳар иккинги-ни бирдек суйдим. Минг афсуслар бўлсинки, салтанат юмушлари мени букиб қўйди. Мана, волидангиз бохабар. Менинг ҳам юрагим ғазал ила тўлиғ эди, наилож. Устига устак камина ловуллаётган чўғ устига кул бостиришга интилдим. Эҳ, хом сут эмган банд! Бошинг ёстиққа текканда ўйлар экансан, дунёнинг ишларини...

— Падари бузруквор...

— Ҳозир, Муҳаммад Алихон, ҳозир... Сиз валиаҳдимсиз. Ўйлаган ниятларим кўп эди, волидангиз ила Ҳўқанд салтанатини Самарқанду Бухоро янглиғ осмонўпар бинолар ила бойитиш эди. Шу ишларим чала...

— Падари бузруквор...

— Ҳаммамиз бу дунёда меҳмонмиз, дея бежиз бошламадим гапни. Кимдир олдин, кимдир кейин дегандай... Юрагим тубида тўпланиб қолган сўзларни бирма-бир ёзмоқдамен, ўғлим!

— Ҳазратим! — Моҳларойимнинг ғоят ширали овози ташвиш ила янгради. — Сиз... Сиз...

Олампаноҳ Амир Умархон Моҳларойим томон кўз тикди, чамаси, термилиб тўймаётганга ўхшарди.

— Хоним... Сизни кўп қийнадим, орзуларингиз йўлида тўғаноқ бўлдим. Мен... Мен...

— Ҳазратим!

— Падари бузруквор!

Олампаноҳ Амир Умархон кенжатоий Султон Маҳмудхон пешонасини силаркан, Муҳаммад Алихонга қараб, деди:

— Ҳеч қачон инингиз Султон Маҳмудхонни ўкситманг! Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас деганлар. Аммо, сизлар...

Шаҳзода Муҳаммад Алихон бош силкиди.

— Майли, борингиз. Ҳозирдан ёш бошингизга ташвиш ортмай.

Шаҳзода Муҳаммад Алихон ва Султон Маҳмудхон падари бузруквори ва волидасига таъзим қилиб, ортига қайрилишди.

...Ҳозир Моҳларойимга олампаноҳ Амир Умархоннинг тавозе ила «Ўзларидан бўлсин, хоним» деган сўзлари бениҳоя ёқимли эшитилди. Кўнгли қувончга тўлиб тошди. Аёл кишининг кўнгли бир оғиз сўз билан осмон қадар юксалиши ёинки батамом абгор бўлиши мумкин. Кейинги ёз фасли олампаноҳ Амир Умархон учун таҳликали ўтди, яхшиямки Моҳларойимдек кўнгил дардини сезувчи йўлдоши бор экан, кам бўлмади, вазири калон Исмадуллабий, шайхулислом Маъсумхон тўра, хўжакалон Султонхон тўра ва мавлоно Абдулкарим Фазлий каби нияти пок, эл-улус дардини ўз дарди билан баҳам кўрадиган олижаноб кишилар этагида салтанатни бир нави бошқариб турди. Моҳларойим янги қад ростлаётган мадраса, масжид, хонақоҳ, қарвонсарой хусусида тўлиб-тошиб сўзлар, баъзан муҳандис, кошинкор, меъморлар хизмати етарли қадрланмаётганлигидан афсусланар, соҳибқироннинг нозик кўнглини кўтариш баҳонасида унинг ғазалларини хаттотларга кўчиртирарди. Олампаноҳ қўлига девонини олганда кўзида ёш ўйнади. Шундагина бебаҳра ўтган дамларнинг қадрини тушуниб етди. Эвоҳ, кўлидаги дубулға ўрнида қалам ушласа бўлмасмиди. Қилич ўйнатишни бас қилиб, лавҳ устидаги очиқ қолган дафтарини дил ҳаяжонлари билан тўлдиришни нега унутди? Шунча фурсат бефойда кетибди-я! Буни ким тўлдиради, қандай тўлдиради! Юраги жиз этганини сезди ва энди у кеч эди! Шунда ҳам олампаноҳ Амир Умархон ёстиқдоши бошида парвона бўлаётганидан таскин топди!

— Ўзларидан бўлсин, хоним!

Моҳларойим уят ва ийманиш исканжасидан ғолиб чиқиб, кўнгил руҳининг подшоҳига ўгирилди.

— Муборак изларингиздан юриш ҳам ғоят шарафлидир, ҳазратим!

Олампаноҳ Амир Умархон ўз вақтида айтилган бу жавобдан жилмайди, хонаи хос томон дадил одим ташлади. Моҳларойим жуфти ҳалолнинг ортидан сокин бораркан, мана шу одим олишларининг ўзи бир дунё бойлик эканлигини, кейинги дамларда юраги қон бўлиб кетганлигини ўйлади, ҳаёт деб аталмиш хонақоҳда олдинма-кетин қариб-қартайиш, невара-чевараларнинг тўй-базмларини кўришдек бахтга муяссар этишини оллоҳдан сўради.

Олампаноҳ Амир Умархон хонаи хоснинг тўрисида ўтаркан, аввалдан тайёрлаб қўйилган лўлаболишларни қўйнига олди ва сокин кузнинг мўътадил ҳаволаридан тўйиб-тўйиб симирди. Фаввора атрофидаги сарвақд теракларнинг сарғайган япроқлари чирт

узилиб, замин узра тўшаларди. Олампаноҳ бир хазоннинг ҳавода зир учиб ерга тушганидан кўнгли муз тортиди. Эвоҳ, инсон умри ҳам шу экан-да!

Моҳларойим жуфти ҳалолнинг бир муддат ҳаёлга ботганини сезиб, остонада кўриниш берган Олима отинга имо қилди. Олима отин тушуниб етди. Моҳларойимнинг остона томон боқиши ҳамона баковулларнинг келиши тайин эди. Моҳларойим олис ҳинд элидан совға қилинмиш зар югуртирилган чойнакдаги чойни қайтарди-да, бироз тиндириб, олампаноҳга тавозе бирла узатди. Олампаноҳ Амир Умархон малика ҳаракатларидаги майинлик, мулойимлик ва тавозедан ўша, бундан ўн беш йил муқаддам Мәрғилон чорбоғидаги унутилмас дамларни ҳаёлидан бирма-бир ўтказди.

...Остонада пайдо бўлган эшикоға шайхулислом Маъсумхон тўра ҳузурларига кирмоқ нияти борлигини етказди.

Олампаноҳ Амир Умархоннинг юзида нур ўйнади, падари бузруквор ўрнидаги ғоят меҳрибон ва нурунийи чамаси икки кундан бери соғинч билан кутарди, шу сабаб бош қимирлатиб розилик билдирди.

— Ассалому алайкум, юртимизнинг таянчи, ислом динимизнинг ҳимоячиси олампаноҳ! Ассалому алайкум, малика келин!

Моҳларойим шайхулислом Маъсумхон тўра ҳурмати юзасидан ўрнидан туриб таъзим бажо айлади. Маъсумхон тўра олампаноҳ билан кўришаркан:

— Абулмазаффар ва-л мансур амир мусулмон саид Муҳаммад Умархон ҳазратлари! Мен улуғ аршнинг эгаси бўлмиш оллоҳ таолодан сизга шифо бермоғини сўраб дуо қилиб ётибман!

Олампаноҳ Амир Умархон чеҳрасига нур ёғилди, шу сония шайхулислом Маъсумхон тўрага миннатдорчилик билдириб, бош қимирлатди.

— Олампаноҳимиз сихатлари дуруст бўлганларидан бошимиз осмон қадар баланд бўлмай! Бу оламнинг этаги кенгдир, вожаб, мана шу кенг дунё ҳар кимга ҳам насиб этгуси мушкулдир. Жиззах этакларида юққан бало-қазонинг даф бўлганлиги ҳар биримиз учун иншооллоҳ, ёруғ кунлар насиб этишидан дарак бергусидир. Шундайми, малика келин.

Шайхулислом Маъсумхон тўранинг босиқ ва осуда сўзлашлари Моҳларойим юзида ним табассум уйғотди. Олампаноҳ Амир Умархон ҳам шайхулислом Маъсумхон тўранинг қадрига етмаганлигини ва хонаданига ёруғ нур бағишловчи бу нурунийни ўз вақтида эъозламаганини тушуниб етди. Бу ўксик оғир тин билан босилгандай бўлди.

Олампаноҳ Амир Умархон елкасидаги оғриқ шу сония ҳалал бердими, оҳиста лўлаболишга ёнбошлаган куйи деди:

— Сизни кўрмоқ орзусида эдим. Менинг шу кечадаги нолаларимни худонинг ўзи етказибди. Минг қатла шукур.

— Менинг ҳам дилимга солингандек бўлди, олампаноҳ. Ўз кўзим билан кўриб, насибамни тотиб келарман, деб ҳузурингизга ошиқиб келавердим, олампаноҳ.

— Етказганига шукур. Аммо, кейинги дамларда кўнглим негадир шикорни қумсаб қолди. Езёвон тарафларда айлансам деб эдим...

— Шикор? Бемаврид эмасми, олампаноҳ.

— Нечун?

Шайхулислом Маъсумхон тўра бир сония тин олди. Чамаси, юрагида йилт этиб уйғонган бу оғриқни айтмасликка ҳаққи йўқ эди. Шайхулислом хазонрезги пайтлари олампаноҳ Амир Умархоннинг шикорга чиқишини раво кўрмасди. Буни қандай айта олади. Боз устига хасталик эндигина тарк этипти. Чор-атроф, уфқ ва худудсиз манзара кўнглининг равшан тортишига ёрдам берармикин. Ёинки дил ярасини бадтар оғиртармикин. Шайхулислом Маъсумхон тўра мана шундан чўчир, чўчирдигина эмас, шундай офат бало-қазолардан асрашга интиларди.

— Олампаноҳ, кўнгиллари шикорни тусаганлиги ҳам шарафдир. Билъакс, табиат ўз либосини алмаштираётган бир пайт. Бос ўстига ҳали оғир дарддан фориг бўлганингизча йўқ, олампаноҳ. Менга қолса, баҳор кезлари, табиат ёшарган паллада чиқсак дейман.

Моҳларойим шайхулислом Маъсумхон тўра таклифини маъқуллади. Аммо олампаноҳ Амир Умархонга ҳозирги таклиф ёқинқирамади шекилли, секин ерга қаради. Бироз жим тургач, амирона буюрди.

— Абулмазаффар ва-л мансур амир мусулмон саид Муҳаммад Умархон бизнинг сўзимиз...

— Бош устига, олампаноҳ, — шайхулислом Маъсумхон тўра яна таъзим қилди.

— Шу онларда шикорга чиқмоқни ихтиёр этдим, вазири калон Исматуллабий амиру умароларни шикорга шайласинлар. Назаримда, бу сафар кўнглим равшан бўлмай...

— Айтганингиз келсин, ҳазратим, — деди Моҳларойим.

— Худованди карим ол қулим десин, олампаноҳ. Сизнинг шодлигингиз эл-улуснинг бахтиёрлиги. Эл-улуснинг нияти эндигина рўёбга чиқяпти.

Шайхулислом Маъсумхон тўранинг сўнги тилаги олампаноҳ Амир Умархон бошини осмон қадар кўтарди, юзига табассум югурди. Бугунги кун Моҳларойим учун ғоят

эсда қоларли эди, алалхусус, олампаноҳ Амир Умархон неча ойки бугунгидек яйрамаган ва ўзини хушнуд тутмаган эди.

Шайхулислом Маъсумхон тўра чиқишга изн сўрагандек олампаноҳ Амир Умархонга юзланди ва эшик томон оҳиста юрди. Моҳларойим табаррук бу нуроний изидан остонагача кузатиб қўйишни ўзи учун бурч санади ва остонадан ҳатлаб, «Яхши борингиз», деди.

Олампаноҳ Амир Умархоннинг хаёли шу топда шикор билан банд эди, алҳол ўзини бу ўйлардан чалғитиш мақсадида китобхона томон юрди.

Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархоннинг китобхонага кирмоқчилигини англаб, юраги завқ-шавққа тўлди. Бу не бахтки, олампаноҳнинг ўзи фикр баҳридан гавҳар терса. Бу не бахтки, анчадан буён лавҳда очиқ қолган назм дафтарини тўлдириш истаги туғилса.

Олампаноҳ Амир Умархон китобхонанинг кенг ва ойдин хонасига тўшалган гилам бўйлаб юраркан, анча хушнуд бўлди.

— Офарин, хоним! Китобхона кўнглимни равшан этди-қўйди.

Моҳларойим ҳозир гап билан чимдиб олишнинг пайти келганлигини сезди-ю, умрининг ҳамрози ва гултожисини ноўрин хафа қилиб қўйишдан ўзини тийди.

— Ҳа, ҳазратим, сиз салтанат юмушлари билан бўлиб...

— Салтанат юмушининг ўзи тубсиз жар... Алалхусус, бу китоблар, баёзлар, зар суви югуртирилган девонлар. Мана бу девонлар янги битилган шекилли...

Олампаноҳ Амир Умархон кўзга кўринарли жойга қўйилган девонларнинг бирини олди.

— Амирий...

— Шундоғ, ҳазратим...

— Қачон тартиб берилган.

— Кунни кеча, ҳазратим! Шаҳри азимимизда Охун девондек хаттотларимиз борки, ҳуснихатлиги учун Мирзои Заррин калом деб бежиз айтилмасдир.

— Баракалло. Салтанат бошида юз йил қад кериб тургандан кўра, мана бундай ягона девон тартиб этишнинг ўзи афзал...

— Ҳақ гап, ҳазратим.

Олампаноҳ Амир Умархон шу сония умрини бежиз ўтказиб юборганлигини тушуниб етди.

— Амирий... Янами, хоним?

— Шундоғ, ҳазратим! Бу девонни Тўтиқиз тартиб берган...

— Нодира...

Моҳларойим уялинқиради. Ҳозир унинг юраги ҳис-туйғу билан тўлиб тошган эди.

— Бунисини ҳам, ҳазратим...

— Тўтиқиз дедингизми?

— Шундоғ, ҳазратим! Ҳўқандимиз шоираларидан. Ҳуснихатини қаранг!

Олампаноҳ Амир Умархон бугун илк бор завжаси Моҳларойимнинг «Девон»ини қўлга олди.

— Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, шеърят боғида мен ўйлагандан минг чандон ўзибсиз...

— Қуллуқ, ҳазратим! Лекин ҳазратларим шикору салтанат юмушлари ила банд бўлганларида мен сизнинг ғазалларингиз дунёсида яшадим, унинг марваридларини теришга ошиқдим.

— Ажаб...

— Тингланг, ҳазратим!

Лаб уюр такаллумга, зулфунгни паришон қил,

Қанд қийматин синдур, нархи анбар арзон қил.

Ҳусн шоҳисан, доно, бу ҳазин гадоларга,

Кўз учи ила боқиб хайр бирла эҳсон қил.

Ишқ динига мункир бўлса ошиқи худбин

Эй санам, лиқо кўрсат, габрни мусулмон қил.

Иҳтисоб учун зоҳид кирса дайр аро, соқий

Бир қадаҳ била они зухдидин пушаймон қил.

Истасанг кўнгулларни ғамза ёйига партоб

Қошларинг ҳилолини моҳи ййди қурбон қил.

Шўхчашми навхатсан, ноз ҳаштида сайр эт,

Гарди хоки пойингни сўрмаи ғазолон қил.

Ёр лаълидин ҳарфе айладим, Амир, иншо,

Эй кўнгул, бу гавҳарни жоғ ичинда динҳон қил.

— Офарин, минг офарин, хоним!

Моҳларойим юзида табассум ишва қилди. У амиралмуслиминнинг сояи давлатида яйраб-яшнаб юришни, жўшиб ижод саҳифаларини бойитишни ва қолаверса, Ҳўқанди азимнинг чирой очишига ҳисса қўйишини истарди. Яқин икки фасл ғоят узоқ қўзилди, тўшакка миҳланган олампаноҳ Амир Умархон тўшаги ёнидан жилмади, қалб

дафтари варақланмади, сайқалланмади. Бугунги кун негадир бошқача — ёрқин ва жозибали эди.

Шу аснода Олима отин кўриниш берди, демак салтанатдан кимдир ташриф буюрган. Остонада вазири калон Исматуллабий таъзим қилгач, олампаноҳ ҳузурларида юкинган бўлди. Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархонни холи қолдириш ниятида кўлини кўксига қўйганча китобхонадан чиқисни ихтиёр этди. Бу орада вазири калон Исматуллабий олампаноҳ Амир Умархонга рубарў келиб эзилган куйи кўлини узатди.

— Қўлингизни олганимдан беҳад умидвормен, шаҳриёр! Салтанатингиз бундан ҳам тўкин, обод ва равшан бўлғай! Боз устига кўнгуллари шикорга чиқмоқни тилади, таҳсинлар ўқигаймиз. Буёғи Уш, Ёзёвон, ёинки Қува ҳавоси роҳат бағишлашини, дилларни равшан этишини тилағаймиз. Далалхусус, ягона умид сиздан муддатни изҳор этсангиз, ўша ондаёқ отланурмиз, шаҳриёр!

Олампаноҳ Амир Умархон вазири калоннинг бу гал «шаҳриёр» дея мурожаат этишини негадир ёқтирмади, ҳозирнинг ўзида жавоб қилмоқчи эди, яна ниманидир эслаб, индамай кўя қолди.

— Мени кийинтирсинлар!

Вазири калон Исматуллабий шошиб қолди. Шикор муддатини айтиш ўрнига олампаноҳ Амир Умархоннинг шаҳар айланиши аёнлашди. Ясовуллар олампаноҳ Амир Умархоннинг олтин жиға, зар тўнларини кийинтиришга тушдилар.

— Уриниб қолмасмикинсиз, шаҳриёр!

Олампаноҳ Амир Умархоннинг чеҳраси бироз очилгандай бўлди.

— Бедовлар шайми?

— Ҳаммаси шай, шаҳриёр!

— Ҳўқанди азимни кўриш нияти туғилди. Янги иморатлар, мадрасалар...

— Ниятингиз улуғ бўлсин!

Вазири калон Исматуллабий ўзида йўқ хурсанд, яқин орада бошланадиган шикорни ўйлаб оғзининг суви келар, негаки худди шу онларни у орзиқиб кутарди. Шикор баҳона тунлари кўйинда моҳичеҳра нозанинларни эркалар, тонг ёришмаёқ яна олампаноҳ Амир Умархон ҳузурини таъзим бажо айларди.

Урда майдони сари яқинлашаётган олампаноҳ Амир Умархон вазири калон Исматуллабий жазоирий қилич таққан маҳсус муҳофиз йигитларнинг бетоқат бўлаётганлигини сезишди. Вазири калон Исматуллабийнинг қовоғи осилди, қоровулбегининг юраги ҳаприқди, шошиб соқчилар томон юрди. Дарвоза ортдан аллақандай овоз келар, соқчилар сочлари тўзғиган хотиннинг нарироқ туришини буюришар, ҳайдашар ва дўқ-пўписа қилишарди. Хотин эса овозини атайин баландлатиб султони мазорига ғишт қаларди.

— Дуо қиламан, бир карники, бир кўрники, дегандай меники ҳам ижобат бўлиб қолар...

Олампаноҳ Амир Умархон хотин қарғишини элас-элас эшитди-ю, бир сония жо-йида туриб қолди.

— Шаҳриёр!..

— Шанғиллаётган хотинни танурмисиз?

Вазири калон Исматуллабий бу саволдан довдиради, тўғриси у бундай юмуш билан шуғулланишни ўзи учун ор деб ҳисобларди. Ҳозир нима деб жавоб қилишини билолмай қолди.

— Дилингизни оғритмангиз, шаҳриёр!

— Танирмусиз?

— Бирор тиламчи адашиб кириб қолгандир, шаҳриёр!...

— Дард ила ўқиб йиғлаётганлиги қулоғингизга чалинмади шекилли...

— Бундай нокасларнинг уруғи бир, шаҳриёр. Узларини покиза кўрсатиш пайида бўладию...

— Бас!

Вазири калон Исматуллабий олампаноҳ Амир Умархон томон таъзим қилди.

— Буюрингиз, шаҳриёр. Ҳозир амрингиз ўринланур...

— Илғари бундайлар йўқ эди чамаси...

— Шаҳриёр...

Олампаноҳ Амир Умархоннинг ўқ ялаб ўтган елкаси қолиб кўкрагида санчиқ турди, у оҳиста кўкрак қафасини силаган бўлди.

— Шаҳриёр...

— Йўлни буринг...

Вазири калон Исматуллабий тушуниб етганича йўқ эди, олампаноҳ Амир Умархон юганин силтади. Бедов олд оёқларини даст кўтариб, кишнади. Олампаноҳнинг ўзи зар суви югуртирилган эгардан учиб кетишига бир баҳа қолди. Шундай бўлса-да, отнинг бошини орқага бурди.

Вазири калон Исматуллабий бедовига қамчи урди. Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархоннинг зудлик билан ортга қайтганлигини эшитиб, дарвоза томон юрди. Моҳларойим олампаноҳ Амир Умархоннинг рангги оқариб келаётганлигидан юраги эзилди.

Вазири калон Исматуллабий олампаҳоқ Амир Умархоннинг отдан тушишига ёрдамлашди.

— Ҳазратим...

Олампаҳоқ Амир Умархон Моҳларойимнинг тиниқ ва ҳазин овозини англаб етди-ми, кўзини хиёл очди.

Моҳларойимнинг имосига муштоқ Олима отин хонаи хосга кўрпачани қалин қилиб тўшаб, «Ҳаммаси тахт, ойим», дегандай бош қимирлатди. Моҳларойим кўнглининг гулзори ва боғбони олампаҳоқ Амир Умархоннинг вужудини тимдалаётган ярани англай олмас ҳамда бунчалик тез ўзгариб бораётганининг боисини тушуниб етолмас эди. Яқин олти ой умрининг соҳибқирони бошида термулиб ўтириб, бугунгидек ёруғ лаҳзаларни орзиқиб кутган, қолаверса, юраги ҳам қон бўлиб кетган эди. Ажабо, бу мунаввар кунларни ким кўп кўрди экан? Наҳотки олампаҳоқ Амир Умархон хасталик тўшагидан қаддини кўтаролмаса. Узинг қўлла, ўзинг йўлла ҳалоққи эгам!

Олампаҳоқ Амир Умархон кўрпача узра ётаркан, бир зум оғир ингради, чамаси елкаси оша бораётган оғриқ кучаяётгандек эди. Алалхусус, олампаҳоқ Амир Умархон бу сафар кўкрак қафасини ушлади.

— Ҳазратим... Бир оғиз сўзингизга муштоқмен. Нима бўлди, қийналаётган жонингизга жоним тасаддуқ. Жиллақурса бир оғиз сўзланг...

— Чоғир...

— Ҳазратим!

— Чоғир...

— Бир муддат сабр қилинг, ҳозир табиб ташриф буюрадилар. Иншооллоҳ, дарддан халос бўлурсиз...

— Юрагим... юрагим... Қани, ким. Ким бор, чоғир!..

— Ҳазратим...

— Чоғир...

— Ҳазратим...

Олампаҳоқ Амир Умархон кўз олдида икки арвоҳ капалак бош томонига ўтгандек туюлди, уни кўрди-ю, нафаси тиқилди, сониян инграган товушда қўл силкиди.

— Кет... кет...

Моҳларойим қалбини қоронғулик чулғади. У секин ўрнидан туриб бурилмоқчи эди, олампаҳоқ Амир Умархоннинг «кет, кет», дея ҳазин овози такрорланди, шундагина Моҳларойим умрининг ҳамроҳи ва мастони ўз-ўзи билан сўзлашаётганини тушуниб етди. Олампаҳоқ Амир Умархон ўрнида тўлғанди. Чамаси унга Жумабий қайтоқи ва Ирисқулибийнинг сўҳбати тинчлик бермасди.

Моҳларойим икки ўт орасида, нима қиларини билолмас, олампаҳоқ Амир Умархоннинг босирқираб, «кет, кет», дейишларидан жони ҳалакда эди. Уч-тўрт табиб муолажа қилиб кўрди, алалхусус, салтанат султонининг танасидан ҳарорат пасаймасди.

...Кунлар ортидан кунлар ғамгин ўтарди. Моҳларойим олампаҳоқ Амир Умархоннинг аранг пирпираётган киприқларига термилади. Бир томонда шам эрий-эрий кичрая боради.

Умр ва шам...

Моҳларойим уни эслади-ю, чўчиб кетди, ўзини ўзи койиди. «Йўқ, йўқ, бундай лаънати ўйни ел олсин!»

— Ҳазратим...

Моҳларойим олампаҳоқ Амир Умархонга интиқ термилди, тобора музлаб бораётган баданига қўли тегдию кўзёшлари оқиб тушди.

Олима отин шамни янгилади, шарпасиз ортига қайрилди. Моҳларойим ҳамон унсиз фарёд чекар, қанийди, умрининг султони ва гултожиси ҳисобланмиш олампаҳоқ Амир Умархон умрини шам янглиғ янгилай олса?! Жонини, жаҳонини беришга тайёр эди, афсус, минг бора афсус... Оёқ томонда Муҳаммад Алихон, Султон Маҳмудхон... Шайхулислом Маъсумхон тўра тинимсиз тасбеҳ ўгиради.

Олампаҳоқ Амир Умархон бир энтикди, унинг кўз қорачиқлари кенгайиб кетгандек бўлди. Ана шу кўзлардан алвидоблик сўзлари яширин боқаётганлигини англаш мумкин эди. Буни шайхулислом Маъсумхон тўра англади ва Моҳларойимга: «Бардам бўлинг, малика келин» дейишга улгурди. Моҳларойим ўкира-ўкира сочларини юлди.

— Йўқ, йўқ. Ҳазратим...

Шайхулислом Маъсумхон тўра олампаҳоқ юзига бир зум термулиб турди-да, деди: — Оллоҳнинг иродаси, қизим! Ўзи умр берган эгам ўзи тортиб олса нима ҳам дердик.

Моҳларойим қора рўмолини чангаллаб, қўш фарзандини бағрига босганча йиғлаша-га тушди.

Мени, эй чарх кажрафтор, ёримдин жудо қилдинг,  
Ҳазондур боғи айшим, навбаҳоримдин жудо қилдинг,  
Айирдинг меҳрибонимдин, нигоримдин жудо қилдинг,  
Чароғи нури баҳши рўзгоримдин жудо қилдинг,  
Нигори сарв қомат гулузоримдин жудо қилдинг,  
Таним ҳоқи раҳ ўлди, шаҳсуворимдин жудо қилдинг.



*Бу оламда ҳамиша мен  
фидоларга фидо бўлсам*



## Олимжон Холдор

Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, шоир Олимжон Холдор Андижонда яшаб, ижод қилади. Унинг шеърларидан тортиб, дostonларига қадар ўзига қадрдон, киндик қони томган тупроқ — Андижоннинг қадри сезилиб туради. Буни китобларига қўйилган номлардан ҳам илғаш мумкин. «Андижон гўзали», «Кафтдаги тупроқ», «Андижонда кўклам», «Андижоннинг еттинчи осмони» шулар жумласидан. Ижодкор олтинчи ёшга тўлди. Ойномамиз номидан қутлаб, янги мухаммасларидан эътиборингизга ҳавола этамиз.

### Бобур ғазалига мухаммас

Ким улусга хизмат айлар, қолгай андин яхшилиғ,  
Яхшилиғ қилган кўрур, охир, Ватандин яхшилиғ,  
Англатур бир сўз билан одам суҳандин яхшилиғ,  
Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ,  
Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ.

Кетмагай сен бирла ҳаргиз олтин-у, гавҳар, ҳақик,  
Бори қолгай оқибат билсанг агар, ё раб, дариг,  
Шум ниятлиларга оллоҳ бир куни бергай тафик,  
Бу замонни нафъи қилсам, айб қилма, эй рафик,  
Кўрмадим ҳаргиз, нетойин, бу замондин яхшилиғ.

Бир малакнинг ҳажрида бу телба-мажнун кўнглума,  
Тиғ урар ағёрларнинг сўзи ҳар кун кўнглума,  
Гоҳида озор берур — озорли афсун кўнглума,  
Дилраболардин ёмонлиғ келди маҳзун кўнглума,  
Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.

Соғинурман, юз соғинч, рангим сомонлик асру кўп,  
Бобурий авлодиман, Анжан томонлик асру кўп,  
Кўрмаган яхши-ёмондин мен омонлик асру кўп,  
Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ёмонлик асру кўп,  
Эмди кўз тутмоқ не, яъни, ҳар ёмондин яхшилиғ.

Ёрни васлига етган, билки, кундин яхши йўқ,  
Зори зулфин эслатур, ул саъйи тундин яхши йўқ,  
Севгилимнинг қоши ёй, ки, кўзи нундин яхши йўқ,  
Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.

Сирри асrorинг ниҳонда истама Бобур киби,  
Утса гар умринг фидонда, истама Бобур киби,  
Мен Олимжонман Туронда истама Бобур киби,  
Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,  
Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ.

### Машраб ғазалига мухаммас

Бу оламда ҳамиша мен фидоларга фидо бўлсам,  
Узим янглиғ ғариби ишқ, гадоларга гадо бўлсам,  
Адолат деб чақирсам-да, нидоларга нидо бўлсам,  
Қиёматдир, агар, жоноки, мен сендин жудо бўлсам,  
Хуш ул давлат эрур менга фироқингдин адо бўлсам!

Висолинг ҳажрида билганларимни билсанг афғондур,  
Менинг кечганларим сўрсанг, ҳамиша дилда пинҳондур,  
Агар сенга хиёнат айласам куйдир ва ё ёндур,  
Муҳаббат ўтига, жоно, юрагим таҳ-батаҳ қондур,  
Нечук, мен найлайин, дўстлар, азалдин бенаво бўлсам!?

Бўлур равшан дилим дилга ўзинг ёққан чироқингдин,  
Келиб ҳолимни сўрмайсан яқинлару йироқингдин,  
Дариғ тутма мени асло ўшал лола яноқингдин,  
Юрагу бағрим ўртанди сенинг дарду фироқингдин,  
Нечук юз қайтаройин, мен, азалда ошно бўлсам?!

Кимиким бу ҳаётда, бил, гуноҳ ёки савоб айлар,  
У дунёю бу дунёда юрак-бағрим кабоб айлар,  
Адашганлар йўлини ишқ равон ёки сароб айлар,  
Ҳама ушшоқи содиқни сани ишқинг хароб айлар,  
Қабул этгил, аё дилбар, кўйингда бир гадо бўлсам!

Сенинг оҳу фироқингни дилимга, ёра, жойларман,  
Тирик бўлсам неча йиллар яна йўлингни пойларман,  
Висолинг ҳажрида билмам, нетай, узлатни сайларман,  
Фалакни жавридин, дўстлар, нечук мен шиква айларман,  
Нетай, найлай, азал кундинки мен бахти қаро бўлсам?!

Бил, эй билгин, вафо-аҳдда ҳамиша сен турармусан,  
Менингдек сен адолатнинг кўчасинда юрармусан,  
Сенинг ҳажрингда оҳ урган Олимжонни кўрармусан,  
Мени додимга етиб ҳам бу ҳолимни сўрармусан,  
Фироқингда адо бўлган бу Машраб, бир гадо бўлсам?!

### Фузулий ғазалига мухаммас

Адолатнинг йўлини мен каби афгор ўландан сўр,  
Висоли иштиёқини ҳамиша хор ўландан сўр,  
Кўнгилда қанчалик дард-ҳасратиқим бор ўландан сўр,  
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
Зилоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Бу ишқ доғи жафосидин мурод ҳосилки қайғурма,  
Менинг қатлимга жаллодинг юбор, ҳар ёнга бош урма,  
Не ҳолга тушмагимни сен ҳикоят айлаб ўлтирма,  
Лабин сиррин гелуб гуфтора бандин ўзгадан сўрма,  
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.


Сенинг ҳажрингда ўртанган кўнгулни нотавон, деб бил,  
Дилимки йиғлагай найлай, тиним билмай неча ой, йил,  
Менингдек бир балокашга бу дунё аслида жоҳил,  
Ўзи ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,  
Ковокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Кўзимни олмағум асло гули раъно чаманлардан,  
Илоҳо асрасин жоним сени яхши-ёмонлардан,  
Узоқроқ айлагин доим мунофик, бекафанлардан,  
Хабарсиз ўлма фаттон гўзларинг жаврин чеканлардан,  
Хабарсиз мастларинг бедодини ҳушёр ўландан сўр.

Мени ташлаб кетиб боргай гўзаллик бирла иқболим,  
Бўлурми ё умрнинг олами ҳам шунчалар золим,  
Бу дунёда сўровчи йўк, ўзингдан бошқа бир ҳолим,  
Ғамингдан шамътак ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
Бу аҳволи шаби ҳижрон баним-ла ёр ўландан сўр.

Сен-эй, бахтимга бор бўлгин, юзинг ҳеч бўлмасин зоҳил,  
Ғазал аҳли ҳамиша мақтаниш, мақташгадир мойил,  
Олимжон-чи, битиб ашъор, этмас кимсани қойил,  
Муҳаббат лаззатиндан беҳабардир зоҳиди ғофил,  
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор ўландан сўр.

Анджон



Тоҳир Малик

## ШАЙТАНАТ

Қисса

Биринчи китоб

МУҚАДДИМА

Бисмиллаҳир Роҳ-  
манир Роҳийм.

Яратганга минг-  
минг шукрлар бўлсин-  
ким, Сиз — азизларга  
айтмоқ учун дилимга  
яна бир гап солди. Ол-  
лоҳнинг ўзидан мадад  
сўраб, қўлимга қалам  
олдим. Умид шулки,  
айтар сўзларим сизлар-  
ни бефарқ қолдирмас...

Оллоҳ субҳанаҳу  
ва таоло бандаларига  
«шайтон йўлидан юр-  
манглар», деган. Надо-  
матким, ҳақ йўл турга-  
нида шайтон йўли бизга  
дурустроқ кўриниб, шу  
томон оғамиз. Оёқла-  
римиз яхшилик эмас,  
зулм сари юришни маъ-  
қул кўради. Пешона-  
миз деворга урилганда  
эса, «шайтон йўлдан оз-  
дирди», деб кўксимиз-  
ни доғлаймиз.

Шайтон ҳам киши  
билмас улўф қудрат эга-

си. У ҳасад, риё, жаҳолат, разолат, хиёнат, ғазаб, шаҳват, сафоҳат, ҳасосат, анонийят, на-  
мимат, кизб, зулм, тама салтанатларининг султони. Унинг салтанати қурғоқчиликни бил-  
майди — у эккан уруғларга Сиз билан биз сув бериб, ўзимиз англамаган ҳолда холис

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

وَ قَالَ الشَّيْطٰنُ لَمَّا قَضٰى الْاَمْرَ اِنَّ اللّٰهَ وَعَدَّكُمْ وَعَدَّ  
الْحَقَّ وَ وَعَدَّتْكُمْ فَاخْلَفْتُمْ وَمَا كَانَ لِيْ عَلَيْكُمْ مِنْ

سُلْطٰنٍ اِلَّا اَنْ دَعَوْتُمْ فَاَسْتَجَبْتُمْ لِيْ فَلَا تَلْمِزُوْنِيْ

وَلَوْ مَوَّآ اَنْفُسِكُمْ مَّا اَنَا بِمَصْرِحٍ حَكَمٍ وَمَا اَنْتُمْ بِمَصْرِحِيْ

اِنِّيْ كَفَرْتُمْ بِمَا اَشْرَكْتُمْوْنَ مِنْ قَبْلُ اِنَّ الظّٰلِمِيْنَ لَهُمْ عَذٰبٌ

اَلِيْمٌ (سورةالابراهيم ٢٢-آيت)

"Шайтан ғалб, жан бирарде шашдим мана"

احمد يسوي

Мазмун будир: «Қачонки [бу] иш тугагач [яъни жаннат аҳли жаннатга сазовор бўлиб, дўза-  
хийлар дўзага ҳукм қилингач], шайтон деди: «Албатта Оллоҳ сизларга ҳақ ваъда қилган эди. Мен  
эса (ёлгон) ваъдалар бериб, сизларни алдаган эдим. [Лекин] мен учун сизларнинг устингизда ҳеч  
қандай ҳукмронлик йўқ эди, илло мен сизларни [куфр йўлига чақиршим билан(оқ)] ўзингиз менга  
итоат этдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилингиз. Мен сизларга ёрдам бера ол-  
майман, сизлар ҳам менга ёрдам бергувчи эмассиз. Албатта, мен сизлар илгари [Оллоҳга] мени  
шерик қилганингизни инкор қилурман. Албатта, золимлар [яъни кофирлар] учун аламли азоб  
бордир...» [Иброҳим сурасининг 22-оят.]

«Шайтон ғолиб, жон берарда шошдим мано».

Аҳмад Яссавий



хизмат қилиб ётамиз. Шу боис унинг салтанатида қадалган ҳар бир уруғ ниш бериб, униб чиқади, ўсиб, мева тугади...

Ён-атрофимизда шайтон салтанатининг фуқароси кўпми ё иймон ва виждон сўзига итоат қилгучи тобунларми? Албатта, шайтонни ёнга олганлар кўп. Аммо шайтон йўлидагилар кўзимизга кўндай кўринаверади. Чунки улар эккан ёмонлик дарахти тез шохлайди, мўл мева беради. Мен шу ёмонлик дарахтининг илдизини излаб топарман деб яна сизларга мурожаат этяпман, вақтингизни оляпман. Уни топмоққа бир одамнинг ақли қосирлик қилмоғи аниқ. Кўплашиб фикрлашайлик-чи, иншооллох, тўғри хулоса чиқариб олсак.

Ҳаёт турфа ранг. Кўзни яшнатиб, дилга қувват бергучи чиройли ранглар ҳам, кўнгилни вайрон қилгучи қора ранг ҳам бор. Авваллари қора рангни ишлатишга бир томондан ижозат, иккинчи томондан журъат йўқ эди. Қоранинг ёнида албатта оқ, пушти, зангори... ранглар бўлиши шарт эди. Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кўчаларига киришга жазм этдим. Ёзганларимни ўқиб, чор атроф зимистон-ку, деб ваҳимага берилманг. Ёруғ кунда барча яхши нарсаларни кўриб турамыз. Қоронғида эса кўрмаймиз. Урилиб, сурилиб, қоқилиб юрамыз. Алқисса, ёруғ куннинг қадрига етмоқ учун қоронғуликни ҳам кўриш лозим эмасми?

Асарни охиригача ўқий олсангиз, бунга сабрингиз ва вақтингиз етса, бир қанча одамлар билан танишасиз. Улар балки қўшнингизга, балки дўстингизга, балки қариндошингизга ўхшаб кетар. Шу ҳол юз берса, «фалончини ёзибдилар» деб юрманг. Бу шунчаки тасодифий ўхшашликдан бошқа нарса эмас.

Ҳеч бир инсон ёмонлик учун яратилмайди. Инсон дунёдан лаззатланиш, бу дунё синовларидан ўтиш учун келади. Одам ерда юради. Шоир айтмоқчи:

Самодаги тузоқ нима билмағай,  
У ҳеч кимга итоат ҳам қилмағай.

Афсус, оёқлар остида тузоқлар кўп. Бу тузоқ одам боласининг ҳаёт йўлида ҳал қилувчи восита ҳам бўлиши мумкин. Мен асёрда сизга ҳамроҳ бўлгучи фуқаронинг айримларини аввалдан таништирай. Шу мақсадда биров ортга қайтишимизга тўғри келади.

## ЭЛЧИН

1978 йил, 8 сентябр.

У момиқ булутлар устида сархуш сузарди. Бирдан булут чоки сўкилиб, пастга қараб шўнғиди. Юраги шув этдию кўзини очди. Чиндан ҳам булут устида сайр қилардимми, чиндан ҳам пастга шўнғидими — дафъатан идрок этолмади. Ҳаёлини жамлашга уринди. Кўриб тургани — нақш билан безатилган шифт — демак, ўз уйида. Ажаб, уйга қачон, ким билан қайтди экан?

— Мен ҳазил ўйини деб ўйлабман...

— Қиморда ҳазил бўлмайди. эркак.

— ...Тўлайман ...фақат бугун эмас. Бир-икки йил ичида.

— Пулни-ку, тўларсан-а, хотининг-чи? Хотинингни ҳам тикворгансан-ку».

Бу ҳирилдоқ овоз бошига гурзи бўлиб урилиб, сапчиб тушди. Беихтиёр:

— Ноила! — деб бақирди.

Жавоб бўлмади. «Олиб кетишимми?!» деган фикр вужудини парчалаб ташлади. Бу сафар жонҳолатда бақирди: «Ноила!!!» Айвондаги қафасда мудраётган тўтиқуш партирлаб, бир чуғурлаб қўйди-ю, тинчиди. Ташқарида ит улиди.

У сесканиб, атрофга олазарак боқди: ўнг томондаги ётоқ эшиги қия очиқ. Ичкарида чироқ ёниқ. Ноила ёлғиз қолган тунлари чироқни ёқиб ётарди. «Уйда экан...» — шу фикр унинг парчаланган вужудига жон қайтарди. Эшик томон юрди. Остона ҳатлади-ю, тошдай қотди: икки кишилик каравотда, умрининг энг ширин дамлари ўтган ўринда Ноила сочлари паришон ҳолда ётарди. Агар чойшаб қонга беланмаган, чап кўкрагига пичоқ қадалмаган бўлганида уни ширин уйқуда деб ўйлаш мумкин эди. Ачомлашган узун киприklar пастки қовоғига соя ташлаган, бежирим лаблари қимтилган, қалдирғоч қанотидан нусха олган қойлари эса таранглашган. У ҳозир хотинининг на кипригига, на қошига қарайди. У ҳозир Ноиланинг бўйни, бақбақалари тишланганини ҳам кўрмайди. Унинг кўзи ҳозир кўкракка қадалган пичоқда. Дастаси кийик шохидан ишланган пичоқ жавонда сақланар эди. Уни ким олди? Ким Ноиланинг кўкрагига санчди?

У бир неча дақиқа телбаларча турди. Сўнг, эси ўзига келгач, шошилиб бориб кўкракдаги пичоқни суғуриб олди...

## АСАДБЕК

1949 йил, 31 декабр.

Тонгга яқин онасининг инграётганини эшитди. Кейин отаси нимадир деди. Танча совуб қолган, бадани совуқдан жунжика бошлаган эди. Оташкуракни олиб кулни титиб

қўйса-ку олам гулистон, аммо эринчиқлик совуқдан устунлик қилди. Бу юмушни эрта-лаб онаси бажарар эди. Учовлон танчанинг уч томонида ётишарди. Ҳозир онаси нариги уйда инграяпти, отаси нимадир деяпти. Совуқ уйда нима қилишяпти экан?

— Уйғондингми, тойчоқ? — деди дадаси остонада туриб. — Турақол, аягни касалхонага ташлаб келаман. Бугун қорбобо сенга ҳам чана, ҳам ука олиб келадиганга ўхшайди. Сен яхши бола бўлиб ўтириб тур.

Аяси дадасининг қалин ёқали катта оғир пальтосини кийиб олибди. Унинг назарида аяси пальтонинг оғирлигидан қийналиб инқиллаётганга ўхшарди. Аяси танча олдида тўхтади. У турди. Аяси уни ўпиб, йиғлади.

— Дадаси, танчанинг чўғини очиб қўйинг. Тойчоғингиз совқотибди, — деди. Дадаси энгашиб, кўрпанинг бир томонини кўтарди-да, кулини титиб, чўғни очди.

Кейин чиқиб кетишди.

У жойига ётди. Аввалига ёлғизликдан бироз кўрқди. Сўнг ухлаб қолди. Бу сафар ошқозон таталаб уйғонди. Сандал устини қоплаб турган тўрт бурчакли катта патнисда бир бурда нон, бир сиқим туршак бор эди. Туриб, ювинишга эринди. Қўлини чўзиб нонни олди.

Кўча томондан болаларнинг қувноқ қийқириқлари келди. Нон билан туршакни еб бўлгунча «кўчага чиқсам дадам уришадилар», деб ўзига ўзи сўз бериб ўтирди. Қорин ғами бироз аригач, дик этиб ўрнидан турдию аяси тикиб берган пахталикни эгнига илди.

Ана шу пайтда кўча эшиги очилиб, икки киши кириб келди. Айвонга чиқиб оёқларини тап-тап уриб, қорни қоқишди. Сўнг эшикни очиб танчали уйга киришди.

— Уйда ким бор? — деб сўради паст бўйли киши.

— Отанг қаерда? — деб сўради новчароғи.

— Дадам аям билан кетдилар.

— Қаёққа?

— Ука олиб келгани.

Улар бир-бирларига ғалати қараб олдилар.

— Жойингда қимирламай ўтир, — деб буюрди паст бўйли киши.

Кўрқиб кетганидан қимирлашга ҳам ҳоли қолмади. «Булар ўғри, яхши ҳам нонни еб қўйганим», деб ўйлади.

Улар этикларини ечмай, эски кигиз устида из қолдириб, токча томонга ўтишди. Китобларни титкилашди. Кейин сандиқни очишди.

У титрай бошлади.

— Танчага ўтир, — деб буюрди паст бўйли киши.

У совуқдан эмас, кўрқувдан титраётган эди. Танчага ўтирганда ҳам қалтироғи босилмади. «Ҳеч нарса топишолмаса, мени ўлдиришади», деган хаёлга келиб, йиғлаб юборди.

— Нимага йиғлаясан, кўрқаясанми? — деди новча одам.

Тили гапга келмай, бошини ирғади.

— Кўрқма, биз ўғри эмасмиз. Биз халқни ўғри, муттаҳам, душманлардан ҳимоя қиладиган одамлармиз. Сенинг отанг ҳам душман. Оддий эмас, халқ душмани!

— Болага бу гапларни гапирманг, фойдаси йўқ.

— Фойдаси бор. Билиб қўйса чакки бўлмайди.

Тинтув тугагач, биттаси патнисни суриб қўйиб, курси устига, иккинчиси дераза токчасига ўтириб, папирос тутатди.

Улар узоқ кутишди. Ниҳоят, кўча эшиги оғзида дадаси кўринди. Қўлида чана! У суюнганидан ирғиб туриб, ташқарига югуриб чиқиши керак эди. Аммо ўрнидан жиллолмади. Уғлининг пешвоз чиқмаганидан дадаси ҳам ажабланиб, «Тойчоқ, уйдამисан?» деб қўйди. Эшикни очиб, танчали уй ичкарасига бир одим ташлади-ю, ҳайратланиб тўхтади.

— Сиз қамоққа олиндингиз, — деди паст бўйли одам, унинг орқасига ўтиб.

— Халқ душмани сифатида, — деди новча одам, унинг рўпарасига туриб олиб.

Дадаси индамади. У «Дадам иккаласини уриб-уриб кўчага отворсалар эди», деб жуда-жуда истаган эди. «Нимага урмаяптилар, кучлари етмайдими? Мен борман-ку!»

— Дадамга тегманг! Тегманг дадамга! — дафъатан келган ҳайқириқни тўхтата олмади. Ирғиб туриб узун бўйлининг елкасига тирмашди.

— Жим бўл, илонвачча! — у шундай деб итариб юборди.

— Болага тегманг! — деб бақирди дадаси.

— Бўлди, томоша тамом, юр, — деди паст бўйли одам.

— Биродарлар, — бу сафар дадасининг овози титраб чиқди, — ахир бугун янги йил, ўғлим ёлғиз. Эртага тонг саҳар айтган ерингизга ўзим етиб бораман.

— Мумкин эмас, юр.

Дадаси уларга бошқа ялинмади. Фақат «Ўғлим билан хайрлашиб олай», деб изн сўради. Рухсат теккач, уни бағрига олиб, юзини юзига босди. Шунда юзига дадасининг кўз ёши тегиб, у ҳам йиғлаб юборди.

— Йиғлама, ўғлим, Жалил ўртоғингизга чиқиб ўтир. Мен эрталаб қайтаман. Аянг

## ЗОХИД

1980 йил, 10 июн.

Улар тўрт киши эдилар. Ака-ука уларга бас келолмасди. Қочдилар. Кўча узун, гўё адоқсиз эди. Ҳаммаси худди тушдагидай кечди: жонҳолатда тез югурамиз дейдилар-у, югуролмайдилар — қочоқлар билан қувлоқлар орасидаги масофа тобора қисқаради. Ана, уч қадам қолди... икки қадам... Орқадагиларнинг ҳансирашлари, яққол эшитилади. Сўнг... ўнг чаккасига орқа томондан мушт тушди. Оёқлари чалишиб, мувозанатни ушлолмай қолди — мункиб бориб дераза тоқчасининг қиррасига калласи билан урилди. Кўзлари тиниб, аъзойи бадани бўшашди. Шу аҳволда эканида акасининг ихраганини эшитди. Кейин акаси жони борича бақирди:

— Зоҳид, қоч!!!

У ҳам «ака, қочинг!» деб бақирмоқчи эди, овози чиқмади. Фақат лабларини аранг қимирлата олди.

Касалхонада ўзига келиб, бўлган воқеаларни эслади: шанба оқшомида ака-ука дарсдан чиқиб, қишлоққа қайтдилар. Онаси тандирга ғўзапоя қалаб, нон ёпишга ҳозирланарди. Совчилар ишни пиширишган, эртага қизнинг уйида нон синдирилади. Қарабсизки, ёзги имтиҳонлар оёқлаши билан тўй бошланиб турибди-да. Ака-ука эртага бўладиган шодликни билишса ҳам билмаганга олишади. Фақат ука айёрлик билан кўз қисиб, акасига қараб қўяди.

— Уртоқларинг келиб кетишди. Афзалинг ҳарбийдан қайтибди. Уша ерда ўтиришаркан,— деди она бўлажак куёвга меҳр билан боқиб.

Ака ўша ёққа отланди.

— Ҳай, ўртоқларингга қўшилиб ичмагин-а! — онаси шундай деб уни ҳам акасига қўшиб меҳмондорчиликка юборди.

Жўралар кучоқлашиб кўришдилар. Бир кўчани чангитиб улғайган йигитлар фотиҳа тўйидан дарак топишган, улар учун Афзалнинг ҳарбийдан қайтгани бир шодлик бўлса, улфатларидан бирининг бўйдослик қўрғонини бузиб уйланаётгани ўн шодлик эди. Чин шодлик шишалар бўшатишгунча экан. Бир-бировларига битта гап кам, иккитаси ортиқча даражага етишгач, барчаси учулди. Акасининг қайси гапи жўрабошига ёқмади — у эслолмади. Зиёфат тугаб, кўчага чиқишди. Ана шунда жўрабоши:

— Ҳали нима девдинг, қурруқ! — деб ёқасига ёпишди.

Акаси ҳам ҳайрон. Нима дегани эсида йўқ. Уларни ажратиб қўйишди. Ака-ука тинчгина кетишаётган эди. Йўл яримлаганда орқадан тўртталаси қувиб келди...

...Фотиҳа тўйига атаб ёпилган нон жанозага келганлар учун ёзилган дастурхонга қўйилди. Мурда ювиладиган уйга гуллар сочилди. Чимилдиқ тутилди...

Бу пайтда у касалхонада ҳушсиз ётарди.

Тўртта эди улар. Қора курсида эса ёлғиз жўрабоши ўтирибди. У ака-ука билан мушшлашиб, «бехос уриб ўлдириб қўйибди». Жиноят қасддан қилинмаган. Давлат қораловчиси ҳам, оқловчи ҳам шу фикрда.

Судхонага акасининг суратини олиб киришди. Жўрабоши йиғлаб туриб, суратни олиб қўйишни илтимос қилди. Гувоҳлар ҳам ўтиниб сўрашди. «Ҳа, буларда инсоф бор экан-ку», деб ўйлади. Лекин жўраларнинг барчаси ёлғон гапиришди. Марҳум хотираси ҳам булғаб ташланди. Тўртовлон акасини ураётганда мард эди. Энди, жавоб беришга келганда номард кимсага айланишди. Жон ширин экан. Шу ширин жон учун хоинлик қилиш осон экан, жуда осон экан.

\* \* \*

Баёқ қилганим — уч воқеа уларнинг ҳаётидаги алғов-далғовнинг бошланиши холос. Шу воқеалардан сўнг уларнинг аҳволлари не кечди, бошларига яна не савдолар тушди?.. Ана энди муқаддимани якунлаб, асосий мuddаога ўтсак бўлар.

Асарни сўнгги нуқтасигача ўқиб чиқишингизда яратгандан Сизга сабр тилайман. Ассалому алайкум ва раҳматулиллоҳу ва баракотух.

Қишлоқда тонгни хўрозларнинг қичқириғи, қушларнинг чуғури, ниҳоят, эшакнинг ҳанграши уйғотади. Руҳий хасталар шифохонасида эса деразаларига темир панжаралар маҳкамланган хоналардаги жинниларнинг ҳайқирган овозлари тонгни бир титратиб сўнг

уйғотади. Янада аниқроқ айтсак, бу овозлар шомдан тонгга қадар тинмайди. Бу бақириқлардан безор бўлган тун бу ерлардан тезроқ қочмоқ истаиди. Учинчи қаватдагилар туннинг ожизлигию ўзларининг қудратларидан масрур — гўё улар тонгни уйғотиш учун бетиним хизмат қилиб чиқадиғандай. Анвар буни биринчи келган кунидеқ фаҳмлаган. Гаплари алмойи-алжойи одамлар билан ҳамхона бўлгач, «чиндан ҳам менинг эсим оғанми?» деб ўйлади. Унга меҳрибонлик кўрсатганларнинг чин мақсадини англамоқ ниятида хаёлнинг турли кўчаларига кириб чиқди. «Меҳрибон»лар сафининг бошида «халқ отаси» тургани аниқ. Умрини мактов эшитишу чиройли қиз-жувонлар билан зйш қилишга тиккан идора бошлиғини Холидий эмас, балки киноя билан «халқ отаси» деб аташ расм бўлган эди. Холидий «халқ отаси» деган сўзни эшитганида заррача ранжимасди, балки унвон сифатида қабул қилишга кўникканди. Аниқроғи, бу «унвон» унга жуда хуш ёқар, вақт ўтган сайин чиндан ҳам халқ отаси эканига ишониб борарди. Холидий хорижга кўп сафар қилгучи эди. Агар туғмас хотинлар делегацияси чет элга борадиган бўлса ҳам бу одам рўйхатнинг бошида турарди. Мабодо рўйхатга кирмай қолса, «ахир мен ҳам туғмаганман-ку», деб даъво қилишдан тоймас эди. Сафардан қайтгач эса албатта идора ходимларини тўплаб, бир неча соат давомида хотирларини сўзлаб берарди. Халқ тарихини ўрганиши лозим бўлган илмгоҳ асосан Холидийнинг хизматиини ўташ билан машғул эди. Навбатдаги сафардан қайтган Холидий хотирагўйликларнинг бирида «мажлисдаги аж-набийлар нутқимни эшитиб, «сиз оддий олим эмас, халқнинг отаси экансиз!» деб олқишлашди» деб бир яйради. Бу гапни эшитиб Анвар «шу одам ота бўлган халқнинг падарига лаънат!» деди. Енидаги ҳамкасблар аввалига бу бурама гапнинг мағзини чақишмади. Кейин тушуниб қолиб, кулиб юборишди. Шубҳа йўқки, Анварнинг гапи Холидийга етиб борган. Бироқ, уни жиннихонага юбориш учун бу гап кифоя эмас. Холидийнинг шогирди диссертация ёқлаётганида Анвар бу илмий иш эмас, лўтти-возлик деб фикрини исбот қилишга уринган эди. Унинг гапларини барча маъқуллаган, лекин уни химоя қилмаган эди. Диссертация яхши баҳо олди. Холидий истаса Анварни ўша кунидеқ ишдан бўшатар эди. Бунақа идораларда «штат қисқариши» деган гаплар бўлиб туради. Анвардай чўрткесар олимнинг баҳридан ўтиш Холидийга чўт эканми? Лекин у Анварни ишдан ҳайдамади. Яхши муомалада бўлиб юраверди. Яхши муомаласини дариг тутмаган ҳолда жиннихонага жўнатди. Аммо нима учун бундай қилди — Анвар учун ҳам, унинг атрофидагилар учун ҳам сир эди. Анвар биринчи кечада шу жумбоққа жавоб топишга ҳаракат қилди. Уша кеча учинчи қаватдан таралаётган овозларни эшитиб, юраги сиқилди. «Мени бу ҳаваскор жиннилар хонасига келтиришга куч топган одамлар учинчи қаватга ҳам кўтаришга қудрат топарлар?» Анвар тунлари ижод қилиб ухламас эди. Бу ерда эса дам ваҳимали, дам аянчли овозлардан ухлай олмади. Аввалига даҳлизда юриб чиқди. Ҳамширалар норози бўлавергач, каравотида шифтга тикилиб ётишни одат қилди.

Бу тун ҳам шу зайлда кечди. Тонгга яқин ўрнидан турди. Даҳлизга чиқди. Ҳамшира стол устига қўлларини қовуштириб, билагини болиш қилиб уйқуга кетибди. У беморларнинг телба-тескари гапларига, учинчи қаватдан келаётган бақириқларга кўникиб қолган. Эшикнинг ташқари ойнаванд табақасини маҳкам ёпган, ичкариги табақа — темир панжарага қулф урган — бу ёғи хотиржамлик.

Анвар темир панжарага яқинлашиб, ташқарига тикилди. Учинчи қават ҳам жимиб қолиб, ҳамма ёқни ўлик сукучат қопласа, бу ер янада ваҳимали бўлса керак. Ҳарҳолда «жиннихона» деган номи бор. Ҳар ким ҳам юрак бетлаб яқинлаша олмайди. «Мен эсам улар билан бирга яшаяпман. Биз уларни «жинни» деймиз. Улар-чи? Улар бизни нима дейишар экан?... Уларнинг кўзига биз жинни бўлиб кўринсак керак. Бу дунёга қип-яланғоч ҳолда келамиз. У дунёга кетишимизда ҳам ҳеч нарса олмаймиз. Бир одамга икки қулоч сурп кифоя. Ана шу келиш-кетиш орасидаги бир чимдим умримизда нималарни талашамиз? Бир-биримизга хоинлик қиламиз, ҳасаддан куйиб-ёнамиз. Ҳатто... ўлдирамиз! Обрў топмоқчи, пул йиғмоқчи, шуҳрат орттирмоқчи бўламиз. Барчасига эга ҳам чиқамиз. Шоҳсупада талтайиб ўтирганимизда ҳазрат Азроил келадию патта-мизни қўлимизга тутқазади. Биз — эси соғ одамлар буни тушуниб етмаймиз. Улар — жиннилар балки шу ҳақиқатга етиб борганлари учун бизнинг кўзимизга руҳий ҳаста бўлиб кўринишар? Ахир улар орасида мансаб талашишлар, маишат, ҳасад, хоинлик... йўқ-ку?...»

Анвар шуларни хаёлидан кечириб, юраги тошиб кетди. Темир панжарани бузиб учинчи қаватга чиққиси келди. Панжарани силтаб тортди. Темир шарақлаб кетиб, ҳамширани чўчитиб юборди. У уйқусираган ҳолда шошиб бошини кўтарди-да, атрофга аланглади. Анварни кўриб, ўрнидан турди.

— Сизмидингиз? Қўрқиб кетибман, — деди.

«Демак, мендан қўрқмайди. Демак, менинг эсим соғ. Бу яхши», деб ўйлади Анвар.

— Хавотир олманг. Келажаги порлоқ ҳаваскор ёш жинниларингиз ором қўйинида жавлон урмоқдалар, — деди у ҳамширага, ҳазил оҳангида.

— Нимага унақа дейсиз? Қўйинг, ҳамма тузалиб кетади, — деди ҳамшира, соддадиллик билан.

— Ҳамма тузалиб кетса, сиз ишсиз қоласиз. Одамларга ҳам қийин бўлади. Ким соғ, ким жинни — ажратолмай эзилиб кетади.

— Гапларингиз қизиқ.

— Жинничами?

— Йў-ўқ. Ҳечам унақамас. Сизни нимага чиқариб юборишмаяпти, ҳайронман. Сизга яна янги дорилар буюришибди.

— Кучлироқми? Яширмай айтаверинг. Кучлироқ дори буюрган. Кеча бошлигингизга қараб туриб: «Сизни сўйса етмиш кило гўшт чиқса керак», дедим. Қўрққанидан кўзи олайиб кетди.

— Нимага шу гапларни айтасиз-а?

— Кимгадир қитмирлик қилишим керак-ку? Келинг, қўйинг, бу гапларни. Дафтарингизга «шу кучли дори билан эмлаб қўйдим» деб белгилайверинг. Бунинг эвазига битта латифа айтиб бераман.

— Яна жиннилар ҳақидами, керакмас.

— Сиз эшитинг, бу янгиси. Хуллас бир жиннихонада жиннилар тузалдими ё йўқми, билмоқчи бўлишибди. Жинниларни самолётга жойлаб осмонга учишибди-да, қўлларига бўш шишалар тутқазишибди. Бир маҳал қарашса, салонда бир киши ўтирганмиш. Бошқалар қани, деб сўрашса, шиша топширгани кетишди, дебди. Сенчи, деб сўрашса: «Нима мен жинниманми, бугун душанба, магазин ишламайди», дермиш.

Ҳамшира кулиб, юзини четга бурди.

— Агар мени олиб чиқишса, шартта ташлаб юборар эдим,— деди Анвар.

— Қўйинг-е,— деди ҳамшира. Назарида Анвар чиндан ҳам осмондан ўзини ташлаб юборадигандай туюлиб чўчиб тушди.— Кириб бироз дамингизни олинг.

Анвар унга маънос тикилди. У белгиланган дориларни ичмаслик, эмлатмаслик учун ҳамшираларнинг кўнглини кўтаришга, кулдиришга ҳаракат қилар эди. Кейин эса ўзининг масхарабозлигидан ғижиниб, ранжирди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ҳамширани кулдирди-ю, ўзи эзилди. Энди ортиқча гапга ҳожат йўқлигини англаб, хасталар ётоғига қараб юрди. «Агар осмонга олиб чиқишса, ўзимни ташлардим, худо ҳаққи, ташлардим. Бу ердан қутулишнинг бошқа чораси йўқ», деб ўйлади.

## 2

«Сизни йўқлашяпти» деган гапни эшитиб ажабланди. «Ким йўқлаши мумкин? Яқшанбадан бошқа кунларда бу ерга ҳатто Аэроил ҳам киритилмасди-ку?» Табиббошининг хонаси томон юришгач. Анварнинг хаёлига «халқ отасими?» деган фикр урилиб, тўхтади. «Нима ҳунар кўрсатаркин? Мени бу ердан бўшатадими ё учинчи қаватга йўллайдими?»

— Юраверинг,— деди ҳамшира, унинг тўхтаб қолганидан ажабланиб.

Остона ҳатлаб ичкари кирди-ю, кўзларига ишонмади.

Элчин!

Ўн йиллик айрилиқ жиннихонада барҳам топар, соғинган кўнгиллар шундай жойда қониқар, деб ким ўйлабди?!

Анварнинг Элчинга ёзган хатлари жавобсиз қолаверди. У дўстини кўриш илинжида ҳатто Учқудуққа ҳам борди. Бироқ, Элчин у билан учрашишни хоҳламади. Кейин уни Сибир томонларга жўнатишди. Анвар «Ошнам мендан қаттиқ хафа экан-да», деган хулосага келишдан ўзга чора топмади. Ана шу дўсти, хатларига жавоб қайтармаган, кўришишни истаманга кадрдони жиннихона табиббошисининг хонасида унга жилмайиб қараб турган!

Ҳарҳолда узоқ айрилиқдан кейинги бу дийдор кўришув айтарли ширин кечмади. Элчин унга соғинч тўла кўзи билан тикилар, Анвар эса бу қарашга ўзгача маъно бериб, «соғманми ё ростдан жинниманми, шуни аниқламоқчимми?» деб ўйлар эди. Шу хаёли ўзи учун ҳақиқат туюлиб ўзини жинниликка солди:

— Мана, ошна,— деди у кулиб,— шу оромгоҳда давлатнинг текин овқатини еб ётибман, Беш кун ишламаймиз, икки кун дам оламиз. Келажаги порлоқ ҳаваскор жиннилар юксак онглилик намучаларини кўрсатмоқдалар. Ҳалигача бирорта дўхтирни еб қўйишгани йўқ,— у шундай деб табиббошига қараб қўйди.— Мен бу ерда дунёнинг тузилиш формуласини ишлаб чиқдим. Биргина масала қолди: шу опамни сўйсам неча кило гўшт бераркин? Чамамда етмиш кило. Нима дейсан? Калла-почалари бунга кирмайди.

У шундай деб дўмбоққина, оппоққина табиббошига кўзларини лўқ қилиб олди.

Элчин унинг бу ҳаволига ишониб-ишонмай бироз ўзини йўқотди. Сўнг табиббошига қараб, илтимос қилди:

— Мен ошнам билан гаплашиб олай, малол келмаса сиз чиқиб туринг.

Табиббоши малол келганини яширмай чимирилиб қўйди. Элчин бунга сезиб энди қатъийроқ, буйруқ оҳангида деди:

— Сиз ҳужжатларни тўғриланг, ҳозир кетамиз.

— Мен дарров чиқара олмайман, яхши йигит. Маслаҳатлашиб олишим керак.

— Маслаҳат пишган! — деди Элчин овозини бир парда кўтариб. — Асадбек икита гапни ёқтирмайди.

Табиббошининг ранги бўзарди. Лаблари титради. Бинойи кийинган, хушсурат бу йигит кириб келганида табиббошининг тош юраги юмшаган эди. Бу қорақош йигит кўзларини сал сузиб қараса, унча-мунча аёл зоти дош беролмай қоларди. Олти йилдан бери беваликнинг тахир ошидан безган табиббоши учун биргина шундай қараш етарли эди. Аммо «Асадбекнинг истаги билан келдим», деган гапдан баданига муз югурди. Асадбекнинг кимлигини, қўлидан нималар келишини ҳеч ким билмаса ҳам шу аёл билади. Бевалик унвони ҳам унга шу Асадбек истаги билан берилган. Асадбек турган жойда «халқ отасининг сариқ чақалик қадри йўқлиги ҳам табиббошига маълум. Бу хушсурат йигит, хотинини ўлдириб қамалиб кетганидан кейин ҳам шухрати сўнмаган бу машҳур қўшиқчики Асадбек билан боғлиқ экан, кичкина жиннихонанинг бошлиғига тайсаллашни ким қўйибди! Табиббоши ношуд, бефаҳм аёллардан эмас эди. Буни дарҳол тушуниб етди. Рангининг бўзаргани, лабларининг титраши ғазабдан эмас, кўрқувдан эди. У ортиқча гап айтиб юборганини сездди. Узини оқлаш, Асадбек истаги зид иш кўриш нияти йўқ эканини маълум қилиш учун гапни бошқа томонга бурди:

— Уртоғингизни билмаган одам ҳозирги ҳазилларини эшитса, ростданам... — «жинни» дейишга унинг тили айланмади, — ҳалидақа деб ўйлайди.

Элчин аёлнинг мақсадини англади. «Бу бечора бир ижрочи, дилини вайрон қилиб кетмай», деган фикрда жилмайди, орадан совуқ гап ўтмагандай ҳазил оҳангида деди:

— Бу ошнам шунақа ҳазилкаш. Асли артист бўлиши керак эди-ку, худо уриб олим бўлиб қолган. Яна шоирлиги ҳам бор. Эсингдами, Анвар, мактабда «Тумов бўлган ошиқ» деган шеъринг бор эди. Уқиганда кулавериб ичаклар узиларди.

— Сен ҳам яхши бола эдинг, худо уриб ашулачи бўлиб қолгансан.

Анвар бу гапни жуда совуқ оҳангда айтди. Элчин унинг кўзидеги совуқ нурни кўриб, нафаси қайтди. Узини мажбурлаб кулиб, табиббошига тушунтирган бўлди:

— Бунга гапиринг-у, қсчинг. Гапи шунақа, жонни суғуриб олади. Зўрда, зўр. Ҳа, сиз ҳужжатларини тўғрилайверинг.

Табиббоши ҳам зўраки жилмайиб, чиқиб кетди. Ҳоли қолишгач, Элчин гапни нимадан бошлашни билмади. Орадаги сукутни Анвар бузди.

— Мени худо ургани рост. Лекин сен айтганча эмас. Олим, балки бироз шоир бўлганим учун урган. Мен бу дунёдан ҳақиқат топарман деб юрган эдим

Шоир бўлиб тўғилмасайдим,  
кўрмас эдим бунчалар хўрлик...

— Анвар, қўйсанг-чи, ҳазиллашдим-ку? Шунча йиллик айрилиқдан кейин бир ҳазиллашсам...

— Мен сени соғиндим... Хатларимга нима учун жавоб бермадинг? Мени кўришни ҳам истамаган эдингми?.. Энди нимага келдинг? Мен сени қутқаришга ожиз эдим. Энди сен мени озод этмоқчимисан? Унамасам-чи?

— Анвар, хатларингга жавоб бермай, Учқудуқда кўришишга чиқмаганимнинг сабабини бошқа сафар айтиб берай. Мана бу еримда, — Элчин кўкрагини муштлади, — жон қолмаган, зардобга тўла. Дардим тўлиб тошган, сенга айтмасам кимга айтаман?

— Ноилани сен ўлдирмаган эдинг. Бунга ҳамманинг ақли етиб турувди. Сен унинг руҳига хоинлик қилдинг.

— Мен қамоқ муддатини ўтаб қайтдим. Узим чиқарган ҳукм эса ҳали ижро этилгани йўқ. Жазоимни тортиб юрибман. Агар ўшанда отишга ҳукм қилишганида биратўла қутулар эдим... — Элчин шундай деб хўрсинди.

Анвар унга тикилди: сўзларига оқ тушган, мижжалари атрофини ажин босган. Руҳини тетик кўрсатишга интилаётган бўлса ҳам, кўзларидан нур қочган. Қарашларида илгариги жон йўқ...

— Отишганида хоин сифатида ўлиб кетардинг.

— Жон ошнам, мени қийнама. Ҳозир менга ёрдамнинг керак.

— Уз кучинг билан мени бу ердан чиқариб кетганигда раҳмат айтардим. Сен бир боши бузуқнинг марҳамати билан менга озодлик бермоқчи бўлибсан. Миянғ айниб қолибди. Мен ҳали сенга дунёнинг формуласини топдим. Дедим. Бу сен ўйлагандек жиннича ҳазил эмас. Чиндан ҳам топганман. Эшит: ҳақиқат деган нарса бу нўл! Дунёни кўзга чиройли кўрсатиб берувчи ниқоб, чойшаб. Уликнинг устига гулли чойшаб ёпиб қўйганинг билан мурда чиройли бўлиб қолмайди-ку, тўғрими? Ҳаётда ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Фақат чойшабнинг номи ўзгариб туради. Чойшабнинг ҳозирги номи нима, биласанми? Қайта қуриш!

— Анвар, қўй, бу гапни кейин гаплашамиз.

— Йўқ, эшит, менинг нимадан жинни бўлганимни билишинг керак. Демак, дунёнинг формуласи: ҳақиқатни икс деб турайлик, — Анвар стол устидаги қоғозни, чиройли қаламни олиб тез-тез ёзди-да, Элчинга узатди. — Мана, қара:

Х(ҳақиқат)=хиёнат+рж+ (ҳасад+ очкўзлик)+ адоват+ғийбат+нифоқ+шухрат-парастлик+мансабпарастлик—виждон+иймон+ҳаё=0

Элчин қоғоздаги сатрларга узоқ тикилиб қолди. Сўнг уни икки буклаб стол устига ташлади.

— Урисларда бир мақол бор: Американи иккинчи марта кашф этмайдилар. Оддий ҳақиқатни кимга исбот этмоқчисан? Дунёда ҳамма нарса нисбий. Мен фалончига нисбатан инсофлиман, сен эса менга нисбатан, яна бир одам сенга нисбатан инсофлироқ. Ҳар биримиз ҳақиқатни ўзимизча тушунамиз.

— Бизнинг нодонлигимиз ҳам шу тушунчалардан сув ичиб кўкаради.

— Бўпти, сен ҳақсан. Баҳслашган билан қорин тўймайди. Нарсаларингни йиғиштир.

— Мен... кетмайман. Менга шу ер ёқиб қолди.

— Жиннилик қилма.

— Йўқ, шу имкониятдан фойдаланмасам, чиндан ҳам жинни бўламан.

— Бу ишга Асадбек аралашганини билмасанг индамай чиқардинг. Мен атай айтдим. Билиб қўйишинг керак буни... Сени бу ерга жўнатган одамга фақат Асадбек бас кела олади,— Элчин шундай деб бошини эгди. Худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек давом этди: — Қайтган кунимоқ сеникига бордим. Улардай соғинувдим. Сўнг... айтадиган гапларим кўп эди сенга. Мен энди пулга муҳтож бўлмайман. Болалигимизда сен кучли эдинг. Мени ҳимоя қилардинг. Ҳозир бу ҳимояга муҳтож эмасман. У томонда орттирган ошналарим бор. Сен ёнимда бўлсанг бас. Нафасингни ҳис қилиб турсам бўлгани. Мен адолатга сиғинай десам, қайга бораман, ҳақиқатга сиғинай десам қайга бораман? Эзгуликка-чи? Билиб қўй, мен учун ҳаммаси — сенсан! Кейин, мен сени бу ҳолда ташлаб қўймайман. Мен хунхўр одамман. Ҳа, Ноилани мен ўлдирмаганман. Лекин у менинг аблаҳлигим туфайли ҳалок бўлди. Шунинг учун жазо олишим керак эди. Бу — бир. Иккинчидан, бегуноҳлигимни исбот қила олмас эдим. Улар бунга йўл қўймас эдилар. Биламан, ўлим жазосини ўшалар бекор қилишган. Менга яхши бир сабоқ беришмоқчи эди. Сабоқ олдим. Лекин улар мўлжаллаган хулосага келмадим. Энди менинг суратим одам. Аслида эса мен илонман! Уларни бўғиб қийнайман, сўнг қонини сўраман. Мен уларнинг кўзларини ўяман, тилларини суғураман, қўлларини синдираман, қулоқларига қўрғошин қуяман. Умримнинг мазмуни ҳам, тотадиган лаззатим ҳам шу! — Элчин ҳўрсиниб, Анварга қаради. Унинг кўзида ёвузлик ўти чақнади. Энди у ёш дилларни вайрон қилувчи «лирик хонанда»га сира-сира ўхшамас эди. Анвар унинг сўзларини эшитиб, кўзларига тикилди-ю, бир сўз айтмади. Элчин ундан жавоб кутмай гапини давом эттирди:

— Сен менга кераксан. Рад этишга ҳаққинг йўқ. Бу дунёдаги умрим ўлчовли, мени ранжитсанг гуноҳга ботасан, билиб қўй.

Анвар жавоб қайтармади. Оғир кулфат тоши елкасидан босиб тургандай букчайганича ўтираверди. У дўстининг мақсадини тушунди. Асадбек ҳузурига бош эгиб боришининг маъносини ҳам англади. Элчин жонини тикиб, хавфли ўйинга кирган эди. У уч бошли аждаҳони энгиси қасдида чиққан улловсиз, яроғсиз паҳлавон ҳолида эди. Бир пайтлар бу аждаҳо кўзига фаришта бўлиб кўринган эди. Анвар «Адашяпсан!» деб уни йўлдан қайтаришга кўп уринди. Аммо ҳаракати зое кетди. Энди-чи? Энди нима қилсин? Яна йўлдан қайтаришга уринсинми? Илгари Элчиннинг кўзлари басир эди. Энди кўрабила туриб, ўлимга рози бўлиб кетяпти.

Анвар бир қарорга кела олмай доғда эди. Шу боис бошини кўтариб ўйчан кўзларини дўстига қадади.

— Сенинг орқангда тоғ бўлиши керак. Мен... афсус, тоғ эмасман. Бир тошчаман. Ҳаёт мени эрмак қилиб ўйнаб, истаган пайтда улоқтириб ташлаши мумкин. Менга ишонма.

— Яхши, буни кейин гаплашамиз. Бу ер масала сўқийшадиган жой эмас. Тур, лашлушларингни йиғиштир.

Анвар ҳазин жилмайди.

— Мен кетмайман.

— Истасанг, сени бу ерга жўнаттирган ит эмганларнинг ҳаммасини ҳайдаб келиб, қаршингда тиз чўктираман.

— Бундан нима фойда? Шу билан инсофга келишади, деб ўйлайсанми? Узингни ҳам, мени ҳам қийнама, оғайни.

Элчин тиззасига уриб, ўрнидан туриб кетди.

— Қайсарлик ҳам эви билан-да... — у бироз жим қолди. Сўнг Анварга яқинлашиб, уни елкасидан тутди.— Ҳеч бўлмаса бир кунга чиқарсан. Тўйимга борарсан, куёвжўра бўларсан?

Бу гапдан кейин Анварнинг кўзларига инсоф нури қайтиб, юзига қизиллик югурди.

— Уйланяпсанми? Қутлуғ бўлсин. Шунинг олдинроқ айтмайсанми? Хўп, бир кунга чиқаман. Кимга уйланяпсан, сир эмасми?

Элчин янгиликни эшитиб қочиб кетмасин, дегандек Анварнинг елкасини янада маҳкамроқ ушлади:

— Асадбекнинг қизини оляпман,— деди дўстига тикилиб.

Элчин «жодугар кампирга уйланяпман» деганида Анвар бунчалик ҳайратланмас эди. Лекин Асадбекнинг қизига уйланиш!!! Тўғри, Элчин хушсурат йигит, аввалги шўх-

рати ҳам унчалик сўнмаган. Энг лобар қиз ҳам унга жон-жон деб тегиши мумкин. Лекин Асадбекнинг қизи!.. Қиз хоҳлаган тақдирда ҳам, Асадбекнинг рози бўлиши!.. Анвар учун бу ечими оғир жумбоқ эди.

### 3

Аслида эса бу жумбоқнинг ечими унчалик оғир эмас. Ечимга Ноила ўлдирилган тунда киришилган бўлса-да, ҳал қилувчи палла деб 1988 йил 31 декабрни белгилаш мумкин.

Отасини олиб кетишганидан бери, ўттиз биринчи декабр, насарий ҳисобидаги янги йил кечаси Асадбек учун мотам тусини олган эди. Улғайиб, уйланиб, бола-чақали бўлганидан кейин ҳам, атрофида одамлар тўпланиб, қудратли кучга айланганидан кейин ҳам йилнинг сўнги кунида ёлғиз қолар эди. Бу куни уни ҳеч ким безовта қилмасди. Аниқроқ айтсак, бу куни унга биров юрак ютиб бетлай олмасди. Бу куни у энг муҳим ишларини ҳам четга йиғиштирарди.

Олди пешайвон, икки хонали ўша эски уйига бориб, чироқларни ёқмай, танчага чўғ ташламай тонг оттирарди. Янги йил кечаси унинг энг сара, энг содиқ тўрт йигити учун ҳам ҳаром эди. Уларнинг иккисч кўчанинг у бошида, иккиси бу бошида сергак турарди. Шу тун қор тугул тош ёғса ҳам, совуқ минг даражага чиқиб кетса ҳам бу ҳол ўзгармас эди.

... Асадбек ўша кеч отасининг айтганини бажармади — кўшниси Жалилларникига чиқмади. Назарида ҳалиги одамлар ҳазиллашгандай, дам ўтмай отаси қайтиб келадигандай туюлди... Ана, кўча эшик «ғийт» этиб очилди. Ана, дадаси ҳалиги икки киши билан бирга кулиб кириб келди. «Қалайсан, тойчоқ! Менинг ўғлим азамат, ҳеч нарсадан қўрқмайди, десам, булар ишонишмай мен билан гаров ўйнашган эди. Синаб кўриб ютқизишганини тан олишди. Қойилман сенга, уларни бопладинг!» Шундай деб дадаси уни ўпди... Кўча эшигига илҳақ тикилиб ўтирганида кўзига кўриндими ё бир зумгина муҳимроқ енгган чоғида ширин туш кўрдими — фарқлай олмади. Ҳарҳолда дадасининг қайтишига қаттиқ ишонди. Танча совуди. Чироқни ёқмади. Қўрқмади. Ишонч қўрқувдан устун келди. Нигоҳи қоронғулик бағрини титиб, тимирскиланиб кездди. Ой кўтарилгач, ҳовлини қоплаган қор оппоқ оқариб атрофни ёритди. Ой нури синган кўзи ўрнига қоғоз қопланган дераза орқали уйга ҳам кирди.

Кўча эшик эрталабгача қилт этмади. Дадасининг кетиши ҳазил эмас, чинга айланаётган дамда кўча эшик очилди. «Дадам!» У ирғиб ўрнидан турди-ю, эшик оғзида ошнасиди Жалилни кўриб ўша захоти жойида қотди. Жалил ҳовлига кириб, бир-икки қадам босгач, тўхтаб атрофга аланглади. Унинг бунақа одати йўқ эди. Тўғри уйга кириб келарди. Ҳозир эса бир нарсадан қўрқиб тўхтади.

— Асад!

Жалил ҳовлига кириши билан шундай деб бақириб қўйиб, уйга қараб юрарди. Бу сафар паст овозда, бировни чўчитиб юборишдан қўрққандай аста чақирди. Жавобни кутди. Сўнг яна ўша овозда «Асад» деб қўйди.

Асадбек ўртоғини кўриб йиғлаб юборай деди. Баданидан ўтган совуқни ҳам энди сезди. Қўрқув ҳам энди исқанжага олди.

Жалил яна чақирди. Жавоб бўлмагач, изига қайтмоқ учун ўгирилди. Шунда Асадбек жонҳолатда «Жалил!» деб бақирди-да, ҳовлига отилди. Жалил ранглари оқарган, кўзлари киртайган, кўкарган лаблари титраётган ўртоғини кўриб бақрайиб қолди. Кейин югуриб келди-да, қўлларини ушлади.

— Совқотдингми? — деди соддадиллик билан.

Асадбекнинг кўзларидан тирқираб ёш чиқди. Хўнграб юбормаслик учун пастки лабини қаттиқ тишлади. Узидан каттароқ ёки зўрроқ боладан калтак еса ёхуд ўйин чоғи йиқилиб у ер бу ери оғриси йиғлаб юборарди. Кузда бирданига ўн еттита ёнғоқни ютқизганида ҳам алаmidан йиғлаб юборувди. Ҳозир ўзини йиғидан тутди. Вужудида ўзи ҳам англамаган куч уйғониб ундаги йиғини бўғди. Ҳозир дадасини олиб кетганларини, янги йил кечаси қоронғи, совуқ уйда бир ўзи ўтирганини айтиб йиғласа ҳам ўртоғи айбламасди, калака ҳам қилмасди. Бу ҳолатни у кейин, улғайган чоғларида кўп эслади. Йиғини бўға олган қандай куч экан, деб ўйлади. Аммо ўйлаб ўйига ета олмади. Бу ғойиб кучи уни фақат йиғидан тўхтатмай, ожизлигини ҳам енгган, сирли қудрат ҳам берган эди. Уша онда у мутелик кишанини ўзи билмаган ҳолда парчалаган эди. Шу билан бирга инсон боласига хос энг покиза туйғуларни қувган ҳам эди. Қоронғу кечада унга қўрқув яқинлашмади, лекин митти юрагига ёвузлик тухум қўйди. Ёвузликнинг биринчи овозини ўртоғи Жалил эшитди:

— Уларни ўлдираман!..

Титроқ, йиғи аралаш овозда айтилган бу сўзни эшитиб, Жалил қўрқиб кетди. Кўчада жанжаллашиб қолишганида «қараб тур, ўлдираман сени» деб кўп марта айтишган. Ўлдириш қанақа бўлишини билишмас, шу боис ҳам бу пўписадан чўчишмас эди. Аммо Асадбекнинг лабидан учган ҳозирги сўзлар... Булар пўписа эмас, амалга ошиши ҳақ бўлган ҳукм эди...

Ушандан бери янги йилнинг биринчи куни Жалил бу хонадонга киради. Асадбек-



нинг онаси вафот этган йили ўттиз биринчи декабр оқшомида чиққан эди, «мени холи кўй», деб изига қайтарди.

1949 йилнинг 31 декабри Асадбекка «ҳаёт бешафқат, ҳаёт нақ урушнинг ўзи, оғзингни очиб лалайганинг — ўлганинг», деган ҳақиқатни ойдин қилиб берган эди. Уша куни у урушга кирган эди. Орадан йиллар ўтиб, урушда мутлақ ғолиб бўлдим, деган тўхтамага келиб эди. Ғалабасига ишонган эди. Кутилмаганда мутлақ ғолиб эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Икки кун бурун қизи ўқишга кетди-ю, қайтмади. Йигитлари шаҳарнинг тити-питини чиқариб ҳам топишолмади. Қиз ўқишда бўлган, танаффусдан сўнг эса дарсга қайтмаган. Ота-онадан хафа бўлиб ёки бирон кўнгил қўйган йигити билан қочди, деган фараз Асадбек учун беҳуда эди. Асадбек ғанимлари учун тошбағир, фарзандлари учун ғоят меҳрибон эди. Аммо меҳрнинг чегарасини билар, болаларини эркатласди. Шу боис қизининг ёнгилтаклик билан қадам босишига ишонмасди.

Ғанимлари билан ҳар кун, ҳар соат олишувчи, ҳар дақиқа бирор фалокат рўй бериши мумкинлигини ҳисобда тутиб яшовчи одам нохуш дамларда тез фикрлаш, тез хулоса чиқаришга одатланади. Асадбек ҳам тезда бир тўхтамага келди: унинг ҳокимлиги туздан ясалган қаср экан. Ёмғир ёққан маҳали қасрнинг эриб битишини ҳисобда тутмаган экан. Қизининг ўғирланиши (айнан ўғирланганига Асадбек шубҳа қилмайди) ана шу ёмғирдан нишон эди. Қизининг ўғирланиши яна бир нарсадан — шаҳарда янги тўда пайдо бўлганидан ҳам дарак эди. Асадбек фақат шаҳардаги эмас, бутун ўлкадаги йирик тўдаларни билади. Барча тўдабошилар «Асадбек!» деганда унинг ҳурматини жойига қўйишади. Айримлар эса қўрқувдан зир титрашади ҳам. Асадбекка қарши бирор иш қилиш у ёқда турсин, шаънига мос келмайдиган хунукроқ сўз айтишдан ҳам чўчишади. Уларга «худо бор» десангиз ишонишмас, лекин «деворнинг қулоғи бор», десангиз ишонишади. Уларнинг назарида дарахтларнинг, ҳатто ўт-ўланларнинг ҳам қулоғи бор. Тилдан учган ҳар бир ноҳўя сўз Асадбекка етиб боришини билишади. Улар Садирқиморбозга ўхшаб ўлим тоғишдан қўрқишади...

... Садирқиморбоз водийда бели бақувват йигитлардан эди. Бир кечада бир ярим миллионни ютиб олиб, катта зиёфат берди. Шунда манманлиги тутдими ё ажал тилини қичитдими «Асадбекларинг менга қуллуқ қилиб келсин. Истасам олдига бир бурда нон кўяман, истасам суяк ташлайман», деб юборди. Садирқиморбоз бу сўзларни кайфнинг кучи билан айтди-ю, унутди. Икки кундан кейин кўчаларида асфальт босадиган машиналар, эгнига пушти камзул кийган ишчилар пайдо бўлишди. Утган ҳафта у ижроқўм раҳбарларидан бирига «бизнинг кўчага ҳам сон битадими ё йўқми», деган эди. Кўчадаги ҳаракатни кўриб, «бизнинг гапимиз ҳам ерда қолмайдиган бўлибди», деб ғурурланиб қўйди. Кўни-қўшнилари «пулнинг кучи шу-да, қиморбоз бўлмаганида кўчамизга ит ҳам, бит ҳам қарамас эди», дейишди. Узун кўча икки кунда асфальтланди. Уша кундан эътиборан қиморбоз ҳам кўринмай қолди. Қиморбоз «сафарга» кетса, бир-икки ойсиз қайтмас эди. Буни кўни-қўшнилари ҳам билишарди. Лекин бу гал беш-олти кундан кейин «қиморбоз ҳеч ерда йўқмиш», деган миш-мишлар тарқаб қолди. Ун кундан кейин эса Садирқиморбознинг уйи сотиладиган бўлди. Унинг хотини уйга харидор чиқишини ҳам кутмай «Садир акамла» катта шаҳардан жой олибдилар», деб кўч-кўронини юклаб жўнаб кетди. Ҳамширалакка ўқиб, турмушга чиққунча бир йилгина ишлаган аёлнинг катта шаҳардаги жиннихонага бошлиқ бўлиб қолганини эшитган кўни-қўшнилари ҳайратдан ёқа ушлашди. Айримлар «пулнинг кучи шу-да», деб қўйишди. Шу кўчадан кўп қатнайидиган аравакашлар қиморбознинг уйига яқинлашганда отларининг ҳуркишидан бир нимани сезишди-ю, эммо «астағфируллоҳ!» деб қўйишдан нарига ўтишмади. Ҳаммага ҳам жон ширин-дал!

Асадбекни билганларга шу воқеанинг ўзиёқ кифоя эди. Унинг қудратига ишонқирамай турганлар ҳам таъзим қиладиган бўлишди. Чунки Асадбек манмансирлаган ғанимдан бу атрофлар учун бутунлай янгича бўлган, ғоятда ваҳший тарзда ўч олган эди.

Шундай экан, Асадбекка ким қўл кўтара олиши мумкин? Қўл кўтарганда ҳам пичоқни дуч келган жойга эмас, юракни мўлжаллаб урибди. Асадбек ҳар бир тўданинг имконияти, иш усулини фикр ойнасидан ўтказиб, «йўқ, улар журъат этишолмайди», деган қарорга келди.

Бу иш тасодифан рўй берган эмас. Пухта ўйланган. Узоқ вақт пойланган. Балки ғанимга Асадбекнинг яқинларидан бири ёрдам бергандир? Қиз куппа-кундуз куни, кўпчилик орасидан ўғирланган. Демак, қизни кўчага чиқиб, машинага қадар ҳам ўзи юриб борган. Қизи танимаган одамнинг орқасидан юриб бормайди. Қизининг дугонаси ҳам ном-нишонсиз йўқолгани маълум бўлгач, Асадбекка калаванинг бир учи кўрингандай эди. Ана шунда Асадбек кейинги бир йил ичида қамоқдан қайтганлар билан қизиқди. Элчиннинг ҳам қайтганини билиб ўйланиб қолди: «Орадан ўн йил ўтибдими? Икки ойдан бери нима қилиб юрибди экан, нима учун менга рўпара келмади? Отувдан олиб қолганимни аниқ билади. Бизга туриб келмагани қизиқ...» Асадбек йигитларига Элчинни, қамоқдан қайтган яна беш одамни қаттиқ назорат остига олишни тайинлади.

Кўнгли нотинч бўлганига қарамай ўттиз биринчи декабр куни эски уйига қараб кетди.

Асрдан ўтиб, шомга яқинлашган пайтда кўча эшиги очилиб, хотини кўринди.

Дадаси ҳам худди шу пайтда кириб келган эди. У эшикни шарт очиб, ичкари кириб, «тойчоқ!» деб суюнчиллаган эди... Хотини эса эшикни оҳиста, худди синдириб қўйишдан авайлагандай очди. Ҳовлига ҳорғин-ҳорғин қадам ташлаб кириб келди.

Дадаси кўринганида болалигига бориб, ёт кишиларни бир нафасгина унутиб, ирғиб ўрнидан турган эди.

Хотини кўринганда эса... тош қотди. Иссиқ жон оёқ-қўлларини тарк этиб, баданига совуқлик югурди. Дастлаб хаёлига «қизим топилибди!» деган хўшхабар келди. Аммо бу фикр умри яшин умридан ҳам қисқа бўлди. «Шум хабар келтирган!» — шу фикр унинг танасидан жонни қувиб чиқара бошлади.

— Манзура,— эрининг кўзига бирон марта бўлсин тик қарамаган, бирон марта бўлсин ишига аралашмаган, «нима қияпсиз, пулни қаердан топяпсиз» демаган, «вазифам эримни суйиб-эркалаш, бола туғиб бериш, ўрни саришта тутишдангина иборат» деб билган аёл ёстиқдоши учун муқаддас бўлган бу кунда уни бежиз безовта қилмас эди.

Кўча эшикдан айвонгача ўн беш қадам, айвон икки қадам. Асадбекнинг назарида Манзура бу йўлни бир неча соатда босиб ўтгандай бўлди. Аввалига «тезроқ юр!» деб бақариб бермоқчи эди. Аммо совуқ хабарни бир сония бўлса-да, кечроқ эшитганим маъқул, деган яширин йў бунга йўл қўймади.

Манзура остона ҳатлаб қадам қўйишга журъат этмай, эрига бақрайиб қараб қолди. Унинг қарашида изтиробдан кўра қўрқув зоҳир эди. Асадбек у билан салкам ўттиз йил бирга умр кўриб, бирон марта урмаган, сўкмаган эди. Шунга қарамай хотини ундан кўрқарди. Одамлардан Асадбекнинг ёвузлиги ҳақидаги гапларни эшитиб юрак олдириган десак, бу овозлар кейинроқ чиқди. Асадбек чимилдиққа кириб келганида унинг кўзидаги ўтни кўргану юраги шув этиб кетганди. Ҳолбуки у дамда Асадбек кўзида ёвузлик эмас, кувёлардагина бўладиган ҳирс ўти мавжуд эди.

Манзуранинг отаси баджаҳлроқ эди. Онаси эса ҳуда-беҳудага калтак тушиб қолишига кўникиб кетганди. Эр зоти хотинини мана шундай ураверади, деган тушунча Манзура онгига сингиб кетган, шу боис эрининг бир кунмас бир кун қаттиқ дўппослаб қолишидан кўрқиб яшарди. У баъзида ўзича «бунақа кўрқиб кутгандан уриб юборганлари минг марта яхши эди. Калтак еб ўладиган бўлса, онам аллақачон улиб кетардилар», деб қўярди.

Асадбек хотинини беҳад ҳурмат қилади, бошига кўтариб юради, десам, сизни алдаган бўламан. Асадбекка муҳаббат бегона, десам сиз ишонинг. Ҳаётдан аламзада юрак кўзлари ёвузлик пардасида тўсилган, муҳаббат отлиғ покиза фазилат бундай биқиқ ва қоронғи бўшлиқда яшай олмас эди. Лекин шунга қарамай, хотинига бир буюм ёки ўйинчоқ сифатида ҳам қарамас, Манзуранинг айрим қилиқлари, ишлари ёқмаганда ҳам қаттиқ гапирмас эди. Манзуранинг ҳатто «овқат тайёр» дейишга кўрқиб туришидан аччиқланиб, «болаларни ўзингга ўхшатиб муте қилиб қўйма» дерди.

Сезиб турибман. Сиз бу гапларимга унчалик ишонмадингиз. Одамни ўлимга ҳукм этганида юраги жиз этиб қўймайдиган Асадбекнинг уйда мусулмоншева бўлиши сиз учун ғалати туюлиши мумкин. Лекин мен сизга Асадбекнинг онаси ҳақида ҳали сўзлаганим йўқ. Тўнғич фарзанди эмаклай бошлаганида эрини урушга кузатган, икки ойдан сўнг қора хат олганига қарамай, беш йил йўлга кўз тиккан, оғзим ошга етди деганда эса боши тошга теккан, иккинчи ўғилни туғиб чиққанида эрининг қамалганини эшитган, сўнг «дада» деб тили чиққан Самандарнинг ўпқасини совуққа олдириб, эгамга топширган, ҳар саҳар туриб, самовар қўйиб эрини кутган мушфиқ аёл ҳақида кейинроқ сўз очаман. Қани, айтинг-чи, онасининг дардли ҳаётини кўриб улғайган одам аёлга қўл кўтариши ёки ҳақорат қилиши мумкинми? Шунинг учун ҳам Садирқиморбознинг хотинини ёлғиз ташлаб қўймади, шунинг учун ҳам Ноилага пичоқ санчган йигитни сургун қилиб юборди, десам ишнарсиз? Ҳозир бу гапларнинг ўрни эмас. Ҳозир Асадбекнинг эски ҳовлисидамиз. Асадбекнинг ўзи нимқоронғи уйда, хотини эса остонада турибди.

Асадбек остонада туриб қолган хотинига «ишқилиб хўшхабар айтсин» деган илинжда тикилди. «Тезроқ гапир!» деди ички бир ҳайқириқ, «Йўқ, индамай турсин!» деди бошқа бир овоз.

Эр-хотиннинг бир-бирига унсиз тикилиб туриши уч-тўрт нафас давом этди. Аммо Асадбекнинг назарида сониялар соатлар каби кечди. Беихтиёр: «Гапир!» деди. Бирок, овозини ўзи ҳам эшитмади. Ҳатто тили ҳам музлаб қолгандай ғўдиранди. Манзурага бу овоз ғойибдан эшитилгандай бўлди. Гапиришга мадор тополмай ютинди.

Асадбек ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди:

— Топилдимми?

Манзура «ҳа» дегандай бош ирғаб, йиғлаб юборди.

— Тирикми?

Асадбек нима учун бундай деб сўраганини ўзи ҳам билмади.

— Худого шукр, тирик... — Манзура шундай деб лабини тишлади.

Шу сўз Асадбекка жонини қайтариб берди. Шарт ўрнидан туриб хотинига яқинлашди-да, уни икки елкасидан тутиб, силкиди:

— Унда нимага йиғлайсан, нимага ваҳима қиласан?

Манзура бошини эгиб. йиғлаб юборди. Асадбек, шу пайтгача хотинини чертмаган одам, тарсаки кўйганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Гапир, деяпман!

Ўзини кўлга олиш учун Манзурага шу тарсаки кифоя эди.

— Менгина ўлай... қизингиз... айтолмайман, дадаси...

— Гапир, худди бўғиб ташлайман,— Асадбекнинг овози таҳдидли, бу шунчаки бир пўписага ўхшамас эди.

— Қизингизни бир аҳволда ташлаб кетишди...

Асадбек нима гаплигига тушунди. «Бундан кўра ўлдиришгани яхши эди,— деди ўзига ўзи,— бу шунчаки тасодиф эмас. Ким бўлса ҳам мени ўтмас пичоқ билан сўйди. Ула-ўлгунимча ит азобини тотишимни истаган одам қилган бу ишни. Уч олишни биларкан. Мени ўлдириб кета қолганда лаззат ололмасди. Энди азобда тўлғонишимни кўриб, лаззатланмоқчи... Йў-ўқ... чучварани хом санабди. Лаззатлана олмайди. Мен ўзим юрагимни суғуриб олиб чайнаб ташлашим мумкин, лекин у кўзларимда азоб учқунини кўрмайди. Бу мени жангга чақирдим, демак, курашаман!!»

4

— Унингни ўчир! — деди Асадбек дағал овозда.— Уйга бор, овозингни чиқарма. Битта-яримта сўраса... аммасиникида эди, де.

— Вой...— Манзура эрига ажабланиб қаради.— Аммаси йўқ-ку?

— Ҳе, ношуд,— Асадбек шундай деб ёғинди. «Бу лалайган хотин эплаб бир баҳона тополмаса...»— аммаси бўлмаса... кўчада машина сал туртиб кетибди, де, касалхонада экан, де... Бор... Тўхта, ким билан келдинг?

— Жамшид билан.

— Сени ташлаб, Жалилни олиб келсин.

Жалил ҳозир шаҳарнинг кунчиқар томонидаги кўпқават уйда туради. Укалари улғайиб, сиқилиб қолишгач, Асадбек шаҳар ижроқўмига биргина имо билан тўғрилаб берганини ўзи билмайди. Ишхонадагиларим лутф кўрсатишди деб қувониб юрибди. Асадбек шаҳар марказидан, фиштли уйлардан олиб бериши мумкин эди. Бу ҳолда Жалил дарров сергакланиб, ҳомийси ким эканлигини англаб қолар ва бу марҳаматдан, шубҳасиз, воз кечарди. Қайси бир ўзбек ишчисига шаҳар марказидаги фиштли уйдан насиб этибди — Жалилнинг бунақа иқир-чиқирларга фаҳми етади.

Жалил шом чоғи кириб келди. Асадбек қоронғи уйда, писиллаган танчада қунишиб ўтирарди. Дўстининг салсмига жавобан бир қараб қўйиб, лом-мим демай ўтирган ерида қўл узатди. Жалил Асадбек йўқлаётганини эшитибоқ нохуш воқеа юз берганини сезган, «Нимага? Нима бўлди?» деб ўтирмай, норин тўғрашни ҳам йиғиштириб, чаққон отланган эди. Ошнасининг қунишиб ўтирганини кўриб, хунук воқеа юз берганига ишонч ҳосил қилди. Шу сабабли ҳам Асадбекдан ранжимасди. Бошқа пайт бўлганида «Азроилнинг қавмидан бўлсанг ўзингга, мен билан одамга ўхшаб сўраш!» деб бобиллаб берарди. Асадбекка бу ёруғ оламда шу Жалил бас келиб тик гапира олади. Жалил кези келса отасини ҳам аямайдиган, гапирганда ҳам ҳамийша баланд пардада оладиган тоифадан. Бурни бироз пучуқ, юзи думалоқдан келган, қалин қора қоши бу одам хунук кўринса-да, бежирим бурун, бежирим лаб, бежирим юзли одамларга нисабатан истаралироқ эди. Лекин у Асадбекка яқин бўлгани учун аёнлар ҳам астойдил уни ҳурмат қилишади, десак, адашамиз. Ҳурматнинг сабаби бошқа: ҳаётнинг қалтис ўйинларида иштирок этаётган, ҳамийша тиф устида юриб, эртага кимнинг қаҳрига учрашию кимнинг фатвоси, кимнинг қўли билан умрларига нуқта қўйилишини билмай ҳамийша хатарда яшайдиган аёнлар бу беғубор одамнинг рост гапларини эшитганларида дунё ташвишларидан бироз фориг бўлгандай ҳис этардилар. Аммо худонинг бу адашган бандалари инсон умри фақат яхши гаплар учун, яхши ишлар учун берилганини англаб етмас эдилар. Асадбекнинг юрак кўзини алам, қасос ўти кўр қилган, уларнинг аксари эса ҳасаддан, шухрат, машаат илинжидан басир эдилар. Жалил буни билгани учун ҳам уларни аямас эди. Тўғри, баъзан у қушоққондан чиқади. Уларнинг, ҳатто Асадбекнинг ҳам ҳамийтига тегади. Шундай бўлса-да, уни кечиришади. Бошқа одам Жалилнинг тилидан учган гапларни айтиб юборсами — ҳукм тайин. Аммо Жалил бу даврада, ўз ибораси билан айтганда «шайтонсаройда», мозий ёдгорхонасининг қирилиб кетаётган покизалик рамзи сифатида сақланувчи анжомо каби асралади.

Асадбек кўпинча, дам хурсандчилигида, дам кўнглига қил сиғмай қолганида Жалилни йўқлатарди. Йўқлов борганда у «хўжайинининг кайфияти қандоқ?» деб сўрайди. «Аъло» деган жавобни эшитса, «мени кўрмоқчи бўлса, ўзи келсин» дейди. «Чатоқ» дейилса, «Сен кетавер, мени онам машинада туғмаган, автобусда бораман», деб йўлга отланади. Асадбекнинг бугун — 31 декабрда чақиртиргани уни ҳам ажаблантирди, ҳам бироз ташвишга солди. Шу сабабли юборилган машинага ўтириб келаверди.

— Ҳа, укам, тинчликми? — деди Жалил, фотиҳа ўқилгач.

Асадбек аста «ҳа» деб бош ирғаб қўйди. У Жалилни чақиртиришга чақиритиб, гапни нимадан бошлашни билмай гаранг ўтирарди. У дардини фақат шу ошнасига айта

оларди. Уни шунинг учун ҳам чақиртирган эди. Ғанимлар қизининг эмас, ўзининг номусини булғганини англагани учун ҳам дардини айтиш оғир эди.

Ташқарида қор бўлмагани, ой кўтарилмагани учун атроф тезда зимистонга айланди.

— Самандар ўлмаганида қирққа қадам кўярди,— деди Асадбек, ҳорғин овозда. Жалил бу ҳорғинлик замирида титроқ ҳам сездди. Жуда кўп йиллардан бери ошнасини бу ҳолда кўрмаган эди. Шу сабабли дарров жавоб қайтаришга сўз тополмади.

— Ҳа, энди... умри қалта экан... Ҳур кетди,— деди.

— Бу оламда на акам бор, на укам... ёлғизман...

— Гапинг уйингдан ҳам совуқ, а? Одам ҳам ёлғиз бўларканми? Фақат худо якка! Сенинг бола-чақанг бор, акам йўқ дейсан, мен кимман, катта холангнинг эриманми? Ярим пўписа, ярим ҳазил оҳангидаги бу гап орадаги совуқликни пича кўтаргандай бўлди.

— Акамсан, сен, акамсан...— деди Асадбек ўзини жилмайишга мажбур қилиб. Лекин бу ҳазин жилмайишини қоронғулик ютиб юборди — Жалил ҳам кўрмади.— Самандар тирик бўлганида...

— Тўхта! Гапни чайнама.— Жалил унинг тиззасига шап этиб урди.— Дипломим бўлмаса ҳам миям ишлаб туради. Узингни қийнама, бўладиган гапдан гапир. Самандарни худо раҳмат қилсин. Сен билан мен бир қоп-бир қоп гуноҳни орқалаб борамиз у ёққа. Самандар эса бегуноҳ кетди. Бу дунёнинг ғалваларини кўрмай кетди. Худонинг суйган бандаси экан. Энди у дунёда хуру филмонлар билан айшини суриб юрганди.

Жалилнинг баланд овозда айтган бу гаплари Асадбекка қувват бергандай сергаклантирди. Узидан ўзи нафратланди. «Бу қанақаси, мишиқи боладай пинғиллаб қолдимми? Энди унга кўз ёши қилайми? У мени юпатсинми? «Кўявер, бунақалар кўп ҳозир» дейдимми ё «Сен бирга бўлган қизларнинг ҳам ота-онаси шундай куйгандир» дейдимми? Мен... чарчабман... кучдан қолибман... Бу яхшиликка олиб бормади. Менга қарши уруш очдилар... Мен эса пинғиллаб ўтирибман...»

— Жалил,— бу сафар Асадбекнинг овози дадилроқ янгради,— сен кетавер.

Жалил «нимага чақирдинг-у, нимага ҳайдаяпсан?» демади. Тушунди шекилли. Индамай ўрнидан турди.

— Машина кутиб турибди,— деди Асадбек.

— Ойим мени машинада туғмаганлар. Беш тийин тўласам ғирр этиб олиб бориб қўяди.

— Эрталаб келиб, овора бўлиб ўтирма.

— Узинг биласан.

Асадбек ўрнидан туриб, уни кузатиб чиқди. Муюлишга қадар бирга борди. Жалил хайрлашиб, қўналға томоч юргач, Асадбек олча дарахти панасида тўхтаб турган кўк «Жигули»га яқинлашди. Эшик очилиб, жингалак сочли йигит тушди.

— Элчин деган отарчинни ернинг тагидан бўлса ҳам топиб келларинг.

Асадбек шундай деб йўлида кетаверди. Бу ҳолат ташқаридан кузатган кишига гўё жингалак сочли салом бергану у алик олиб ўтгандай туюлиши мумкин. Асадбек уч қадам қўймай кўк «Жигули»нинг мотори ўт олиб, жойидан худди пойгачи машинадай учиб қўзғолди.

## 5

Элчин ёнбошлаган ҳолда телевизор томоша қиларди. Кўзи телевизорда, хаёли эса ўзга томонда эди. Қамоқдан қайтганига тўрт ой бўляпти. Қамоқнинг дастлабки кунлари, ойлари зах хужраларга, сассиқ баракларга кўникиши қанчалик оғир кечган бўлса, уйга қайтгач, шинам хоналарга, юмшоқ ўриндиқларга ўрганиш шунчалик оғир бўлди. Тўғри, юмшоқ ўриндиқда тан роҳатланади, аммо руҳи тиканаклар узра ётгандай азобда.

Бу уйда ўн йил бўлмади. Ноиласи ўн йилдан бери бу уйда нафас олмайди, юрмайди, ширин кулгиси, пичиолаб айтувчи эҳтиросли сўзлари эшитилмайди. Қамоқнинг биринчи йиллари у Ноиласи билан бирга эди. «Марҳумни сўнгги марта қай ҳолда кўрсанг, уни шу ҳолда хаёлингга муҳрлайсан. Марҳум сенга кулиб қараган бўлса, умринг бўйи уни шу ҳолда тасаввур этасан...» дейдилар. Чиндан ҳам аввалига кўзлари юмук Ноила билан сўхбатлашарди. Кейинроққа бориб хаёлидаги Ноиласи кўзларини очди. Лекин бу Элчин суйган кулиб турувчи кўзлар эмасди. Бу нигоҳда «Гуноҳим нима эди?» деган ажабланиш зоҳир эди. Элчин бу савол назарига жавоб беришга мажбур эди. Узини, фақат ўзини айблб жавоблар қайтарар, бироқ, Ноиланинг ажабланган нигоҳи бундан таскин топмасди. Манэ шу ҳолат, шу нигоҳ таъкиби Элчин учун олий жазодан баттар эди.

Учқудуқ қуёшида жизғанаги чиқиб кетай деганда ҳам, Сибир ўрмонларидаги қаҳратон кишининг совуқ нафасларида музлаб қолай деганида ҳам бунчалар азобланмас эди. Руҳ азобини душманингга ҳам раво кўрмасин экан.

Оқловчи сўнгги сўхбатда «яхши одамлар орага тушиб сизни отувдан олиб қолишди. Гиёҳвандлик, қотиллик олий жазога лойиқ эди. Сиз менга эмас, ўша одамларга қуллуқ қилинг», деганди. Элчин, руҳи қиймаланган кезлари, «яхши одамлар»нинг «мар-

ҳамати»ни эслади. Бу «марҳамат» уни азоблардан халос қилмай, балки бир умрлик жабру жафоларга ҳукм қилганини англаб етди. Шунда «Пичоқни суғуриб ўз юрагимга санчмайманми!» деган ўйда афсус чекди.

Қамоқ муддати яримлаганда Ноиланинг нигоҳидаги «Ғуноҳим нима эди?» деган савол «Уч олинги!» деган ундов билан алмашди. Уч олиш фикри унда ўша мудҳиш кунинг эртасигаёқ туғилган бўлса-да, «мен бир кучсиз ашулачи бўлсам, улар бақувват бир тўда, қўлимдан нима келарди?» деб бечоралигидан кўярди. Қамоқда турли тақдирли, турли феъл-атворли одамларни кўргач, «Мен ҳам эркакман. Уларга бас кела оламан!» деган ишонч туғила борди.

Элчин қамоқдан шу ишонч билан қайтди.

Қамоқ азоби тугаб, руҳий азоб хуруж қилганини уйга келибоқ ҳис қилди. Озодликнинг бунчалик беаёв кечишини у тасаввур этмаган эди. Биринчи тунни худди жиннидай алаҳсираб ўтказди. Кейинги тун яримламай, кўчага чиқиб кетди. Кўчаларда тентиради. Эрталаб уйига қайтиб, ўзини лаънатлади: «Ноиланинг руҳи мени бу уйда ўн йил кутган эди. Мен уни ёлғиз ташлаб, кўчага қочдим. Ноиламининг руҳидан кўрқиб қочдим-а?! Узимни эркак деб юрибманми, ҳали?!»

Агар кўкрагида қасос ўти бўлмаганида бу руҳий азоблар уни эзиб ташларди. Вужуди уч-тўрт кун мобайнида жанггоҳга айланди. Бир томондан хотира изидан эргашувчи руҳий кечинмалар уни эзишга чоғланади, иккинчи томондан эса қасос ўти аланга олиб бу кечинмаларни қувшишга ҳаракат қилади. Алқисса, қасос ўти ғолиб чиқиб, у қаддини ростлашга муваффақ бўлди.

Қасос олишининг турлари кўп. Қамоқдан чиққан куниеқ «яхши одам»ларнинг бирини ёки бир қанчасини сўйиб ташлаши ёки уйларига ўт қўйиши мумкин эди. Лекин бу осон йўл Элчинга маъқул тушмади. У ниҳоятда узун, ниҳоятда хатарли йўлни танлади. Элчин «яхши одамлар» тўдасига кириши шарт эди. Шу ниятда қамоқдан чиққан куниеқ уларнинг оёқларига бош урса олам гулистон бўларди. Лекин у бундай ҳам қилмади. Янада бошқа йўл тутди. Хатар кўчасининг эшигини очиб биринчи қадамни қўйди. Энди «яхши одамлар»нинг ўзи чорлайди. Элчин бу чорлов икки-уч кун орасида бўлар деб ўйлаган эди. Бироқ, янги йил киришига ярим соат қолганида Асадбекдан элчи келиши унинг учун кутилмаган ҳол бўлди.

Жингалак сочли йигит — Жамшид гапдан кўра ишни маъқул кўрадиган йигит эди. У билан ўн кун туриб, бирга юриб тўрттагина гап сўрасангиз, ҳушига келса иккитасига жавоб қайтарар, хохламаса шу иккита гап ҳам йўқ эди. Индамас бу йигитни кузата туриб, ёрилиб кетмаётганига ажабланасиз. Бунинг ёшидаги йигитлар ўйнаб-қуладилар, аския қилдилар. Жамшиднинг кулганини кўрганман деган одам дунёда йўқдир-ов. Лекин унинг жилмайганини кўриш шарафига муяссар бўлган бахтиёрлар бор. Бунга ишонинг. Камгаплик ҳеч замонда, ҳеч ерда фожиа саналмаган, балки фазилат ҳисобланган. Шундай экан, сиз ҳам асардаги янги танишингиз Жамшиднинг камгаплигини асосий фазилат деб билаверинг. Бир воқеа сабаб бўлиб меҳр, лутф, ҳаё каби тушунчаларнинг яқинига ҳам йўламай қўйган бу йигитдан ўзга фазилат қидириб овора бўлмайлик. Ҳа, дарвоқе, садоқатни унутибмиз. У Асадбекка садоқатли эди. У ўша воқеадан кейин кучли, шафқатсиз одамларни яхши кўриб қолган. Асадбек унинг назарида энг кучли одам. Гарчи ундаги садоқат бизнинг назаримизда яхшиликка эмас, зулмга хизмат қилса-да, ўзига хос фазилат деб қабул қилишимиз мумкин.

Элчин бу йигитни зимдан биларди. Яқинлари билан бирга Асадбек хонадонини кузатганида уни бир неча бор кўрган. Шу сабабли Жамшидни дарров таниди. Жамшид ўзбекларга хос лутф билан салом бериб, «Сиз фалончи акамисиз?» «Сизни фалончи акам йўқлаяптилар» деб латта чайнашни ёқтирмас эди. Эшик қия очилиб, Элчин кўри-ниши билан «Сизни Бек акам чақиряптилар» дедию машинаси томон юрди. Элчин унинг феъл-атворини билмагани сабабли тўнг муомаласидан таажжубланди. Кўнгли ёмонлик юз берганини сезди. «Асадбекка маълум бўлдимми? Ким сотиши мумкин?» Кийинаётганида ҳам, мошинага чиқиб ўтирганида ҳам хаёли шу савол билан банд эди.

Жингалак сочли йигит гапиравермагач, Элчиннинг юраги тошди. Уни гапга соғиш учун:

— Чаксам майлими? — деб сўради.

Жамшид йўлдан кўз узмаган ҳолда «Ҳа» деб қўйди.

— Бек акангиз саломатмилар, кўрмаганимга ҳам ўн йил бўлди,— деди Элчин. Жамшид унга бир қараб олди-ю, индамади. «Демак, аҳвол чатоқ,— деб ўйлади Элчин.— Агар Асадбекка маълум бўлса... Нимага ҳузурига чақиртирди? Бу йигитга «олиб кел», дёмай, «ўлдириб кел» деса иш осонроқ пишарди-ку? Ўн йил аввал ўлимдан олиб қолган эди. Энди нима қилмоқчи?»

Элчин Асадбек салтанатиға қарши уруш очганида дадил эди. Ҳозир нима учундир чўчиляпти. Учқудуқда эканида қамоқ аҳлини ётқизиб-турғизадиган маҳбуслар унга озор беришмасди. Кейинроқ ўзига маълум бўлишича, у «Асадбекнинг одами экан». Бу таъриф Сибирда ҳам уни қийноқлардан халос этган эди. Тўғри, у ёқларда Асадбек, десангиз биров билмас эди. Лекин «Ўқилон» кўпчиликка таниқли эди. Элчин умрида ўқилонни кўрмаган, бироқ, ўзи кичикина бўлган бу илон ўқдай учиб юради, одамга дуч келса

товонидан тешиб, тир, миясидан чиқади, деб эшитганди. Асадбекка «Уқилон» деб лақаб қўйган одам шуни назарда тутганми?

Элчин овозаси узоқларга кетган ана шу даҳшатли Уқилонга қарши чиқди. Биринчи қадамни қўйди. Бу ҳам Биринчи, айна чоқда сўнги қадам бўлиб қолмасмикин?

— Оғайни, танишиб олайлик, исмингиз нима эди? — Элчин бу йигитни аввал яхши таниган-у, шу дамда исмини унутиб қўйгандай сўради.

Жамшид жавоб бермади. Қараб ҳам қўймади. Элчин: «Тирик бўлсанг билиб оларсан, деганими бу?» деб ўйлади.

Мошина эски шаҳар томон бурилганида Элчиннинг ташвиши ортди. У Асадбекнинг болагиги ўтган ҳовлини, унинг одатини билар эди. Қоронғи ҳовлига, сўнг қоронғи хонага кирганида «курагим остига ҳозир пичоқ санчилади» деб кутди. Йўқ, у ўлимдан кўрқмади. Элчин ўлимни бўйнига олиб, шу йўлга кирган эди. У йўл бошидаёқ панд еганидан, муддаосига ета олмаганидан аламда. У неча йил қасос ёғида қоврилди. Энди эса... У ўзини қафасга тушиб қолган қуёндек ҳис этди. Лекин бир неча дақиқадан сўнг эса бу ожизлиги учун ўзини ўзи лаънатлади.

Элчин кураги остига пичоқ санчилишини кутди. Бунинг ўрнига қоронғуликдан Асадбекнинг овози келди:

— Ҳа, ҳофиз, эсон-омон чиқиб келдингизми?

Асадбекнинг овозида пичинг ёки таҳдид оҳанги йўқ эди. Элчин бундан енгил тортди. Ҳавотирни бекор эканини англаб, овоз келган томонга қараб салом берди.

— «Келдим» деб ҳам қўймайсиз-а, ҳофиз,— деди Асадбек саломга алик олиб.— Ҳарҳолда мен сизга бегна эмас эдим. Ака-укалигимиз бор эди, а?

Асадбекнинг «сизни отувдан олиб қолган мен бўламан» демоқчи эканини Элчин фаҳмлади. Кўзи қоронғуликка ўрганиб, унинг чап томонида дўппайиб турган танчани, деворга суяниб ўтирган одам қорасини илғади. Учрашув нима учун қоронғида бўлаётганига тушунмади.

— Қамоқдан қайтган укадан хабар олиш акадан лозим, деб ўйлабман,— деди Элчин гина оҳангида.

— Келганингизни билганимда учиб борар эдим,— гап оҳангида энди киноя сезилди. Сўнг оҳанг кескин ўзгарди: — Ҳофиз, чайналмасдан эркакча гаплашайлик. Хотинингизнинг ўлимида менинг заррача айбим йўқ. Сиз менинг зиёфатларимни гуллатар эдингиз. Сизни йўқотишдан мен нима наф кўрарканман? Аксинча, зарар кўрдим. Сиз кимгадир ёқмай қолгансиз. Жаллодни бизнинг ичимиздан эмас, ўзингизга ўхшаган отарчилар орасидан қидиринг. Бир-бирига сурма ичириб овозларини бўғадиган отарчиларнинг қўлидан бундан баттар ишлар ҳам келади. Айбни бўйингизга олиб, аҳмоқлик қилдингиз.

Чиндан ҳам қотиллик Асадбекнинг ихтиёрисиз содир бўлган ва у айбдорни беаёв жазога тортган эди. Ҳозир буни айтмай, гуноҳкорни отарчилар ичидан қидириш керак, деб қўя қолди.

Элчин учун Асадбекнинг гаплари янгилик эмас эди. Қамоқда ўтирганида гумонлар кўчаси уни ҳамкасблари томон ҳам бошлаганди. Тўғри, «фалончи ҳофиз фалончи ашуланинг чойига сурма қўшиб ичирибди», деган гапларни кўп эшитган. Бироқ, ўз кўзи билан кўрмаган, бундай воқеага шохид бўлмаган. Мана-ман деган ашулачи иккита-учта бўлса шундай қилиши мумкин. Ҳозир кунда бир арава қўшиқчи ёғиллапти. Микрофонни тумшугига тираб кучанади. Овози бор-йўқлигини ҳам билиб бўлмайди. Аммо ҳар бири ўзини зўр ҳофиз деб фаҳмлайди. Латифа қилишларча, бир тасодиф билан юзта ҳофиз ҳарбийга чақирилибди. Зобит уларни сафга тизиб «бир чеккадан сананглар» деб буюрибди. Саф бошида тургани «бир» дебди, иккинчиси «икки» дейиш ўрнига у ҳам «бир» дермиш. Учинчи... қирқинчиси ҳам «бир» дермиш. Зобит аччиқланиб турганда саф бошидаги унга аста тушунтирибди. «Уртоқ бошлик, биз ашулачилармиз. Бизда иккинчи деган гап йўқ, ҳаммамиз биринчимиз». Ҳофизлар майда қабиҳликларни қилар-у, лекин бегуноҳ аёлни зўрлаб, сўнг юрагига пичоқ санчишга журъат этишолмас. Элчин бунга қаттиқ ишонади. Шу сабабли ҳам Асадбекнинг гапларини безътибор эшитди. «Уша воқеадан олдин одамларингиз мендан бож талаб қилишди. Ҳар ойда фалон минг сўмдан тўлаб туришим лозим эди. Рад этдим. Шунда ҳазиллашдик, деб мени зиёфатга олиб боришди. У ерда ҳазиллашиб қимор ўйнадик...» демоқчи ҳам эди, лекин «Тўғри, улар ҳазиллашишганди» деган жавобни эшитишини билиб, индамади.

— Мендан бир хатолик ўтган: ҳасадгўйларингиз кўплигини ҳисобга олмаганман. Сизни ҳимоя қилишим керак эди. Бир ашулангиз бор эди:

«Уйнамаса ким ўзганинг найига,  
Шум ният-ла тушадилар пайиғат!»

Сиз энди ўша найчини қидириясиз, биламан. Қидирмаганингизда сизни ўғил бола демас эдим. Найчи билан... аллақачон ҳисоб-китоб тўғри бўлган. Сиз уни ўйламанг. Сиз... уйландингизми?

— Йўқ.

— Тиркичилик нима бўлапти?

— Узбекнинг тўйи бор экан, хор бўлмаймиз.

— Тўйнинг ҳам тўйи бор. Ким айтса бораверсангиз обрўйингиз қолмайди. Сиз энг зўр ашулани бўлишингиз керак. Одамлар «хўп» дейишингизга маҳтал бўлиб ҳафталаб остонларингизда ётади. Бу ёғини менга қўйиб беринг. Телевизор, радио фақат сизнинг ашулаларингизни беради. Шералию Ғуломларингиз сариқ чақа бўлиб қолади. Сиз ашула айтганингизда Ортиқлар «амма-холаси ҳаводор» деб этак очиб ўтиради.

— Раҳмат, Бек ака, буларнинг эвазига мен нима қилишим керак? Ҳарҳолда «ҳисобли дўст айрилмас», деганлар. Сиз кўп сўрамайсиз, биламан. Нарӣ борса сизга қул бўлишим керак-да, а?

Асадбек Элчиндан бунақа игнали гапни эмас, балки самимий миннатдорчилик кутган эди. Асадбек лоф урмаётган эди, айтганларини албатта рўё қиларди. «Бу отарчи нимасига ишониб катта кетяпти?» Асадбек бир ғижиниб олди. Кимда ким зид сўз айтса, у гапини калта қиларди. Унинг нима ҳукм чиқаргани бир қарашидаёқ аъёнларига маълум бўларди. Асадбекка ботиниб гап қайтарган одамнинг шўрига шўрва тўкилиши аниқ эди. Элчин буни биларди. Била туриб беихтиёр ноҳўя гап айтди, деган гапимга ишониб чалғиманг. Элчин била туриб айтди, бу гапни. Унинг мақсади Асадбекнинг қанотига кириш эди. Лекин муте бўлиб эмас, қаддини ғоз тутиб кирмоқчи эди. Ҳозирги марҳаматга жавобан миннатдорчилик билдириш яна мутели жандасини кийиш билан баробар бўларди. У ҳолда Асадбекнинг атрофидаги парвона фоҳишалардан фарқи қолмас эди. Элчин шу учун азоб чекибдими, шу учун пайт пойлабдими, режа тузибдими?!

Асадбек Элчинни аввал ҳам дурустроқ билмас эди. Элчин Асадбек учун бир қўшиқчи, пул қистирганда иршайиб қуллуқ қилувчи отарчи эди. Асадбек ман-ман деган ашулани ҳам одам қаторига қўшмас эди. Унвони, шуҳрати улуғ ашуланиларни эса кўпчилик олдида мазах қилишни, камситишни ёқтирарди. Тўйда виқор билан юриб ўртага чиқарди, ашуланига яқинлашиб чўнтагига қул соларди. Агар марҳамат қилса иккита юзталиқни чиқариб ашуланининг икки елкасига «погон» қилиб қўярди. Қайфияти чатокроқ бўлса — ёқасига қистирарди. Асадбекнинг изидан чиққан бошқалар ҳам фақат юзталиқ қистирарди. Шунинг учун ҳам ёқасига пул қистирилган ашулани ўзини камситилган деб ҳисобламас, балки «акахон»нинг ҳазиллари деб билиб, иршайган ҳолда таъзим қиларди. Элчин биринчи марта Асадбекнинг қаҳрига ўшандай ҳолатда дуч келган. Асадбек ёқасига пул қистирмоқчи бўлганида бўй бермаган эди. Уша куни енгил жазо олди — икки йигит яхшигина дўппослаб, торини мажақлаб ташлади.

Асадбек ҳозир ўша зоқеани эслади. Эслаб туриб «қамоқда ҳам ақли кирмабди бу баччағарнинг», деб қўйди.

Қоронғуликни титратиб чиққан Асадбекнинг қаҳрли овози орага тушган бир дамлик сукутни бузди.

— Менинг қулларим ажиб-бижиб ётибди. Сендан дурустроқ қул ҳам чиқмайди. Сен... ашулангни билсанг бас. Бошқа ишларга тумшўфингни суқма.

Элчин Асадбекнинг сенсирашга ўтганидан билдики, у ғазаб отига минди.

— Сен мол эмассан. У ёқдан бурнингни оқизиб келмагансан. Тишингни қайраб юрибсан.

— Бек ака... — Элчин «менинг ҳеч қандай ёмон ниятим йўқ», деб гапни чалғитмоқчи эди, Асадбек йўл бермади.

— Овозингни ўчир! Мен гапиряпман, ҳаддингдан ошма, бола! Сен хотининг ўлдирилганини, у ёқларда юриб келганингни унут. Аммо Асадбек акангни унутма! Асадбек аканг, худога шукр, тирик. Мабодо у ўлиб қолса, ўлигидан ҳам кўрқ. Мен гўримда ҳам тинч ётмайман. Атрофингда кимлар бор?

Бундай очиқ савдони Элчин кутмаган эди. «Билиб туриб сўраяптими ё тахминан мўлжалга оляптими? Қизи йўқолганидан кейин йигитлари изғиб ҳид олишган бўлса-чи? Унда нима учун қиздан гап очмаяпти?» Элчин арқонни узунроқ ташлаш мақсадида ўзини гўлликка солди:

— Ота-онам ўтиб кетишибди, худо раҳмат қилсин уларни...

— Чайналма! Кимларни сўраётганимни билиб турибсан. Сен мен билан мушуксичкон ўйнама. Майда балиқлар ҳамма вақт катталарига ем бўлади. Сенлар чивинсанлар, мен — бургутман. Фарқи борми?

«Фарқи бор, — деб ўйлади Элчин. — Афсуски, бургут чивинни еёлмайди-да».

— Атрофингдагилар ўзбекларми ё ўша ёқдан топган қаланғи-қасанғиларингми? Ўзбек бўлмаса йўқот уларни. Узимизникилар ҳам етиб ортади. Зерикмаслигинг учун беш-ўнта болани сенга топшираман.

«Демак, ёнимдагиларни билмайди. Қизини ким зўрлаганини ҳам билмайди. Тахмин қияпти. Ишончи комил бўлганида мен билан пачакилашиб ўтирмас эди. Бир отарчи номусини булғайди-ю, у сафсата сотиб ўтирадимми?»

— Бек ака, мен ёлғизман. Қасос олиш ниятим борлиги рост. Аммо бировнинг ёрдами билан олинадиган қасос менга татимайди. Ёнимга одам тўпламаганман.

— Қасам ич!

— Худо урсин!

Элчин тақво деган нарсани, қасамнинг қадри деган нарсани билмас эди. Болалар бир-бирларини ишонтириш мақсадида кунда юз марта «худо урсин» дейишади. Элчин ҳозир худди бола каби ўйламай-нетмай «худо урсин» деб юборди. Асадбек осонлик билан ичилган бу қасамга ишонмаса-да, бироз таскин топгандай бўлди.

— Сен тезроқ уйлан. Тўйингга ўзим бош бўламан.

Асадбек шундай деб жим бўлди. Элчин гап тугаганини англаган бўлса-да, бироз турди. Сўнг «кетаверайми?» деб сўради. Асадбек совуққина қилиб «ҳа», деб қўйди. Элчин унинг ғазабга тўлган нигоҳини қоронғида кўрмади.

Элчин Асадбек «уйлан» деганида, «қизини менга беради энди» деб ўйлаганди. Элчиннинг назарида Асадбек учун энг тўғри йўл шу эди. Бу йўл Элчинни мақсад сари тезроқ олиб борарди. Аммо у янглишиди. Қўшиқчи эплаб рақсга тушолмагани, раққоса эса эплаб ашула айтолмагани каби у жиноятнинг ҳадисини олмаган эди. У хаёлан иш пишитишга уста эди. Асадбеклар хаёлда эмас, амалда бажарардилар. Асадбек қизини қамоқдан чиққан отарчига берганидан кўра ўлдириб юбориши мумкинлигини Элчин ҳисобга олмаган эди.

Элчин Анварга «Асадбекнинг қизини оляпман» деб янглиш гап айтди. Хаёлидаги ишни ҳақиқатга айлантириб юборди.

## II БОБ

### 1

Қайта қуриш шарофати билан депара қидирув бўлимининг инспектори, лейтенант Зоҳид Шариповнинг елкасига офтоб теғди. «Ҳалоллиги, ўз ишига виждонан муносабатда бўлганлиги» туфайли уни шаҳар прокуратурасига ишга олишди. Жумлабошини кўштироқ орасига олганимга киноя қиляпти, деманг. Бу жумла депара ички ишлар бўлими бошлиғининг тавсияномасидан кўчирмадир. Зоҳид чиндан ҳам ҳалол, виждонли йигит. Унинг айнан шу фазилати бошлиққа ёқмас эди. Бошлиқ «қайта қуриш, ошкоралик деган бало қаёқдан чиқди!» деб норози бўлиб юрганида, айнан шу қайта қуриш жонига оро кирди: ёшларни кўтариш масаласи кун тартибига қўйилганда шартта Зоҳиднинг номзодини кўрсатди.

Маҳмадана лейтенантнинг ҳар мажлисда бир игна санчиб олиши, ҳақиқат талаб этиши бошлиқнинг эсини тескари қилиб юборган, мажлис деса кўнгли ағдариладиган, кўз олдига Зоҳид келадиган бўлиб қолган эди. Зоҳид кетгач, атрофидаги икки-уч ҳақиқатпарварларнинг ўз-ўзидан тинчишига ишонарди. Бошлиқ Зоҳидни «менинг кўричагим», деб пичинг қиларди. Осонгина ташриҳ туфайли бу озорли дарддан қутулганига шукр қилди. Лекин Зоҳид кўричак эмас, буйракдаги тош экан. Уқтин-ўқтин кўзғаб, безовта қилиб туриши мумкин экан.

Зоҳид прокуратурада вазифасини ўташга киришган куниеқ унинг қўлига шу депарага оид иш берилди. Кеча тантана билан кузатилган лейтенант бугун яна бошлиқ ҳузурида пайдо бўлди. Илгари бошлиқ унга бақариб, ҳатто чиқариб юбориши мумкин эди. Энди эса жилмайиб кўришишга мажбур. Бошлиқ Зоҳидни бутунлай йўқ бўлиб кетади, деб ҳисобламаган. Бироқ бунчалар тез келар, деб ўйламовди.

Усти чойнак изларидан доғ бўлиб кетган битта стол, ошиқ-маъшуғи аранг илиниб турган китоб жавони турган тор хона Зоҳидга мерос бўлиб қолди. Стол тортмасдан «ВТ» сигаретасининг бўш қутиси, беш-олти дона чўпи қолган гугурт бор эди. Зоҳид уларни олиб симтўрхалтага ташлади-да, стол устини чангдан тозалаш учун уч-тўрт бора қаттиқ пуфлади. Шу пуфлаш оқибатида қўққис уйғониб кетгандек телефон жиринглади.

— Шарипов,— деди у, телефон гўшагини қулоғига тутиб.

— Лола кўчасидаги ўн еттинчи уйдан қора дори топилган. Қидирув гуруҳи жўнади. Бу иш сизга топширилади.

Буйруқ қисқа ва қатъий эди. Зоҳид шошилиб ўрнидан турди-да, гўшақни жойига қўйиб, ташқарига йўл олди. У Лола кўчасини биларди. Узи хизмат қилган милиция бўлимига яқин, маҳалла гузаридан чапга бурилишдан шу кўча бошланарди. Бу маҳалла тинч, йилда бир-икки муштлашиш бўлиб туриши ҳисобга олинмаса жиноятдан анча йироқ эди. Маҳалланинг осойишталиги милиция бўлими яқин жойлашгани учун эмас. Милисахона кўчиб келмасидан олдин ҳам маҳалла тинч эди. Бу ердагиларнинг айтишича, биз тилга олган «бир-икки муштлашув» ҳам милисахона кўчиб келганидан сўнг бошланган. Бу қанчалик тўғри ё нотўғри — яратганга маълум. Маҳалланинг осойишталигига сабаб бу ердаги одатларга на «турғунлик» деб ном олган йиллар таъсир ўтказа олган, на қайта қуриш деган гаплар. Маҳалла азалдан қариялар ҳукмига бўйисиниб келган. Умри адосига етган қариялар энг яхши одатларни ўзлари билан олиб кетмай, ортларида қолаётганларга мерос қолдиришган. Кимга ёлғон, кимга чин, шаҳарда букиб ичиб, оёқда туролмайдиган даражага етган одам ҳам маҳалла ҳудудига қадам босиши билан сергак тортиб қоларкан. Саломни қанда қилмай гўзардан ўтиб, уйига етиб оларкан.



Зоҳид маҳалланинг одамларини яхши билгани учун ҳам боши қотди: қорадори билан ким шугулланиши мумкин?

Бирон жойда жиноят содир бўлса қидирувчиларнинг кўз олдига дастлаб яқин орада қамоқдан қайтганлар келади. Бир уйни ўғри уриб кетган бўлса аввал ўғирлик усули билан қизиқишади. Езувчининг ўзига хос услуби бўлганидек, жиноятчиларнинг ҳам ўз услублари мавжуд. Али ўғрининг иши ҳеч маҳал Вали ўғрининг ишига ўхшамайди. Баъзан жиноятчиларнинг ўзлари милицияга ёрдам беришади: услуб кимники эканини айтишади. Қора дорининг топилиши ҳам шундай «хотлис хизмат» оқибати бўлиши мумкин.

Лола кўчасидаги ўн еттинчи уй олдида иккита энгил ва бир тез ёрдам машинаси турарди. Ҳангоматалаблар ҳам тўпланишиб қолишган эди. Уй ташқи томондан қараганда харобгина кўринади. Ёндаги иморатлар кўкрак кериб тургани учунми, чиройли пештоқсиз бу уй оддий бостирмага ўхшарди.

Зоҳид ичкари кирди. Узунасига эллик қадамча келадиган ҳовли ишқомдан иборат эди. Ташқарисидан ғарибгина кўринган уй ичкарисини ҳам шу аҳволда экан. Уртада даҳлиз, даҳлиз тўрида обреш. Чап томонда кичикроқ уй кимёгарликка оид турли-туман идишларга тўла. Унг томонда каттароқ хона — ётоқ ҳам, емакхона ҳам шунда мужассам.

Жиноят қидирув бўлимининг ходимлари — Зоҳиднинг кечаги ҳамкасблари шу ерда. Уртада думалоқ стол. Стол устида оқ кукунли шаффоф халтачалар — таниш манзара. Дераза ёнидаги курсида ёш жувон бошини ушлаб ўтирибди. Йиғлайвёриб шишиб кетган. Хона тўрида — диван. Диванда бир йигит беҳуш ётибди. Қидирувчилар бошлиғи — Ҳамдам Толипов ахборот берди:

— Уй эгаси Шариф Намозов. Анави ётган йигит вино заводиди бош муҳандис экан. Бир халта портфелидан чиқди. Қолганлари нариги хонадан. Тажрибахонаси эмиш.

— Узи мастми?

— Фирт маст. Билагида игна изи бор. Ҳозир қон олишди, натижасини айтиб қолишади. Анави аёл хотини экан. Ҳеч нимани билмайман, дейди.

— Изига қандай тушдинглар?

— Иккита гиёҳванд йигитни тутувдик. Қаердан олдиларинг, десак, шу ерни айтишди.

— Осонгина айтишдимми ё қийнадингларми?

Ҳамдам «мени биласан-ку», дегандай кулимсираб қўйди. Зоҳид бўш стулни олиб, аёлниг рўпарасига ўтирди-да, ўзини таништирди.

— Исмингиз нима?

— Насиба,— жувон шундай деб унга нажот кўзи билан тикилди.

— Эрингиз нима иш қиладилар?

— Вино заводиди ишлайдилар. Икки ойгина бўлди, кўтаришувди. Португалияликлар бу кишининг ишларини сотиб олишгандан кейин одамларнинг ўзлари сайлаб қўйишди. Кўнмасалар ҳам зўрлашди. Бошлиқ бўлишга сираям тоқатлари йўқ эди.

— Португалияликлар қанақа ишни сотиб олишди?

— Мусаллас қилишнинг янги усулини топганлар. Беш йилдан бери сарсон эдилар. Узимизникилар ҳеч ўтказишмади. Улар қаёқдандир эшитиб қолишиб, атай келиб текшириб кўришди.

— Эрингиз кўп ичармидилар?

— Йў-ўқ, бунақа ичмасдилар. Синаш учун бир ҳўплам-бир ҳўплам ичардилар холос. Бунақа аҳволда ҳеч кўрмаганман. Узим ҳам кўрқиб кетдим.

— Соат нечада келган эдилар?

— Ун иккиларда. Бунақа кеч юрмасдилар. Тўйга борсалар ҳам вақтли қайтардилар.

— Ўзлари юриб келдиларми?

— Билмадим,— Насиба ўйланди.— Мошинада келдилар шекилли. Ҳа, аввал мошина тўхтади. Кейин кўнғироқ чалинди. Чиқсам, деворга суяниб ўтирибдилар. Уйга зўрға олиб кирдим.

— Булар қаердан келди? — деди Зоҳид стол устидаги халтачаларни кўрсатиб.

— Билмадим... Булар келишди. Уйни титишди. Мен анқайиб туравердим.

Зоҳид ўрнидан туриб даҳлизда чекаётган Ҳамдамга яқинлашди.

— Тинтувга рухсатномангиз бор эдими? — деди.

Ҳамдам кулиб қўйди.

— Рухсатнома олгунча булар кутиб ўтиришмайди. Тинтиб, топиб қўйибмиз-ку?

Зоҳид унинг иш услубини биларди: Ҳамдам ҳамиша шошилиб ишларди. Баъзан қонун-қоидаларга риоя ҳам қилмас эди. Жавобдан бўйин товлаётган жиноятчининг қорнига бехос мушт тушириб қолишни яхши кўрарди. Мушт еган одам букчайиб, ихра-наётганида у хотиржам сигарет тутатарди. Зоҳидга унинг бундай усуллари ёқмас эди. Лекин ҳалоллиги, жиноятчига бешафқат бўлгани учун уни ҳурмат қиларди.

— Гиёҳвандларнинг сурати борми?

Ҳамдам кўкрак чўнтагидан бешта сурат чиқариб, иккитасини ажратди:

— Мана булар. Кўрсатдим, танимади.

— Бу ерга қачон келишган экан?

— Уч кун олдин.  
 Зоҳид суратни олиб, изига қайтди.  
 — Мана буларга диққат билан қаранг. Шошилманг. Биронтаси уйингизга келганми? Аёл синчиклаб қараб, бош чайқади.  
 — Яхшилаб эсланг. Балки биронтаси уч кун олдин келиб эрингизга учрашгандир?  
 — Келса билардим. Адасига учрашишлари мумкин эмас. Уч кун олдин у киши Ереванда эдилар.  
 — Қачон келдилар?  
 — Кеча эрталаб келиб, чой-пой ичиб кейин ишга кетдилар.  
 — Бу ерга нотаниш одамлар келиб туришармиди, масалан, бир нарса сўрабми?  
 — Йўқ, одам кам бўлади уйимизда. У киши доим иш билан бандлар. Бекордан бекорга гаплашиб ўтиришни ёқтирмайдилар.  
 — Мусаллас сўраб келишмайди?  
 — Қўни-қўшнилари чиқиб туришади.  
 Даҳлизга оқ халатли аёл кириб, Ҳамдамга нимадир деди. Ҳамдам ичкари кириб Зоҳиднинг қулоғига шивирлади:  
 — Қонидан қора дори топилган.  
 Зоҳид ўрнидан туриб даҳлиз томон бошлади.  
 — Гиёҳванд йигитларингиз қаерда?  
 — Узимизда.  
 — Юринг, улар билан гаплашишим керак,— Зоҳид шундай деб ташқарига йўналди.  
 Гиёҳванд йигитлардан бирининг пастки лаби осилган, кўзлари чақчайган, иккинчисининг қарашлари совуқ, ўнг юзида узун тиртиқ бор эди.  
 — Билагингни кўрсат,— деди Зоҳид тиртиққа.  
 У «шу ҳам ишми?» дегандай эринибгина курткасини ечиб, кўйлагининг енгини шимарди. Лаби осилган йигитнинг билагида ҳам игна излари бор эди. Уларнинг гиёҳвандлигига Зоҳидда шубҳа қолмади.  
 — Кукунни қаердан олардиларинг?— деб сўради Зоҳид.  
 — Братанга этганмиза, қаёқдан оғанувзани,— деди лаби осилган йигит.  
 — Менга ҳам айт.  
 — Лола кўчасида... ўн... еттинчи уйда турадиган Шариф ака деган киши.  
 — Икковинг бирга борганмисан?  
 — Бир хил пайтда ман борардим, бир хил пайтда у борарди, бир хил пайтда иккалавуза борардик.  
 Зоҳид ҳали Ҳамдамдан олган суратларни чўнтагидан чиқариб, учтасини ажратиб олди-да, стол устига ёйиб, лаби осилганни чақирди.  
 — Қара, Шариф аканг қайси бири?  
 Йигит ўрдакка ўхшаб лапанглаб келиб суратларга узоқ тикилди-да биттасини кўрсатди.  
 — Жойингга ўтир,— Зоҳид шундай деб суратларнинг жойини алмаштирди-да, тиртиқни чақирди. У бошқа суратни кўрсатди.  
 — Охирги марта қачон борувдиларинг?— деб сўради Зоҳид.  
 — Уч кун бўлди.  
 — Балки тўрт кундир?  
 — Вей, братан, ман ўзим борганман. Соққа йўғиди, қарзга берган. Ништяк одам у. Ўзини лабораторияси бор. Айн момент тайёрлаб беради.  
 — Лабораториясига кирганмисан?  
 — Кирганманде. Шундоқ чап томонда.  
 — Айвондан ўтгандами?  
 — Ҳа-де, билиб туриб сўруврасизми?  
 Зоҳид «бу ёғига нима дейсиз?» деб Ҳамдамга қаради.  
 — Айвоннинг олди ромми?  
 Лаби осилган йигит ўйланиб қолди.  
 — Ром бўлса керак,— деди иккиланган ҳолда.  
 — Елғон гапирма!— деди Ҳамдам бақариб.  
 — Братан, алдавотганим йўқ.  
 Ҳамдам унга яқинлашиб, ёқасини чангаллаб ўрнидан турғизди.  
 — Елғон гапирма, хунаса, уйда бўлмагансан. Айвони йўқ унинг.  
 Лаби тиртиқ бирдан тутқаноғи тутган одамдек бақариб юборди:  
 — Қўйворинг! Мен кечаси борганман. Айвонига қарабманми, ўзи зўрға турувдим.  
 — Борганмисан?!  
 — Ҳа, борганман!  
 — Уч кун олдинми?  
 — Ҳа, уч кун олдин.  
 — Жуда яхши!— Ҳамдам уни қўйиб юборди.— Менга шу керак эди. Езиб қўйинг, ўртоқ прокурор. Борганини тан олди. Энди билиб қўйларинг: уч кун олдин у уйда ўлдирилган!

Иккала йигит аввалига «хато эшитмадикми?» дегандек қараб олди. Сўнг худди келишиб олишгандай Ҳамдамга бараварига даҳшат билан боқишди.

— Йўқ!— деди тиртиқ жон ҳолатда.

— Нима, йўқ?— деди Ҳамдам ғолиб кишининг мулоийм овозида.

— Бормаганмиз.

— Уртоқ прокурор, бунисига нима дейсиз?

— Соқчини қақиринг, олиб кетсин.

Гиёҳвандлар чиқиб кетишгач, Ҳамдам диванга ўтириб, оёқларини стол устига чалиштириб қўйиб олди.

— Ҳамдам ака, дарров топганингиздан ажабланмадингизми?— деди Зоҳид унинг ёнига ўтириб.

— Ажабланишга вақт бўлмади. Ана энди ўзинг, мазза қилиб ажабланаверасан. Мен топдим. Сен тергайвер. Оператив ишлаганим учун ояхонинг раҳматнома эълон қилади, менга.

— Юварканмиз-да,— Зоҳид шундай деб елкасига аста уриб қўйди. Кейин жиддий оҳангга кўчди:— Буларни ким ишга солган бўлиши мумкин?

Ҳамдам дарров жавоб бермади.

— Вино заводида нима гап экан?— деди у маънодор қилиб.

— Мен ҳам шунга ўйлаб турибман.

— Ўйласанг ўйлагин-у, аммо винзаводга осила кўрма.

— Нимага?

— Кимга қарайди завод биласанми?

— Озиқ-овқат вазирлигигами?

Ҳамдам кулиб, тиззасига шапати урди.

— Эй, прокурор, кўзингни оч! Шунча йил угро<sup>1</sup>да сақич чайнаб юрган экансан-да, а? Винзавод Асадбекнинг тасарруфида-ку?! Буни кўчадаги мишиқи бола ҳам билади, сен билмайсанми, қишлоқи?

Зоҳид ҳам эшитган бу гапларни. Завод директори Асадбекнинг тавсияси билан қўйилади, ҳатто қоровул ҳам унинг рухсатисиз ишдан бўшолмайди, деган гаплар юрди. Халқ оғзидаги миш-мишнинг қандайдир асослари мавжуд. Бироқ, Асадбек ҳақидаги гаплар кўпинча ғирт ёлғон бўлиб чиқади. Зоҳид ўтган йили бунга ишонди: кутилмаганда бир гап тарқалиб одамлар беҳаловат бўлиб қолишди. Эмишки, бир одамни қўшниси машинасида қаергадир олиб бориб қўйиши лозим экан. Машина айтилган томонга эмас, бўлак ёққа бурилибди. «Нимага бу томонга бурилдинг?» деб сўраса, машина эгаси «жим ўтираверинг, кўрасиз» дебди. Хуллас, машина гадой топмас кўчалардан юриб, шаҳар ташқарисига чиқибди. Бориб-бориб йўл қамишзорга тақалибди. Машина эгаси ўтириб туринг, деб ғойиб бўлибди. Ҳалиги одам кўрқиб, машинадан тушибди. Қамишзор оралаб қараса, бир чуқурда аллақанча мурдалар ётганмиш. У «мени ҳам ўлдириб ташлашар экан-да» деб ўйлаб, ўликларни суриб, тагига тушиб ётаверибди. Бироз вақт ўтгач, беш-ўнта одам пайдо бўлиб, уни қидиришибди. Кейин «бизни алдадингми, ҳали» деб машина эгасини дўппослашибди. Тонгга яқин ҳалиги одам ўликлар орасидан чиқиб қараса, узокда бир чироқ милтиллаб турганмиш. Бориб қараса, бир қозоқ чўпоннинг уйи экан. Қозоқ уни уйига олиб кириб, ювинтириб, ўзининг тоза кийимларини берибди. Гапнинг қисқаси, ўша одамлар Асадбекка тегишли экан. Шу ваҳима гаплар кучая боргач, текшириб кўриш Зоҳидга топширилди. У бир ҳафта уриниб, қуванган ипнинг учини, ўша одамни топди. У одам ўн етти йилдан бери руҳий хасталиклар шифохонасида рўйхатда тураркан. Зоҳид бир қараса, унинг гапи бамаъни, бир қараса, ғалати эди. У қўшнисини кўрсатди. Қўшни ажабланди. Устига-уштак унинг машинаси йўқ. Ҳалиги одам қамишзорни кўрсатаман, деди. Зоҳид кўнди. Қадимда «Хотинкўприк» деб аталган жойга бошлаб борди. Қамишзор йўқ. Ҳаммаёқ кўпқаватли иморат эди. Ҳалиги одам мўлтиллаб туриб, сўнг йиғлаб юборди. Зоҳид уни уйига эмас, шифохонага элтиб қўйди.

Бу воқеага бир йилдан ошибди. Зоҳид ўша одамнинг мўлтиллаб туриши, йиғлаб юборишини ўқтин-ўқтин эсларди. Ҳозир винзавод ҳақида гап чиққанида яна ёдига тушди. Ён дафтарига «жинни одам, Хотинкўприк» деб ёзиб қўйди.

— Демак, бу иш Асадбекка бориб тақаладимми?— деди у дафтарчасини чўнтагига солиб.

— Бўлиши мумкин,— деди Ҳамдам.— Лекин бу икки галварсдан гап оламан, деб овора бўлма. Улар Асадбекни билишмайди. Шариф Намозов билан суҳбатлашсанг кўп нарса ойдин бўлади. Олимлиги бор экан. Бунақа одамлар ҳақиқатлараст бўлишади. Адолат қиламан, деган бўлса, қопқонга туширишган. Энди истасанг-истамасанг, қамоққа оласан. Қони текширилиб гиёҳванд деб турилибди. Уйдан кукунлар чиқди. Юз минг сўмнинг нари-берисидеги мол-а! Юз мингдан кечишибдимми, демак, иш қатта.

— Агар сиз айтгандай Асадбекнинг йўлига тўғаноқ бўлса, осонгина йўқ қилишмасмиди?

<sup>1</sup> Жиноят қидирув.

— Майдароқ одам бўлганида балки сен айтган йўлни тутишарди. Намозов бирон бир масалада очикчасига қарши чиққандир. Умуман... Юз минг сўм уларга трамвай паттасидай гап. Агар Намозовни қамоққа олишга рухсат бермасанг, эртага уйингга беш юз минг ташлаб кетишлари мумкин. Унда ҳам кўнмасанг...

— Ўлдирадими?

— Йўқ, ўлдирмас керак. Лекин йўлини топади. Ҳарҳолда иш Асадбекка бориб тақалса, у билан ўчакишма. Сендан зўрлар ҳам эплаша олмаган уни. Биз сен билан комиссар Катани бўлолмаймиз. Лекин Асадбек адвокат Терезинга дарс бериши мумкин. Сенга маслаҳатим: Намозовни қамаш керак. Қамасанг, унинг жонини сақлаб қоласан. Уйлаб кўр.

## 2

Ҳамдамнинг таклифини ўйлаб кўришга улгурмай депара ички ишлар бўлими бошлиғи капитан Мирсултонов кириб келди.

— От айланиб қозигини топаркан. Биздан қутулиб бўпсиз!— у шундай деб Зоҳид билан қўшқўллаб кўришди.— Яхши, яхши. Ишни ўзимиздан бошлаганингиз яхши бўлибди. Қийналмасиз. Мана, бу ёқда биз бор. Бориб кўргандирсиз? Нима қилмоқчисиз?

— Ҳали тайин бир хулосага келганим йўқ.

— Бу кўп ўйлайдиган иш эмас. Қамоққа олиш ҳақида санкция бераверинг.

Зоҳид ўзини қувноқ тутишга уринаётган капитанга қараб ажабланди. «Намозовни қамоққа олишимга бунча қизиқиб қолди? Яна эски ҳаммом, эски тос десангчи? Ашёвий далил бор, сохта гувоҳлар бор. Мен қамоққа оламан, у ёқда ҳакамлар энг шимариб шай туришибди. Неча йилга ҳукм қилишни яхши билишади. Ресторанда машшоқларга уч сўм бериб истаган куйни чалдиргани каби пул ташлаб истаган одамни истаган муддатга қаматиш чўт бўлмай қолди. Мен адолат қиламан, десам, булар «овора бўлма, қўлингдан келмайди. Сен уч сўмлик ресторан машшоқисан», дейишмоқчимми?» Зоҳид хаёлидан шуларни ўтказиб, асабийлашди. Ҳамдамдан сигарет сўраб олиб тутатди. Бошлиқ столни ноғорадай чертиб, жавоб кутарди.

— Тўғри айтасиз,— деди Зоҳид, унга синовчан тикилиб,— қамоққа олиш керак. Аммо бу ерда эмас, шаҳар турмасида ўтира туради. Ҳалиги иккита гувоҳ ҳам уч-тўрт кун қамоқда ўтирса, анча ўзига келиб қолади.

«Ҳалиги иккита гувоҳ» деган гапни эшитиб, Мирсултонов сергакланди:

— Гувоҳларни... мажбурий даволанишга юбориш керак,— деди у Зоҳидга.

— У ёққа юбориш вақти ҳам келади. Аввал терговни тугатиб олайлик.

Бошлиқ Зоҳиддан тайинли гап ололмаслигини билиб, Ҳамдамга савол назари билан қаради.

— Гувоҳлар сохтага ўхшайди,— деди Ҳамдам бошлиғига. Кейин Зоҳидга юзланди.— Менга қара, прокурор, мижғовлик қилмай тўғриси айтиб қўя қолмайсанми,— у яна бошлиғига қаради.— Бу бола винзаводни ҳам кавлаштирмоқчига ўхшайди. Феълени биласиз-ку?

Мирсултонов яна столни чертди.

— Яхши, яхши,— деди у Зоҳидга қарамай.— Феълени биламан, бу ўжарнинг. Аввал гапирсам, инсофга чақирсам амалидан ажрашдан кўрқади, дерди. Энди амалидан кўрқадиган бошлиғи бошқа,— у бошини кўтариб Зоҳидга қаради.— Букирни гўр тўғирларкан. Сен кўзингни очиб юр. Букир бўлсанг ҳам шу ёруғ дунёда юравер. У ёққа шошилма. Сенга «Чоқсунла»ни айтиб берибмидим? — бошлиқ кулимсираган бўлди.— Бир тажанг уйғур йигит сочини устарада қирдириб яйраб келаётган экан, қаёқданам ари учиб келибдию нақ бошини чақибди. Йигит арининг изидан югурибди. Етиб, қараса, эски пахса девор ёриғида отнинг калласидай келадиган ин бормиш. У шартта чўп олиб арининг инини обдон кавлабди, ари роса тўзигандан кейин ёриққа бошини тутиб, «Чоқсунла эмди, одаш!» деган экан.

Одатда бошлиқ буни латифа оҳангида айтиб, мириқиб куларди. Бу сафар ҳазил аралаштирмай, жиддий туриб айтди.

— Сен ўша «чоқсунла»га ўхшайсан. Лекин сен арининг эмас, нақ ўлимнинг уясини кавлашни ният қилибсан. Жонинг текинга келган бўлса ҳам қадамнингни ўйлаб бос. Болачақанг борлигини эсдан чиқарма. Мени қандай тушунсанг тушунавер. Қўрқоқ дейсанми, олчоқ дейсанми—нима десанг деявер. Мен осмондаги ҳақиқатдан ердаги жонимни азизроқ биламан. Ҳар кун ҳақиқат, адолат деб жавраётганларга ҳам жон ширин. Сен уларнинг гапларига учма. У ҳақиқат деб бошимизни айлантриб, бизни кушхонага бошлайди. Узи кўнғироқли серка сингари ўтиб кетади. Пичоққа сенга ўхшаган лақмалар дуч келади.

Зоҳид собиқ бошлиғининг гапларини тоқат билан эшитди. Авваллари бирон масала хусусида гап талашгудай бўлса, бошлиқ кўрс муомала қилар, силтаб-силтаб ташларди. Ҳозирги муомаласи, синиқроқ оҳангда, насиҳат тарзида гапириши Зоҳид учун янгилик эди. Бошлиқнинг асл қиёфаси қайси — ҳозир жонли одамдай куйиб гапиришими ё аввалги темир одамдай терслигимми — Зоҳид фарқламай қолди. У собиқ бошлиғига «ҳа»

ҳам, «йўқ» ҳам демади. Қишлоққа ҳар борганида онаси ҳам шундай гапларни кўп айтарди. Ўзингни ўққа, чўққа ураверма, деб илтижо қиларди. Онаси-ку унга куйганидан айтарди. Бошлиқ-чи? Наҳот, Зоҳиднинг тақдирига у ҳам куйинса?

Зоҳид сиз билан биз каби дунёдан адолат изларди, ҳақиқат топмоқ истарди. Унинг назарида ҳақиқат қаердадир кул остида ёки бир уюм ахлат остида ётган ҳайкалу уни топиб, тозалаб, тиклаб қўйса олам гулистон бўлади. Мана шу кучли истак уни ён атрофидаги одамлардан руҳан узоқлаштиради. «Излаб овора бўлма», деганлар у учун оғиз махлуққа айланарди. Бу одамлардан фазилат излашга ҳаракат қилмаёқ қўйган. Собиқ бошлиқни ҳам шулар қаторига қўшган эди. Бошлиқнинг ҳам одам эканини, озгина бўлса-да, инсоний фазилатлардан баҳраманд эканини ўйламасди. Собиқ бошлиқ уни ёмон кўргани билан тақдирига бефарқ қараёлмас эди. Мана, ўзингиз тасаввур қилиб кўринг: сиз ҳам кимнидир ёмон кўрасиз. Ҳа, ҳа, яширмай бўйингизга олаверинг. Барчани бирдай яхши кўриш мумкин эмас. Хуллас, сиз ҳам кимнидир ёмон кўрасиз. Лекин ўша одамни ўлдириб кетишга ачинмайсизми? Ачинасиз. Ҳатто уни ёмон кўриб юргангиз учун, саломига алиқ олмай қўйганингиз учун ўзингизни лаънатлайсиз. Агарчи бу фожиадан қувонсангиз, «ўлдириб кетишгани яхши бўлибди», десангиз у ҳолда сиз одам эмассиз. Шу ўринда «одам эмассиз, ҳайвонсиз», десам кўполлигим учун ранжийсиз. Аммо бошқа бир сабаб билан «ҳайвон» дея олмайман. Буни айтсам ўша бегуноҳ жониворларни ҳақоратлаган, балчиққа булғаган бўламан.

Чекинишни бас қилиб, яна депара ички ишлар бўлимига қайтайлик. Энди сизга Зоҳиднинг туйғуси қисман маълум. Собиқ бошлиқнинг гаплари у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқмайди. Бу гапларни сўнги нафасда, жон таслим қилаётганида ҳали эслайди...

### 3

Зоҳид эрталаб идорасига кирмай Шариф Намозов билан гаплашиш учун шаҳар турмасига келди. Темир тўсиқлардан ўтиб, тергов хонасига кирди. Беш-ўн дақиқадан сўнг эшик очилиб, соқчи кўринди-да, маҳбус олиб келинганини маълум қилди. Сўнг кўлларини орқасига қилиб олган Намозов кирди. Унинг оёқларига кишан урилмаган, лекин қадам босиши занжирбанд маҳбусларникидай оғир эди. Озгин, сийрак сочлари тўзгиган бу одамнинг думалоқ кўзлари ич-ичига ботган, қарашларида эса кишининг раҳмини уйғотувчи илтижо зоҳир эди. Елкасидаги дунё юки оғирлик қилаётгандай бироз букчайган. У ерга маҳкамланган қаттиқ курсига ўтириб, бошини ҳам қилди.

Зоҳид чекмаса ҳам ёнида сигарет олиб юрарди. Маҳбусга бир неча нафас тикилиб тургач, чўнтагидан сигарет чиқариб, унга узатди.

— Чекинг.

Шариф индамай қўл узатиб, титроқ бармоқлари билан қутидан битта сигаретни ажратиб олди. Зоҳид унга гугурт узатди. Шариф аввал гугуртга, кейин Зоҳидга қаради. Сўнг сигаретни стол устига қўйди.

— Узр, чекмайман.

Чиндан ҳам Шариф чекмас эди. Ҳозир нима учун сигаретни олганини ўзи ҳам билмади. Кайфи тарқаган бўлса ҳам у ҳануз карахт эди. Турмага қандай қилиб тушиб қолганига ҳайрон, хаёл уни турли кўчаларга ҳайдарди. Берк кўчаларнинг бирига кириб, тентираб, ундан чиқарди-да, сўнг яна бошқа берк кўчага рўпара бўларди. Унинг эсида қолгани — бошқонга<sup>1</sup> шартта-шартта гапиргани, «фош қилиш қўлимдан келади!» деб катта кетгани. Бошқон «осмон қўлингда бўлса ташлаб юборавер», деди. Шариф «энди бошқон билан юз кўрмас бўлдим», деб ўтирганида, пешинга яқин хонасига кириб келди. Бошқон иши бўлса уни хонасига чақиртирарди. Шариф унинг кириб келганини кўриб «гапим жонидан ўтибди-да», деб ўйлади. Лекин бошқон, уни ҳайрон қолдириб, бир соат илгари бўлиб ўтган ноҳуш сўхбатни эсламади. Ё «сиздан ўтганини мен кечирдим, мендан ўтганини сиз кечиринг» демади. Кирдию:

— Юринг, кетдик,— деди.

— Қаёққа?— деб ажабланиди Шариф.

— Сатторниқига, бугун отасининг йигирмаси.

Шариф бир баҳона топиб, тўйга бормаса бормасди, аммо маъракалардан қолиб бўладими? Шу боис индамай туриб, бошқонга эргашди. Бошқоннинг машинасига яна идоранинг икки ходими ўтириб, тўртовлон йўлга чиқишди. Маърака бўлаётган кўчани тўпланиб турган беҳисоб машиналардан ҳам билса бўларди. Одамлар ҳам қатор тизилишиб, ичкари кириб ош еб чиқиш учун навбатда туришарди. Тўғри, уларнинг мақсади қоринни тўқлаб кетиш эмас. Ният — марҳум руҳини эслаш, ноҳадон эгаларига ҳамдардлик билдириш. Шундай бўлса-да, Шариф: з навбатда туриш малол келарди. У ўзича «қоббо», ярим соат турарканмиз-да», деб қўйиб машинадан тушди-да, одамлар қаторида туриб четга чиқмоқчи эди, бошқон «бу ёққа юраверинг», деб ҳеч қаёққа қарамай

<sup>1</sup> Директор.

тўғрига йўл олди. Саттор уларни кўрибоқ пешвоз чиқиб, қўшқўллаб сўрашди-да, уйга бошлади. Катта ҳовлидаги барча ўринлар банд. Хизматдагиларнинг қўли қўлига тегмайди. Бошқон билан келганларни алоҳида иззат билан ичкарига, уйга бошлашди. Кенг, нақшинкор уйга зиёфатлардагидай дастурхон ясатиғлик, ташқаридан эшитилиб турган тиловат овозлари демаса, зиёфатга келдик, деб ўйлаш ҳам мумкин эди. Бошқоннинг ўзи, Шарифни ҳайрон қолдириб, қироат билан қуръон тиловат қилди. Чой кирди, нон синдирилди. Шариф «энди ош кирар», деб ўйлади. Аммо яна чой кирди. Иккала чойнакни олган идора ходими бошқонга қаради:

— Оқиданми ё қизилиданми, хўжайин?

— Ҳлдиурса ҳам қизили ўлдирсин.

Шариф «маъракаларда ичиляпти», деган гапни эшитган, аммо ўзи бунга ҳали гувоҳ бўлмаганди. Унга ҳам қўйиб узатишгач, бир ижирғанди-ю, олмади. У художўй эмасди. Бошқон каби тиловат қилиш ҳам қўлидан келмас эди. Аммо бундай маросимда ичишдан ҳазар қиларди. Кўкрагида уйғонган бир ҳис нафрат уйғотар эди. Ҳозир шу нафрат билан бошқонга қаради:

— Бу ёғи ўрисча бўп кетди-ку?— деди.

— Олавиринг, гуноҳи менинг бўйнимга,— деди бошқон. Кейин қўшиб қўйди:— Ният билан олса гуноҳи йўқ. Бунинг кайфи ҳаром, ўзи ҳалол. Узумнинг сувини шу пайтгача биров ҳаром демаган. Саттор «отамнинг жойи жаннатда бўлсин», деб ният қилиб дастурхон ёзган. Кимда ким шу ниятига етмасин деса, майли, олмасин.

Шариф шу гапдан кейин ҳам ичмади. Кейин шунга ўхшаган гап яна қайтарилгач, уни ҳам шайтон йўлдан урди. Гўё унинг айби билан марҳум дўзах оловида қоврилаётгандек туюлиб, бир-икки ҳўллам ичди. Кейин эса... Сўнг бу «маърака»дан чиқиб, кимникигадир зиёфатга киришди. Гапдан гап чиқди. Бошқонга нимадир отгани эсида. Кейин... ўзини қамоқда кўриб «битта-яримтани ўлдириб қўймадимми», деб ҳам ўйлади.

Ҳозир терговчи узатган сигаретни олганида шу даҳшат исканжасида ўтирган эди. Шу талвасага банди бўлиб, сигаретга қўл узатганини ўзи ҳам сезмади.

— Мен Зоҳид Шариповман. Шаҳар прокуратурасининг терговчисиман. Айбингизни биласизми?— деди Зоҳид унга тикилиб.

— Йў-ўқ...— Шариф Намозов ўзининг овозини ўзи базўр эшитди.

— Сиз қорадорифурушликда айбланысиз. Уйингиздан катта миқдорда қорадори кукуни топилган. Портфелингиздан ҳам. Халтачаларда бармоқ изларингиз бор.

— Нима дедингиз? Қорадори... фурушлик? Менинг уйимдан... Портфелимдан...— Намозов Зоҳиддан «адашибман, гуноҳингиз бошқа» деган гапни кутиб, илинж билан тикилди.— Сиз... адашмаяпсизми? Гуноҳим бошқадир?

— Яна қандай гуноҳингиз бўлиши мумкин?

— Гуноҳимми?— Намозов дафъатан жавоб беролмай чайналди.— Масалан... бировни ургандирман... Кайфда бўлади-ку?

— Бировни урган бўлсангиз бу иш билан шаҳар прокуратураси шуғулланмас эди. Адашганимиз йўқ.

Намозов енгил тин олди. Елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Зоҳид ундаги ўзгаришни сезди. У Намозов айбномани дарров рад этади, исбот талаб қилади, деб ўйлаган эди. Индамай ўтиришига қараб, «бўйнига олдимми», деб таажжубланди.

— Нимага индамаяпсиз?

— Мен... очиғини айтсам, одам ўлдириб қўйибманми, деб қўрқувдим.

— Қорадорифурушликни енгилроқ жиноят деб ўйлаяпсизми?

— Сизнинг тилингизда енгилми ё оғирми, билмайман. Балки униси учун ҳам, буниси учун ҳам отарсизлар. Лекин мен учун одам ўлдириб отилди, деган номус ёмон.

— Қорадори ўнлаб ёш жонларни ҳалок қилади. Бунисига нима дейсиз?

— Нима дердим, бунга қорадори сотадиганлар жавоб бераверсин.

— Сиз-чи?

— Умримда қилмаганман бунақа ишни.

— Узингиз ҳам истеъмол қилмаганмисиз?

— Нимани? Қорадориними?— Намозов бош чайқади.

— Қонингиз текширилганда таркибида қорадори топилган. Сиз фақат ароқдан эмас, қорадоридан ҳам маст эдингиз.

— Ёлғон.

— Сизга судмедэкспертиза хулосасини кўрсатамиз. Ҳозир эса... билагингизга қаранг.


Намозов шошилиб пинжагини ечди-да, енгини шимариб билагига қаради. Йўғон томир устида билинар билинмас игна изини кўриб, Зоҳидга даҳшат назари билан қаради. Унинг юмалоқ кўзлари янада катталашгандай бўлди.

— Тамом!— деди у титроқ овозда.

— Нима тамом?— деди Зоҳид тушунмаган одамдай.

Намозов бошини эгиб, худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай деди:

— Мен ажал билан ўйнашган эканман...— у бошини кўтариб Зоҳидга қаради.— Менинг бўларим бўпти. Бола-чақам омонми, фақат тўғрисини айтинг.



— Хотинингизни кўрдим. Болаларингизни...

— Болаларим оймникида эди.

— Сиз кимдан кўрқяпсиз?

— Кимдан кўрқяпсиз? Мен кўрқмайман. Кўрққанимда бу ерда ўтирмас эдим...

Зоҳид қалин дафтар очиб, таомилга кўра Намозовни сўроқ қила бошлади. Исм-шарифини, туғилган йили, куни...ни сўради. Намозов саволларга қисқа, совуқ оҳангда жавоб берар эди.

— Қорадорини сизга ким етказиб берар эди?— деб сўради Зоҳид асосий мақсадга кўчиб.

— Танимайман,— деди Намозов гап оҳангини ўзгартирмай. У қамоққа кимнинг истаги билан келиб қолганини англаган, пухта ўйланган тузоққа тушганини фаҳмлаган эди. Тузоқдан қандай қутулишни билмас эди. Терговчи ҳам балки уларнинг одамидир, деган ўй уни ночор аҳволга солиб қўйган, на очиқ гаплашишни, на ўзини гўлликка солишни биларди. Қисқа муддат ичида танланиши мумкин бўлган ягона йўл — «билмайман» деб туриш. Зоҳид унинг тутган йўлини кўра билди. Шунинг учун арқонни узун ташлаб, сўроқни давом эттирди:

— Мижозларингизни айтинг?

— Танимайман.

— Қанчадан олиб, қанчадан пуллардингиз?

— Килосиними?

— Айтайлик, килосини?

Намозов ўйланди. Узича чамалади.

— Минг сўмдан олиб, бир ярим мингдан сотардим.

— Демак, килосидан беш юздан қоларкан-да?

— Ҳа, шунақа.

— Кўпдан бери сотармидингиз?

— Кўпдан... уч-тўрт йил бўлди.

— Пулни нима қилардингиз?

— Пулними? Еб-ичиб...

— Мени лақиллатмоқчимисиз?

— Саволларингизга тўғри жавоб беряпман-ку?

— Қорадорининг килоси минг сўм эканми? Қайси аҳмоқ ишонади бу гапга? Сиз илмдан бошқа нарсаларга ҳам ҳеч аралашганмисиз?

Намозов «илм» деган сўзни эшитиб, худди «дафтарим уйда қолибди», деб ёлғон гапириб қўйиб уялган боладек бошини эгди.

— Ёлғонни эплаган одам гапириши керак,— деди Зоҳид, аччиқланиб.

«Тўғри,— деб ўйлади Намозов,— бунга ҳам истеъдод лозим. Мен ҳатто оддий ёлғонни ҳам эплай олмайман. Ёлғондан қуллуқ қилсам, ёлғондан жилмайиб қўйсам... аллақачон академик бўлиб кетармидим... Насиба «бунчаям ношудсиз-а», деб тўғри айтади...»

— Менга тўғри гапни айтинг. Мен қорадорифурушлигингизга ишонмайман. Агар «йўқ, чиндан ҳам қорадори сотардим», десангиз, қани, мени ишонтиринг-чи?

Шариф қотмадан келган, қорача бу йигитга ажабланиб қараб, базўр кулимсиради.

— Ишонтиринг, дейсизми? Мен жиноятчи эканимга сизни ишонтиришим керакми? Қизиқ-ку?

— Ҳа, қизиқ. Аслида мен сизни ишонтириб, айбингизни бўйнингизга қўйиб, қама-тишим керак.

— Айблайверинг. Мен тонмайман. Бошга тушганини кўз кўрар экан. Бир-икки йил ўтади-қетади. У дунёдан ҳали ҳеч ким қайтмаган. Қамоқдан эса эсон-омон қутулиб чиқиш мумкин.

— Бир-икки йил денг?..— Зоҳид ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, маҳбуснинг қаршисида тўхтади. Намозов «урмоқчимиз?» деган хавотир билан қараб, турмоқчи бўлди. Зоҳид уни елкасига қўлини қўйиб, «жилманг» деган ишора қилди.— Бир-икки йил эмас, сайру саяҳат узоқроқ давом этса керак.

— Ўн йил бўлмайдимми, менга деса.

Зоҳид аччиқланиб, маҳбусни икки елкасидан маҳкам ушлаб бир-икки силтади. — Сиз мен билан олди-сотти қилманг. Бўладиган гапни айтинг: кимдан кўрқяпсиз?

Шариф унинг кўзига қараб олди. Яқиндагина мулойим боқиб турган, ишонч уйғотиши мумкин бўлган нигоҳда жаҳл учқунларини кўриб, «Энди дўппослайди», деб ўйлади. Бошини эгиб, гарданига мушт тушишини кутди. Ҳатто гардани тошдай қотиб, зириллай бошлади. Мушт тушса оғриқ тарқаб енгил тортадигандай туюлиб, «урса урақолмай-дими» деб ўйлади. Кейин «калтакдан одам ўлмайди. Одам қаторига кириб калтак есам ебман-да. Бола бўлиб биров билан мушшлашмабман, бировдан тузукроқ калтак емабман. Ана энди, донғим чет элга чиқиб турганида бир бефаросат саваласа. Лиссабонда ҳозир менинг таърифимни келтириб мақташаётгандир. Бу ерда калтак еяётганимни тасаввур ҳам қилишмаса керак...»

Шариф кутгандай мушт тушмади. Зоҳид уни қўйиб юбориб, жойига қайтди.



— Сиз олим одам экансиз. Агар заводда оддий хизматчи ёки оддий ишчи бўлсангиз, нимадан қўраётганингизга тушуниб етардим. Бирга ўғирлик қилган шерикларидан чўчияпти, дердим. Ҳозир жойингизга қайтиб, ўйланг.

Эшик очилиб, соқчи кирди. Маҳбус томон икки қадам қўйди.

— Тур,— деди сувуқ оҳангда. Шариф турди.— Қўлингни орқага қил.

Шариф итоат этиб, буйруқни бажарди.

«Жойингизга бориб, ўйланг» эмиш,— деб фикр қилди у, қамоқхонанинг узун даҳлизидан борар экан.— Энди бу ер менинг жойим бўлиб қолдими? Менинг жойим... Емон эмас. Лаҳадга нисбатан шу ер тузук. Болаларим омон бўлса бас. «Катта миқдорда қорадори топилди», дейди. Катта миқдори қанча? Ун минг сўмликми? Ё кўпроқми? Шунча қорадорини уйимга ташлаб қўйган бўлса, бу терговчиларига ҳам сарф-харажат қилишгандир? Агар бу болага ҳам беш-ўн минг сўм берилган бўлса, умумий ҳисобда... нарҳим чакки эмас экан-да? Ун беш, йигирма минг сўмлик одам эканман-да! Баъзи бировларни сариқ чақага ҳам олишмайди. Менга шунча пул сарфлашибди. Бойваччалар бировни қамоқдан чиқариш учун пул сочишарди. Менга келганда қамоққа тиқиш учун сарфлашди. Ун беш, йигирма минг уларга пулми? Бир кунда чиқариб олишади. Мен уларга ёқмай қолган эканман, шунча овора бўлиб, найранг ишлатиб, пул кетказиб юрмай, шартта ўлдириб юбора қолишса яхши эмасмиди?

Ё ўлдириш қимматроқ тушармиди? Бе, уч-тўрт юз сўм билан тинчитишарди. Битта алкашни ёки гиёҳвандни ишга солишса тамом-да. Лекин қон тўккилари келмабди. Нимага? Инсоф қилишдимми? Инсофни қаёқдан олишди? Ё кўрқишдимми? Келиб-келиб мендан кўрқишадими? Ё менинг бурнимни ерга ишқаб, мулла қилишмоқчи бўлишдимми? «Мулла» бўлган тақдиримда улар нима наф кўришади? Барибир энди ўша заводга қайтиб бормайман-ку?»

— Тўхта, деворга юзланиб тур.

То шу буйруқ янграгунча, камера эшиги тарақлаб очилгунча мана шу хаёллар Шарифга ҳамроҳ бўлди.

#### 4

Зоҳид маҳбус чиқиб кетганидан кейин ҳам бир неча фурсат ўрнидан қўзғалмади. Прокуратура терговчиси билан жинойат қидирув инспекторининг ишида катта фарқ борлигини мана шу биринчи қадамадаёқ аниқ ҳис қилди. Унинг назарида прокуратурадаги иш осонроқ туюларди. Прокуратура ходимлари унинг кўзига лоқайд тўралар сифатида кўринарди. Унинг аввалги иши жинойат ишга тушиш, жинойатчини ушлашдан иборат эди. Қолганини жинойатнинг катта-кичигига қараб ё шаҳар, ё депара прокуратура-расига ўтказиларди. Терговчилар савол-жавоб қилиб ишни судга оширишарди. Энди эса собиқ ҳамкасби — жинойат қидирув инспектори ушлаб берган жинойатчининг тақдирини унинг қўлида. Биринчи жинойатчи — олим. Яқиндагина олимлик шоҳсупаси томон дадил бораётган, акаси ўлиmidан сўнг шартта бурилиб, бошқа йўлга ўтган, дам-бадам олимлик кўчаларида хаёлан сарсари кезувчи йигит янги ишда илм одамига йўлиқиб турса! Тақдир уни синамоқчими?

Зоҳид юраги сиқилиб, дафтарга формулаларни беихтиёр ёза бошлади. Унинг одати шу — юраги сиқилса, калаванинг учини йўқотиб, гаранг бўлса, беихтиёр равишда формулалар ёзиб, ечиб чиқара бошларди. Ёд бўлиб кетган Эйнштейн назариялари ёки ҳисоб оламининг ечими мушкул рақамлари дафтар саҳифаларини тўлдирарди.

У ҳуқуқ соҳасига буюк умид билан ўтган эди. Адолат тикламоқни истаб эди. Бир дехқоннинг боласига ҳаётда нима керак? Кунда бир коса овқатга қорни тўйган, овқат бўлмаган тақдирда нон-чойга қаноат қилган, эғнидаги кийимининг еңги то тирсагига келиб, калта бўлиб қолгунча янғисини кўрмай ўсган бола подшолик тахтини талаб қилармиди? Отасининг ёнида кетмонига сиғиниб яшаган, раис бува марҳамат этган дамда мактабда ўқиб, бошқа пайт далада кесак ялаган бола дунёга танилувчи олим бўлиш орзусида юрармиди? Қарангки, шундай бўлиши мумкин экан. Акаси шаҳардаги олий ўқишга кирганида Зоҳид тўққизинчи синфда эди. Бир томондан акасига ҳавас қилиб, яна бир томондан риёзиёт муаллими қизиқтириб ўқишлари бир мунча яхшиланиб, оқбатда олтин нишонга даъвогар бўлиб қолди. Дунёнинг ажабтовурлигини қарангки, сувчининг ўғли шундай эътиборга, яъни, даъвогарликка лойиқ экан. Аммо паловнинг масаллиги билан шавла пишириш мумкин бўлганидек, аълочи бола олтин нишон олавермайди. Паловни дамлаётганда бир пиёла сувни меъёридан кўпроқ қўйиб юборсангиз қўлбола шавла ейсиз, ўқув давомида мингта «беш» олиб, биттагина «тўрт»га илинсангиз, олтин нишонга тушингизда кўриб, аълочи бола сифатида мактабдан учирма бўласиз. Албатта, билим берган муаллимларингизга мингдан-минг раҳматлар айтишни унутмайсиз.

Сизни билмайман-у, аммо Зоҳиднинг бошига шундай савдо тушган. Пешонасига «жамиятшунослик» деган фандан битта «тўрт» олиш ёзилган экан, нима қилсин бечора. Риёзиёт муаллими бир ёндан, акаси бир ёндан тарғиб қилиб, уни Масковдаги олий ўқишга боришга кўндиришди. Шу муносабат билан отаси битта сигирни сотадиган бўлди.

«Иккита сигирни боқиш азобидан қутуламан. Бир оилага битта сигир етади-да, кузга бориб тўғиб берса, яна иккита-да...» деди отаси. Отаси хўп аломат одам-да. Худо уни яратишга яратиб, сўнг унутиб қўйганми, ҳарҳолда шундайгина яралганича қолаверган — устамонлик, ҳийла, макр, ёлғон деган неъматлардан бебаҳра юраверган. Йўқса, битта сигирнинг пули билан ўғлим катта ўқишга кириб, катта одам бўлиб кетади, деб ўйлармиди. Телевизорни дастлаб кўрган маҳалда ғунча лабли қизга кўз қисиб, имлаб қўйиб бир ҳафта ўзича хурсанд бўлиб юрган одамнинг ўғли вояга етиб Масковдай жойда ўқир экан, сигирдан воз кечиши нима экан?..

Ҳам тижорат, ҳам саёҳат деганларидай, риёзиёт муаллими ҳам борган эди Масковга. Ёзма имтиҳондан «уч» олгач, тарвузлари қўлтиқларидан тушди. Зоҳид масалани ёд қилиб олган эди, муаллимига ёзиб кўрсатди — тўғри чиқди. Муаллим имтиҳон олувчилар билан баҳслашди. Фойда бермади. Оғзаки имтиҳонни «тўрт» баҳога топшириб, рус тилидан «икки» олдию «сигирнинг жони шуларга худойи бўлди-да», деб қайтишди. Улар «Тошкент ўқишхоналарида поражўрлик кучли, Масковда инсоф бор», деган умидни, ўини ўша ёқнинг ўзига кўмиб келаверишди. Зоҳид кетмонни елкасига ташлаб, отаси билан далага чикди.

Колхозда ўн беш кун озодлик эълон қилиниб, кунига тўрт-бештадан тўй ўтаётган кунларда қишлоққа талакал бир ўрис жингалак сочлари оқариб кетган бир ўзбек билан бирга келиб, Зоҳидни суриштирди. Зоҳид уни таниди: Масковда оғзаки имтиҳонни шу одамга топширган эди. Унинг муаллим эканини биларди, бироқ, риёзиёт бўйича етук мутахассис эканидан беҳабар эди. Жингалак сочлари оқарган ўзбекни эса Зоҳид танимади.

— Ёзма имтиҳондаги масалани мен тузган эдим. Унинг иккита ечими бор эди. Сен ечимнинг учинчи йўлини топган экансан. Кейин фикрласам, сен топган йўл маъқулроқ экан. Сен келгуси йили Москвага албатта боришинг керак. Мана, Ҳабиб Сатторович сендан хабар олиб турадилар. Бу киши менинг шоғирдим. Сен менга кенжа шоғирд бўласан.

Зоҳид бундан беҳад хурсанд эди. Гўё олий билимгоҳни битириб келгандай қувонганди. Бироқ, муаллими тушмагур ишни бузди.

— Зоҳид энди Масковга бормайди, ўртоқ профессор. Билимгоҳингизда Ўзбекистон учун нечта ўрин ажратилган?— деб сўради.— Биттами? Бу йил ким кирди? Сизга ёлғон, менга чин — министрнинг ўғли кирди. Карра жадвални биладими ё йўқми, менга қоронғи. Лекин у имтиҳонларни «беш»га топширди. Сиз тузган масалани ҳам зўр қилиб ечиб бергандир. Ўзбекистонда министр деганлари кўп, уларнинг болалари кўп. Ҳар йили биттадан сигир сотишга бизнинг қурбимиз етмайди. Камбағалнинг боласи қадимда ҳам ўқиёлмаган, ҳозир ҳам ўқиёлмайди. Катта олимлар, катта одамлар таржимаи ҳолида камбағалдан чиққанман, етимхонада ўсганман, деб ёзишади. Бари ёлғон! Ҳаммаси бойнинг болалари. Ҳаммаси отасининг олтинлари туфайли ўқиб одам бўлган!

Муаллимнинг бу гаплари Зоҳиднинг отасига маъқул келиб, «ўғлим Масковда ўқисин» деган умидидан воз кечди.

Кетмонини тинчгина чопиб юрганида, келгуси ёз бошларида Ҳабиб Сатторович деган одам яна келиб, эски гапни қўзғади. Узоқ давом этган музокаралардан сўнг томонлар сулҳга келишдилар — Зоҳид Масковда эмас, Тошкентда ўқишга рози бўлди. «Майли, олий маълумотни Тошкентда олсин, бироқ, аспирантурани албатта Москвада ўқийди» деди Ҳабиб Сатторович. Ўқишнинг иккинчи йилиёқ, Зоҳид олимлар назарига тушди. Унинг имкониятлари, келажаги ҳақида умидли гаплар бошланганди. Бироқ, акасининг ўлими, терговчилар, ҳакамларнинг номардлиги барча имконияту умидни парчалаб ташлади. Зоҳиднинг елкасига бир шайтон миниб олиб «бу ўқишни ташлайсан, ҳуқуқ илмини оласан, бу аблаҳларга қарши курашасан, адолатни тиклайсан, бечораларга суянчиқ бўласан», деб минғирлайверди. Зоҳид бу гапларга кўнди. Тўнғич ўғли дардида қадди букилган отага ҳам шу фикр маъқул келди.

Мана, орадан йиллар ўтиб, риёзиётчилар умид билан қараган йигит шаҳар турмасининг сўроқхонасида ёлғиз ўтириб, рақамларга рақамлар улаяпти: қўшув, бўлув, олув, сўнг илдиз остидаги рақамлар... Буларни ечиш унга чўт эмас. Аммо адолат формуласига тиши ўтмаяпти. Не-не алломаю донишмандлар еча олмаган масалага унинг қурби етармикин?

### III БОБ

1

Шаҳар марказидаги эътиборли идоранинг ертўласида видеобар очишди. Ертўлага иморатнинг биқинидан тушилади. У очилмасидан илгари ертўлада идоранинг эски-тускилари сақланарди. Икки йил муқаддам идора ертўлани таъмирлаш учун катта миқдорда маблағ ажратди. Айрим маҳкамалар эшикларини бўятиш учун пул тополмай сарсон юрганида бу идорага икки юз минг сўм ажратилиши ҳуқуматнинг хотамтойлиғими ёинки идоранинг эркалиғими, билиб бўлмади. Қайта қуриш деган нарса билан боғлиқ воқеалар шунчалар шиддатли эдики, «халқ аранг тирикчилик қилаётганида ертўлани таъмирлашга бало борми» дейдиган одам топилмади. Зимдан қараганда халқ ғами-

ни чекиб юрүвчи бу идора ходимлари ҳам гүё оёқлари остида нималар содир бўлаётганидан беҳабар эдилар. Ертўла таъмир этилиб, Асадбек ихтиёрига ўтгач ҳам «халқ фидойилари»да ажабланиш уйғотмади. Улар оламшумул ишлар билан — халққа озодлик бериш ўйи билан банд эдилар. Оёқлари остида нималар бўлаётгани эса уларни қизиқтирмасди.

Асадбекнинг қароргоҳи учун жой лозим экан, тузукроқ иморатга қаҳат келибдими? Айниқса идоралар сони қисқараётган дамда бирон иморатни ижарага олишдан осонроқ иш йўқ. Шаҳар ижрокўмининг раҳбарларидан бири бу юмуш билан шахсан шуғулланиб, Асадбекнинг янги идораси учун кўп жойларни тавсия этди. Асадбек барча қулайликларга эга иморатлардан воз кечиб, шу ертўлани танлади. Ертўлага иморат ичидан йўл бор эди. Асадбек ихтиёри билан иморат биқини кавланиб, зинапоя қилинди, қалин пойдевор тешилиб, эшик очилди. Ертўлага икки томондан кириб-чиқиш имкони туғилди — шуниси беҳавотирроқ-да. Давлат ажратган икки юз минг сўм билан бир ишнинг уддасидан чиқиш мушкул. Асадбекнинг беш юз минг сўми хароб ертўлани ўн икки хоналик шинам саройчага айлантирди. Унинг бир хонаси видеобар, қолганлари иш юритишга, ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган эди. Маишатхона, ҳатто ҳаммом ҳам назардан четда қолмади.

Юқорида халқпарварлар мажлисдан бўшамай томоқ йиртишади. Пастда эса Асадбек ўз ишини юритади. Ҳамманинг назари юқорида. Паст билан бировнинг иши йўқ. Видеобарда чой, қаҳва, шарбатдан бўлак ичимлик йўқ. Очилганидан бери бирон марта ҳам хориж фильмини кўрсатмади. Бисотида уч-тўрт мультфильм, эски ҳинд фильмлари, Шералининг, Фуломнинг концертлари... Бу ерга кунда бешта одам кирса киради, бўл-маса йўқ. Булар — кундузнинг манзараси.

Тунда видеобар ўзгача манзара касб этади. Соат ўн бирларга яқин иморат олдида иккита милиционер пайдо бўлади. Сўнг оппоқ «Волга»лар бир дақиқага тўхтаб ўтишади. Ундан тушган сипо одамлар атрофга аланглаб олиб, ертўлага шўнғишади. Мажлис-лардан ҳориган халқпарварларнинг етакчилари кўча томондан эмас, ичкаридаги зинадан тушиб борадилар. Тун ҳукми заптига олганида оқ «Волга»лар яна бирин-сирин пайдо бўладию эгаларини олиб жўнайди. Шундан кейин милиционерлар ҳам ғойиб бўлишади. Тонгга яқин усти берк юк машинаси идора орқасидаги дарвозадан ҳовлига киради. Бўш шишаларни ортиб жўнайди. Унинг изидан «РАФ» келиб тўхтади. Бири биридан ширин қизлар машинага илдам чиқиб ўтиришади. Соатга қараган киши юк машинасининг уч, «РАФ»нинг бир дақиқада иш битириб жўнаганига гувоҳ бўлади.

Идорада қоровуллик қилувчи ёш, чапдест йигитлар барча ишни вақтида, аниқ бажарилишини таъминлайдилар. Қайта қуриш шарофати билан барча идоралардаги кекса ходимлар ўрнини иқтидорли ёшлар эгаллаганидек, пенсия пули тирикчилигига етмай, шу қоровуллик маошига кўз тикувчи қариялар тантана билан кузатилиб, улар ўрнига беҳосдан тоғни уриб юбориб талқон қилиб юбормасликлари учун камтаринроқ ишни истаган йигитларни олишди. Бу йигитлар идорага кирувчи ҳар бир кимсага салом бергучи, бағоят одобли ҳам эдилар.

Асадбек ҳар уч йилда қароргоҳини ўзгартирарди. Дастлаб гуруҳбоши бўлиб иш бошлаганида Эски Жўвадаги пасткам уйни ижарага олган эди. Вассажуфт, қорасувоқ уйда туни билан ароқ ичиб, чекиб чиқиларди. Лекин эртасига бу уйга кирган одамнинг димоғига қўланса ҳид урилмасди. Шунинг учун ҳам Асадбек ўша дастлабки қароргоҳини кўпроқ ёқтирарди. Орадан йиллар ўтиб, қароргоҳларини кўп ўзгартирди. Мана бу янги хон саройидек безалди. Лекин кўнгил қурғур барибир ўша қорасувоқ уйни қўмсаб қолади.

## 2

Янги йил кутиш баҳонасида тунни бедор ўтказган шаҳар тонгги кўзда уйқу билан кутиб олди. Кимдир туни билан телевизор кўриб, кимдир улфатлари билан тўйиб ичиб, кимдир жононлар билан тўйиб маишат қилиб, энди ҳордиқ чиқарар эди. Бундай байрамлар Асадбекнинг одамлари учун ҳаром, у байрам кунлари яйрашни, маишат қилишни қатъиян таъқиқлайди. Унинг назарида айнан шундай кунда қопқонга тушиб қолиш мумкин. Одамлари бунга кўникиб қолган. Асадбек вазият ва имкониятга қараб эълон қилган байрам кунлари яйраб олишади.

Янги йилнинг биринчи куни шаҳар уйқудан турмай, видеобар эшикларини очди. Бошқа кунлардан фарқли ўлароқ, бу тун видеобар ишламади. Оқ «Волга»лар ҳам тўхтаб ўтмади.

Видеобар оғаси, чақчайган кўзларидан бирон бир маъно ўқиш мушкул бўлган, қалин мўйлови туртиб чиққан тумшугига ҳусн бериш ўрнига баттар хунуклаштирган барзанги йигит хорижнинг қизил духоба қопланган юмшоқ курсисига ястаниб олган эди. У гўё телевизордаги мультфильмни тамоша қилар, хаёли эса ён курсида ўтирган, башанг кийинган, кўзларида саросима сузаётган одамда — вино заводи бошқони Қилич Сулаймоновда эди.

Бошқон саҳар чоғи видеобар эшиги очилиши билан пайдо бўлди. Видеобар оғаси

ҳам, пештахтани артаётган хушбичим қиз ҳам унга «нима учун келдингиз?» демади. Ун саккизини қоралаган хушбичим қиз вазифасини аниқ билади: чой, қаҳва қайнатил, келган-кетганларга эътибор бермаслик, видеобар эгаси имо қилган одамга қараб ширин жилмайиб қўйиш. Видеобар оғаси ҳам вазифасини аниқ билади: салом-аликни жойига қўйиш, келган одамларнинг, танишми ё нотанишми барибир, ҳаракатини синчиклаб кузатиш, ортиқча гаплашмаслик, савол бермаслик. Ана шу вазифасига амал қилгани учун ҳам, Қиличчи яхши таниса-да, салом-аликдан нарига ўтмади. Сўфи таҳорат қилишга улгурмай бу одам етиб келибдим, демак, сабаби бор. Демак, аъёнлар, сўнг хўжайин ҳам келадилар. У ичкарини тайёрлаб қўйган. Бундан кўнгли тўқ. Видеобар янги йил кечасида ташқаридан зулфинлангандай кўринса-да, ичкарида ҳаракат тўхтамаган эди. Тўртта телефон қўйилган хонадаги икки қиз, пештахта ортидаги хушбичим қиз гўё ҳуру филмон сингари видеобар эгасига бир кечалик жаннатни беришган, базм қуришган эди. Тонгга яқин базм энг ширин ерида барҳам топган, хоналар саришта қилиб қўйилган эди. Базм иси хўжайин димоғига етиб борса, қай кунларга тушишларини билишса-да, бу тун шайтон йўриғидан чиқишолмаганди. Уларга биров келиб «бу гуноҳингиз яратганга маъқулмас, энди жазолайди», деса «тавба қиламиз, худо кечиради», дейишлари мумкин. Аммо «Асадбек бу ишингиздан хабар топди» деса, юраклари ёрилиб ўлишлари ҳеч гап эмас. Чунки Асадбекнинг кечирмаслигини барчалари билишади. Била туриб ўзларини тийишолмади. Нима қилишин, тирик жон...

Қилич иккинчи пиёладаги чойни ичиб улгурмай эшик очилиб, жуссаси кичик, эти устихонига ёпишган, қалдирғоч мўйлаби ўзига ярашган одам кўринди. Бу одамни яхшилаб таниб олинг: Ҳайдар Асроров, лақаби Кесак полвон. Асадбекнинг ўнг қўл аъёни. Озғин, чайир бўлгани учун Кесак полвон, деб аташгандир, десангиз янглишасиз. Ҳар бир жамоанинг ички тартиби, расм-русуми бўлганидек, бу оламнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидаси бор. Шулардан бири — бу одамга қадам қўйган ҳар бир тирик жонга лақаб берилади. Лақаб осмондан олинмайди, балки хатти-ҳаракати, феълига қараб топилади. Жуссасига қараб танланганида Ҳайдар Кесак эмас, Тошполвон ёки Темир полвон бўлиши керак. Унинг панжаларини Худо суякдан эмас, темирдан яратган. Гарчи сигир йилида туғилган бўлса-да, Асадбек ҳазиллашиб бунинг мучали мушук, дейди. Бунга сабаб, ёшлик чоғларида, ҳали «каратэ», «у-шу» деган гаплар йўқ пайтида Кесак полвон мушталашудай бўлса мушукдай сапчиб, уч-тўрт давангирга бас кела оларди. Кесак полвон анчадан бери ўзи мушталашмайди. Ёнида биргина имосига маҳтал бўлиб турган ўзи сингари чайир йигитлари бор.

Кесакполвон хонага кириб Қилич билан сўрашиб олгунича бир-икки дақиқа вақт ўтади. Салом-алик чоғида эътиборга молик гап-сўз бўлмагани учун, вақтдан фойдаланиб Ҳайдарга Кесак полвон лақаби берилишининг тарихини баён қилади:

Бу воқеа эллик саккизинчи йилда бўлиб ўтган эди. Ҳайдар Асадбек билан янги танишган кунлар. Эрталаб кўпроқ темир йўл бекати атрофида «ов» қилар эди. Поезддан тушган одамларни зимдан кузатиб, пули бор, деб гумон қилинганларининг изидан тушарди. Бир куни Ҳайдар Намангандан келган икки одамни мўлжалга олди. Яктаги устидан қўшбелбоғ боғлаган ўрта яшар киши унинг эътиборини тортиди. Иккала одамнинг қўлида арзирли юк йўқ, белбоғ эса дўмпайиб турибди. Демак булар бозорга мевачева олиб келувчи деҳқонлардан эмас. Пулни белбоққа боғлаб тўй-пўй ташвиши билан шаҳарга тушишган. Ҳайдар бунақа одамларнинг феълени билади. Пулни ё маҳси кўнжига ё белбоққа яширишади. Кўпчилик белбоғни маъқул кўради: пул белга дармон, дейишса керак-да. Ҳайдарнинг «мижоз»лари, аксига олгандай, трамвайга чиқишмади. У ёққа тентираб, бу ёққа галдираб изғигунларича бекат майдонидан одамлар тарқаб, уч вагонли трамвайлар бемалол бўлиб қолди. Энди ишни трамвайда эплаштиришнинг ҳеч иложи йўқ эди. Ҳайдар уларнинг изига тушиб, Олой бозорига қадар борди. Лозим бўлганида ҳимоси қилиш мақсадида Асадбек унга соядек эргашди. Чўнтак, белбоғ кесишга Ҳайдардан ўтадигани йўқ эди. Хуллас, белбоғ кесилди. Кесишга кесдию оғирлигидан ҳайрон бўлди. Панароққа ўтиб қарасаки, белбоғда сариқ чақа ҳам йўқ — беш олтига кесак ҳафсала билан териб қўйилган. Ҳайдар «бу қишлоқи кўзни шамғалат қилмоқчи экан», деб ўйлади. Аслида шаҳарни бир томоша қилиб келай, деб йўлга отланган бу деҳқон «таҳоратга кесак топиладими йўқми» деб ҳар эҳтимолга қарши белбоғига тугиб олган эди. Ушанда аламдан бўзариб турган Ҳайдарга қараб туриб Асадбек роса кулди. Лақаб ҳам ўшанда туғилди. Икки ошна бу воқеани тез-тез эслаб, мириқиб кулишади.

Кесакполвон Қилич билан омонлаша туриб, пештахта ортидаги хушбичим қизга қараб олди. Қиз унга ширин жилмайди. Видеобар эгаси бу қарашнинг маъносини дарров илғади.

— Окахон, гап йўқ, шкалад егандай бўласиз,— деди қўлини кўксига қўйиб.

Ҳайдар ичкари кириб кетгач, худди келишиб олингандай Эҳсонов пайдо бўлди. «Чувринди» деган лақаб барваста, юзлари ҳамиша қип-қизил, овози темир жарангидай бу одамга унча мос келмайди. Ешлигида олган бу лақабига кўникиб кетган. Асадбек билан Ҳайдар Андижондан келган ўн уч эшли чувринди бу болани олтишинчи йилда

қанотларига олиб янглишмаган эдилар. Камгап, сермулоҳаза, урушганда эса отасини ҳам танимайдиган беаёв эди бу Чувринди.

Ҳайдар бирон бир масала хусусида фикр юритилганда тез, аммо саёзроқ хулоса чиқарарди. Маҳмуд эса аксинча эди. Асадбек шунинг учун ҳам кўпроқ Маҳмудга суянарди.

Аъёнлар ичкарига кириб кетишгач, орадан ярим соат ўтиб, телефон жиринглади. Қиз гўшакни қулоғига тутиб, видеобар оғасига кўз тикди.

— Хўжайин келмас эканлар. Бегавотга кетибдилар,— деди айбдор одамнинг овози билан.

Бу гапни эшитган Қилич «кетаверсаммикин?» дегандай видеобар оғасига қаради. Йигит қизнинг хабарига ҳам, Қиличнинг савол-назарига ҳам эътибор бермади. Чунки бу хабарнинг сирини хушбичим қизга ва Қиличга номаълум, видеобар оғасига эса ойдайдир равшан эди. «Хўжайин келолмайдилар» деб қўнғироқ қилиндими, демак, Асадбек ярим соатлардан кейин пайдо бўлади. Ҳозир ичкари хонага ўрнатилган тўртала телефон ҳам жиринглаб шундай хабар эшитилган. Асадбек, кўнгли нотинч маҳалларда ана шундай найранг ишлатиб турарди. Биронтаси изимга тушса, пойлаб турган бўлса чалғийди, деб шу усулни қўллаиди. Бу найранг фақат энг ишончли одамларгагина маълум. Асадбекнинг белгиланган жойга, белгиланган соатда келмаслиги, ё ярим соат аввал, ё кейин пайдо бўлиши ҳам унга аён.

Видеобар оғаси бепарво бўлгани учун Қилич ҳам ноилож мультфильмга тикилиб ўтираверди. Ярим соатда юраги сиқилиб, жон ҳалқумига келди. Охири чидай олмади: — Мен кетаверайми?— деб сўради.

— Окахон, ўтирибмиза-де чақчақлаши-иб... Чойдан олинг. Бугун оддих<sup>1</sup> бўлса, шошиб қаёққаям борасиз. Ҳозир Шерни қўйиб бераман. Бир мазза қилинг,— у шундай деб хушбичим қизга қаради. Телеэкран пирпираб ўчди. Дам ўтмай пирпираб ёришиб, торини қўлтиқлаб олиб қўшиқ айтаётган Шерали кўринди. Шерали учинчи ашулани айтаётганда Асадбек келди. Саломга алик олдию ҳол-аҳвол сўрашмасдан, индамай ўтиб кетди. Видеобар эгаси Қиличга «Окахон, аҳволингиз чатоқ, хўжайиннинг феъли айниган», дегандай қараб қўйди. Қилич бефаҳм одамлардан эмас, Асадбекнинг ранги-рўйига қараб, аҳволи ёмонлигини ўзи ҳам билди.

Асадбек кенг хонага кириб аъёнлари билан саломлашгач, ўртада туриб атрофга синчиклаб қаради. У ичмас ҳам, чекмас ҳам эди. Шунданми, димоғи ҳар қандай исни илғаб, ажрата оларди. Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам ярим соатдан мўлроқ вақт шу хонада ўтириб ҳеч нимани сезишмаган эди. Асадбек хонани кўздан кечиргач:

— Бўтқа!— деб бақирди.

Бўтқа — видеобар эгаси Кенжанинг лақаби. У Асадбек кириб кетгач, жойига бориб ўтирмай, эшик оғзида турган эди. Хўжайиннинг қаҳрли овозини эшитгач, шошилиб кирди.

— Лаббай, окахон,— деди қўл қовуштириб.

Асадбек ҳеч нарса демай тескари шапалоқ тортиб юборди. Оғиз-бурни аралаш тушган кутилмаган зарбдан Бўтқа мувозанатини йўқотиб йиқилай деди. Бир уришда одамнинг жонини суғуриб оладиган бу йигит гавдасини ростлаб, «хўжайин, яна уринг, мазза қилдим» дегандай қўл қовуштириб, бошини эгди.

— Шу ерни ҳам ҳаром қилдингми, ҳайвон!— деди Асадбек унга қарамай. Бўтқа хўжайин тикилиб турган нуқтага қараб, жони чиқиб кетгудай бўлди. Кечаси маншат қилиб, хонама-хона изғишганда гангиб бу хонага ҳам кирган, чордона қуриб ўтириб, яланғоч қизларни ўйнатган эди. Хонага кирганида қўлида пиёла бор эди. Коньякни ичиб бўшаган пиёлани стол тагига қўйганича унутган экан. Хўжайин кира солиб, шуни ҳам кўрибди. Бўтқа шошилиб пиёлани олди-да, чиқиб кетди.

Асадбек ўз ўрнига ўтмай диванга, Чувриндининг ёнига ўтирди.

— Буларни бичиб қўйишим қолди,— деди ўзига ўзи гапиргандай.

Ҳайдар ҳам, Маҳмуд ҳам Асадбекнинг қизи топилганини, уйга қай ҳолда кириб келганини биларди. Лекин «қизингиз топилди, энди нима қиламиз», деб сўрашмади. Узоқ йиллар бирга бўлиб, Асадбекнинг кўзига қарабоқ ниятини фаҳмлаб олувчи бу аъёнлар шу вақт мобайнида сабрга ҳам ўрганган эдилар. Улар Асадбекдан олдин гап бошламасдилар.

— Анави тўнкани нима қиламиз?— деди Асадбек, жаҳлдан тушиб.

Гап вино заводи бошқони Қилич Сулаймонов хусусида эди.

— Ўтган куни Ҳосилбойвачча билан учрашган,— деди Кесакполвон.

— Беш кун аввал ҳам учрашган эди,— деб эслатди Чувринди.

— Топган одамини қара,— деди Асадбек.

— Тинчитиб қўя қолиш керак,— деди Кесакполвон.

Асадбек Чувриндига қаради. Агар у «ҳа» деб қўйса, масала анча ойдинлашарди.

<sup>1</sup> Дам олиш куни дегани.

Асадбек бошқа фикрда эди, Чувриндинда шу фикрини қўлловчи, ҳеч бўлмаса яқин келувчи гап кутди.

— Узи пиширган шўрвани ўзи ичсин,— деди Чувринди. Бу гапдан Асадбек кўнглига равшанлик кирди.

— Тўғри, чақир уни,— деди.

Учовлон йиғилиб, ёнларида бошқа одам бўлмаса, дастёрлик вазифаси Чувриндига юкланар эди. Ҳозир ҳам бу буйруқни малол олмай ўрнидан турди. Унинг эшикни очиб кўрениш беришиёқ Қиличга ваҳм сочди. «Тақдиримни бирпасда ҳал қилишдимми?» деган хавотир билан катта хонага кирди. Ҳозир у завод бошқони, шаҳарнинг мана ман деган бойига ўхшамас, балки бир тўп оч мушукларга рўпара бўлган бечора сичқон аҳволида эди. «Пулинг бўлса, чангалда шўрва» дейишади. Пули кўп одам балки шўрвани чиндан ҳам чангалида ушлаб туриши мумкиндир. Аммо ўз жонини ушлаб қола олармикин? Ҳар куни ўнлаб одамларнинг таъзимига бепасанд қаровчи Қилич, «сенга раҳбарман» деб пўписа қилувчиларнинг овозини беш-ўн сўм пул билан ўчириб қўя олувчи бошқон иштонини бехос ҳўл қилиб қўйган боладек шалвираб қолди.

Асадбек хонага икки қадам қўйиб, тўхтаб қолган бошқонга тикилди. Четдан қараган кишига Қилич ҳам, Асадбек ҳам қотиб қолган ҳайкалдай туюлиши мумкин эди. Фақат Қиличбек кўзларини пирпиратиб ҳайкал эмас, тирик жон эканидан далолат бериб турар эди. Асадбекнинг нигоҳи илон авровчисиники сингари ўткир эди. Шундай тикилганда ҳатто Ҳайдар билан Маҳмуд ҳам баъзан каловланиб қолишарди. Мана шу нигоҳнинг ўзи юз дарра туширишдан афзалроқ эди. Чунки бундай қарашнинг оқибати даҳшатлироқ ҳукм билан яқунланиши Асадбекнинг феълени билганлар учун сир эмасди.

— Бу ёққа ўтиринг, ўғил бола.

Асадбек киноя билан шундай дегандан кейин ҳам, то Қиличбек рўпарадаги юмшоқ курсига ўтиргунча ҳам нигоҳини узмади.

— Эшитдингларми, бу акамиз шаҳарга ҳоким бўлибдиларми?— деди Асадбек. Гарчи унинг саволи аъёнларига қаратилган бўлса-да, кўзи ҳануз Қиличда эди.

— Ё мен хато эшитдимми? Балки дунёга ҳокимдирсиз, а?

Қилич Асадбекка тик қараёлмай, мадад истаб аъёнларга боқди.

Шу пайтгача улар орасида бундай оҳангда гап-сўз бўлмаган эди. Асадбек бирон нарсдан ранжиса одамлари орқали маълум қиларди. Ўзи майда-чуйда гапларга аралашмасди. Қилич заводдаги ишни юритишда, ишга одам олиш ёки бўшатишда Асадбек чизган чизиқдан четга чиқмас эди. Бош муҳандис қамалган куни чопар келиб «хўжайин хафалар» деди-ю, унинг оромини олди. У Шарифнинг юқори лавозимга нолойиқ экани, ишни бузаётганини айтиб оғохлантирган эди. Сўнги суҳбатда Асадбекнинг ўзи «йўлини қилинг» деб эди. У йўлини топди. Энди хўжайин нима сабабдан ранжийди?

— Асадбек ака, гуноҳим нима, айтинг,— деди Қилич.

— Гапини қара-я! Гуноҳини билмасмиш,— деди Асадбек тиззасига шап этиб уриб.— Шарифни нима қилдинг?

— Ўзингиз айтдингиз... йўлини топ, дедингиз. Ишларимиздан ҳид олиб, очаман, девди.

— Очса нима?! Кимга очади? Ким келиб сени кишанга солади? Пул топишни билган, ақл топишни ҳам билиш керак! Қаматишга сарфлаганингнинг ярмисини ўзига бермайсанми.

— Пул олмайдиган қайсар эшшак-ку, у?

— У олмайдиган эшшак бўлса, сен пул беришни эплолмайдиган молсан! Пул олмайдиган одам йўқ бу дунёда, пул беролмайдиган лавашанглар бор. Билиб қўй, уч кунга қолмай Шариф уйда бўлиши керак.

Қилич Шарифнинг иши ёш бир йигит қўлида эканини биларди. Шаҳар прокуратурасида сўзини икки қилмайдиганлар ҳам бор. Шу сабабли Асадбекнинг буйруғидан чўчимади. «Шу ҳам ишми!» деб енгил тортди.

— Ўзингиз ўрнига бориб ўтирсанг ҳам чиқарасан,— деди Асадбек янада қатъийроқ оҳангда.

«Бунча ваҳима қилади бу», деб ўйлади Қилич. Лекин бу гапни тилига чиқармай «Хўп» деб қўя қолди. У осонгина қутулдим, деб ўрнидан турмоқчи эди, Асадбекнинг гапи жойига қайта михлади-қўйди:

— Ҳосилбойваччага салом айтиб қўй.

«Билибдимми?!» Осонгина қутулдим деб ўйлаган Қиличнинг юзига энди қизиллик югура бошлаган эди. Бу гапдан кейин ранги қув ўчиб, мурдадан фарқи қолмади.

— Ҳосилбойваччага айтиб қўй: сеникини артгунча, ўзиникини эпласин. Келиб-келиб ўшандан паноҳ изладингми, э, сўтак!

— Мен... паноҳ изламадим... бошқа иш билан борган эдим.

— Қанақа иш?— Асадбек шундай деб ўрнидан турди. Савол беришга бериб қўйиб, жавоб кутмади. Стол томонга ўтиб, ғаладондан катталиги сигарет қутисидай келадиған магнитофон олиб жажжи тугмасини босди.

«Илтимосингизни бажардим, ора очик энди»— бу Ҳосилбойваччанинг овози эди.

«Унинг қамалганини билиб Асадбек қутурибди». Қилич ўз овозини эшитиб ўрнидан туриб кетди. Асадбек ҳам, аъёнлар ҳам унинг ҳаракатига парво қилишмади.

«Биз фақат олимваччани йўқотишга келишган эдик. Бу ёғига ўзингиз бало-гардонсиз».

«Шу иш баҳона бўлиб Асадбекни йўқотиш керак! Бу шаҳарга хўжайинлик қилиш фақат сизга ярашади...»

Бу гапдан кейин орага сукут чўқди. Қиличнинг кўз олдига мийиғида кулимсираб турган Ҳосилбойвачча келди. Асадбекнинг қанотида юрган одамдан бундай гапни эшитиш Ҳосилбойвачча учун тушунарсиз, завод бошқони чин дилдан айтяптими ё иғво бошляптими — унга қоронғи эди. Шаҳардаги икки кўчқорнинг бири Ҳосилбойвачча саналса-да, куч Асадбек томонда экани барчага маълум эди. Икки кўчқор кўприк устида учрашса, бирининг қулаши тайин. Бу ҳақиқат ҳар иккисига ойдин бўлгани учун калла қўйишга шошилишмайди. Икки кўчқор орасида келишув борлиги жуда оз одамга маълум. Қилич нодонлик қилганини, буларнинг тили бир эканини англаб етди. Энди магнитопондан чиқаётган овозлар унинг қулоғига кирмади. Хаёлига аста-секин ўрмалаб кириб портлаган, «Ўлдиради!» деган ваҳимали фикр танасидаги жонни қувиб чиқаргандай эди. Кесак полвон ғазабдан жўшиб, сапчиб туриб тумшуғига мушт туширди-ю, унинг танасига жон қайтди. Йиқилиб ётган ерида аввал думбасидан сўнг белидан бирикки тепки егач, хаёли янада равшанлашди.

Чувринди Кесакполвонни қўлидан ушлаб ажратиб қўйгач, Қилич ўрнидан турди. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, бурнидан оқаётган қонни артди. «Энди ўлдиришади. Мени бу ерга ажал ҳайдаб келган экан,— деб ўйлади у.— Битта бошга битта ўлим. Ўзим аҳмоқман. Буларнинг бари бир гўр эканига ақлим етмабди. Ўзимни ўлдиришса майли, болаларимга тегишмаса бўлгани...» У ўлим олдида сўнги гапимни айтиб олай, деган мақсадда «Болаларим...» деб сўз бошламоқчи эди ғўдиранишдан нарига ўтмади. Кесакполвоннинг бир зарбидан синган тилла тишлари гапиртирмади.

— Сенга ижозат,— деди Асадбек, юмшоқ оҳангга ўтиб.— Айтилган ишни қил. Шарифнинг ўрнини совутма.

Қилич «хато эшитмадимми?» деган ажабланиш билан Асадбекка боқди. Асадбек юмшоқроқ оҳангда гапирган бўлса-да, қараши ўша-ўша ўткир, совуқ эди. «Шарифнинг ўрнини совутма, деб нимани назарда тутди? Вазифасига тиклаб қўй, дедими ё қамоқдаги ўрнини совутма, демоқчимиз?» Қилич синган тишларини рўмолчасига тупуриб, шу муаммони ойдинлаштириш мақсадида сўради:

— Жойида ишлайверсинми?

— Қаерда ишлашини бизга қўйиб бер. Сен унинг ўрнини совутма.

«Демак, қамоқдаги ўрнини... Бир жиҳатдан шу дуруст. Булардан бир-икки йил нари яшайсан...» Қилич жонини қайтариб берган ҳотамтой акаларига таъзим қилди. Таъзимга жавоб бўлмагач, чиқиб кетиши лозимлигини уқди. Тисланиб юриб эшикка яқинлашди.

— Бир умр қулингиз бўлмасам, каломулло урсин, кўзим очилди, ака!

Бу гапдан улар қувониб ҳам кетишмади, ажабланишмади ҳам.

Қилич қувониб кетганидан ёки меҳри товланганидан ичмади бу қасамни. Унинг назарида қирққа кириб, лаҳадга тушиб чириб ётгандан кўра қолган йигирма йилми, ўттиз йилми умрини ёруғ оламда, кулликда ўтказгани маъқул эди. Ер юзидаги одамлар турфа хил умид билан умр ўтказадилар. Бировлар Ватан учун жонни тикадилар, баъзилар дин поклиги, яна айримлар фан ривожини учун... Қиличлар алоҳида тоифага мансуб — улар ширин жонлари учун Ватанни ҳам, динни ҳам... тикиб юборадилар. Шундай экан, жони фойдага қолган дамда битта қасам ичиб юборса осмон узилиб ерга тўшибдими?

### 3

— Бекорга қўйиб юбординг. Тинчотиш керак эди,— деди Ҳайдар, бармоқларини қисирлатиб. Унинг одатини билмаган киши ҳозир мушт урганда панжалари чиқиб кетган экан, энди жойига соляпти, деб ўйлаши мумкин. Бармоқларини қисирлатиш — асабийлашаётганидан дарак. Асадбек уч нарсага тоқат қилолмайди: лаганга қошиқ ёки санчқи тегиб фикирласа, ёнидаги одам овқатни чапиллатиб еса, бармоқлар қисирласа ғаш келиб миясига игна санчилгандай бўлади. Тақдирнинг ғирром ўйини бу «фазилат»ларнинг барчасини Ҳайдарга насиб этган. Йиллар мобайнида Асадбек унга танбех беравериб чарчади. Агар бу танбехлар молга айтилса, у туппа-тузук одамга айланиб қолиши мумкин эди. Лекин Кесакполвон яратган эгам ато этган бу «фазилат»ларига заррача хиёнат қилмай яшаяпти.

Асаб торлари таранг тортилган Асадбек унга ўқрайиб қараб туриб, охири портлади:

— Жим ўтирсанг-чи бирпас!

Дунёнинг оромини шу бармоқлар қисирлаши бузиб тургандай, хонани бирданига

сукунат босди. Иккала аён Асадбекка тикилиб ўтиравершиди. Бир неча нафаслик сукут Асадбекнинг ҳам жонига тегиб, оҳиста гап бошлади:

— Уни тинчитиш осон... Уша ёқда тинчийди. Мен хоинларни ҳеч қачон кечирган эмасман. Ёзувларни менга Ҳосилбойвачча берди. Нима учун берди, ўйлаб кўр-чи? Мени яхши кўргани учунми? У «Асадбек Кесақполвон деган аҳмоқ ошнасининг маслаҳатига юради», деб ўйлаган. У пайт пойлаяпти. Унинг пули кўп, аммо ақли калта.

— Ақли калталардан кўпроқ кўрқиш керак,— деди Чувринди.

Асадбек унга ялт этиб қаради, «Кўрқиш керак» деган ибора унга ёқмади. Чувринди бу қарашнинг маъносини тушуниб, гапига тузатиш киритди:

— Эҳтиёт бўлиш керак, демоқчиман. Ақли калталар ўйлаб, ишни пишитиб сўнг жангга кирмайди, кутилмаганда чанг солиб, ўзини ҳам, бошқани ҳам вайрон қилади.

— Ҳосилбойвачча ҳали-бери менга уруш очмайди. Янги пайдо бўлаётган майда тўдалардан эҳтиёт бўлиш керак.

— Гапингиз тўғри,— деди Чувринди,— бир ҳикмат бор: тариқдай мамлакатнинг раҳбарлари камбағалликдан чиқиш йўлларини излаб, охири Америкага уруш очмоқчи бўлишибди. Уруш очсак, улар бизнинг юртимизни босиб олишади, сўнг халқимизни боқишга мажбур бўлишади, дейишибди. Шу қарорга келишганда ўлардан бири «Агар биз уларни енгсак-чи, халқини қандай боқамиз?» деб ташвишланган экан.

— Агар катта мамлакат лаллайса ҳар бало бўлиши мумкин,— деди Асадбек. Сўнг Кесақполвонга юзланди:— Отарчининг қайтганини эшитганмидинг?

— Қайси отарчи?

— Элчин. Эсингдан чиқдимми?

— Ҳа, уми? Эшитувдим.

— Нега менга айтмадинг?

— Чакки қадам босгани йўқ. Тинчгина юрибди.

— Тинчгина юрибдимми? Сен унинг ўрнида бўлганинга тинчгина юрармидинг?!

— Мени ўша сўтакка тенглаштирасанми?

— Бўпти, гапни чайнама. Энди қарзимизни узишимиз керак. У сен ўйлаган сўтакларданмас. Эркак у, билиб қўй! Депутатнинг қизи бўйига етиб қолганми?

Чувринди Асадбекнинг мақсадини англаб, бош ирғади.

— Ҳайдар, Шилимшиқдан хабар борми?

— Юрибди, Челябинскда.

— Уни қайтариш керак. Отарчига рўпара қиламиз. Учини биздан эмас, ўшалардан олаверсин. Маҳмуд, Шарифнинг иши ёш боланинг қўлида экан. Винзаводга қизиқаётган эмиш. Кимлигини билиб қўй.

— Билиб қўйганман. Тўйтепалик бола. Ота-онаси кетмончи. Узига илмдан худо берган экан. Лекин илмни ташлаб бу ёққа ўтибди.

— Нега?

— Акасини ўлдириб кетишган экан. Шунга алам қилгандир.

— Ким ўлдирган экан, аниқлаб қўй.

Бу бўйруқ Кесақполвонга қарата айтилган эди. У нима қилиш лозимлигини тушунди. Маҳмуд Ҳайдарга нисбатан зийрак, мулоҳазали эди. Асадбек атрофдагилар уларни бир одам танаси аъзолари, яъни Ҳайдар — қўл-оёқ, Маҳмуд — бош, Асадбекни эса юракка қиёс қилар эдилар. Асадбекдан марҳамат истаганлар аввал Маҳмудга учрашишни маъқул кўрадилар. Унинг лақаби «Чувринди» бўлгани билан ақлан бой эди. Кўп йиллар муқаддам бекатда хароб ҳолда тентираб юрганида Асадбекка эмас, бирон илм эгасининг назарига тушганида катта олим бўлиб кетиши шубҳасиз эди. Банданинг эмас, яратганнинг амри вожиб бўлади, деганларидек, мана ҳозир Маҳмуд Фанлар академиясида эмас, қасрга айлантирилган ертўлада Асадбек билан юзма-юз ўтирибди. Олимлар тунги зиёфатдан ҳали ўзларига келганларича йўқ, у эса тиниқ ақли билан, тетик ўтирибди. Асадбек юрагидаги зардобни яширишга қанчалик уринмасин, Маҳмуд унинг вужудида уйғонган ғалаён ўтини аллақачон сезган. Бу зардоб, бу ғалаён фақатгина қазининг тақдирига боғлиқ эмаслигини ҳам фаҳмлади. У Асадбекнинг бироз жим қолганидан фойдаланиб, ўрнидан турди-да, эшикни очиб қараб қўйди. Бўтқага шу қарашнинг ўзи кифоя қилди. Зум ўтмай патнис кўтариб кириб, пиёлалардаги қаҳваларни таъзим билан бир-бир узатди.

Асадбек пиёлани олди-ю, қаҳвани ичмади. Бўтқа чиқиб кетгач, Маҳмудга юзланди:

— Уғлинг неччига кирди?

— Йигирма иккига.

— Кичик ўғлим йигирма олтига қараб кетяпти,— Асадбек шундай деб маънос тортди.— Топган-тутганларимиз неварачевараларимизга ҳам етиб ортади. Бизга яна нима керак?

Маҳмуд жавоб бермади. Ҳайдар эса ажабланиб, қўлидаги пиёлани юмшоқ курсининг ёнсуянчиғига қўйди.

— Бек, тинчликми ўзи, сенга нима бўлди?

— Менгами?— Асадбек маънос жилмайди.— Менга ҳеч нима бўлмади. Лекин... осойишта ҳаётимиз тугаганга ўхшайди.



Асадбек салкам қирқ йиллик безовталикини, курашни, таҳликали йилларни, жон талвасасида юришларни осойишта ҳаёт, деган экан, бу осойишталик тугаган бўлса нималар юз бериши мумкинлигини тасаввур этиб кўринг.

— Биз урушга кираётганга ўхшаймиз,— деди Асадбек ўша синиқ оҳангда.— Бизга уруш очганлар — майда тўда. Майда тўда уюшганроқ бўлади. Улар бизга уруш очганларини маълум қилдилар.— Асадбек қизи воқеасини назарда тутган эди, аъёнлар бунинг тушундилар.— Лекин мен урушни истамайман. Мен уларнинг мақсадини билишим керак. Дарди бойлик бўлса, бераман. Шаҳарга ҳокимликни истаса — олсин. Агар мақсади ёлғиз ўч олиш бўлса, ноиложмиз, урушамиз. Аммо бу сўнги уруш бўлади. Энди мен винзаводдаги тентак олим болага жон куйдираётганимнинг сабабини сенларга айтиб қўяй. Биз бу заводни давлатдан сотиб олишимиз керак. Бу олим бола бизга шунда асқотади. Чет элнинг назарига тушган олимни қўлдан чиқарсак, ўтакетган аҳмоқ бўламиз. Шу бола орқали Португалия билан алоқа боғлаймиз. Заводдан олаётган сариқ чақаларимиз олтинга айланиши керак.

Бу гап Маҳмуд учун янгилик эмас эди. Корхоналар ижарага берила бошлаганида Асадбек бир неча йигитларига такси машиналар олиб берди, аммо каттароқ ишга қўл урмади. У кутган пайт энди келди: корхоналарни сотиб олиш фурсати етди. Бунинг учун завод хароб ҳолга келиши, сўнг сотиб олиниши зарур. Корхонани хароб ҳолга олиб келиш қийин иш эмас. Бироқ уни дунё билан тиллаша оладиган даражага етказиш қийин. Бунинг учун ақл керак. Ақлни Асадбек Шарифда кўрган, уни бош муҳандисликка тайин этишда ана шу мақсадни кўзлаган эди.

Асосан ижрочиликка кўникиб қолган Кесакполвон Асадбекнинг бу ишларига кўпам тушунмас, шу ишдан бир гап чиқар, деб, унча аралашмас ҳам эди. Мана ҳозир «бир иш чиқаётганига» ишониб, ҳайратга тушди.

#### IV БОБ

1

— Сизни чиқариб юборишмоқчи бўлишган экан, ўзингиз кўнмаганмишсиз?— деди ҳамшира.

— Сизни ташлаб кетгим келмади,— деди Анвар, жилмайиб.

— Э, кўйинг-е...

— ...Мен сизни ўйласам

Чароғон бўлади оламим.

Мен сизни ўйласам

Қора қон бўлади оламим...

— Анвар ака, кўйинг, бунақа гапларни... Шунақа десангиз... гаплашмай қўяман...

Ҳамшира шундай деб қафтларини юзларига босди. Анварнинг ширин сўзлари унга ёққан, бу сўзлар вужудидаги шайтонни уйғотган, шайтон эса фурсатни қўлдан бермай, аёлнинг нозик ҳисларини қўзғата бошлаган эди. Айни чоқда сергак фаришталар аёлнинг уят, номус, ҳаё томирларини уйғотмоққа киришган эдилар. Осмондаги булут тўдалари тўқнашиб яшин чаққани каби бу вужудда икки куч аёл юрагини ёндириб, ларзага солди. Бу кундан жувоннинг юзларигача қизариб кетди. Чироқнинг хира нурида ҳамширадаги бу ўзгариш сезилмас-да, у ўнғайсизланиб, юзларини қафтлари билан тўсган эди.

Анвар жувондаги бу ўзгаришни сезди. Кундузи бир шифохонада ҳамширалик қилиб, бу ерда ҳафтанинг икки тунда навбатда турувчи, устига устак қўшни идорада фаррошликни ҳам бўйнига олган бу аёл ҳар қандай эркакнинг ҳаёлини ўғирлаши тайин эди. Бу хушрўй аёлнинг эри мажруҳ экани, тўшакдан туролмаслигини билган эркак эса унга бир қармоқ ташлаб кўрмаса кўнгли тинчимас. Ҳамшира бунга кўникиб қолган. Кўзларини чақчайтириб туриб кўнгли изҳор қилган, айниқса билагига қўл юборганларида у эркак зотидан, ҳатто баъзан ўз эридан ҳам нафратланиб кетади. «Эрим соғ бўлганида шуларга ўхшар эдимиз», деб ўзига ўзи савол беради. Болалигида хасталаниб, сўнг тўшакка бир умр михланган бу йигитни яхши кўриб теккан. Кўнглида уйғонган ҳис нима эди — муҳаббатми ё раҳм-шафқатми аниқ билмайди. Йигитни хастахонада илк кўрганида юраги ғалати бўлди. Юзида кулгичи бор, кўзлари қисқроқ, қошлари қалин бу йигит истарали, сўзлари эса ширин эди. У худди хиргойи қилаётгандек ширин гапирарди... Бошқа ҳамширалар муолижа қилишса, гапга солишса унинг ғашни келадиган бўлди... Отаси кўнглида норизо бўлса-да, сиртига чиқармади. «Шу ғарибга бахт берса, савоб», деди. Дунёдаги энг хушсурат йигитни куёв қиламан, деган умидда юрган онаси кўз ёши тўқдио барибир кўнди. Баъзилар тўрт мучаси соғ гўзалларга етишгунча дард чекишади. Ҳозир юзларига қафтларини босиб турган жувон эса хаста йигитга етгунча кўп қийналди. У кечирган тўлғоқли тунлар тасвири алоҳида дoston бўлар. Кўнглини муҳаббат чакмоғи озгина бўлса ҳам ёритган инсонга бу кечмишлар бегона эмас.

Ҳамшира кўнглида шилқимлик уйғонган эркакларга дуч келганида тўшакда ётган эри кўз олдига келарди. Шунда унга хиёнат қилгандай, ўзини ўзи лаънатлар эди. Била-

гига бегона эркининг қули теккудан бўлса вужуди кирлангандаи, емон бир касал илашиб қолгандай туюлар, уйига қайтгач, эрининг кўзига боқишга қурби етмас, болаларини ўпишга ҳам юраги бетламас эди. Уйига гўё ҳаромни бошлаб келгандай ўзидан ўзи нафратланар, дунёни бунчалар яралганидан хафа бўлиб кетарди. Баъзи ҳолларда «эрим соғ бўлганида шу йўлда юрарми эди» деб савол ташлаб, юраги баттар эзилиб кетарди. Номусни жондан азиз билган аёл хиёнатга дуч келса нима бўларкин? Минг йиллар муқаддам ўтган Еврипид деган шоир:

*Номуссизлик гар илашса никоҳ ипига  
Аёл қалби шу қадарли қонсиргайки,  
Тополмайсиз ер юзида бунақасини,*

— деганида балки бизнинг ҳамширани назарда тутгандир.

Хуллас, рашк мавжуд, аммо хиёнатга бегона оила соҳибаси гарчи Анварга меҳри бўлса-да, чегарадан чиқа олмас эди. Чегарада номус, иффат, ҳаё деган қўриқчилар борки, улар иблиснинг зарбаларига йўл бермайдилар. Ҳамшира «шунақа десангиз... гаплашмай қўяман» деганида шунчаки пўписа қилмади. Ҳозир Анвар гапни шу оҳангда давом эттирса чиндан ҳам суҳбатга чек қўяр эди.

Анвар ҳамширанинг гапини ёлғон пўписа деб англамади. Балки гаплари нотўғри талқин этилганидан афсусланди:

— Дилобар,— деди у,— сиз мени тушунмадингиз. Эркак билан аёл бир-бирини яхши кўрса мақсад фақат тўшак бўлмайди-ку? Ака сингилдай яхши кўриш мумкинми? Мен сизнинг қошу кўзингизни эмас, фақат инсон боласига хос одатларингизни яхши кўришга ҳаққим йўқми? Еруғ оламда беш миллиардга яқин одам яшаркан. Лекин кўнгил баъзан бешта яхши одамга муҳтож бўлади-ку? Шу беш одамнинг бири аёл бўлиши мумкин эмасми?

Дилобар «Гапингиз ростми?» дегандай унга бир қараб олди. Анвар бошини эгиб, кўзларини бир нуқтага қадаб ўтирар эди. Ҳамширанинг қараб қўйганини сезмади.

— Сиз мenden нафратланманг. Агар сиз мenden ранжисангиз... мен дунёдан нафратланаман.

*Олисларни кўриш учун умр карвони,  
Сабоқ экан, кипригимни ёш қилиб қўйди.  
Кейинчалик ҳар бир кузнинг барги ҳазони  
Юмшоққина юрагимни тош қилиб қўйди.*

Дилобар орадаги синиқликни кўтариш учун гапни бошқа ёққа бурмоқчи бўлди:

— Янги шеърингизми?

— Йўқ,— Анвар бошини кўтармай жавоб берди,— Асқар Қосим деган шоирники. Тақдирим ўхшайди, аммо шеърятига етишим мушкул. Балки умрим ҳам ўхшар.

— Умрим?... У одам тирикми?

— Йўқ... ўзини осган.

Дилобар титраб кетди.

— Осган?

— Ҳа.

— Нимага?

— Буни тушунишингиз қийин. Охирги шеърини айттайми?

— Айтинг.

— «Бошгинамга ағанаган, катта тоғлар, алвидо!

Мен кетарман ҳасратланиб, руҳи соғлар, алвидо!

Бу дунёнинг шўришига навниҳоллар тебранинг,

Эслироқ боғбони йўқ, қолди боғлар, алвидо!»

— Вой, бечора...

— Бечора эмас. Чорасини топди, мард экан.

— Қўйинг, бунақа гапларни. Ўзини ўлдириш... мардлик эмас.

Анвар ўрнидан турди. У аёл билан баҳслашини истамади.

— Эрталаб яна ишга борасиз. Дамингизни олинг,— деди у.

Анвар хуррак овози эшитилаётган хонасига кириб кетди.

Ҳазил оҳангида бошланган суҳбатнинг эзгин руҳда тўсатдан узилиши Дилобарни қийнаб қўйди. Устига чойшаб солинган тахта каравотда уч-тўрт соат бўлса ҳам ухлаб оларди. Анварнинг гапларидан кейин кўзларидан уйқу қочди. Хунук хаёллар тинчлик бермай хонага бир-икки ўғринча қараб олди.

Анвар каравотида ўтирарди. У тонг отгунча ҳам ётмади.

Навбатдаги тун бедор эди. Умрнинг яна бир қоронғу кечаси тўлғоқлар билан ўтаётганди. Руҳлари ҳасталанган беморлар орасида соғлом бир йигит дунёнинг кирлигига имон келтириб ўтирарди.

Ҳамшира билан бўлган сўхбатдан эзилди, шoir эсига тушиб ўлганди, деб, сиз азизларни чалғитмай. Нафсиларини айтганда сўхбатни кескин узишига нима сабаб бўлганини Анварнинг ўзи ҳам аниқ билмайди. Юраги сиқиладию томоғига бир нима тикилиб гапиролмай қолади. Қулоғи шанғиллайди. Хотини кўргани келганида ҳам туппа-тузук гаплашиб ўтириб, бирдан шу аҳволга тушади. Хотини «касаллари тутди шекилли», деб ўйлайди. Узи ҳам баъзан шу фикрга келади. «Чинданам жинни бўляпманми», деб хаёл қилади. Бу фикрга банди бўлмаслик учун «Дорилар таъсир қияпти», деб ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўлади. Руҳни созловчи, тинчитувчи кучли дорилар соғлом одамни гангитиши турган гап.

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Хонага кириб ўтириб ютинди. Уша «бир нима» томоғига қадалиб тураверди. «Жоним ҳалқумимга келиб қолдими? Қадалиб нима қилади, чиқиб кета қолмайдими? Жон чиқиши шунчалик қийинми? Уни қувиб чиқариш учун бўйинга сиртмоқ солиш шартми? Асқар ака ҳам шундай қийналганми? Қандай умидлар билан тонг оттирганлар? «Бандасини яратган худо инсофни ҳам бера», дебми? Шоҳ Машрабдай одамни осган бандага инсоф берилишини умид қилиш мумкинми?»

Юраги сиқилиб, ҳаво етишмаётгандай бўлди. У чуқур-чуқур нафас олди. Томоғидаги «бир нима» йўқолди. «Жон анойи эмас. Мендай мўминни ташлаб қаёққа кетсин? Лекин юрак безовта. Нимага потирлайди? Озодликни қўмсаептими? Қаерда бор озодлик? Мана шу деворлар ортидами? Ё учинчи қаватдами? Озодлик девор ортида эмас, шу ерда-ку? Озодликни асраш учун девор билан ўраганлар. Энг улуғ озодлик эса учинчи қаватда. Шунинг учун ҳам деразаларга темир панжара тўсилган. Девор орти — жиннихона. Амак талашадилар, обрў, шон-шўхрат илинжида худодан қўшимча бармоқлар тилаб олиб ишга киришадилар... Бу ерда эса ундай жиннилик йўқ. Ҳамма теппа-тенг...»

Анвар шу хаёлларга банди бўлиб ўтирганида дераза орти ёришди. У аввалига кўча чироғи ёнди, деб ўйлади. Лекин ёруғ оқим фақат рўпарадаги деразадан оқиб кираётганини англаб сергақланди. Оппоқ нур худди пояндоз сингари юқоридан тушиб оёқлари остида тўхтаган эди. Анвар ажабланди. Дам ўтмай бу ажабланиш кўрқувга айланди. Ҳозиргина жони чиқиб кетишига рози бўлиб ўтирган йигит кўрқди — ҳарҳолда жон ширин-да! Кўрқув оёқ-қўлига муз югуртирди.

«Кўрқма, биз сенга фақат яхшилик истаймиз».

Анвар бу мулойим овоз қаердан келганини билмади. Дилобарнинг овозига ўхшатиб, аланглади. Эшик қия очиқ — ҳамшира кўринмайди.

Овоз яна такрорланди.

«Кўрқма, биз сенга фақат яхшилик истаймиз. Деразага қара».

Анвар дераза ортида гўзал бир қизнинг юзини кўрди.

— Кимсиз?

— Биз бошқа сайёраданмиз.

— Қайси сайёрадан?

— Сизлар Чаён юлдузлар туркуми деб атайсизлар. Биз эса Зурру деймиз. Зурру — нур ўлкаси дегани.

— Учар ликопчаларда юрган сизлармидингиз?

— Йўқ. Улар сизларнинг яқин қўшнингиз. Қуёш мажмуасига энг яқин жойлашган

Заура юлдуздан. Заура — тараққиёт дегани. Улар тараққиёт учун ҳамма нарсадан кечганлар. Сайёралари ҳалокат ёқасига келиб қолган. Улардан кўрқининг керак. Сен биз билан бирга бўласан. Заураликларнинг тараққиёти бизникдан минг кәрра паст. Шунинг учун ликопчага ўхшаган жисмда учиб юришади. Уларнинг вакиллари орангизга тушган, сизлар билан бирга яшайди, сизлар эса буни билмайсизлар. Халқ отасиман, деб юрган, сенга кун бермаётган одам асли зауралик. У — одам боласи — онасидан чала туғилган, ўлимга маҳкум эди. Уша онда зауралик унинг танасига жон бўлиб кирган. Шунинг учун унга ҳеч нима кор қилмайди. Очарчилик йиллари тенгдошлари ўлганда ҳам бу тирик қолган. Очарчиликда омон қолган тенгдошлари урушга кетиб қирилди. Бунинг ҳам эркак экани, урушга бориши лозимлиги бировнинг хаёлига келмади. Урушдан тирик қайтган тенгдошлари қамоққа ташланди. Сен билмайсан, дўстлари унинг фатвоси билан қамоқда чириганлар. Сен унинг келажакни кўра билиш хусусияти борлигини ҳам билмайсан. Унга эртага нима бўлиши маълум. Шунинг учун ўзи ҳам бир ярим йил қамоқда ўтириб келган. Қамоқдан чиққан дўстлари сил бўлиб, пес бўлиб ўлиб кетдилар. У етмиш ёшида ўн етти ёшли йигитдан ҳам бақувватроқ.

— Унинг мақсади нима?

— У Ерни Заура фуқароси учун тайёрлаши керак.

— Қандай?

— Руҳан тайёрлайди. Заурада тарихдан кўз юмганлар. Тарихдан сўз очган зауралик ўша заҳоти қатл этилади. Уларнинг юраги тош каби қаттиқ. Кимдаки ҳис-туйғу уйғонса — ўлимга маҳкум. Халқ отасининг вазифаси ерликлар қалбидан мөҳр-оқибат деган туйғуни ҳайдаб чиқариш, тарихни унутишга эришиш. Худа-беҳудага бармоқлари билан соч тарашини, «с»ни айтолмаслиги, лабларини тили билан ялаб қўйиши, кўзини лўқ қилиб ёлғон гапириши — зауралик эканига исбот. У биттагина эмас, ёнида шериклари

кўп ҳаммалари эдак эдилар. Билки, улар жон бўлиб одам танасига кирадилар. Ҳозир Ер сайёрасини эгаллайдилар. Билки, улар жон бўлиб одам танасига кирадилар. Ҳозир Ер одамларининг жуда кўпи заураликдан иборат. Ер ҳалокат сари боряпти. Биз энг покиза ерликларни қутқариб қоламиз. Сени ҳам олиб кетамиз. Сен менинг гапларимга ишонмайсан. Сенга яна озгина фурсат берамиз. Ерда юрган икки оёқли махлуқлар аслида Ер одами эмас, зауралик эканига ишонч ҳосил қилганидан сўнг биз билан кетишга ўзинг рози бўласан. Ҳозир ўрнингдан тур. Нур устига қадам қўй.

Анвар нур пояндоз устига қадам қўйиши билан ўзини енгил ҳис этди. Кўзлари нурдан қамашди. Қанча вақт ўтганини билмайди. Бир вақт нур кучдан қолиб, кўз олди равшанлашди.

— Гаплашиш мумкин эмас, фақат кўришинг мумкин.

Шаршара ёнидаги мажнунтол соясида ўтирган одамни таниди: Асқар Қосим. Уй суриб ўтирибди. Ерда ҳам шундай эди — кўп ўй сурар эди. Атрофдаги одамлар ҳам таниш. Шийпондагилар... Наҳот? Қодирий, Чўлпон... «Тушимми, ўнгимми?»

— Ўнгингда кўряпсан.

— Уларни ҳам сизлар...

— Ҳа, биз олиб кетганмиз. Ердаги заураликлар зулмидан халос этганмиз. Покиза одамларнинг барчаси шу жойда ором топади — билиб қўй! Энди изингга қайт. Вақт етди. Мен сен билан яна учрашаман...

Кўз олдидаги нур яна кучайди. Ўзини яна енгил ҳис қилди. Сўнг... нур йўқолди. Ғира-шира хона... Хуррак овози...

### 3

— Уйқунгиз келмаяптими?

Кўрганлари тушми ё рўё эканини билолмай гаранг ўтирган Анварга эшик томондан келган овоз худди ер қаъридан чиққандай туюлди. Шу сабабли саволга жавоб қайтармади. Овоз келган томонга қарамади ҳам.

— Бу ерда менам ухлолмайман.

Анвар овоз ер қаъридан эмас, эшик томондан келганини фаҳмлаб, бошини кўтариб қаради. Янги йилдан уч кун олдин келган ўрта ёш киши тирсагига тиралиб унга қараб гапирар эди.

— Гапларингизни эшитиб ётувдим. Асқар деган болани эсладингиз. Мен ҳам танирдим у болани. Темир йўлнинг нарёғидаги жиннихонада бирга ётганмиз. Юраги тоза бола эди. Аммо соғлом эди. Бекор увол кетибди. Эшитмаган эканман. Худо раҳмат қилсин.

Анвар гап пойлаб ётган бу кишига нима деб жавоб беришни билмади. Овқат устида бир-икки оғиз суҳбатлашгани ҳисобга олинмаса бу одамни билмайди. Ким у, дарди нима — хабарсиз.

Анвардан садо чиқавермагач, гап ташлаган одам ўрнидан туриб келиб ёнига ўтирди. Каравот симлари унинг оғирлигига дош беролмай зорланиб, ғижирлаб қўйди.

— Мен бу ерларда ётавериб кўзим пишиб қолган. Ким соғ, ким носоғ — дарров ажратаман. Керак бўлса дўхтирларингизни ўқитиб қўяман. Сиз соғлом йигитсиз. Бу ерга тушиб қолганингиздан эзиляпсиз. Эзилманг, ука. Бу ернинг номи хунук. Ўзи яхши жой. Мен шу ерда жон сақлайман. Агар жиннихона бўлмаганида аллақачон... асфаласо-филинга жўнатворишарди. Бир кун, денг, оқшом кўчага чиқсам қўшним турибди. Японги «Газ-21» олган эди. «Юрнинг, қўшни, хизматингизда бўлай», деди. Ўзи муттаҳамроқ бола эди. Мен унинг устидан ўрганга ёзиб юборган эдим. Ҳай, худо инсоф берибди, дедим. Утирдим. У қизигар мошинасини Қорақамишга қараб учирди. Гадой топмас ерга етганда «қимирламай ўтир!» деб дўқ урди. «Вой, қизигар, ўлдиради, шекилли», деб мошинадан тушдим. Қочай, деб ўзимни қамишзорга урдим. Бундай қарасам, чуқурда одам ўликлари ётибди...

Анвар бу ҳикояни кечки овқатдан кейин эшитган эди. Шу сабабли эшик ёнидаги каравотда ётувчи бу одамнинг гаплари қулоғига кирмади. Бошқа пайт бўлганида балки зерикмай тингларди. Аммо, ҳозир, кўзига кўринган нур, дераза ортидаги гўзал узор, шаршара, мажнунтол хаёлга чўмиб ўтирган шоир... уни ёлғизликка ундарди. Аммо бу ёруғ олам аро ҳеч бўлмаганда бир неча дақиқа якка қолишни истарди. Банданинг кўнгли нималарга суст кетмайди. Воҳидлик фақат яратган парвардигорга ярашади. Фақир бўлиб яралганингдан кейин ёнингда ит ўтирса ҳам, бит ўтирса ҳам чидайсан.

Анвар бу одамни эси оғиб қолганлардан деб билгани учун ёнидан ҳайдамади. Гапини қандай бўлиб, жойига қандай жўнатиши йўлини излади. Ножўя сўз айтиб юборса бу тоифа одам айхоҳансо солиб жиннихонани бошига кўтариши ҳеч гап эмас.

— Мен боятдан бери сизга қараб ётибман. Ҳайкалга ўхшаб қотиб ўтирибсиз. Мен сизга айтсам,— у Анварнинг қулоғига шивирлади,— мен ҳам соппа-соғман. Лекин ҳамма мени жиннига чиқаргани учун баъзан ўзим ҳам ишониб кетаман. Давлат ҳам ишонади. Ишонади. Ишонмаса йигирма уч сўм пенса берармиди. Энди ука, менинг

отим Шоқаюм, туз-насиб экан, шу ерда жон сақлаймиз. Мен ҳангоматалаб одамман. Кўп гапириб бездирворсам, шартта уришиб ташлайверинг, хафа бўлган — номард. Лекин ҳадеб бунақанги сиқилиб ўтираверманг. Узингизни еб кўясиз. Мен ҳам олдинга шунақа бўлганман. Кейин билсам, қайтага шу яхши экан. Одамлар мени жиннига чиқаргандан бери мазза қилиб яшайдиган бўлдим. Олдин тўғри гапни айтолмай эзилиб кетардим. Энди шартта-шартта айтаман. Бировнинг қулоғига кирадими, йўқми, айтаверман. Шунақа қилиб юрагимни бўшатиб оламан. Сиз ҳам шартта-шартта гапириб юбраверинг. Бунақа ўтирманг.

«Бунақа ўтирманг... Ростдан ҳам қимирламай ўтирдимми? Нурчи? Шаршара-чи?»

— Шоқаюм ака, кирганимдан бери ҳайкалдай қотиб ўтирдимми?

— Ҳа, де! Асқар раҳмати ҳам шунақа эди. Дерезага тикилиб ўтираверарди. Қоронғида нимани кўряпти, деб ҳайрон бўлардим. Аммо уни гапга солиш қийин эди. Бир куни «нима қилиб ўтирибсиз, ука?» десам, «қудуқ қидиряпман», дейди. «Ҳазиллашяпсизми, қанақа қудуқ?» деб сўрасам, «Искандарнинг шохи бор», дегани бир қудуқ керак манга» дейди. Шунақа ғалати гаплари бор эди. Кўп гапларига тушунмасдим.

Анвар «бу оддий гап, ҳар бир шоир ҳақиқатни айтишни истайди. Ривоятдаги сартарош каби айтолмай қийналади. Бир қудуқ топсаю айтса, юрагини бўшатиб олса...» демоқчи бўлди-ю, Шоқаюмнинг гап халтасини баттар кавламай, деб индамай кўя қолди. Шоқаюмнинг гап халтаси биров тегмаса ҳам қайнайверар эди. Анвар индамагани билан гапи тошиб чиқаверди. Анвар унинг сўзларини узук-юлуқ эшитарди. «Демак, кўзимга кўринган. Утирган еримда ухламай туриб, туш кўрганман. «Уچار ликопчани кўрдим», деганлар ҳам менга ўхшаб хаёлан учрашганлар. Бу — жинниликнинг бошлаши эмасмикин?»

— Бу ердан чиқиб кетмай, яхши қилибсиз. Шу ерда қишлаб, баҳорнинг ўрталарида чиқиш керак. Баҳорда қулинг ўргилсин одамлар келишади, зерикмайсиз.

«Қанақа одам бу ўзи! Жинниларни масҳара қияптимми? Тавба! Иштони йўқнинг иштони йиртиққа қулгани шуми? Чиқиб кетмасам бўлмайди бу ердан».

Анвар Элчин кетганидан бери қайта-қайта «қолиб тўғри қилдимми?» деган саволни ўзига-ўзи бериб «Тўғри қилдим!» деган қайсар жавобдан нарига ҳатламас эди. Шоқаюмнинг эзмалиги бу қайсарлик тўғонини бўзиб, «чиқиб кетишим керак!» деган тушунча дарвозаларини очиб юборди.

## У БОБ

Элчин Янги йил кечаси Асадбекнинг қоронғи, совуқ уйда бўлиб ўтган суҳбатни Сибирда орттирган ошнас Зелихонга айтиб берди. Қиррабурун, кўзлари бургутникидек ўткир Зелихон ўй сурганида ҳам нигоҳини бир нуқтада тўхтатмас эди.

— Асадбек молодец! Висший класс! — деди у. — Аниқ топибди. Энди у билан ҳазиллашиб бўлмайди.

— Шошилма, — деди Элчин. — Бошқалар билан ҳам худди шундай гаплашган бўлса-чи. Шаҳарда нима кўп, тўда кўп. Аввал уларга қўл солган. Кейин ҳар эҳтимолга қарши мендан ҳам хавотири борлигини билдириб қўйган бўлса-чи?

— Барибир. Энг муҳими — сени назаридан четда қолдирмаган. Фақат ўзи билган тўдаларни кавлаштирганида аҳмоқ бўларди.

— Биз мўлжални аниқ олдик, муҳими — шу!

— Аниқликка аниқ, лекин сен йўлбарснинг пешонасини мўлжалга олмадинг-да. Уқинг қовурғасини ялаб ўтди. Энди ярадор йўлбарсдан кўрқининг керак.

— Менга унинг ўлими эмас, яраланиб, азобланиб ўкириши керак. Бир ўқ билан ўлишининг кераги йўқ.

Зелихон Элчиннинг елкасига қўл ташлади. Унинг одати шу — меҳри товланиб кетса, шундай қилади.

Элчин Сибирдаги лагерга кўчирилганда, ҳали «ўқилон»нинг овозаси етиб келмай туриб, шу Зелихоннинг паноҳида жон сақлаган эди. Ўзбекистондан келган, бўш-баёв кўринган бу йигитни дастёрга, аниқроғи қулга айлантирмоқчи бўлган зўравон маҳбуслар Зелихоннинг «бу менинг землягим» деган гапидан кейин тинчишди. «Сенам мусулмонсан, мен ҳам мусулмонман. Ёнимда юр», деган гапи Элчинга «Мен акангман» дегандай туюлди. Чўнтаккесарликдан иш бошлаб, катта хазинага ҳужум қилишгача бориб етган Зелихон турмаларнинг ҳам, маҳбусларнинг ҳам турли тоғфасини кўриб кўзи пишган эди. У Элчиннинг биринчи марта қамалганини юриш-туришиданоқ билган эди. То Элчиннинг ўзи айтиб бермагунча қамалиши сабабини сўрамади. Элчин Сибирда юрганларида тўғри гапни яширди. Ҳақиқатни кейинроқ, қамоқдан чиққач айтди. Режасини амалга ошириш учун ишончли, мард одамлар керак эди. Энг ишонгани Зелихон бўлгач, ундан ҳақиқатни яширолмасди.

— Сенга бир қарашдаёқ юрагингда ўч борлигини сезганман. Эракнинг ўч олиши яхши. Чеченлар ёмонликни ҳеч қачон кечира олмайди. Биз майда-чуйда гапларга ўра-

лашмаймиз. Қасос яхши нарса. Дунёнинг лаззати шу қасосда. Сен қасос олиб мазза қилсанг, мен ҳам мазза қиламан. Аммо менсиз бир қадам ҳам босмайсан. Сен атак-чечак қилаётган боласан. Мен бу оламда югуриб юриб катта бўлдим. Қайси тешикда илон, қайси тешикда чувалчанг ётиши менга аниқ.

Чиндан ҳам Зелихон биз жиноятчи деб атайдиган одамлар оламининг пасту баландини яхши биларди. Биринчи марта чўнтак кесганидан то сўнгги хазинани урганига қадар ягона ақидага амал қилади — у фақат ўзигагина ишонади. Шерикларига «Мен ҳатто ўзимга ҳам ишонмайман!» дерди. Бу гапида ҳам жон бор эди. Зелихон ёлғиз ишлашни ёқтирарди. Лозим бўлганда бир-икки шерикка суянарди. Унинг қондасига кўра, шериклар кўпайгани сайин ишнинг муваффақиятли якунланишига ишонч камайиб, аксинча, хоинлик учун шароит ортиб боради. «Иш тақдирини куч эмас, ақл ҳал этади». Зелихон фақат шу қондани тан оларди. Элчин қасос ҳақида сўз очиб, одам тўплашни таклиф этганида Зелихон «уч киши етарли» деди. Жиноятчилар оламининг тўс-тўполонини чиқармоқчи бўлган Элчин бу гапдан ҳайратланди. У атрофига камиди юз кишилиқ лашкар тўпламоқчи эди. «Юз киши» деган гапни эшитиб, Зелихон кулиб кўйди. Кейин шу боланинг сазаси ўлмасин, деб беш кишига рози бўлди. «Қанча одам керак бўлса, кейин сотиб олаверамиз», деб кўнглини тинчитди.

Зелихон ўттиз йилдан ортиқ от суриб юрган бўлса, уч марта қўлга тушган. Усмирлигида бир ярим йил, сўнг уч йил, охириги марта беш йилга кесилган эди. Биринчисида айб ўзида, тан олади. Қолган иккитаси шерикларининг ландавурлиги туфайли бўлди. Барча қилган жиноятларини қамондаги кунларига тақсимлаб чиқилса, ҳар бир иши учун беш-ўн дақиқа ўтирган ҳисобланарди.

Зелихоннинг лақаби «академик» эди. Бунга сабаб — у пухта ўйлаб олиб, сўнг ишга киришарди. Унинг бошқалардан фарқи — одамлар руҳиятини албатта ҳисобга оларди. Лозим бўлганда катта идораларга бошқа бир идора бошлиғидай бемалол кириб чиқарарди. Эшик оғзидаги соқичга киборлик билан сўз ташлаб, «ҳа, ўтирибсанми» деб кириб кетаверарди. Элчин унинг бу «фазилати»ни шаҳарда учрашганда билди. Бир куни Зелихон машинасини кириш мумкин бўлмаган кўчага бурди. Милиса таёғини кўтаргач, тўхтади-ю, тушмади. Милиса лапаглаб келиб, энгашиши билан ойнани тушириб:

— Ҳа, турибсанми,— деди. Милиса жавоб қайтаришга улгурмай яна савол берди:— Лейтенант қани?

— Собировми?— деди милиса йигит талмовсираб.

— Ҳа, ўша, нимага лаллясан, қаёққа кетди?

— Ҳозир келади.

— Менга учрашин.

Зелихон шундай деб машинани юргизди. Милиса эса гарданини қашиб қолаверди.

— Собиров деганингиз ким?— деди Элчин.

— Қаёқдан биламан,— деди Зелихон кулиб.— Сенам милисага ўхшаган лақма экансан-ку.

— Лейтенантлигини билдингиз-ку?

Зелихон қаҳ-қаҳ отиб кулди:

— Буларда нима кўп, лейтенант кўп...

Зелихон шундай одам эди. Элчин Асадбекнинг қизи ҳақида гапирганида Зелихон кўп ҳам бош қотирмади. Атрофида юрган қизлардан бирини ишга солди. Қиз сиртқидан кундузги ўқишга ўтаётган толиба киёфасида Асадбекнинг қизи билан дарсларга кириб юраверди. Асадбекнинг қизини танафус пайтида машинага олиб боргач, ўша куникёқ Кавказ томонга учиб кетди. Зелихон «қанча одам керак бўлса, сотиб олаверамиз», деганида шу қиз кабиларни назарда тутган, ҳар бир иш учун алоҳида одам ёллаш унинг назарида бежавотирроқ эди.

## 2

— У сени ўзига яқин одамнинг қизига уйлантиради. Шу билан ҳар бир қадамнингни эмас, ҳар бир нафас олишинингни ҳам кузатишади.

— Бу жуда яхши!— деди Элчин,— улар мени кузатишади, сиз эса ошни пиширасиз.

— Мен пишираман, сен сузасанми?

— Ҳа.

— Бўлмайди, земляк. Энди ош сузишинг қийин. Бир марта, бор, ана, икки марта сузарсан. Учинчисида ўзингни сузиб қўйишади. Бошқа йўл топиш керак. Сен... мен билан энди яширин учрашма. Ака-укадай келиб-кегиб юравер. Аммо йигитларимиз билан кўришмайсан. Сен уларни танимайсан, улар сени танишмайди, билдингми? Сен ашулангни айтиб юравер. Асадбек ростданам ақлли бўлса, бизга ўзи ёрдам беради.

— Қандай қилиб?

— Қотиллар кимлигини ўзи сенга айтади. Сен уларни ўлдирасан. Шу билан орани очик қилади.

— Лақиллатиб, бошқа одамни кўрсатса-чи?

— Йў-ўқ. Уқилон фирромлик қилмайди. Фирромга суянган одам бу оламда узоқ яшай олмайди. Уқилон — фигурал— Зелихон шундай деб кўрсаткич бармоғи билан ҳавода ундов белгисини ясади.— Сен мени гўрға тикасан, земляк. Минг марта айтдим сенга: ўч олиш фикри ақлингни ўтмаслаштириб ташлаяпти. Чуқур ўйламаяпсан. Ҳар бир ишга алоҳида режа тузиш керак. Бир иш иккинчисига сира ўхшамасин. Биз уларни чалғитиб ташламасак, дарров думимизни босишади.

Зелихон хонтахта устидаги шишадан пиёлага мусаллас қуйиб сипқорди, сўнг сигарет тутатди. Чордона қуриб ўтирган Элчин худди тасбеҳ ўгираётган мулладек нигоҳини бир нуқтага қадади. У Зелихоннинг зеҳнига, садоқатига ишонар эди. Қамоқда юрган кезларида, вужуди қасос алангасида қовжираётган дамларда Элчин йўл-йўриқ изларди. У аввалига бир ўзи жангга кирмоққа қасд қилди. Уша машъум кечада ҳовлисига қадам қўйган ҳар бир одамнинг калласини, сапчадек узишни истади. «Каллани сапчадек узиш» — айтмоққа осон. Умрида чумчуқ сўймаган йигит одам боласига пичоқ ура олармикин? Элчин душмани билан юзма-юз келганида қўллари қалтирашини билиб, ўзини бу ишга руҳан тайёрлади. Хаёлан юзлаб одамларнинг юрагига пичоқ қадади, калласини узди. Зелихон қамоқдалигида кўзлари чақчайган бир йигитни кўрсатиб «отасининг калласини арралаб ташлабди, ҳайвон» деганида Элчин бир неча кун давомида душманларига шу жазони раво кўрди. Хаёлан арралаганда уларнинг дод-фарёдлари орасида арра тишларига дош беролмаган суюкларнинг қиртиллаганини эшитиб ўзи ҳам сесканиб кетди. Кейин «уйимга кирганларнинг турқи балки шу йигитга ўхшандир», деб ўйлаб душманларини шу кўзлари чақчайган тимсолида кўра бошлади. Ана шунда кўрракка пичоқ қадаш қўлидан келмаслигига фаҳми етиб, Зелихонга суянишни ўйлади. Зелихон одам ўлдириш, деган тушунчадан йироқ эди. Иложи бўлса бировнинг бурнини қонатмасам, дерди. У «ақл иш бермаган ерда қон тўкилади», деб ҳисобларди. Зелихон фақат ўз ақлига ишонади. Қамоқдан кейин учрашишиб, қасос ҳақида сўз очилганида у «йўлбарсни бир ўқ билан ўлдиришнинг қизиғи йўқ, уни яралаб, ўкиртириб лаззат олиш керак», деди. Бу гап Элчинга мойдек ёққан, ҳозир шуни ўз тили билан Зелихонга қайтармоқда эди.

Зелихон рўпарасида ўйга чўмиб қолган бу йигитни нима учун ёқтириб қолганини ўзи ҳам билмайди. Элчин истарали йигит, десак, Зелихон бунақаларни кўп кўрган, мусофирликда икки мусулмон фарзанди бир-бирига суянди, десак, қамоқда бошқа мусулмонлар ҳам бор эди. Зелихон бегуноҳларга хайрихоҳ эди, десак, қамоқ фақат гуноҳкорларнинггина бошпанаси эмас. Кўзларига «мен нима учун бу азобларни тортяпман?» деган савол муҳрланиб қолган маҳбуслар кўп учрарди. Зелихон қамоқ, айрилиқ азобларига чидай олмасдан ҳўнг-ҳўнг йиғловчи эркаклардан нафратланарди. Тўғри, йиғи эркакка хос ҳусн эмас. Аммо, Зелихон уларнинг дардини ҳис қила олмас эди. На фарзанди, на тайинли хотини, на тайинли қариндош-уруғи бўлган одам соғинч ҳиссини туйиши мумкинми? Элчинда Зелихонни нафратлантирадиган нарса йўқ эди.— Элчин ўзининг бегуноҳлигини кўрсатишга ҳаракат қилмас, солимас эди. Бу йигитнинг муштдек юрагини қоядек дард босиб турганини Зелихоннинг синчков нигоҳи илғади. Зелихон дардини яшира оладиган одамни яхши кўрарди. Ҳасратини ҳар кимга тўкиб солувчи эркакдан дўст чиқмайди, деб ишонарди.

Зелихон Элчиндан қасос ҳақидаги гапларни биринчи марта эшитганда сергакланди. У муштдек юракни қоядек дард босиб турибди, деб юрса, бу вужудда вулкон куч тўплаётган экан. Вулқон отилса ҳаммаёқни барбод қилади. Бироқ отилган чоқда баҳайбат тоғларни поралаб ташлагани каби кўкракни ҳам, аламли юракни ҳам тилка-тилка қилиб юборади. Зелихон айнан шундан хавотирга тушди. Қамоқда юриб ҳамма нарса ни ўргандим, деган бу гўдак (Зелихоннинг олдида Элчин бир гўдак эди) биринчи тўқнашувдаёқ нобуд бўлиши аниқ эди. Зелихон бу катта шаҳарга бегона, бу томонларда ризқ териб ейиш унга насиб бўлмаган, қамоқда Элчиннинг тарғиботида кейин шу ерларда юрган эди. Қиморбозликдан иш бошлаб жуда катта тўдага бош бўлган, энг муҳими, бирон марта бўлсин қўлга тушмаган Асадбекнинг кимлигини у яхши билмас эди. Асадбек тўғрисида юрган гапларга ишонмаган тақдирда ҳам, шаҳар ҳокимига нисбатан кўпроқ мавқега эга бўлган бу одам аҳмоқмасдир, деб қўйган эди. Зелихон аввалига Элчинни бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. У дунёда уч нарса очиқ кўзни кўрмайдиган қилиб қўяди, деб ҳисобларди. Бу — муҳаббат ўти, қасос ўти ва бойлик ўти. Зелихон муҳаббат ўтида ёнмаган. Бирон бир қиз ишқида ўртанмаган. Муҳаббат муаммоси тўшакда бир неча дақиқада ҳал этилади, деган ақидага амал қилиб яшаган.

У бойлик ўтидан ҳам кўрқмайди. Чунки у ўғри бўлгани билан, ҳеч маҳал бойлик тўплашга уринмаган. Яшаш учун ақчаси бўлса бас, бошқалардай данғиллама иморату орзу-ҳавасларга берилмаган. Шу ёшга кириб ҳали ўз уйи бўлмаган. Чўнтак бўшаб қолган тақдирдагина «ов»га чиққан. Ҳатто қўлга тушиб қамалиб кетсам, чиққанимда асқотади, деб жамғармаган ҳам.

Қасос ўти болалигида бир ёнгану бобосининг саъй-ҳаракати билан ўчирилган эди.

Уруш чеченлар яшайдиган қишлоқлардан узоқроқда бўлса ҳам унинг совуқ нафаси уфуриб турарди. Қишлоққа қорахатлар билан бирга нохуш миш-мишлар ҳам етиб келарди. Миш-мишлар оқибатда ҳақиқатга айланиб бутун қишлоқ бир кечада иссиқ уйлардан ҳайдаб чиқилди. Бир ҳафта бурун Зелихонларникига қора хат келиб аза очилган эди. Олти ёшга тўлган бола дам онасига қўшилиб йиғларди, дам бобосига қўшилиб кўлини фотиҳага очарди. У нима учун аза очилганини тушунди — отасини фашистлар ўлдирган. Энди қотилларни кечириб мутлақо мумкин эмас! Зелихон — энди хунхўр! Томирларида чечен қони оқаятган олти ёшли бола аждодлар қонунини биларди. Унга на онаси, на бобоси «ўч ол!» деди. Бу гапни унинг юраги айтарди. Шунга ақли етган бола нима учун уйқудан уйғотишганини, иккита тугунни орқалаб тун бўйи йўл юришганини сўнг поездга чиқишганини билмади. Биров «фашистлар яқин келиб қолишибди, бизни асрашяпти», деди. Бундан Зелихон ажабланди: фашистлар яқин келса яхши-ку! Уч олиш имкони туғилган экан-ку?! Яна биров «ичимиздан сотқин чиқибди, ҳаммамиз шунинг қасофатига қолибмиз», деди. Зелихон бунга ҳам ажабланди: қанақа сотқин, нимани сотади, қишлоқда сотадиган нима бор?..

Узун кечалар йўл юриб, ниҳоят бир қишлоқдан паноҳ топишди. Унинг кўнгли, кўзлари тоғларга, чўққиларга ўрганган эди. Бу қишлоқ тоғдан анча узоқ экан. Аммо бобоси ҳам, онаси ҳам шукр қилдилар. Бир деҳқон уйининг ярмини бўшатиб берди. Девор ўрнига эски шолча тортиб яшайверишди. Етти ёт бегонага ҳам мурувват кўрсатувчи имонли одамларга учратгани учун бобоси Оллоҳга шукрлар қилди. Яхшиям бобоси туркчани биларди, бўлмаса кунлари имо-ишора билан гаплашишга қолармиди...

Зелихоннинг онаси бетоланиб, икки хастинга ўтди. Учинчи кунни узилди. Бобоси доно эди. Ортиқча кийим-бошни қўйиб, ўлимлигини олволган экан, ўзига эмас, келинига насиб этди. Уч йил оралатиб ўзи қайтиш қилганида кафанликни шу уй эгаси топиб берди.

Бобоси бир ойдан зиёдроқ ўтди. Унинг умри тугаган, бу ҳаётдан насибаси қирқилган эди. Бироқ, Худога ёлбориб яна бир-икки ой умр сўрарди. Бегона юртда ғирт етим бўлиб қолаётган набирасини озгина бўлса-да, оёққа қўйиб омонатини топширса, кўзи очиқ кетмас эди. Насиба қирқилса, банда чорасиз экан. Бобоси то сўнгги нафаси чиққунча Зелихонга насиҳат қилди. Сўнгги кечада, сўнгги кучини жамлаб бир гап айтди:

— Болам, биз чеченлармиз! Унутма! Чеченлар ҳеч қачон ўзларини хор қилиб қўймаганлар. Сен ҳеч қачон номардларга бўйин эзма! Аммо яхшилик қилганларни умринг адо бўлгунча бошингда кўтариб юр. Сен ўз номусинг учун жанг қилмасанг, кечираман. Лекин сенга яхшилик қилган ўзбекларнинг номуси учун жон бермасанг, рози бўлмайман. Оллоҳ ҳам сени кечирмайди, билиб қўй! Ўзбеклар ҳам биз каби хорланган экан, вақти келса жонингни аяма...

— Бизни хўрлаганлардан қасос оламан! — деди Зелихон. Тўққиз ёшли чечен боласининг томирида қасос қони кўпириши учун етарли асос бор эди. Бобо буни биларди ва шундан кўрқарди. Қасос ўти боланинг кўзини кўр қилиб ҳалокат жари томон етаклаши муқаррарлигини билгани учун ҳам кўрқарди.

— Зинҳор! — деди бобо, кейин кўзларини юмиб тин олди. У хўрликни кечира олмайдиган чечен эди. Айни чоқда мусулмон ҳам эди. Чолнинг уришдан тўхтаб деб турган юрагида армон билан биргаликда қасос ҳам бор эди. Қасос — хўрликдан, армон эса қасоснинг қиёматга қолаётганидан. Чечен учун хўрликдан ҳам чорасизлик ёмон. Улар чорасиз эдилар. Тўққиз ёшли бола қасос оламан, деб қасам ичяпти. Аммо кимдан қасос олади? Биргина шуларнинг ўзини ҳайдаб чиқарганларида эди, сўраб-суриштириб, айбдорни топарди. Агар бу мўйловнинг (бобоси Сталинни «мўйлов» деб атарди) истаги билан амалга оширилган бўлса бошини қайси тошга уриши керак?! Бобоси кўзларини юмиб шуларни ўйлади. Унинг бу ўйлари Зелихон учун сир бўлиб қолаверди.

— Зинҳор, — деди бобоси кўзини очиб. — Бундай қасам ичма! Ота-онам гўрида безовта бўлмасин, десанг, тинч юр!

Уй эгаси, эски дўппининг устидан қийиқча боғлаб олган мўйсафид ярим пиёла сурта тўрт тўграм нон ташлаб, бир тишлами ни хастанин оғзига тутди. Зелихоннинг бобоси лабини қимтиб бош чайқади.

— Э, биродар, жонга дармон керак. Нима деяётганингизни англамадим-у, аммо болани кўрқитиш ярамайди. У ҳали ҳеч нимани тушунмайди.

Бобоси уй эгасининг мақсадини англаб, оғзини базўр очди. Анчагача тамшанди. Аммо нонни юта олмай аста чиқарди. Кўзлари бежо бўлди.

— Болам, сен бир айланиб кел, — деди уй эгаси Зелихонга.

Зелихон чиқиб кетди. Уй эгасининг нима учун чиқариб юборганини улғайганидан сўнг фаҳмлади. Бобосининг тамшаниши то ҳанузга қадар кўз олдидан кетмайди. Бобосининг ризқи тугаганмиди ё ўлим олдидан бировнинг луқмасини ютишни истамадими — бу Зелихон учун муаммолигича қолди.

Зелихон Элчин билан шаҳарда учрашганидан бери бобосининг сўнгги гапларини кўп эслайди. Бир томондан бобоси қасосга йўл бермай кетди. Бир томондан Элчин —



Ўзбек, уларга ҳам бошпана, ҳам насибасидан бир улушини, ҳатто кафанлигини баҳам кўрган халқ фарзанди. Яна бир томондан эса Элчин қасос олмақчи бўлган одамлар ҳам шу халқ фарзандлари.

Аланга Зелихонни уч томондан ўраб келарди. Бир томон очик — қочоқлик, кўр-қоқлик йўли. Чеченнинг энг номарди ҳам бу йўлдан юрмайди. Зелихон Элчинни қасос йўлидан қайтара олмаслигини биларди. Зелихон қасосга шерик бўлиш учун эмас, балки Элчинни аждаҳо қомидан асраб қолиш учун ҳам унинг ёнига кирди.

Уч-тўрт киши бўлиб хазинани уриш ёки бирон бойни қақшатиш Зелихонга чўт эмасди. Аммо Элчиннинг бошлаётган иши уни анча гангитиб, ташвишга солди. У Асадбекдан чўчиди, дейиш бўҳтон. Асадбекдан жони ўзига ширин одамлар кўрқишади. Шу пайтгача Зелихон жонини сира аямаган. Унинг ташвиши — мақсад сари бир-икки қадам қўйганда бевақт йиқилиб қолиш. Эркак одам бир ишга қўл урди, ўлса ҳам охирига етказиб ўлиши керак — шу ақида асосида улғайган Зелихон бошқача йўл тутолмас эди.

Зелихон пиёладаги мусалласни сипқориб, нигоҳини бир нуқтага қадаб ўтирган Элчинни елкасига аста туртиб қўйди.

— Зелихон ярим йўлда ташлаб қочмайди. Мен — чеченман! Унутма! Асадбек сенга уйлан дебдими, уйлан. Тўйга тайёргарлик кўравер.

Бу гапдан кейин Элчин бошини кўтарди.

— Ўзига куёв қилса-чи?

Зелихоннинг режасида ишнинг бу томонга оғиши назарда тутилмаган эди. Асадбекнинг қизини ўғирлаш, унинг номусига тегиш гоёси Зелихондан чиққанди. Ишни бошидан охиригача ўзи пишитиб берган эди. Элчиннинг вазифаси қоронғи уйда кўрқувдан титраб ўтирган қизининг қўйнига кириш эди. Элчин биринчи кирганида «Ойижон!» деб ўзини ҳимоя қилган, жонҳолатда типирчилаган қизни енга олмади. Унга раҳми келди. Агар қиз «отажон!» деб бақирганида кўз олдига Асадбекнинг қаҳрли нигоҳи келиб, балки кўнглидаги раҳмини парчалаб ташлармиди... Кейинги сафар қиз «ойижон!» деб бақирганда Ноиланинг ноласини эшитгандай бўлди. Қиз унинг бағрида типирчилганда кўкрагига пичоқ қадалиб жон талвасида етган хотини кўзига кўринди.

Уша тун Элчин учун синов кечаси эди. У ўч олишнинг азобини ҳам, лаззатини ҳам татиб кўрди. Лаззат шаҳватини қондиришдан эмас, балки дастлабки қасоснинг ширин сувидан эди. Азоби — ноҳақ жабр тортиш нима эканини тотиб кўрган йигит беғуноҳ бир покиза вужудни булғади.

Зелихон бу режани тузаётганида Элчиннинг икки ўт орасида қоврилишини ҳисобга олган эди. Чунки у биринчи марта бегона одамнинг чўнтагига қўл солганини, пулини олгандан сўнг уятдан ёниб кетай деганини ҳали-ҳали унутмайди.

У Асадбекнинг феълини билмас эди. Бундай воқеага қўл силтаб қўядими ё куйиб-ўртанадими — бу яратганга аён бўлмаса, Зелихон учун қоронғи эди. Унинг назарида Асадбек — ота. Қизининг номусига бефарқ қарайдиган ота бу юрда йўқдир. Айниқса, кўпнинг назарида турган одам номусга бефарқ қарамас. Тўғри, унинг олдида шўрлик қизи ҳақида оғиз очишга журъат этмайдилар. Лекин пана-панада висир-висир бўлишини Асадбек сезмасмикин? Гап-сўзларга барҳам беришнинг энг тўғри йўли — уни турмушга узатиш. Куёв ким — Элчинми?

Зелихон Элчиннинг сўзларидан кейин ўзини Асадбекнинг ўрнига қўйиб кўрди. Ўзини марҳаматли, одампарвар кўрсатаман, деса «қамалиб чиққан отарчи»дан ҳазар қилмай, елкасига куёвлик сарпосини ёпади. Мисқоллаб тўплаган обрў-эътиборини ўйла-са — бу ишга қўл урмайди. Хўш, Асадбек учун қай бири қадрли? Зелихон бу муаммога жавоб топа олмади. Бу саволга жавобни орадан кўнлар ўтиб Асадбекнинг ўзи айтди.

## VI БОБ

### 1

Шариф гаранг эди. Кўргани, эшитгани тушми ё ўнг эканини фарқлай олмас эди. Дам баданига ҳаловатли, ҳузурли куч ҳукм ўтказди. Бундай пайтда у булутларга ён-бошлаб олиб осмонда сузади. Баъзан эса қандайдир кўринмас бир куч темирчининг омбури билан юрагини сиқа бошлайди. Ана шунда дунё кўзига тор бўлиб кетади. Эсини таниганидан бери кўрган хўрликларини, аламларини, ташвишларини эслайди. Эслаб туриб «омбурингни қаттиқроқ сиқсанг-чи, бу юракни биратўла вайрон қилиб юбора қолсанг-чи», деб нола қилганини ўзи ҳам билмайди.

Шариф ҳозир ҳам шу аҳволда эди. Икки қаватли қаравотнинг юқорисида юзтубан ётиб, дардли бир тўлғоқни бошидан кечирар эди. Бировларни оналари дуру гавҳар устида туғиб, зарҳал чойшабларга йўргаклайди. Шариф эса, ўзининг назарида, аламлар тиконзори устида туғилиб, ташвиш чойшабига йўргакланган. Бировлар бу дунё неъматларидан тўйиб баҳраманд бўлиш учун туғилган бўлса, Шариф, ўзининг назарида, бу дунёдан нафратланиш учунгина туғилган. Гўё поко Парвардигор уни яратиб «мана, қараб қўй, бу дунёда ҳавас қиладиган ҳеч нима йўқ», дегану Шариф туғилганидан бери мана шу ҳақиқатни қадам-бақадам англаб бораётгандай. Бу дунёда ҳамма нарса ўлчов-

ли, ҳамма нарсанинг чеки-чегараси мавжуд. Алқисса, Шарифнинг бошига ёғилаётган абри бало ҳам ўтай деб қолдими? Бу булут унинг бошига ҳам турли аламларни, ғуссаларни ёғдирди. Энг сўнги бало — ўлим уруғими, қамоқда чириш қисматими?

Шарифнинг баданига титроқ югуриб, тан азоби руҳ азобини қувиб чиқара бошлади. Энг чеккадаги каравотда қарта ўйнаб ўтирган давранинг дам жимиб қолиши, дам асабга тегувчи ғўнғиллаши, дам баланд овозда гап талашиллари ҳам туманли уфқ бағрига сингиб кетди. Кўнгли айниб, аъзойи бадани қақшади. Гўё ичига катта илон кириб олиб, буралиб, тўлғона кетди. Шариф шу ёшга кириб сира бу ҳолга тушмаган эди. Тумов каби неъматлардан эл қатори баҳраманд бўлиб юрарди. Аммо бунақа азобли дардни сира тортмаган эди. «Ўладиганга ўхшайман, — деб ўйлади у.— Ичимда буралаётган жон бўлса керак. Жон чиқиси шунақа оғирми?» Азоблар мавжи бироз пасайган дамда отасини эслади. Отаси мулойим гапира туриб жон таслим қилган эди. Гўё гапдан ҳориб пича тин олиш учун кўз юмгандай эди. Ушанда «ўлиш ҳам осон экан-да», деб кўйганди. Ҳозир бу дунёни ташлаб кетиш осон эмаслигини англади.

Шариф ҳаётдан тўйган банда эмасди. Тўғри, у тўйиб еб-ичмади, таралла бедодлар унга насиб этмади. Агар шуларга интилса, балки эришарди. Нолимай яшади, ўз ишини билди. Шу аҳволда бўлса ҳам яна узоқ йил умр кўришни истарди. Аммо начора... кунни битганга ўхшайди.

«Куним битганга ўхшайди...» Шарифнинг хаёлига бу фикр қаттиқ ўрнашиб олган эди. Соқчи орқали дўхтир чақиришни ўйламасди. Бу дард ўлим даракчиси эмас, балки мастлигида томирига юборилган қорадорининг хумори экани хаёлига ҳам келмас эди. Терговчининг гаплари, билагидаги игна изи оқибатда бунчалар азобларга қўйишини ўйлаб кўрмаган эди. У гиёвандларнинг телба кўзларини, қийноқдан тўлғонишларини телевизорда кўрган, аммо бу аҳволга тушиб қолиш мумкинлигини билмас эди.

Унинг букчайиб титраши, ўқчиши хона бурчагида қимор ўйнаб ўтирган йигитлар диққатини тортди. Улардан бири Шарифга яқинлашиб пешонасида тўзиб ётган сочини сиқимлаб, бошини кўтарди-да, ярим очик кўзларига қаради.

— Пахан ўзимиздан экан-ку, — деди у шерикларига қараб.— Нима қиламиз?

— Ишинг бўлмасин,— деди тўрда ўтирган киши.

— Одам қилиб қўя қолай, ҳаққини тўлар? — деди йигит.

Тўрда ўтирган кишидан садо чиқмади. Йигит ўзи ётадиган каравот томон юрди. Ёстиғини кўтариб, тугунча олди. Тугунчада эм игнаси, икки қарич ингичка резина ичак бор эди. У Шарифга яқин келиб уста ҳамширалардай резина ичакни Шарифнинг билагига ўради. Сўнг бўртиб чиққан томирга игна санчди.

Шарифни азоблар тарк этди. Ичидаги илон ҳам тинчиди. «Жоним чиқиб кетдими?» деб ўйлади. У роҳат кучоғида суза бошлади.

Ширин тушлар адоғига етиб маст уйқудан уйғониш вақти етди. У кўзини очиб пича карахт ётди. Қамоқда экани, азоб билан тўлғонгани туш эмас, ҳақиқат экани аён бўлгач, ёстиқдан бош кўтарди. Темир панжарали дераза ортида туннинг қора башараси кўринди. Икки қаватли темир каравотларда маҳбуслар ухлаб ётишибди. Хона бурчаги одатдагидай бедор. Улар Шарифнинг уйғонганини дарров сезишмади. Шариф қаддини кўтариб оёқларини пастга осилтириб ўтирганидан кейин даврадаги бир йигит ўрнидан турди.

— Ҳа, пахан, аҳвол қандоқ, зўрми? — деди у Шарифга яқинлашиб.

Шарифга унинг юзи таниш кўринди. «Қаерда учратган эканман?» деб ўйлади.

— Пастга тушинг мундоқ, ҳисоб-китоб қилиб қўяйлик.

«Нимани ҳисоб-китоб қиларкан», деб ўйлади Шариф.

Йигит Шарифни эшик томон бошлади. Ювингич ёнидаги қўпол қутини имлаб деди:

— Утириб ёзинг, пахан. Кеннайимга бизадан салом этинг. Эртага бештагина кусок тайёрлаб қўйсинла.

— Тушунмадим,— деди Шариф,— кусогингиз нима?

Йигит ростдан тушунмадими ё лақиллатяптими, деб ўйланиб, унга қаттиқ тикилди. Кейин қўпол оҳанг:

— Беш минг,— деди.— Эртага беш минг сўм етказиб бермасан тилла тишларингни суғуриб оламан.

— Менда... тилла тиш йўқ,— деди Шариф, соддалик қилиб.

— Қани оғзингни оч-чи?

Шариф йигитнинг амрига бўйсинди.

— И-е,— йигит ажабланди, лекин бўш келмади,— унда каллангни суғуриб оламан. Беш мингга арзийдими ўзи бу калла?

— Оғайни, уйда беш мингим йўқ менинг. Мен...

— Гапни чўзма. Ёз хатингни. «Беш минг топиб бермасанг, мени ўлдиришаркан», деб ёз. Агар бу ҳам сенга етмаса, бола-чақанг билан қириб юборамиз. Беш минг топиллади, бола-чақа топилмайди!

Шариф чинакамига қўрқиб кетди. Бу йигит ҳазиллашаётганга ўхшамайди. Шариф бундай қаҳри қаттиқ одамларнинг қилмишларини кўп эшитган. Одамнинг калласини олиб ҳузур топадиган бу бандалар шунчаки пўписча қилишмайди. Шариф йигит узатган

қаламни олиб иккитагина жумла ёзди: «Онаси, менга беш минг жуда зарур. Хатни олиб борган одамга толиб бер». Йигит хатни ўқиб жилмайди.

— Вей, пахан, одам экансан-ку, а? — деб елкасига уриб қўйди-да, эшикни тақиллатди. Дарча очилиб соқчининг юзи кўрингач, хатни узатди.

— Шу акахонимизнинг хатлари бор экан, бериб қўйинг, дуо қиламиз.

Шариф бу ҳолатни кўриб лол қолди. Бу йигит ким ўзи — маҳбусми ё турманинг эгасими? «Ҳарҳолда пачакилашмаганим дуруст бўлди», деб ўзига таскин берди. Йигит уни даврага бошлади. Шарифга ҳам қарта узатдилар.

— Мен... ўйнамайман... билмайман,— деди Шариф қартани нари суриб.

— Билмасанг, ўрганасан, бундан осон иш йўқ. Эркакмисан ўзинг? — деди йигит қатъий оҳангда. Сўнг Шарифнинг олдига бир сиқим пул қўйди. — Бу қарз. Ҳалигидан ташқари.

Шариф аввалига бироз ютди. Йигит унга маслаҳатчи бўлди. Сўнг ютқициқ бошланди. Қарзга берилган бир сиқим ғижим пул учдио кетди. Даврадагилар ҳотамтой эдилар, бу бечорага раҳм қилиб қарзга ўйнашга рози бўлдилар. Тонгга қадар «Шариф бойвачча» ўттиз минг сўмлик қарзга ботиб, ўрнидан турди.

— Кеннайимга яна бир хат ёзасан. Пул уч кунда шу ерда бўлиши керак,— деди йигит.— Бўлмаса...

— Биламан,— деди Шариф,— молим ҳам, жоним ҳам талонда.

— Ҳа, баракалла, бор, ёза қол.

Соқчига яна битта хат берилди. Шариф ўрнига чиқиб ётиб ўйга толди. Боши берк кўчага кириб қолди, десак унча тўғри бўлмас. Боши берк кўчага кириб қолган одам орқасига қайрилиб қайтиб чиқиб кетиши мумкин. Шариф назарида боши берк кўчага кириб қолмади, балки нақ жаҳаннамнинг ўзига қулади, энди ортга йўл йўқ. Шу ерда куйиб кул бўлиши керак. Узи-ку куйиб кул бўлишга маҳкум этилган экан, оиласини нима сабабдан жаҳаннам оловига рўпара қилди? Шариф мана шундан доғда эди. Энди нима қилсин? Терговчига айтсинми? У ҳам буларнинг одами бўлса-чи? Бу йигитнинг кўриниши бинойи, ўзини раҳмдил, ҳақиқатпарвар қилиб кўрсатяпти. Бироқ... ҳамма балони шулар бошлайди — Шарифнинг биринчи учрашувдан чиқарган хулосаси шу.

Янги йилнинг биринчи кунини Шарифни ўттиз минглик қарз ботқоғига ботирди. Хотини бу пулни қаердан топади, кимларнинг остонасига бош уради — ўйлаб ўйига етолмади. Пулдор қариндош-уруғи, ошна-оғайниси ҳам йўқ. Синфдошлари орасида бойваччалар бор, лекин уларни ҳаромхўр деб билиб, ҳатто ҳазар қилиб борди-келдини йиғиштириб қўйган эди. Энди улар ёрдам беришармикин?

Нонуштадан кейин Шарифнинг тунги «улфатлари» дам олиш учун каравотларига чўзилишди. Уларга халақит беришнинг қандай оқибатга олиб келишини барча билармиди, ҳарҳолда айтадиган гапларини пичирлаб айтишди, юрсалар оёқ учини, товуш чиқармай юришди. Тунда ҳориган маҳбуслар пешингача ухлаб, худди келишиб олгандай бир вақтда уйғонишди. Бир-иккитаси юз-қўлини ювган бўлди. Қолгани турибоқ, бир эснаб, бир керишиб тунда эгаллаб ўтирган жойига борди. Тартибли идора ходимларидай, хизматни бир дақиқа кеч бошласа қиёмат юз берадигандай жам бўлиб олишди. Лекин ўйинни — хизматни бошлашмади. Идоралардаги «беш дақиқалик мажлис» каби буларнинг ҳам издиҳомини мавжуд эди. Идоралардан фарқи — бу ерда мажлис бир-икки соат эмас, бир-икки дақиқа давом этарди. Тўроғасининг гапи қисқа эди:

— Олиб келишмабдими?

Жавоб ундан ҳам қисқа:

— Вақт ўтди.

Хукм ундан-да қисқа:

— Бошла.

Шариф талвасада ётганида унга жон ато этган йигит ўрнидан туриб эшик яқинидаги каравотга яқинлашди. Каравотда узала тушиб ётган гўштдор одамни туртди:

— Тур ўрнингдан, тўнка! — деб бақирди. Хонадагилар ҳозир даҳшатли воқеа юз беражagini фаҳмлаб, нафас ютдилар. Каравотдаги одам — ўттиз беш ёшлардаги бақалоқ йигит — пинакка кетган эканми, қаддини кўтарди-ю, аммо нима гап эканини англамай, жавдираб қаради.

— Соатингга қара, бир бўлдими? Ун иккига етказишинг керакмиди?!

— Олиб келишади, гап йўқ, окахон.

— Қани, оғзингни оч.

— Жон окахон, худо урсин, олиб келишади.

— Оч деяпман!

Йигит эланавергач, даврадан бир одам турди-да, унга яқинлашиб бошини чангаллади. Худди тарвуз танлаётгандай қаттиқ сиқди. Йигит оғриққа чидаёлмай додлади. Шунда у одам иккита бармоғини йигитнинг бурнига тиқиб, бир қўли билан пастки жағини пастга тортди. Япалоқ омбир билан йигитнинг тилла тишларини бир-бир суғуриб олдилар. Маҳбуслар, жумладан Шариф ҳам орага тушишга қўрқиб, ҳеч нарса ни эшитмагандай, сезмагандай жим ётавердилар. Ташқаридаги соқчилар эса, дод-фарёдга аҳамият ҳам бермадилар. Шариф бу манзарани кўриб титраб кетди. «Бу-

нинг-ку, тилла тишларини суғуриб олдилар. Мени нима қилишар экан?» деган ўй уни «ўзимни ўлдирсам қутуламанми шу азоблардан», деган тўхтама сари бошлади.

## 2

Зоҳид Шарипов прокуратура жойлашган иморатнинг рўпарасидаги катта чинор ёнида турган аёлни дарров таниди. Унинг шундай фазилати бор — бир кўрган одамни анча вақтдан кейин ҳам дарров танийди. Эгнига одми, бироз уринган пальто кийиб, жун рўмол ўраб олган бу аёл — Шариф Намозовнинг хотини — Насиба эди. Бу ҳол Зоҳидни ажаблантирмади. Ҳибсага олинганларнинг яқинлари милисахонага, прокуратураларга қатнайвериб тинкалари қуриydi. Аёллар йўл пойлаб, кўз ёш тўкиб чарчашмайди. Эрларининг ёки оталарининг, ака-укаларининг бегуноҳ эканини исботлашга уринишади. Бу фарёдларга қараб туриб, «фақат бегуноҳлар қамалар эканда», деб фикрлаш мумкин. Зоҳид ҳозир ҳам шу ҳоля такрорланади, деб ўйлади. Хотинни кўрмаганга олиб ўтиб кетмоқчи ҳам бўлди. Лекин ўзи сезмаган қандайдир куч уни бир нафас тўхтатди. Аёлнинг ҳаракатга келиши учун шу бир нафаслик тўхташ ки-фоя эди.

— Сизда гапим бор, — деди аёл синиқ овозда.

— Юринг, — деди Зоҳид.

Аёлга совуқроқ муомала қилгани ўзининг ҳам ғашини келтирди. «Бу хотин неча соатдан бери совуқда турган экан, гапи бордирки кутган... Эрининг айби йўқлигини ўзим ҳам сезиб турибман. Бу бечорага нима учун хўмрайдим?» Зоҳид иморатга ярашмай турган кичкина пешайвонга чиқиб ортига ўгирилди. «Зоҳид иморатга ярашмай ё адашдимми?» дегандай битта-битта босиб чиқарди.

— Кеннойи, юраверинг, — деди Зоҳид.

Бу гапдан кейин аёл сал дадилланди. Машойихлар «сўз ханжар бўлиб жонни олиши ҳам, тириклик суви бўлиб ўликка жон бериши ҳам мумкин», деганларидай, Зоҳиднинг «кеннойи» дейиши аёлдаги хавотир булутини бироз тарқатди.

Ўтган куни пешинда бир йигит келиб: «Шариф акамгила хат бериб юбордила», деганида хуфтон дили бирдан ёришиб кетди. Аммо «Беш минг бериб юбор», деган гапни ўқиб ажабланди. Хаёлига урилган нарса — пулни милисадагилар сўрашган, деган фикр бўлди. Йигит яна келаганини билдириб, тезда изига қайтди. Кеча эса ўттиз минг сўралган мактубни ўқиб, эти увишиб кетди. «Агар шу пул эвазига чиқариб юборишса, уйни сотиб бўлса ҳам топиб бераман», деган қарорга келди. Кейин фикри бироз тиниқлашгач, «пулни ким сўраган бўлиши мумкин?» деб ўйлай бошлади. Уша куни уни икки йигит сўроқ қилди. Бири шарттакироқ эди. Уша сўрадимми? Кейингиси прокуратураданман, деган эди, ё ўшанисига керакми бу пул?

Насиба, гарчи маълумотли аёл бўлса-да, ҳуқуқ илмидан буткул бегона эди. Милисанинг вазифаси — ушлашу қамаш, прокурорнинг вазифаси — қоралаш, суднинг иши — ҳукм чиқариш, деган юзаки тушунча барча ўзбеклар сингари унга ҳам йўлдош эди. Ўйлаган ўйлари ҳам шу тушунчалар атрофидан нари силжимас эди. Прокуратура фақат қоралаш эмас, ҳақиқатни ойдинлаштириш иши билан ҳам шуғулланиши лозимлигини билмаса-да, пул сўраса шулар сўрайди, деган фикр уни Зоҳид билан учрашишга даъват этди. «Сўрайдиган бўлса ўзимга айтсин, нимага одам қўяди», деб тонготарда йўлга чиқди. То Зоҳид кўрингунча минг хаёлга борди. «Ўзимни қамаб қўйса-я», деб кўрқди ҳам. Зоҳид совуққина қилиб «юринг», дегач, «ҳа, шу сўраган, келганим ёқмади», деб, кутганларига пушаймон еди. Аммо «кеннойи» деган сўз умид ҳам берди. «Бу эмасдир», деган илинж билан қадамини тезлатди.

Зоҳид Насибага жой кўрсатиб, ўзи ҳам ўтирди. У аёлнинг эримда айб йўқ, деб гап бошлашини кутиб, «қулоғим сизда», дегандай қаради. Аёл дафъатан тилга кирмади. Унинг нимадандир ўнғайсизланаётганини Зоҳид сезди.

— Кеннойи, бери гап бўлдими, эрта саҳардан келиб турибсиз?

— Йў-ўқ, — Насиба шундай деб Зоҳиднинг кўзига бир қараб олди. Дилидагини айтиш ёки айтмаслигини билмай яна иккиланди. — Билай деб келувдим.

— Тергов энди бошланди. Сизга бир нима дейишим қийин.

— Ростдан ишоняписизми шунга?

— Биз далилларга ишонамиз. Уйингиздан қорадори чиққан. Бу эрингизга қарши бир далил. Агар уни бирор одам қасддан ташлаб қўйган, десак, бунга ҳам далил керак, гувоҳ керак. Агар шу ишга оид бирон гапингиз бўлса, айтинг.

— Гапим йў-ўқ... — Насиба айтмаса, ҳозир чиқиб кетиши лозимлигини билиб, сўзида тутила-тутила мақсадга кўчди. — Узимда йўқ, лекин қариндош-уруғ қараб турмас. Бир ҳафтада олиб келсам... далил топиладими?

Зоҳид аввалига тушунмади. Кейин аёлнинг мақсадини фаҳмлаб жони чиқиб кетай деди. Одамларнинг пора таклиф этиши унинг учун янгилик эмас. Акасининг ўлими ва суд жараёнлари даврига ишга пул аралашганини сезиб қанчалар изтиробга тушган бўлса, кейинроқ бу хизматга ўтиб пора билан юзма-юз келгач, ундан беш баттар қийноқларга учради. Пора деган нарса бир қараганда кўриниши ёқимтой, тили ширин,

онаси ўпмаган қизга ўхшайди. Бу қиз ишвали жилмайиб, кўз қисиб, нуқул тўшакка имлайди. Ҳатто чол одамни ҳам бўйдоқ йигит ҳолига солиб қўяди. Елкадаги шайтон тинмай шивирлаб, «унинг қучоғига отил», дейди. Аммо бу ишвалар, бу шивирлар Зоҳидга ҳукм ўтказа олмайди. Чунки ўша ишва билан унинг орасида акасининг руҳи бор. Ишвага учса — акасининг мурдасини босиб ўтган бўлади. Зоҳиднинг сергак онги бунга йўл қўймайди.

Ҳозир пора таклиф этаётган бу жувонга қараб, ғазабини ичига ютди. «Бу аёл чайна-либ гапиряпти. Умрида бировдан ўзи учун бир нарса сўрамаган, таъма қилмаган одам шунақа бўлади. «Мен сизга шунча берай, эримни қўйиб юборинг», дейишга андишаси йўл бермаяптими?»

— Сизга бу гапларни биров ўргатдимми ё ўзингиз ўйлаб топдингизми?

Зоҳиднинг овозида қаҳр, ғазаб зоҳир эди. Насиба бу йигитнинг тез ўзгаришини кутмагани учун бир сесканиб тушди, тамом ўзини йўқотди.

— Бунақа гаплар учун...

Насиба йиғлаб юбормай, деб пастки лабини тишлади. «Майли, мени ҳам қамай қолинг. Сизлар бегуноҳ одамларни қамаш, майиб қилиш, хўрлаш учун дунёга келган-сизлар. Сизлар биз бечораларнинг кўз ёшларини, жигар қонларини тилла тоғларга айлантрасизлар. Ҳаром нон еб қоринни қаппайтирасизлар яна бизларга дўқ ура-сизлар?!» деган ҳайқирик кўкрагини эзди, аммо бўғзидан нарига кўтарилмади. Дарди ичида қолаверди. Ҳақиқатни айтиш шунақа қийин. Айниқса нопок одамларга (Насиба-нинг назарида Зоҳид ҳам нопоклардан эди) бас келиш мушкул. Ундан кўра ўттиз беш минг сўмни топиб бериш осонроқ. Насиба «бу йигитга бекор учрабман. Энди ўртага қўйган одами билан гаплашавераман», деган фикрга келиб жойидан кўзғолди.

— Кеннойи, ким нима деса сўзига учаверманг. Беш кўл баробар эмас. Ўйлаб иш қилинг.

Зоҳиднинг мулозимлашгани жувонни яна ўрнига қайтарди.

— Ахир хат олиб келишди-ку? — деди ажабланиб.

— Қанақа хат?

Насиба чўнтагида ғижимлаб турган хатни чиқариб узатди. Зоҳид шошиб олиб ўқиди.

— Дастхат эрингизникими, аниқми?

— Ўзлариники, хатларини танимайманми?

Зоҳидга воқеа равшанлашди. У турмалардаги аҳволни биларди. Лекин жувонга хатнинг ёзилиш тарихини айтолмасди. Айтса, бу хотиннинг эси оғиб қолиши ҳеч гапмас.

— Сиз... уйингизга боринг. Бу ишни бизга қўйиб беринг. Агар пулни сўраб келиш-са, икки соатдан кейин келинг, денгу менга хабар беринг.

Зоҳид гапини тугатиши билан эшик очилиб, башанг кийинган йигит кириб келди. Зоҳид прокурорнинг ёрдамчиси билан яқин алоқада бўлган бу терговчини танирди, аммо ҳамсуҳбат бўлмаган эди. Унинг хонага берухсат кириб келиб, яна ўтириб олиши ғашини келтирди. Насибага «бораверинг» дегандай қараб қўйди. Жувон ўрнидан турган-нида йигит уни тўхтатди.

— Кечирасиз, опа, сиз ким бўласиз?

— Бу киши Намозова, суҳбатга чақирган эдим, — деди Зоҳид совуқ оҳангда.

— Э, анави бечоранинг хотинимисиз? — деди йигит ачинган одамдай. — Эрингизни ташунмовчилик билан қамашибди. Бугун қўйиб юборамиз.

Аёл тушими ё ўнги эканини билмай тамом гангиди.

— Сиз кетаверинг. Ош-пош пишгунча эрингиз уйингизга кириб боради.

— Ростми... вой...

— Э, одамларга яхши гап айтсанг ҳам ишонилмайди-я! Прокурор ёрдамчиси ҳозир буйруқ берди. Эрингиз озод. Тезроқ боринг уйингизга.

Аёл ажабланиб, Зоҳидга бир қараб олдию хонадан шошилиб чиқди.

Зоҳид жувоннинг савол назарига жавоб беришга ожиз, чунки унинг ҳайронлиги ҳам аёлниқидан кам эмасди.

— Гапингизга ташунмадим? — деди Зоҳид, аёл чиқиб кетиши билан.

— Винзавод директори прокурор ёрдамчисига келиб ҳаммасини ўзи ташкил қилганини бўйинга олди. Намозов бегуноҳ. Сизга шуни айтгани кирувдим. Овора бўлиб қоғоз титиб юрманг. Омон бўлинг, ошна.

— Директор тўхмат қилган бўлса...

— Бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, — йигит шундай деб, чиқиб кетди.

Зоҳид қандай ўйин бўлаётганини билолмай ҳайрон қолди.

— Намозов!

Дилгир ўтирган Шариф соқчининг амрли овозини эшитиб ўрнидан кўзғолди. Қа-моқхонада эзилиб ўтириш дурустми ё терговчи билан узундан-узун суҳбат қуришми — билмасди. Тилла тишлари суғуриб олинган одам ихрашларини бас қилган, аммо унинг зорли овози Шарифнинг қулоқларига муҳрланиб қолган эди. Кап-катта эркак одамнинг

сўйишга маҳкум этилган буқадай ўкириши, сўнг тул хотиндай пиқиллаб йиғлаши, кейин омонатини топширишга қасд қилган, сўнгги нафаслари билан иҳранаётган бемор каби овоз чиқариши фақат Шарифга аталгандай эди. У бўкирганда ҳам, йиғлаганда, иҳранганида ҳам Шарифга «Кўриб қўй, сенинг бошингга ҳам шу тушади. Сени азоблашдан аввал менда тажриба ўтказишяпти. Сенинг тилла тишларинг йўқ, итдан баттар хор бўласан», дегандай бўлар эди. Шариф учун бир нарса қоронғи — бу одам жон азобида инграятими ё мол аччиғидами? Ҳар ҳолда тилланинг нархи ҳозир фалон пул...

«Иш куни» қарта ўйинидан иборат бўлган одамлар эса ўз юмушлари билан банд. Уртадаги бир тутам пул гўё шу қамоқхонадагилар тақдири ёзилган ҳукм қоғози. Уй суриб ётган, бир-бири билан паст овозда гаплашиб қўяётган, қаттиқ ёстиққа юзини босиб пинхона йиғлаётган катта-кичик эркаларнинг ҳар бири исталган пайтда пул ўрнига тикилиши мумкин. Бу ердаги маҳбусларнинг ишлари ҳам терговда. Судгача ҳали фурсат бор. Қимор ўйновчилар терговчи ва ҳакамларга нисбатан тез ишлайдилар.

Шариф ўзига аталган ҳукм ва ижронинг қандай бўлишини ўйлаб, эзилиб ўтирганида соқчи уни чақирди. Шариф ярим очиқ эшикка яқинлашиб орқасига ўгирилиб қаради: бурчакдагиларнинг у билан ишлари йўқ, муҳим муаммони ҳал этолмай гаран бўлаётган олимлар каби жим ўтиришибди. Гўё соқчининг овозини эшитишмаган, гўё Шарифни қулоғигача қарзга ботиришмаган. Ҳатто кўнгил учун ҳам бир қайрилиб қараб қўйишмади-я!

Соқчи даҳлиздаги шеригига Шарифни топшириб, ўзи эшикни шарақлатиб ёпди. Шариф темир зиналардан пастга, ундан ҳовлига чиқди. У терговчи билан учрашувга ҳозирланган эди. Соқчи Шарифни иккита стол қўйилган чоғроқ хонага бошлаб кирди. Қалдирғоч мўйловли йигит Шарифга фақирга менсимай қараган подшо каби илкис назар ташлаб қўйди. Подшолар бундай пайтда фақирнинг таъзим бажо айлашини, тиз чўкишини, тиззалаб юриб келиб оёқларини ўпишларини кутганлар. Бу мўйлабли йигит қадим шоҳларнинг фақат назаринигина олган, қолган удумлардан «феодал сарқити» сифатида воз кечган дейиш мумкин эмас. Агар Шариф ҳозир тиз чўкса, фақирга лозим бўлган ишларни бажарса, бу «кўнгли бўш» азамат йигит йўқ демасди. Ҳарҳолда бу йигитнинг ўзи ҳукмдор бўлмаса-да, қарашлари ва айтар сўзи шоҳона эди.

— Намозов, сиз озодсиз. Айбларингиз исботланмади.

Шариф прокуратура терговчиси билан суҳбатдан кейин «бу бир англашилмовчилик бўлса керак, текшириб чиқариб юборишади», деб умид қилган эди. Қамоқхона эшиги ҳар очилганда ё соқчи тирқишдан мўралаганда «мени чақиришармикин», деб нажот кўзи билан қараган одам «Сиз озодсиз» деган сўзни эшитиб ишонмади. «Сиз фалон жиноятни қилишда айбланасиз» дейиш ҳам, «Сиз озодсиз!» дейиш ҳам шунчалар осонми? Дунёнинг лаззатини фақат илм билан шуғулланишда ва оқибатда нимадир кашф этишда деб билган одамга бу идора, унинг ходимлари, уларнинг муомалалари ғалати туюларди. Одамни бу даражада хўрлаш, бу даражада калака қилиш, бу даражада тепкилаш мумкинлигини тасаввурига сиғдирилмас эди. Бу хўрликларни ўз кўзи билан кўриб, танасида ҳис этган бўлса ҳам, ишонгиси келмасди. Ҳозир қалдирғоч мўйлабли йигитнинг яна бир марта «Сиз озодсиз», дейишини кутди. Аммо йигит онасидан камгап бўлиб туғилганими, ё унга раҳбарлари «фақат бир марта айтсан бу сўзини» деб қаттиқ тайинлашганми, ё бу ширин сўзининг қиммати фалон сўму бу пулни тўлашга Шарифнинг қурби етмаслигини билгани учунми — ҳарҳолда такрорламади. Шунда Шарифнинг бағри ёнди. Ношукур банд! Раҳмат, деб чиқиб кетавермайдими?! Ҳозиргина ўлимга рози бўлиб ўтирган одам бирдан ҳақиқатни айтгиси келиб қолди. «Нимага мени бу азобга гирифтор қилдинглар, нима ҳақларинг бор эди, қилғилиқни қилиб қўйиб, узр сўрайдиган тилларинг узилиб тушганми?!» демоқчи эди. Сўз бошлади ҳам:

— Нимага...

Ҳар тугур йигит гапиргани қўймади:

— Нимағалигини уйингизга борганда биласиз. Яхши одамларнинг назари сизга тушибди. Бўлмаса уруғ-аймоғингиз билан қамоқда чирирдингиз. Боринг, гапни чўзмаңг,— йигит шундай деб бир парча қоғоз узатди.

Шариф қоғозга қўл узатган эди, орқасидаги соқчи чаққонлик қилиб, қоғозни ундан аввалроқ олди-да, елкасига «юр» дегандай туртиб қўйди.

Шариф дарвоза эшигидан ташқарига чиқиб икки-уч қадам юргач, тўхтаб, ўгирилди. Топаси сим тўсиқли девор баландлигини чамалагандай узоқ тикилди. Шу пайт ёнида сутранг «Жигули» тўхтаб хаёлини бузди. Узини четга олишга улгурмай машина эшиги очилди.

— Утиринг, окахон,— деди жингалак сочли йигит, меҳрибонлик билан.

— Раҳмат, ука, овора бўлманг,— деди Шариф. У «йигит бирор танишимнинг ё укаси ёки ўғли бўлса керак, тасодифан кўриб қолди», деб ўйлади. Қамоқдан чиқа солиб танишга учраганидан ҳатто хижолат бўлди. Одамлар айби борми ё йўқми деб мулоҳаза қилиб ўтиришмайди. «Қамоқда ўтириб чиққан», деб ола қарашади.

— Утиринг,— деди Жамшид. Бу сафар унинг овозида меҳрибонлик эмас, қатъийлик, амр оҳанги зохир эди. Гарангсиб турган Шариф буни сезмади. Жамшиднинг атайин кутиб тургани ҳам унинг хаёлига келмас эди.

— Мен эски шаҳарга бораман,— деди Шариф.

— Утиринг, ўша ёққа кетяпман.

Шариф «унда майли, сизни овора қилмас эканман», деб машинага ўтирди. Таниш йигитлар ҳеч бўлмаса ҳол-аҳвол сўраб қўйишарди. Бу эса миқ этмай кетяпти. Шариф шундан ажабланиб, сўради:

— Ука, сизни танимайроқ турибман?

— Танимайсиз. Бир яхши одамни дуо қилаверинг. Шу одам сизга мурувват қилмаса, қамоқда чириб кетардингиз.

«Яхши одамларнинг назари тушибди...» Шариф қамоқхонадаги қалдирғоч мўйловли йигитнинг гапини эслади. Ким экан у яхши одам, нима учун унга мурувват қиляпти? Шариф яхшилик қилиши мумкин бўлган танишларини бир-бир эслашга уринди. Унинг танишлари орасида бунчалар кўли узун одам йўқ эди. Қилич Сулаймонов-чи? Аввал қамоққа тиқиб, сўнг олиб чиқиб қудратини кўрсатиб қўймоқчи бўлдимми? Шу фикр Шарифга тўғридай туюлиб, сўради:

— Яхши одам... Қилич Сулаймоновми?

Йигит жавоб бермади.

— Асадбекми?

— Сергап одам экансиз! — йигит шундай деб жеркиб берди.

«Демак, ўша» деган қарорга келди Шариф. Одам боласининг душмани ўз тили, деганларидек, тили жиловсиз бўлгани учун Шариф куп панд ерди. Унинг зўр илмларга етган ақли оддий ҳақиқатни тушунишга қосирлик қилиб қолар эди. Камбағал яшаши, илмда олға силжишда қийналиши, унвонлардан бенасиб қолиши ва ниҳоят, қамоққа тушишида суяксиз тилнинг кўп хизматлари борлигини тушунгиси ҳам келмас эди. Хотини зорланиб «тилингизни тийиброқ юринг», деган пайтларида «Мен индамай кетадиган қул эмасман», деб ўжарлик қиларди. Бойвуччаларнинг ўткир ҳидли атрини сепиб, яسانيб олган бу жингалаксоч йигитнинг «сергап экансиз», деб жеркиб беришидан унинг ўжарлиги тутди.

— Ўттиз мингни ҳам ўша яхши одамга бераманми?

Йўлдан кўз узмай келаётган Жамшид орқасига ўгирилиб унга ажабланиб қараб олди.

— Қанақа ўттиз минг?

— Вақти келганда билиб оласиз,— деди Шариф унинг бояги гапига тақлид қилиб.

— Билиб оламиз, хотиржам бўлувринг,— деди Жамшид унинг пичингига эътибор бермай.

Жамшид машинани Шарифнинг эшиги олдида тўхтатди.

— Ортиқча валақламай, бошингизга ғалва орттирмасдан уйингизда жим ўтиринг. Эртага ишга чиқасиз. Яхшилаб билиб олинг, окахон: сизни паноҳига олган одам керак бўлса ўттиз мингдан ўттиз мингтасини бошингиздан сочади. Агар уни хафа қилсангиз уруф-аймоғингиз билан, ўттиз бир минг томирингизни қуритиб ташлайди.

Шариф эшикни очиб, бир оёғини ерга қўйган дамда бу гапни эшитиб тўхтади. Таранг тортилиб турган асаб томирлари баттар қақшади.

— Мени кўрқитманг,— деди овозини кўтариб.

Жамшид, уни ҳайрон қолдириб, жавоб бермади. Шариф баттар тутоқиб, тили калимага келмай қолди. «Ҳе оналарингни...» деб сўкиниб машинадан тушди-да, эшикни қарсиллатиб ёпди.

Шариф деярли сўкинмас эди. Сўкинган тақдирда ҳеч бўлмаса жағи ёрилиши мумкинлигини ҳам билмасди. Бахтига у энди Асадбекнинг одамига айланди. Ҳозир «онангни...» дейиши нима экан, бунинг ёнига амма-холаларини, опа-сингилларини қўшиб сўкканида ҳам Жамшид лом-мим деёлмасди. Жамшид Асадбекни кўпга ҳотамтойлик қилишини билади. Унинг назарида хўжайини Шарифни шунчаки паноҳига олди. Хўжайиннинг эътиборидаги одамга ола қараш мумкин эмаслиги унга ойдай равшан. Унга яна бир нарса аниқ — буйруқни адо этиш чоғида бегоналар билан гаплашмаслиги, айниқса, пири Асадбек ҳақида бирон сўз айтмаслиги шарт. Ҳозир Шарифга пўпса қилиб шу шартни бузди. Шарифнинг гапидан аччиқланиб, «хўжайин ўттиз минг сўрайдиган гадоё эмаслиги»ни билдириб қўйиш учун чегарадан чиққанини ўзи ҳам сезмай қолди. Чегарадан ҳатлашга ҳатлади-ю, сўнг афсусланиб, мум тишлади. Шарифнинг ҳақоратига парво қилмай ўтиришининг иккинчи сабаби шу.

Шариф эшикни ёпиши билан «Жигули» пойгачи машиналардай силтаниб кўзғолди. Йўлни авайлабгина қоплаётган қор тўзғиб кетди.

Шариф эшиги олдида туриб қолди. Оппоқ ғиштдан қурилиб савлат тўкиб турган иморатлар қаторидаги сомон сувоқли пастак уйи кўзига етим боладай мунғайиб кўринди. Назарида эгаси қамоққа олиб кетилганидан сўнг уйи шармандалик юкини кўтаролмай чўкиброқ қолгандай туюлди.

Тухматдан қамалиб сўнг озоодликка чиққан одам қувончини ичига сиғдиролмай, бахтидан ёниб, ҳазор-ҳазор шукрлар қилиб уйига учиб кириши керак. Шарифда эса бундай бахт, бундай қувонч йўқ эди. У давлат қамоғидан қутулгани билан, кўринмас тўрға чирмаб ташланганини, бу тўр уни оқибатда батамом ҳалок этишини сезиб турар-

ди. Мана шу сөзгә уни озодлиг бахтига бегона қилиб қўйганди. У елкасидаги дард юки билан остона ҳатлаб ҳовлига кирди. Йўлакда биттагина из — қор учқунлари ҳали бу изни кўмиб улгурмаган — демак, Насибаси яқинда кўчадан қайтган.

Ҳовли этагида «ошхона» номи билан зикр этилувчи бостирманинг эшиги зорланиб очилиб, Насиба чиқиб келди. У эри томон бир-икки қадам қўйди. Сўнг нима қиларини билмай тош каби қотди. Кейин беихтиёр равишда югуриб келиб, Шарифни қучоқлаб олди.

Оқ фиштли данғиллама уйларни, дуру гавҳарларни орзу қилмай яшаётгани, қозонлари бозор гўшти қандай бўлишини билмай, музлаган гўштга ҳам қаноат қилувчи, ҳалол яшамоқлик заҳмати барча лаззатлардан афзал кўрувчи, бориға шукр қилиб умр кечираётган бу икки банданинг тили гапга келмас эди. Улар «гуноҳимиз нима экан?» деган жумбоққа ечим излашар эди. Яратганининг олдида уларнинг гуноҳлари йўқдир, деёлмаймиз, беайб — парвардигор. Бизнинг фикри ожизимизча, бошларига кулфат солган «гуноҳ»ларнинг энг улғи — «ўйнашмагин арбоб билан...» деган ҳикматни унутганларида. Замонлар ўзгаради, тузумлар ўзгаради, подшолар келиб кетаберади, булар — дунёнинг устидаги либослар. Эски кўйлак устига янгиси кийилгани, вужуд, қалб, инсоф, виждон эса ўзгармай қолабергани каби, фоний дунё аслини ўзгартирмайди. Халқ яратган ҳикматлар ҳам аслича яшайверади. Авваламбор Шариф, қолаверса Насибанинг кўп нарсаларга етгувчи ақли, фаҳми-фаросати шу нуқтага етганда андак ожизлик қилгани учун ҳам бу кичик кулфат тузини тотиб кўришди.

Насиба эрининг кириб келиши туши эмас, ўнги эканига ишонч ҳосил қилгач, уни бағридан бўшатиб, уйга бошлади.

— Болаларни олиб келмадингми?— деди Шариф остона ҳатлаб ичкари кирган.

Насиба лабини тишлаб, бош чайқади. Шу кунлар ичи ҳувиллаётган уйда ёлғиз ўтириш унга осон кечмади. Аммо ёлғизлик азобидан «дадам қанилар?» деган саволга жавоб қайтариш минг чандон оғирроқ эди. Бу савол уни илон каби чақиши, назарида ҳатто жонини ҳам суғуриб олиши мумкин эди. Ўзи айтмаган тақдирда ҳам, болалари кўчадан эшитишарди. Дадаларининг қамоқда ўтиргани мурғак қалбларни эзиб ташламасмиди?! Насиба шунинг учун болаларини онасиникидан олиб келмаган эди. Шариф буни тушунди. «Янги йил кечаси ҳам ёлғиз ўтирибди-да, бечора», деди ўзича.

Нонушта маҳали ҳам бўлиб ўтган нохушликдан сўз очмадилар. Иккови бир-бирига қараб-қараб қўйиб, номигагина нон тишлаб, чой ҳўплаб ўтирдилар. Эр-хотиннинг иштаҳаси йўқ эди. Улар илк марта ёлғиз қолиб бир-бирига айтишга сўз тополмай нийманиб ўтирган келин-куёвга ўхшашарди.

Шариф Насибадан саволлар кутарди. Насиба «эрим ўзи гапирар», деган илинжда эди. Ножўя савол билан эрининг дилига озор етказишдан чўчирди.

Барча кўргуликларига «фoш қиламан» деб дўқ ургани сабаб бўлганини тушуниб етган Шарифнинг хотинига бу ҳақда гапириш нияти йўқ эди. Шу биргина пўписа учун қамоққа тиқиб кўя оладиган зотлар фoш қилишга киришилган тақдирда қаерга олиб бориб тиқиб қўйиши мумкинлигини хотини билса, даҳшатдан юраги ёрилиб кетиши ҳеч гапмас.

Шариф жонини сақлаб қолишининг бирдан бир йўли тилнинг бевошлигига барҳам бериши лозимлигини англади. Уни қийнаётган нарса — билагидаги игна излари, қамоқда хуруж қилган тан азоби. Ҳадемай яна бош кўтарувчи бу азобга энди дош бера оладими? Ё гиёҳвандга айланиб қоладими? Мана шу фикрнинг ўзиёқ уни даҳшат тўрида ушлаб турарди.

## VII БОБ

### 1

Жалил уйига қайтди-ю, аммо тинчини йўқотди. Асадбек бошига бир оғир иш тушганига амин бўлиб, ташвишланди. Ҳали «фалончини отиб кетибди», ҳали «фалончини ёқиб кетишибди», деган ваҳимали миш-мишлар бош кўтараётган таҳликали кунларда Асадбекдай одамнинг ҳам жони қил устида эканини Жалил яхши тушунарди. Аввало ғаним қасд қилмасин. Қасд қилса биров унинг жонини сақлаб қололмайди. Атрофини ўнча ишончли йигит ўраб турса ҳам битта ўқ сиғадиган туйнукча топилиб қолар. Шундай экан, бу ўйинга кирганларнинг умри хотимаси аниқ. Асадбек шуни сездими? Юраги сезгани учун биродари билан видолашиб олмоқчи бўлдимми? Асадбекнинг бевақт чорлови Жалилни бу фикр исканжасига топширди.

Жалилнинг назарида телевизордаги бежирим лаблари кулиб турган қиз-жувонлар, тиржайиб туриб ашула айтаётган хонандалардан ташқари бутун эл ташвишга бурканган эди. Ҳамиша мириқиб кўрадиган томошалари бу кеч унга ёқмади. «Янги йил кутиш» деган гап ҳам бирданга эриш туулди. Куёви билан пиёлани чўқиштириб қўйдю ароқни ичмади. Доимо завқ берувчи фарзандлар давраси ҳам татимади. Юраги тарс ёрилгудай бўлиб ўрнидан туриб кетди. «Тобим қочди», деб хонасига кириб чўзил-



ди. «Тинчликми, адаси, ўртоғингиз тинчимилар ишқилиб», деб кирган хотинига биллаб берди.

Соат ўн иккида фарзандлари бир-бир кириб янги йил билан табриклаб чиқишди. Қўшни хонада тонга қадар телевизор сайради. Жалил тонгни ит азобида кутди. Чала-ярим нонушта қилиб, ота маҳалласига жўнади. Асадбекнинг болалиги ўтган ҳовли эшиги ичкаридан танбаланган, демак, чиқиб кетибди. Жалил уйига кириб укасини йўқладию Асадбекнинг данғиллама уйига йўл солди.

Ўртоғи уйига келмабди. Манзура одатига хиёнат қилмаган равишда ердан кўзини узмай сўрашди.

— Тинчликми ўзи, келин? Бир гап бўлганга ўхшаяпти, а?

— Тинчлик,— деди у паст овозда. Бу оилага самимий муносабатда бўлгучи энг яқин одамнинг Жалил эканини, ҳатто унга ҳам оила сирларини ишониб айтиш мумкинмаслигини Манзура билади. Кўз ёши тўкиб ҳасрат дафтарини очгиси келади. Аммо... эри айтмаган сирни у айтолмайди. Ҳаққи йўқ. Асадбек унга «фалон гапни айт, писмадонини айтма», деб тайинламаган бўлса-да, ўз фаросатига суянган ҳолда шундай қонун яратиб олган — эри айтишни лозим кўрмадими, демак, у ҳам жим. Жалилга бу аён. Манзурадан гап ололмаслигини билади. Шунинг учун саволини такрорламади.

— Агар тинчлик шунақа бўлса, ғалваси қанақа бўларкан,— деди у изига қайтаётиб. Болохонадаги қўриқчи йигит дераза ортида туриб унга таъзим қилди. Сўнг икки панжасини бирлаштириб юқори кўтарганча илжайди— бу унинг янги йил табриги бўлди. Жалил унга жавобан бош ирғаб қўйди.

— Мен галварс эрингизга минг марта айтдим, шу ишларни йиғиштир, деб. Яхшиликка обормайди бу.

— Ўртоғингизни биласиз-ку...

Жалил тўхтаб, орқада кузатиб келаётган Манзурага қаради. Яна ўша ҳол — аёлнинг боши эгик, кўзлари ерга қадалган. Жалилда Алининг аламини Валидан олиш одати бор эди. Ҳозир хумордан чиқшининг зап пайти эди-ю, бироқ, ерга қараб турган маъсумага захрини тўка олмади. Манзуранинг ўрнида ўзининг сергап хотини ёки болохонадаги соқчи йигит бўлсами — эшитадиганини эшитарди. «Ҳа, биламан,— деган бўларди Жалил,— худо унга миллионлаб бойлик берган-у, тариқча ақл бермаган. Замонга қараб иш юритса ўладими? Миллион сўми йўқлар қирилиб кетяптими, шунча бойлик камми унга, гўрига ортмоқлаб кетадими? Лаҳадда бошига биттагина гувала қўйилади, пул қўйилмайди. Шунга фаросати етадими унинг?!» То ҳовуридан тушгунича Жалилни гапдан тўхтатишининг ўзи бўлмайди. Дуруст, Жалил инсофга кириб, бечора аёлга билламади, захрини ичига ютди. Шу топда эшикдан Асадбек кириб келса, шу заҳар гапларини айта олармиди? Айтиш ҳам гапми?! Хўш, шаҳарни ётқизиб-турғизиш қўлидан келадиган Асадбек-чи? Эски юз сўмликни узоқдан кўриб қолган, янгиси чиққанини кўриш у ёқда турсин, ҳали эшитмаган оддий ишчининг ҳақорат чегарасини ҳам босиб ўтиб кетувчи сўзларига нима дейди? Жалил гапира-гапира жўшиб кетса, шартта биқинни чимчилайди ё сонга шапатайлаб уриб қолади — шунда Асадбек нима қилади? Кайфияти яхши бўлса — кулиб қўя қолади. Ҳатто ўртоғининг бу қилиғидан яйрайди. Болалик дамлари эсига тушиб ширин энтикади. Болалигида бир рўшнолик кўрмаган бўлса ҳам вужудига роҳат ўрмалайди... Жалил заҳарга булаб отаётган сўз ўқларига кайфияти нобоб пайтида дуч келса ҳам ғазабланмайди. Узини босади. «Ҳа, қилиғи совуқ» деб тўнғиллаб қўяди... Шундай экан, Жалил ичини ёндираётган гапларини Манзурага айтадими ё соқчи йигитларгами, ё Асадбекнинг ўзигами — фарқи йўқ сўзлар самога сочилган ўқлардек самара бермайди.

Жалил Манзурага қаради-ю, «хайр» деб ташқарига чиқди. Энди қаёққа боришини билмай гарангиди. Катта кўчага қадар каловланиб борди. Сўнг пишиллаб тўхтаган автобусга чиқиб уйига кетди.

## 2

Асадбек ошнасиникига деярли келмас эди. Тўй-маъракаларда бирров келиб кетарди. Жалилнинг болалари, айниқса куёви, Асадбекнинг номини эшитишган, аммо ўзини яхши танишмас эди. Шунинг учун эшик кўнғироғи тугмасини босиб йўқлаган башанг кийимли кишини кўриб, ажабланишди. То Қамара — Жалилнинг кўз очиб кўрган хотини чиққунча Асадбек остонада турди. Қамара уни кўриб ҳайратланди.

— Вой, Бек ака, келин, келин,— дейишдан бошқа гап тополмади.

— Жалил уйдами?— сўради Асадбек.

— Йўғидилар... Эрталаб чиқиб кетувдилар... Бугун биринчи... Сизникига кетдиларми, дебман. Кириб, келиб қоладилар.

Асадбек иккиланиб ўтирмай кирди. Меҳмонхона йиғиштирилмаган эди. Қамара Асадбекнинг кириши мумкинлигини тасаввур ҳам қилмагани учун шошиб, довираб қолди.

— Кеннойи, сиз безовта бўлманг. Мен ҳозир кетаман,— деди Асадбек уриниб

қолган диванга ўтириб. У қилиб диваннинг оёғи ўрнига газетага ўралган ғишт кўйилганини кўрган эди, шу сабабли эҳтиёт бўлиб чўкди.

— Вой, овораси борми, сиз ҳар куни келиб юрибсизми? Кеча неварачам бир ёшга тўлди. Шунинг учун ҳамма йиғилган эди.

Кеча... ўттиз биринчи декабр... Асадбек Қамарага ялт этиб қаради. Аёлнинг гапи унга укаси Самандарни эслатди. Самандари ҳам ўттиз биринчида туғилган эди. Бир ёшга тўлганида бундай тантана йўқ эди. Танчада ўтириб, қора нонни илиқ сувга бо-тириб қоринни тўқлаш — улар учун катта байрам бўлган ўшанда. Жалилнинг уйига ёзилган дастурхон ҳам Асадбек қаричи билан ўлчанса — харобгина тантана. Лекин ҳар кимнинг қаричи ҳар хил. Дастурхон устига бир тишлам қотган нон кўйилса ҳам, атрофига фарзандлар йиғилса тўкин дастурхондан файзлироқ бўлиб кетади.

— Сиз зерикмай ўтира туринг,— Қамара шундай деб телевизорни ёқди.

— Неварангизнинг оти нима?— деб сўради Асадбек.

— Ўртоғингиз китоб қараб Самандар деб қўйганлар. Ут-оловни ҳам писанд қил-майдиган ғалати қуш бўларканми-е... Қудалари «Улуғбек» деб қўймоқчи эканлар. «Ҳей, дадаси, болага исмни қиз томон қўймайди», десам ҳам «Ҳамма ёқни бек бо-сиб кетди, битта Самандар бўлиши керакми ё йўқми!» деб қайсарлик қилиб туриб олдилар. Барака топгур қудамиз жуда яхши одам-да. Хўп, деб кўниб кўя қолдилар...

Қамаранинг оёқ-қўли ҳам, тили ҳам чаққонгина эди. Чўлоқ диванда ким ястаниб ўтирганини унутиб гапга тушиб кетди. Унинг сўзлари Асадбекнинг қулоғига кирмади. «Самандар» деган исмни эшитибок кўз олди хиралашди. Томоғига бир нима тикил-ди. Ярим соат бурун пулининг кўплигидан эсини йўқотган винзавод бошлиғининг тақ-дирини бир сўз билан ҳал этган Асадбек ўзини бениҳоя ожиз банда эканини ҳис эт-ди. «Хатто шу ғалча хотиннинг бахти ҳам йўға менда,— деб ўйлади.— Невара кўрсам исмини Самандар қўяман, деб юрувдим. Жалил илиб кетибди. Китоб кўриб қўйган-миш... Жалил ўзини ҳақгўй дейди. Мен уни ношуд дейман. Бахт ношудларга қилиб боқаркан-да? Шу ношуд қизини куёвга узатиб, невара кўриб, хурсандчилик қилиб ўтирса... Мен шундай ҳам бўлолмасам... На акам, на укам бор. Фақат... пулим бор. Бу ношуднинг пули йўқ. Аммо укалари, куёви, Самандари бор... Мен ҳашамдор уйда яшайман, уйимни дев йигитлар пойлашади. Бу ношуд оёғи синиқ диванда ёнбошлаб ётиб, ўламан деб турган телевизорни томоша қилади. Эшиги ҳамиша очик... Кўнгли ҳам очик... Янги диванни, рангли телевизорни орзу ҳам қилмайди... Нега орзу қил-майди?! Одам ҳам шунчалик ношуд бўладими! Ўзига керак бўлмаса, болаларига ло-зим-ку! Болаларининг кўнгли синмайдими! Невараси шу чўлоқ диванда ётиб, шу хи-ра телевизорни кўриб улғайиши керакми? Аблах, ношуд!» Юраги эзилиб ўтирган Асадбекни бирдан ғазаб чулғадди. Шарт ўрнидан турди.

— Вой, ўтиринг, ўртоғингиз ҳозир келиб қоладилар,— деди Қамара.

— Ҳозир келаман,— деди Асадбек,— чойингиз қайнагунча қайтаман.

Қамара бу гап шунчаки кўнгил учун айтилди, деб ўйлаган эди. Меҳмонхонани йиғиштиришга улгурмай, Асадбек қайтгач, баттар шошилиб қолди. Қамара меҳмон-нинг улўғлигини ҳисобга олиб, оҳори тўкилмаган янги дастурхон ёзди. Куёв чиқиб Асадбек билан қўбқўллаб сўрашди-да, чой қўйиб узатди. Ҳашамдор уйларда, тўкин дастурхонлар атрофида ўтиришга кўниккан Асадбекка қоғозлари сарғайиб, айрим ерлари кўчиб тушган уйда чой ичиш бошқа пайт бўлганда малол келарди. Унинг ҳо-зирги кайфияти айнан шундай шароитни қўмсарди. Ғариб кўнгил, ғариб уйни соғин-ган эди.

— Куёв бола, хизмат қаерда?— деб сўради Асадбек.

— Қурилишда ишлайман,— деди йигит айбдор одамдай бўйинини қисиб.

— Уйни тузатиш қўлдан келадими?— деди Асадбек сарғайган девор қоғозга имо қилиб.

— Ҳа, оз-моз.

— Қўлдан келса, тузатинг. Сиздай куёв қарамаса ким қарайди,— Асадбек шундай деб бир даста юзталиқ чиқариб куёвга узатди.— Қайнатангизга айтманг. Бу гап сиздан чиққан. Бир-иккита ошнангизни олиб уйни кўғирчоқдек қилиб қўйинг. Ҳарбийдаги йигит қачон келади?

— Келиб қолса керак...

«Куёвни ҳам зап топган экан-да...» деб ўйлади Асадбек.

Бир соатдан кейин Жалилнинг уйи бесаранжом бўлиб қолди. Беш-олти одам бара-вар бостириб кириб аввал чўлоқ диванни, сўнг стол-стулларни, сўнг хира телевизорни олиб чиқиб кетишди. Урнига янги диван, янги стол-стуллар, рангли телевизор қўйилди. Қамара «Вой, ўлмасам, вой, қизиқ бўлди-ку», дейишдан бошқа сўз топмади. Асадбек бу ўзгаришларга алоқаси йўқдек, пинагини бузмай турарди.

Жалил уйига қайтганда ҳамма иш саранжом бўлган эди. У Асадбекка захрини сочишга улгурмади. Қўрққан олдин мушт кўтарар, деганларидек, Асадбек остонада ўқрайиб туриб қолган ошнасига қараб бақирди:

— Финг десанг, абжафингни чиқариб ташлайман, бу сенга эмас, Самандарга, туғил-ган кунига совға!

Жалил Асадбекка бир нима дея олмади, аммо хотинига қараб ўқрайди. Қамара ўзига қандай ширин гаплар атаб кўйилганини фаҳмлаб, лабини тилшади.

— Сенга нима бўлди?— деди Жалил, Асадбекка тикилиб,— пайтавангга қурт тушганини билиб турибман.

— Менинг пайтавамга эмас, сенинг мияннга қурт тушган,— Асадбек шундай деб Қамарага қараб кўйди. У эркаклар гаплашаётганда аёл кишининг атрофда ивирсиди юришини ёқтирмас эди. Қамара Асадбекнинг мақсадини англаб, тезгина чиқиб кетди. Асадбек шундан сўнг гапини давом эттирди.— Невара кўрибсан, исмини Самандар кўйибсан, орадан бир йил ўтибди... Асад деган ўртоғим бор эди, хурсандчилигимга шерик қилай, укасининг оти ҳам Самандар эди, неварамга от кўйишда бир сўраб олай, дейишга ақлинг калталиқ қилдимми? Тилинг бир қарич. Бировга сўз бермайсан-у, шунақа нарсаларга келганда калланг ишламай қолади, хом ошқовоқ!

Жалил унга қараб жилмайди. Ҳозир унинг қаршисида фақат худогагина бас келолмайдиган Асадбек эмас, кўп жабру жафоларни бирга тортган, бир кўчани чангитиб, бир ямоқ кўрпани тепишиб катта бўлган ошнаси ўтирарди. Асадбекнинг овозида амр оҳанги ҳам, қаҳр ҳам йўқ эди. Асадбекнинг бу одати Жалилга маълум. У дунё ташвишларидан эзилди, болалагини кўмсаган пайтларида Жалилни топтириб келиб иш оҳангга гап бошлади. Икки ошна соатлаб гаплашиб ўтиришади. Сухбат аёнларнинг шутироки-сиз бўлади. Зарур иш билан келган Кесакполвон ҳам, Чувринди ҳам уларнинг суҳбатини бузишга журъат қила олишмайди. Бунақа пайтларда аёнлар матбуот хабарларига тақлид қилиб «икки президент юзма-юз учрашди. Халқаро аҳволнинг муҳим масалалари келишиб олинди», деб ҳазиллашишади. Епиқ эшик ортидаги «халқаро аҳволнинг муҳим масаласи»— ёнғоқ ўйинида чиққан жанжалнинг «тинч йўл билан ҳал этилгани»дан бошланиб, битта калишни галма-гал кийиб мактабга қатнаш чоғида юз берган саргузаштларни эслаш билан яқунланади.

Жалил Асадбекнинг бугун бу хусусда гаплашиш нияти йўқлигини билди. Агар Ҳасаннинг ўнг биқини оғриси, Ҳусанники ҳам оғриydi, деганларидек, Асадбекнинг юрагини тирнаётган дарддан Жалил бебаҳра қолиши мумкин эмас. Асадбек дардини ичига юмтоқчи. У отаси олиб кетилган кундан бери исён йўлига кирган, аммо очиқ-ойдин ҳайқириб, шиорлар кўтариб майдонга чиқиш йўлидан бормай, арқонни узун ташлаб, дардни ҳам, ғазабни ҳам ичига ютиб аста иш кўришни ўрганган эди. Жалилнинг йўли бўлак — ййчи ўйига етгунча таваккалчи уйига етади, қабилида ишни дангал битиришга одатланган. Ҳозир ҳам ошнасининг гапни майдалашига тоқат қолмади.

— Ёрилсанг-чи!— деди у жеркиб.— Мендан бошқа дардкашинг борми?

Асадбек Жалилга тикилди. Худди рўпарасидаги одамни биринчи марта кўраётгандек тикилди. Гапириш осон. «Ёрилиш» — хотинларга хос. Эркак дардини айтгунча тўлғоқ азобларини бошидан кечиради. Айниқса Асадбекни эзаётган дард бировга айтгулик эмас. «Қизимни ўғирлаб кетиб, кейин ташлаб кетишибди», дейишга тил айланадими? Эркаклик номуси, ори бунга йўл қўядими? Кеча Жалилни атайин йўқлатди-ю, дардини айтолмади. Бугун эрталаб винзавод бошқони тақдирини ҳал этиб уйга кетаман, деганда ташқарида савдо растаси хўжайинига йўлиқди. Хўжайин савдо аҳлига хос тавозелик билан сўрашиб, икки қўлини кўксига кўйиб, «Бағрингиз тўлиб, хурсанд бўлиб қолдингизми?» деди. Асадбек «Ҳа» ҳам, «Йўқ» ҳам демади. Унга бир ўқрайдио машина эшигини очди. Бу одам қизининг қайтганини эшитиб, табриклагани келган. Узича бу одамгарчиликка кирувчи фазилат, одат. Асадбек унинг лаганбардорлигидан бир ғаши келган бўлса, бефаҳмлигидан бир ғазабланди. Қизини кимлардир ўғирлаб кетиб, қандайдир аҳволда ташлаб кетишади у хурсанд бўладими? Қизига тегишмаган бўлишса-ку, хўп-хўп... Йўқса... тирик қайтаришмагани минг марта афзал эмасмиди... Асадбек машинага ўтиргач, хаёлида бошқа гап ўрмалади — бу одам ис олибдими, демак, кўпчилик билади. Бугун кечгача шаҳарга тарқаса ҳам ажаб эмас. Нима қилиш керак? Аёнлари билан иш юзасидан маслаҳатлашади. Уларни шу пайтгача оила сирлари, ташвишларига тортмаган. Асадбек учун оила — муқаддас. Ҳар кимнинг ҳам тушмуқ суқаверишини хуш кўрмайди. Чувринди уйланган йили «оилавий бўлиб ўтириб турайлик», деганда, Асадбек «хотинингни бозорга солмоқчимисан», деб гапни калта қилган, шу-шу оилавий борди-келди масаласи қайта тилга олинмаган эди. Уларнинг хотинлари фақат йўқлов, тўй ва маърака баҳонасида кўришишар, «эсонмисиз-омонмисиз»дан нарига ўтишмас эди. Шундай экан, қизининг эндиги тақдирини аёнлар билан маслаҳатлашиши мумкинми?

Асадбек Жалилдан жўяли маслаҳат чиқар, деган илинжда эмас, балки таскин илинжида келган эди.

— Миш-мишларни эшитгандирсан?— деди Асадбек, ошнасидан кўз узмай.

— Мен миш-миш орқалаб юрадиган хотинмасман,— деди Жалил.— Сен бўладиган гапни гапир.

«Ростдан эшитмаганми?»

Асадбек саволига жавоб топмоқ истагида Жалилнинг кўзларига қаради. Бу кўзларда алдов йўқ эди.

Жалил ошнасининг тўлғоқ азобида эканини ҳис қилди. Бу дардни ҳатто энг яқин

одамга ҳам айтиш оғир экан, демак, иш чатоқ. Жалил бироз юмшоқроқ гапириб, унинг кўнглини овлаш ниятида деди:

— Каттага катта дард ёпишади, гапир, ўзингни қийнама.

— Катта дард дейсанми?.. Билмадим... Шу пайтгача менга биров қўл кўтармаган эди.

— Дунёни бекорга чархпалак дейишмаган. Замон ўзгариб туради, шунга ақлинг етмабмиди?

— Етган эди, лекин...

— Етган бўлса, вақтида этакни ёп. Вақтида кетсанг — олам гулистон.

Айтишга осон. Замон саҳнасидан тушишнинг ўзи бўладими? Пастдагилар сени алқаб, бошига кўтариб юришга тайёр бўлса, саҳнадан дадил туша оларкансанми? Тушишнинг қўлда найзалар билан пойлаб турганлар-чи? Шу найзалар борлигини билмаганда Асадбек Жалилнинг маслаҳатига муҳтож бўлармиди? Асадбек гапни чўзишнинг ҳожати йўқлигини англаб:

— Қизимни ўғирлашди,— деди. Шу гапни айтдию уятдан ёниб кетай деб кўзини олиб қочди. Айбига иқрор бўлган гуноҳкордай бошини эгди.

— Қачон? Топилмадимми?

— Кеча ўзлари ташлаб кетишибди.

— Кимлигини билдингми?

— Аниқ билмайман. Гумоним бор.

Жалил ўйга толди. Бир неча нафасдан сўнг хўрсинди:

— Худодан қайтибди.

Асадбек бошини шартта кўтарди:

— Бу нима деганинг?!

— Сен маишат қилган қизларнинг ҳам ота-оналари бор эди, улар ҳам эзилгандир, худога нолалар қилгандир. Худо қар эмас, бу оҳларни эшитгандир?

— Оғзингга қараб гапир! Менинг маишат қилганимни кўрдингми?!— Бу сафар Асадбекнинг овози титраб чиқди. Жалил унинг кўзларига қараб кўрқди: бу кўзларда ғазаб учқунланаётган эди.

— Кўриб нима, мен сенинг маҳрамингманми, изингдан юрадиган. Эшитганман, ҳамма гапирди.

— Ҳамма гапирса ишонаверасанми, ҳе... с-сўтак!— Асадбек беихтиёр сўкинди. Бошқа вазият бўлганда Жалил қарзга ботмай, дарров қайтарарди. Ошнасининг важоҳатини кўриб, ўзини тийди.

— Бўпти, ўзингни бос,— деди у.— Қизинг тирик экан, худога шукр қил.

— Жалил,— деди Асадбек қаҳрли овозда,— билиб қўй, мен номард эмасман. Мен итнинг боласи эмасман, одам боласиман. Бировларнинг бурнини қонатиб лаззат топаман, деб юрганим йўқ, бу дунёда. Аламим борлигини биласан-ку. Бу аҳмоқ гапни бошқадан эшитсам хафа бўлмас эдим. Сен ҳам шундай дединг-а!

— Сен қилмаган бўлсанг бу ишни шотирларнинг қилишади. Лаънат эса сенга оқиб келаверади. Сен одамлар кўзига бўри бўлиб кўринасан. Есанг ҳам, емасанг ҳам барибир оғзинг қон. Сен мен билан гап талашма. Бўладиган гапдан гапир. Тумшайиб юр-вермассан, ахир. Нима қилмоқчисан?

— Ҳайронман...

— Гап қайнаб чиқмасидан узатвор қизингни.

Асадбек кечадан бери хаёлининг қайси кўчасига кирмасин, шу тўхтама келаётган эди. Жалилдан ҳам шу фикр чиқишини кутган эди. Кутилган фикр айтилди, аммо енгил тортмади. Чунки фикр айтмоқ осон. Тўй қилиш ҳам осон. Бироқ, қизининг юзи ёруғ бўладими — машаққат шунда. Куёв бўлмиш Асадбекнинг қаҳридан кўрқиб ҳозир индамаслиги мумкин. Кейин-чи? Замон саҳнасидан тушиб кетгач, қизи хўрланмайдими? Кўчага ҳайдалмайдими? Шармандалик либосига ўралмайдими? Асадбекнинг хавотири шунда. Сиз «Хўш, ўзининг ор-номуси-чи?» дейишингиз мумкин. Бир доно шоир «ота-она меҳрисиз ҳам яшамоқ мумкин, аммо мумкин эмас номуссиз яшаш», деганда минг қарра ҳақ. Асадбек ота-она меҳрига тўймай ўсди. Қизининг ўғирланиши — унинг номусига тегишмаган тақдирда ҳам — ота-она номусининг топталиши билан баробар. Шундай экан, Асадбек бунга қандай чидасин?! Чап елкада ўтирган шайтон қасосга ундайди: «Кўлингни узатсанг еттинчи осмонга ҳам етадиган инсонсан. Биров сенинг қосангга туфлабди, оши ҳалолнингни булғабди-ю, сен эзилиб юрибсанми, кимдан гумонинг бўлса — янчиб ташла! Бугун қасос олмасанг, эртага эл олдида башарангга тупуришади. Отангни олиб кетишганда ночор эдинг. Ана шу ночорлик сени бир умрлик армон ўтида куйдирапти. Энди ҳам ночормисан? Қон тўкмасанг эркак эмассан! Узингни кўрсат! Номус учун қон тўкиш лозимлигини эркакларга эслатиб қўй!» Аммо қилич яланғочланган дамда ўнг елкада ўтирган Раҳмон билагидан ушлаб тўхтатади. Қон тўкишга йўл бермайди. «Гумонинг тўрига ўралганларни тиғдан ўтказишинг — ожизлигинг аломати. Гуноҳкор осонгина жон бериб қутулиб кетади. Сен эса номус азобида тўлғониб қолаверасан. Сен ҳозир унинг гуноҳидан ўт. Аммо шундай қилгинки, умри азобда ўтсин. Вақти

келиб оёфинга бош урсин, тавбалар қилсин. Ана шунда ўлдирсанг хумордан чиқасан. Ўлсанг кўзинг очиқ кетмайди...»

Шу овоз Асадбекни ушлаб турибди. Номус азобига чидашга мажбур этипти. Жалилнинг уйига бошлаб келган ҳам шу овоз. Агар ошнаси «уларни қириб ташла» деса бас, янги йилнинг биринчи куни қонлар тўкиш билан бошланади. Асадбек Жалилнинг бундай демаслигини билади. Билгани учун ҳам уни қора тортиб келди.

### 3.

Дунёда энг ширин нарса нима, деб сўралганда «уйқу» деб жавоб беришган экан. Бу гап ҳам тўғри. Бироқ болалик хотираларини эслаш лаззати уйқудан ҳам мазалироқдир. Чунки ёш ўтган сайин, болаликдан узоқлашганингиз сайин ўтган кунларни эслайверасиз, энтикаверасиз. Айниқса жон-жўралар учрашганда уйқуни ҳам тарк этиб, узун кечалар хотиралар ихтиёрига берилишади. Асадбек билан Жалилнинг бундай кечалари кўп бўлган.

Жалил ошнаси кўнглидаги ғуборни ана шу хотиралар ёрдамида қувмоқчи бўлди. Лекин энг ёрқин воқеалар ҳам Асадбек кўнглига равшанлик бермади. У тунд қиёфада ўрнидан туриб, Жалил билан хайрлашди. Жалил уни кузатиб кўчага чиқди. Асадбек машина сари юрганида орқадан Жалилнинг овози келди:

— Кўчада Асадбекка ўхшаб юр, шунчалик чўқасанми?

Бу гапни эшитиб Асадбек қадди букилиб қолганини сезди. Жалил ҳеч қачон унинг қудратини пеш қилиб гапирмаган эди. Ҳозирги айтгани.. «Асадбекка ўхшаб юр...» Мана шу гап унга далда бергандай бўлди. Қаддини тиклади. Чўқур нафас олди. Машина эшигини очгач, орқасига ўгирилди.

— Қорангни кўрсатиб тур. Одамларнинг ошнасига ўхшаб йўқлашни қачон ўрганасан?

Жалилнинг санчиб оладиган жавоби тайёр эди-ку, ammo биродарининг аҳвол-руҳиясини ўйлаб тилини тийди. Жилмайиб, бош ирғаб қўя қолди.

Асадбек ҳовлига қадам босгач, ошхонадан чиқаётган қизига кўзи тушди-ю, беихтиёр тўхтади. Қизи ҳам уни кўриб бир он ҳаракатсиз қолди. Сўнг паст овозда салом бериб шошганича изига қайтди. Ота билан қизнинг нигоҳлари бир сониягина учрашди. Гўё тўсатдан яшин чақнаб қоронғулик бағрида ўртанаётган икки хаста дилни ёритиб ўтгандай бўлди. Яшин нури сўниши билан уларнинг ҳар бири ўз жаҳаннамига, яна ўтда қоврилиш, азобланиш учун қайтдилар.

Қиз нима учун отаси олдига югуриб келмади, нима учун бўйнига осилиб кўз ёш тўкмади, нима учун нолалар қилмади? Нима учун дардини ютиб жаҳаннам азобини ўзига раво кўрди? Асадбек кўрқиб кутган ҳодиса рўй бермади. Ҳа, у қизи билан учрашишдан кўрқаётган эди. Қизи фарёд урган тақдирда ичини кемираётган вулқоннинг отилиши тайин эканини билиб, ташвишланаётган эди.

Асадбек қизини сира эркаламасди. Кесакполвон — ғазабга минганида отасини ҳам танимайдиган қаҳри қаттиқ одам, ойда бир марта хотинини уриб турмаса егани ичига тушмайдиган жиззак эркак — бўйи етган қизини ҳаддан зиёд эркалаб, юзларидан чимдиб, ўпиб қўйганида Асадбекнинг ғаш келарди. Баъзан танбех бериб, баъзан «қизингни эрга берганинга ўзингни ҳам қўшиб берасанми», деб пичинг қиларди. Кесакполвон Асадбекнинг бундай гапларини, пичингларини қулоғига олмасди. «Бу қизимни ўзим туққанман», деб тиржаярди холос. Ким, қандай туғишини яхши фаҳмлайдиган қизи отасининг бу ҳазилидан яйраб, баттар эркаланарди. Ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, беғуноҳ одамнинг жонини суғуриб олишда киприги қилт этмайдиган одамнинг фарзандига нисбатан шундай меҳри борлиги оламнинг ажабтовурлигидан эди.

Асадбек баъзан «мен ҳам болаларимни эркалашим керакми?» деб ўйлаб қоларди. Ота-онага эркаланиш нима эканини билмай ўсган одам учун бу мушкул савдо экан. Фарзандга меҳрибонлик бошқа, эркалаш, талтайтиш бошқа. Шу боис Асадбек болаларини эркалатмасди, дейилганда «у фарзандларига бемеҳр эди», деб тушунмаслик лозим. Алқисса, ҳозиргина ошхонага кириб кетган қизи унга салом бериш билангина кифояланар эди. Асадбек шунга кўниккан бўлса-да, ҳозир андак ажабланди. Қизининг номус ўтида куйиб кул бўлаётгани унга ҳозирча номаълум. Бунга кейинроқ идрок эта бошлайди. Яшин қақиб, чок-чокидан сўкилиб қолган қора булутлар орқасидан ой кўришиб, қоронғулик чекингани мисол, ошхонадан хотини чиқдию кўнгли равшан тортиди. Кўпчилик назарида даҳшатли одамхўр сифатида гавдаланувчи Асадбек шу онда хотинини бағрига босиб йиғлагиси келди, десам, албатта ишонмайсиз. Лекин сиз ишонинг. Мол-дунёси беҳисоб, ўл деса ўладиган одамларга бор бўлган ҳолда ҳасратини эшитадиган ҳамрози йўқ кишининг ҳолига сиз ҳам эҳтимол қилинг. Бу фожияни ҳатто ғанимларнингизга ҳам раво кўрманг.

Йиғлагиси келгани билан Асадбек йиғлай олмасди. Хотини унга далда бергиси келганда ҳам юпата олмасди. Оғир бўлганда шу Манзурага оғир. У икки ўт орасида. Бир томондан қизига ачинса, куйса, бошқа томондан эрининг ғазабидан кўрқади. «Жаҳл

устиди бир нима қилиб қўймасалар эди», деб жони ҳалакда. Ҳозир ошхона остонасини ҳатлаб чиқди-ю, кўрқувдан пирпираётган кўзларини эрига тикиб, салом берди. Сўнг: — Яхши келдингизми, адаси,— деди. Бу гапини ўзигина эшитди. Кўрқибгина, астагина айтилган сўзлар ҳавога сингиб кетди.

Асадбек уйга қараб юрди. Манзура унга эргашди. Ичкари кира туриб чаққонлик билан энгашди-да, эри бетартиб ечган туфлини жуфтлаб, бир четга олиб қўйди. Сўнг ичкари кириб, Асадбек узатган палтони олиб, илгакка илди. Бу жараён кунда такрорланади. Ташқаридан кузатган одам ҳар кунни бир томошани айнан кўргандай бўлаверади.

Асадбек ичкари кириб ўзи хуш кўрувчи тебранадиган юмшоқ ўриндиққа эмас, дераза томондаги бир қават кўрпачага ўтирди.

— Вой, тўхтанг, кўрпача солай,— деди хотини шошилиб.

Асадбек «керак эмас», деган маънода қўл кўтарди. Манзура бу ишорани кўрмагандай нариги уйга кириб кўрпача кўтариб чиқди.

— Бир пасга туринг, адаси.

Асадбек ўрнидан жилмади.

— Утир.

Манзура гилам устига ўтириб, кўзини ерга тикди.

Асадбек гапни нимадан бошлашни билмай каловланди.

— Тинчликми?— деди у бироз сукутдан сўнг.

— Тинчлик,— деди хотини синиқ овозда.

— Бир нима дедими?

— Йўқ ҳали.

— Сўрамадингми?

Манзура эрига шошилиб қараб олдию бошини эгди.

— Қандай сўрайман.

— Мен сўрайми бўлмаса!

— Вой, адаси...

— Ҳа, латта!

Асадбек шундай деб тўнғиллади-ю, бақириб юборишдан ўзини тийди. «Сўраганининг нима фойдаси бор?» деган фикр уни жиловдан тугди. Хўш, сўради ҳам дейлик, «зўрлашди» деган жавоб олди нимаю «тегишмади» деганда нима? Ҳар икки ҳолда ҳам ўғирланган қиз одамлар учун номуссиз бўлиб қолаберади-ку?..

— Энди нима қилмоқчисан?

Манзура энди нима қилиши мумкин? Унинг йиғлашдан, фиғон чекишдан бўлак нарсага қудрати етадими? Асадбек буни яхши билади. Шунинг учун савол беришга бериб қўйиб, жавоб кутмади. Шунча йил бирга умр кечириб хотини билан маслаҳатлашмаган одам шу нозик паллада фикрлашармиди? Нима ҳақда сўзлашишни билмагани учун ҳам шу сўроқ тилидан учди. У ҳозир ёнида хотини бўлишни истарди. Манзура чиқиб кетса вужуди кимсасиз уйдек ҳувиллаб қолишини ҳис қиларди. Аммо хотини рўпарасида ўтирар экан, худди уришиб қолгандай оғзига толқон солволмайди-ку. Хотиннинг кәмгап, баодоб бўлгани яхши-я, аммо мана бунақа пайтда эрни эзиб ташлайди-да... Манзура гапга чечанроқ бўлганида Асадбекни ғуборли ўрамдан олиб чиқармиди...

Ташқаридан эркак кишининг овози келиб, Манзура чаққон ўрнидан турди-да, дераза оша ҳовлига қаради.

— Мутаваллингиз,— деди ажабланиб.

— Чақир,— деди Асадбек.

Манзура тез-тез юриб чиқди. Дам ўтмай эшик оғзида бўйни узунлигидан эгилиброқ юрувчи, эгнига уриниброқ қолган палто, бошига янги сувсар телпак кийган мутавалли кирди. Соқол-мўйлов улашилганда кечроқ қолган, аммо яратган «бу ҳам эркак-ку», деган раҳм билан топиб берган беш-ўнта тўкни савлат қилиб ўстириб, жамики тирик жоннинг энсасини қотиргувчи Каримуллага Асадбекнинг ҳам тоқати йўқ эди. Етимхона бошқони бўлиб ишлаб, ўз таъбири билан айтганда, шайтоннинг биттагина гапига кирди-ю, олти йил умрини симтўсиқлар ортида ўтказиб қайтди. Яна фирқага тиклаш масаласида кўп уринди. Фирқа аъзолигига қайта олганида турқи таровати ўзгача бўларди. Ҳатто ўзига ҳам ёқмайдиган, соқол-мўйлов деган номга иснод келтирувчи бу туқлар ўстирилмасди. Хитойнинг оҳори тўкилмаган оқ кўйлагини кийиб, Олмониянинг нўхот гулли қизил бўйинбоғини тақиб, финларнинг кўзни олгучи костюмини эгнига илиб, гердайиб юрарди. Айб ўзида — райқўмга узатиши лозим эди. Узини хокисор кўрсатиб бир янгилишди. Райқўмдагилар хокисорларга раҳм қилар деб ўйлаб эди. Раҳмдиллар райқўмда эмас, бу томонда экан. Бахтига маҳаллада масжид қурилиши бошланди. Аввалига ҳайбарақаллачи бўлиб юрди. «Уни у ёққа ол, бунни бу ёққа қўй», деб туриш, чойни шопириб қайтариб ўзидан улуғроқ одамларга таъзим билан узатиш ҳадисини олган эди. Қурилишда ҳар кунни ўралашиб юрувчи битта бекорчи керак экан. Шундан фойдаланиб, пойдевор битмасиданоқ ўзини «мутавалли» деб эълон қилди. Абдукарим деган исм, гарчи муллалikka дахлдор бўлмаса-да, Каримулла деб ўзгартирилди. Бу «мулла» хотираси заифлиги туфайли тўрт ой бадалида «Оятал курси»ни ёд

ололмаи, иккита кичик сура билан тирикчилик қилади. Ушанда ўстира бошлаган «соқол-мўйлаб» иморат томи ёпилибдики, ҳали бир энликдан нарига ўтгани йўқ. Бу ҳол Кесакполвон учун бир эрмак. Уни ҳар кўрганида «Каримулланинг соқоли ичкарига қараб ўсади», деб мазах қилади. Асадбек мутаваллининг тезроқ кетишини истайди, Кесакполвон эса уни масхаралаб ўтиришни ёқтиради. Каримулла бу масхарани малол олса-да, сиртга чиқармайди. Кесакполвоннинг гапларидан мириққандай хихилайди. У Асадбекдан чўчийди, камгап, мулоҳазали Чувриндидан эса кўрқади. Шу ҳолда аёнлардан бири уни «ўзига яқин олиб» «ҳазил» қилар экан, нимаси ёмон?

Каримулла Асадбек ёлғиз эмасдир, деган хавотирда эди. Ичкари киргач яйраб кетди. Илдам юриб келиб Асадбек билан кўшқўллаб сўрашди. Асадбек ўрнидан кўзғолмай, қўл учини берди.

— Уруснинг янги йили муборак бўлғай,— деди Каримулла ишшайиб.

Асадбек унга жавоб бермади. «Хўш, нимага келдинг?» дегандек норози қиёфада боқди. Каримулланинг мақсади янги йил билан табрик этиш эмас, балки кўнгил сўраш, шу орқали ўзининг ҳам руҳан «азият чекаётганини» маълум қилиб қўйиш эди. Аммо Асадбекнинг қараши уни шошириб қўйди. «Сизга қасд қилганлар паст бўлсин, қизингизнинг бахти очилиб кетади, иншооллоҳ», деб дилига тугиб келган гапларини ҳам унутди.

— Битта хонага жой қилиб намозни бошлаб юбордик. Бутун маҳалла дуои-жонингизни қилиб ётибди. Сувоқчилар хонақоҳдан чиқишди.

Хабар Асадбекни мутлақ қизиқтирмаётганини сезиб Каримулла жимиб қолди. Шу гапларнинг ўзини айтиб чиқиб кетавериш мумкинмасди. Шу учун бироз каловланди.

— Айвоннинг... тўсинларига темир керак экан, борсак бермади, занғар. Лимит-пимит дейдими-ей...

— Темир сенга ҳозир керакми?— деди Асадбек тутоқиб.

Шу топда Асадбекнинг кўнглига бундай гаплар сиғмаслигига, умуман, майда-чуйдалар билан шуғулланиш бошқа аёнларнинг иши эканига Каримулланинг калта фаҳми етармиди?

Асадбек шарт ўрнидан турди. Каримулла «тепиб қолади шекилли», деб кўрқиб, ўзини четга олди. Асадбек эшик ёнига илинган, шапалоқдек келадиган хориж телефонини олиб, чиройли тугмачаларни босиб рақам терди.

— Алло, ким бу?— деган эринчоқ аёл овози келди.

— Тўхтасин керак,— деди Асадбек жеркиб.

— Ухлаяптилар.

— Уйғот, ғафлатни, Асадбек акам сўраяптилар, де.

— Вой, ассалому алайкум, ҳозир... Ана, туриб келяптилар...

Ярим дақиқа ўтмай хирилдоқ овоз эшитилди:

— Ассомайкум, Бек ака, тинчмисиз, омонмисиз, янгам...

Асадбек унинг гапини шарт бўлди:

— Масжидга нима учун темир бермадинг?

— Окахон, лимит...

— Икки соатдан сўнг темирлар масжидда бўлсин.

— Бек ака, эртага эрталаб...

— Икки соатдан кейин масжидга чиқиб кўраман.

— Ахир бугун кранчи...

— Узинг қўл билан ортасан.

Асадбек гапни калта қилиб, телефонни жойига илди:

— Икки соатдан кейин усталаринг жойида бўлсин.

Каримулла бу гапни эшитиб, бошига ғавго орттирганини билди. Кирганига минг пушаймон еди. Топшириқдан қутулиб қолиш учун баҳона излади.

— Усталарнинг ҳақига сал камхаржроқ бўлиб қолувдик. Чиқмаймиз, деб хафароқ бўлиб кетишибди,— деди мижғовланиб.

Асадбек маҳаллага ёрдам бўлсин, деб пул берарди, бироқ, сарф-харажатларни текширтириб кўрмас эди. Бир ҳафта бурун «мутавалли масжид ҳақини сичқондек кемириб ётибди», деган гапни эшитиб, «етимларнинг ҳақидан кўрқмаган, масжид ҳақидан кўрқармиди», деб ёжинган, лекин чора кўришга шошилмаган эди. Ҳозир шу гап ёдига тушдию янада тутоқди:

— Усталарнинг ҳақига шерик бўлмаганинга етарди.

— Бек ака, ундай деманг-а, астағфируллоҳ!

— Ҳе, сени художўй қилиб туққанни...

Каримулла ўзини оқлашга киришишнинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини англаб, бошини эгганича жим қотди. Мўъминликнинг шуниси яхши-да. Ҳазабга минган одам тутоқаверади, сўкаверади, сен эса бошингни эгиб олиб унинг етти пуштини ичингда ўқийверасан. «Онангни!» дейди у, «онангнинг онасини кўшиб...» дейсан сен. «Ҳароми!» дейди у, «ўзинг итдан тугилгансан», дейсан сен. Шу ҳолда давом этаверади. Сенга яхши. Дилингдагини овоз чиқариб айтдинг нимаю ичингда айтдинг нима? Фарқ шундаки, дилдаги тилга учса жонинг кетиши мумкин, жонингга раҳм қилинган тақдирда абжафинг чиқади. Тилни бесуяк яратган Худога зорланиб бир-икки ой, балки бир умр

кўрпа-тўшақ қилиб ётарсан. Каримулла тилини тиш ҳатлашига йўл қўймади. Асадбек сўка-сўка бир тарсаки тушириб қолганини айтмасак, сувдан қуруқ чиқди ҳисоб.

Асадбек тарсакидан сўнг бу кўсамулла чиқиб кетар, деб ўйлаган эди. Унинг мутелик билан қўл қовуштириб, бош эгиб турганини кўриб:

— Яна нима дардинг бор?— деди.

— Бегим, бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга нотўғри информация беришибди.

— Гапни чўзма. Менга қанақа хабар етказишни билишади. Ҳаж қилмоқчимисан, бу ҳам ёлғонми?

— Рост, бегим, рост. Мен асли шу гапни айтай деб келувдим. Оқсоқоллар Асадбек ака ҳам борсинлар, дейишяпти. Биллашиб борсам бирам ярашади... Сиз билан борсак икки марта ҳаж қилгандай бўламиз.

— Сен билан юрсам ярашадими?

— Мен билан юрмасангиз ҳам... Асадбек ҳожи бўлиб юришингиз ярашади.

— Пулни қаердан оласан? Камбағал-фақир бўлсангиз?..

— Бегим, қариндош-уруғ бор, ҳозир ўнбеш минг пулни? Гуноҳларни кўп қилдик, охиратни ўйламасак...

— Охиратни дегин... Ўн беш мингни тўлаб у ёқдан майда-чуйда олиб келсам, харажатни қоплармикин?

Асадбек бу саволни синов учун берган эди. Бунинг фаҳмига етмаган Каримуллага жон кирди.

— Чиқади, бегим, унча-мунча қолади ҳам.

— Харажатдан ташқари йигирма минг қолармикин?

Каримулла бу саволга ўйламай-нетмай жавоб қайтарди:

— Йигирма минг чиқмас-ов, аммо ўн мингча қолар.

— Шунақа дегин, ҳисоблаб қўйибсан-да, а?

— Энди, одамлар айтиб юришибди-ку...

Асадбек жавонга яқинлашиб, эшигъни очди. Каримулла тахланиб турган пулларни кўриб, энтикиб кетди. «Харажатни кўтаради шекилли», деб қувонди.

— Қариндошларингни тинч қўй,— деди Асадбек, пул санай туриб.— Мана сенга ўн минг,— у шундай деб бели букилмаган пулларни Каримулла томон ташлади. Каримулланинг пулга узатган қўллари муаллақ қолаверди.— Сен ҳаром қадамингни Маккага босма. Маккага покиза одамлар бориши керак. Йўқол энди, кўзимга кўринма.

Каримулла пулларни апил-тапил йиғиштириб олиб, қуллуқ қилганича чиқиб кетди. Пулларни палтонинг кенг чўнтақларига сола туриб «йигирма минг десам бўларкан», деб ўқинди.

Асадбек жойига бориб ўтириб, ёстиққа ёнбошлади. Бир дам хаёлларга банди бўлди. Сўнг кўзига уйқу илиниб бошини ёстиққа қўйди. Қанча ухлаганини билмади. Бир уйғонганида шом қоронғуси чўккан эди. Хотини кириб «Овқатга чиқасизми ё шу ерга олиб кирайми?» деб сўради. Асадбек «чиқаман», деди-ю, яна уйқу элитиб ўрнидан кўзғолмади. Худди биров икки елкасидан босиб, миясига кўрғошин қуяётгандай кўзларини ҳам очолмай қолди. Мия сергак, қулоқ атрофда тиқ этган товушни ҳам эшитилади. Кўз эса ғалати уйқуда — бир жарга қулайди, юраги қинидан чиққудай бўлади, бир босинқирайди, бир чала уйғонади... Шу аҳволда тонг оттирди.

Нонуштадан кейин Жамшид келди.

— Бек ака, ҳаммаси пишди. Уйига обориб қўйдим,— деди Жамшид.

— Ғалва кўтармадимми?

— У-бу девди, менам бир нима дедим.

— Бўпти, кўз-қулоқ бўлиб турларинг. Уйга майда-чуйда юбордингми?

— Бўтқанинг болалари олиб бориши керак эди.

— Ўзинг хабар ол.

— Бек ака, кўчада имом турибди.

— Нима иши бор экан, ё тавба қилиб келибдими?

— Билмадим.. эшитишимча, «Волга»сини шумо қилиб кетишибди.

— Ким?

— Бизникилармас.

— Топиб, жойига олиб бориб қўйларинг.

— Кирсинми ё жавоб бериб юборайми?

— Кирақолсин, балки бошқа гапи бордир.

Қотмадан келган, кўзлари маъноли боқувчи, ўзи ёш, бироқ қоп-қора қуюқ соқол-мўйлови улўғроқ кўрсатаётган имом — Собитхон қори номи билан шаҳарда эътибор қозонган эди. У имомлик қилувчи кичкина, эски масжидга баъзан одам сизмай кетарди. Қариялар бу мулла йигитга ихлос қўйиб, уни маҳалла масжиди имомлигига чорлаган эдилар. Рад жавоби олишгач, Асадбекнинг аёнлари орага тушишди. Собитхон ўжар эди. Охир-оқибат Асадбекнинг ўзига ҳам йўқ дейишдан қайтмади. Асадбекка бу «олифта имомча»нинг димоғдорлиги ёқмади. Собитхоннинг «ҳаром пулларга қурилаган масжидда мен намоз ўқимайман», дейиши Асадбекни ғазабга миндирса-да, чора кўришдан ўзини тийди. Халқ орасида ўзи ҳақида бўлар-бўлмас миш-мишлар юрганда



бу эътиборли қориндан бошидан биргина сач толаси тўкилса маломатларга қолишни билди. Тўғри фикрлаган экан — имом машинасини ўғирлатиб, ундан гумон қилибди. Бу гап аллақачон шаҳарга тарқалгандир...

Собитхон остона ҳатлаб кириб, қўлини қовуштирган ҳолда, қироат билан салом берди. Асадбек беихтиёр равишда ўрнидан туриб унга пешвоз чиқди — қўшқўллаб сўрашиб, қизил духоба қопланган диванга таклиф этди.

— Қелинг, қори, қандай шамол учирди?— деди Асадбек, фотиҳа ўқилгач.

— Яхшилиқ шамоли эмас,— деди Собитхон унга тикилиб.

— Ҳай, ҳай, қорижон, совуқ нафас қилманг.

— Сизни инсофга чақириш фойдасиз эканини билсам-да...

— Қори, келишиб олайлик: сиз мени инсофга чақирманг. Қандай яшашни ўзимга қўйиб беринг. Мен ҳақманми ё ноҳақманми — қиёматда маълум бўлади. Сиз менга қози эмассиз. Сиз гапни чайнамай муддаога кўчаверинг. Сиз «Волга»нгизни ўғирлатиб, алам билан келган одамсиз.

— Ҳа, тақсир, топиб гапирдингиз. Аммо сиз томондан фирромлик бўлди бу иш.

— Нима, фирромлик?! Қори, аввалги сафар масжидга сарфлаган пулларимни ҳаром девдингиз, энди фирромлик дейсизми? Уйлаб гапирасизми гапларингизни? Сиз кимсиз ўзи? Тўрттагина сурани кўз юмиб ёдлаб берувчи қориваччасиз, худо эмассиз! Сизнинг китобларингизда тўхматчини нима дейишади? Тўхматчининг тилини кесиш керакми?

— Астағфируллоҳ! Тўхмат қилаётган бўлсам каломулло урсин!

— Керак бўлса уради ҳам. Уша ҳуни индамаган эдим. «Волга»нгиз борлигини билганимда «хўш, менинг пулларим ҳаром экан, сиз «Волга»ни қайси ҳалол пулга олдингиз?» деб сўрадим.

— Менинг отам...

— Сизнинг отангиз Андижонда машҳур телпақфуруш, биламан. Телпақфурушларнинг найранглари ҳам биламан. Шунинг учун ҳалоллик ҳақида бошқалар гапирганда сиз индамай юраверинг. Худойига бориб, Қуръон ўқиб тугун учига неча пул тугиларкин деб юрадиган мўлтони одамсиз-у, яна менга фирромдан гапирасизми?

— Тўхмат қилманг, мен Аллоҳнинг каломини пулга сотадиганлардан эмасман!

— Мен билмаган нарсамни айтмайман. Жирилламанг. Бу шаҳар бедарвозалигини билмайсизми? Шаҳарда мингта Асадбек бор. Сиз биттасидан гумонсирабсиз. «Волга»нгизни топиб беришади. Мен бунақа майда ишлар билан шуғулланмайман.

Асадбек Собитхон билан дастлаб учрашганида анча баодоб муомалада бўлган эди. Ҳатто қори ҳаром пулларни тилга олганида ҳам Асадбек туюқмаганди. Унинг ҳозирги феъли, кўрслиги Собитхонни аввалига ажаблантирди, сўнг пича кўрқувга солди. Агар одамлар орасида юрган гап-сўзлар рост бўлса, кичкинагина масжиднинг имоми бирданга йўқолиб қолса ҳам ажаб эмас-да. Ҳозир унинг бу хонадонга кирганини ким кўрди? Чикдими, чиқмадими — ким суриштириб ўтирибди? Қори шуларни ўйлаб сесканди. Ичида калима қайтариб қўйди.

Худо имомлар орасида инсоф ва имон бобида басаломат бўлган Собитхонни ўз паноҳига олиб, Асадбек қаҳрининг тўлиб-тошишига йўл қўймади. «Майда ишлар билан шуғулланмайман», деганидан сўнг Асадбек жим қолди. Собитхон ортиқча сўзга ҳожат йўқлигини англаб, ўрнидан турди. Асадбек «бир пиёла чой ичинг» ҳам демади. Собитхон унинг қаҳрини кўзғотган нарса нима эканини фаҳмламай, гаранг ҳолда изига қайтди.

## VIII БОБ

### 1

Прокурор маҳкамасининг терговчиси Зоҳид Шарипов ҳали бунчалик хорланмаган эди. Кечагина марказдан келган прокурор терговчиларининг қонунга мос бўлмаган ишлари ҳақида кўпириб гапирилди. Гўё шу билан маҳкамалар тозаланди. Покиза одамлар тўплангандай бўлди... Зоҳид шу ҳаракатларга ишонибди. У прокурор ёрдамчисининг қилигидан бир аччиқланса, ўзининг гўллигидан ўн ғазабланди. «Нима дейишмоқчи бўлишди: сен писта пўчоғисан, истаган пайтда супуриб ташлаймиз, сен кераксиз бир қоғозсан—хоҳласак ғижимлаб оёқ остига отамиз, дейишмоқчимми?»

Зоҳид анчагача ўзига келолмай ўтирди. Сўнг шарт ўрнидан туриб, прокурор ёрдамчиси хонаси томон юрди. У ёрдамчи билан олишишни қасд қилган эди. Аммо ўзига зеб бериб кийинган, қошлари қалин, кўзлари кулиб турувчи прокурор ёрдамчисининг муомаласи уни шаштидан қайтарди.

— Э, келинг, Зоҳиджон, янги йиллари қутлуғ бўлсин. Оилангиз, ота-онангиз соғаломатмилар? Бахтингизга кўп йиллар яшашсин, тўйларингизга бош бўлишин. Сизни чақирман, деб турувдим. Хизрни йўқласам бўларкан. Хў-ўш... Шариф Намозовни қўйиб боришга тўғри келди. Айби исботланмаган. Гувохлар гапларидан тонишибди. Унга қарши иғво қилингани шундай сезилиб турибди-ку, сизлар тўппа-тўғри қамоққа

тихиб кўя қилиб қилишлар. Намозов анов-манов одам эмас, катта олим экан. Чет элликларни ҳайрон қолдириб турган одамни қамоққа тиқсак, халқаро жанжал чиқиб кетишини ҳам унутмаслигимиз керак-да, азизим. Чет элдаги сафсатабоз душманларимизни биласиз-ку, «СССРда инсон ҳуқуқлари поймол этилмақда!» деб ғавро кўтаришса, бошимиз ғалвадан чиқмай қолади. Келинг, биз шунақа ташвишлардан четроқда юрайлик. Сиз ёшсиз, ўсадиган йигитсиз, бамаслаҳат ишлаверинг. Ифвонинг бошида винзавод директори Сулаймонов турган экан. Айбини бўйнига олиб ўзи келди. Ҳазилининг бунақа жиддий тус олишини ўйламабди. Беш-ўн ой ўтирса, иккинчи ҳазиллашмайдиган бўлиб чиқади.

— Сулаймонов ишини менга топширсангиз...

Зоҳид унинг маҳорат билан тўқиётган тўрига банди бўлиб қолмай, чиқиб кетиш ниятида шу гапни айтди. Ҳеч нарсадан тап тортмай ишни ҳамирдан қил суғургандай ҳал этаётган прокурор ёрдамчиси Зоҳиддан шу илтимосни кутмаганида лақма одамга айланмасмиди, бу даргоҳдан кавуши аллақачон тўғриланмасмиди? Дунёнинг манаман деган олимлари билан баҳслашишга мослаб яратилган бу фаҳм-фаросат, бу ақл шу эрзимас масалани ечишда ожизлик қилса-я! Ҳа, Зоҳид ожиз эди. Унинг кўзлари очиқ, аммо фикр кўзи бу ўйинлар, оёқ остига тўшалаётган тўрларни, энг муҳими — қаршисидаги одамнинг қалбини аниқ кўролмаётган эди. Ақл ҳамма вақт ҳам одамга шараф келтиравермайди, баъзан мана шундай хор ҳам қилиб кўяди. Зоҳид ўзининг беадад хорланаётганини ҳозир эмас, кейинроқ ҳис этади. Бошингизга тош тегса, бироз оғриб, сўнг босилгандай туюлади, аммо орадан вақт ўтиб шундай оғриқ кўзғоладики, ўзингизни қўйгани жой топа олмайсиз. Руҳий қийноқ ҳам шундай. Бир неча соатдан сўнг «мен нима учун унга шундай демадим!» деб ўзингизни лаънатлай бошлайсиз. Бироқ вақт ўтди — энди бу афсусдан нима наф?

Зоҳид соддалик билан Сулаймонов ишини сўради. Прокурор ёрдамчиси эса пинагини бузмай, ўша кулимсираган ёқимтой кўзларини Зоҳиддан олмай жавоб берди:

— Бу ишни Келдиевга топширдим. Танийсиз-а, аммамнинг бузоғи. Шунақа майда-чўйдани топширмасам, жиддий ишларни эплай олмайди. Сизни зўр ишлар кутиб турибди, азизим. Ўсадиган одам майда-чўйдага аралашмаслиги тузук. Сиздан умидим катта. Республика прокурорига ҳам айтдим. Умидли ёшларни биз ҳар қанақасига қўллаймиз.

— Шариповнинг иши оддий ҳазилга ўхшамайди. Ҳазил деб юриб уни ўлдириб кетишлари мумкин.

Жиддий оҳангда айтилган бу гапни у эрмакдай қабул қилди:

— Воҳма қилманг-е, азизим. Ўлдириб кетади, деб қамоқда ушлаб туришимиз ҳам тўғри келмайди-да. Эрак одам лалаймай ўзини ҳимоя қилсин. Итдай ичиб, чўнтагига биров наша солиб кўйса ҳам билмай ётаверадими?

— Мен ваҳима қилаётганим йўқ. Ундан пул талаб қилишган.

— Ким? Қачон?

— Кимлигини билолмай қолдим. Ҳарҳолда қамоқхонада талаб қилишган бўлса керак.

Прокурор ёрдамчиси телефон тугмасини босди. Кўзларидаги кулги йўқолиб, кўриниши жиддийлашди, ҳатто бироз асабий тус олди.

— Жонқораев! Сигналлар тушяпти, қамоқхонада бевошлик кучайибди. Текшириб уч кундан кейин ҳисоб берасан. Ҳа, Шариф Намозовдан ким пул сўраганини ҳам аниқла. Онасини учкўрғондан кўрсатиш керак бунақаларни, тушундингми!

Прокурор ёрдамчиси «маъкулми, кўнглинг жойига тушдимиз», дегандай Зоҳидга қаради-да, ўрнидан турди.

— Ҳозир республикага чиқишим керак. Сиз билан хотиржам би-ир гаплашамиз. Ўзим қақиртираман.

У Зоҳиднинг елкасига қўлини қўйиб, ғоят улуғ бир меҳр кўрғазиб оstonагача кузатиб қўйди.

## 2

Зоҳид хонасига қайтди. Усти чойнак изларидан доғ бўлиб кетган ўша стол, ошиқ-маъшуғи аранг илиниб турган ўша бўм-бўш китоб жавони... Зоҳид ўрнига ўтириб ҳалқа доғлар сирини ўрганмоқчи бўлгандай стол устига тикилиб қолди. Бу доғлар нималарга гувоҳ? Аччиқ чой дамланиб, шопириб-шопириб қайтарилиб, хўриллатиб ичилган дамларда кимларнинг тақдири ҳал этилган? Қандай хўрликларнинг, қандай фирромликларнинг гувоҳи бу доғлар?.. Зоҳид тикилиб ўтиргани билан хаёлига бу гаплар келмайди. Унинг хаёли Шариф Намозов ва Қилич Сулаймонов билан банд. Намозовни қамаш учун ишлатилган ҳийла энди Зоҳидни айтарли ажаблантирмай қўйганди. Бу калавнинг учини топгандай бўлиб эди. Сулаймоновнинг бош эгиб келиши... Ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. «Бу ишнинг бошида Асадбек турган бўлса, нима учун Намозовни қаматди? Балки бурнини ерга бир ишқаб қўймоқчи бўлгандир? Бунинг бошқа осонроқ, камчиқимроқ йўллари ҳам бор эди-ку? Сулаймонов нима учун қамоқда ўтирмоқчи? Унинг гуноҳи нима?» Зоҳид иш баттар гингаллашганини ҳис қилди. Намозов тақдирини Асадбек ҳал

қилган, винзаводга осилма, дейишганда масаланинг бунчалик мушкуллигини кутмаган эди. Винзаводни яхшилаб текшириш жумбоқни ойдинлаштириб беради, деб ишонганди. Сулаймонов ўйиндан чиқарилибдими, демак винзавод қалъасига унча-бунча ҳужум писанд эмас.

Зоҳид жилди жигарранг чармдан ишланган папкасига қараб қўйди. Ҳафсала билан иш бошлаган эди. Тўлдирилган бир неча саҳифа кечагина муҳим маълумотлар даражасида қадрли эди. Ҳозир эса бу қоғозлар сариқ чакага ҳам арзимайди. «Нима, мен кўчада санқиб юрган лайчаманми, биров тепса вангиллаб четга қочаверадиган...» Шу фикр Зоҳидни сергак торттирди. Нима, энди у «менга қачон, қандай иш беришаркин», деб пашша қўриб ўтирсинми? Иш топширилганда ҳам «буни мана бундай тарзда яқунлайсан», деб аниқ кўрсатма беришмайдими? У жонсиз кўғирчоқ каби қоғозларни расмийлаштириб қўя қолмайди...и? Шундай қилса—тез «ўсади»! Бўлмаса... Ерга кириб кетадими? Балки...

Одамлар фалончини осиб кетишибди, пистончининг уйини ўғри урибди, деган ваҳимали миш-мишлар чодирини остида қўриқиб яшаётган бир дамда шаҳар прокуратурасининг бўм-бўш китоб жавони, тепалари ҳалқа-ҳалқа доғли стол қўйилган кичкина хонасида терговчи ишсиз ўтирибди, дейилса ҳўп қизиқ туюлар. Жиноятлар изидан юрган Зоҳид бу ерга келгунча ишсиз ўтиришни тасаввур қила олмас эди. Қаранг, шундай маҳкамда ҳам бекор ўтириш мумкин экан.

Бир соат илгари хонага берухсат кириб келган терговчи Намозов қўйиб юбориллаганини айтганда, Зоҳид ажабланган эди. Сўнг бу ҳолдан ғашини келди. Кейин ғазабланди. Хўрланганини ҳис этиб эзилди. Мана энди, бекорчи деган ёрликни олиб, бўғилиб ўтирибди. Гўё прокурор ёрдамчиси пинжида юрувчи терговчи кириб нохуш хабарни айтмаган, балки баҳайбат мингоёқни олиб кириб қўйиб юборган. Бу кўринмас мингоёқ Зоҳидни бўғзидан бўғиб кўрди, юрагини ғижимлаб кўрди. Энди қулоғидан ўрмалаб кириб миясини зирилляпти.

«Нимадир қилишим керак,— деб ўйлади у, бошини чангаллаб,— бу ўтиришда ёрилиб кетаман!» У шундай деб ўрнидан туриб, эшикни очди. Қаерга боришини билмай, гангиван ҳолда остонада пича турди. Сўнг даҳлизга чиқди. Учинчи қаватга кўтарилиб, Келдиев ўтирадиган хона эшигини тақиллатди. Ичкаридан жавоб бўлмади. Зоҳид эшикни тортди — берк. Прокурор ёрдамчиси «аммамнинг бузоғи» деб атаган, бошини бир ёнга қийшайтириб юрадиган Келдиев эшикни ичкаридан беркитиб олиб Сулаймонов ишига оид ҳужжатларни тўлдирар эди.

Зоҳид иккинчи қаватга тушди-ю, хонасига киргиси келмади. Эшикни қулфлаб ташқарига чиқди. Беш-ўн кун йўқ бўлиб кетса ҳам бекорчи терговчи билан бировнинг иши бўлмаслигини Зоҳид биларди. Лекин беш-ўн кун қаерга боради. Елкасидаги ташвиш юки билан қаерга сиғади? Зоҳид шу масалада бироз янглишаётган эди. Назарида прокурор ёрдамчиси вазиятни юмшатиш учун уни холи қўядигандай эди. Гўё прокурор ёрдамчиси қилган ишдан уялиб, уни безовта қилмайдигандай эди. Бир содда қиз никоҳ кунини онасидан куёвнинг чап томонида ётайми ё ўнг томонидами, деб сўраганда она қайси томонда ётишининг фарқи йўқ, барибир ўша иш бўлади, деган экан. Шунга ўхшаш Зоҳид каби тухум дан энди чиққан терговчи аразлайдими, зарда қиладими, барибир — прокурор ўз билганидан қолмайди.

Кечаси бир сидра қуруқ қор ташлаб сўнг тундлашиб қолган осмон Зоҳид кўчага чиқиши билан яна инсофга келди. Зоҳиднинг назарида энди кўзни қувнатувчи қор эмас, осмонда ҳасрат элагини эланиб, ҳасрат ёғилар эди. Табиат одам руҳига мосланадими ё одамнинг руҳи табиатга мосланиб қоладими — тушунмак қийин. Ҳарҳолда кўнгли хира тортган маҳалда чор-атроф ҳам тундлашиб қолади.

У кўчага бемақсад чиққан эди. Эркини оёқларига берди. Юзига урилаётган қор учқунларидан роҳатланди. «Кечгача ёғса ҳаммаёқ оппоқ бўлади. Ҳавода ғубор қолмайди. Қор ёғдириш, тиндириш, офтоб чиқиш — Худонинг иродаси биланми? Худо қор ёғдиргани каби ҳақиқат, адолат ёғдирса-чи? Бир кунгина ёғдирса эди... Қор эриб тупроққа сингиб кетишига ўхшаб, ҳақиқат билан адолат одамларнинг юрагига сингиб кетса... Дунё бир кундаёқ бошқача бўлиб қоларди...» Зоҳид бобосининг гапларини эслади: «Оллоҳ таборақ ва таоло инсонларни синамоқ учун бу дунёга юборган...» Садақайрағочдек ўсган оқ ўрик остидаги супага кўрпача тўшаб ўтиришни хушлайдиган бобоси шу гапларни кўп такрорларди. Кўзойнакнинг синган бандлари ўрнига ип тортиб қулоққа олиб, мук тушиб эски китобларни ўқиб ўтирувчи бобоси кўз олдига келди. Акасига эргашиб кўча чангитиб юриб ё сув ичгани, ё қорни очиб бир тишлам нон егани кириб қолганда бобоси «Қани, дўнғпешаналар, ўтиринглар-чи, эшитинглар-чи...» деб эски китобдан ҳикоятлар ўқишни бошларди. Улар эса бобосининг ўқишга берилганидан фойдаланиб лип этганча қочиб қолишарди. Зоҳид ҳозир бобосини кўмсади. Эски китоблардан ўқиб беришини, насихатларини, дунёнинг тузилиши, инсонлар хулқи ҳақидаги сўзларини эшитгиси келди. Бобосининг бу дунёдан ризқи узилганда Зоҳид ўн ёшда эди. Кўп гапларни эшитарди, бироқ мағзини чақолмасди. Улғайиб, бу ёруғ оламнинг қоронғу кўчаларига бехос кириб қолиб, ночор тентираган чоқларида эсида қолган

гапларни фаҳмига етмоққа ҳаракат қиларди. Йиллар ўтгани сайин, дунё тиконзорларини ялангоёқ кезгани сайин бобосининг ўғитларига муҳтожлиги орта борди. Зоҳид камгап отасига дардини айтиб далда ололмасди. Бу оилани танимаган кишига «шу индамас кетмончи ўша мулла одамнинг ўғли», деса ишониши қийин. Бобоси уриб бўлса ҳам илмини ўргатмаган экан-да, кетмонингни қолип юровур, ўғлим, илм билан қорин тўймайди, деган экан-да... Мана энди Зоҳиднинг акиси ўлиб кетди, отасида на эскича, на янгича илм бор. Ўйлаб қараса, қариндош-уруғлари орасида ҳам бобоси каби одам йўқ экан. Утин ёниб кул қолибди, деганлари шуми?

Бобосини ўйлаб бораётган Зоҳид саволларига жавоб топгандай бўлди: «Худо ёғдирган ҳақиқат, адолат — бобомга ўхшаган одамлар эмасмиди экан? Улар ер юзидаги одамлар қалбига яхшилик уруғи сепишлари лозимми эди? Бобомга ўхшаганлар камайиб кетяпти-ку? Энди нима бўлади? Энди юраклар фақатгина қон ҳайдашга ярайдиган ҳиссиз буюмга айланадими? Ҳақиқат ва адолат тамом қовжираб, куйиб кул бўладими?!»

Зоҳид бадбин хулосага яқинлашган эди. У дунёда битта яхши, битта тўғри одам қолғунича адолат ва ҳақиқат яшаши мумкинлигини ҳозирги кайфиятида идрок эта олмас эди. Ёмонлар, мунофиқлар нафасидан олов чиқиб ҳақиқат ва адолатни куйдиради, аммо яхшиларнинг юрагидан қувват олгучи бу ҳақиқат, бу адолат яшайверади. Бу — азалий кураш! Яна неча аср давом этади — яратганга маълум. Бандасига бир нарса аён — азалий курашнинг интиҳоси — қиёмат!

Эркинликка эришган оёқлар Зоҳидни аввал анҳор бўйига, сўнг сувоқлари кўча бошлаган тўрт қаватли уйга бошлади. Нураб қолган тош зиналарни босиб тўртинчи қаватга кўтарилди. Ҳаворангга бўялган ёғоч эшикка қайсидир бола бўр билан катта қилиб «проф. Ҳабиб Сатторов» деб ёзиб қўйибди. Шу ёзувни кўриб Зоҳид хаёлини йиғиштирди. «Нимага келдим? Ҳасратимни тўкиш учунми? «Бу соҳага ўтиб овора бўлма, сен излаган ҳақиқат йўқ у ерда. Бўлмаган, йўқ ва бўлмади ҳам», деб неча марта таъкидлаган. Энди «Гапингиз тўғри экан», деб кириб борадими? Зоҳид бироз ҳаракатсиз туриб, изига қайтмоқчи бўлди. Энди ўгирилиб кетаман, деганида эшик очилиб елкасига жун рўмол ташлаб олган Ҳабиб Сатторов кўринди. Зоҳиднинг бурилиб кетаётганини кўриб, ажабланди.

— Зоҳид? Ҳа, тинчликми?

Зоҳид ўгирилиб, хижолатдан гап тополмай қолди.

— Уйда йўқдирсиз, деб ўйлабман,— деди.

— Кўнғироқ ишламаяптими?— профессор шундай деб тугмани босди. Биринчи, иккинчисида овоз бўлмади. Кейин кўнғироқ булбулга ўхшаб сайраб берди. Мана шу ҳол Зоҳидни хижолатдан қутқарди.— Болалар тугмани ўйнайверишдан чиқаришганга ўхшайди. Қани, кир. Келаётганингни деразадан кўрувдим. Кутдим, кутдим, дарагинг бўлмади. Яхшиям эшикни очиб қараганим.

Зоҳиднинг кўзига уй бесаранжомроқ кўринди. Уртадаги стол устида кўк пластмасса челақ турибди. Дераза томонда икки тоғора... Ҳабиб Сатторов Зоҳиднинг ажабланганини кўриб кулимсиради:

— Чакка ўтиб кетди. Учинчи қаватдагиларга жабр бўлмасин, деб шунақа ўтирибмиз. Кеча қувурлар ёрилибди, уй исимаяпти. Болаларни қайнонамникига қўйиб келдим. Ўзим кечқурун Масковга кетяпман. Вадим Петрович ишга чақириб, ҳоли жонимга қўймаяпти.

— Рози бўляпсизми?

— Узимни-ку боргим йўқ. Академияга сайловдан кейин Соҳиб Пўлатович зада бўлиб қолди. Энди менга кун бермас. Биринчи қилган яхшилиги мен олишим керак бўлган уйни Кравчукка бердирибди.

— Ким у Кравчук?

— Керакли, зарур мутахассис!— Ҳабиб шундай деб кўрсаткич бармоғини осмонга нуқиб қўйди.— Институтнинг сантехниги.

Зоҳид Фанлар Академиясининг мухбир аъзолигига номзодлар орасида Ҳабиб Сатторов билан Соҳиб Пўлатовлар борлигини эшитиб «чакки бўлибди» деб қўйган эди. Бунақа сайловларда олимнинг иқтидори эмас, эгаллаган мансабию суянган тоғи муҳимроқ экани унга маълум. Сайловдан Сатторов ҳам, Пўлатов ҳам ўтолмади. Пўлатов, шубҳасиз, бу кўргуликда Сатторовнинг айби бор, деган хулосага келгану уни икки хонали тор, совуқ, чакка ўтувчи уйда яшашга маҳкум этган.

— Ҳозир кетсам, бўлмас,— деди Ҳабиб Сатторов,— сайловдан ўтолмагани учун аразлаб жўнаворди, деб ғийбат қилишади. Масковга-ку ишга бормасман. Аммо Кембрижга боришим керак. Бир йилга чақирिशяпти. Дилимга тугиб юрган режаларим бор, ўша ерда битириб келаман.

— Пўлатов биладими, буни?

— Эшитса инфаркт бўлиши турган гап. Мана буни ўқи, ҳали ҳеч ким билмайди.— У китоб жавонини очиб, тик таҳланган китоблар устидан катта конверт олиб узатди.— Инглизчани билардинг, а?

— Сал-пал.

Зоҳид ҳижлабалаб ўқиди:

— «Қадрли мистер Сатторов! Сизни Кембриж дорилфунунининг фахрий профессори бўлганингиз билан муборакбод этамиз. Хошиш-истагингиз ва имконингиз бўлса, Англияга келишингизни сўраймиз. Сизни дорилфунунимизда бир йил ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Таклифимизга кўнсангиз, контрактни имзолаб жўнатинг...» Зўр-ку?

— Секинроқ айтасанми?

— Мен сизга далда бериб, кўнглингизни кўтармоқчи эдим.

— Бе... уйни айтяпсанми? Ё академияними?

— Унисини ҳам, бунисини ҳам.

— Унисига ҳам, бунисига ҳам хурсандман, очиги. Академияда кимлар борлигини биласан-ку? Уйни Пўлатович марҳамати билан олганимда барибир тўришим қийин эди. Учала қизимни узатвораман. Эр-хотинга шу уй ҳам бўлаверади, нима дейсан? Хў-ўш, қани ўтирчи. Чой ичасанми ё қаҳва қилиб берайми? Ё коньякдан, а, янги йил баҳонасида?

— Кембрижни ювиш керак.

— Бу гапинг ҳам тўғри.

Ҳабиб Сатторов кўнгли учун таклиф этган эди. Зоҳиднинг гапидан сўнг ўзига ҳам бир ҳўплам кўйди. Зоҳид профессорнинг кам ичишини биларди, шунинг учун бундан ажабланмади. Коньяк ўзига хушўқди. Томирларида гўё тўхтаб қолган қон юришиб кетгандай бўлди. Сатторов унинг кайфиятини сезиб яна кўйди. Зоҳид учинчи сафар ўзи қўйиб ичган, мезбон коньякни олиб, ошхонага қўйиб чиқди.

— Солмонов ўн саккизинчида ҳимоя қиляпти. Диссертациясини яхши баҳолаш-япти. Сен ҳам боргин.

Зоҳид «хўп» дегандай бош ирғаб қўйди. Солмонов унинг курсдоши эди. Кириш имтиҳонида ёзма ишни «беш»га топшириб, тарихдан «икки» олиб изига қайтмоқчи бўлганида жонига шу Ҳабиб Сатторов ора кирган. Карра жадвални аранг биладиган, нима учун бу ўқишга кириб қолганидан гарангсиб юрган «толиби илм»лар орасида Зоҳид билан шу Солмонов ажралиб турарди. Зоҳид ўқишни ташламаганида, балки ўн саккизинчида Солмонов билан бирга ёқлармиди... Зоҳид «профессор шунга шама қиляпти», деб ўйлади. Ҳолбуки Сатторовнинг фикрича, у ҳозир докторлик диссертациясини ёқлаши лозим эди.

Сатторов «коньякдан кейин яхши кетади» деб қаҳва қайнатди. У собиқ шогирдининг авзойига қараб, кўнгли хира эканини сезгани учун «ишлар қалай?» деб сўрамаётган, бу эса Зоҳид учун муддаонинг ўзи эди. Сўралган тақдирда ҳам, гарчи кўнгли ҳасратлашишни истаб турган бўлса-да, «яхши» деб гапни калта қилган бўларди. Фикри-зикри илм билан банд бўлган одамга Асадбек деган зотнинг кўли нечоғли узунлигини, янги-ланган прокуратурада ҳам адолат йўқлигини тушунтириш қийин. Умуман бу дунё қин-фирликларини кўравериб кўзлари пишган одамга адолат йўқлигини гапириш осмон юлдузга тўла эканини беҳуда исботлашдай гап эмасми?

Солмонов бекорга эсланмаган эди. Профессор аввал унинг ишларини шарҳлаб берди. Зоҳид ўзининг терговчи эканини бир неча дақиқа унутди. Қаҳва қўйилган пиёлалар четга сурилиб, стол устида қоғоз-қалам, топ-тоза қоғоз юзида эса формулалар тизими пайдо бўлди. Ташқаридан қараган киши чакка ўтиб турган бу совуқ хонада риёзиёт профессори билан прокуратура терговчиси эмас, икки олим дунё ташвишларидан чекиниб, илм бағрига шўнғияпти, деб ўйлаши мумкин.

Диссертация шарҳи тугагач, Сатторов Зоҳидга савол назари билан тикилди.

— Калланг жойида, ҳали ҳам кеч эмас, қайт.

Зоҳид қоғоз юзидаги формулаларга қараб ҳазин жилмайди.

— Биласиз-ку, мен камикадземан.

Зоҳид қисқа жавоби билан нишонга урди. Уқишдан кетаман, деб юрганида бу гапни Сатторов айтган эди. Зоҳид «Камикадзе деган гуржи ким экан, нима учун мени унга ўхшатди», деб ҳайрон бўлиб юрди. Охири бир кун «Камикадзе» деган одам ким эди? деб сўради. Профессор аввалига мириқиб кулди. «Ҳа, қишлоқи!» деб мазах қилди. Сўнг Камикадзе—грузин эмас, балки иккинчи жаҳон урушидаги мутаассиб япон учувчиларига берилган ном эканини, бу учувчилар самолётга бомба ортиб, изга қайтишга ёнилғи олмай, ўлимга тик боришганини тушунтириб берганди. Зоҳид ҳозир ўша сўхбатни ёслатади.

— Камикадзелар бекорга ўлиб кетишди. Япония урушда енгилди. Сен ҳам мағлуб сифатида ўлиб кетасан.

— Адолат учун кимдир ўлиб туриши керак-ку?

Профессор панжаси билан столни бир-икки уриб қўйди-да, ўрнидан турди. Дераза олдида бориб кўчага тикилди.

— Фақат... сен ўлма. Аҳмоқ бўлсанг ҳам шу дунёда яшаб юравер. Бу дунёда аҳмоқлар кўп-ку, тўғрими?—У шундай деб орқасига ўгирилиб Зоҳидга тикилди.— Шуларнинг орасида сен ҳам юрсанг нима қилибди?.. Сени нимага яхши кўраман, ҳайронман. Илмни беҳурмат қилган одамнинг башарасига қарамаслигим керак. Лекин сени кўргим келади. Сен «Ҳабиб акам мени яхши кўраркан», деб талтайма. Сендан

нафратланаман. Лекин... кўргим келади. Бир кунмас бир кун ақлингга топиб олишганга ишонсам керак. Узи сен тенгиларнинг ҳаммаси аҳмоққа ўхшайди. Нечанчи йилда туғилган эдинг?

— Олтмиш бир эди шекилли?— Зоҳид шундай деб гапни ҳазилга бурмоқчи, профессорни сал шаштидан туширмоқчи эди.

— Ҳа, тўппа-тўғри! Укам ҳам олтмиш бирда туғилган. У ҳам қип-қизил аҳмоқ! Илми кўйиб, шеър ёзиб юрибди.

— Тарихчи укангизми?

— Менинг биттагина укам бор. Унинг ҳозир қаердалигини биласанми? Жиннихонада! Лекин жиннимас, у, мияси бус-бутун. Дунёнинг яралиш формуласини яратибдилар акам. Қарагин-а,— профессор стол ёнига қайтиб, қоғознинг бўш ерига ёзди:  $X$  (ҳақиқат)= $хиёнат + риё$  (ҳасад + очкўзлик) +  $шуҳратпарастлик = мансабпарастлик$  —  $виждон + имон + диёнат = О$ . Бунга нима дейсан?

Зоҳид ўйланиб қолди. Бу шунчаки формула эмас, дунё ишларидан зада бўлган юракнинг ноласи эди. Бу нола унинг дардига ҳамоҳанг эди. Зоҳид профессорнинг укаси билан бир-икки марта шу уйда ҳамсуҳбат бўлганди. Унинг тарихни бузиб талқин этилаётганидан куйинишлари, пичингли гаплари, замонни турли махлуқларга ўхшатиши Зоҳидни ҳайрон қолдирган эди. «Бу тузум заҳм билан оғриган фоҳишанинг ўзи. Ҳамма-ни ўлимга гирифтор қилиб, сўнг ўзи ҳам ўлади», деган гапни Зоҳид кўп ўйлаб юрди. Гап мағзини чаққани сайин унга бўлган ҳурмати ортиб борди. Сўнгги марта уни бир-икки йил олдин қабристонда кўрган эди. Ҳамкасбининг отаси қазо қилиб, жанозага боришганида учратганди. Кўзида ёш билан юрган экан. «Бир ажойиб шоир ўзини осиб ўлдирди», деб йиғлаган эди.

— «Ўзбек бўлиб туғилмаганда, Кўрмас эди шунчалар хўрлик...» деб ёзиб, хор бўлиб ўлди. Ҳаммамиз ҳам хорланиб юраверамизми?!— деган эди. «Шоир нима учун хўрланди?» деб сўрашнинг мавриди эмасди. Зоҳид кейинги учрашганимда сўрарман, девди. Орадан анча вақт ўтиб кетди. У билан кўришмади. Ана энди жиннихонада эмиш... Яратган формуласи...

— Ечими тўғри,— деди Зоҳид, ўрнидан туриб.

— Айтдим-ку, ҳамманг бирсанлар!

Дунё илм аҳлининг эътиборига тушган, аммо ўз юртида турткиланаётган олим ўз тақдиридан нолимай, укаси ва Зоҳидга ўхшаш ёшларнинг иқтидорини тутантириққа сарф этаётганидан куярди. Ҳар тўқисда бир айб деганларидек, бу профессорга математика илми омон бўлса бас, унингча барча ҳақиқат шу илмда. Шу азим шаҳарнинг яна қайсидир мавзеида, яна қайсидир икки хоналик сувуқ (балки иссиқдир— худо билади!), чакка ўтаётган (балки чакка ўтмас) уйда бир физик (балки кимёгар) ҳақиқат фақат физикада (балки кимёда) деб баҳс юритаётган бўлса ажаб эмас. Ҳабиб Сатторов тоифасидаги одамлар учун бу алдамчи дунёнинг ҳийлалари одатий ҳол. Улар бу ҳийлаларга бас кела олмасликларини биладилар. Осмонга отилган тош қайтиб тушгани қанчалик ҳақиқат бўлса, улар учун бу ёруғ оламини тозалаш мумкин эмаслиги шунчалик исбот талаб этмовчи ҳақиқат. Адолат истовчилар Сатторов назарида камикадзё, қайсидир физик назарида эса шамол тегирмонини дев деб фараз қилиб, жангга кирган нодон Дун Кихотликдир.

Ҳар бир одам дунёга ўз кўзи билан қарайди, ҳар бир нарсани ўз қаричи билан ўлчайди. Оқибатда ўз идрокига хос равишда дунё формуласини яратади. Шундай экан, профессор билан бу соҳада баҳслашиши фойдасиз.

Зоҳид устозининг ҳовури босилишини кутиб, индамай ўтирди. Оёқлари уни бу томонга бошлаганда кўнгли таскин истаган эди. Қизиқ, ҳақиқат учун курашиш фойдасиз деган ақида билан яшовчи одам унга қандай таскин бериши мумкин? У бир йил давомида инглиз илм аҳлини лол қолдириб юради. Бу ерда эса ким-кимни ўлдирди, ким мансаб курсисига интилиб ҳамкасбини янчиб ўтади, ким-кимни камситади—бу билан иши бўлмайди. Зоҳид шуни ўйлаб, устозидан нафратлана бошлади. Ҳатто шартта туриб, чиқиб кетгиси ҳам келди. Бироқ, фаришталар унинг қилиғига «ўзингни бос, ахир кимдир илм билан ҳам шуғулланиши керак-ку? Адолат деб, тўрт хоналик яхши уй оламан, деб, академик бўламан, деб бир нодон билан олишса, илм нима бўлади?» дея шивирлаб уни шаштидан қайтарарди.

### 3

Зоҳид профессорникига кираётганида қандай тушкун ҳолда бўлса, чиқаётганида елкасидан босиб турган дард юки бир мисқол ҳам камаймаган эди. Машина филдираклари остида эзгиланиб, кирланиб кетган қор эрий бошлаган, гўё атроф балчиққа беланаётгандай эди. Заиф қор учкунлари эса, бу ифлосликни қоплаб улгурмасди.

Зоҳид уйга борсамми ё қишлоққа чиқиб кетсамми, деб пича иккиланди. Қишлоқдан кеча кечкурун келди. Бугун борса ота-онаси «нима бўлди?» деб хавотирланишади. Уйда ҳеч ким йўқ — хотини ишда, ўғли боқчада... У яна оёқларига эрк берди. Бизга шундай туюлади: гўё оёқларимизга эрк берамиз, бу эркин оёқлар бизни қайгадир

бошлаб боради, гўё қаёққа бораётганимизни билмаймиз. Ҳолбуки миямиздаги яширин бир нуқта бу эркин оёқларни бошқаради, «у ёққа юрма, бу ёққа юр», деб туради. Ҳозир Зоҳиднинг оёқлари уни (гўё беихтиёр) винзавод томонга етаклади. Билчиллаб эриётган қорларни босиб, кўлмакларни четлаб ўтиб, қоровулхонага ҳам олиб кирди.

Қоровулхона темир панжара билан иккига бўлинган, панжара ўртасида бир қулочли айлана темир эшикча бор эди. Панжара ортидаги эски стол атрофида уч йигит давра қуриб, чойхўрлик қилиб ўтирарди. Улар Зоҳидга бир қараб кўйишди-ю, индашмади. Зоҳид ҳам уларга қараб тураверди.

— Ҳа, укаҳон, хизмат борми?— деди кўнғиз мўйловли йигит.

— Қилич ака керак эдилар,— деди Зоҳид.

Яхшики қоровул «нима ишингиз бор эди?» деб сўрамади. Сўраб қолганида Зоҳиднинг довдираши тайин эди.

— Қилич акамлар бугун ишга чиқмадилар. Тоблари йўқ,— деди қоровул.

«Билмайдими ё лақиллатмоқчимми?»

— Шариф ака-чи?

Қоровул қулимсиради.

— Шариф акангизга беш-ўн йилдан кейин келасиз, укаҳон.

— Нимага?— деди Зоҳид ажаблангандай.

— Сафарга кетганлар,— деди гапга аралашмай ўтирган қоровул йигитлардан бири. Унинг сўзларини маъқуллаб, шериклари кулишди. Шу пайт завод ҳовлисига олиб чиқувчи эшик очилиб, елкасига сувсар ёқали палто ташлаб олган дўмбоқ жувон қоровулхонага кириб барчанинг эътиборини ўзига қаратди.

— Салимчик, мана буни ёпиштириб қўй,— деди жувон кўнғизмўйловли қоровулга бир парча қоғоз узатиб.

— Сиз ёпиштира, дейсиз-ку, биз ёпиштирамаймизми,— деди кўнғизмўйлов, ўрнидан туриб. Бу ҳазилдан шериклари мириқиб кулишди.— Нима бу ўзи?

— Министрнинг пиркази.

Кўнғизмўйлов чап кўли билан қоғозни олиб, ўнг кўлини аёлнинг думбасига юборди. Жувон «отстань» деб кўлига аста уриб қўйиб, изига қайтди. Кўнғизмўйлов қоғозга кўз югуртирдию ажабланиб шерикларига қаради.

— Ие, вей,— деди у,— бу ёғи алламбало бўп кетди-ку, «Сулаймонов ишдан олиниб, Намозов директор вазифасини бажаришга киришсин»...

Иккала йигит шошиб ўрнидан туриб, қоғозга қаради.

— Биров ҳазиллашгандир?

— Тўхта,— деди кўнғизмўйлов телефон томон юриб. Шунда бегона йигит серрайиб турганини эслаб, унга норози қиёфада боқди.— Ҳеч ким йўқ бугун, эртага келасиз.

— Нима юмушингиз бор эди, ўзи?— деди ҳали гап ташлаган йигит.

— Ишга кирмоқчийдим,— деди Зоҳид.

— Бу ерда иш йўқ, қурилиш-пурилишга боринг,— деди йигит.

Зоҳид бу қимматли маслаҳат учун миннатдорлик билдириб, ташқарига чиқди-да, зинадан пастга тушмай турди. Орқасига бир қараганда кўнғизмўйлов телефонда гаплашаётган эди. Яна бир қараса буйруқ ёзилган қоғозни девортахтага ёпиштиряпти. «Демак, бу ёғи ҳам пишган. Кўнғизмўйлов кимга кўнғироқ қилди? Министрликками? У ердагилар қоровул билан гаплашиб ўтиришармиди? Кимдан сўради? Асадбекданми?»

## IX БОБ

### 1

Табиббоши Анварнинг гапларини эшитиб, «барибир ялиниб келар экансан-ку», дегандай истеҳзо билан қулимсираб қўйди.

— Ужарлик қилиб чиқмай қолганингизда сизни чиндан ҳам телба деган бўлардим. Ҳозир дўхтирингизга айтаман, қоғоз ёзиб беради.

— Биратўла мажруҳликка чиқариб юбормайсизларми ишқилиб?— деди Анвар хотир билан.

— Қўрқманг,— табиббоши «ҳолинг шумиди» дегандай яна илжайди,— инвалидликка чиқиш осонмас, яна икки-уч марта келсангиз, ана ўшанда ўйлаб кўрамыз.

— Ҳали яна кўришар эканмиз-да,— Анвар унга кўзини лўқ қилиб тикилди.— Сизни тортиб кўриш янаги сафарга қоларкан-да, а? Неча кило гўшт беришингизни билмай чиқиб кетавераманми энди?

— Бас қилинг!..

Табиббоши асабий ҳолда эмас, ялиниш оҳангида айтди бу гапни. Гап оҳанги Анварни ажаблантирди. Бу ерда бошқа қиладиган иши йўқ эди, чиқиб кетаверса ҳам бўларди. Бироқ, табиббоши юзида истеҳзо учқунларининг йўқолиб, кўзига мунг соя ташлаши уни ҳайрон қолдириб жойига михлади. Табиббоши уни ҳайдаб чиқармади.

— Хафалик сизга ярашар экан, кўзларингиз чиройли бўлиб кетаркан.

қуяйи, гапирман, табиббоши ўрнидан турди дераза тоқчасига қаюр терилб турди. Ундан анчагача садо чиқмади.

— Жиннилик ҳам эви билан-да,— деди у ниҳоят.— Кимлигингизни билмайманми? Сиз аламингизни мендан олмоқчисиз. Мен бир бечора тул аёл бўлсам. Сизнинг эркак деган номингиз бор...— табиббоши шундай дегач, Анварга ўгирилди.— Ҳа, фақат номингиз бор. Гапимдан ранжиманг, ёлғиз сиз эмас, ҳаммангиз... бирсиз... Аслида эркак зоти қолмаган. Ҳаммаёқни хотинчалиш босиб кетган.

«Бу ёғи зўр бўлди-ку?— деб ўйлади Анвар.— Нимага шама қияпти у, ё қармоқ ташламаганимгами? Қани, эшитаверай-чи...»

— Зўр бўлсангиз, ақлли бўлсангиз, ҳақиқатпарвар бўлсангиз нимага бу ерда миқ этмай ўтирибсиз. Бу ерга юборганларига қарши нима учун бош кўтармадингиз? Уртоғингиз-чи, у ким? Энди Асадбекка малайлик қияптими? Сиз чиқиб ким бўласиз? Сиз ҳам Асадбекнинг ялоғини ялайсиз. Яламай кўринг-чи!..— Табиббоши эримнинг куни бошингизга тушади, демоқчи эди, лекин рўпарасида ҳасратдоши эмас, бегона эркак ўтиргани учун бундай демади. Бирданига ёрилиб, шунча гапларни айтворгани ҳам етарли эди.

Табиббоши аслида Элчин келиб-кетганидан сўнг айтмоқчи эди бу гапларни. Сиртдан қараганда беғам, ҳаёт лаззатларидан баҳраманд яшаётгандай кўринган бу дўмбок аёлнинг ичи ҳасратга тўла эди. Тўғри, емоқ-ичмоқдан кам-кўсти йўқ. Лекин аёл кишига шунинг ўзи етарлими? Қиморбоз бўлса ҳам эри бор эди. Эртага қайси эркак эркалар экан, деган ўйда яшамасди. Етим тўшакка кирганида кўкраклари ўрганган кўлни кўмсаб зириллайди. Келинлик чоқлари ўрганолмай қийналган ароқ ва сигаретнинг аралаш қўланса ҳидини ҳам соғинади. Унинг дардини фақат ёстиқ билади. Кўзёшларга айланган ҳасратни ёстиқ бағрига сингдирган. Ер қон ичиб тўймаганидек, ёстиқ ҳам ҳасрат кўзёшларини ичиб тўймайди.

Соппа-соғ йигит-қизларнинг бу ерга ётқизишига у кўника бошлаган эди. Айниқса жиноят қилиб қўйган ёки ҳарбийдан қочирилганлар бу ерга тез-тез келади. Табиббоши бу ҳолдан изтиробга тушмасди. Лекин ҳеч қандай жиноятга алоқаси йўқ, фақатгина тўғри гапни айтишни яхши кўрувчи одамлар кетирилганда ўзини қўярга жой тополмай қоларди. Тўғри, у руҳий хасталиклар бўйича мутахассис эмасди. Лекин одамнинг кўзига, сўзларига қараб эс-ҳуши жойидалигини ажратиш қийин эмас-ку! Анварни дастлаб кўрганида ҳам эси бутунлигини билди. Кейин иш жойи, касб-кори билан қизиқди. «Бу йигитнинг касали — ҳақиқат», деб ўзича ташхис қўйди. Табиббоши бу эси соғ одамга ачинса, у «неча кило гўшт қиларкинсиз», деб масхаралаб юрибди. Табиббошининг алами шундан эди. Гапириб сал хумордан чиққандай бўлди.

Анварга, шубҳасиз, унинг кечинмалари бегона эди. Табиббоши у учун занжирнинг бир ҳалқаси эди холос. Аёлнинг гапларини аламга тўла юрак садоси сифатида эмас, шунчаки гина каби қабул қилди. Табиббошининг «Асадбекнинг ялоғини ялайсиз», дегани товонигача зириллатиб юборди. «Сиз-чи, кимникини ялайсиз, халқлар отасиникиними?» демоқчи бўлди-ю, шу гапни айтса баҳс чўзилишини билиб ўзини тийди. «Жиннихона маликаси» деб ном олган бу дўмбоққина аёл бир нималар деб валдираса жавоб қайтариш шартми, балки мени синамоқчидир, балки гап олмоқчидир, балки учинчи қаватга «кўтариш» учун замин ҳозирлаётгандир...» Анвар шу фикрлар билан ўзини овутди.

Табиббоши Анвардан садо чиқмагач, гапим таъсир қилди, деган хулосага келиб, «Хайр бўлмаса», деди.

Анвар бош ирғаб ўрнидан турди. Бир-икки қадам қўйиб, орқасига ўгирилди.

— Кўришгунчами? — деди кулумсираб.

Табиббоши бу гапни эшитиб, тутатиб кетди:

— Одам эмасакансиз! — деб юзини четга бурди.

## 2.

Ҳаво айтарли совуқ эмасди. Аммо қор учқунларини ўйнатиб юрган шамол «уст-бошингнинг қалинлиги менга чўт эмас, барибир қақшатаман», дегандай одамларга ҳамла қилар эди. Шундай ҳавода пинжагининг ёқасини кўтариб, қўлларини чўнтакларига солиб, шумшайиб қолган йигитга қараб бировлар «эси соғми бу одамнинг» деса, бировлар «йўлтўсарлар ечинтириб олган шекилли», деб ачинарди. Ҳеч ким «бу бечорани кузда жиннихонага худди шу кийимда олиб келишган эди, «хотиним палто олиб келар», деб кутиб ўтирмай чиқиб келаверибди-да», демас эди.

Автобусда Анварнинг жони пича ором олган эди. Пастга тушиб беш-ўн қадам босмай яна қалтирай бошлади. Тез-тез юрса ҳам исимади. Ҳовлисига безгакка учраган одамдай титраб-қақшаб кириб келди. Уйига кирмай, тўғри ҳовли этагидаги онасининг хонасига қараб юрди. «Уйдаикинлар ишқилиб?» деб ўйлади у. Онаси, кўзи ожизлигига қарамай, деворларни пайпаслаб юриб қўшниларикига йўрғалаб қоларди. Маҳалла-кўйнинг иссиқ-совуғидан доимо хабардор бўлиб турган аёл кўздан қол-



са қийин экан. Уйга сифмайди. Кўнгул кўргур «ўтирма, кўни-кўшниларикига чиқ, дарди бўлса дардини ол», деяверади. Шунақа пайтда ёмғирми-қорми, иссиқми-совуқми фарқи йўқ — уйдан чиқади.

Эшикка яқинлашганида радиодан чиқаётган овоз эшитилди. «Уйда эканлар» деб ўйлади Анвар енгил тортиб. Эшикни очиб ичкари кириши билан онаси:

— Ким? — деди. Жавоб кутмай сўради: — Анвар, сенмисан?

— Менман, ойи, ассалому алайкум.

— Вой, болагинамдан айланай, келган бўлсанг ўргилай, нимага қалтираяпсан, болам? — у шундай деб ўрнидан турмоқчи бўлди. Анвар тез-тез юриб бориб чўк тушди-да, онасини кучди.



— Вой, болам, юпунлигингча келавердингми? Содиқ акангникига телпон қилсанг бўлмасмиди? Хотининг уйдайдия, лип этиб кийимларингни олиб борарди. Танчага ўтира қол, ҳа, омон бўлгура, шундай келаверганингни қара, — Рисолат кампир Анварни худди гўдакни авайлагандай танчага ўтқазди. Қўлини кўрпа орасига тикиб чойнакни олди-да, чой қўйиб узатди: Анвар ҳовури ўлмаган чойдан бир-икки хўплагач, Рисолат кампир ўрнидан туриб, радиони ўчирди. Сўнг эшикни қия очиб «Хонзода-ю, ҳой Хонзодахон», деб қақирди. Хонзода — Анварнинг кўз очиб кўрган хотини. Асл исми Зеби. Чарлари кўни Рисолат кампир «Менинг ўғлим анов-манов боламас, у хоннинг ўзгинаси, келиним эса Хонзода бўлади» деб ҳазиллашганидан бери Зеби — Хонзода бўлиб кетган. Ҳовлидан «Ҳозир, ойижон», деган овоз келди. Дам ўтмай эшик очилиб, Зеби — Хонзода кўринди. Эрига кўзи тушиб «Вой», деб ажабланди. Кейин шошилиб салом берди.

— Кеча... индамовдингиз-ку? — деди ўпкаланиб.

— Кеча номаълум эди. Бугун қарашса, тузалиб қолибман. Сенга рухсат, тўрт томонинг қибла, дейишди, келавердим.

— Тузалиб қолдинг, дейишдимми? Олдин касалакансанми, вой омон бўлгур. Ҳай, Хонзодахон, иссиқ кийимларини олиб чиқинг дарров.

— Уйга қирақолинглар... иссиқроқ-да.

— Шу ерда бирпас ўтирсин, танча совуқнинг захрини олади. Оловни титиб қўяйчи. Шу эр сизники, ман билан бирпасгина ўтирсин, кейин олиб чиқиб кетасиз.

— Вой, ойи гапингизни қаранг...

Рисолат кампир «бопладимми», дегандай мириқиб кулди.

— Содиқникига чиқиб муллакангизга тилпон қилиб қўйинг. Масковига кетмаган-дир ҳали. Укасини кўриб кетсин. Ҳай, яна Ҳабиб Сатторович, деманг-а. Муллака денг...

Хонзода «Хў-ўп, ойи» деб чиқиб кетди. У қайноғаси билан бирга йшлар, кўпчилик «Ҳабиб Сатторович» дегани учун у ҳам уйда баъзан шундай деб юборар, ўрнида узиб оладиган қайнона шубҳасиз, буни назардан четда қолдирмас эди.

Ҳабиб Сатторович Зоҳидни кузатиб, эндигина қоғозларига тартиб бераётганида телефон жиринглади. Укасининг қайтганини, онасининг топшириғини эшитиб, соатига қараб олди — ҳали вақт бор. Тезгина кийиниб йўлга тушди.

Анвар танқанинг иссиғида ҳузурланиб ўтирганида акаси кириб келди. Қучоқлашиб кўришдилар.

— Ҳафа бўлма, сени йўқлаб бормадим, — деди Ҳабиб. У укасига «боролмадим» эмас, «бормадим», деди. Анвар унинг мақсадини тушуниб кулимсираб бош ирғаб қўйди. Бироқ, Рисолат кампир «бормадим»нинг маъносини англамай тўнғичига танбех бера кетди:

— Вой, омон бўлгур, уканг шунча ётиб би-ир мартаям бормадингми? Сенки, бормагансан, хотининг ўзингдан беш баттар. Вой, ман билганимда санларни би-ир қовуриб ташлардим-а! Вой, сан инсофи йўқлар...

— Ойи, — деди Ҳабиб норози оҳангда, — қўйинг энди.

— Нимага қўярканман? Ҳали хотининг келсин. Сен унга маслаҳат солгансан. У «қўйинг, настраенайз бузилади» деган. Сан лақма кўнгансан.

— Ойи, кеннайим бордилар, — деди Анвар вазиятни юмшатиш учун. — Акамни уришманг, ишлари кўп.

— Тўғри айтдинг, ишларим кўп. Лекин ишим кам бўлганида ҳам бормас эдим. Сабабини ўзинг биласан.

— Сабабини манам билай-чи, қани айт-чи, тилларинг мунча ширин!

— Менинг тилим ширин, ойи. Мана бунингизники заҳар. Шу тили етаклаган уни у ёққа. Бунингиз касалмас. Буни миясинимас, тилини даволаш керак.

— Шунақа дўхтир бўлса бирга борайлик, — деди Анвар қувлик билан, — суякли тилингизни сал юмшатиб берсин. Тилингиз «а» квадрат, «б» квадратдан бошқани айтишга ярамайди.

— Ойи, мени уришишга чақиртирувдингизми? — деди Ҳабиб, бироз аччиқланиб.

— Сени уришиб туриш керак. Ҳамма айб ўзингда. «Укам ўзи хоҳлаган касбни танласин», дединг, ёнингга олмадинг. Ўзинг дўхтир бўлиб олиб гердайи-иб юрибсан. Етти ёт бегона болаларни олим қилиб юбординг. Укангнинг бири икки бўлмай сарсон.

— Бунингиз карра жадвалини билганда ҳам майли эди... Ҳа, нимага ишшайсан?

— Қўйинг, бу гапларни. Ойим бир гапирдилар-да. Масковга кетяспизми?

— Ҳа, МГУда бир ой дарс ўтаман.

— Домлангиз ҳали ҳам чақиряптими?

— Чақиряпти.

— Борасизми?

— Балки борарман, сенга нима?

— Масковда ҳақиқат бор, деб ўйлайсизми?

— Менга ҳақиқат эмас, илмий иш учун шароит керак.

— Ҳақиқат йўқ ерда шароит ҳам бўлмайди. Домлангиз бошингизни силагини билан «қора-қуралар насибамизни еб кетяпти», дейдиганлар кўп у ерда.

— Сен сафсатангни қўй. Ҳозир биттаси келиб бошимни қотирувди.

Хонзода кириб, уларнинг суҳбати узилди.

— Меҳмонхонага дастурхон солдим.

— Во-ей, Хонзодахон, эрингизни олиб чиқиб кетмагунингизча кўнглингиз тинчимани-я! — Рисолат кампир шундай деб фотиҳа ўқиди-да, ўрнидан турди. Икки ўғил икки қанотида, ҳовлига чиқди.

Онага икки қанот бўлиб турган ўғилларнинг фақатгина соҳаси бошқа эмас, дунёлари ҳам ўзгача. Катта қанот оҳиста учишни хуш кўради. Кичиги чарх уришни, ўзини довул бағрига уришни истайди. Она учун эса олими ҳам, исёнчиси ҳам бир — ҳар иккови фарзанд! Ҳабиб Инглистон қирол академияси аъзолигига эришиб, Нобел мукофоти билан тақдирланган, Анвар мамлакат жумҳураис даражасига етган тақдирда ҳам она учун қулоғига гап кирмас, бевош гўдак бўлиб қолаверади. Дунёнинг сеҳри шундаки, қўш қаноти — икки ўғилнинг феълига қараб туриб уларнинг шу наодан тўғилганига шубҳалана бошлайсан. Қош-кўз онага ўхшаса-да, феъл тоғаларига тортган. Анвар катта тоғага ўхшайди. Ҳақиқат излаб топган кўчаси уни турмага бошлаган эди. Тоғаси икки марта қамоқ жабрини кўрган бўлса-да, Анвардан омадлироқ, ҳатто бахтлироқ ҳам эди, дейиш мумкин. Чунки унинг «сиёсий маҳбус» деган номи бор. «Халқ душмани» деб қораланганлар энди «халқ қаҳрамонлари» сифатида эъзозда, Анвар ҳақиқат излаб кирган кўча эса, уни «жинни» деган унвонга сазовор этди. Бу унвон ёрлиғи бир умр ўзгартирилмас керак.

Ҳабиб ўртанга тоғасига тортган. Урушдан қайтиб келганидан бери кундузи трактор, қуёш ботганда яримта ароқдан бошқа нарсани тан олмайдиган тоғасига қараб туриб, бу бандани ҳам Худо яратганми, деб ажабланасиз. Тўрт йил қирғиндан омон қайтган одам кўкраklarини тўлдириш мумкин бўлган нишонларини бирон марта ҳам тақмабди. Бирон ерга ҳақини талаб қилиб бормабди. Немисни узоқдан бир кўриб қолган одамлар эъзозда юрганларида у «нима учун мен қора мойга беланиб юраверишим керак», демабди. Унинг урушга борганини кексароқ одамлар эшлади, ёшлар эса билишмайди. Фақат бир украин, бир чех генерали уни қидириб келишди-ю, шаҳар биқинидаги қишлоқ бир сесканиб олгандай бўлди. Меҳмонлар истаги билан қишлоқ аҳли, қариндошлар тўпланиб қирқ йил сандиқда эски рўмолга тугиб қўйилган нишонлар, суратлар олинди. Унинг Берлинда Черчилл билан тушган сурати барча газитларда босилди. «Ўзбек қаҳрамони», деб кўкларга кўтарилди. Аммо «Ўзбек қаҳрамони» бу пайтда у дунё лаззатларидан баҳраманд эди. Генераллар излаб келмасидан икки йил олдин немиснинг ўқи ололмаган одамни ажал далада топди — дориланган ерга кириб ҳушини йўқотганича, худди панадан узилган ўққа дуч келгандай армонда кетди.

Ҳабиб, умри ўхшамасин ишқилиб, шу тоғасига тортган. Олимлар «Йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди», деганларидек, инсон феъли, руҳи ҳам йўқликка ҳукм қилинмас экан. Рисолат кампир болаларидан ўпкалаб, «сен кимларга ўхшадинг, ҳайронман, даданг унақа эмас эдилар» деб қолса, «фалончи тоғамга» деб кулишарди. Шунда Рисолат кампир ўғлининг тоғасига сира ўхшамаслигини исбот қилиш учун акаларининг фазилатларини санаб кетарди. Оқибатда бу «фазилатлар қайси бири сенда бор?» деб сўрарди. Уни бу пайтда тинчлантиришнинг бирдан бир йўли — «ҳеч қайсиси йўқ» деб тан олиш. Аслида-ку, Рисолат кампир болаларининг кимга тортганини яхши билади. Билгани учун ҳам кўнгли тўқ. Ҳарҳолда эрининг уруғларига тортмади-ку. Рисолат кампирнинг қайнилари, қайинсингиллари муттаҳамроқ — безрайиб туриб ёлғон гапираверишади. Худо Рисолатга раҳм қилиб, фарзандларини уларга ўхшатмади.

Бу дунё азобидан етарли тотган Рисолат «кўзларимдан нурни олган парвардигор жонимни қачон олар экан», деб юганида кичигининг «жинни бўлиб қолганига» асти чидай олмади. Унинг дардларига ҳовли этагидаги ўша танчали уй гувоҳ. Кўришга ярамай қолган кўзлар йиғига яраб турганига ҳам баъзан шукр қилади. У Анварнинг ишхонасидаги гап-сўзларни, халқ отасининг найрангларини билмайди. «Ўғлим тирноққа зор бўлгани учун сиқилиб касалга чалинган», деб ўйлайди. Институтдаги аҳволни Ҳабиб ҳам аниқ билмайди, аммо ўзича тахмин қилади. Мана энди ўғлининг «тузалиб келганидан» хурсанд она икки қанотида икки ўғли билан ҳовлини кесиб ўтиб, меҳмонхонага боряпти.

### 3.

Ҳабиб бир пиёла чой ичдию сафарга ҳозирлик кўриши лозимлигини айтиб ўрнидан турди.

— Тўхта, ўтир, — деди Рисолат кампир. — Урис бўлиб черковинг йўқ, мусулмон бўлиб мачитинг йўқ, сан боланинг. Дўмга бориб мусулмончиликдан чикдинг. Дуо олиб кетмайсанми? — шундай деб фотиҳага қўл очиб узундан узоқ дуо қилгач, Ҳабиб унинг ёноқларидан ўпиб қўйди. Кўчага қадар кузатиб чиққан укасига қўл узатди-да:

— Каловланиб юрганинг ҳам етар, а? Аввал ҳақ гапни айттиришмайди, деб нолирдинг. Ёлғон гап билан тарих илмини яратиб бўлмайди, дердинг. Энди ҳам шароит етилмадими? Ҳамма ёқни ошкоралик босиб кетди-ку? Шоирчилигингни йиғиштириб, илм билан шуғуллан. Кейин афсусланасан. Бунақа шароит узоқ давом этмаса керак, — деди.

Анвар акасига қараб жилмайди-да: «Худо пошшо!» деб қўйди.

Акасини кузатиб келиб, онаси билан икки оғиз сўзлашишга улгурмай, дарвоза кўнғироғи бир узун, икки марта қисқа-қисқа жиринглади.

— Ҳофиз ўртоқинг келди, — деди Рисолат кампир.

Анвар ўрнидан туришга улгурмай, ҳовлида Элчин пайдо бўлиб, «Мирзо Анварбек!» деб чақирди. Мактабда ўқиб юришганида ўртоқлари уни «Мирзо Анвар», кўнгил қўйган қизи Лолани эса «Раъно» деб чақирарди. Болалик сурури мозийга кўчган бўлса ҳам Элчин дўстини эркалагиси келганда «Мирзо Анварбек!» деб йўқлар эди. Ҳозир ҳам лутф билан шундай деб кириб келиши Анварни йидиринг юборди.

— Опокижон, қувониб ўтирибсизми? — деди Элчин, кампирнинг дуосини олгач. — Бир ошнамдан хабар олай девдим, ният холис-да, ўзи келиб қолибди.

Анвар унга қараб «қувлигингга қойилман», дегандай бош ирғаб қўйди. У ё табиббошига кўнғироқ қилган, ё ўзи яна бориб келган. Анварнинг қайтганини билиб кирган. «Ният холислигига» кампирни ишонтирди, аммо Анварни лақилллата олмади. Шунга қарамай Элчин Анвардаги ўзгаришларга парво қилмади. Худди уни эмас, опоқиси Рисолат кампирни кўргани киргандай лақиллаб ўтираверди. Анварга «яхши келдингми?» дейишдан бошқа сўз айтмади. Кампирнинг ёнига ўтириб олиб, гапни аҳволи оламдан бошлаб, сўнг бармоқларини шақиллатиб «ёввойи тановар»ни хиргойи қилди. У гаплари билан кампирни чарчатдими ё кўпни кўрган сезгир Рисолат икки ўртоқнинг

ўз гаплари борлигини фахмладими, ҳар нечук Элчиннинг нафас ростлашни кутиб туриб, суҳбатни узди.

— Энди мен уйимга чиқай, ўрусча усталингда белим қотиб қолди, Санлар гурунглашиб ўтиринглар. Аммо ичманглар. Анваримга сираям ёқмайди. Сан ҳофиз болам тўйма-тўй юриб, ичишга ўрганиб қолгансан. Санам ташлагин ичкиликни.

— Отлиққа йўқ-ку, ҳозир, — деди Элчин кулиб.

— Қассобга мол қаҳатми, вой болам, санларни биламан-ку, томоқларинг қичишса ернинг тагидан бўлсаям топасанлар. Шири-ин гаплашиб ўтиринглар. Мана, худога шукр, сан оқланиб келдинг. Уртоғинг ҳам келди. Энди сан уйлангин, болам. Уртоғингнинг қайинсинглисини би-ир кўргин. Хусни ҳам, ақли ҳам бебаҳо. Қайнонаси ношукр банда экан, сиғдирмай турмушини бузди. Битта ўғли бор — оламга татийди. Сан хўп десанг, бўлди, бу ёғини манга қўйиб бераверасан. Худо хоҳласа бахтинг очилиб кетади. Кўнглим сезиб турибди, ўртоғингнинг ҳам бахти очилади. Шу боламнинг боласини би-ир ўпиб кейин ўлсам армонсиз кетардим. Худо «шу неварангни кўрасан» деб жонимни сақлаб турибди-да...

Рисолат кампир кейинги гапларини йиғламсираб айтди. Қайинсинглисидан гап очилганида Анвар «Элчинбой катта одамга куёв бўладиган, жувонга эмас, қизга уйландиган йигит, уни ерга урманг», деб бир узиб олмоқчи бўлди-ю, онасининг кайфияти бузилганини билиб, индамади.

Фарзанддан гап очилса, Анварнинг ҳам юраги сиқилади. Дастлаб таниш-нотанишлар «бола-чақа омонми?» деб сўрашганида ўнғайсизланиб юрди. Фарзандсизлик катта гуноҳдек туюлди. Шунда хотинининг гапига кириб даволанмоқчи ҳам бўлди. Кейинчалик бола боқиб олишга розилик ҳам берай деди. Аммо ён-атрофдаги разилликларга дуч келавергач, «шу азобларга гирифтор қилиш учун бола кўраманми», деб қайсарлик қилди. Аста-секин «бола-чақа омонми?» деган сўроққа бош ирғаб кўяр, кайфияти яхши бўлса «юришибди дўмбиллаб», дерди. «Болалардан нечта бўлди?» деб сўраб қолинса «қайси хотиндан?» деб ҳазилга бурворадиган бўлди. Фақатгина онаси гапирганда юраги сиқиларди. Унга «умид қилманг», дея олмайди. Гўё умид узилса, жони ҳам узиладигандай туюлади — «майли, умид билан юраверсинлар...»

Анвар онасини қўлтиқлаб, ҳовлига олиб чиқди.

— Мани судрамай қўйворавер, йўлни ўзим топаман, — деди кампир. — Уртоғингни ёлғизлатма. Кўнглини кўтар, бояқишнинг. Бир амаллаб қайинсинглингни кўрсат. Қудаларимни ўзим кўндираман. Қамалган бўлсаям яхши бола. — Кампир шундай деб кўзи очиқ одамдай ўзи юриб кетди. Анвар онаси уйга киргунча изидан қараб турди. Рисолат кампир остона ҳатлаб ўтиб орқасига ўгирилди:

— Нимага қоққан қозикдай турибсан, кир ичкарига!

Анвар буйруққа итоат этиб, уй томон қадам босганида кўнғироқ жиринглади. Уч тавақали дарвозанинг ўрта қаноти очиқ эди. Анвар қўл қовуштириб турган қўшинисини кўриб, чеҳраси очилди.

— Э, келсинлар, Ҳожиқори ака, — деб пешвоз чиқди.

Рисолат кампир меҳмоннинг овозини эшитиб, уйи эшигини очиб, ўша ерда туриб сўрашди-да:

— Мошинангиз топилдими, қори болам? — деди.

— Топилди, холажон, худога шукр, топилди.

— Яхшиликка буюрсин. Ҳалолга келган нарса йўқолмайди. Қани, киринглар, Анваржон, бошла уйга.

Элчин Собитхон қорини аввал кўрмаган, у ҳақда эшитмаган ҳам эди. Шунинг учун «ким экан бу мулла, нима қилиб ивирсиб юрибди?» деб ўйлади. Қорининг маънодор кўзлари унга киборлик билан боққандай туюлди. Собитхон қори қисқагина дуо ўқигач, Анвардан ҳол-аҳвол сўради.

— Кўчада мулла Ҳабибхон акани иттифоқо учратиб, бу кўнгилхуш хабарни эшитдим. Мавриди бўлмаса ҳам, йўқлай дедим. Узр, суҳбатларингизга халал бердим. Сизни бир бориб кўролмадим, бунинг учун ҳам минг бор узр. Аммо ҳар вақт дуоларда жумла дардмандлар қаторида сизга ҳам шифо тиладим.

— Қуллуқ, тақсир, бу... мошинага нима бўлди?

— Э, нимасини айтасиз. Одамлардан иймон кўтарилса шу-да. Ҳовлидан олиб чиқиб кетишибди. Фафлатда қолибмиз. Ўзим юргизолмай гаранг эдим. Қандай мениб кетишди экан, ҳайронман.

— Қайтаришдимми ахир?

— Қайтаришди, бинойи қоряпти, денг, — қори шундай деб мийиғида кулди.

— Тузатгани олиб кетишган экан-да, а? — деди Анвар ҳазиллашиб.

— Кошки эди, кошки эди, — деди қори жилмайиб, — бу бир ғаламисларнинг иши. Асадбек деган одамни эшитганмисизлар?

Бу гапни эшитиб Анвар билан Элчин кўз уриштириб олишди. Қори буни сезмай, сўзини давом эттирди:

— Шу одам денг, маҳалласида масжид солдираётган экан. Имомликка чақиртирди. Бормадим. Ҳаром пулларга қурилган масжидда намоз ўқиб, охиратимни куй-

дирмайман, дедим. — Қори кейинги гапларни ғурур оҳангида айтиб «боплапманми!» дегандай Анварга қаради. Анвар суҳбатга қўшилишга улгурмай кутилмаганда Элчин сўз бошлади:

— Чакки қилибсиз, биродар, — деди у.

Собитхон ялт этиб нотаниш мезбонга қаради. «Қори ака», «Ҳожиқори ака», «Домлажон», «Тақсирим» деган мурожаатларга кўниккани учун ўзидан икки-уч ёш катта одамнинг «биродар» дейиши унга эриш туюлди. Элчин ундаги ўзгаришни пайқамай гапини давом эттирди:

— Пулнинг ҳалол-ҳароми бўлмайди. Ҳар ким ўз билгича топади. Лекин пулни ҳаром-ҳаришга ҳам, савобга ҳам ишлатиш мумкин. Топган пулига масжид қурдирибди, иморатда нима гуноҳ? Шу пулларни еб-ичиб, айш-ишратга сарф этса ҳам бўларди-ку?

— Сизнинг қаричингиз билан ўлчанса шундайдир. Аммо Аллоҳнинг уйи ҳалол пешона тери билан топилган пулга қурилмоғи лозим.

— Қайси масжид шундай қурилган? Пешона тери эвазига топилган пул қорин тўйғазишга етмайди ҳозир, сиз мачит қуришдан гапирасиз. Асадбекдан бекорга гумондор бўласиз. У бунақа майда ишларни ўзига эп билмайди.

— Во ажабо, ўзи ҳам менга шу гапларни айтди. Аммо унга учрашганим ҳамон мошинам топилди-да?

— Топдириб бергандир.

— Сиз уни танийсизми? Уни жуда авайлаб гапиряпсиз? Пирингиз эмасми, мабодо?

Анвар Элчинга сўз бермаслик мақсадида гапни илиб кетди. Таништирмагани учун узр сўраб, дўстини таърифлаб берди.

— Элчин сизмисиз? — деди қори маънодор қилиб. — Ашулаларингиз ёдимда. Ҳозир кўп ҳамкасбларингиз ислом йўлига ўтиб ибрат бўлишяпти.

Элчин бир гапдан қолиб, «ҳа», деб қўя қолса бўларди. Бироқ, «исломга хизмат қилаётганлар»нинг кимлигини яхши билгани учун ўзини тутиб туролмади:

— Ҳамма номаъқулчиликларни қилиб кўриб, энди мусулмон бўлиб қолишибдимми? Нима эди, ўғри қариса сўфи бўларканми?

— Қаттиқ кетманг, биродар. Гуноҳлари бўлса, Аллоҳ олдида ўзлари жавоб берадилар. Ашула бошлашларидан аввал «бисмиллоҳир раҳмонир роҳийм» дейишларининг ўзи улуғ савоб.

Элчин бу гапни эшитиб кулиб юборди. Бу кулги қорини ғазабга солди. Анвар уларни муросага келтириш йўлини топа олмай каловланди.

— Кулманг, биродар, гуноҳга ботманг, — деди қори асабий оҳангда.

Элчин кулгидан бирдан тўхтаб, унга жаҳл билан тикилди.

— Қошу кўзингдан аканг айлансин, қачон кўйнингга кираман, кўлимга қачон кўнасан, дейиш учун ҳам бисмилло айтиш керакми? Сизга шу найрангбозлик ёқадими? Ҳеч бўлмаса динни найранглардан тозалаб кўйинглар.

Собитхон қори «астағфируллоҳ!» деб пичирлаб, «бу иблиснинг дастёри» билан баҳслашишнинг фойдасизлигини англади-да, Анварга қаради:

— Чиндан ҳам бемаврид кирибман. Анваржон, менга рухсат, — у рухсатни кутмаёқ фотиҳага қўл очди, — барчамизни Аллоҳ таборака ва таоло иймонда ва исломда барқарор этсин, овмин...

Элчин одоб юзасидан туриб, хайрлашмади, ўтирган ерида бош ирғаб қўя қолди.

— Нимага унга осиласан, арпангни хом ўрганми? — деди Анвар, қорини кузатиб қайтгач.

Элчин қўл силтаб қўйди.

— Ҳаммаси найрангбоз. Қуръонни шариллатиб ўқиб, барчани маҳлиё қилади-ю, бу ёқда машаққатдан бўшамайди. Менга биттаси айтувди: қиёматда имомлардан тутантириқ қилинар экан. Тушундингми, дўзах оловини ёқиш учун шу имомлар тутантириқ бўларкан. Биринчи шулар ёнади. Чунки сен билан мен билмай гуноҳ қиламиз. Булар билиб туриб қилишади. Ҳарҳолда мен шу имомингдан кейин ёнаман дўзах ўтида.

— Собитхон сен айтган тоифаданмас, уни бекор ранжитдинг. Илми пухта, бировдан бир танга таъма қилмайди. Миллат деб жонини беришга тайёр. Бунақалар кам...

— Қўй, ўшанингни, — Элчин шундай деб яна қўл силтади.

— Мана, Асадбек акангнинг илтифотлари билан «тузалиб» чиқдим. Менда нима ишинг бор?

— Сендами?.. Сенда ишим йўқ... Энг муҳим ишим шуки, уйингда тухум босиб ўтир, опоқимга яхши қара, дуоларини ол. Бошлиғинг билан ўйнашма. Бераётган ваъдаларига ишонма. Ваъда дегани бир қопқон, сенга ўхшаган лақмаларни осон илинтириш учун ўйлаб топилган. Ҳақиқат учун курашиш сенинг қўлингдан келмайди. Буни менга қўйиб бер.

— Ҳақиқат учун курашувчи бўлиб олдингми, ҳали? Ҳақиқат бечоранинг қуни сенга қолибдими? Курашганингиз ҳозирги гапларингиз-да, а?

— Пичинг қилишга устасан. Тилингдан заҳар томиб туради. Кўп ўқигансан-у, заррача укмагансан. Дунё файласуфларинг ёзиб кетгандай бўлмайди ҳеч қачон. Қайта қу-

ришларига ҳам ишонма. Бўрилар бир юмалаб қўйга айланишган. Лекин бу қўйлар ўт емайди, гўшт ейди. Тушундингми! Сенга ўхшаган лақмаларнинг гўштини ейди.

Хонзода икки косада мастава кўтариб кирмаганида икки дўстнинг суҳбатидан тутун чиқар эди. Элчин овқатнинг иссиқлигига қарамай, тез-тез хўриллатиб ичди. Илгари бундай эмас эди. Қошиқни тоза сочиқда артиб, овқат ичидан тилла қидиргандай обдан аралаштириб совутиб, эзмаланиб ичарди. Анвар дўстидаги бу ўзгаришни кўриб, «қамоннинг таъсири-да», деган хулоса чиқарди.

Элчин Анварнинг имиллаб овқат ейишини кузатиб ўтирди. Коса бўшагач, «зарур ишларим бор, кейин келаман», деб кўзғолди.

— Тўй қачон? — деди Анвар.

— Яқин қолди. Қамишдан белбоғ тайёрлаб тур.

— Қайинсинглимни кўрасанми?

— Кейин... кейин, бир гап бўлар... — Элчин шундай деб, хайрлашиш учун қўл узатди.

#### 4.

Соғинч ҳислари андак ором олгач, Хонзода уйкуга кетди. Қарийб икки ой қаттиқ каравотда ёлғиз ётишга кўникиб қолган Анварга икки кишилик юмшоқ каравот торлик қилиб уйку бермади. Хотинининг енгил пишиллашини кўрпа-ёстиқ ўзига ютмай, аксинча янада кучлироқ жаранглаб Анварнинг қулоғига ургандай бўлаверди. Бутун хона хотинининг нафасига тўлиб кетгандай, тоза ҳаво қолмагандай туюлди. Ҳолбуки, хона баҳаво, Хонзоданинг енгил пишиллашига эътибор бермас ва бўларди. Уни безовта этаётган нарсалар аслида булар эмас. Жиннихонадаги бедор тунлар, қуюн ўрамидай ёпирилиб келувчи хаёлларга банди бўлиш, учинчи қаватдан келаётган бақириқлар — ҳаёти мазмунини белгилаб қўйгандай, у айнан шундай яшашга маҳкум этилгандай эди. Анвар бедорлиги ана шу маҳкумлиқ меваси эканини англамай, бунга бошқа сабаблар ахтарди. У ён-бу ёнига ағдарилавериш ҳам жонига тегиб, ўрнидан турди. Жиннихонада бундай кезларда суҳбатлашувчи навбатчи ҳамширалар бўлишарди. Жимликни пораловчи бақириқлар эшитилиб турарди. Ҳарҳолда тириклик белгилари мавжуд эди. Уйда эса, наинки ўз уйида, балки бутун маҳаллада осудалик.

Хонзода эрининг турганини билди. Кўзини салгина очиб қараб қўйди-ю, индамади. Бироздан кейин яна уйкуга кетди. Унинг пишиллаши тингач, соатнинг чиқиллаши босқонда тушаётган болғадай жаранглаб миясига урила бошлади.

Анвар ётоқдан меҳмонхонага чиқди. Қанча ўтирганини билмайди. Бир маҳал уйи ёриша бошлагач, юраги ҳаприқиб ўрнидан туриб кетди. Оппоқ нур юқоридан пояндоз сингари тушиб оёқлари остида тўхтади. Анвар бу сафар қўрқмади, оёқ-қўллари музламади. Ёқимли овоз келишини кутди. Овоз ҳаялламади:

— Сен биздан қочиб келдингми?

— Мен... ўз уйимга келдим.

— Ёлғон гапирма. Сен бизга ишонмаяпсан. Узингни руҳий хаста деб ҳис қиялпсан. Биз билан учрашганини кимга айтсанг ҳам у сени жинни деб ҳисоблайди. Сен яшаётган дунё шундай тузилган: ҳақиқатга ишонишмайди. Ҳақиқатни айтсанг — жиннига чиқаришади. Фақат бизнинг сайёрамиздагина ҳақиқат бор — бунга шак келтирма. Сен биздан қочма, сайёрамизга бутунлай кетишга ҳозирлан.

— Нима қилишим керак?

— Узингни жисмонан маҳв этишинг лозим.

— Ўлдиришим керакми?

— Ҳа. Бу бизнинг асосий шартимиз. Юрагинг уришдан тўхтамай туриб, жонингни олиб чиқиб кетамиз. Сени ерликлар унутишлари лозим. Жисминг маҳв этилмаса, Зуррада жонинг ором топмайди. Сен учун бошқа йўл йўқ. Бобонг ҳам шу фикрда.

— Бобом? Қайси бобом?

— Ҳозир кўрасан, нурга қадам қўй.

Анвар беихтиёр равишда дераза томон қадам қўйди. Кўкрагидан бир нима узиб олингандай бўлди. Нур унинг руҳини кўз илғамас юлдуз — Зурра сайёраси томон олиб учди. Меҳмонхонада унинг фақат тошқотган гавдасигина қолган эди. Гўё ҳайкалга айланганини ўзи билмайди. Бир қанча вақт ўтгач, хотини уйғониб, ундан хавотирланиб, хабар олгани чиқади-ю, бу манзарадан даҳшатга тушади. Бу ҳақда кейин сўзлаймиз. Ҳозир Анварнинг руҳи изидан боришнинг айна пайти.

Бу сафар Анварнинг кўз ўнгиде бутунлай ўзга манзара пайдо бўлди: чўққиларидан қор аримаган тоғ. Тоғнинг нақ киндигини ёриб чиққан шаршара. Унинг ёнида тўрт одамнинг қулочи етмайдиган чинор. Дарахтнинг баҳайбат шохлари остида ёғоч сўри. Сўрида Анвардан бир-икки ёш каттароқ йигит китоб ўқиб ўтирибди. Анвар уни қаердадир кўргандай эди — кимгадир ўхшатди. Кейинроқ, руҳи уйига қайтгач, бир сирни аниқлайди — у ўзига ўхшарди. Бу ҳақда ҳам сўнграқ сўз юритамиз. Ҳозир эса... Анвар салом берди. Мўйловли йигит бошини кўтарди:

— Келдингми, болам? — деди у. Анвар ажабланди: «қанақасига мен унга бола

бўлай?» Мўйловли йигит унинг фикрини ўқигандай жилмайди. — Сен менинг набирам-дайсан. Амир мени осмай, мен бу ерга келиб қолмаганимда балки сен менинг набирам бўлардинг. Шоакбар Зуннуний деган одамни эшитганмисан?

Анвар унга яхшироқ тикилди. Шундай жадидни эшитган эди. Бухоро амири дорга тортирган зиё аҳли орасида Шоакбар Зуннуний исмли зотнинг буюк салоҳият эгаси бўлгани ҳақида тарих китобларида бир қанча сатргина бор. Зуннунийдан на бир мерос, на бир сатр асар қолган. У ҳақдаги хотиралар ҳам узук-юлуқ эди. Анвар қисқа сатрлар орасида улуғ синоат яширинган бўлиши мумкинлигини ўйлаб кўрмаган экан. Агар ҳозир ўзини Шоакбар Зуннуний деб танитган мўйловли йигит «мен ҳақимда нималар биласан?» деб сўраб қолса, Анвар жавоб бера олмай изза чекарди. Бахтига бундай савол берилмади. Зуннуний гапини давом эттирди:

— Хадича бувингнинг кўз очиб кўрган эри менман. Биз уч фарзанд кўрдик, аммо улар пешонамизга сифмади. Мен осилганимдан сўнг бувинг бобонг Жамолиддинга теғди. Сен хафа бўлма, тўғрисини айтишга мажбурман. Жамолиддин менга ҳамсоя эди. Ҳатто ҳамфир эди. Биз Ватанни ўрус подшоши зулмидан озод этмоқ йўлига жон тиккан эдик. Бухоро тасарруфидаги ерларда фуқарога зиё бермак истагида юрган онларимизда ҳибсга олиндик. Фақат Жамолиддин тирик қолди. Англяяпсанми?..

Анварнинг қулоғига ёқимли овоз келди:

— Бу гапларга ишон. Буларнинг барчасига биз гувоҳимиз. Бобонг хоинлик қилиб имонини сотгач, шўролар хизматига ўтди. Бувингга уйланди. Зуннунийдан қолган қўл-ёзмаларни бузган ҳолда таҳрир этиб, шўролар мақсадига мослаб нашр эттирди, шу йўл билан шухрат топди. Оқибатда сохта шухрати ўз бошини еди. Уттиз еттинчи йилда шўролар унинг садоқатли хизмати учун ҳибсга олиб, туманли юртга юбордилар. Со-вукда очлик азобида чидолмай хор бўлиб ўлди. Онангда унинг хатлари сақланган. Ишонмасанг ўқиб кўр.

— Сен бобонг билан фахрлаиб юрардинг, — деди Зуннуний. — Менда бу ҳисни ўлдириш нияти йўқ. Жамолиддин қизилга хизмат қилишнинг улуғ хато эканини англаб, бу сафар виждонига хиёнат этмади. Биродарларини сотмади. Мен ундан рози бўлганман. Сен ҳам уни лаънатлама. Инсон умри хатолардан иборат. Мунофиқлик ҳеч замон жазосиз қолмайди. Ҳозир тили бошқа, дили бошқалар даврасида азият чекаясан. Сен тушкунликка берилма. Халқ фидойиси ниқобида яшовчилар ҳаётларини азобда яқунлайдилар. Оқибатда ниқоблар йиртилгуси, уларнинг асл қиёфалари кўрингусидир. Халқни ҳеч бир замонда ҳеч бир мунофиқ алдай олмаган. Дунё сохта фидойиларни кўп кўрган, бундайлар ҳали яна кўп чиқади. Ер юзидаги кураш сира барҳам топмайди.

— Мен нима қилай, ночорман-ку? — деди Анвар.

— Ночорсан, биламан. Сен менинг ёнимга келасан. Унгача бир иш қиласан: катта тоғангнинг чордоғида, эски-тускилар орасида кўҳна китоблар, қоғозлар ҳам бор. Қоғозлар — менинг қўлёмаларим. Бобонг ҳам, бувинг ҳам уларни сақлашган. Китоблар орасида ўрус аскарларининг Тошкентдаги жанглари тасвирланган асар бор. Жамолиддин уларни нашр этишга кўрққан. Уни сен халққа етказ. Мен сенга оқ фотиҳа бераман. Ишларинг ўнгидан келади. Мана бу китобни ол, сенга йўлдош бўлсин.

Зуннуний ўқиб ўтирган катта китобни Анварга узатди. Китоб Анварнинг қўлига ўтиши билан бир ёруғлик таратдию кичрайиб, кафтдай бўлиб қолди. Шунда Анвар яна ёқимли овозни эшитди:

— Биз сени холи қўямиз. Биз билан учрашишни хоҳлаб қолсанг — кўришамиз. Анвар гапга оғиз жуфтлашга ҳам улгурмади.

— Жоним болам, жон болам, мени кўрқитмагин, Анваржон...

Анвар онасининг овози қаердан келганини дафъатан англамади. Ҳуши ўзига келгач, юзларини силаётган онасини кўрди-ю, аввалига ажабланди. Ёнида турган Хонзода-ни кўриб, нима воқеа юз берганини тушунди.

— Ойижон, кўрқманг, хаёлга берилибман, — деди вазиятни юмшатиш учун.

— Вой болам-эй, хаёлинг ҳам бор бўлсин-а, кимлар билан гаплашдинг? — деди Рисолат кампир, ўғлини қучоғидан бўшатмай.

— Нима дедим?

— Гапларингга тушуниб бўлмайди, бир нарсалар деб ёўлдирадинг-а болам. Сени бир ўқиб юбориш керак. Инсу жинслар тинчлик бермаётганга ўхшайди.

— Ойи, ўтириб олинглар, — деди Хонзода, синиқ овоз билан.

Она-бола диванга ёнма-ён ўтиришди. Рисолат кампир, ўғлининг юзини силаб, елкаларини уқалаган бўлди.

— Ойи, Шоакбар Зуннуний деган одамни эшитганмисиз? — деб сўради Анвар, онасининг қўлларини ушлаб.

— Зуннунийми? Адам раҳматининг шунақа ўртоқлари бўлган экан. Улиб кетган бўлса ҳам адам раҳматининг бошларига бало ёғдирди. Халқ душмани бўлган экан-да, бояқиш.

— Бувим Зуннунийни гапирармидилар?

— Ҳа, энди гапирган бўлсалар гапиргандирлар, эсимда турибди, дейсанми?

— Бувимнинг биринчи эрлари Зуннуниймиди?

— Вой, вайдойим, сан буйи қаёқданам била қолдинг? Санга айтувдимми?

Анвар кўрган, эшитганларини айтса онасининг эси оғиб қолиши мумкинлигини билиб, «болалигимда айтувдингиз, шу эсимга тушиб қолди», деди. Рисолат кампир ўглининг косасидан чиққудай бўлиб катта-катта очилиб турган кўзларини кўрмайди. Аммо Анварнинг баданида сўниб улгурмаган енгил титроқдан аҳволини яхши билиб ўтирарди.

Хонзода эса эрининг кўзларидан нигоҳини узмай кўрқувдан титрайди, хаёлида бир фикр чарх уради — «ҳали яхши тузалмаган эканлар».

— Ойи, бувамни қамаб қайси томонга олиб кетишган?

— Айтганман-ку, Туман деган жойга. Офтобнинг кўринишидан кўринмаслиги кўп, худонинг қарғиши теккан жойлар экан.

— Ҳа... Тюменми?.. Хат ёзармидилар, хатлари борми?

— Бор.

— Нима учун менга кўрсатмагансиз?

— Сенга керакмиди? Ман қаёқдан билай, ўзинг сўрамаган бўлсанг...

— Ойи, дамингизни олинг. Менам озгина ухлай.

— Ҳа, шунақа қилгин болажоним. Хонзодахон, болам, сиз Робияхонга айтиб кўйинг. Собитхон манга бир кўриниш берсин.

— Ойи, керакмас, — деди Анвар, онасининг муддаосини фаҳмлаб.

— Сан жимгина ўтиравур. Мани ишимга аралашма. Нима қилишни ўзим биламан. Ужарлик қилмай нафаси ўткир домлага ўқитворганимда шунча вақт баннисада ётмасидинг. Шу замоннинг дўхтирларига ишониб бўларканми, ҳаммаси порага ўқиган. Қараб тур, отдай бўлиб кетмасанг, нима десанг де.

Рисолат кампир ўрнидан турди-да, ўнг қўлини олдинга чўзиб эшик томон юрди.

Хонзода қайнонасини кузатиб келганида Анвар жойидан жилмай ўтирган эди. Хонзода эрининг ёнидан жой олиб, елкасидан аста кучди.

— Кўрқиб кетдингизми? — деди Анвар. Хонзода жавоб бермай елкасига юзини кўйди. — Кўрқманг, бу касаллик эмас. Мен ҳам аввалига руҳим шикастланибди, деб кўрқувдим. Нима бўлганини билдингизми?

— Дераза олдида қотиб туравердингиз. Чақирсам ҳам эшитмадингиз. Кейин... кўрқиб... оймими чақириб келдим. Ойим келганларида кўлингиздан олов чиқиб кетгандай бўлди. Яхшиям ойим кўрмадилар. Бўлмаса юраклари ёрилиб кетарди.

Анвар хотинини қучиб, эркалаган бўлди:

— Сиз сира кўрқманг. Мен жинни эмасман. Нима бўлганини сизга кейин айтаман. Ҳозир айтганим билан, ишонмайсиз. Тонг отса тоғамниқига бориб келаман. Агар рўст бўлса...

— Нимани айтяпсиз?

— Кейин...

## Х БОБ

### 1

Асадбек бир туш кўрди: ўзи мозорда турган эмиш. Уркач-ўркач қабрлар оқ туяларга айланиб, қарвон бўлиб тизилиб кетаётганмиш. Оқ туялар кўзида ёш бор эмиш, туялар қабристонни тарк этгач, бўрон турганмиш. Қуюн дўмпайиб турган қабрларни худди қозон қопқоғидай очиб, мурдаларни суғуриб олиб, қиёматни бошлаб юборганмиш. Мурдалар тўзиган хазон сингари Асадбек атрофида чарх урармиш...

— Адаси... Адаси...

Шу ерга келганда Манзура уни елкасидан аста силкиб уйғотди.

— Вой, ёмон туш кўрдингиз-а, астағфируллоҳ денг.

Асадбек хотинининг гапини икки қилмай, ичида тавба деди. Манзура унинг пешонасидаги терни қафти билан артди. Асадбек кўрқинчли тушларни кўп кўрарди — дам уни бўғизлашарди, дам осишарди... Баъзан босинқираб, дод деб уйғонарди, дам кўрқувдан терлаб типирчилаб қолганида хотини уйғотарди. Бугунги туши, аввалгиларига солиштирилганда, унча даҳшатли эмас. Оқ туялар тизилиб кетишди. Қабристон жунбушга келди... Асадбек кўрган тушини хотинига айтди.

— Вой ўлмасам, — деди Манзура, пастки лабини тишлаб, — туялар чиқиб кетишдими?

— Чиқиб кетди. Ҳа, ёмонми? — деди Асадбек соддалик билан.

Манзура эри учун таъбирчи бўлиб қолган эди. Туш йўйиш унга она мерос. Фариштадай оқ кўнгил бу аёлга қўшнилари ўз сирларини ишониларди. Манзура кичкиналикда онаси ёнида ўтириб, кўп тушларнинг таъбирини билиб олган. Янги турмуш қурган кезлари, бир куни Асадбек ярим кечада уйига қайтса, чироқ ёниқ, эшик очик, хотини уй ичида ўртага жойнамоз солиб устида мудраб ўтирибди. Асадбек «Ярим кечада ҳам намоз ўқийдим», деб ҳайрон бўлди-ю, хотинига бу ҳақда гапирмади. Бу ҳол яна уч-тўрт такрорлангач, сўради. Манзура сабабни кўрқа-писа айтди: қиморбозлар хотинла-



рини ҳам тикиб, ютқизиб қўйишаю даъвогар кирганида хотин жойнамоз устида ўтирган бўлса тегмас эканлар... Ушандан бери Асадбек «унча-бунчага ақли етар экан», деб ирим-сиримга оид масалаларда уни гапга тутиб турадиган бўлди. Биринчи марта босинқираб ўйфонганида Манзуранинг қистови билан кўрган тушини айтди. «Илонлар ичиде қолган бўлсангиз, бойиб кетар эканмиз», деди Манзура. Асадбек бу гапга ишонмаган эди. Бир ҳафтадан сўнг кўлига катта пул тушгач, хотинига тан берди. Шу-шу ғалатиноқ туш кўрса, дарров хотинига маълум қилади.

— Ҳа, ёмонми? — деб қайта сўради Асадбек, хотинининг жим қолганидан ажабланди.

— Емонмас-ку... мозоримиздан авлиёлар кетиб қолишибди. Одамлардан иймон кўтарилганигамикин...

— Ҳе... тентак, шуми топган гапинг. Нима экан, дебман.

Асадбек шундай деб ёнбошига ўгирилди. Манзура ўйга толиб, анчагача қимирламай ўтирди. Тонг нафаси келиб қолгани учун қайта ётмай, ўрнидан туриб кетди.

Асадбек ўзига тегишли гап бўлганида, айттайлик, «душманларингиз бош кўтарар экан, сиздан авлиёлар юз ўгирибди», дейилганда бошқача ҳолатга тушарди, ёнбошига ўгирилиб ётавермасди. Авлиёларнинг мозорни ташлаб чиқиб кетишлари унга аҳамиятсиз туюлди. Ҳатто ишонмади ҳам. Болалигида ажиналар ҳақида ҳикоя эшитиб, тунлари овлоқ кўчаларда, мозор яқинида юришга кўрқарди. Кейинроқ кўрқув деган нарса чекинди. Ажиналар эртақлардаги каби яширин ҳолда иш олиб боришни бас қилиб, одамлар қиёфасига кириб куппа-кундуз куни очиқ иш юритишга ўтгач, тунлар ҳам осойишта бўлиб, овлоқлар ҳам даҳшатли кўринишни йўқотди. Энди кундуздан, одамлардан кўрққулик эди.

Асадбек туш таъбирига аҳамият бермай ёнбошга ўгирилиб ётгани билан ухлолмади. Хотинидан сўнг у ҳам ўрнидан туриб, ювинди. Асадбек ҳовлида кўрингани заҳоти болохонада ҳам жонланиш сезилди.

Манзуранинг «Биз билан чой ичмайсизми?» деган гапига қисқагина «ичаверинглар» деб дарвозахона томон юрди. Машинага етиб улгурмай тепадан Жамшид тушиб, салом берди.

— Ҳа, шу ердамидинг? — деди Асадбек, саломга алиқ олгач. Жамшид сўққа-бош бўлгани сабабли қаерда тунаш унинг учун аҳамиятсиз эди. Маишатга бормаса шу болохонада соқчи йигитлар билан қолаверар, Асадбек унинг бу одатига кўниккан эди. Жамшиднинг тақдири ўзига бироз ўхшаб кетгани учун Асадбек уни яхши кўрар, икки қанотига қандай суянса, бунга ҳам шундай ишонарди.

Жамшид оилада ёлғиз ўғил бўлса-да, эркалатиш, талтайтиш нималигини билмай ўсди. Отасининг пул тўла ҳамёни ҳуда-беҳудага очилавермас эди. Жамшид истамаса ҳам турли тўгаракларга боришга мажбур эди. Ҳатто скрипка чалишни ўргатиш мақсадида бир чолғучи йил давомида тер тўкди. У бечора «болада қобилият йўқ» деганга, чунки хизмат ҳақини олиб турибди. Жамшиднинг «ўрганолмаяпман» деган гапига ота-она ишонмайди. Хуллас, ўсмирлик кўчасига киргунича ҳайкалтарошлик, радиотехника сингари соҳаларда ҳам қобилияти синаб кўрилди. Мактабни битирганида ҳамён бир кавланди. Уртада турган одам пулдан кўпроқ ўмариб қолиб, домларга камроқ етиб бордимми, ҳарҳолда бир имтиҳонда қоқилиб, кечки ўқишга аранг тўғрилашди. Бола бевош бўлиб кетмасин, деб отаси уни ўзи ишлайдиган идорага югурдак қилиб жойлаштирди. Идорада чарос кўзлари ўйнаб турувчи бир қиз ҳам ишларди. Унга қараб туриб чигиртка бир юмалаб шу қизга айланиб қолган ё бу қиз бир йилдан бери оч ўтиради, деб ўйлаш мумкин эди. Кунда ўзгартирилувчи сара қўйлақлар ёғоч илгичга илиб қўйилганга ўхшарди. Ана шу озғин баданда бўлиқ кўкрак қайдан пайдо бўлгани яратганга ҳам қоронғу бўлса керак. Хуллас, шу қиз ўздан олти ёшгина кичик бўлган, пишиқ гавдали, жингалак сочли, истараси иссиқ Жамшидни яхши кўриб қолди! Илмоқли гаплар, ширин жилмайишлар... айтман десак, гап кўп. Яхшиси воқеа баёнини мухтасар этиб, дебочадан хотимага ўтиб қўя қолайлик: йигит қизни қаттиқ севиб қолса девонаваш бўлиб юраверади, йўл пойлайди, дунёни оҳларга тўлдирди. Аммо қизнинг севгисидан, айниқса унда маккорлик ўти бўлса, кўрққули экан. Бир куни идорада иш тугаб, ҳамма тарқагач, қиз «чой ичиш» баҳонасида Жамшидни олиб қолди. Эшик ичкаридан беркитилди. Лаблар бирлашди. Асосий ишга бир боҳра қолганида Жамшиднинг миясига бир нарса урилгандай фикри равшанлашиб, ўзини тортди. Ташаббусни бошлаб берган қиз шармандалигини яшириш учун йиғлади, севги ўтида қоврилиб кетганини айтиб нола қилди. Жамшид кетмоқчи бўлганида «ўзимни ўлдирман», деди. Жамшид бу гапларга ишонмай «ўлдирсангиз ўлдираверинг», дедию чиқди-кетди.

Кечаси ўқишдан қайтса, уйда милисалар ўтиришибди. Қизнинг зўрланганини, қиз номусга чидолмай ўзини учинчи қаватдан ташлаганини милисалардан эшитиб, «ҳазиллашяпсизларми?» деди. Милисаларнинг ҳазиллашмаслигини бу гўдак ўшанда билмас эди. Қўлларини қайриб олиб кетдилар, онаси фарёд уриб қолаверди.

Уртага номус тикилган эди. Бир томон тўрт йил буруй поймол бўлган қизлик номуси, иккинчи томон беғубор йигитлик номуси учун олишишарди. Қизнинг ҳомий опажони Жамшиднинг отасидан кучлилик қилди. Учинчи қаватдан йўғон тахтани ташлаб

юборсангиз майдаланади, аммо қуруқ суяқдан иборат бу қиз ўзини ерга отибди-ю, бирон ери синмабди-я, деб ажабланиш ортиқча эди. Қизнинг сув қувурига осилиб пастроққа тушиб, кейин ахлат уюми устига ўзини отганини ким исботлаб бера оларди? Жамшиднинг отаси ёллаган оқловчи «юқоридан давления кучли бўвотти», деб олган пулига яраша иш қилмади. Хуллас, Жамшид беш йилгина сайр қилиб келадиган бўлди, қиз эса шарманда эмас, жабр чеккан маъсума сифатида ўзини оқлаб олди.

Жамшиднинг онаси хаста эди. Табиблар «туғсанг — ўласан» дейишига қарамай, турмушга чиққан, «ўлсам ҳам туғиб ўлай», деб уларга қулоқ осмаган эди. Унинг юраги тўлғоқ азобига чидади-ю, аммо номус азобига чидамади. Суддан сўнг Жамшид қўлига кишан урилиб, деразасиз хунук машинага чиқарилаётганда «Болам!» деб бир оҳ уриб, ҳушидан кетганича ўзига келмади.

Икки йил конда ишлағач, айбсиз экани бирданига аён бўлиб қолиб уйига қайтди. У тўхмат азобидан азият чекмас эди. Қамоқда одамларнинг гап-сўзларини эшитавериб дунё ўзи шунақа экан, деган хулосага келганди. Жамшид онасининг ўлиmidан эзиларди. Ўқишни ҳам, ишни ҳам ташлаб бир йил бекор юрди. У отасининг бир иш юзасидан Маҳмуд Эсонов — Чувринди билан танишиб қолганини, Маҳмуд орқали Асадбекка арз этгани оқибатида «оқланиб» чиққанини билмас эди. Буни кейинроқ Чувринди хизматига ўтганидан кейин билди. Отаси «ўғлимнинг бошини икки қилай», деб кўп уринди, аммо Жамшид кўнмади. Охири отасининг ўзи уйланиб, Жамшид тўла озодликка чиқди. Унинг истаган ерларда ётиб юриши шундан.

Жамшид машинага чаққон ўтириб, моторни ўт олди. Тепадаги йигитлардан бири дарвозани очди-да, кўчага чиқиб турди.

— Акаларингга хабар қилдингми? — деди Асадбек машинага ўтиргач. — Депутатни чақиришсин.

Жамшид мотор қизишини кутмай, машинани юргизди. Кўчадаги йигит ёнида тўхтаб, ойнакни туширди-да, Бек акасининг топширигини айтди.

Асадбек шаҳар марказидаги қароргоҳга етиб боргунича Чувринди билан Кесакполвон ҳам йўлга чиққан, барвақт безовта қилинган депутат Орзубек Болтаев эса шошилганича кийинарди. Қароргоҳнинг хилват хоналарида тунни билан давом этган маишат тугаган, қизлар ҳам кетиб улгуришган эди.

Болохонадаги йигитлар қароргоҳга ҳам хабар берганлари учун Бўтқа эшик олдида қўл қовуштириб турарди.

Асадбек ичкари кириб бир пиёладан қайноқ қаҳва ичгунича қанотлари етиб келишди. Тонгги ёки тунги йўқловлар уларни ажаблантирмас, шу сабабли «нима гап, тинчликми?» деган сўроқ улар учун ортиқча эди. Асадбек улардан ҳеч маҳал ҳол-аҳвол сўрамасди. Икки оёқда юрибсанми — бас, аҳволинг яхши, дерди. Шунинг баробарида бировнинг ҳол сўрашини ҳам ёқтирмас эди. Тоби қочиб қолган кезлари унинг одатини билмаган одам «тузукмисиз?» деб сўраса «ҳа, ўлишим керакмиди?» деган ширин жавобни эшитарди.

Улар ана шундай ортиқча манзиратсиз яшашга ўрганишган, бугунги учрашув аввалгиларидан фарқ этмас эди. Аёнлар бекнинг сўз бошлашини кутиб ўтиришди.

— Ҳайдар, Шилимшиқ келдимми? — деди Асадбек, Кесакполвонга қараб.

— Ҳа, келди, ўзида йўқ хурсанд. Мошина тўғрилаб бердим. Таксичилик қилиб юра турсин.

— Отарчига қандай маълум қиласан?

— Бу ёғи пишган, — Кесакполвон шундай деб пинжагининг ич чўнтагидан тўртта фотосурат чиқариб, Асадбекка узатди. Суратда Шилимшиқнинг Ноила билан айширати акс этган эди.

— Худди ўзидай қилиб ишлаган, қалбакилигини икки дунёда ҳам сезмайди, — деди Кесакполвон, Асадбекнинг тикилиб қолганини кўриб.

— Сезиб қолса-чи?

— Унда гувоҳ топамиз.

— Ишинг хом. Маҳмуд, пухтароқ ўйлаб қўйларинг.

Шу пайт эшик очилиб, Бўтқа кўринди-да, депутат келганини маълум қилди. Ноиланинг қотилини Элчинга қандай топшириш хусусида яна бироз кенгашиб олингач, депутатнинг киришига рухсат берилди.

Депутат узун бўйли, бадқовоқ, эллик ёшлардаги киши эди. Уни кўрган одам қовоқларни кўтариб, инсон кепатасида сақлаб турувчи устунчалар тушиб кетгану шу хунук кўринишга келиб қолган, деб ўйлаши мумкин эди. Гарчи асл исми Орзубек бўлса-да, Асадбекларнинг даврасида оддийгина қилиб «депутат» деб юритиларди. Шу ҳам тузук, чунки унинг ҳуснини қўятурайлик, совуққина тўнғиллаб гапиришини эшитган кимса «Орзуга ҳам қасам ичирворибди, даюснинг боласи», дейиши табиий. Депутат — Маҳмуднинг топилдиғи. Халойиқ бир-икки тўлғониб, намоийшга чиққанида уни олдинги сафда кўриб меҳри тушиб қолган эди. Маҳмуд депутатни сўздан қайтмас, мард, оқил одам сифатида қабул қилиб, унга холисанилло ёрдам бермоқчи эди. Асадбек у билан дастлаб кўришганидаёқ «бу қоронғу башарада ақл кўринмаяпти-ку?» деди. Кейин сўхбатлаша туриб тил билан дил ўртасида анча фарқ борлигини фаҳмлаб, ёрдам

беришга кўнди. Замон чайқалиб турган пайтда шунақа одамлар ҳам керак, деб ўйлади.

Ишга Асадбек аралашганидан сўнг бўлажак депутатнинг муҳолифлари ўз-ўзидан четга чиқиб, Орзубек сайлов чиғириғидан битта ҳам туки тўкилмай ўтди. Депутат Асадбеклар учун тирик товон эди. Асадбек кўпинча уни «боқиб олган етим тойлоғим» деб мазах қиларди. Чунки халқ деб жон куйдириб юрган бу одамнинг эгилиб ишлашга тоқати йўқ, ўзини, болаларини, ҳатто ўзидан тўрт ёш катта яҳудий хотинининг олдинги эридан орттирган икки ўғлини, кети узилмайдиган меҳмонларини шулар боқиши лозим эди. Хориж сафарига чиқса, совға-саломлар ҳам Асадбеклар бўйида. Унга сарфланаётган пул Асадбек учун арзимас бўлса-да, кейинги пайтда малол келиб, ғашлана бошлаган эди. Депутат ўзининг қудратли одам эканига ишона бориб, Асадбекларни майда кисавурлар ўрнида кўраётгандай эди. Асадбек бу бадқовоқнинг кўзларини мошдай очиб қўяй, деб юрганида Элчин келиб қолди. Қани, халқим деб кўкракка ураётган бу зот ноҳақ азият чекиб келган шу халқ боласига қайишармикан?

Бадқовоқ депутат кириб ўдиранди. Нима деганини энг зийрак қулоқ ҳам ажратиб беролмаса-да, салом берганини тахмин қилиш мумкин эди. Утирганлар бундай саломлашишга ўрганиб қолишгани учун бош ирғаб алик олишди. Депутат Асадбек рўпарасидаги бўш ўриндиққа ўтирди.

— Аҳволлар қалай? — деди Асадбек.

— Яхши. Дунёнинг айрим мамлакатларида...

— Дунёни кўйинг. Телевизорни биз ҳам кўриб ётибмиз. Уйдан гапиринг. Бола-чақа омонми? Жўҳуд хотинингиз мусулмон бўлаётган эмишми?

— Ҳа, муслима бўлади, намоз ўқияпти.

— Ақлли одамсиз-да! Девор бўлмаса кўчани ҳам кўраверсангиз керак? — Асадбекнинг пичинги жавобсиз қолди. — Қизингиз ҳам намозхондир?

— Энди ўрганаёпти.

Асадбек ўзаро суҳбатларда оилани сира эсламасди. Шу сабабли Орзубек кўнгида хавотир ўйғонди.

— Қизингизнинг бўйи етиб қолибди, деб эшитдим. Йигирмага кирганми?

— Ун тўққизда.

— Айни турмуш қурадиган пайти экан. Сиз халқпарвар одамсиз. Халқнинг азият чеккан бир боласи бор, шуни куёв қилинг, қизингизга мана биз совчимиз.

— Қизим ёш, ўқийди, узатиш ниятимиз йўқ.

— Биродар, Бек акангиз сўраяптилар, а? — деди Кесакполвон, «Бек акангиз» деган сўзга урғу бериб. Учтагина сўздан олам жаҳон маъно уқиш мумкин эди: «Бек акангиз унча-бунча одамнинг орасига тушмайдилар. Қизим бахтли бўлсин, десанг раъйини қайтарма», ёинки «Сенга шунчалик яхшилик қилган одамга терс гапириб пушаймон ема», ёинки «Яхшилик билан бермасанг, қизинг қўлма-қўл бўлиб кетиши ҳам мумкин, а?!» Орзубек Кесакполвоннинг сўзларидан учинчи маънони ўқиб, жони халқумига келиб қолгандай бўлди. Ҳамиша совоғини уюб юргани учун вужудида ўйғонган ғазаб ўтининг алангаси юзларида сезилмади. Бошқа одамлардай қизармади, бўғриқмади, лаблари учмади. Сиртга чиқиш ҳуқуқидан маҳрум аланга уни ичдан кемирарди. Бу ҳаромхўрларга (ҳаромхўрларга ҳамтовоқ экани хаёлига келмади) дуч келган қунини лаънатлайди (улардан кўраётган фойдасини ҳисобга олмайди). Эртага катта амаллар шаоҳсупасига кўтарилиши мумкин бўлган одамга (кимнинг зўри билан кўтарилар экан?) бу хилда безбетларча (!) муомала қилишларидан бир ғазабланса, ўзининг бу олчоқлар (!) олдида ночор ўтиришидан ўн ғазабланди. Мажлисда оташин нутқлар ирод этувчи, ҳатто зўр нотикларни ҳам саросимага солиб кўювчи халқ фидойиси қайда-ю, учта муттаҳам (!)га гапини айтолмай мум тишлаб ўтирувчи ночор одам қайда! Нимадир дейиши керак эди, қурбақани боссанг вақ дейди, ҳарҳолда у қурбақадан минг чандон улўғроқ бир одам, вақиллаганда ҳам тузукроқ вақиллаши керак.

— Бек ака, умр савдосига бунақанги аралашиб ярамайди. Биз ҳуқуқий жамият тузмокчимиз. Мана, ўзингизнинг қизингиз бор...

Орзубек «қизингиз тақдиринг биров ҳўжайинлик қилиниши яхшими?» демоқчи эди. Аммо «берди»сини айтиб улгурмади. «Қизингиз бор...» деган гапни Асадбек ўша одамга ўз қизингизни беринг», деб тушуниб ғазаб билан ўшқирди:

— Менга қара, ў, сўтак! Сен бу ерда масала сўқима. Уйингга бориб жўҳуд хотининг билан маслаҳатлаш. Жўҳуд хотинлар ақлли бўлишади. Эртага эрталаб ё ҳа, дейсан ё йўқ, дейсан! Бор, жўна, турқингни кўрсатма!

Асадбек аччиқланган маҳалда Чувринди орага тушиб вазиятни юмшатишга уринарди. Ҳозир бунга эҳтиёж сезмади. Асадбекнинг қизини тилга олиб кечирилмас хато қилган депутат шусиз ҳам осон қутулаётган эди. Элликни қоралаётган одам ёш бола ҳолига тушиб, индамай чиқиб кетди.

— Вой, хунаса-е,— деди Кесакполвон, депутат чиқиб кетгач.

— Учир,— деди Асадбек. — Узинг жа талтайтириб юбординг. Ўзбек хотинини қўйиб, жўҳудга ўйланган одамдан яхшилик чиқармиди? Дошқозонда сув қайнатиб ўшанга ташлаш керак буни.

Эшик очилиб яна Бўтқанинг башараси кўринди.

— Бек ака, амакингиз мозорда юрганмишлар.

— Қайси мозорда, ким чиқариб юборибди?

— Катталар кўмиладиган ерда эмиш. Ким чиқарганини билмадим, — Бўтқа шундай деб изига қайтиб, эшикни ёпди.

Асадбек савол назари билан Чувриндига қаради. Маҳмуд унинг мақсадини англаб телефон гўшагини кўтариб, рақам терди. Жавоб бўлгач, салом-аликсиз сўроққа тутди:

— Зинатуллинни нимага чиқардингиз?

Жавобга бироз қулоқ тутиб, гўшақни жойига қўйди.

— Қизи келиб бир кунга рухсат олган экан. Отарчи сизнинг номингиздан бориб, ошнасини чиқартирибди.

— Ким экан, ошнаси, аниқла.— Асадбек шундай деб ўрнидан турди. Аёнлар унга эргашишди. Зинатуллинни улар Асадбекнинг «ўғай амакиси» сифатида билишарди. Жиннихонанинг учинчи қаватида сақланувчи ўғай амакисидан Асадбек тез-тез хабар олиб турарди. Бу одам ҳақида ҳеч ким нарса билмас эди. Қирқ тўққизинчи йилнинг ўттиз биринчи декабрида уйларига бостириб кирган, сандиқни титган, танча устига ўтирганича папирос тутатган, «сенинг отанг ҳам душман», деган новчанинг Зинатуллин эканини Асадбек улғайгач аниқлади. Отасини олиб кетганлар фақат ижрочилар экани, тўғон бошидагилар эса бошқалар экани уни қизиқтирмас эди. Бири новча, бири паст бўйли икки одам суврати кўз олдига муҳрланиб қолган, ётса ҳам, турса ҳам улардан ўч олишни ўйларди. Кесакполвон билан бирга бўлиб, сал қаддини тутиб олгач, топганини сарф қилса-да, ўша икки кишини аниқлади. Паст бўйлини излаб кўп шаҳарларда бўлди. Ниҳоят ўшанда бир хомлик қилди. Кесакполвоннинг гапига кириб, ўша ерлик ўғрибошлардан бирига маслаҳат солди.

— У чиндан ҳам ифлос одам,— деди ўғрибоши.— Миллатимизга иснод келтирган. Лекин биз миллатимиз вакилини хафа қилдириб қўймаймиз.

Чиндан ҳам хафа қилдиришмади. Авайлаб асрашди. Ушандан кейин Асадбек яна икки марта борди. Ўлжага яқинлашаман, деганида ўғрибошининг йигитларига дуч келарди. Шундан сўнг етти йил кутди. Ўғрибоши қўлга олинганини билиб учинчи марта борди. Тўй устидан чиқди. Икки қаватли уй, ҳовли гавжум эди. Ўлжаси, тепакал, думалоқдан келган одам Асадбекни танимасди. «У, Ўзбекистон менинг юртим, у ерда қадрдонларим кўп!» деб қувониб кутиб олди. Тўй қизиган пайтда у меҳмонларнинг муҳрим гапини эшитиш учун хонасига бошлади. Ҳовлида хушчақчақлик авжида, бағоят шинам безатилган бу хонада эса 1950 йил биринчи январдаги ҳукм ижро этиларди. Асадбек бундай қулай фурсат бошқа насиб этмаслигини билиб шошиларди. У қамоққа тушганлар қандай азобларга гирифтор қилинганларини эшитган, ҳисоб-китоб чоғида бу қийноқларни қўллашни ният қилган эди. Вақт зиклигидан афсусланди, аммо армонда қайтмади: сигарет чўғини пешонасига босиб туриб қирқ тўққизинчи йил ўттиз биринчи декабрдаги воқеани айтди, ётқизиб қўйиб тумшугини оёғи билан эзди... Маҳбуслар азобга чидолмай бақирадилар, бу эса оғзига латта тикилгани учун, бундан маҳрум эди. Уни оёғидан осиб, билак томирларини қирқиб ташладилар.

Тўй эгасининг йўқолгани маълум бўлиб, қидир-қидир бошланганида Асадбек кира қилган машина шаҳардан чиқиб, Боқу сари учиб борарди. Нодон, гўл ўзбекларни катта пулга туширганидан хурсанд бўлган ҳайдовчи эса ўзича хиргойи қиларди.

Асадбек Зинатуллинни ҳам ўша кезларда топган бўлса-да, унга ўлимни раво кўрмади. «Ўғай амаким», деб унга «меҳрибонлик» қилди. Зинатуллин дорга эмас, жиннихонага маҳкум эди. Шубҳасиз, у ўзининг «меҳрибон ўғай жиёни» борлигидан беҳабар эди. Жамиятга сидқидилдан хизмат қилганман, деб байрам кунлари нишонлари тақилган қора костюмини кийиб тантанали мажлисларда виқор тўкиб ўтирувчи, ёш авлодга қарата оташин нутқлар сўзловчи бу одам ўзини дастлаб жиннихонада кўрганида ғоят ажабланди. «Болаларим бемехр чиқди, оқибатда қариялар уйига топширишади», деб ўйларди. Ҳали куч-қувватдан кетмай туриб жиннихонага олиб кетишлари сабабини билмай ақлдан оза бошлади. Учинчи қаватга «кўтарилиш» учун кўп фурсат талаб этилмади.

Асадбекнинг ўша «ўғай амакиси» энди жиннихонадан чиқиб мозорда юрганмиш. Бу Асадбек учун кутилмаган ҳол эди. Шу сабабли мозорга шошилди.

## 2

Ойнакчи довул туриб шаҳардаги барча дераза ойнакларининг синишини орзу қилиб яшаркан. Гўрков ўлим кўп бўлишини истамаса ҳам, мозорга одам кириб келса кўнгли қувонади. Чунки одам мозорга бекорга келмайди. Е майит учун қабр қазишни илтимос қиладди, ё марҳумлар руҳига Қуръон ўқитиб, тўрт-беш сўм ташлаб кетади.

Иссиқ ҳужрада худдой ошни еб, чойхўрлик қилиб ўтирган гўрковлар изма-из келиб тўхтаган икки «Жигули»ни кўриб, ташқарига умид билан қарашди. Анчадан бери шу атрофда ивирсиб юрган бош яланг йигит биринчи машинадан тушган уч одамга бир нима дегач, улар ҳужра томонга қараб ҳам қўймай, катталар кўмилган, ҳайкалчалар

тизилиб турган томонга қараб юришди. Гўрковларнинг каттаси «булар текширувчи-лармасмикин» деган хавотирда эшикни очиб, ташқарига қадам қўйиши билан иккинчи машинадан тушган йигит «Амаки, жойингизда ўтираверинг», деб қайтарди.

Кечаси ёққан қор ҳайкалчаларнинг боши, бурни, елкасига қўниб одам шаклини беўхшов бир тусга киритган эди. Қарғаларнинг қағиллашидан бўлак овоз эшитилмаётган қабристонда бирдан кулги янгради. Асадбек шошиб ўша томон юрди. Аёлларнинг калта палтосини кийиб олган новча одам бир ҳайкалча рўпарасида туриб олиб, нуқул куларди. У Асадбек келаётган йўлга орқа қилиб тургани учун уларни кўрмади. Асадбек тўхтади, уни кузатди. Зинатуллин кулгидан тўхтади. Ҳайкалчанинг бурнидаги қорни кафти билан сидирди.

— Ана, энди одам бўлдинг. Танимайди, деб ўйловдингми? Нимага қалтираяпсан? Совуқми? Ҳа... қўрқяпсанми? Сен қўрқма. Қозоннинг қопоқини ёпиб ташлаганман, иси чиқмайди. Душманларнинг ўлиги кислотада куйдирилган. Ҳа, қўрқма.—У шундай деб ҳайкалча рўпарасидаги қабртош устига ўтирди-да, оёғини чалиштириб олди. Тирсагини тиззаси устига қўйиб, қадрини сал букиб, жағини кафтига суюди. Уйга толган мутафаккир мисол анча ўтирди. Сўнг сапчиб турди. Атрофга аланглади-да, қўлини пахса қилиб, жаҳл билан гапира кетди:

— Сен паразит, оппоқман, деяпсанми? Мен сени қийнатдимми? Тумруғинга калиш билан урдимми? Бошинга қайноқ сув томиздимми? Шиша синиқлари солинган этик кийгизиб сакратдимми? Музхонага ташлатдимми? Ҳа-а... сен буларни кўрганинг йўқ! Уртоқларингни ўзинг сотдинг. Нимага сотдинг? Ватан учун қайғурдингми? Мана сенга Ватан!— у шундай деб бош бармоғини икки бармоғи орасида суқиб, ҳайкалчанинг бурнига тақади.—Кўрдингми?! Мен аҳмоқманми? Дўстини сотган одамда Ватан тўйғуси бўларканми? Ҳа-а... гапга уста эдинг. Сен жим тур, паразит.— Зинатуллин шундай деб ёнбошдаги ҳайкалчага қараб олди.— Ҳилолий группасига мен ҳужм чиқарганим йўқ, мен оттирганим йўқ. Сенлар оттирдиларинг! Чунки улар сенлардан зўрроқ олимлар эди. Сенлар шу ҳайкалга эришдиларинг. Одам тугул ит ҳам келмайди сенларни кўргани. Ҳилолийни одамлар тилдан қўймайди. Ҳа, болаларинг келмаяптими? Тўғри қилишади. Сен ўзинг вақтида ўлиб қолдинг. Ҳеч ким башарангга тупурмади. Болаларинг исноддан бош кўтаролмай юришибди. Нима? Ушанда бола-чақани ўйламабмидинг? Охири шунақа бўлишини билмагансан. Мен ҳам билмаганман, тўғри,— Зинатуллин яна бояғи ҳолатда ўтириб олди.

Аъёнлар «бу жинни нималарни валдираяпти», деб ҳайрон туришарди. Зинатуллиннинг гаплари Асадбек учун ҳам ғалати туюлаётган эди. Жинни деса, гаплари бинойига ўхшайди. Соғ деса, ҳаракатлари бемаъни.

Зинатуллинга қараб туриб, Асадбекнинг юраги увишди. Онасини эслади. Аниқ ёдида — эллик учини йилнинг эрта баҳори эди. Ширингина гапириб юрган Самандар шамоллаб, йўталиб юрди. Иситмалади. Дори-дармонлар ҳадеганда эм бўлавермади. Танчанинг бир томонида Асад, яна бир томонида эса онаси Самандар билан ётишарди. Онаси кенжатоини кўрпага ўраб, ўзи тирсагига таяниб тунларни бедор ўтказар эди. Асад «ойи, бирпас уҳланг, мен қараб ўтираман», деса ҳам унамасди. Асад ярим кечада уйғонарди-да, қора чарм халтани кўтариб нон дўконига чиқиб кетарди. Уша куни ҳам шундай бўлган эди. Самандар тунда безовталанди. Онаси уни юзини силаб хомуш ўтираверди. Самандар нималардир деди. Асадбек унинг бир гапини илғаб олди:

...Самалўт, қанотийни пастлаб ўт... Укасининг ширин тилчалари билан айтадиган ашуласи ана шу алаҳасираган овозда хотирасига муҳрланиб қолди. Эндигина-тили чиққан болачаларни кўрганида унинг қулоғи остида ўша хаста овоз жаранглайверади...

Асад нон олиб қайтганида уйнинг эшиги ланг очиқ, онаси кесакига беҳолгина суюниб турарди. Аввалига у ҳатто ўғлининг кириб келганини ҳам сезмади. Асад «ойи, ойи», деганидан сўнггина сергак тортди.

— Опоқингни қақир,— деди йиғламсираб.

Асад «нима учун?» деб сўраб ўтирмай Жалилникига чиқиб кетаётганида орқасидан онасининг сўзларини эшитди:

— Дадаси, энди сизга нима деб жавоб бераман?!.

Онасига қўшилиб Жалил ҳам чиқди. Аёллар ичкари кириб кетишди. Ушандан сўнг Асаднинг онаси фарёд урди.

— Самандар... ўлдими?— деди Жалил, Асаднинг енгидан тортиб.

«Самандар ўлди?!»

«Самандар ўлди...»

Бу гап Асаднинг миясига тўқмоқдек урилиб, товонигача зириллатиб юборди. Бироз нест бўлиб турди-да, сўнг уйга отилиб кирди. Уй ўртасига кўрпача солиб, укасини ётқизиб қўйишибди. Самандарнинг бир томонида онаси ўтирибди. Опоқиси сандиқ қавляпти.

— Ана, аканг келди, болам...— онаси шундай деб Асадни қучоқлаб йиғлайверди, йиғлайверди...

Асад ота ўрнида ота бўлиб укасини сўнгги маконга қўйиб келди. Қўни-қўшнилари уни катта одамдай кўриб, таъзия изҳор этишди. Ана ўшанда Асад ўзини «катта одам

бўлиб қолганини» ҳис этди. Қабристондан қайтишаётганда маҳалла анча бесаранжом эди. Кўпчилик мактаб томонга шошиларди. Жалилнинг отаси «нима гап?» деган саволга йигитлардан бири:

— Радиони эшитайлик. Сталин ўлганмиш,— деди.

— Оғзинга қараб гапир-е, нима деясан? Сталин ҳам ўладими?— деди Жалилнинг отаси.

Бу атрофда радио фақат мактаб директорининг хонасида бор эди. Кечқурун, эрталаб радио эшитувчи қоровул маҳаллани янгилик билан таъминлагани сабабли ўқитувчилар қатори у ҳам ҳурматли кишилардан саналарди. Сталиннинг ўлими ҳақидаги хабар ўшандан чиққани аён эди.

Асад билан Жалил ҳам бошқаларга қўшилиб мактабга киришди. Директор хонасидаги радио кенг даҳлизнинг ўртасига олиб чиқиб қўйилган. Иккинчи қаватга олиб чиқувчи зиналарда одамлар тирбанд ўтиришибди. Ҳамма жим. Барчанинг нигоҳи ўртадаги қора қутида. Худди мўъжиза юз беришни кутгандай киприк қоқишмайди.

Бирдан қора қутидан «Говорит Москва» деган жарангдор овоз чиқди. Жалил Асадни энгидан тортиб шивирлади:

— Уруш бошланганга ўхшайди.

Жарангдор овоз дохийнинг ўлим топганини эълон қилгач, радио ёнида ўтирган шоп мўйловли эркак «вой, отам» деб йиғлаб юборди. Бир йигит ҳушидан кетиб шилқ этиб йиқилди. «Вой, энди нима қилами-из!» деб бир аёл чинқирди. Ола-ғовур бошланди.

— Сталин ўлган бўлса, энди уруш бошланади,— деди Жалил.

Жалилнинг отаси болаларни қўлларидан ушлаб, ташқарига бошлади.

— Бу душманларнинг иши, Сталин ўлмаслиги керак эди,— деди у.

«Нима учун ўлмаслиги керак?» деган савол Асадни кўп ўйлантирди. Орадан йиллар ўтиб, Сталин қораланганда ҳам шу саволни кўп эслади, аммо жавоб топа олмади.

Шом тушиб қўни-қўшнилари уй-уйларига тарқалишгач, она-бола ёлғиз қолишди. Уруш йиллари жанггоҳларда жон олиб тўймаган ҳазрати Азроил бу томонларда ҳам каттаи, кичикми фарқига бормай тутиб олавергач, одамларнинг дийдалари анча қотиб қолган эди. Шунданми, гўдакнинг ўлими катта фожиа саналмасди. Самандарни қабристонга олиб боришаётганда Асаднинг назарида ҳамма қайғуга ботган эди. Кейин Сталин ўлими ҳақида хабар тарқалди-ю, гўдакнинг ўлими билан ҳеч кимнинг иши бўлмай қолди.

Ёлғиз ўтирган она-болани ютаман, дегандай тўн ёпирилиб кирди. Танча совуқ — олов қилиш эсларига келмабди. Қора чироқ қоронғулик даҳшатидан қўрққандай титрайди. Она-бола гап-сўзсиз узоқ ўтиришди. Асад энди кўзи илинган экан, онасининг овозини эшитиб, чўчиб ўйғонди.

— Адаси, олинг, нондан еб туринг, ҳозир самовор қайнайди.

Асад ҳам қўрқув, ҳам ажабланиш билан онасига қаради. Патнис устида липиллаб турган чироқдан бўлак ҳеч нима йўқ. Лекин онаси нон синдиргандай ҳаракат қилади.

— Самандарингиз ухлаб қолди-да. Шунақанги ширин бўлганки... Олинг, чой ичинг. Энди узоққа кетманг... Одам соғинаркан...

Асад «Ойи...» деди секин. Кейин овозини кўтариброқ чақирди. Онаси эшитмади, гапираверди...

Ўшандан бошлаб ҳар тун шу ҳол такрорланаверди.

Зинатуллиннинг тақдири ўша тунларнинг бирида ҳал қилинган эди. У дамда Асад Зинатуллин деган зотни билмасди. Айнан шу одамни жинниликка ҳукм ҳам қилмаган эди. Уйларига бостириб кирганларнинг бири қийноқ билан ўлим топмоғи, иккинчиси жинни бўлиб хорланиши лозим эди. Еревандаги ўлжа шошилинч равишда ўлдирилиши шарт эди. Зинатуллиннинг иши шошқич эмас, шу боис иккинчи ҳукм унга насиб этди...

Зинатуллин бехос қичқириб, Асадбекнинг хаёлларини тўзатиб юборди.

— Йўқ эди ҳеч қандай комитет!— деди у ўрнидан сапчиб туриб.— Йўқлигини билардим. Улар «халқ душманман», деб тан олишди. Аммо сенинг кимлигингни билиб кетишди. У ёқда,— Зинатуллин қўлини бигиз қилиб осмонга санчди,— ҳали учрашасан, ҳа!— У қаҳ-қаҳ отиб кулди.— Нима дейсан энди?! У ёқда энкеведе бўлмайди. Расвоинг чиқди, паразит! Ҳамманг расво бўлдиларинг,— Зинатуллин шундай деб қабрларни оралаб юриб кетди.

Асадбек то унинг қораси ўчмагунча изидан тикилиб турди. Аёнлар «ўгай амаки»нинг аҳволига ачингандай индашмади.

— Энди ўз ҳолига қўйинглар,— деди Асадбек.— Жиннихонага қайтмасин. Юраверсин.

Чувринди буйруқни яхши англамай, Асадбекка қаради:

— Кузатувдаги йигитларни бошқа ишга олаверайми?

— Ҳа, ишларинг бўлмасин, дедим-ку? Жиннихонага тайинла, болалари олиб борса, қабул қилмасин. Тамом!

Минг тўққиз юз эллигинчи йилнинг биринчи январидаги ҳукмнинг сўнгроқ тузатилаган иккинчи ярми шу зайлда ижрога кирди.

Зинатуллинни қабрлар аро танҳо қолдириб, изларига қайтдилар. Гўрковлар хона-

сига кўтарилувчи зина ёнидаги энсиз супага кўрпача тўшалибди. Кўрпача устида чордона қуриб ўтирган, бошига қозонни эътиятвучи қўлбола қалпоқ кийган, пахмоқсоқол уларнинг эътиборларини тортиди. Жамшид гўрқовбошини ташқарига қўймай изига қайтаргач, дам ўтмай кўрпача кўтариб шу пахмоқсоқол чиқиб келган эди. Кўрпачани супагага тўшаб ўтириб олгани учун Жамшид унга индамади. Пахмоқсоқол бир нининг илинжида ўтирганини сезса ҳам Асадбек тўхтамай ўтиб кетмоқчи эди.

— Ие, вей, тўхта,— деди Кесакполвон пахмоқсоқолга тикилиб,— директоримга ўхшайди-ку?

Асадбек тўхтаб Кесакполвоннинг изидан қаради. Пахмоқсоқол ўтирган ерида саломга алик олди. Кесакполвон супа четига омонат ўтиргач, пахмоқсоқол тиловат бошлади. Сўзларини ямлаб талаффуз қилишига эътибор бериб, бу «қори» ҳам кейинги пайтда бирданига бодраб чиққан чаламуллалардан бири эканлигини фаҳмлаш қийин эмасди. Тиловат тугагач, Кесакполвон ўн сўм узатди. Пахмоқсоқол шунга яраша узоқ дуо қилди.

Кесакполвон пахмоқсоқолга тикилганича ўтираверди.

— Ҳа, ўғлим, мени бировга ўхшатайсизми?— деди пахмоқсоқол ўнғайсизланиб.

— Ўхшатаймман... Сиз ўттиз иккинчи мактабда ишламаганмисиз?

— Ҳа, энди... шўроларга ҳам хизматимиз сингган. Сабаби тирикчилик-да. Сиз, ўғлим, шу мактабда ўқиганмисиз?

— Тикилманг, танимайсиз мени. Сизни қамалиб кетган деб эшитувдим.

— Ҳа, энди... туз-насиб қўшилган экан...

— Бир ўқувчи қизни.. а?

— Астафидуллоҳ! Бу бўҳтон гап. Сталин даврида реприса қилинганман.

— Қани, қори ака, би-ир осмонга қаранг,— пахмоқсоқол ажабланиб, бироқ, Кесакполвонга итоат этди — осмонга қаради.— Энди худога ёлбориб, «менга юз сўмлик ёғдир», денг.

— Шаккоклик қилманг, ўғлим.

— Сиз айтганимни бажаринг,— Кесакполвон бу сафар таҳдид билан гапирди.

Пахмоқсоқол чўчиб, бир нима деб пичирлади.

— Сўрадингизми, бермадимми? Энди мендан сўранг.

— Ўғлим, қўйинг, гуноҳ бўлади...

— Сўра деяпман!

— Юз сўмлик ёғдиринг... ўғлим.

Кесакполвон чўнтагидан бир даста пул чиқаради-да, пахмоқсоқол устидан сочди. Пахмоқсоқолнинг кўзлари қинидан чиққудай бўлиб ўйнаб кетди.

— Қани, мен кучлиманми, ё худоми?— деди Кесакполвон унга заҳарли нигоҳини қадаб. Пахмоқсоқол бошини эгиб ўтираверди, жавоб бермади.

— Нимага ундай қилдинг?— деди Асадбек, машинага ўтиришгач.

— Ҳаромидан ўчимни олдим,— деди Кесакполвон сигарет тутатиб.

— Ким у?

— Мактабимизга директор эди. Ҳар куни бизни ҳовлига тизиб «Осмонга қараб «Худо, конфет бер», деб ялининглар», дерди. Айтганини қилардик. «Хў-ўш, бердимми? Йўқ. Демак, худо йўқ экан, а? Энди «Директор бова, конфет беринг» денглар», дерди. Айтганимиздан сўнг уч-тўртта болага болуқлик конфет берарди. «Хў-ўш, Худо зўрми ё менми?» дерди. Эллик саккизинчи йилда бир ўқувчи қизни бошлаб қўйган экан. Сталин репрессия қилди, деб ўтирибди ҳароми. Бир боппайман, деб юрувдим, учрагани яхши бўлди.

Пахмоқсоқол Кесакполвонни танимади. Лекин мактабдаги ўша ҳолни эслади. Кесакполвон уни «боплаганидан» хурсанд кетди. Пахмоқсоқол эса шундай эси йўқ бандаларни ҳам яратгани учун худога шукрлар қилиб, сочилиб ётган пулларни йиғиб, чўнтакка урди.

## XI БОБ

### I

— Мен Бек акамни отамдан улуғ деб биламан. Бек акам аралашмаганлар бу ишга. Мен эшик олдида қоровул эдим. Шилимшиқнинг мақсади мёнга ҳам номаълум эди...

Элчин рўпарасида ўтирган жингалаксоч йигитдан кўз узмай ўтирарди. Узини Жамшид деб таниган бу йигитни янги йил шомида кўрган эди. Саволларига жавоб бергиси келмай энсаси қотган йигит бугун кутилмаганда ўзи кириб келди — Элчиннинг ярасига туз сепди. Жамшид нигоҳини олиб қочмасдан, ўзини айбли деб ҳисобламасдан тик қараб туриб гапирди. Ноиланинг қайси хонада ўлдирилгани, Шилимшиқнинг қандай киргани, қандай зўрлагани... ҳаммасини айтди. Сўнг... суратлар чиқарди. Ана шунда Элчин ўзини тутта олмай қолиб бўғиб ўлдирмақ қасдида унга ташланди. Уша мудҳиш воқеага Жамшиднинг алоқаси борми-йўқми — Элчин учун фарқсиз эди. Энг муҳими — бу малъун уларнинг шериги, уларнинг одами!

Жамшид Элчин ташланиб қолар, деб махсус тайёргарлик кўриб ўтирмаган эди. Аммо унинг Асадбек тўдасида олган энг муҳим сабоғи — сергакликни бир нафас ҳам йўқотмай, ётса ҳам, турса ҳам, ҳар қандай ногоҳоний ҳамлага тайёр бўлиш эди. Уша сергаклик панд бермади — ўзини четга олишга улгурди. Қўлларини чўзганича ташланган Элчин ўзини тўхтатолмай олдинга учди. Шунда бўйнига бир зарб тушди. Сўнг қўли орқасига қайрилди. Жамшид чўнтагидан чизимча чиқариб бўғишга шайланган қўлларни бир зумда боғлаб ташлади. Бу ишлар кўз очиб юмгунча бажарилди. Бўғзига пичоқ тортилгандай хириллаётган Элчин дастлаб қай ҳолга тушганини англамай ҳам қолди. Кейин бошини кўтариб, Жамшидга қаради:

— Қўлларимни бўшат, ҳароми!

— Ҳароми нималигини биласанми ўзинг!— Жамшид шундай деб уни қорнига тепди. Элчин нафаси қайтиб, букчайиб қолди. Жамшид эса, хотиржам ҳолда чўнтагидан сигарет олиб тутатди.

— Ҳароми деб сендақаларни айтади. Хотинингни қиморга тикиб юриб, энди ақлинг кириб қолдимми? Бек акам сенга мурувват қилиб, душманингни авайлаб, асраб турдилар. Узи хумордан чиқсин, дедилар. Сени ўлимдан олиб қолдилар. Армонда кетмасин, дедилар. Уғил болалик шунчалар бўлади-да! Узингни босиб ол, ҳе итдан тарқаган.— Жамшид шундай деб унинг оёғини ҳам боғлади-да, чиқиб кетди.

Элчин қўлларини бўшатолмай ерда типирчилаб қолаверди. Зелихон келмаганида қанча ётарди — Худо билади.

Зелихон Элчиннинг уйига хавотир билан келди. Чунки Элчин ваъдага биноан уникига бориши лозим эди. Зелихон уни кута-кута тоқати тоқ бўлди. Ҳамиша хатар жари устидаги қил кўприкда юрвчи одамнинг юраги сезгир бўлади. Зелихон ҳам Элчинга бир нима бўлди-ёв деб хавотирланган эди — сезгиси алдамади.

Типирчилайверганидан чизимча қўл-оёғини шилиб юборган эди. Чизимча ечилгач, шилинган ерлари ловуллаб бошлади. Лекин Элчинни ҳозир бу эмас, юрагидаги ўт кўпроқ қийнади. У Жамшиднинг ташрифини қисқагина қилиб айтиб берди. (Тепки еганини, шубҳасиз, яширди.)

— Уйин бошланибди,— деди Зелихон стол устида сочилиб ётган суратлардан бирини олиб.

Элчин худди хотинини шармандали ҳолда кўрсатаётгандай уялиб, суратларни қўлидан тортиб олди.

— Яхшилаб қарадингми, суратларни яшашмаганми?— деди Зелихон.— Ростакам суратлигига менда ишонч йўқ. Чунки, хотинингнинг ўлими — тасодиф. Ифво мақсадида қилинмаган бу иш. Демак, ҳар мақомда суратга олиб ўтиришмайди. Хотининг ўз хоҳиши билан қўшилмаган. Зурлашган. Демак, кўзларини бундай юмиб, роҳатланиб турмайди...

Элчин дастлаб жаҳл устида суратларга эътибор бермаган эди. Зелихоннинг гапидан кейин суратларга тикилди.

— Тўғри,— деди у суратларни тахлаб.— Ноиланинг елкасида тиртиғи бор эди. Суратда эса йўқ.

— Ҳа... Уқилон бир янглишибди. Ишонинингни жуда ҳам хоҳлаяпти. Шилимшиқ деганларини танийсанми, ўзинг?

— Танийман. Уйинда у ҳам бор эди. Ушанга ютқизган эдим.

— Шилимшиқ уларга ёқмай қолган бўлса, сенинг қўлинг билан йўқотишмоқчи? Йўқ... Бек ғирром қилмаса керак. Фақат сени ишонтиришининг нотўғри йўлини топибди. Шундай айтсак, ишонмайди, деб ўйлашган. Энди ишонининг керак.

— Ҳаммасини ўлдираман,— деди Элчин, муштумини қаттиқ қисиб.

— Аввал нақдини ўлдириб тур. Хўш, нима қиласан?

Нима қилишини Элчин билмасди. Тўғри, ўлдиришининг бир неча турларини хаёлида пишитиб юарди. Лекин амалга оширишга келганида қўллари қалтирамасмикин?

## 2.

Тақдир ёзуғига Асадбек тўдасига алоқадор ишларни юритиш битилган экан, прокурор ёрдамчисининг четлатишга уриниши бекор бўлиб қолаверди. Намозов ишининг усталик билан ёпилишидан ғазабланиб юрган Зоҳид Шариповга кутилмаган иш топширилди. Зоҳид милициянинг қидирув гуруҳи билан воқеа юз берган ерга бориб даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди: йўл четидаги дарахтга эркаклиги кесиб ташланган, чап кўкрагига пичоқ санчиб қўйилган қип-яланғоч одам осилган эди. Ун қадамча нарида ёндириб юборилган енгил машина темирлари қорайиб турарди. Бу қотиллик тунда амалга оширилган, серқатнов катта йўлдан машиналарда ўтганлар бу манзарани, ақалли ёнаётган машинани, шубҳасиз, кўришган, аммо тўхташга, жилла қурса хабар беришга қўрқашган.

Суратчи ишини тугатгач, мурдани ерга олиб, устига чойшаб ёпиб қўйишди. Зоҳид атрофни синчиклаб кузатди. «Эркаклиги кесиб ташланганига қараганда қотиллик тасодифан юз бермаган,— деб ўйлади у.— Орада қасос бўлганми? Унда нима учун юрагига



пичоқ санчиб, сўнг дарахтга осиб қўйган?» Зоҳид шу пайтгача майда ўғрилари безори-лар билан шуғулланган эди. Прокурор ёрдамчиси ваъда этган жиддий ишининг бу даражада бўлишини кутмовди. Зоҳид бу жиноятнинг тагига ета оладими ё бу иш ҳам очилмай ётган қотилликлар сафига қўшиладими, ҳозир билмайди. У қотилликлар-нинг ярим тунда эмас, шомда содир бўлганидан ҳам беҳабар. Мурда осилган дарахт атрофидаги изларнинг бири — Элчинники экани ҳам унга номаълум...

...Шилимшиқ деб лақаб олган Жалолни аввал дарахтга бўйнидан боғладилар. Қўл-оёқлари бўш эди, бироқ, қимирлашга, ўзини ҳимоя қилишга қурби етмасди. Қимирлади, дегунича ингичка силлиқ каноп бўғарди. У ажали етганини сезди. У Асадбек қаҳрига учраб, бадарга бўлганида ажабланган эди. Элчин «хотинимни ўзим ўлдирганман», деб қамалиб кетди. Асадбекнинг шаънига гард юқадиған гап бўлмади. Элчиннинг танобини тортиб қўйишни Асадбекнинг ўзи буюрган эди. Танобни сал қаттиқроқ тортибди, шунга шунчами? Ҳа, энди қаймоқдай нарса экан, тўйиб емаса ҳам ялаб кўриши керакмиди? Хотинни қиморда ҳалол ютиб олганидан кейин ҳушига келганини қилади-да! Жалолшилимшиқ Асадбекка содиқ эди. Асадбек ҳам уни қадрларди. Хўжайинни қайси шайтон йўлдан урди, Шилимшиқ билмайди. Битта отарчининг хотини деб бадарга қилиб юборганига сира ақли етмайди. У Русиянинг совуқ шаҳарларида насибасини териб юрган чоғларида кўп ўйлади, турли тахминларга борди. Ўзи учун энг ишончлиси — «отарчининг қаймоқдеккина хотини Бек акамнинг суюкли ўйнаши экан-да, шунга чидолмадилар», деган тахмин эди. Шилимшиқ сургун муҳлатини билмас эди. Мусофирликда ризқини қийналмай териб юргани учун ҳам «Ватан ҳажрида куйиб ёниш», деган ҳислар унга бегона эди. Янги йил айшини суриб юрганида Бек акасининг йўқлаганини билиб, бир қувонди, бир кўнгли ғашланди. Унга яп-янги таксининг калитини тутқазиб: «Бу «Волга» ўз-ўзингга, ақлинг бўлса битта мошинани шахсий таксопаркка айлантирасан. Ношудлик қилсанг, чорифингни судраб юраверасан», дейишди. Пича ақча ҳам беришди. У-бундан хурсанд бўлди. Бироқ, Асадбек билан кўришмагани юрагига ғулғула солди. «Гуноҳим шунчалар кўп эканми, Бек акамнинг кўргилари йўқ», деб кўп ташвиш чекди.

Бўйнига силлиқ каноп ташланганида ҳам тақдир ёзуғидан беҳабар эди. Кавказлик бойвачча йигитларнинг бу қилиғидан ҳайрон бўлди. «Мошинани олинглар, ёнимдаги пулим камлик қилса, яна топиб бераман», деб ялинди. Йигитлар гапга тушунмагандай бепарво тураверишди. Яна «Йигирма минг бераман», деди. Эллик мингга ҳам чиқди. Латифа айтиб кулдириб келаётган йигитлар эса тунд ҳолда ўтираверишди. Ҳаворанг «Жигули» тўхтаб, ундан тушган Элчинни таниди-ю, тақдирга тан берди.

— Элчин, айб менда эмас! — деб бақирди жонҳолатда.

Элчин индамади. Аста-аста босиб, ўлжасига яқинлашди. У ҳали ўлжасини бир зумда бўғизлаб ташлайдиган ваҳший кепатасига кирмаган эди. У ҳатто бироз ҳаяжонланарди ҳам. Уч олишга бунчалик осон эришман, деб ўйламаганди. Ўлжага ташланиш учун вужуддаги ҳаяжон учқунини ваҳший алангага айлантириши лозим эди. Рўпарасидаги одам — Асадбекнинг қизи эмас. Ҳозир бўлмаса бир соатдан кейин ёки эртага амалга ошириладиган иш ҳам эмас. Чўнтақдан пичоқни ҳозир олиши шарт, эркаклигини ҳам ҳозир кесиб ташлайди. Сўнг... азобдан ўкираётган пайтда Ноилани кўчган панжаларини шу пичоқ билан чопиб, узеди. Ҳаммаёғи қонга беланиб тўлғанаётганида, жоний чикай деганида юрагига пичоқ санчади. Санчади-ю, суғуриб олмайди...

— Элчин, айб менда эмас, худо урсин!

— Айб кимда?

— Балиқ бошидан сасийди. Асадбекнинг иши бу.

— Сен-чи?

— Мен пойлоқчилик қилганман.

— Жингалаксоч-чи?

— Жамшидми? Уям кирган... охирида.

— Ким ўлдирган?

— Жамшид.

— Яна ким бор эди?

— Кесакполвон...

Жалолшилимшиқ Элчиннинг вазоҳатига қараб «барибир ўлдиради», деб ўйлади. «Мен ўламан-у, улар маза қилиб юришсинми?... Уларни ҳам топиб ўлдирсин...» деган ниятда шошилиб-шошилиб гапирарди. Улим шарпаси юзу кўзини силай бошлаганида гуноҳларга тавба қилиш керак, деб унга ҳеч ким айтмаган. Жон ширинлигини шу пайтгача ҳис этиб кўрмаган, неча одамни хонавайрон қилиб, нечтаси кўксига пичоқ санчганда кўли қалтирамаган бу банда тавба деган тушунчадан анча йироқ эди. Ҳозир тасодиф рўй бериб, бўйнидаги силлиқ каноп ечиб юборилса, нарида турган кавказлик йигитлар кўздан йўқолса, Элчиндаги ҳаяжон учқунини ваҳший алангага айланмай туриб, уни жон таслим қилиши аниқ бўлиб қоларди. Тасодиф ҳам, мўъжиза ҳам юз бермайди. Ҳадемай кўл чўнтақдан чиқади. Нима олиб чиқади — пичоқми, тўппончами? Ё ўласи қилиб дўппослаб, сўнг дарахтга осилади? Жалолшилимшиқ шуни билмайди.

— Демак... Биринчи Асадбек кирдимми?

— Ҳа... у олдин ҳам келиб юраркан. Энди сенларга... девди.. Кейин... Жамшид қизганиб...

Жалолшилимшиқнинг гапи оғзида қолди. Тумшугига тушган мушт зарбидан боши дарахтнинг заранг танасига зарб билан урилиб, гангиб ҳушидан айрилай деди.

— Бекор айтибсан, итвачча!— деди Элчин хириллаб. У ўлжасидан бу гапларни кутмаган эди. Улиши лозим бўлган ўлжаси Ноиласининг номини булғаб қўйди. Шу гап энди ўт олаётган ваҳший алангага мой сепди. Элчин ҳушини тамом йўқотди. Жалолшилимшиқнинг тумшугига яна бир-икки мушт туширгач, сўнг чотига тепди. Жалолшилимшиқ дод солиб ўкирди. Қорнига ҳам тепки егач, нафаси қайтиб хириллаб қолди. Элчин унинг кийимларини юлқиб, еча бошлади.

Катта кўчадаги машиналар шу ерга келганда бироз секинларди. Одамлар йўл четида нимадир содир бўлаётганини кўришарди-ю, тўхташга юраклари бетламасди ё Худо «қўй, тўхтама, бу бандам шу жазоларга лойиқ», деб кўнгилларига соларми-ди, ҳарҳолда яна машиналарини тезлаштириб кўздан йўқолишарди.

Элчин нима қилаётганини ўзи билмай қолди. Пйчоқни чиқариб унинг эркаклигини шарт кесиб ташлади. Ваҳший аланга тиллари унинг эсини олган, кўзини кўр қилиб қўйган эди. Сал нарида турган кавказлик йигитлар ҳам Элчиндан бундай ваҳшийликни кутишмаган эди. Элчин шу аланга ўтида қоврилиб, панжаларни кесишни унутди. Тўлғонишга ҳам қуввати қолмаган Жалолшилимшиқнинг чап кўксига пичоқ санчди.

У қасос умидида юрган кезлари малъуннинг кўксига пичоқ санчсам таскин топарман, деб ўйларди. Мана пичоқ ҳам санчилди. Ўлжасининг калласи Исо Масихнинг бошидай ёнга эгилиб, осилиб қолди. Йигитлар яқинлашиб, жонсиз яланғоч танани дарахт шохига осиди... Элчин қасос лаззатини билолмай қолди...

... Прокуратура терговчиси Зоҳид Шарипов бу манзарадан беҳабар, ўзича тахминлар қилади, калавани ечмоқчи бўлади. Ҳолбуки, калавани ечмоқ учун аввал унинг учини топмоқ керак. Зоҳид уни топа олдимиди — ҳозир билмайди. Кечга бориб олдидаги қора парда аста-секин кўтарила бошлагандай бўлди. Аввал машина таксопаркдан ўғирлангани аниқланди. Корхона раҳбарларининг яп-янги машинани ўғирлатиб қўйиб индамай ўтиришлари Зоҳидни ажаблантирди. Машина бирон ҳайдовчига бириктирилмаган, белги рақами ҳам олинмаган. Ҳайдовчилар янги машина келишини орзиқиб кутишади, унга эга чиқиш учун раҳбариятга фалон сўм пора беришади. Наҳот бундан беҳабар қолишса? Таксопарк Зоҳид аввал ишлаган депарада жойлашган эди. Зоҳид Ҳамдам Толиповни топиб, шу масалани ечишни топширди.

Мурда тириклигида Шилимшиқ лақаби билан юрган Жалол Комилов экани аниқлангач, Зоҳид калаванинг учини топгандай бўлди. У қотиллик тасодифан юз бермаганига ишонарди. Жалолшилимшиқ бундан йигирма йил муқаддам, ўсмирлик чоғида бир марта қамалган. «Одоби ва меҳнатсеварлиги билан бошқаларга ўрناق бўлгани, гуноҳидан астойдил изтиробда экани» инobatга олиниб, қамоқдан барвақт бўшатирилган. Бу «одобли бола» шундан бери милиция назарига тушмаган. Бу «меҳнатсевар бола» йигирма йилдан бери бир жойда — шаҳар ҳўжалигида кўча супурувчи бўлиб ишларди. Ота-онаси дурустгина ерларда хизмат қилувчи йигитнинг кўча супурувчи — фаррош бўлиб ишлаши ажабланарли эди.

Зоҳид шу саволга жавоб топмоқ истагида шаҳар ҳўжалиги идорасига бориб, беш лўли хотиннинг қабулхонада бошлиқни қийин-қистовга олаётгани устидан чиқди.

— Бизне бирготга бегоналарне қўйсангиз, чўлтоқ супургингез бошингизга қолсен. Бўш жойга биз айтгон хотунне оласизме ё йўқме? — деди уларнинг бири, бошқалари ҳам айнан шу гапни чувиллаб қайтаришди. Бошлиқ уларнинг феълени яхши билгани учун тинчтишга ҳаракат қилмади. Лўли хотинлар жавоб кутиб ўзлари тинчишгач:

— Эрта-индин туғадиган хотинни ишга олмайман. Кетсаларинг кетаверларинг, штатни қисқартирмаман. Бошқаларнинг маошини ошираман, қайтага яхши, — деди.

— И-и-би... Ҳо-о... иштотне қисқортисангез биз сизне иштонингизне қисқорта-мез-а, ака Расул омон бўлсалар бизне кўчага ташлоб қўймайлар. Советский власт борме ўзингизга. Уша хотунне ишга оласез. Ҳа, хотун бўлгондан сўнг тўғоди-да. Сиз хотун бўлгонингизда ўзингиз ҳам туғар эдингизме?

Хотинлар бири олиб, бири қўйиб шанғайлайверишди. Бошлиқ темирдан экан, ҳаммасига чидади. Охири қизиқ томошага гувоҳ бўлиб ўтирган котибасига қараб бақирди:

— Буйруқ ёзинг: ўн етти кишидан иборат комиссия Қатортерак, Утужний, Магнитгорский, Зелений кўчаларини бориб текширсин. Кўча ифлос бўлса, буларнинг ҳаммаси ҳайдалсин! Қирқ еттинчи статья билан бўшатирилсин, ҳа!

Лўли хотинлар бир-бирларига савол назари билан қарашди. Улар «қирқ еттинчи статьянинг» нима эканини билишмас эди. Бошлиқ шуни тилга олиб, пўписи қилдимиди, демак бир гап бордир, деб чўчишди. Аввалгидай чувиллашмасдан қабулхонадан чиқиб кетишди. Бошлиқ қилган ишидан мамнун бўлиб котибасига жилмайиб қўйди-да, хонасига йўналди. Шунда эшик олдида турган Зоҳидга кўзи тушиб «Менда ишингиз борми?» деб сўради. Зоҳид ўзини таништиргач, бирданига чеҳраси мулойимлашди-да, кўшқуллаб саломлашди. Саломлашиш манзарасини четдан кузатган киши Зоҳидни азиз меҳ-

мон, бошлиқни эса бу азиз меҳмонни орзиқиб кутган ва ниҳоят, умиди ушалган бахтиёр мезбон деб ўйлаши мумкин эди.

— Ишингиз оғир экан, — деди Зоҳид ичкари киргач.

— Э, нимасини айтасиз, — деди бошлиқ, ўзига ўзи ачиниб. — Қон қилиб юбо-ришади.

Бошлиқ Жалол Комиловни эслай олмади. Қоғозлар титкиланиши лозим бўлди. Хўжжатлар қоидага амал қилинган ҳолда тартибли эди. Ишга қабул қилинган «меҳнатсе-вар», «коллективда обрў-эътиборга эга» бўлгани учун доимий равишда пул мукофотла-ри берилиб турилган. Комиловнинг меҳнатдаги ютуқлари таърифланган сатрларни ўқиб, Зоҳид «бу ютуқлар учун юз сўм камлик қилар, биратўласи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига тақдим этаверишмаган экан-да», деб қўйди. Жалол Комилов маошини ҳам вақтида қанда қилмай олиб турган. Агар хўжжатга шак келтирилмаса, у кеча, ўлимидан сўнг ҳам келиб маош олган. Зоҳид «балки арвоҳларга ҳам пул зарур бўлиб қолгандир», деб ўйлаб, хўжжатларни бошлиққа узатди:

— Коллективда обрўси баланд экан-у, коллектив бу баобрў одамнинг ўлимидан беҳабар қолибди-да, а?

Бошлиқ хижолат бўлгандай бошини эгди:

— Кадрлар билан ўринбосарим шуғулланади. Беҳабар қолибман, узр.

Ўринбосар буйрагидаги тошни тушириш учун Украинага даво истаб кетган экан. Зоҳидга айрим сирларни шу одам очиб бериши мумкин эди. Чунки Жалолшилимшиқни шу ўринбосар ишга қабул қилган, доимий равишда рағбатлантириб турган. Идора ҳодимларидан ҳеч ким Жалол Комиловни эслолмайди. Комиловни ҳатто бригада бош-лиғи ҳам танимади. Бу Зоҳид учун ажабланарли ҳол эмас эди. Чайқовчи ёки иморат усталари мана шундай бир ерга илиниб олишади: Биров суриштира — ишлайди, «жа-миятнинг фаол аъзоси». Шундай қилинмаса, «текинхўр» деган тавқи лаънатга қолиша-ди. Зоҳидга бир нарса қоронғи — ким бу, Комилов, чайқовчими, иморат устасими... Ё бошқа бир фирибгарми?

### 3

Зоҳид Жалолшилимшиқнинг уйини қийналмай топди. Халқда «дворянлар уяси» деб ном олган, икки қаватли ғиштин уйлардан бири Комиловларга тегишли эди. Отаси олти йил муқаддам бу дунё ташвишларидан қутулиб кетган экан. Онаси — эллик ёш-ларга борган, фақат бу дунё билан эмас, балки гўзаллиги билан ҳам хайрлашишга шошилмаётган кўхликкина аёл эди. Даҳлизда кийим илгич ёнида иккита пастак курси-нинг бирига Зоҳид ўтирди. Иккинчисини мезбон эгаллаб, «эшитаман», дегандай қошла-рини чимирди.

— Жалол Комилов сизнинг ўғлингизми? — деб сўради Зоҳид.

— Ҳа... шунақа деса ҳам бўлади, — деди аёл, чимирилган ҳолда.

— Тушунмадим, — деди Зоҳид, — ўғайми ё боқиб олганмисиз?

— Ўзимники... ўзим туққанман. Лекин мени ташлаб кетган. Тирикми ё ўликми, билмайман, — аёл афсуслангандай хўрсинди. — Очиғи, қамоқдадир деб юрुвам. Суриштириб юрганингизга қараганди энди қамалса керак? У... қайси статья билан айб-ланаяпти?

Зоҳид унинг саволига жавоб бермади. Аёлнинг гапларидан ғаши келганини яшир-май, саволга тутди:

— Уни охирги марта қачон кўргансиз?

— Эсимда йўқ. Ҳарҳолда ўн йилдан ошди. Ўзи унга нима бўлди, айтсангиз-чи?

— Ўн йил давомида «ўғлим қаерда экан», деб қидириб кўрмадингизми?

— Қаердан қидираман?

Аёл «ўғлим шаънимга доғ туширди, катта мансабларни эгаллаб ўтирган одамнинг боласи ўғри, саёқ бўлиши мумкинми? У эмас, мен ундан тонганман. Йўқолиб кетгани-дан ҳатто мамнун эдим», деса ҳақиқатни айтган бўларди.

Жалолшилимшиқ қамалганида аёлнинг кўзига дунё қоронғи кўриниб кетди. Уша дамларда эл оғаси Аёлнинг ҳусини эътибордан четда қолдирмай, «феодализм сарқит-ларига аёвсиз кураш очиб, аёлларни раҳбар вазифаларга дадил кўтариш» масаласини ҳал қилаётган эди. Бу масаланинг ечими ижобий ҳал бўлди, ўғли ҳам қамоқдан қайта-рилди, аммо тўғри йўлга қайтмади. Қайтиши мумкин эмас ҳам эди. Ҳаром ишлар бан-далардан пинҳон тутилиши мумкин, аммо шайтон етаклаб бораётган банданинг ҳар бир одими ўлчоғли, ҳар бир ножўя қадами учун жабр тортиши аниқ.

Иккинчи боласини олдириб ташлаган, қорнини маҳкам боғлаб юриб қад-қоматини сақлаб қолган Аёл оналик бахтини асраб қололмади. Уғли кетар маҳалида «Мен сиз-лардан нафратланаман, сизлар нопок одамсизлар!» демади. Жалолшилимшиқ бундай юксак туйғулардан йироқ эди. «Мен қандай хоҳласам шундай яшайман, ишингиз бўлма-син», дедию ғойиб бўлди. Эр-хотин орасида машмаша кўзғолганида аёл эрига шундай дерди. Буни қўшни хонада ёлғиз ўтирган Жалол эшитарди. Уйдан чиқиб кетаётганида Жалол буни пичинг тарзида айтмади. Аёл «ўзимнинг гапим билан ўзимга тарсаки ур-

ди», деб ҳам қайғурмади. «Майли, ўзича бир яшаб кўрсин. Бурнини тортиб, чоригини судраб қайтиб келади», деб ишонди. Кутгани бўлмади. «Давлат аҳамиятига молик ишлар»га шўнғиб кетиб, ўғлини кўпам эсламади. Хатто уйини ўғри уриб кетганидан кейин ҳам ёдга олмади. Уғрибоши ўғли экани ҳам хаёлига келмади. Милиса чақиртирмади, искович ит уйини ҳидламади. У «шунча бойликни қаердан тўплаган эдингиз?» деган саволдан чўчиди.

Йилларнинг бешафқат панжалари сочларини оққа бўяб, кўзлари атрофига ажин торта бошлади. «Феодализм сарқитларига қарши курашаётган» эл оғаси «янги раҳбар кадрлар» билан банд эди.

Аёл эрини дафн этгач, ёлғизлик деган дарднинг нима эканини тотиб кўрди. Кечалари кўрқадиган бўлди. Бу азоблардан қочиш учун хизмат сафарига кўп чиқа бошлади. Бу ҳаракат «ишга сидқидилдан берилиш», деб баҳоланди.

Зоҳиднинг омади бор экан. Аёл сафардан қайтганида уни учратди. Зоҳид бу воқеалардан беҳабар, аммо оналик туйғусидан маҳрум аёллар у учун янгилик эмасди. Жиноят қидирув бўлимида хизмат қилиб юрганида аксар ўғри болаларнинг оналари шундай эди. Бироқ, рўпарада қошларини чимириб ўтирган чиройли аёл улардан фарқ қилади. Уғри болаларнинг оналари ароғини ҳам яширмай ичарди, фақш ишларини ҳам очикчасига қиларди. «Уят эмасми?» дейилгудай бўлса, «Бадан меники, истаган одамга, истаган пулга сотаман, нима ишинг бор!» деб дангалини айтиб қўя қолишарди. Жалолшилимшиқнинг онаси эса ўзини фариштадай покиза қилиб кўрсатади. «Покизалик, одамийликнинг юксак нормалари» ҳақида маърузалар қилади. Одамлар маърузаларни эшитиб қарсақлар чаладилар...

— Қаердан қидиришингизни билмасмидингиз?

— Менга қаранг, ука, бунақа илмоқли саволларни бошқа одамларга ташланг. Сизга рухсат, — аёл шундай деб ўрнидан турди.

— Уғлингиз... Жалол Комилов икки кун аввал ўлдирилган... ваҳшийларча ўлдирилган, — деди Зоҳид, кейинги гапига атайлаб урғу бериб.

Бу гап аёлнинг оналик туйғусини қитиклаб уйғотди. Бироқ, кул остидаги чўғ аланга олмади. Чунки аёл юксак маданият соҳибаси эди. Бу гапдан даҳшатга тушмади, уввос тортиб йиғлаб юбормади. Индамай бурилди-да, катта хона томон юрди. Қия очилиб қолган эшикдан чўғдек қизил гиламнинг, олтин рангли мато қопланган диваннинг бир чети кўринди. Ичқарида гугурт чақилди — Аёл сигарет тутатди. Юксак маданиятли аёл Зоҳидда нафрат уйғотди. У чиқиб кетаверса ҳам бўларди, аммо кўнглига бир шумлик оралаб, Аёлнинг чиқишини кутди. Аёл ҳаялламади, кўлида тутаётган сигарети билан чиқди:

— Ким ўлдирибди, ушладингларми? — деди титроқ овозда. У дардга берилган ҳолда ҳам ҳокималик минорасидан пастга тушмаган эди.

Зоҳид саволга жавоб бермай, чўнтагидан сурат чиқариб Аёлга берди. Аёл дароҳатга осиб кўйилган яланғоч мурдани таниди. Шу нафасда юксак маданият чекинди, ҳокималик минорасидан тушиб, оддий аёлга айланди — кўз олди қоронғилашди. Зоҳид беҳуш аёлни кўтариб, ҳашаматли хонага кирди. Уни диванга ётқизиб, ошхонадан сув олиб чиқиб юзига сепди. Аёл сесканиб, кўзини очди. Зоҳидга узоқ тикилди-да:

— Бераҳм экансан, — деди пичирлаб. Кейин буюрди. —33-19-23 га телефон қил, тез ёрдам етиб келсин.

Зоҳид «бу маданият соҳибаси яна ўлиб қолмасин», деб айтганини бажо қилди. «Тез ёрдам» Зоҳидни ҳайратга солиб, тезлик билан етиб келди. Оқ халатли тўрт аёл бирданга кириб келиб, гап-сўзсиз тез ишга киришиб кетишди. Зоҳид уларнинг ҳаракатларини кузатиб, бу уйга тез-тез келиб туришларини англади. Бирпаснинг ўзида юрак уриши тасмага туширилди. Эмланди... «Шунақа имтиёзлар борлиги учун ҳам одамлар мансаб талашади-да», деб ўйлади Зоҳид.

— Бироз чарчабсиз, ўтиб кетади, — деди дўхтир хотин.

— Ўтиб кетиши қийин. Бу сафар ёмон келди. Ҳушимдан кетиб қолдим. Стационарга ётмасам бўлмайди.

Дўхтир мансабдорларнинг шифохонасига телефон қилиб бўш жой борлигини билгач, «ўзингиз юра оласизми?» деб сўради. Аёлнинг «оёқларидан жон чиқиб кетганини» эшитиб, узун замбилни келтиртирди. Замбилнинг бир учидан Зоҳид кўтарди. «Оғир касал» эшикларни қулфлатишни унутмади.

Зоҳид «тез ёрдам» машинаси ордидан қараб қолаверди: «Туғмоқ бор-у, кўммоқ йўқ экан-да...»

## XII БОБ

1

— Янглишяпсанми?

— Йўқ, рост, адаси...

Манзуранинг гапи Асадбек юрагига ханжар бўлиб санчилди. Қизи ҳам унга ботиниб

қаролмаётган эди. У ердан кўзини узмай синиқ овозда салом берганида Асадбек додлаб юборай дерди. Бу мўъминлик ўрнига қизи сочларини юлиб, «Дод, мусулмонлар, мен отам туфайли шарманда бўлдим!» деб фарёд урганида Асадбек бунчалар эзилмасди.

Пиёла синса чегалаб ишлатиш мумкин, аммо синиқнинг изи йўқолмайди. Бу пиёлада иззатли меҳмонга чой узатилмайди. Номус ҳам шундай. Инсон яшайверади, бироқ, шармандалик изи бир умрга сақланиб қолади. Бу ёруғ оламдан ризқи узилгунга қадар номуссизликнинг оғир юкини ортмоқлаб юраверади. Асадбек буни билгани учун ҳам тўлғоқ азобларини бошидан кечирарди. Одамлар «фақатгина ўлимнинг чораси йўқ», дейишарди. Ўйлаб қараса, номусга тушган дарзни кетказишнинг ҳам иложи йўқ экан.

Хаёт... номус... ўлим... Номус билан яшамоқ ёки номуссизлик ботқоғини кечиб ўтиб, ўлим жарига қуламоқ... Қизлар ўзларини ёқишади, осишади...

Шу фикр Асадбекнинг хаёлини ёритиб ўтиши билан юраги ҳаприқиб, нафаси бўғзига қадалиб қолгандай туюлаверади. Хотини гапига амал қилиб уч марта «астағфируллоҳ» деб қўяди. Шундай пайтда Худо борлиги эсига тушиб, яратгандан мадад сўрайди. «Умр бўйи азоб чекканим етмасмиди» дейди. «Одам бўлиб нима рўшнолик кўрдим», дейди. «Нимаики азобим бўлса, барчасини тотиб кўрдим-ку, энди тинчлигимни бер, агар берган бойликларинг эвазига тинчлигимни олган бўлсанг, бойликларингни қайтариб ол, мени гадо қил, аммо болаларимнинг бахтини бер, мен ҳам одам бўлиб бир роҳат кўрай, бир кеча тинчгина ухлай, бир кун бир пиёлагина чойни болаларим даврасида тинчгина ичай...» дейди.

Асадбек кўнглидан нолалар учаверади. У билмайдикки Худо нолаю фиғонларга қараб эмас, бандасининг юрган йўлига қараб ажр беради.

Ҳозир Манзурадан қизининг юкли эканини билиб, бошини қайси деворга уришни билмай қолди. У кечагина яхши йўл топгандай эди. Қадимда урушқоқ подшолар ярашишни ният қилишса, қуда тутинишаркан. Ғамирлаб қолган Ҳосилбойваччани қантаришнинг бир йўли — ўғлини куёв қилиш. «Икки ёшнинг бахти учун» Асадбек ҳокимликдан воз кечади. Қилич Сулаймонов айтганича бўла қолсин. Шаҳарга ҳокимлик қилиш Ҳосилбойваччага ярашса яраша қолсин. Асадбекка винзавод ҳам бўлаверади. Бугун ҳокимликка даъвогарлар кўп. Вақти келса уларнинг ҳаммаси хазондай титилиб кетади. Баҳорнинг шамоли уларни учириб қайси бир овлоқларга тиқиб келаркин. Ҳокимлик — пулдорнинг қўлида бўлади. Винзавод — очил дастурхон. Еганим билан тугамайди. У умрини, обрўйини сотиб ичувчи галварслар бор экан, Асадбекнинг ҳамени бўшамайди...

...Шундай режа тузган эди. Бугун-эрта Ҳосилбойвачча билан суҳбатлашмоқчи эди. Қизининг боши қоронғи... Вақти келиб ҳароми бола туғади. Асадбек ҳароми набиралик бўлади...

Хўш, энди нима қилиш керак?

Бу саволга ким жавоб беради, Манзурами? Унинг кўзларига муҳрланган, мунг билан йўғрилган саволга-чи? Унга ким жавоб топади? Агар Манзура қизини эрка-тантиқ қилиб тарбия этганида, қизи суюқоёқ чиқиб, бу тавқи лаънатни ўзи ортирганида Асадбек буларни нима қилишни ўзи яхши билар эди. Бу саволга жавоб топишда қийналмас эди. Афсуски, энг катта айбдор — унинг ўзи. Асадбек буни билгани учун ҳам эзилди.

Бошқаларнинг тақдирини ҳал этишда кўп ҳам иккиланмайдиган одам қизини шармандалик ботқоғидан тортиб олишда ожиз эканини сезди. Энди унинг учун икки йўл қолган — бири болани олдириб ташлаш. Бундай қилинса, қизи умр бўйи фарзанд доғида куйиб, кул бўлиши мумкин. Қолаверса, бу гап ошкор этилмайди, деб ким кафолат беради? Иккинчи йўл — қизини Элчинга бериш. Асадбек гарчи далили бўлмаса-да, бу Элчиннинг иши, деб ишонарди. Айниқса, Шилимшиқ ўлдирилгач, бу тахмин ҳақиқатга айлангандай бўлди. Асадбек Элчиннинг қўлидан шундай ваҳшийлик келар, деб кутмаган эди. Йигитлари баъзан унинг рухсати билан, баъзан рухсатсиз, вазият тақозосига кўра одам ўлдирардилар. Аммо бирон марта бундай ваҳшийлик содир бўлмаган эди. «Демак, дийдаси қаттиқ экан, демек, алами зўр экан, — деб ўйлади Асадбек. — Хўш, шу билан ҳовури пасайдими, қасос ўти сўндими?» Ушанда Шилимшиқни сургун қилмай, Элчини суд қўлига топшириб қўя қолганида бу ташвишлар йўқ эди. Нима бўлди ўшанда? Адолат қилмоқчи бўлдимиз? Ё Элчиннинг мардлигидан ийиб кетдимиз? Унинг «Мен ўзим ўлдирдим!» деб қатъий туриб олишига аввал ажабланган эди. Кейин бирдан «бу боланинг жонини сақлаб қолиш керак», деган фикр миясига қаттиқ ўрнашиб қолди. Бу фикр оқибати мана энди кўриниб турибди. Шилимшиқ ўзбошимчилиги учун жазога лойиқ эди, Ноила воқеасидан олдин ҳам бир-икки шундай қилиқ қилган, таноби тортилмаса, арқонни узиши мумкин эди. У ўзи эккан дарахтнинг мевасини ўзи еди — унга ачинмаса ҳам бўлади.

Манзура эрининг хаёли ботганини кўриб, индамай тураверди. Ниҳоят, Асадбек нигоҳини бир нуқтадан узиб, хотинига қаради:

— Узатворамизми?

— Кимга? — деди Манзура.

— Билмайман...

Чиндан ҳам аниқ билмайди...

— Қизингиз... бир гап айтди.

— Нима дейди?

— Уша одамнинг панжалари сал қийшиқроқ эканми...

Бу гапни эшитиб Асадбекнинг кўзлари чақнаб кетди.

— Унг панжасими?

— Ҳа, шунақа деди...

— Ҳе, оналарингни... — Асадбек сўкиб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. — Энди айтадимми шу гапни?!

Демак, Элчин! Бошқа далил-исботнинг кераги йўқ.

Асадбек — яраланган йўлбарс ҳолидаги одам — ким ўқ узганини энди аниқ билди. Энди у малъунни бир ҳамла билан йўқ қилиб ташлаши мумкин. Шилимшиқ тортган азобларни Элчиннинг ўзи ҳам тортиб кўриши ҳеч гап эмас. Буни ҳозироқ, бир неча дақиқадан сўнг амалга оширса ҳам бўлади...

У ҳовлига чиқди. Орқасидан эргашган хотинига эътибор бермай дарвоза томон юрди. Одатдагидек, рўпарасида Жамшид пайдо бўлди.

— Отарчини топиб кел. Ернинг тагидан бўлса ҳам топ, — деди-да, кўчага чиқиб машинага ўтирди.

## 2

Ўтирса ҳам, турса ҳам Элчиннинг кўз олдига ўлжаси келавериб, уйқуси қочди. Кўзлари киртайиб, оғир хасталикка учраган одам кепатасига тушди. Қасос юрагига лаззат эмас, азоб беражagini у ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Бахтига Зелихон бор экан, ёлғизлатмади. Йўқса, жинни бўлиб қолиши ҳеч гапмас. Икки марта Анвар келди. Тоғасининг чордоғидан ниманидир топганини айтди. Элчин бу гапларни эшитадиган аҳволда эмас эди — парво қилмади. Ўзи Анварни бир йўқлаб бормади.

Зелихон тонгда бир юмуш билан чиқиб кетаётганида Элчин дераза ёнида хаёлга чўмиб турган эди. Икки соатдан кейин қайтиб келиб қараса, яна шу аҳволда турибди.

— Э, ошна, жуда оширвординг, — деди у, Элчиннинг елкасига енгил мушт тушириб. — Кўзингни оч, эркак! Тварларга ўхшаб қолма.

Элчин ҳазин жилмайиб, шеригига қаради.

— Бу дунёда ҳамма твар, — деди.

— Менга қара, сенга файласуфлик ҳечам ярашмайди. Сен буюк одамсан, лекин файласуф эмассан, — Зелихон шундай деди-да, унинг белидан кучиб, маҳкам сиқди. — Сен мишиқи боласан. Билиб қўй, мен мишиқларни ёмон кўраман. Эркакми-сан, хотингда безинг борми, эркакка ўхшаб юр.

— Зели оға, сиз мени тушуна олмайсиз, — деди Элчин, унинг қучоғидан бўшагач. — Мен унга эзилаётганим йўқ. Бошқа гап бор.

— Қанақа гап?

— Сизга айтолмайман.

— Акангдан ҳам сир яширасанми?

— Зели оға, бу ўзим билан ерга кирадиган сир, хафа бўлманг.

— Анави твар бир нима деган бўлса, сен ишонгандирсан. Бундай қилма. Улим олдидан одам ҳар нима деб валдирайверади. Зелихон сенга дўст эмас, душман, деса ҳам ишонарминдиги?

— Бу гапни чайнамайлик.

— Узинг биласан. Лекин сен кўзингни оч. Биз Асадбек ташлаган қармоққа илиндик. Уша тварни айнан сен ўлдиришингни истаган эди. Истаги амалга ошди. Хўш, энди нима қилади? Сен нима қиласан? Тинчийсанми?

— Гўрда тинчийман мен.

— Буни Асадбек биладими? Билади. У ўқилон. Уйин энди бошланади. Сен пиёдаларни сурсанг, у фарзинни ишга солади. Икки биқинида фил, икки ёнида тўра. Сен-чи? Сен фақат асп юриш қилишинг керак. Ҳар бир отнинг саккизта йўли бўлади. Буни ўйлапсанми? Асадбекнинг иши пишиқ, вақтдан ютади. Сенга цейтнот хавф солиб турибди.

— Кўрқмайман, менда ҳам фарзин бор, буни ҳисобдан чиқарманг.

Зелихон Элчиннинг мақсадини фаҳмлаб, мийиғида кулиб қўйди.

— Уста ўйинчи бошидаёқ фарзинларини қурбон бериб, алмаштириб ташлайди.

— Мен алмаштирмайман. Мот бўлсам ҳам фарзинни қурбонликка ташламайман.

— Қара, биров келяпти.

Ҳовлида Жамшид кўринди. У бегонэсирамай, атрофга алангламай худди ўз ҳовли-сига кириб келгандай тўғри уй томон юрди.

— Асадбекнинг ишончли одами. Мени боғлаб кетган шу эди.

— Узингни бос, сир бой берма. — Зелихон шундай деб тезгина диванга бориб ўтирди-да, чўнтагидан қарта чиқариб, устол устига ёйди. Жамшид кириб салом бергач, Зелихонг хавотир кўзи билан қараб қўйди.

— О, братан, салом, — деди Зелихон ўрнидан туриб. У бир тутам қартани чап

қўлида елпиғич қилиб ушлаганича Жамшидга яқинлашиб, ўнг қўлини узатди. — Қани, остонада турманг, кировринг.

Элчин унинг саломига алик ҳам олмади. Қўл ҳам узатмади. У ёлғиз бўлганида Жамшид «юринг, Бек акам йўқлаптилар» деб бошлаб кетаверарди. Бегона одамнинг ўтириши, Элчиннинг совуқ қараши уни бироз сергаклантирди.

— Қани, кирсангиз-чи? — деди Зелихон.

— Уй эгаси таклиф қилмасалар...

— Э, уй эгасини қўяверинг. Бугун чап ёни билан турган. Ютқизиб қўйиб, алам қияпти. Қани, бир қўл ташлаймизми?

— Майли, — Жамшид Элчинга қараб олиб, ичкари кирди.

— Йигирма бирми ё фантомасми? — деб сўради Зелихон.

— Менга барибир, — деди Жамшид.

— Демак, устасига фарқи йўқ экан, — Зелихон шундай деб чўнтагидан тахи бузилмаган қарта олиб Жамшидга узатди. — Бузиб, чийланг.

Жамшид қартани чаққонлик билан аралаштирди. Унинг қўли ишда бўлса ҳам, хаёли Элчинда, ундан кўз қирини узмас эди.

— Кўн элликдан, — деди Жамшид, ўртага эллик сўмлик ташлаб.

— Яхши, — деди Зелихон қўлларини бир-бирига ишқаб, сўнг чўнтагидан тўртта йигирма бешталик чиқариб, элликталикнинг устига қўйди. — Эллиги қоронғуси. Юриш юздан бўлди.

Жамшид яна иккита элликталикни ташлади.

— Узингизга қайтди, юриш икки юздан.

— У, бу эркакнинг ўйини бўлди. Шу пайтгача қаерда эдингиз, эркак?!

Жамшид учтадан қарта узатди. Зелихон қарталарга бир қараб олиб ўртага учта юзталик қўйди. Жамшид жавоб қайтарди. Юриш минг сўмга етганида Жамшид қартасини ташлади.

— Ютдингиз, акахон. Энди менга рухсат. Сиз билан роса чақчақлашадиган хонаси экан-у, аммо вақт зикроқ. Акахонимда иш бор эди. Бир жойга ўтиб келишимиз керак.

— Ҳозирми? Ие, бу ёғи неча пулдан тушди? Бир нозик одамни кутиб турувдигу? Жуда зарур бўлса... Элчин, братан, мен шу ерда кутиб тураинми?

— Шунақа қилинг, укахоннинг сазаси ўлмасин.

Жамшид, худди янги йил кечасидаги каби, индамай кетди. Элчин ҳам уни гапга тутмади. Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирган Элчин жингалаксоч бу йигитдан кўз узмасди. Жамшид орқа томонидаги ўткир нигоҳ таъқибини сезиб, дам-бадам кўзгу орқали унга қараб оларди. «Уриб, боғлаб кетганимнинг алами бор», деб ўйларди у. Жамшид Шилимшиқнинг гапларини қайдан билсин. Ҳозир нигоҳини қадаб ўтирган одамнинг қаҳрли ҳукм чиқараётгани ҳам унга маълум эмас. Зелихон «ўлим олдида валдирайверади», дегани билан, Шилимшиқнинг гаплари Элчинга ҳақиқатдай туюлаверади. «Бу йигит ҳам хотиним билан бўлган» деб ишониш, Ноиланинг хотирасига балчиқ чаплаш билан тенг. Айни пайтда ўзининг гуноҳини ҳам бир карра оширади. Элчин ҳар қанча гуноҳ юкини кўтаришга рози. Суйган ёрининг хотирасини булғанишини истамайди. Лекин у бечора нима қилсин? Ҳақми ё ноҳақми — гап айтилди. Биров орқали эмас, ўз қулоғи билан эшитди. Улим олдидан валдирайверади, эмиш... Балки сўнгги нафасида худо инсоф бериб рост сўзлаб кетар?... Уйимга келганини бу ҳайвоннинг ўзи ҳам айтди-ку? Энг муҳими — келган! Ичкарига кирганми, кирмаганми — бу билан ишим йўқ!» Ҳукм қатъий эди. Энди ижро этишгина қолди.

### 3.

Шаҳар марказидаги уч қаватли бинонинг сароймонанд ертўласидаги видеобарда депутат Орзубек ҳўжайиннинг келишини кутиб ўтирарди. Бўтқа унга алоҳида эҳтиром кўрсатди — Чувриндининг кўрсатмасига хилоф иш тутмади. Пештахта ортидаги дўндикча унга қаҳва келтириб, ширингина жилмайди. «Маишатни ўрнига қўйишади, бу сувараклар», деб ўйлади депутат, ноз билан юриб келаётган қизнинг ярим очик сонларига суқ билан тикилиб. Қаҳвасини ичиб улгурмай аъёнлар келишди. Кесакполвон депутатнинг саломига алик олиб, ўтиб кетаверди. Чувринди эса келиб, у билан сўрашди. Депутатнинг савол назарига жавобан «ҳозир келадилар», деб ичкарига кириб кетди. Дам ўтмай Асадбек кўринди. Депутатни кўрса ҳам кўрмагандай, саломини эшитса ҳам эшитмагандай ўтди. «Шефнинг кайфияти чатоқ, акахоннинг мазаси қочар экан-да», деб ўйлади Бўтқа.

Асадбек биринчи марта ўзи белгилаган қонидани бузди: оила сири хусусида сўз очди.

— Қизимни отарчи... олиб кетган экан. Бу — аниқ!

— Аниқ бўлса, ўзим гаплашаман, — деди Кесакполвон.

— Гаплашмайсан. Унинг битта туки ҳам тўкилмаслиги керак. Мен... уни куёв қилмоқчиман.

— Бек ака, ҳазиллашмаяпсизми? — деди Чувринди ажабланиб.

Асадбек индамади. У мақсадини айтган, энди аъёнларнинг фикрини билмоқ истагида сукут сақлаётган эди.

— Бек, эсинг жойидами? — деди Кесакполвон.

— Ҳа, жойида! — деди Асадбек, жаҳл билан.— Нима, куёвликка арзимайдими? Кўрми, шолми ё қийшиқми?!

Шу гапдан сўнг уювлари ҳам жим қолишди. Уларнинг ҳолига четдан қараган киши бу мотамсаро одамлар бировнинг руҳини эслаб, эзилиб ўтирибди, дейиши мумкин эди. Аъёнлар хўжайинларининг феълини яхши билишади. Ҳозир Асадбекнинг жаҳли чиқиб, ақли кетган пайт — унга гап айтиб маъқул қилиш қийин. Асадбек эса бақирини бақириб қўйиб энди афсусланади. Чунки мақсадини айтгани ҳамона аъёнларининг ажабланишларини олдиндан билган эди. Оғир-босиқ ўтириб маслаҳатлашаман, деб ният қилганди, ниятини ўзи бузди.

— Ҳайдар, бошқа илож йўқ,— деди Асадбек, энди ҳазин овозда.

Кесакполвон ўттиз йиллик қадрдонига ачиниб кетди. Улар фақат роҳат жомини сипқормай, алам-ташвишлар заҳрини ҳам татиб кўрганлар, ноумидлик кўчаларида санқанган даврлари ҳам бўлган, аммо у Асадбекни сира бу эзгин ҳолда кўрмаган.

— Шу қарорга келган бўлсанг, ўйлаб кўргандирсан. Биз нима дердик. Бизга қизинг бахтли бўлса, ўзинг тинч бўлсанг, бас. Аммо айтиб қўяй, агар...

— Агар-пагари йўқ.

— Тўхта, гапимни кесма. Агар у отарчи қизингнинг бахтини қора қилса, менга индамайсан, йўлимни тўсмайсан, гапингга кирмасам, хафа бўлмайсан.

— Ҳайдар акам тўғри гапни айтяптилар,— деди Чувринди.

— Мени одамларнинг фикри қизиқтиряпти. Маҳмуд, одамлар нима дейди?

— Одамларми? — Чувринди ҳозир шуни ўйлаб ўтирган эди, шу сабабли жавобни кечиктирмади.— Минг оғиздан минг бир гап чиқади. Шу пайтгача нима гаплар чиқмади, биласиз-ку?

— Шу пайтгача чиққан гаплар фақат менинг ўзимга тегишли эди.

— Энди чиқадиغان гапларни ҳимматингизга буриб юборамиз. Азоб чекиб келган санъатчиға ҳиммат кўрсатиб, куёвлик сарпосини ёпди, деймиз. Одамларни шу фикрга кўндириш қийин иш эмас.

Маҳмуд — Чувриндининг босиқ ҳолда ишонч билан гапириши Асадбекка далда бўлди. Асадбек бу аъёнга ишонади. У шундай дедими, бас, демак, шундай бўлади!

— Депутатинг мулла минган эшакдай бўлиб ўтирибди. Гаплашасанми? — деди Кесакполвон, асосий масала ҳал этилган.

— Кўзимга кўринмасин, ким чақирди уни, сенми, Маҳмуд?

— Ўзи келибди, зарур иши бормиш. Гапини эшитиб кўринг.

— Чақир, тезроқ гўмдон қил. Ҳозир отарчи келиши керак.

Чувринди эшикни очиб, Орзубекни имлаб чақирди. Депутат одатига хилоф иш қилмади, остона ҳатлаб гўдранди.

— Нима дейсан? — деди Асадбек унга ўқрайиб.

— Шу... розилигимни айтмоқчи эдим.

Асадбек унинг розилигини англаган бўлса ҳам, атайин гапни айлантирди:

— Нимага розисан?

Орзубек «мени калака қиялтими ё эсидан чиққанми?» деб каловланди.

— Бунча доводирайсан, гапир гапингни,— деди Асадбек.

— Қизимни сўраган эдингиз... бир азият чеккан одамга... шунга маслаҳатлашдик...

Розимиз.

— Ҳайдар, шунақа гап бўлувдими? Э, ҳа... жуҳуд хотининг хўп, дедими?

— Бек ака, бир илтимосим ҳам бор эди.

— Илтимосми, шартми?

— Илтимос... Шу... Ёқубжонов бошқа ишга ўтибди. Шуни гаплашиб берсангиз...

Менинг кўзим учиб тургани йўқ-ку, ўзингиз биласиз, мансаб талашадиган одаммасман, аммо... кўпнинг манфаати учун керакмикин?..

Асадбек бу гапни эшитиб, унга қаттиқ тикилди. «Эси жойидами бунинг,— деди у ўзича.— Мени Худо деб ўйлайдими? Ёқубжоновнинг ўрнига мен одам кўярканманми? Катта олимлар бошқариб келган иш бўлса... Бу етим тойлоқ илм кўчасининг ёнидан ўтганми ўзи? Депутатлиги камлик қилибдими? Пошшоллик даъвогарлиги чин бўлиб қоляпти-ку? Ёқубжоновнинг ўрнини эгалласа, оқсаройга бир қадамгина йўл қолади. Анойи эмас бу тойлоқ. Қўлимдан келса ҳам қўймас эдим буни...»

— Бу илтимос эмас, шарт. Қизингни амал курсисига алмаштирмоқчимисан?!

— Ундай эмас, Бек ака...

— Овозингн ўчир, ҳароми! Мени гўл деб ўйлаясанми?! Ҳеч бўлмаса кўнгил учун «куёв бўлмиш ким ўзи?» деб сўраб қўй. Сен жавобингни қачон айтишинг керак эди? Ун кун ўтдими, Ҳайдар?

— Сафарга кетиб қолдим, узр.

— Иккинчи қадам босма бу ерга. Сенга айтилган одам аллақачон уйланиб бўлди. Жўна!



Орзубек тепки еган ит ҳолига тушиб, орқасига ўгирилди.

— Бунчалик хор қилманг-да, ака,— деди Чувринди, депутат чиқиб кетгач,— бизга асқотиб қолиши мумкин.

— Пошшо бўлгандаям сариқ чақага олмайман буни. Бўтқа!

Эшик қия очилиб, Бўтқанинг башараси кўринди.

— Ҳозир чиққан сўтакнинг қизи бор.

— Бек ака, ундай қилманг,— деди Чувринди.

— Сен аралашма. Қизини бозорга солишнинг қанақа бўлишини бир билиб қўйсин! Бўтқа, тушундингми, айтганимни қил. Отарчи келмадимми?

— Бўйдоқ олиб келди, кутиб ўтирибди.

— Чақир, кирсин.

Элчин кириб салом берди. Аъёнлар унга таниш эди. Қамалмасидан илгари буларга обдон хизмат қилган, Кесақполвон киму Чувринди ким — яхши биларди.

Асадбек ўрнидан туриб, бир қадам босиб кўлини узатди. Бу марҳамат унча-бунча одамга кўрсатилмас эди. Бу марҳаматга эришганлар муборақ қўл ҳавода узоқ вақт муаллақ қолмаслиги учун чақон келиб, тавоф қилар даражада сўрашар эдилар. Элчинга бу маълум бўлса-да, шошилмади. Битта-битта босиб келиб, бошқалар каби қўш-қўллаб эмас, ёш болаларга ўхшаб бир қўллаб сўрашди. Унинг бу беадаблиги аъёнлар эътиборидан четда қолмади. Улар савол назари билан Асадбекка қараб олишди. Асадбек юзида ўзгариш сезилмагач, улар ҳам қадрдонлардек сўрашишди. Ҳарҳолда «Кўёвни пайғамбарлар сийлабди», деган нақл бор.

— Ҳофиз, оламда бормисиз, йўқламасак юз сўмлик пулдай кўринмасдан юраве-рар экансиз-да, а?

— Сизнинг ишингиз кўп, ака, биз эса бекорчи одаммиз. Бошингизни оғритмай, дейман-да,— деди Элчин.

— Сиздай меҳрибон уақонлардан яна иккитагина бўлса жаннатда юргандай роҳат қилиб яшарканмиз,— деди Асадбек,— Ҳайдар, ҳофизнинг ашулалари эсингдами? Эшитиб нақ эриб кетардик-а? «Қаро кўзим»ни қийворарди-я! «Қаро кўзим, кел энди, мардумлиғни фан қилғил»миди? Бу «кел, энди сен ҳам одам бўлгин», дегани эканда, а?

— Ҳа, шунақароқ,— деди Элчин; Асадбекнинг пичингларини ўзича талқин қи-либ.

— Нимага йўқлаганимизни биларсиз-а, ҳофиз?

— Ҳайронман.

— Ҳайрон бўлманг, Шилимшиқни ўлдиришингизни билардим-у, аммо бунақа ваҳшийлик қиласиз, деб ўйламовдим. Сиздек нозиктаъб одам...

— Тушунмадим, Шилимшиқнингиз ким?

— Узингни овсарликка солма. Камбағални сийласанг, чориғи билан тўрга чиқаркан. Сен хуморингни босарсан, деб мен уни асрадим. Ошни мен пиширдим. Суздим, ҳатто ошатдим. Сиз, оғайничалиш, фақат чайнаб ютдингиз. Энди нафсингиз ором олгандир, а? Элчин истеҳзо билан кулиб қўйди.

— Қорни оч одам бир ошам ошга қаноат қилармикин?

— Жон ширин бўлса — қаноат қилади.— Асадбек шундай деб аъёнларига қараб олди. Улар бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилишди.

— Жон ширин...— деди Элчин истеҳзоли жилмайиш билан.

Жондан тўйган болтадан қайтмас экан. Аслида Элчин учун жоннинг ширинлиги қолмаган. Ким билан олишаётганини, оқибати нима бўлишини билади. Ўлиги қайси бир овлоқда ёки қайси бир сув остида чирийдими ё кафанланиб кўмилиш насиб этадими — шугина қоронғи унга. Асадбекни гўл балиқ фаҳмлаб, ўлимтир чувалчангли қармоқни ташлади. Қармоққа илинтирдим, деб ўйлапти. Асадбек ишнинг кўзини билади. Лекин Зелихон бекорга академик дейилмайди — буниси ҳам бор. Шилимшиқ масаласида Асадбекнинг ҳисоби хомроқ, Зелихонники аниқроқ бўлди. Асадбек Элчиннинг ўткир зеҳнли маслаҳатчиси, мард ҳомийси борлигини ҳисобга олмаган эди. Зелихон билан Элчин эса барчасини ҳисоб-китоб қилиб қўйишган. Асадбекнинг одамлари Шилимшиқни кузатажани билгани учун ҳам Зелихон ўзини панага олди. Шилимшиқнинг аҳволи милисадан аввал Асадбекка маълум бўлажани ҳам тахмин қилиб, янглишишмади. Энди нима қилмоқчи, нима демоқчи — шуниси қоронғироқ. Элчин Асадбек билан пичинг тошлари отиб ўйнашиш хатарли эканини билиб, ён босгандай бўлди. «Жон ширин», деб тан олиши шундан.

— Сен «бир ўзимман», деб қасам ичувдинг,— деди Асадбек.

— Ҳа, бир ўзимман,— деди Элчин хотиржам.

— Бориб катта холагнинг эрини лақиллатасан. Арманими, ким у йигитлар?

— Ҳа, уларми?...— Элчин узоқ танишларини эслаб қолгандай жилмайди.— Ўзим ҳам аниқ билмайман. Пулга ёлловдим. Пулни ола солиб жўнаворишган. Қаёқдалиги номаълум.

— Мен сенга уларни топиб бер, деяётганим йўқ. Сен одамим йўқ, деб қасам ичдинг. Мен сенга бегона миллатдан одам аралаштирма, дедим. Сен ҳажиқизнинг ишини қилдинг. Сен мард бўлсанг мени ўз қўлинг билан ўлдири. Қаёқдаги ҳаромиларни

бошлаб келма. Қиморда ғирромни ёмон кўришимни биласан-а? Ҳаёт ҳам бир қимор. Эпласанг — ўйна. Эплмасанг — четга чиқ. Сен эплай олмас экансан. Қиморнинг ўз қонун-қондаси, нозикликлари бор, а? Сен қўлингга туз бўлса босар-тусарингни билмай қолардинг. Бу ўйинда ҳам шу холга тушдинг. Қўй, ука, сен энди бу ўйинлардан узоқроқ юравер.

Асадбекнинг бирдан мулоимлашиши Элчинни ажаблантирди.

— Сен бу ўйинда иккита хатога йўл қўйдинг. Биринчиси — академикни «туз» деб билдинг.

— Қайси академик?— Элчин ўзини гўлликка солмоқчи бўлди.

— Ҳофиз, Зелихон Хангреев кимлигини билмасам юрган эканман-да «ўқилонман», де-еб керилиб. Ҳаддингдан ошма, бола. Ҳар ишнинг ўз ҳадиси бўлади. Академик — ўғри. Уғирликда унга тенг келадиганини топиш қийин. У аҳмоқ, нимага бунақа ишларга аралашиб юрибди, ҳайронман. Ошнанг қаерни мўлжаллаб қадам босишини мен биламан. Уша ерни истасам супуриб тозалаб кўяман, истасам чўғ ташлаб оёғини куйдираман. Айтиб қўй унга, мен билан ҳазиллашмасин. Чиққан жойига қайтиб кирғиз-вораман худди...

— Зели оға менга у ёқда кўп ёрдам берди,— деди Элчин,— биз ака-укадай бўлиб қолганмиз. Унинг бу ишларга алоқаси йўқ. Алоқаси бўлганида ҳам шарт бузилмас эди. У шу ерларда ўсиб-улғайган, мусулмон фарзанди.

— Бунинг менга аҳамияти йўқ. Энди иккинчи хатоингни айтайми? Сен ҳеч бир ишни пинҳона қилолмайсан. Қийшиқ бармоқларинг қоронғида ҳам панд беради.

Бу гапдан кейин Элчиннинг баданига муз югурди. «Демак, қизи масаласида тамом қўлга тушибман...»

— Сенга уйлан, девдим, а? Ҳа, уйлан, ота ўрнида ота бўлиб тўйингни ўтказиб берай.

#### 4

Асадбек шу гапи билан суҳбатга яқун ясади...

Элчинни ташқарида Жамшид кутиб турар эди.

«Ота ўрнида ота бўлиб тўйингни ўтказиб берай... Сени куёв қиламан, деганими бу?— деб ўйлади Элчин.— Қизига ким тегинганини энди аниқ билибди. Шунга қарамай юмшоқ гапирди. Мен у учун кимман? Истаса қиймалаб ташлаб хумордан чиқиши мумкин-ку? Нима учун гуноҳимни кечди? Қизидан ўн тўрт ёш катта бўлсам... Бу ёқда қамоқ...»

Элчин саволларга жавоб топишга қодир эмасди. У қиз воқеасидан сўнг «менга бермай кимга берарди», деб ўйлаган, кейинроқ эса бу фикри хом эканига амин бўлиб эди. Аслида мақсад — ўч олиш. Асадбекдай одамга номус азоби нима эканини билдириб қўйиш эди. «Кўёв бўлсам-чи?» деган ўткинчи ўйга фаришталар омин деб юборишини ким билиб ўтирибди? Элчин Асадбекни қаҳри қаттиқ, кунда бир челақ инсон қони ичадиган одам сифатида билмаса ҳам, ҳарҳолда унга-да инсон юрагини берган, у ҳам бандасининг туйғуларидан бебаҳра эмас, деган тушунчалардан йироқ эди. Қизи тақдирини ўйлаб, неча тунни бедор ўтказгани ҳам у учун номаълум. То ўлғунига қадар бу сир унга ошкор бўлмайди.

Асадбекнинг қарори Зелихонни ҳам гангитиб қўйди. Осмонга устун бўлай, деб турган одамнинг фарзандини номусли қиз сифатида ўз тенгига узатишга қурби етмас эканми? Нима учун шундай қилмади? Номуссизликдан қўрқдими? Қанчадан қанча бузилган қизлар никоҳ кечасининг номус имтиҳонидан аъло даражада ўтаётганларида Асадбекнинг қизи қоқилар эканми? Шундай дўхтирлар борки, керак бўлса ўнта туққан аёлни ҳам онаси ўпмаган қизга айлантириб қўяди. Шундай замонда, шундай қудрат соҳиби бўлмиш Асадбекнинг қадам босиши уларни ҳайрат тўрларига ўраб ташлади.

— Асадбек сенга шанс беряпти,— деди Зелихон, ўйларини бир ерга жамлашга ҳаракат қилиб.— Ундан фойдаланмасанг, оёқ остида ўралашиб юрган аҳмоқлардан фарқинг қолмайди. Агар уйланмасанг...

— Улдирадими?

— Балки ўлдиртирар. Сенигина ўлдирса майли эди, бу ёқда мен ҳам борман. Лекин мен бунақа ўлишни хоҳламайман, билиб қўй. Сен Асадбекнинг қафтида турибсан. Истаса эркалатади, истаса пашшадай янчиласан. Истаса сенга бир бурда нон беради, истаса гўштингни итларга ташлайди. Сенинг гўштингни еган ит ҳаром ўлса керак, шунинг учун итларга раҳм қилгину берган бир бурда нонини олиб еб, унга раҳмат айт.

Зелихон вазиятни юмшатиш учун гапни ҳазилга бурди. Элчин унинг мақсадини англаб, ўзини мажбур қилиб жилмайди.

— Раҳмат айтаман, агар чиндан ҳам қизини менга берса, мушкулумни анча осон қилган бўлади.

— Яна қанақанги мушкулунг бор? Сен қасос олдинг. Эркаклик бурчингни бажардинг. Армонинг ҳам, мушкулунг ҳам йўқ энди. Гумонларни йиғиштириб ташла, одамга ўхшаб яшайвер.

— Одамга ўхшаб яшаб бўларканми ҳозир?— Элчин овозини бир парда кўтарди.

Зелихоннинг ўғитидаги фалсафа унга ёқмади.— Атрофни шоқолу тулкилар босиб ётса, ким одамга ўхшаб яшай олади? — У ўртага савол ташлади-ю, жавоб кутмай сўзини давом эттирди.— Арслонлар ичида яшасам ҳам алам қилмасди. Арслонлар қирилиб кетган, шунисига доғман.

— Шоқоллар орасида тулки бўлиб яшамоқчимисан? Тулкиларни тулки бўлиб, шоқолларни шоқол бўлиб қирмоқчимисан? Сен шунчалар бефаҳммисан? Билиб қўй: шоқолу тулкилар биздан аввал ҳам бўлган, биздан кейин ҳам қолади. Уларни ҳеч ким қириб ташлай олмайди. Бу биринчи масала. Иккинчи масала шуки, мен олим эмасман. Мен бир ўғриман. Ҳаёт ҳақидаги менинг фалсафам бошқа, сеники бошқа. Асадбекники бошқа. Дунёда тирик зот борки, ҳаммаси ҳаётдан аламзада. Ҳамма алам билан юради. Баъзилар бу аламини ичига ютиб сабр қилиб яшайди. Баъзилар аламга қул бўлиб, кўзлари кўр бўлиб қолади. Ҳеч нарсани кўрмайди. Оёғи остига қопқон қўйилганини, тўғри йўлдан кетяптими ё жарга боряптими — билмайди. Бу нодонларнинг қисмати битта. Сен нодон эмассан шекилли?

— Доно одамларга ўхшаб яшашим керакми? Тўйгунча ухлаб, тўйгунча овқат еб, тўйгунча ишрат қилиб, тўйгунча амал талашиб...

— Сенга амалнинг нима кераги бор? Сенга маданият министри бўлгин, деяётганим йўқ-ку? Одамлар сени яхши кўришади. Ашулангни айтиб, уларни хурсанд қилиб юравер.

«Ун беш йил олдин шундай эдим. Ашуламни айтардим, даста-даста пулларни ишлардим. Еттинчи осмонда сузиб юрардим. Бу қилигим Худога ёқмади шекилли, йўлимни буриб юборди. Хўш, шунча азобли йўлни босиб ўтиб, яна изимга қайтайми? Яна ашула, яна шухрат, яна пулли? Яна қорин бандаси бўлиб яшайми?» — Элчин хаёлида шу гаплар тўғилди-ю, аммо тилига кўчмади. Зелихон билан бу мавзуда кўп баҳслашишган. Умрнинг турли сўқмоқларида юрган одамларнинг ҳаёт ҳақидаги тушунчалари, фалсафалари бир хил бўлиши қийин. Шундай экан, баҳсда бир томоннинг ғолиб келиши мумкин эмас. Зелихон ҳаёт билимдони сифатида Элчинга насиҳат қилаверади. Аммо у, Асадбек айтмоқчи, фақат ўз касбининг академиги. Ҳаётда ҳар бир одам ўзича академик. Ҳар бир одам ўзича ҳақ. Ҳар ким ҳаётдан ўзича сабоқ олади.

Зелихон Элчиннинг жим бўлиб қолганини кўриб, «гапим таъсир қилиб, сал отдан тушди шекилли?», деб ўйлади.

— Аввал чақиртирганида сендан гумон қилган эди, бу сафар аниқ ишлабди. Сен-лигингни қаердан билибди? — деди Зелихон гапни бошқа ёққа буриб.

Элчин ўнг кафтини, жимжилоғи томонга оғиб турган бармоқларини кўрсатди.

— Ўзим ҳам ўйловдим. Сен билан бир иш қилиб бўлмайди, ошна. Сени тутиш учун экспертизанинг ҳам ҳожати йўқ.

Асадбекнинг қизи ўғирланганда Зелихон Элчинни огоҳлантириб, ўнг қўлингни ишга солма, деди. Қиз типирчилаб ётганида бу ўғит эсга келармиди?..

— Амма-холаларингни бугун юбор. Пайсалга солма. Мен уч-тўрт кунга Фарғонага бориб келишим керак. Маслаҳатларинг пишгунча қайтарман.

Зелихон сафардан мақсади нима эканини айтмади. Элчин ҳам сўрамади. Чунки Зелихоннинг болалиги ўтган жойларни кўмсаб, бориб туришини у яхши биларди. Зелихонни бу сафар фақат болалик хотиралари ёки катта ўғирлик режаси эмас, жиддий ташвиш чорлаётгани унга маълум эмасди.

## 5

Асадбек хотинига мақсадини аён қилмаган эди. Шу сабабли совчиларнинг кириб келиши Манзурани шошириб қўйди. Ҳовлида икки нотаниш жувоннинг пайдо бўлишидан аввалига кўнгли равшанлашди. Она кўнгли сезгир бўлади. Қизининг бўйи етгач, дарвозадан мўраловчи бегона аёл мақсадини дарров фаҳмлайди. Бу ташриф оқибати нима билан тугашини билса-да, барибир кўнгли равшанлашди.

Жувонлар «сендан қолсам қулоғимни кесаман», деб бас бойлагандай, бири биридан бўлиқроқ эди. Улар шахарга донғи кетган одамнинг хотини дуру гавҳарларга кўмилиб яшайдиган малика деб ўйлашганми, устида одмиггина қора духоба нимча, оёғида маҳси-калиш бўлган Манзурани чўри гумон қилиб, ҳовлида туриб қолишди.

— Кираверинглар, тортинманглар, овсин,— деди Манзура.

— Эгачим йўқмидилар? — деб сўради жувонлардан бири.

— Кимни айтяпсиз? — деди Манзура, «булар адашиб кириб қолишмадимми», деган хаёлда.

— Асадбек акамнинг хотинлари,— деди жувон унга ўғринча тикилиб.

— Менман, овсин,— деди Манзура.

— Вой, айланай сиздан, эгачи, танимабмиза. Келинг, бошқатдан кўришайлик. Эсонмисиз, омонмисиз... Биз ўғирликка келувдиг-а...

Манзура кулимсираб, уларни уйга бошлади.

Кўёвликка даъвогарнинг кимлигини билиб, Манзуранинг эси оғиб қолаёзди. Элчин «бор гапни яширмай, дарров айтинглар», деб совчиларга тайинлаган, улар бу амрни оғишмай адо этган эдилар. Манзура қизиқнинг бошига оғир савдо тушгандан кейин

хотинини сўйиб қўйиб қамалиб чиққан отарчига берарман, деб ўйламаган эди. Гарчи совчилар «хотинини ўзи сўймаган, тухмат бўлган» деб ишонтиришга уринишса ҳам, Манзуранинг ранги оқариб, бадани музлаб кетди. У совчиларга чой қўйиб узатиб, ҳовлига чиқди-да, болохонадаги йигитларга «акангизни тез топинглар», деб буюрди. Дам ўтмай даҳлиздаги телефон жиринглади.

Асадбек хотинининг гапларини хотиржам эшитди. Манзура эрининг аччиқланишини, «ҳайдаб чиқар», деб бақриб беришини жуда-жуда истаган эди. Афсусларким, кутгани рўй бермай, эри босиқлиқ билан:

— Жойи чиққан бўлса, узатиш керак,— дегани унинг ақлини шошириб қўйди. Бир дамнинг ўзида хаёл уни минг бир кўчага олиб кирди. Ниҳоят, эрининг мақсадини англагандай бўлди-да, «Вой шўрим, энди нима қиламан!» деб пичирлаб, ҳовлига чиқди. Совчилар ўтирган уйга кирмоққа юраги бетламади. Ошхонага қараб юрди. Қозонда шўрва билқиллаб қайнапти. Чойнакнинг жўмраги буғ уфуради. У беихтиёр қўлига чўмич олиб, ярим коса шўрва сузди. Кейин чўмични қозонга ташлаб, яна ташқарига чиқди. Дераза оша ташқарига қараб ўтирган совчиларнинг бири унинг ҳаракатини кузатиб, «бир нимасини йўқотиб қўйиб гангиб қолди, бояқиш», деб ўйлади. Манзура бу онда бирон буюмни эмас, юраги тўрида ўн саккиз йил авайлаб асраган орзусини, умидини йўқотган эди. Буюмни йўқотса, топиларди, жуда топилмаса «бош-кўзимдан садақа» деб кўярди. Орзу-умиди-чи, энди уни топадим, тополмаса уни ҳам садақа қилиб юбориш мумкинми?..

Манзура бир қарорга келиб, яна ошхонага қайтди. Учта косага шўрва қўйиб патнисга қўйди-да, чаққонлик билан кўтариб, меҳмонхона томон юрди.

Бир йўналишда юрадиган автобус ҳайдовчиси хаёлга берилса ҳам, керакли жойда беихтиёр равишда бурилаверади. Шунга ўхшаб ошхона — меҳмонхона йўналишида қатнайверган Манзура хаёли банд бўлса-да, вазифасини аниқ бажарди. Жувонлар шўрвани мақтаб-мақтаб ичиб бўлишгач, жавоб кутиб унга қарашди. Асадбек розилик билдирган бўлса ҳам Манзура дарров хўп дея олмас эди. Гулдай қизига бир отарчидан совчи келадию дарровгина розилик бериб юборадими? Айрим жойларга совчилар келавериб кавушлари титилиб кетади. Лекин... айрим жойлардаги қизлар бошқа... унинг қизи бошқа. Бу совчилар буни билишади. Билганлари учун ҳам тортинмай, чўчимаё кириб келишдимми?

— Энди... адамиз билан маслаҳатлашайлик... Қизимиз ёш... Ҳали ўқийди...— деди Манзура чайналиб.

— Вой, эгачи, маслаҳатсиз бўларканми бу иш. Сиз маслаҳатлашинг, ёшлар бир-бирини кўрсин, ёқтирсин. Худо хоҳласа, юлдузи юлдузига тўғри келиб қолса, бу ёғи тўй-да!

— Қайдам... ҳали тайёргарлигимиз ҳам йўқ...

Икки мамлакат муаммоларини ҳал этиш учун йиғилган дипломатларнинг саломлашишидан тортиб, хайрлашувига қадар, муомалалари, кулимсирашларидан тортиб қош чимиришларигача бўлган ҳаракатлари аниқ ишлаб чиқилади. Худди шунга ўхшаш, совчилик маросими ҳам юз, балки минг йиллар давомида бир қолипга тушган. Хотинлар ўзларини қандай тутишни, нима дейишни яхши билишади. Мана ҳозир Манзура: «Ҳали тайёргарлигимиз ҳам йўқ», деди. Бу — қизимизни узатишга розимиз, аммо сиз айтгандай эртага эмас, балки индинга, дегани. Бўлмаса бу хонадон учун тўй нима экан. Эрталаб ишга киришишиб, оқшомда тўй бошлаш қўлидан келмайдими? Лекин қизи бор одам ноз қилмаса «дипломатия» қонун-қоидалари бузилади.

Совчилар уй соҳибасининг кўнглини кўтарадиган бир-икки гапларни айтиб, лутф кўрғазиб, ўринларидан жилишди. Жувонлар бироз хижолат чеккан, бироз ноз қилган бўлиб, қоғоз халтани олишди. Бу ҳам дипломатиянинг бир қондаси — розилик аломатига ишора. Эртага бу жувонлар тугун кўтариб келишади. Манзура патир нонларни олиб қолади. Оқшомда эркаклар келишади. Қарабсизки, қиш охирламай туриб тўй!

Давоми кейинги сонда



Чўмилдим нур шалоласида,  
Кучоғимда қизбола қуёш.  
Тилло сочин ҳар толасида  
Доғланди дил, боғланди бардош.

Юрагимдан сизиб ўтди нур,  
Кўзларимни мангу бойлади.  
Қонимнинг ҳар томчисига ҳур —  
Илоҳий ишқ сеҳрин жойлади.

Кувонинг, ҳей, мунгли малаклар,  
Довдиратинг девона дилни.  
Тор айлаб, куй чалсин фалаклар,  
Ишқ кўзимга тортажак милни...



Абдул Жалил

## ЮРАГИМНИ ЕЛЛАРГА БЕРАЙ

Наҳот, бу тоғлар ҳам сэйёд ўлжаси?  
Бу дарё? Бу денгиз? Ахир, ўйлаб кўр —  
Нега бундай собит, нега бунча зўр,  
Қуёш ўлкасида қайғу кўлкаси?!

Алплар овозидан титрамас нечун;  
Дармонсиз даҳалар, дардчил далалар?  
Қорлар, қалдирғочлар, селлар, жалалар  
Сўнгсиз бир ғам куйин чалалар бу кун?!

Ахир, мен ким бўлдим? Нурли ва қадим  
Ватанни тўлдирсам зиллат тошига?  
Қайдан тоқат топдим, нечук чидадим,  
Мушфиқ водийларнинг аччиқ ёшига?!

Ў, тақдир! Ў, хилқат! Шумиди сеҳринг?  
Сенингму ё менинг эрур бу ситам?  
Наҳот, бор дунёдан аямай меҳрим,  
Фарзандкуш отага айланиб қолсам?!

Армон тиғи аёвсиз,  
Бурда-бурдадир дилим.  
Севдим ўтсиз-оловсиз,  
Мени кечир, севгилим.

Мен бекфарёд куйибман,  
Сен ёнибсан уёла.  
Шўхлик қилиб қўйибман,  
Эх, ўйинқароқ бола...

Ўртандим ўнг-тушида  
Кутиб кўклам висолин,  
Изғирин оғушида  
Қолган боғлар мисоли.

Кел, аёз бўл ё баҳор,  
Гуноҳларим кечир, кел.  
Ишқ — афтода ўрикзор  
Гулларини ёқсин ел...

### Ғам кошонаси

Кўзларимда ғам кошонаси,  
Жимир-жимир юлдузли пештоқ.  
Ишим шивирламоқ: «Ё, насиб...»  
Ва қон ёшдан арқонлар эшмоқ.





Аё зулмат, аё тун,  
Аё кудрат, аё хун!..

Юрагимни елларга берай,  
Нетгум, ахир, уни жиловлаб?  
Андухларим гулласин, терай,  
Дард чархида руҳни эговлаб.

Аё ҳасрат, аё ер,  
Аё ҳайрат, умид бер!..

Йиқилдим-ку ой нарвонидан,  
Синдирдим-ку, орзу ойнасин.  
Энди ишқ ҳам дил осмонида  
Камалакдан қанот бойласин...

Аё армон, аё эрк,  
Аё осмон, ҳарён берк!..

### Шайтоннинг ўғити

Сени сургун қиламан, бўтам,  
Тажриба бор, кўнглинг бўлсин тўқ.  
Шундай бир ўлкага йўллайманки, ҳар  
Қадамнингда омад кулар, хатар йўқ.

Юрасан, кўрасан, ишонувчан эл  
Сенга дўст тутинар, тинглайсан арзин.  
Мактубингда маълум қиласан сўнгра,  
Бойлиги, меҳнати ва яшаш тарзин.

Тагин таҳликага қўйиб жонингни  
Овора бўлмагин — тарқатма ғоя.  
Ғамгусорлик кўрсат, ваъда бер, фақат  
Имонини ўғирласанг — кифоя...

### Тахайюл

Баногоҳ боғ ичра кўрдим булбулни,  
Кўрдим баргидан қон силқиган гулни.

Булбулким, ҳасрати ҳадсиз, аламнок,  
Кўп мунглиғ навога кўмар кўнгилни.

Гулким, ел захмидан шикаста, ожиз,  
Узолмас кўр тақдир илқидан ғулни.

Сен булбул оҳидан чўғлан, эй япрок,  
Ки ёниб қучгайсан қисматинг — кулни.

Юрак, сен гулни сев, тоабод бу чарх  
Аврагай ҳурлигин англамас кулни.

Эй кулфат шамоли тўзғитган боғим,  
Яшаб тўймадингми бу тахайюлни?

\* \* \*

Ў, андуҳ шароби, тўлдир юракни,  
Ў, ишқ изтиробни, ўлдир юракни!

Ў, беозор оҳанг, қўзғол, эринма,  
Ғамим мўмиёлаб тахлайвер, тинма!

Шафқати йўқ шамшир, бурдала — раҳм эт,  
Тирқираган қоним шалола фаҳм эт!

Ў, қуёш, ёқмагил, туравер тўнғиб,  
Ў, ҳилол, ғамларим ғорига шўнғи!


Ташлама ваҳму ғулғула, ҳей юлдуз,  
Фарёдим арш ила ула, ҳей юлдуз!

\* \* \*

Қизғалдоқдай узиб олай шафақни,  
Вужудимни ёқсин қирмизи гулбарг.  
Ўт узра қўндирай жон — капалакни,  
Унга ҳам бегона эмас-ку бул дард.

Сен кўп имиллама, эй зикна осмон,  
Бошла шом ҳақинда шоҳона бир куй.  
Етти қароқчини қиларман меҳмон —  
Юраккинам бўлса қошона бир уй...





## Буюқ кўз очди



Бахтиёр Сайид

### ТУҒИЛАДИ БИР МУСАФФО РУҲ

\* \* \*  
Осмон бугун йиғлаб қолди,  
Булутларга босиб юзин.  
Аждармикан,  
ой йўқолди,  
Қайга бориб отди ўзин?!  
Шамол сочи толим-толим,  
Кўкси қалқон бўлди боғлар.  
Осмон йиғлар.  
Сукунат.  
Жим.

Кафтларимга томар доғлар.  
Йиқилади кўксимда жон,  
Инграб-инграб қўшиқ айтар.  
Булутларни судраб осмон,  
Бошгинамга йиғлаб қайтар.  
Эркалайман,  
алдайман гоҳ:

— Мен ҳам сендек ёлғиз, ишон.  
— Йўқ, ачинма... менда гуноҳ...  
— Кўп куйинма, кўйгин, осмон!..  
Йиғи тинар.

Шамол енгган.  
Осмон узра ёйган чирой.  
Юлдуз тўла нурлар билан  
Пешонамда ярқирар ой!..

### Қишлоқдан қайтиш

Адирлар, кетайми сизларни ташлаб,  
Дарёлар, кетайми йироқ-йироққа?  
Қуёш уфқ қаърига ҳорғин ёнбошлаб,  
Подани қайтарар менсиз қишлоққа.

Осмонларнинг илиқ қанотин силаб,  
Оқшомим оҳиста чўкиб қолар тиз.  
Гоҳ ўтиб қоламан, эшик қиялаб,  
Мендан ҳеч кўзини узмайди бу қиз.

Мендан ҳеч кўзини узмайди... шу он,  
Агар чиқиб қолса мендан кўради —  
Дейману кўзларим оқар қиз томон,  
У эса йўлимни пойлаб туради...

Гоҳ боқар юлдуздай нурларин элаб,  
Гоҳи сочи билан мени бойлайди.  
Чиндан кетиб қолсам... эшик қиялаб,  
Сўнг анов ўжар қиз кимни пойлайди?!.



Сенинг қарашингда ҳали бор маъни,  
Менинг қарашимда кичкина ғурур.  
Фақат қўлларим йўқ бориб қучгани,  
Юрак антикади: Қара, бор, югур!

Сўнг ердан оёқни узамиз аранг,  
Менинг қарашимдан топасан маъни.  
Мен борсам, ўзинг ҳам жимгина келсанг,  
Фақат қўлларим йўқ сени қучгани.

Кўзлар тикилади, соғинган кўзлар,  
Оёқ учигача музлайди ғурур.  
Мана, йўл, ўртада серрайган бизлар,  
Юрак антикади: Қимирлама, тур!

Сенинг қон бўғзингда ўрмалайди сўз,  
Менинг тилларимда эскирган узур.  
Биз маъюс хўрсиниб боқдик юзма-юз,  
Кўксимизда эса, кичкина ғурур!

Китоб



Саодат Наим қизи

Хумо тумшугида келтирар ўлан,  
Қалбимнинг зоридан тўкилиб қолган —  
Шамолнинг этаги гулларга тўлган,  
Остонамда гул унсин-да, илоҳим!

Туннинг пешонаси ярқираган пайт,  
Қорачиқларимда ўсар ойдин байт,  
Настарин, бир марта дил сўзингни айт,  
Остонамга нур тўлсин-да, илоҳим!

Ҳақнинг менга берган меҳри сеники,  
Бағрим чокидаги сеҳри сеники,  
Армонсиз орзунинг эрки сеники,  
Остонамда ҳур кулсин-да, илоҳим!

Боғнинг этагида бир даста титрок,  
Йўлақларда жон берар куйлар.  
Кўзларимда ичиккан сўрок,  
Туннинг сочларини майдалаб ўрар.  
Капалак қаноти синдирган хаёл,  
Тўкилди ойдаин этакка.

Нопармон кўйлаги ҳилпираган қиз,  
Қоришиб кетди-ку эртатка.  
Деразамга бўса узатган,  
Ойнинг тиниқ кулгиси экан.  
Боғнинг этагида бир шода титрок —  
Мени ростдан севармикансан?!.

Тун кулади:  
Ингранади оғироёқ ишқ,  
Кўз очади шубҳа... ва гуноҳ.  
Нигоҳида яшириб ёшни  
Сассизгина таралар сегоҳ.  
Тун кулади:  
Хазонлар пойида жон берар умид,  
Ойнинг юрагига кўмади шамол.  
Йиртиқ ёпинчиғин ямолмай хуноб,  
Бир қатра меҳр деб, тиланган хаёл.

Тун кулади:  
Қадамни қучоқлаб кетади юрак,  
Сароб соясига исинади из.  
Сўнги япроқ каби титраб-дилдираб,  
Ўқсиб-ўқсиб йиғлайди бир қиз.  
Тун кулади:  
Безабон кигриқларига  
Ўзини осади, чидай олмай куз.  
Тун кулади:  
Қароғидан тўкилиб юлдуз...

Каттақўрғон



## Даврон Султон



### Сарбадор

Куёшга юзма-юз учди турналар,  
Кўзимда «ялт» этди тилло арғамчи.  
Ҳавода муаллақ жоним қийналар,  
Ниқоб кийган жаллод — дунё алдамчи.

Узимни йўқотдим бағрингда очун,  
Қонга тўлган кўзинг ялтирар совуқ.  
Тепамда тебранар дорнинг оғочи,  
Ажал билан жоним ораси ёвук.

Ойнинг сочларига ўзини осиб,  
Тумшуғи ёқасин йиртар эрк қушин.  
Йўқ, ўлим лашкари келганда босиб,  
Зоғчадай дод солиб учмас эс-хушим.

Кутманг, кўзларимдан оқмас илтижо,  
Додлаган тилимни туфлаб ташладим.  
Дорингда лопиллар соям, эй дунё,  
Мен ўзим фалакда яшай бошладим.

Куёшга юзма-юз учди турналар,  
Эрк додин кўксига жойлаб, уфқ сари.  
Фалакда кўксини қасос тирмалаб,  
Бош кўтарди алвон қуёш лашкари.

### Эски чопон

Кифти яғир, ранги униққан чопон,  
Жиққа терга ботиб идрар астари.  
Ичида чавғитдай титилган армон,  
Куёшнинг соясин елпийди бари.

Калтарган энглари шалвираб турар,  
Кундан-кун сўкилиб борар қавиғи.  
Деворга юз босиб, оғир ўй сурар,  
Ёқасин тешгудай деворнинг миҳи.

Елкасин кичитар каттакон ямоқ,  
Хотира авайлаб ўрар танини.  
Эслайди устидан ёғиб сочалақ,  
Чимилдик пойида тўшалганини...



Сибизга чалади мутриба сабуҳ,  
Сандувоч тилидан тўкилар оят.  
Дийдамда ювилган минг йиллик андуҳ,  
«Аналҳақ» ҳақида сўйлар ривоят.

Кўнгил илоҳига қилган муножот,  
Бағрим сувин ювган таҳорат оби.  
Афлокдан дилимга тушган бир нажот,  
Ишқда жонни ўртаб севмоқ азоби.

Меърож туни каби қаҳқашон фалак,  
Арши-аъло сари учар телба руҳ.  
Дорулбақоданми бергандай дарак,  
Сибизга чалади мутриба сабуҳ!

Майманоқ



## Юсуф Расул

Дил уйғонар — қафасли дунё,  
Тил уйғонар — занжирбанд очун.  
Туғилади бир мусаффо рух —  
Томирида шижоат, жунун.

Лек, юракда мубҳам бир ғашлик,  
Кечгим келмас айтар сўзимдан:  
Мен ўзимга етгунимча то,  
Сен олислаб кетмагин мендан!

Илкис кўтарилган қушлар галаси  
Бизнинг руҳимизни таләб, суғуриб  
Олиб кетадилар, ҳув кенгликларга,  
Маъюс хаёлларга белаб, йўғириб.

Қарайсан куз, ҳорғин, афтода, ғариб,  
Сенинг кўнглинг каби ўксик, паришон.  
Қарайсан, менинг ҳам кўзларим ёруғ,  
Қарайсан, атрофда алданган ҳижрон.

Қарайсан, ишқ-ўлат ҳайдаган кўнгили  
Эркталаб қушларнинг қанотларида  
Кўтарилиб кетар, тупроқдан олис,  
Хаёлдай бокира самовотларга.

Қарайсан, ўзингдан йироқларга жим  
Кетиб бораётган ўзингга ҳолсиз.  
Қарайсан, қушларнинг шивирларига  
Алданган руҳингга мажолсиз.

Қарайсан... Қарайсан, топа олмайсан,  
Излаганинг кимдир? Йўқотганинг ким?  
Улим пойлаб турган эшикка томон  
Йўл узоқ, кўринмас бирор-бир манзил.

Мен адашиб кетдим, севгилим,  
Шум тақдирнинг кечаларида.  
Соғинчингдан чироқлар ёқдим  
Юрагимнинг кўчаларида.

Манзил излаб телба-ю, ғариб,  
Йўл топмадим то шаҳаргача,  
Лекин, чироқ ёниқдир ҳануз  
Юрак деган бу шаҳарчада.

Ўзингга ичикиб қарайсан маҳзун,  
Ўзингдан излайсан бору йўфингни.  
Ўзингга чирмашиб яшайсан ҳамки,  
Ўзингга тортасан руҳингни.

Қачонгача, ахир, худбинлик,  
Қачонгача бир танда яшаш?  
Қўйиб юбор, сенга бандилар  
Ўзи учун бошласин кураш!

Менинг умрим сенга етгунча,  
Соғинч ва қайғуга тўлуғдир.  
Менинг умрим кета-кетгунча  
Ўз умримдан анча улуғдир.

Шундай экан, қандай тарк этай  
Улуғворлик деган туйғуни?!  
Ҳижрон қолиб мен сени нетай,  
Қайга кетай ташлаб қайғуни?!



## Толиб Тўрақул

Тахаюл тунида тентираб тинсам,  
Оромим илинса совуқ тошларга.  
Бармоқларим билан кунларни тилсам,  
Кўнглим эриб кетса иссиқ ёшлардан.

Олис-олисларга отилса туйғум,  
Қўшиққа айланса чанг ютган китоб.  
Кафтимда шамдайин эриса қайғум,  
Қароғимдан гуллар симирса гулоб.

Мен бахтли яшаган бўлардим шунда,  
Шунда тилларимга қўнади юлдуз.  
Ҳаётимни бериб тахаюл тунга,  
Қалдирғоч инида юмар эдим кўз.

Пешонам ёрилса доғу ҳасратдан,  
Қушларга дилимни йиғлаб едирсам.  
Телба хаёллар-ла қора қисматдан,  
Бир нурли муҳаббат қидирсам...

Шамоллар бўйнимга ёйса кулочин,  
Сойлар лабларимда тўхтаса бир зум.  
Бодом гуллаганда оқарса сочим,  
Қалдирғоч инида асраса орзум.

Бу тун талотўмга дуч келди ўйим,  
Ҳазовот кунларим тортдилар фарёд.  
Лабимда қотди-я, занг шабнам — ўлим,  
Илоҳимнинг исмин айтди муножот.

Бу тун шафқатларга айланма ўтмиш,  
Осийман, тилимни, дилимни қарға.  
Мана, кафтларимда секин жон бермиш —  
Қавмининг кўзини кўр қилган қарға.

Юрагим наърасин тингламади ер,  
Осмон кўзларимга санчилмади ишқ.  
Кел, рубоб, кўксимдан юлдузларни тер,  
Мен телба, сен телба ўртада қўшиқ.


Сарой

## Фурқат Мели

Бир энгил, бир энгил, бир энгил юрак,  
Бир туп жийда — шудир келинчак.  
Қочганмикин беҳиштдан малак,  
О, муҳаббати бунчалар юксак?!

Бир энгил, бир энгил, бир энгил юрак,  
Ошиқ бўлиб қолдим мен унга бешак.  
Ҳисларим исларга маст бўлди — машраб,  
О, унинг бўйлари бунчалар бўлак?!





Бир энгил, бир энгил, бир энгил юрак,  
Ростдан жийда бўлиб қолса келинчак.  
Энгилдан ҳам энгил бўлади баттар,  
Қинидан чиқади, кетади юрак!

\* \* \*

Тушкунликнинг тушкун тушкунни,  
Сочимни силама, юпатмагин, қўй.  
Узоқларга кетган ҳумодай,  
Бир кунгина, сен мени тинч қўй.

Мункиллаган чолдай умидим,  
Эгилиб бир нима ахтарар ердан.  
Рухгинам кўчада қолди-ку йиғлаб,  
Паноҳни топайин сенга қаердан?

Атрофни ўраган маъюслик,  
Қўлимни ушлаган тасалли.  
Етаман...  
Аллалар маъюслик,  
Тушимга киради тасалли.

Тошкент



## Шавқиддин Баҳри

### Самарқанд

Эртак сўйлар қулоқларимга,  
Илинжларда сарғайган сайёд.  
Мўлтирайди булоқларимга

Самарқанд —  
Унсиз фарёд!

Куймаланар оқсоқ нигоҳлар,  
Намоз ўқир руҳлар гунг тунлар.  
Бағрим титиб гумбаз сўроқлар

Самарқанд —  
Қари кунлар!

Дубулғаси синган сарбадор,  
Туманлари тарқоқ мастона.  
Юрагимни кезар дарбадар

Самарқанд —  
Етим афсона!



\* \* \*

Рақсга тушади каламуш;  
Қиқир-қиқир кулар суварак.  
Ҳар кеч қирқ оёқни кўргум туш,  
Кўзларимга кўчиб келар  
Теварак.

Лаблари буришиб тақдирнинг —  
Юзим йиртиғидан мўралар.  
Томошабин мунофиқ йўллар  
Юрай десам, оёғимга  
Ўралар.



Хиёнат садақа сўрайди;  
Тишларимда ўксик жавдирар.  
Гунг шамол тилига ўрайди,  
Мўлтони фаришта ёнимда  
Турар.

## Армонзор

Кўзим ўрмонида ухлайди — Туллар;  
Қалбим саҳросидан гул терар,  
Бағримдаги теримчи қуллар.  
Бахтнинг қулоғидан тишлайман.  
Бардошлар —  
Хазондай сочилиб кетади.  
Армонзорда гуллаган тошлар  
Бир қуни бошимга  
Етади.

Самарқанд

---

## Низом Норқобил

• • •

Шамоллар инграган совуқ тунлардан,  
Қузғунлар тўзиган нурсиз кунлардан кулиб,  
Мен имонни ихтиро қилдим.  
Эзгуликни ўрганиб покликни излаб,  
Оятлар ўқиб. Нурлар сўрадим,  
Энг буюк, энг буюк ишончни тиклаб.  
Мен бугун бир Ватан кураман...

...Ишонч, имон, эзгулик, нурдан —  
Тикладим Ватаннинг тўрт деворини...  
...Туғилажак қуёш қўлига гулларни эқдим...  
Туғилиб, қуёш энтикиб чопар.  
Шамоллар ҳайратдан гулларни сочар.  
Қора тун парчаланиб, ёвузлик қочар...  
...Мен бугун бир Ватан қурдим...  
Имон, ишонч, эзгулик, нурдан,  
Тикладим Ватаннинг тўрт деворини,  
Шамоллар ҳайратдан гулларни сочар...



## Бахтсизлик

Дийдираб туради аламзада кун,  
Қуёш қақшаган далаларда  
Нечук бунчалар маъюссан, ҳорғин?!  
Пахтазор ўғирлаб қолди — нигоҳим...  
Аламлар тебранган жўяклар:  
Улар — руҳим қонли йўллари,  
Умримнинг «майиб» қуллари.  
Пирпираб тўзийди йиртилган ёшлигим...  
Бахтсизлик кўкарган даштларда,  
Қулаолмай юрган чоғларим —  
...Куйиб ўлган умидларим, мени...  
Пирпираб тўзийди йиртилган ёшлигим...

Олтинсой



Абдулла Қаҳдор

## ПАҚИР ҚЎМОНДОНЛАРИ

Ез фаслида, бир туман марказидаги китобхона йигирматача ёзувчини ном-баном айтиб, учрашувга таклиф қилди. Учрашувдан кейин жамоа хўжаликларида адабий суҳбатлар ўтказдик, далаларни кездик. Бир жамоа хўжалиги даласида ғалати бир боғча-яслини кўриб қолдик. Бу «тарбия ўчоғи» каттакон тут дарахти остига жойлашган бўлиб, ерга палос маъносида эски брезент тўшалган, теваракка бир неча беланчак тортилган. Боғча-яслининг бутун жиҳози шундан иборат. Бунинг устига болалар ўзи тарбияга муҳтож бўлган бир кампирнинг қўлига топширилган. Ичимизда бу ҳолдан ғазабланмаган одам қолмади. Раисни таъна-дашномга кўмиб ташладик. «Тарбия ўчоғи»ни суратга олдик... Бизни кузатиб борган район раҳбар ходими хижолатдан бошини кўтаролмай қолди.

Бу нарса, шубҳасиз, фельетонбоп бир факт эди. Лекин ҳеч ким фельетон ёзмади. Эҳтимол, ҳамма ҳам колхоз раисига берган дашномимиз, район раҳбар ходимларининг хижолат тортгани кифоя деб ўйлагандир. Орадан кўп ўтмай ҳамроҳларимиздан бири шу «тарбия ўчоғи»дан илҳомланиб — ийиб «Колхоз яслисида» сарлавҳали бир сонет ёзиб рўзномага берди.

«Қуш уясида кўрганини қилади», деган гап бор, лекин на ўзбек адабиёти тарихида, на рус адабиёти тарихида бу шiorга таълим бўладиган ҳеч қандай факт кўрган эмасман. Аксинча, Навоий ҳақ-ҳақиқатга келганда вазирлик либосини ташлаб халқ қучоғига отилган, Фурқат ёлғончилик ва риё уяси боёнларнинг юзига «туф» деган, Чехов билан Короленко ҳаққониятсизликка қарши норозилик юзасидан академиклик унвонидан воз кечган, Короленко ўзи маҳбус бўлгани ҳолда чор ҳукуматининг бутун бир халққа зулм ўтказаетганлиги тўғрисида баланд товуш билан қичқирган. Шолохов шахсга сиғиниш даврининг энг даҳшатли кунларида ноҳақ халқ душмани унвони тақилган кишиларни очиқ ҳимоя қилган. Буларнинг ҳаммаси мазкур ёзувчиларнинг гражданлик шижоати истеъдод кучидан кам эмаслигини кўрсатади.

Бояги «тарбия ўчоғи»даң илҳомланиб — ийиб сонет ёзган шоирнинг бу қилмиши сирдан кўринганига қараганда чуқурроқ иллатдир.

Маълумки, шахсга сиғиниш даврида бутун пропаганда қуроли, жумладан адабиётнинг ҳам ҳар бир сўзи «доҳий»нинггина эмас, маҳаллий доҳийчаларнинг ҳамма иши, ҳар бир «ҳадис»и тўғри ва оқилона эканини тасдиқ ва исбот қилиши керак эди. Шу қолипда ёзилган асарлар нақадар ғариб ва нотавон бўлмасин, расмий доира ва доирачаларда таҳсинга сазовор бўлар, адабиётда машъал қилиб кўтарилар эди. Шунинг учун ёзувчи ҳаёт ҳақиқатига юзма-юз келишдан мўмкин қадар қочишга, бу ҳақиқатга лоақал ёнбошдан қарашга, ўшанда ҳам кўзи тушганини ўз ҳолича эмас, бўяб кўрсатишга мажбур бўлар эди. У вақтда ҳаётимизнинг иллатлари ҳақида минг мулоҳаза билан айтилган ярим, ҳатто чорак ҳақиқат ҳам «сиёсий хато», «типик эмас», «пасквиль», «воқеликни қасддан бўяб кўрсатиш», «душман тегирмонига сув қуйиш», «ютуқларимизни кўрмаслик», ҳоказо ва ҳоказолар ҳисобланар, бу таъналардан биронтасини эшитган ёзувчи фақат таъна эшитибгина қолмас эди. Бу йўл кенг ўқувчилар оммаси билан ёзувчилар орасини бузишга, халқ кўзида адабиётни бебурд қилишга олиб борар эди.

Марказий рўзномаларнинг бирида бир ҳикоя босилиб чиқди. Қаттиқ совуқ. Кўчадан ўтиб кетаётган бир киши ариққа тушган ёш болани кўриб қоладию уни қутқариб онасига топширади. Бу ҳодиса бепарво онага таъна ва бошқа оналарни ҳушёрликка чақириш мақомидаги бир хабар. Муаллиф бу ҳодисадан «совет кишисининг қиёфасини кўрсатадиган» ҳикоя ясайди. Ҳолбуки, ўлаётган болани кўра туриб индамасдан ўтиб кетадиган инсон зотини тасаввур қилиб бўлмайди. Бу «онгли совет кишиси» ўрнида онгсиз 3—4 яшар бола бўлганда ҳам дод солиб одам чақирав, боланинг жонига ора кирар эди-ку, деган гапни муаллиф хаёлига ҳам келтирмайди. Яна бир қанча «шингил ҳикоялар»да бошқа бир муаллиф трамвайга тушиб чипта ололмаган чол эртасига иккита чипта олганлиги, харидорлар магазинчидан ўтиб қолган бир неча тийинни еб кетмасдан қайтариб берганликлари ва бошқалар ҳақида гапирди, шу билан совет кишилари-нинг қиёфасини кўрсатмоқчи бўлади.

Маълумки, шахсга сиғиниш даврида одамга ишонч йўқ, ҳатто бир оила аъзолари бир-бирига шубҳа кўзи билан қарар, совет кишисининг қиёфаси, унинг энг яхши хислатлари мана шу ишончсизлик, шубҳа остига кўмилган эди. Шунинг учун шахсга сиғиниш шароитида одамнинг одамга ишончини, анчайин одамгарчилигини кўрсатадиган бирор ҳодиса каттақон воқеа бўлиб кўринар эди. Эсимда бор: қишлоқдан шаҳарга келган бир одам бировдан фалон кўчани сўрайди. У одам келгиндини эргаштириб бориб кўчани кўрсатади. Шу нарса «совет кишисининг қиёфасини кўрсатадиган» факт сифатида рўзномада саҳифасидан яқин бир подвал жой олган эди.

Биз ҳозир яғни шароитда совет кишисининг ҳақиқий қиёфасини шахсга сиғиниш харобалари орасидан тортиб олиш ўрнига ҳануз анчайин ҳодисаларни воқеа қилиб кўрсатамиз, олов турган ҳолда ўт қидириб чақмоқ чақамиз. Шахсга сиғиниш ҳаётимизда ҳозир баъзи одамлар чамалагандан кўра каттароқ ва чуқурроқ из қолдирди. Шахсга сиғиниш даври қанчадан-қанча одамларни жонидан, номидан жудо қилгани устига ундан ҳам кўпроқ кишилارнинг куксига хатар ва хавотирлик туйғусини қамаб кетди.

«Колхоз яслисида», совет кишилари-нинг қиёфаси ҳақидаги ҳикоялар қабилидаги асарлар шуларга мос тушадиган танқид, айниқса, буларга матбуотимизнинг муносабати, адабий жамоатчилигимизнинг лоқайд қараши ўзбек адабиётининг ҳануз шахсга сиғиниш таъсири захридан қутилмаганини кўрсатади. Бу ҳол ҳайвонот боғчасида икки юз йил занжирбанд бўлиб, занжир узилгандан кейин ҳам яна юз йил қозиқ атрофидан йироқ кетиш мўмкин бўлиб қолганини пайқаман, етаклаганда ҳам юрмаган филни эслатади.

Адабиётимиз, афсус, минг афсуски «қозиқ»дан ҳамон йироқ кетолмаяпти, шахсга сиғиниш оқибатларини одамларнинг дилидан, тафаккуридан қувиб чиқариш, мамлакат

---

\* Устод Абдулла Қаҳҳор 1963 йилда «Шижоат ҳақида» деган мақола ёзган эдилар. Кейинчалик, шахсга сиғинишнинг қули кўкка совурилиб унча-мунча гапларни баланд овоз билан гапириши имконияти тугилгач, бу мақолани қайта кўриб чиқиб, баъзи бир ўзгарттишлар киритган ва унга «Нақир қўмондонлари» деб ном қўйган эканлар. Мен яқинда бу мақолани ҳужжатгоҳдан топдим ва ойнома муҳлисари ҳукмига ҳавола қилмоқдиман.

Устод ҳаёт бўлганда ва мустақиллик шабадаси ҳилпираб турганини кўрганда қанча-қанча янги асарлар ёзиб, ўз муҳлисарини ҳўрсанд қилар эдилар.

Баъзи бир одамлар айтганидек, Абдулла Қаҳҳор ҳеч қачон бировнинг топшириғи билан асар ёзган эмаслар. Уларнинг бутун орзу-армонлари ичларида қолиб кетди. Бунинг исботи ён дафтарларига битилган қўйидаги қайд:

«Ёзувчилик қийин иш бўлиб қолди. Тарихда от қолдирай десанг, замондошларинг юзингга қора суркайдди, замондошларим юзимга қора суркамасин десанг, тарих юзингга қора суркайдиган гапларни гапиришга мажбурсан!»

Устод ҳеч қачон маддоҳлик қилмаган, мунофиқ ҳам бўлмаган. Ҳамиша адолатпарвар, ҳақиқатгўй ёзувчи сифатида ном қозонган ва халқ ардоғига сазовор бўлган эдилар.

Кибриё КАХҲОРОВА

жавосини шахсга сиғиниш заҳридан буткул тозалашда жамиятимизга кўмак беролмаёт-типти. Бунга кимдир халал бераётганга ўхшайди. Лекин бу ҳақда чуқурроқ ўйлаб қаралса, ўзимиз халал бераётимиз. Бизда ўша гражданилик шижоати камлик қилапти, деган хулосага келади киши.

Адабий муҳитимизда шахсга сиғиниш деган илоннинг вишиллашини эслатадиган совуқ, ниҳоятда совуқ бир шивирлаш бор. Бу шивирлашлардан ҳосил бўлган босинқи ғовурга диққат билан қулоқ солсангиз, айрим товушларни илғаб олишингиз мумкин: бири шахсга сиғиниш даврида нима бўлиб ўлимдан қолган, кейин оқланган, ҳатто партия сафида бўлган кишиларимизнинг ҳақиқатан гуноҳсиз қамалганлигига, энди тўлиқ оқланганлигига шубҳа туғдирмоқчи бўлса, иккинчиси шахсга сиғиниш даврида барбод бўлган йигирманчи йиллар адабиётимизнинг тарихини тиклашни, шахсга сиғиниш даврида ҳалок бўлган адабиёт аҳлининг хотирасини абадийлаштиришни ҳам ҳазм қилолмайди; бири адабиётимиз тарихини тиклашга ҳаракат қилган кишиларимизни қора рўйхатга ёзишни истаса, бири шахсга сиғиниш жафосини чеккан ёзувчиларимизнинг адабиётда ўз истеъдоди ва меҳнатига яраша ўрин олишига ғашлик қилади, уларни илож ва имконият топилса четга сургиси келади.

Ҳамма гап шундаки, ҳеч биримиз бу одамларни ёриққа солиб кўришни, мақсадини халқ олдида айтишни талаб қилгани ҳафсала, тўғрироғи журъат қилолмаймиз. Шу шивирлашлар адабий муҳитимизда асабий кайфият, ишончсизлик, қарахтлик туғдиради.

Шахсга сиғиниш замонида адабий муҳитимизда бир тоифа одамлар пайдо бўлган эди. Булар шовқин солиб айтадиган гапларнинг тахминий қолипи шулар эди: «Ёзувчининг бу хатоси тасодифий эмас», «бу нарсалар бизнинг ҳаётимиз учун типик эмас» (булар ҳаётимиздаги кўп иллатларнинг жон сақлаб қолиши учун яхши шароит туғдириб берди), «совет китобхони бундай асарларга зор эмас», «ёзувчи воқеликни бузиб кўрсатади», «ёзувчи тушунмайди», ҳоказо ва ҳоказо. Буларнинг асар ҳақида катта марҳамат билан айтадиган гапи «ёзувчи ҳаётни тўғри акс эттиришга уринади»дан нари ўтмас эди.

Иккита мисол буларни характерлаб беради.

Ҳукумат қарори билан бир қанча моллар қирқ фоизга арзон қилинди. Шу тоифа одамлардан бири бир китобда «қиймат беҳикмат эмас, арзон беиллат» деган мақолни кўриб қоладию китоб муаллифига даҳшатли савол билан мурожаат қилади: «Хўш, ҳукумат қарори билан арзон қилинган молларнинг иллоти нимадан иборат?!» Ушлардан яна бири уруш мавзюида ёзилган бир китобда «полк Брянск ўрмонларигача бўлган қарийб юз эллик километр масофани жангсиз босиб ўтди» деган гапни кўриб қолиб эси чиқиб кетади: «Сталин душман бир қарич ерни ҳам жангсиз ташлаб кетмайди» деган-ку, бу ёзувчи фронт ҳаётини бузиб кўрсатишга қандай журъат қилди экан?!»

Бундай мисолларни яна кўплаб кўрсатиш мумкин. Булар ҳозир латифадай туюлади, лекин латифа эмас. Уз вақтида киши бунақа одамлардан фақат ичида кулар эди, холос.

Қадим замонда туну кун ҳаммага амру фармон бериб юрган бир мансабдор мансабидан бекор бўлибди. Мансабдор ҳар ёнга бош уриб иш чиқаролмаганидан кейин, ниҳоят хуморини ёзадиган бир машғулот топибди: маҳалладаги ҳовуз бўйида қалин кўрпача солиб ўтириб олибдию, пақир кўтариб келган ҳар бир кишига «Пақирингни тор!» Пақирингни тор!» деб амру фармон бериб ўтирар экан.

Шахсга сиғиниш даврида команда бериб ўрганган кимсалар ҳозир, бояги мансабдор сингари, «пақир кўмондони» бўлиб қолган бўлса ҳам, ҳар нечук ҳозир ҳам ўзини кўмондон ҳисоблайди. Мансабдорнинг қилмиши кишининг кулгусини қистатади холос, лекин шахсга сиғиниш харобасининг синиқ-парчалари бўлмиш «пақир кўмондонлари» одамларнинг ғазабини келтиради. «Пақир кўмондонлари» ҳамма вақт тухумдан тук қидиради, майдонга келган ҳар бир асарни тирноқлаб, ҳидлаб, иложи бўлса ёзувчининг бошига чертиб кўришни, булардан ўзига обрў орттирадиган бирор нарса топишни, лоақал асарни шубҳа остида қолдирадиган ҳар хил имо-ишоралар қилишни, чала-ярим гаплар айтиб, миш-мишларга озуқ беришни ўзининг муқаддас бурчи ҳисоблайди.

«Пақир кўмондонлари»нинг кўзида ёзувчи уларнинг ҳукмини кутиб қора курсида ўтирган гуноҳкор, китобхон, томошабин эса боғча ёшидаги болалар!

Саҳнада порахўр пора бераётган одамни алдаш учун «Мен порадан ҳазар қиламан, поранинг юзи қурсин!» дейди. «Пақир кўмондони» шу ерда ҳозир: «Юзи қурсин? Сўз пул тўғрисида кетяпти, пулда бизнинг гербимиз бор-ку, бу қандоқ бўлди?!»

Сўз пул ҳақида эмас, пора ҳақида кетаётганлиги билан унинг иши йўқ, ишқилиб илмоқ топилса, бас... Шоир «болалигимда оёқяланг кўчаларда югуриб юрар эдик... Ҳозир болам ёмғирда кўчага чиқса хавотир бўламан, бу ёмғир томчиларида фалокат атом таъсири йўқмикин» деб шеър ёзипти, «пақир кўмондони» эътироз билдиради: «Бу шеърни босиб бўлмайди, одамлар ёмғирда ишга чиқмай қўйиши мумкин».

Ишга борадиган одамлар, камида етти синф маълумотга эга, атом нима эканини булар мендан яхшироқ билади, бундан ташқари давлат ҳеч қачон меҳнаткашни тақдир ҳукмига ташлаб қўймайди, деган гап «пақир кўмондони»нинг хаёлига ҳам келмайди.

1963 йил





Шарафиддин Али Яздий

# Зафарнома

ГАРДУНШУХРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ АМИР ЖОКЎНИ МАЛИК  
ҲУСАЙН ҚОШИФА ЭЛЧИ ҚИЛИБ ЮБОРГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ҳазрат Соҳибқирон Марвдан ўтиб, одатдагидек Мохонни ўз манзилгоҳи этгач, амир Жокўни Ҳирот волийси Малик Ҳусайн ҳузурига элчи қилиб жўнатди. Малик уни тўла иззат-ҳурмат ила кутиб олиб бирор дақиқа ҳам эътиборсиз ва қаровсиз қолдирмади; ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан чин юракдан хайрихоҳлик ва меҳр-муҳаббат изҳор этди, ҳамжиҳатлик ва ўзаро кўмаклашиш бобида муболағалар қилди. (Шунингдек), илтимос билан: «Мен Сарахсга бораман, агар улар (Амир Темур) ул томондан ташриф буюрсалар, дўстлик ва иттифоқлик асоси мустаҳкамланган бўлур эди; ҳамжиҳатлик шартномаси ва ёрдамлашиш асоси аҳду паймон ила қатъий ва мустаҳкам бўлажак», — деди. Амир Жокў қайтиб келиб ул сўзларни арзага етказди.

Ҳазрат Соҳибқирон ундан олдин дўсти Ҳожи Барлос ўша томонга борганида, аслида кўнгилдагидек иш бўлмаганидан<sup>1</sup> ва ул хонадон аҳли томонидан турли вақтда номақбул ишлар зоҳир бўлиб, узрхоҳлик қилмоқ одати борлигидан хабардор эди. Чунончи, Ҳозонхон<sup>2</sup> салтанати замонида Хуросон ерларининг ҳақиқий ҳукмдори бўлмиш амир Наврўз Арғўн-оғо ўғли<sup>3</sup> (воқеаси бунга мисол бўла олади). Малик Ҳусайннинг амакиси бўлмиш Малик Фаҳридинни, ўз отаси Малик Шамсуддин курт<sup>4</sup> Ғўрдаги Хастор қалъасига<sup>5</sup> банди қилган пайтда, (амир Наврўз) отасидан сўраб, уни қалъадан чиқариб олди ва меҳрибонликлар кўрсатиб, биродари амир Ҳожининг қизини унга олиб берди ҳамда Ҳирот ҳокимлигини (ҳам) унга топширди. Бу эътибордан унинг иши ривож топди. (Маълум вақтдан сўнг), Ҳозонхоннинг феъли ғийбатчиларнинг мишмишидан<sup>6</sup> амир Наврўзга нисбатан ўзгариб, Озарбайжонда унинг биродари ҳамда қариндошларини қатл этди ва амир Қутлуқшоҳ мангқўт<sup>7</sup> ва бошқа амирларни амир Наврўзни ўлдириш учун Хуросонга жўнатди. У (амир Наврўз) Малик Фаҳридинга кўп яхшиликлар қилганини ва уни, ўзига қариндош қилиб олганлигини ҳисобга олиб, Тусдан Ҳиротга паноҳ истаб борди, Малик Фаҳридин иймонини ўртага қўйиб (унга садоқатлиги ҳақида) яна бир марта сўз берди. Шунга қарамасдан, амир Қутлуқшоҳ Ҳирот остонасига етиб келиши билан, Малик Фаҳридин узрхоҳлик қилиб амир Наврўзни унга топширди ва уни қатл этдилар.

Малик Фаҳридиннинг биродари, яъни Малик Ҳусайннинг отаси бўлмиш Малик Ғиёсуддин, султон Абу Саид<sup>8</sup> замонида, унинг мураббий-ҳомийси бўлмиш амир Чўпон сулдўзни<sup>9</sup> шу йўсинда (ғаним қўлига) топширди; яъни уни ва ўғли Жаловхонни, султон Абу Саиддан қочиб, унинг даргоҳидан паноҳ излаганларида, уларга (садоқатдан) сўз бериб, шафқатсизларча ўлдирди<sup>10</sup>. Қизиғи шундаки, амир Чўпон: «амир Нав-

\* Давоми. Боши аввалги сонларда

рўз фаддор тоифадан ҳимоя қилдири, оти устининг кенглигини кўрғоннинг тўрт девори торлиги билан алмаштиради», — деб таъна қилиб юрарди. Узи ҳам охир-оқибатда худди ўшандай, яъни унга ўхшаб иш тутди ва у нимани кўрган бўлса, ўшани кўрди. — Агар қазо етса, кўз кўр бўлади<sup>11</sup>.

Назм:

Қазо етгач гардундан қоқиб қанот,  
Кўр ва қар бўлдилар барча оқил зот<sup>12</sup>.

Бу ҳикоят «Муқаддима»да батафсил кетирилган.

(Амир Жокў етказган сўзлар) мазмунидан хабардор бўлгач, ўша ғараз сабабли, ҳазрат Соҳибқироннинг эҳтиёткорлиги ва ишбилармонлиги уни Малик (Ҳусайн) билан учрашишга ва алоқа боғлашга йўл қўймаса ҳам (лекин) подшоҳларга хос сифатлари, унинг (Малик Ҳусайннинг) самимийлиги ва хайрихоҳлиги илтифотсизлик ва бутунлай рад этиш билан қарши олинишини (ҳам) эп кўрмас эди. Шу сабабдан, азиз фарзанд, салтанат ва жаҳондорлик кўзи қорачининг нури, улуғворлик ва комронлик боғининг гули амирзода Жаҳонгирни, Муборакшоҳ Санжарийни унга мулозим қилиб, Малик (Ҳусайн) қошига юборди; (оятда): Сизларга бир киши салом берса, унга яхши салом билан жавоб қайтаринглар ёки саломини айнан қайтаринглар<sup>13</sup>, — дейилганига мувофиқ, меҳр-муҳаббат акс этган сўзларига қуйидаги мазмунда жавоб пайғоми жўнатди: «Маликнинг ҳалоллиги ва яхшиликлар қилишига ишончимиз комил ва кўнгил тўқдир, фарзандимни унинг қошига юбордим, ахлу аёлимини эса, уғруқ ила ушбу вилоятда қолдиргаймиз. Ниятимиз, азм жilовини асл диёр томон бурмоқ эрур, шак-шубҳасиз, уларга эътибор ва муҳофаза қилмоқ бобида нимаки унинг подшоҳлик олижаноблиги тақозо этса, ўша бўлажак». М и с р а: Улуғлардан улуғликдан ўзга нарса қайтмас<sup>11</sup>.

### ҲУМОЮН ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ МОВАРОУННАҲР ТОМОН ЮЗЛАНГАНИ ВА АМИР ҲУСАЙН ЛАШКАРИНИ МАҒЛУБ ЭТГАНИ ҲАҚИДА СЎЗ

Тангри иноятининг довуғи Соҳибқирон саодати ҳақидаги фармонни, — сизларни ердаги халқлар учун яратдик, — дейилганига кўра, шодлик орттирувчи туғроси ила имзо чеккани учун, ул ҳазратнинг кенг даргоҳли олий ҳиммати, бошпана топиш билан чекланиб, давлат ва комронлик (бир оз) тартиб топиши билан оқ қаноат ҳосил қилган ўз тинчлигини кўзловчилар каби, эҳтиёж буйинини эгмас, ҳамда осойишталик (истовчи) бандалардек айш фурсатини ғанимат билиб жисмоний лаззат талаб қилиб, ишрат ва хурсандчилик базмини тузамас эди.

Ўша кезларда, Мовароуннаҳр вилоятлари бошдан оёқ муҳолифлар ва душманлар таъсир доирасида бўлганлигидан ва ҳар бир жойда душман лашкарининг қандайдир бир катта тўпи ўрнашиб олиб, ҳар ким ўз ўрнини бор кучи билан муҳофаза қиларди.

Осмондай қудратли Соҳибқирон ул диёрга бормоққа азм айлади ва парвардигор кўмагидан умид қилган ҳолда, олти юз киши билан отланиб, шабгир қилиб таваккал юзини йўлга қаратди. Жайҳун сувидан ўтганларидан сўнг, шабгир қилиб тонгга яқин Найистонга етдилар. Уша куни бир чорбоғда бекиниб турдилар ва отлар йўл чарчоғидан тин олди. (Сўнгра) Жўйбори мавзесидан<sup>15</sup> шабгир қилиб, Хузор томондан (юриб), Қаршини ўраб олдилар. Амир Мусо навкарларидан бир тўпи ўша ерда эди, барчасини банди қилдилар. Қайсарнинг қариндошлари — Анонжак, Қўдаҳ ва Урдушоҳ ўз қавмлари билан қочиб қолдилар. Дуваррака ва Шайх Али баҳодир эса савдогарларни душманлар деб ўйлаб, улар билан жанг қилдилар ва ғолиб чиқиб тўрт боғлам кимхоб ўлжа олиб ҳазрат Соҳибқирон олдига олиб келдилар. Ул Ҳазратнинг буйруғи билан уларнинг ҳаммасини, кам-кўстсиз эгаларига қайтардилар.

Қаравунос лашкардан беш минг киши Қўзи-Мундоқ мавзеида<sup>16</sup> турардилар. Амир Сулаймон Ясавурий уларга бориб қўшилди; Баротхожа<sup>17</sup> ва Ҳиндушоҳ ҳам ўз лашкари билан уларга бирикди. Анонжак ва Қўдаҳ Хузор яқинидан ўтиб уларнинг қошига кетдилар.

Ҳазрат Соҳибқироннинг бу аҳволдан хабари йўқ эди. У кун ботиш олдидан Қаршидан отланиб, ярим кечада Навқатга<sup>18</sup> етиб борди. Ўша ерда қаравунос лашкари ва улар ёнига тўпланган кўп (кўшин) ҳақида хабар топди. Эҳтиёткорлик шартига амал қилган ҳолда, ўша заҳоти ҳовли-жойлар орасидан чиқишга буюрди ва ўша кеча Навқатнинг ташқарисида, чўлда тунади. Нусратшиор байроқ(ли лашкар) саодат ила равона бўлди. Шу пайт амир Жокў одан йиқилиб шундай қаттиқ лат едики, мижози яшаш йўлидан четга бурилди. Ҳазрат Соҳибқирон ўттизта мукамал отлиқни унга қўшиб Мохонга юборди. Узи эса, ҳиммат юзини қатъий равишда қаравунос лашкари билан жангга қаратди; амирлар ва баҳодирлар барча ул ниятга қўшилиб рози бўлдилар. Фақат Али Ясавурийгина ул фикрни маъқул топмади ва маслаҳатдан деб билмади; қариндошлари бу ҳақда ҳазрат Соҳибқиронга арз қилдилар. Ул Ҳазрат уни зўрлик билан чақиртириб отлантирди.

Шайх Али-Баҳодир ва Оқбўғо-Баҳодирни олтмишта аскар билан манғлой тарзида жўнатди. Душманлар томондан Ҳиндушоҳ уч юз киши билан лашкар олдида ке-

ларди. Ҳар иккала томон манғлойд бир-бирларига етиб жанг киришдилар, ҳамла шамоли билан уруш оловини аланга олдирдилар, қилич суви билан жанг қўрасини қонга беладилар...

Осмоний қўллов ҳазрат Соҳибқирон сипоҳига, оз бўлишига қарамай ғалаба ва ферузлик каромат қилди ва душман манғлойини қувлаб, уларнинг қўлигача етказдилар.

Бу ғалаба содир бўлгач, ул Ҳазрат тўхтаб, отларга дам бердилар. Уша куни пешин чоғи саодат ила яна отланиб, олти юз сипоҳни еттита қўшинга бўлди. Зафарпаноҳ сипоҳ душманлардан сон жиҳатдан жуда оз бўлганликлари учун, (Соҳибқирон) жангчиларнинг кўнглини кўтариб, яхши сўзлар айтди; уларни рағбатлантириш учун тиришмоқ ва жанг қилмоққа ундаб, гавҳар сочувчи сўзлар билан, бугун мардлар учун базм ва ишрат (куни) дир, деди. Амир Довуд, амир Сори-Бўғо, Ҳусайн барлос, амир Сайфиддин, Аббос-Баҳодир, Оқбўғо-Баҳодир, Ҳиндў, Элчи-Баҳодир, Дуваррака, Шайх Али-Баҳодир, Али Ясаурий, Чўбин ва Маҳмудшоҳларни ҳар бирини ўз жойларига қўйиб чиқди. Ўзи эса, қоровул тарзида олдинга юрди. Ёв яқин келгач, жувонгор ва буронғорни тартибга келтириб, қўлни ўзининг ярқираб турган шон-шукӯҳи билан безади. Жанг чоғи уч чўқ<sup>19</sup> бўлиб ҳужум қилсинлар, деб буюрди. Иккала томон сипоҳи бир-бирига ташланган чоғда, мавлоно Бадриддин ва унинг ўғли қочдилар; Али Ясаурий (ҳам) иккита навкар билан қочмоққа юз тутдилар. Ҳазрат Соҳибқирон тангри кўмаги ила ҳужумга ўтди...

Ушандай кўп сонли ва шон-шавкатли лашкар бир соат ҳам туриб жанг қилолмади ва жаҳонгир Соҳибқироннинг бир ҳамласидан орқа ўгириб қочмоққа юз тутди. Зафарпаноҳ сипоҳ нақомиши қилиб то Чакдолликкача бордилар; уларнинг айрим бошлиқларини асир қилиб, кўплаб ўлжа — оту улов, жибо<sup>20</sup> ва бошқа нарсалар олдилар. Жумладан, илгари ҳазрат Соҳибқиронга дўстлик ва ихлослари бўлган Улжойтў-Тойхоний ва Пўлод ҳам бу ўлкага ғанимлар билан иноқлашиб келган эдилар. Зафарли қўшинлар уларни ўч олувчи қиличдан ўтказдилар ва каллаларини кесиб ҳазрат Соҳибқирон олдига элтдилар; марҳамат ва фазилати етуқлигидан бу ҳолнинг юз берганлиги ҳумоюн кўнглига оғир ботди. Уларнинг жасадларини Кеш шаҳрига олиб борсинлар ва ул жойнинг уламо ва солиҳлари уларга жаноза ўқиб (дафн этсинлар), деб буюрди. Гарчи улардан душманлик ва исён зоҳир бўлган бўлса-да, бироқ собиқ дўстлик ҳаққи-ҳурматиға, ниҳоят даражада риоя қилинди.

Уша катта ғалабадан сўнг, унинг олий ҳиммати, душманларга тиним бермасдан қувлаб Ҳисор жулғасига етказсинлар ва ул ердаги лашкарни йиғиб Амир Ҳусайн жангига юзлансинлар, деб мақсад қилган эди. Бироқ ул Ҳазратнинг юксак талабига амирлар қалбининг қуввати ожизлик қиларди. Барча (амирлар) тиз чўкиб, яхшилиқ истовчиларнинг илтимоси ва даргоҳ бандаларининг фикри улдурким, ушбу юриш тўхтатилса ва азм жиловни Самарқанд томон бурилса, деб арз қилдилар. (Соҳибқирон) хисравона хайрихоҳлик (билдириб), уларнинг сўзини розилик қулоғи ила тинглади.

## ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ САОДАТ ВА КОМРОНЛИК ИЛА САМАРҚАНД ТОМОН ЙЎЛ ОЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Саодатли Соҳибқирон Кеш ва унинг навохийси лашкарини йиғиб Самарқанд томон юзланди. Тармочўқ уйғур ва Тағойшоҳни девон молини йиғиш билан машғул бўлиб, уни раъиятдан тўғрилиқ асосида тўплаш учун Кеш вилоятида қолдирди.

Нусратшиор қўшинлар Самарқандга яқинлашгач, Учқора-Баҳодир амир Мусо сипоҳи билан (шаҳардан) чиқди ва Оби-Раҳмат сувининг<sup>21</sup> ёқасини эгаллаб турди. Ҳазрат Соҳибқирон зафарли лашкарни сафлаб маймана ва майсарани тўғрилади, голиб давлатнинг қудратидан бир ҳамла билан барча (душманлар)ни тўзитиб юборди. Оқтемур-Баҳодир Учқора ортидан от суриб, унга қилич серпиган эди, ҳамма ўқлари қирқилиб кетди. Учқора-Баҳодир эгар устидан осилган ҳолда Оқтемур-Баҳодир отининг бошига айлангириб шамшир билан бир урган эди, унинг оти қулаб тушди, ўзи эса яёв қолди. Учқора-Баҳодир қочиб шаҳарга кирди. Нусратли Соҳибқирон Ратайн мавзесига келиб қўнди.

Учқора бир минг беш юз аскарни йиғиб, қуроллантириб уруш қилмоқ учун ташқарига чиқди. Гардунқудрат Соҳибқироннинг зафарпаноҳ сипоҳи ов ҳидини сезиб ўкирган арслондай уларга ҳамла қилди. Улар ўта қўрқув ва даҳшатга тушганидан, уруш бошланмасданоқ қочиб қолдилар. Лашкар қочиб шаҳар маҳаллаларига етганларида, (шаҳар аҳолиси) кириш жойларини торайтириб, кўчаларни ёғочлар билан тўсиб қўйганликлари сабабли, отлиқнинг улардан ўтишга қудрати етмас эди. Улар ўта ваҳшат ва қўрқувга тушганларидан шоша-пиша отларни бурардилар, натижада, эгарлари бутунлай синиб кетди ва хор-зор аҳволда шаҳарга кириб келдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон саодат ва иқбол ила бир неча кун жаннат мисоли Сўғднинг Фарянкент ва Соғарж<sup>22</sup> мавзесида тўхтаб турди. Шу пайт, Улжойтў ва Пўлод-Бўғонинг қаравунос лашкари билан бул томон келаётганликлари хабари етди. Кешдан эса Тағойшоҳ қочиб келиб, қандайдир бир гуруҳ Тармочўқ устига бостириб келиб, уни олиб ўлдирганлигини айтди.

Ҳазрат Соҳибқирон ул ердан отланиб Баҳроминтиқом<sup>23</sup> лашкар билан Ём суви

бўйига бориб кўнди. Аниқлаб келиш учун юборилган Аргўншоҳ Бўрдолиғий қайтиб келди ва бир кишини тутиб келтирди. Ул кишидан хабар сўраганларида, у тиз чўкиб: «Улжойтў ва Пўлод-Бўғо Тўм суви бўйида эрурлар, Амир Ҳусайн эса катта лашкар билан Қаршига етди», — деб жавоб берди. Ҳазрат Соҳибқироннинг (оллох) кўмагининг сайқалидан жило топган тўғри кўрсатувчи раъйи ойнаси вақт маслаҳатини шундай акс этди, яъни: — ҳар бир иш навбати билан ўз вақтида бўлади, — дейилганига кўра, бир неча муддат замон билан муроса қилиб турилса. Шундай бир пайт келадики; қасос қиличи дами билан душманлар қўйнига муносиб совға қўйиш мумкин бўлади, — ва худди ўша нарса оллох наздида азиздир...<sup>24</sup> Ана шу сабабдан, Кеш ва унинг атрофларидан йиққан лашкарга (ўз уйларига) қайтиш учун руҳсат этди. Ўзи эса, сувнинг<sup>25</sup> нариги томонидан<sup>26</sup> (келган ва) яна нусратли узанги мулозимлигида бўлган олти юз отлик билан Самарқанд сувининг<sup>27</sup> этаги томон йўл олди. Амир Ҳусайн илгарироқ Соҳибқирон йўлини тўсишни Амир Мусога тайинлаган эди. Амир Мусо ва Учқора-баҳодир лашкар билан Кўкалдар—Очиғида қўниб, жангга ҳозирлик кўраётгандилар. Ул Ҳазрат етиб келгач, ферузвор лашкар ҳужумга ўтди. Улар сарсар шамоли олдида учиб кетаётган пашша каби қочмоққа юзландилар ва зўрға Самарқандга етиб олдилар. Ҳазрат Соҳибқирон у ердан шабгир қилиб Соғарж томон от сурди ва тонг чоғи отларга дам бериб, сўнг (яна йўлга) отланди. Кечқурун Қорачуққа<sup>28</sup> келиб тушди ва бир муддат дам олиб турди. (Сўнгра) ул ердан кўчиб тонгда Тивабўйни мавзеига етиб кўнди. Пешиндан кейин йўлга чиқиб, бир тун ўтгач, Кўканга етди; Хўжанд сувидан ўтиб, кечаси ўша ерда бўлди.

Жата хони олдида кетган Кайхусрав ва Баҳром жалоийр у ердан Кўчун-Темур ва Шировуни етти минг Жата аскарлари билан бирга бошлаб келган ва Тошкентга ўрнашган эдилар. Ҳазрат Соҳибқирон ўша томонга юрди. «Ул вилоят лашкари ва эли Баҳром ҳукмида бўлсинлар», — деган мазмунда хон фармони чиққанлиги учун у (Баҳром) ўша вилоятда ёрлиғ ҳукми билан ҳоким эди. Тошкентнинг ҳавоси ҳумоюн ҳазрат Соҳибқирон отличлари чангидан муаттар бўлди.

Баҳром жалоийр бундан олдин ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан иноқлик ва садоқатдан сўз қотиб юрарди ва ул Ҳазрат билан Амир Ҳусайнга қарши аҳд боғлаган эди. Ҳазрат Соҳибқирон бандалари куч-қуввати ва кўмаги воситасида ўз эли ва туманига ҳоким бўлган ва рақиблар устидан ғолиб келганди. Бу вилоятда ҳазрат (Соҳибқирон) қўл остидагилари, ўша яхшиликлар ҳаққи у (Баҳром жалоийр) ўз аҳдига вафо қилиб Амир Ҳусайнга қарши жанг-жадалларда жон-дили билан қатнашади, деб тасаввур қилардилар. Бироқ унинг ўзи бу хусусда ҳеч оғиз очмади ва ҳазрат Соҳибқиронга нисбатан аризулик бирор хизматни ўринлатгани йўқ. Устига-устак, ўша атрофда ул Ҳазратнинг хосаишарифасига мансуб бўлган жойларни, хон хазинаси учун мол йиғаман, деган баҳона билан эгаллаб турарди... Шу боисдан, ҳазрат Соҳибқирон таъна оғзини очиб, унга шундай деди: «Сен билан бўлган келишув сабабли, мен хон ва амир Ҳусайнга қарши чиқдим ва ундан юрт аҳволида қанчалик харобликлар юз берди. Сени дўст билиб, ўзингга маълум (ночор) аҳволдан ҳокимлик даражасига олиб чиқдим, рақиблар устидан ғалаба қозонтирдим. Бугунги кунда, бироз куч-қувватининг борлигини кўриб, аҳд-паймонингга ишониб бу ерга келсам, сенинг мурувват ва мардлигинг шу бўлди ҳали. Мурод бахш парвардигор қарамидан умидим бор, сени яна ўз эшигимда хор ва муҳтож холда кўрурмен». Кўп ўтмай ўшандай бўлди. Амир Кайхусрав эса ҳазрат Соҳибқироннинг қадам ранжида қилганидан боши осмонга етиб хурсанд бўлди. Ул ҳазратни уйига олиб борди ва (унинг шарафига) тўй қилди, ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш юзасидан нимаки лозим бўлса, ҳаммасини ўринлатди. Уша пайтларда амир Кайхусрав Туғлуқ—Темурхон қошига борганида, хон уни ўзига куёв қилиш шарафи билан тақдирлаб, амакиваччаси Йисун-Темурхон ибн Абуқаннинг қизи Туман-Қутлуқни олиб берган эди. Уша муҳтарам ҳарамдан Руқия-Хоника (исмли) бир қиз (туғилган) бўлиб, ҳазрат Соҳибқирон ўша пайтнинг ўзидаёқ уни аржуманд фарзанди амирзода Жаҳонгир учун сўради ва айшу хурсандчилик палосини ёзиб, бир ой муддатни ишрату шодликда ўтказди.

#### АМИР ҲУСАЙННИНГ ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН ТОМОН ЛАШКАР ЮБОРГАНИ ВА УЛАРНИНГ ЕНГИЛИБ ҚАЙТИБ КЕЛГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Шу пайтда хон ва Амир Ҳусайн қаравунослардан иборат беқиёс лашкар билан Шаҳрисабдан ўтиб Солор булоққа<sup>29</sup> қўнганди. (У ердан туриб) мўътабар амирлар, жумладан, амир Мусо, Баён сулдузнинг ўғли Шайх Муҳаммад, Улжойтў апарди<sup>30</sup> ва бошқа баҳодирлар (бошчилигида) йигирма минг отлични ҳазрат Соҳибқирон жангига олдиндан жўнатган эди. Улар Самарқанддан ўтиб Булунғур суви<sup>31</sup> ёқасига келиб тушган эдилар. Амир Мусо ва бошқа амирлару баҳодирлар бир неча марта ҳазрат Соҳибқироннинг тўсатдан қилган ҳужумларини кўрганликлари ва ғолиб лашкар ваҳимаси уларнинг кўнглига ўрнашиб қолганлиги учун уч гуруҳ лашкарни олдиндан жўнатган эдилар; ҳар бир гуруҳ бир йўл бошида ўрнашиб олиб, ўша йўлни қўриқламоғи лозим эди: Малик-баҳодир уч минг сипоҳ билан Сўзангарон мавзеига келиб ўрнашиб ўша йўлни қўриқ-

ларди; Жаҳоншоҳ бир минг беш юз отлик билан, Работи Маликда<sup>32</sup> турарди; Харман<sup>33</sup> минг киши билан Дизақ<sup>34</sup> мавзеида Еттикудук йўлини<sup>35</sup> муҳофаза қиларди.

Гардунқудрат Соҳибқирон бутунлай парвардигор кўмагига суянганлиги учун душман сипоҳининг кўплигини ўйламас ҳам эди...

Шу вақтда Кайхусрав билан биргаликда, икки минг Жата сипоҳини қўшиб олиб таваккал юзини душманларни йўқотмоқлик сари қаратдилар. Ул Ҳазрат беш юз киши билан олдинда бориб, Ховас мавзеига<sup>36</sup> етди. Хўжанд сувидан<sup>37</sup> ўтиб шабгир қилди ва Жаҳоншоҳ ҳамда унинг сипоҳи устига шабихун қилиб (бостириб) борди, уларни тарқатиб, тўзитаб юборди. Яна ўша куннинг ўзидаёқ Дизақ мавзеига от сурди ва Харманни қувлаб-савалаб, уларнинг бутун молларини талон-торож елига совурди. Бир муддат ўша ерда тўхтаб отларга дам берди. Сўнгра уч юзта жата сипоҳини қўлга киритилган ўлжалар билан бирга ул жойда қолдириб тангри кўмаги йўлдошлигида мақсад оёғини таваккал узангисига қўйди ва икки юз киши билан подшоҳона ҳиммат юзини Маликбаҳодир томон қаратди. Тажрибали, чаққон ўттиз кишини олдинроқ жўнатди, икки кишини ўнг қўл томонга ва икки кишини чап томонга қоровулликка юборди. Узи эса бир юз олтиш олти отлик билан уларнинг ортидан от сурди.

Душманлар ҳалиги қуроолланган ўттиз кишининг бемалол келишини кўриб, ўйланиб қолишди ва мўғул лашкари бостириб келганга ўхшайди, асосий қисми орқада бўлса керак, деган ҳаёлга боришди. Малик сипоҳи қайғуга тушиб қочмоққа юз тутди. Ғолиб қўшинлар улар ортидан қувлаб, кўпларини ўша чўлда ўлдирдилар. Қочиб қолганлари амир Мусо, Шайх Муҳаммад ва Улжойтў қошига етиб кедилар, ҳазрат Соҳибқирондан қўрқув ва ваҳимага тушиш ҳисси уларнинг бутун борлиғини қамраб олган эди. И б о р а: Нам тортган гил учун сув ортиқчалик қилади.

(Душманлар) йигирма минг мукаммал қуроолланган аскарга эга бўлишларига қарамай, қўрқувга тушиб, ўша тундаёқ шабгир қилиб жўнадилар. Уларнинг ул пайтдаги аҳволи учун, — Ушал кун киши ўз акасидан қочади,<sup>38</sup> — (ояти сўзлари мос келиб, барчаси бири кетидан бири қўрқувдан жонҳолатда қалтираб қочардилар, (шу аҳволда) Амир Хусайн олдига етдилар.

Шу пайтда амир Кайхусрав ҳазрат Соҳибқирон ортидан киши юбориб: «Жата лашкари мусулмонларни талаб, қул қилиб Дизақдан қайтмишлар, мен эса юз киши билан Работи (Малик)да сизни кутиб турибмен», — деб маълум қилди. Бу хабарни эшитиб, ул Ҳазрат муборак хотирига малоллик гарди қўниб, тезда ортга қайтди ва амир Кайхусравга келиб қўшилди ҳамда: «мусулмонларни кофирлар қўлида асир қолдириб бўлмайди», — деди. Мушкулни осон қилувчи раъйи билан, ул воқеани англаб етгач, сара ва ишининг кўзини биладиган олтиш кишини юборсинлар, улар тоғ томондан ўзларини Жата лашкарига кўрсатсинлар, шунда ёв ваҳимага тушиб ўша ондаёқ қочиб қолиши мумкин ва асирларни осонроқ йўл билан кофирларнинг асирлик бандидан қутқарган бўламиз», — деган фикрни айтди. Ул тадбир парвардигор иноятининг қалами саодатли (ҳукмдор)нинг қалби лавҳига чизган тақдирнинг кўриниши эди. Ҳалиги олтиш киши йўлга чиқиб тоғ томондан ўз қораларини кўрсатишлари биланоқ, Жата лашкари асирларни ва ҳамма талон-торож қилиб олган нарсаларни қолдириб, зудлик билан от асуриб қочиб қолдилар. Ғолиб сипоҳ асирларни ўлжалар билан бирга ҳеч бир заҳматсиз қўлга киритиб қайтдилар. Ушбу ажойиб тадбир натижасида мусулмон асирлар кофирларнинг босқинчилик зулмидан халос топдилар.

Шундан сўнг ҳазрат Соҳибқирон у ердан отланиб Сайхун сувидан ўтди ва Хумрак мавзеига<sup>39</sup> бориб тушди.

Амир Хусайннинг амирлари ва қўшинлари енгилиб, тўзиб-тарқаб, паришон ҳолда, от чоптирганча олдига қайтиб келдилар. Унинг ғазаб олови алаंगा олиб, маломат ва жабр-ситам байроғини кўтарди, уларни роса койиб, айбдор ҳисоблади. Узи ўч олмоқ бўлиб, бамисоли шердек ҳайқириб, хон билан бирга (олға) юрди. Оққўталга<sup>40</sup> етиб келганида, бутун лашкаридан ботирлик ва мардликда ўзини Рустам ва Исфандиёрдан сўнг учинчи, деб биладиган ўн минг номдор кишини танлаб олди ҳамда уларни жангга тезлади...

Уларни манғлой расми ила жўнатиб, тезда Хўжанд сувидан ўтинг ва ўч олмоқ оловини ҳамла шамоли билан алангалатиб душман билан жанг қилинг, деб таъкидлади.

### АМИР ХУСАЙН ЛАШКАРИНИНГ ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОН ҲАЙБАТИДАН ҚОЧИБ ҚОЛГАНЛИГИ ВА АМИР ХУСАЙННИНГ (ЎЗ ЮРТИГА) ҚАЙТИБ КЕТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Амир Хусайн лашкарининг келаётганлиги хабари ҳазрат Соҳибқиронга етиб келганда, оқшом пайти эди. Жаҳон офтоб фироқидан ва булут қалинлигидан шу даражада қоронғу эдики, фалак ойни чироқ қилиб ҳам йўлни кўраолмасди; булут кундан-кунга юксалиб бораётган давлат ҳасадчилари кўзидан ойни тўсиб, буралаб қор ёғарди. Ҳаво худди душманлар ниятидек қатрондан<sup>41</sup> ҳам қорароқ, булут эса худди ҳазрат Соҳибқироннинг денгиздек марҳамат қўли каби кумуш ёғдирарди. Амир Кайхусрав бу юришда худди давлат мисоли бирга эди. Улар беш-юз киши билан таваккал юзларини йўлга

қарати, ярим кечада Порсин кечувига<sup>42</sup> етдилар ва кечувларни тўсиб олдилар. Буйруққа кўра бурғу чалдилар. Осмоний давлат қуввати ҳазрат Соҳибқирон ҳайбатини дилларга солганлиги учун кўп сонли ва шавкатли ўшандай лашкар биргина овознинг ўзидан ёввойи подадек саросимага тушиб, ўша тўннинг ўзидаёқ сув бўйидан шабгир қилиб қайтдилар ва Амир Ҳусайн қошига кетдилар.

Шу пайт Баҳром жалоийр омадли ҳазрат Соҳибқироннинг ва Кайхусравнинг рухсатисиз ва розилигисиз Жата лашкари билан Тошкентдан чиқиб, Сайром<sup>43</sup> томон кетди. Соҳибқирон ва Кайхусравнинг уғруқи Баҳром (жалоийр) олдида бўлганлиги учун (улар) ўз одамлари ортидан ул томон юрдилар ва Сайромга етганларида, ўз уғруқларини Чимийкент қишлоғидан<sup>44</sup> топдилар. Баҳром ҳазрат Соҳибқирон етиб келишидан олдинроқ у ердан кетган эди. Ул ҳазрат Сорибўғо ва Оқбўғо-баҳодирни лашкар йиғиб келиш учун Жата томонга Шамсиддин ва Ҳожибек қошига жўнатди. Қишлоқ жойи<sup>45</sup> ҳақида фикрлашиб, маслаҳатлашиб олганларидан сўнг, Кайхусрав Утрорга кетди; ҳазрат Соҳибқирон эса, олти юзта сара сипоҳ билан қайтиб, қишни саодат ва иқбол ила Тошкентда ўтказди; Фирдавсий «Шоҳнома»да бу шаҳарни «какликлар жаннати» атаган, уни Чоч ва Шош ҳам дейдилар.

Бу орада хон ва Амир Ҳусайн қанчалик уринмасинлар, интилмоқ қўллари мурод этагига етмади; қарши қиқиш майдонида шон-шавкат буюклиги ва сипоҳ кўплигини орқа қилиб қандай байроқ тикмасинлар, у ҳазрат Соҳибқирон давлати санчган тадбир найзаси (зарбидан) ер билан яксон бўлди. Суғурқнинг лашкари ҳужум қилиб, қорнинг оқпоқ палоси олам кенглигида ёзилган чоғда, улар мажбур бўлиб қайтиб кетдилар. Пўлодбўғони бир гуруҳ баҳодирлар билан Самарқандни эгаллаб туриш учун қолдирдилар, ўзи эса хон билан Арҳанг-Саройга<sup>46</sup> кетди ва қиш фаслини ўша ерда ўтказдилар.

### АМИР ҲУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ ЯРАШГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА СЎЗ

Қиш фасли охирлагач, сабо ва шамол эчилари баҳор лашкарининг етиб келганлиги овозасини ёйди. Қумри ва булбул ўгит айтувчилари гулнинг тикон билан иноқлашуви бобида дostonлар битдилар.

Ҳазрат Соҳибқирон Жата томонга юборган Сарибўғо ва Оқбўғо-баҳодир қайтиб келдилар ва Жатадан сон-саноқсиз лашкар келаётганлиги хабарини етказдилар. Ул Ҳазрат ҳақиқи Соҳибқирон бўлганлиги ва, — оллоҳ томонидан қўллаб-қувватланганлиги,<sup>47</sup> — ҳар доим озгина сипоҳ билан катта-катта лашкарларни мағлуб этганлиги, бир оз киши билан катта ишларни уддалаганлиги ва давлати (хосияти)дан ғаройиб ишларни амалга оширганлиги учун Амир Ҳусайн ҳар доим унинг кўнглини олишни ўйлаб юрарди ва у билан ярашишга ҳаракат қиларди. Баҳорнинг дастлабки кунларида Жата лашкари ул Ҳазратга ёрдамга келмоқчи эканлиги хабарини эшитди. Узича ўйлади: «Агар Жата томонидан унинг сипоҳига лашкар келиб қўшилса, у шамол йўлидаги метин тоғдай бўлади ва ҳамласи бизни битта ҳасчалик ҳам билмайди; у пайтда бутунлай дунёдан қўлни ювиб, дилдан жонни суғурмоқ лозим бўлади... У Хўжанд ва Тошкентнинг олимларию ҳам шайхларидан ёрдам сўраб, улардан илтимос қилишни маъқул кўрди: «Улар ҳазрат Соҳибқирон билан яқин бўлиб, дин ва мусулмончилик эшигидан кирсинлар ҳамда улар ўртасидаги мавжуд уруш ва жанжалларни сулҳ ва ярашмоқ ҳолатига етказсинлар; икки ўртада кўтарилган ғазаб чангини ва аланга олган фитна оловини панднасихатнинг зилол (суви) билан бостирсинлар», — деди. Дарс ва фатво асҳоблари, зуҳд ва тақво арбоблари (оятдаги), — агар мўминлардан икки гуруҳ урушиб қолса, уларнинг орасини тузаб қўйинлар,<sup>48</sup> — деган сўзлар заруратидан ярашмоқлик чакмонини кийиб, сулҳ қўлини садоқат енгидан чиқардилар ва ихлос оёғи ила ул сарвар Соҳибқирон қошига келдилар ва дуо ва сано расм-русумларини адо этгач, ушбу сўзларни арзага етказдилар: «Бу бандаларга ҳазрат Соҳибқироннинг билим, диндорлик, лутфу марҳамат ва яхши ишлар қилиш бобида баркамоллиги аниқ маълум бўлганлиги учун дунё ва охират эзгулигидан иборат бўлмиш бир ҳожатни баён қилмоққа журъат этмоқдамиз. Аҳвол шундайки, сиз билан Амир Ҳусайн ўртасидаги душманлик аслида мамлакат ҳаробалигига ва раъият паришонлигига сабаб бўлмоқда. Жанжал шу даражагача бориб етиши мумкинки, сиз бегона лашкарнинг бул диёрга келишига йўл қўйгайсиз ва кофирларнинг ҳужум қўли мусулмонлар хуни ва моли сари чўзилгай; агар улар тўсатдан ғолиб келиб, (юртни) босиб олсалар, сизни ҳам аяб ўтирмайдилар.

На з м:

Сўз адоватни ул жойга элтажак,  
Қадим хонадонни хароб этажак.

Ҳар доим сизнинг аҳволингизга йўлдош бўлган ва бўладиган парваригор кўмагидан умидимиз шул эрурки, (оятда), — келиши яхшидур,<sup>49</sup> — дейилганига кўра, ҳар иккала томоннинг садоқат ва дўстлик ойнасига ўрнашган кудурат занги ярашмоқ сайқаллагичи вуситасида жило топажак, токи мулк ва миллат ишлари, лашкар ва раъиятнинг саломат-

лик ва танчлигининг келинчақлари унинг шаффофлигида ўз чеҳраларини кўз-кўз қилсинлар.

Бахтли тасодиф билан шу яқин-ўртада ҳазрат Соҳибқирон бир туш кўрган эди. Унда Хўжанд сувида сел келаётган, у эса сел ўртасида бир парча ёғоч устида ўтириб сажда қилаётган ва ночорлар додини эшитгучи (тангри)дан нажот сўраётган эди. Даҳшатга тушганидан хушдан кетиб йўқ бўлди, кўзини очиб қараса, ўзини Самарқанд томонда дарё бўйида кўрди. Ортга боқса, улкан дарё бир текис ҳайқириб оқаётганини кўрди. Уйқудан уйғонгач, муборак раъйи давлат илҳоми ила ул жўшқин селни лашкар, деб таъбир қилди; Самарқанд томонда кўрган нажот ҳолатини эса, нимаики муроди бўлса, ўша томондан ҳосил бўлади, деб билди. (Шундан сўнг), кўнглида Жата томондан ёрдам сўраш ва умид қилиш юзини бутунлай бурди.

Шу пайт, ўша саралаб олинган кишилар келиб ярашмоқни илтимос қилдилар ва бу борада яхши сўзлар, айтдилар. Ул ҳазратнинг тўғри (йўлни) кўрсатувчи раъйи маҳкамасида, унга иккита гувоҳ воситасида, яхши тадбир келишмоқлик ва ярашмоқликнинг катта йўлидадир, деб адолатли ҳукм чиқарилди. Муборак хотир шу асосда қуйидагича мулоҳаза қилди: «То бир гуруҳ кишилар ўртада келиб-кешиб музокаралар олиб боргунларича, бу муддатда иш пайсалга тушиш ва кечикиш аросатида қолиб кетади. (Яхшиси) ўзим Амир Ҳусайн олдига бораман; ҳар қанча баҳс-мунозара бўлса ҳам юзма-юз айтилса ва эшитилса, кудурат ғубори ҳарна тезроқ ўртадан кўтариллади».

На з м:

Ов чоғининг арслонидек ботирлар,

Ўз саломларин ўзлари элтурлар.

Шу сабабдан, Панжшанба исмли навкарни ўз ўйлагани ҳақида билдириш учун Амир Ҳусайн ҳузурига жўнатди. Ул бахтиёр (Соҳибқироннинг) барча ишларини шахсан ўзи амалга ошириши, унинг қилмишларидан бир шингил эрур. (Ҳозир ҳам) шахсан ўзи содоқат юзини Сафо Каъбаси томон қаратди ва зудлик билан, иккиланмасдан йўлга отланди. Сайхундан ўтиб Самарқанд томон юрди. У ерга етиб бориб, муборак чиқшининг офтоби балқиб Самарқанд шаҳрини мунаввар қилди. Қўёш энди чиқиб келаётган эди. У шаҳарга кирмоқчи бўлди. (Шу пайт) шаҳардан бир киши етиб келиб: «Амир Ҳусайн вафот этмиш», — деган ёлғон хабарни етказди. Ҳазрат Соҳибқирон бу хабарни эшитгач, шаҳарга киришни маъқул кўрмади ва йўл юрмоқ жилловини Шодмон томон бурди. Шодмонга шод-хурсанд етиб боргандан сўнг, Амир Ҳусайн томондан келаётган бир неча қўшин билан юзма-юз бўлиб қолди. Улар ҳазрат (Соҳибқирон)га ҳужум қилдилар. Зарбани қайтариш учун (тангри) қўллови ила ҳамла қилди ва уларни мағлуб этиб, ҳар томонга тўзатиб ташлади.

У ердан Ём суви бўйига келиб тушди ва отлар тўйиб ўтлаб олгунча маълум муддат ўша ерда бўлди. Сўнгра саодат ила йўлга отланди. Ниёзий мавзесига етиб келганида, амир Мусо, ўзига тегишли бўлган ғончи ҳазорасини<sup>51</sup> ва бошқа (турли) сипоҳларни тўплаб, лашкар билан қарши чиқди. Бу томон баҳодирлари ҳазрат Соҳибқироннинг, ўртада пайдо бўлган кудурат самимият билан алмашсин, деган мақсад ва ниятда Амир Ҳусайн билан мулоқот қилмоқ учун бораётганлигидан уни хабардор қилдилар. Амир Мусо лашкари кўплигига орқа қилиб, ул сўзларга қулоқ солмади. Жанг-жадал чоғида лашкар кўплиги эмас, балки бошлиқнинг мардлиги муҳимлигини англаб етмади. И б о р а: Кўп сипоҳнинг таянчи битта отлик бўлади.

(Амир Мусо) ўзини бир неча бор синаб кўрган бўлса ҳам яна лашкарни сафлаб ўрушмоқчи бўлди. Ҳазрат Соҳибқирон амир Сайфиддин ва Хитой-баҳодирни эллик киши билан жўнатди ва улар душманнинг орқа томонидан ҳужум қилдилар. Ўзи эса етмиш киши билан уларнинг олдини тўсди. Амир Мусонинг лашкари ҳам орқадан, ҳам олдиндан сипоҳлар ҳужумга ўтганини кўриб, шунингдек, неча марта бу сипоҳнинг ҳамласини кўрганликлари ва азобини татиганликлари сабабли, ўша захоти қочиб, (Қуръон оятларида), — улар худди йўлбарсдан қочган қулондек эдилар,<sup>52</sup> — (дейилганидек), тарқаб-тўзиб кетди. Ғолиб лашкар уларнинг ортидан от суриб, кўпларни қаҳр-ғазаб қиличи дамидан ўтказдилар, анча кишини отдан ағдариб ҳалок этдилар.

Шу вақт ичида ҳазрат Соҳибқирон Арғуншоҳ Бўрдолиқийни арзигулик совға-саломлар билан оиласи аҳволидан хабар олиш учун Мохон томонга юборди. Шу пайт олдиндан Амир Ҳусайннинг лашкари келди, деган хабар етди. Ҳазрат Соҳибқирон етиб келиб, ўша олти юзта сипоҳни сафга тизиб бир тепаликни эгаллаб турди. Сара отлиқларни ўз ичига олган ўттизта қўшиндан иборат қаравунос лашкари маймана ва майсарасини тузиб, етиб келиб, уларнинг рўпарасида сафланиб турдилар ва ҳар иккала томондан шовқин-сурон кўтардилар. Ул баҳодирлар йўл босиб, заҳмат чекиб ўзлари мўлжаллаб келган ишга киришсинлар ва ҳужум қилсинлар, деб ҳазрат Соҳибқирон зафарпаноҳ сипоҳ билан маълум вақт сабр қилиб турдилар, лекин бирор киши ҳам қалқон кўтармади ва олдинга қадам босмади. Ул Ҳазрат уларни (ўз ҳолига) қолдириб, баҳодирлари билан қайтди, шабгир қилиб Кўҳак сувидан<sup>53</sup> ўтди ва эрталаб Қайнар-Шақшорга келиб кўнди. Бундан олдин Панжшанба исмли жўнатган ярашмоқлик хабарини етказсин, деб Соли-Саройга Амир Ҳусайн қошига жўнатган эди. Ўша жойда унинг қайтишини кутиб тўхтаб турди.

Панжшанба Амир Хусайн ҳузурга етиб бориб, унинг умид кулоғи узлуксиз йўлига қаратилган хабарни етказди. (Амир Хусайн) ул сўзларни жон деб қабул қилди ҳамда ярашишни зиммага олиб ва душманликдан воз кечиш ҳақида қасам ичиб аҳд боғлади. Аҳд-паймон бу томондан ҳам мустаҳкам бўлсин, деб Панжшанба билан бирга Туроншоҳни юборди. (Улар етиб келиши билан) ҳазрат Соҳибқирон Аббос-баҳодирни Туроншоҳ билан бирга жўнатди. Амир Хусайн Аббос-баҳодир орқали яна бир бор аҳд боғлади ва паймонни ишонч ила қатъий этди. Яъни амир Мусо ва Улжойтўни ўн минг киши билан юбориб, уларга, ҳазрат Соҳибқиронни рози қилиб, у билан сулҳ тузинг; шундай ҳаракат қилиш керакки, бизнинг ўртамизда албатта мулоқот бўлсин, деб уқтирди.

Улар Қаҳалқа ва Кешдан ўтиб Самарқанд йўлидаги Кумушкент қишлоғига, Алиатонинг,— (оллоҳ) унинг қабрини мунаввар этсин, — табаррук мазори ўша ерда, келиб тушганларида, ҳазрат Соҳибқирон Суғднинг Алиобод (мавзесига) келиб кўнган эди.

Улар сулҳ тузмоқ учун киши юбордилар. Ул киши Кўҳак сувидан ўтиб ҳазрат Соҳибқирон ҳузурга келди ва палос ўпиш шарафидан бахтиёрлик топиб, амирларнинг ярашмоқлик бобидаги истаklarини арзаға етказдилар. Ул Ҳазрат юз кишини ва амир Мусо юз кишини олиб бир-бирлари билан учрашсинлар, ўшанда уларнинг илтимоси инobatга олиниб сулҳ тузилажак, деган қарорга келинди. Бу таклиф амирларга етиб боргач, улар дарҳол отланиб юз киши билан йўлга чиқдилар. Ҳазрат Соҳибқирон икки юз киши билан жўнади. Улар бир-бирларига яқинлашганларида ул Ҳазратнинг мулозимлари: «Амир Хусайннинг номдор амирлари шулар эрурлар, ўз оёқлари билан тузоққа келмишлар. Агар уларни қўлга олсак, бошқа унда биз билан беллашишга кучи қолмайди ва бутунлай хароб ва ночор аҳволга тушиб қолади. Фалакнинг гардиши қулай вазият яратмиш ва фурсатни ғанимат ҳисобламоқ лозим»,— деб сўз қотдилар. Ул Ҳазратнинг олий ҳиммати ул сўзга кулоқ солмади ва: «аҳдни бузмоқ мардликдан эмас»,— деди...

Амир Мусо ва Амир Улжойтў ҳазрат Соҳибқирон қошиға етиб келгач, самимият тили ила узрлар айтдилар. Иккала томондан дўстлик ва ҳамжиҳатлик аҳдини янгиладилар, ваҳшат ва кудурат бутунлай ўртадан кўтарилди. Ҳазрат Соҳибқирон, уларнинг кўнгли тўлсин, деб амир Мусонинг манзилгоҳига тушди ва собиқ одатга кўра хурсандчилик ва ҳамжиҳатлик палоси ёзилди.

Шундан сўнг, улар лашкарга ижозат бериб, қайтариб юбордилар, ўзлари ҳам уй-уйларига қайтдилар. Ул Ҳазрат Кеш томонга йўл олиб, ўша жаннатмисол вилоятга келиб тушди. Ул жойнинг зодагонлари ва (оддий) халқи у билан кўришишга мушарраф бўлмоққа ошиқиб, марҳаматлару навозишлар ила тақдирландилар...

#### АМИР ХУСАЙННИНГ БАДАХШОН САРИ ЧЕРИК ТОРТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Ўша вақтда Бадахшон шоҳлари хон ва Амир Хусайнга қарши исён кўтарган эдилар. Амир Хусайн лашкар тортиб улар устига юрди. (Бадахшон) шоҳлари ҳам ўз кўшинларини йиғиб олға юрдилар ва ҳар иккала томоннинг лашкари юзма-юз бўлиб ўрнашдилар.

Ҳирот ҳокими Малик Хусайн Бадахшон шоҳларининг бош кўтаргани ва Амир Хусайннинг улар томон йўл олганлигидан хабар топгач, Балх<sup>54</sup> тарафга катта лашкар жўнатиб, ул жойнинг эл ва улусини талаб келишни буюрди. Ҳазрат Соҳибқирон бу ҳолатдан хабар топиб, Кешдан зафарпаноҳ сипоҳ билан уларни даф қилмоқ учун йўл олди. Маликнинг лашкарига ул Ҳазратнинг келаётганлиги хабари етгач, улар Шибрғон<sup>55</sup>, Балх ва Хулмгача бўлган ерларни талаб ўтиб шошилич тарзда қайтиб кетдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Термиз кечуви орқали (дарёдан) ўтди. Хуросонликлар қайтиб кетганликлари сабабли, хон ва Амир Хусайнни кўрмоққа ошиқди. Амир Хусайнга ул Ҳазратнинг келаётганликларини айтганларидан сўнг, Бадахшон шоҳлари билан сулҳ тузиб қайтди ва улар Қундузда<sup>56</sup> учрашишга муяссар бўлдилар; бир-бирлари билан кучоқлашиб (кўришиб), икки ўртадаги ҳадиксираш ғубори узил-кесил тарқаб кетди. Бир неча кун узлуксиз тўй бериб ўйин-кулги ва хурсандчилик қилдилар. Сўнгра у ердан йўлга отланиб Ишкамиш<sup>57</sup> яйлоқига бордилар. Ҳазрат Соҳибқирон Мохонга киши юбориб, амирзода Жаҳонгирнинг уғруқ билан бирга дилкаш Кеш ўлкасига келишини буюрди...

#### АМИР ХУСАЙН ВА ҲАЗРАТ СОҲИБҚИРОННИНГ КОБУЛИСТОН ТОМОНГА ЧЕРИК ТОРТГАНЛИГИ ҲАҚИДА СЎЗ

Уша кезларда Пўлод ва Оқбўғо ясовурий Кобул кўрғонидан паноҳ топиб оёқни итоат йўлидан четга кўйган эдилар ва бошни бўйсунмоқлик ҳалқасидан тортиб олиб душманликдан сўз қотардилар. Амир Хусайн ва ҳазрат Соҳибқирон катта лашкар тузиб ул томонга бормоқ учун отландилар. Ҳиндукуш довонидан<sup>58</sup> ўтиб Кобуга етиб борганларида, Пўлод ва Оқбўғо мудофаа ва қаршилик кўрсатишга тайёрланиб кўрғонга бекиниб олдилар. Бул томоннинг лашкари кўрғонни ҳамма томондан ўраб олиб жанг қилмоққа киришдилар...

Ҳазрат Соҳибқирон олий ҳимматининг юзини қаҳр-ғазаб билан душман сари қаратиб, уларни ожиз ва музтаб қилди. Нусратпаноҳ баҳодирлари мардлик ва довураклик



намоиш этдилар: Хитой-баҳодир, Дарвешали-баҳодир ва яна бир қанча ботирлар ўша жангда ярадор бўлдилар. У Ҳазрат шаҳсан ўзи урушга бош-қош бўлиб турганлиги учун душманлар ночор аҳволга тушишга мажбур бўлдилар. Зафарли лашкар ҳарбу зарб билан қўрғон (дарвозаси)ни эгалладилар, Пўлод ва Оқбўғони асир олдилар...

Қўрғонни эгаллаб, душманларни тор-мор қилиб ва ул диёрни забт этгач, музаффар ва бахтёр ҳолда қайтдилар. Шу пайт Амир Ҳусайн маслаҳат тариқасида ҳазрат Соҳибқиронга шундай деди: «Балхни пойтахт қилмоқчиман. (Бир вақтлар унинг) Ҳиндувон қалъаси маъмур чоғида томидаги отлари<sup>59</sup> фалак ҳиндуси<sup>60</sup> ила ҳамроз эди, ҳандақи сувининг чуқурлигидан Ернинг сигири балиқ билан сузишда мусобақалашардилар. (Мен уни) яна обод қилмоқчиман». Ҳазрат Соҳибқирон — маслаҳат бергувчи ишончга сазовордир, — (деган сўзлар) ҳукмига кўра, уни ул раъй имзосидан қайтарди ва амакиси амир Абдуллоҳ қиссасини эслатиб шундай деди: «(амир Абдуллоҳ) амир Қазоғча воқеасидан<sup>61</sup> кейин Самарқандни ватан қилмоқчи бўлганида, амирлар ва ишончли кишилар унга, — «ўз юртини тарк этмоқ ва ўзгалар ичиде ватан қурмоқ ақлдан узоқ эрур; агар бирор мушкуллик туғилса бегона одамлар иш бермас ва қўлласмас», — деганларида, уларнинг яхши ниятда айтган насиҳатига қулоқ солмади. Оқибатда, уларнинг айтганларидай бўлиб, кўрадиганини кўрди. Сен ўйлаган нарса учун хулоса шул турур, оқил киши ўшундай тажрибани кўриб, бундай фикрларни хаёлга келтирмас...

Амир Ҳусайн насиҳатнинг негизиде чин яхши истак ётибди, деб ул сўзларни тўғри билди ва маъқуллади, бироқ унинг қабули амалга ошмади.

Оқорида айтиб ўтилганлар бўлди. (Амир Ҳусайн) унинг аянчли аҳволи ва бахтсизлиги сабабларидан бўлмиш, қилиш лозим бўлмаган, ул ишга киришди, яъни Балх томон юзланди. Кобулдан қайтгандан сўнг, ҳазрат Соҳибқиронга ўз давлати тахтоҳига (кетишга) руҳат бермоқча қарор қилинган бўлса-да, лекин ул Ҳазратдан ҳамроҳ бўлишини илтимос қилди ва ўзи билан бирга Балхга олиб кетди. Ул жойга етиб бориши билан Ҳиндувон қўрғонини тиклашга ва унинг хандақини қаздиришга киришди. Ёсоқ солиб эди, барча раият ва лашкар бутун имконият билан ишга тушди. Балх шаҳрининг аҳолиси ва туб халқининг ҳаммасини қалъага кўчирди, шаҳар ҳаробага айланаиб қолди. Бу воқеа етти юз олтмиш тўққизинчи (1367—1368) яъни сичқон йили юз берди. Шу пайт, жата лашкари яна бул томонга юзланмиш, деб хабар етди. Амир Ҳусайн бунга ўхшаган воқеалар зулмати ҳазрат Соҳибқироннинг баҳодирона ва қатъиятли ишларининг нурлари воситасида равшан бўлишини биларди. Шу сабабдан унинг Мовароуннаҳр томон бормоғини зарур, деб топди...

#### ИЗОҲЛАР

1. Ҳожи Барлоснинг Хуросонда ўлдирилганлиги олдинги воқеалар баёнида қайд этиб ўтилган.
2. Ҳозонхон — Маҳмуд Ҳозонхон (694/1295—703/1304), элхонийлар сулоласидан, Эронда мўғуллардан тахтга ўтирган еттинчи ҳукмдор.
3. Амир Наврўз Арғун-ого ўғли — Арғун-Эрондаги элхоний ҳукмдор (683/1284—690/1291).
4. Малик Шамсиддин курт — Хуросон ҳукмдори. Унинг асли исми Рукниддин бўлиб, лекин отаси Шамсиддиннинг исми билан Кичик Шамсиддин ҳам аташган; ҳукмдорлик йиллари: 1278—1294/95. Ундан кейин Фахриддин курт ҳукмдор бўлган (1294/95—1331).
5. Хастор қалъаси — манбаларда кўпроқ Хайсори-Ғўр шаклида қайд этилган; Ҳиротдан шарқда, тоғлар орасидаги қўрғон.
6. Бу фитнаи хожа Садриддин уюштиргани «Муқаддима»да қайд этилган (В 70а).
7. Мангқут (мангут, манхут) — мўғул қабиласининг номи.
8. Абу Саид — Элхонийлар сулоласига мансуб Эрон тахтига ўтирган тўққизинчи мўғул ҳукмдори (717/1316—736/1335), ундан меросхўр фарзанд қолмаган.
9. Амир Чўпон сулдуз — Элхоний султонлар Ҳозонхон, Улжойту ва Абу Саид салтанати даврида уларнинг лашкарбошиси бўлган («Зафарнома» в. 69-б—71-б). Султон Абу Саид подшоҳлиги замонида дастлабки ўн йил давомида (1327), у ҳали ёш бўлгани учун, салтанатни бошқариб турди.
10. «Муқаддима»да унинг 728/1327 йили ўлдирилганлиги ва калласи султон Абу Саидга юборилганлиги қайд этилган («Зафарнома», қўлёзма, № 4472, в. 71-б.)
11. Матн араб тилида берилган.
12. «Зафарнома», қўлёзма № 4472, в. 69-б—71-б.
13. Қуръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 86-оятдан.
14. Матн араб тилида берилган.
15. Жўйбори мавзеси — Ғуздорарнинг қуйи қисми.
16. Кўзимундоқ мавзеси — тахминан Қамаши туманидаги Қизилтепа қишлоғи.
17. Нухаларда ҳар хил ёзилган: қўлёзма № 9263, в. 47-бет: «Баротхожа»; Техрон нашри: «Баёнхожа».
18. Навқат — Кеш — Насаф йўлидаги қадимий шаҳар.
19. Чўқ (жўқ) — туркий сўз; одам, парранда ва ҳ.қ. тўпи.
20. Жибо (жийбо, жеба, жийба) — туркий сўз; мудофаа кийимлари: ирх, совут ва ҳ.қ.
21. Оби-Раҳмат суви — Сиёб (Сиёҳоб, Қорасув) ариғининг ўнг тармоғи, Самарқанд шаҳрининг шимоли-шарқ қисмида жойлашган Кўҳак (Чўпон-ота) тепалиги этагидан оқиб ўтиб, Зарафшон дарёсига қуйилади.
22. Фарьянкант ва Соғарж — Суғднинг қадимий мавзеларидан; XII—XIII аср манбаларида иштихонга тобе, дейилган. Маҳмуд ибн Вали (XVIII аср) уларни обод шаҳар ва қишлоқлар, деб

ёзади; XIX асрда ҳам обод жойлар, деб тилга олинган. Тахминан ҳозирги Самарқанд вилояти Оқдарё тумани ҳудудидаги Янгиқўрғон қишлоғи атрофлари.

23. Баҳроминтиқом — Баҳромдек интиқом олувчи; Баҳром-Мирриҳ (Марс) сайёраси, қадимги мунажжимлар ақидасида уруш ҳомийси.

24. Матн араб тилида берилган.

25... сувнинг — Амударёнинг.

26... нариги томонидан — Мохондан.

27. Самарқанд суви — бу ерда Зарафшоннинг чап тармоғи, яъни Қорадарё назарда тутилган.

28. Қорачуқ — тахминан Нурота тоғ тизмасининг шарқий қисмида жойлашган Қоратош қишлоғи, Ғаллаорол туманида.

29. Солорбулоқ — тахминан ҳозирги Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Бешбулоқ қишлоғи.

30. Техрон нашрида (121-бет): «Улжойту апардининг ўғли».

31. Булунғур суви (Булунғур ариғи) — Зарафшон дарёсидан сув олувчи Ўрта Осиёдаги энг қадимги каналлардан бири (милоддан аввал қазилган); Улуғ қишлоғидан бошланади, узунлиги 90 км. Сувининг суғоришдан ортган қисми Оқдарёга қуйилади.

32. Работи Малик — Жиззах вилояти Зомин туманидаги Равот қишлоғи.

33. Нухсаларда ёзилишида фарқ бор: қўлёзма № 4472 — Харман; қўлёзма № 9263, а в. 50-а — Жазмин.

34. Дизақ — ҳозирги Жиззах шаҳри.

35. Еттиқудуқ йўли — тахминан ҳозирги Тошкент-Жиззах автомобиль йўли (шимолий йўл)га тўғри келади.

36. Ховас мавзеи — ҳозирги Сирдарё вилоятидаги Ховас мавзеи.

37. Матнда Амир Темурнинг ўша куннинг ўзидаёқ Дизаққа ҳужум қилганлиги, шунингдек, Тошкентдан Самарқанд томон борадиган асосий йўллар тўсиб олинганлиги учун Хўжанд суви деганда, бу ерда одатдагидай Сирдарё эмас, балки Зомин сувини тушунмоқ лозим бўлади.

38. Куръони карим, 80-сура (Абаса сураси), 34-оят.

39. Хумрак мавзеи — Оҳангарон дарёси соҳилидаги, унинг Сирдарёга қуйилиш қисмидаги мавзе, ҳозир сақланмаган.

40. Оққўтал — тахминан ҳозирги Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Оқтош қишлоғи.

41. Қатон — ёғоч, торф тошқўмир ва шунга ўхшашлардан қиздириб олинадиган қора қуюқ модда.

42. Порсин кечуви — Оҳангарон дарёси қуйилишидан жануброқда жойлашган Сирдарёдаги кечув.

43. Сайром — Ўрта Осиёдаги қадимий шаҳар. Ҳозирги Қозоғистоннинг Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғи яқинида бўлган; Чимкент шаҳридан 12 км шарқда. Қадимги номи Испижоб.

44. Чимийкент қишлоғи — ҳозирги Чимкент шаҳри, Қозоғистоннинг Чимкент вилояти маркази.

45. Қишлоқ жойи — қишни ўтказадиган жой.

46. Арҳанг-Сарой — Қадимги Тўхористон вилоятидаги Арҳанг шаҳри; XVI аср 2-ярмидан Арҳанг-Сарой деб ном олган; тахминан XVI асрдан бошлаб уни Имом (Ҳазрат Имом) ҳам атаганлар. Ҳозирги номи Имомсоҳиб, Панж дарёсининг чап соҳилида, Афғонистонда.

47. Матн араб тилида берилган.

48. Куръони карим, 49-сура (Ҳужурот сураси), 9-оятдан.

49. Куръони карим, 4-сура (Нисо сураси), 128-оятдан.

50. Сафо Каъбаси — матнда икки маънода берилган.

1). «Сафо Каъбаси» — самимийлик каъбаси.

2) «Сафо Каъбаси» — Каъба ёнидаги Сафо ва Марва тепаликларининг номи; Каъба уйи зиёратидан сўнг ана шу тепаликлар орасида етти марта юриб ўтиш ҳаж шартларидан ҳисобланади.

51. Ғончи ҳазораси — Ғончи — ҳозирги Хўжанд вилоятидаги шаҳарча, Уратепа шаҳри яқинида.

52. Куръони карим, 74-сура (Муддассир сураси), 50—51-оятлар.

53. Кўҳак суви — Зарафшон дарёси.

54. Балх — Шимиллий Афғонистонда, ҳозирги Мозори Шариф шаҳрининг ғарбидаги кўҳна шаҳар. Ўтган асрлар ёдгорликларининг бир қисми ҳозир ҳам сақланган.

55. Шибирғон — Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган шаҳар, Жузжон вилоятининг маъмурий маркази.

56. Қундуз — Афғонистоннинг шимолий қисмида жойлашган қадимги шаҳар (қадимги номи Валволиз), маъмурий-сиёсий марказ. Ҳозир шу номдаги қишлоқ.

57. Ишқамиш яйлоқи — Қундуздан 90 км жануби-шарқдаги мавзе, ҳозир ҳам шу номда.

58. Ҳиндукуш довони — Ҳиндукуш тоғ тизмасидаги доvon; ҳозирги номи Саланг довони, энг юқори баландлиги 5076 м.


59... томдаги отлари — қалъа кунгуралари.

60. ... фалак ҳиндуси — осмон чўққисининг қоронғулиги.

61. Амир Қазағон ўлиmidан сўнг амир Абдулла пойтахтни Соли-Саройдан Самарқандга кўчирганлиги, лекин кейинчалик Мовароуннаҳр амирлари унга қарши чиққандан сўнг қочиб кетишга мажбур бўлганлиги воқеалари «Зафарнома»нинг 94-б—95-а варақларида баён қилинган.

(Давоми келгуси сонда)

Форс тилидан **Омонулла БУРИЕВ** таржимаси  
Нашрга тайёрловчи: **Асомиддин УРИНБОЕВ**



## ТАФАККУР—ТАРИХ МЕЗОНИ

Муҳаммад Али билан адабиётшунос,  
профессор Нўмон Раҳимжон суҳбати

**Н. Раҳимжон:** Ёруғ дунёга келган одамзоднинг ҳаммасига ҳам табаррук кексалик nasib этавермайди. Шунга ўхшаш фақат худо ёрлақан, юлдузи ёруғ халқларнинггина минглаб йиллик ўтмиши бор. Бошини баланд тутиб ғурурланса арзигулик тарихи бор. Туркий улус — ўзбек эли ана шундай назаркарда.

Куёшнинг ўзи ҳам, зарраси ҳам нур. Мўйсафид тарих мунчалар биз учун азиз ва қадрли, мўътабар? Боиси, у халқимизнинг ҳаёти мазмуни, умр ҳикмати, тириклик офтобидир.

Кейинги йилларда, хусусан, 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб халқимизнинг олис ўтмишига, тарихий шахслар ҳаёти ва тақдирига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Ушбу жараён адабиётимизда қутилмаган ҳодиса эмас. Аслида бу Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Миркарим Осим ва бошқа адабларимиз бошлаб берган қутлуғ аънананинг янги тўлқини, янги сифат кўриниши ҳисобланади. Бу нарса, албатта, янги бадий талқинларда, янги нуқтаи назарларда намоён бўлаётир. \*

Тарих ва бадий адабиёт масаласи гоят серқирра, серкўлам ва теран. Бир суҳбат давомида унинг барча қирраларини тўла-тўқис қамраб олиш қийин. Шу боис фақат шеърият ва тарихнинг бадий ўзлаштирилиши масаласини кузатиш билан суҳбатимиз қамровини чегаралаб олсак. Шеъриятимизда ушбу йўналишда бир неча авлодга мансуб ижодкорлар зумраси фаоллик кўрсатаётир. Унлаб китоблар муаллифи билан баробар кечагина илк шеърини эълон қилган ёш шоирларгача халқимиз ўтмишига, фидойи фарзандлари ҳаётига кўплаб мурожаат этишмоқда.

Сиз ушбу маънавий эҳтиёжнинг, ижтимоий заруратнинг илдизларини нималарда кўрасиз? Мозий билан бугунги боғлаб турган қандай робиталар бору яна қайсиларини тиклаш зарур, деб биласиз?

**М. Али.** Бугунги шеъриятимизда тарихни ўрганишнинг аҳволи ҳақида гапиришдан

---

*Таниқли шоир ва адиб, таржимон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али 50 ёшга тўлди. Унинг адабиётимизда ўзига хос янгилик бўлган «Қадимги қўшиқлар» шеърӣӣ туркуми, «Гумбаздаги нур», «Машраб» дostonлари, «Боқӣӣ дунё» шеърӣӣ романи ва бошқа ўнлаб асарлари «Шарқ юлдузи» ойнамаси орқали мухлислар қўлига етиб борган. Адибнинг йирик насрий асари «Сарбадорлар» романи ҳам илк бора ойнама саҳифаларида ёритилган.*

олдин муҳим бир нуқтага ҳам тўхталиш лозим. Нафақат шеърятимиз, шу билан баробар буткул адабиётимиз тарихдан узиб қўйилган эди. Ёзувчиларимизнинг имкониятлари кесиб ташланган эди. Асримиз бошида ҳам, 20—30-йилларда ҳам шоир-ёзувчиларимиз, драматургларимиз наҳотки тарихга мурожаат этишмаган бўлса, деб ўйлайсан; олис ўтмишимизнинг бой маънавий мероси тўғрисида, буюк Амир Темур даври ҳақида ёзишмаган бўлса, деган ҳаёлга бериласан. Лекин бугунги ва келажак авлод уларга баҳо беришда бир нарсадан эҳтиёт бўлиши керак. Ҳоким коммунистик маффурунинг адабиётга тазйиқини асло унутмаслигимиз лозим; яъни, адабларимиз қайси даврда яшади, қандай кунларни бошидан кечирди. Сохта таълимотнинг қонли қамчиси адиблар бошида визиллаб турганлигини асло эътибордан холи қолдириш мумкин эмас. Шундай оғир кунларга қарамаздан ижодкорларимиз ҳаракат қилишган. Уқувчиларнинг ўзлари бизнинг аҳволимизни фаҳмлаб олишар, ўша сўз қандай муҳитда ва шароитда айтилганлигини тушуниб олишар, деган ишонч, умид этагидан тутишган.

Адабиётимиз халқ тарихини ўрганишда оғир исканжага тушиб қолган, зиндондаги киши ҳолатини эслатади. Бирон-бир ердан милт этган шуъла, ёруғлик илинжида умрлар ҳалак ўтди. Сиёсий қамоқхонадан халос бўлиш йўллари кўдирди. Катта ижодкорларимизнинг аксари вақти йўл излашга, чора топишга сарф бўлди.

Кейинги пайтда газета-журналларимизда бир савол ўқтин-ўқтин такрорланаяпти. «Наҳотки адибларимиз компартия сиёсатидан холи бирон-бир асар ёзиб қолдирмаган бўлса?» Балки бордир. Лекин ўша пайтдаям, ҳозир ҳам ижодкорларимизнинг оиласи бўлган, бола-чақа ташвиши, тирикчилик кўйида ўтган. Милт этган лаёқатлари ҳам партия манфаатларига хизмат қилишга қаратилган. Қадимдаям, ҳозир ҳам ижодкорлар онгини боғлаган, қалбини қолипга солган нарса — бу ҳоким мафкура ноғорасига ўйнаш, йўриғига йўналиш.

**Н. Раҳимжон:** Аравасига тушгандан кейин ашуласини айтасан деган гап бор. Истеъдоднинг энг даҳшатли кушандаси замонасозлик ана шу ҳолатдан бошланса ажаб эмас.

**М. Али:** Замонасозликка берилиш ҳамма даврларда бўлган. Лекин бу ҳол қадимда бугунчалик фожиали ва асоратли кечмагандир. Бундан икки юз йил олдин ёзилган Фридрих Шиллернинг «Асоратдаги Пегас» номли памфлет шеъри бор. Бир пайтлар таржима қилган эдим. Асарда айтилишича, шоир илҳом аргумоғини бозорга олиб чиқиб сотади. Ҳатто бу ерда одамлар жуфти-ҳалолини ҳам савдога қўйишар эди, дейди шоир. Бу — дунё бозори. Кимдир Пегаснинг нарҳини арзон, дейди; кимдир қиммат, деб кўради. Хуллас, Ханс деган бир деҳқон илҳом дулдулига харидор бўлади. Сотиб олиб бориб қўшга қўшади. Ёнидаги от ер нуқиб қўш тортади; Пегас эса, ҳар қанча қамчи тушмасин, кўкка талпинади. Алал-оқибат деҳқон Ханс жудаям қийналиб кетади. «Қандай бўлмағур отни сотишибди, мени алдашибди», деб ёзғиради. Шу асно тоғу тошдан бир куйчи қўлида сози билан тушиб келади. Қараса, деҳқон ҳам, Пегас ҳам, ер ҳам қийналаяпти. Куйчи Пегасни деҳқондан сотиб олади ва минг заҳоти у қанот боғлаб осмони фалакка кўтарилади.

Шунга монанд, ижодкорларимизнинг илҳом аргумоғини «бичилган ҳўкиз»лар ёнига қўшишди, омон тортиришди. Шу туфайли адибларимиз замонавий мавзулар билан кўймаланиб қолишди. Тарихга мурожаат қилишга журъатлари етишмади, аниқроғи фурсат беришмади. 30-йилларда — коллективлаштириш давридаям, 50—60-йилларда ҳам тарихий мавзуга жуда кам мурожаат этишди. Фақат уруш давридагина уч-тўртта асарлар юзага келди. Ойбекнинг «Навоий» романи, «Маҳмуд Торобий», Мақсуд Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Уйғун ва Иzzат Султонларнинг «Алишер Навоий» сингари санокли шеърий драмаларидан бўлак асарлар яратилмади.

**Н. Раҳимжон:** Мустабид мафкура нафақат ижодкорларнинг кўнгил кўзини кўр қилди, балки халқимизни ўз ўтмишидан ажратишга, кўзига парда тортишга интилиб келди. Шу тариқа ўзининг имилжириқ умрини узайтирмоқчи бўлди. «Коллективлаштириш», «ривожланган социализм», «социалистик ҳамдўстлик», «интернационализм», «совет гуманизми», «қардошлик» сингари шиорларга бурканган диктатура юзлаб халқлар қатори туркий улусни ҳам тарихидан — тафакур боғидан айириб ташлашга интиди. Социализм саҳросида одамларнинг ақли-шуурини, қалби-эътиқодини маънавий бойликлардан бебаҳра тутиб келди. Мўйсафид тарихга қизиқишининг ижтимоий илдизларидан бири — бу маънавий-маърифий ташналикда.

Иккинчидан, у яна соғинч туйғуси билан боғлиқ. Соғинч эса хотирага туташ. Шахс ўз шажараси тарихидан айри тушса, аждодлари ўтмишидан узилса, у ҳар қанча кўкрагига уриб ҳайқиргани билан комилликка етишолмайди. Овози остона ҳатлаб кўчага эшитилмайди. Қулоққа чалингандаям ҳеч кимнинг назар-эътиборини тортмайди. Сабаби, у шовқиндан иборат; шов-шувнинг эса маънодан кўра ваҳимаси кўпроқ бўлади.

Бугунги кунда мўйсафид тарихимиздан пурҳикмат маънолар ўқишга, уқишга ташналик эҳтиёжгина эмас, заруратга айланди. Кўҳна дунёга нисбат бериб айтилган юриб адо бўлмайди, кўриб адо бўлмайди, деган ҳикматни халқимиз тарихига даҳлдор, деб биламан. У ота макон ўтмиши, сочи оқарган она халқ тарихидир, аслида.

**М. Али:** Тўғри пайқабсиз. Мазкур ҳодиса асримиз бошидагина ёлғиз домла Фитрат

фаолиятида эмин-эпкини ушaldi. «Хинд ихтилолчилари», «Абулфайзхон», «Темур сағанаси», «Уғузхон», «Або Муслим» сингари саҳна асарлари халқимиз тарихини холис, бор моҳияти билан кўрсатишга интилиш самараларидир. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларидан кейин, 30-йиллардан бошлаб тарихдан узилиш бўлди. «Тарихни идеаллаштираяпти», «ўтмишига сохталаштираяпти» деган бўлмагур назариялар ўйлаб топилди. Ўзбек адиблари ўз аждодлари ўтмишга мурожаат қилса, буни «тарихни идеаллаштириш», деб баҳоланди. Рус, грузин ёки армени адиблари тарихий мавзуга ёндашса, табиий ҳол сифатида қаралди. Қизиғи шундаки, «идеаллаштириш», «сохталаштириш» деган машъум ва машъур тамғалар уларнинг пешонасига ёпиштирилмади. Мана шундай адолатсизликлар адибларимизнинг кўзини боғлаб хумга ташлагандек бўлди.

Даҳшатли уруш йилларига келсак, бу шундай бир даврки, унда ҳар бир халқ олдида ўтмишинг борми, ҳозиринг-чи, келажакнинг қандай кечади, деган шафқатсиз саволлар кўндаланг бўлган эди. Натижада, сиёсий сиртмоқларни узиб, тарихга нигоҳ ташлашга имконият туғилди, шароит яратилди. Катта даҳшат олдида инсон ўз-ўзини англашга интилиб қолиши табиий ҳолдир.

**Н. Раҳимжон:** Лекин ана шу заррача имконият ҳам чекланган эди. Хусусан, тарихга синфийлик мезони нуқтаи назаридан ёндашиш ҳамда ҳукмрон партия манфаатларига, замона сиёсатига мослаштириб талқин этиш ўтмишимизни, ажойиб сиймолар ҳаёти ва тақдирини бирёқлама кўрсатилишига олиб келди. Агар социалистик реализмнинг қолигга айланган ана шу ақидалари бўлмаганда, «Муқанна», «Маҳмуд Торобий» сингари асарлар бошқача ёзилиши мумкин эди. Ушбу асарларда тарихдан ёлғиз қаҳрамонлик изланди. Қолаверса, уларда маълум чекланганлик кўзга ташланса-да, улкан истеъдодлар ёғдуси ила олис ўтмишимизнинг ёрқин лавҳалари ловуллаб кўринади. Бу асарлар баъзи нуқсонларига қарамай, шу тарзда ҳам биз учун азиз ва қадрли. Умуминсоний қадриятлар нуқтаи назаридан тарихга ёндашиш пайти аллақачон етди.

**М. Али:** Тўғри. Биз инсонлармиз, инсонга хос заифлик, ожизликдан холи бўла олмаймиз. Аввало, меъёрни билмаймиз. Агар ёмонлаш бўлса, ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, қўлимизни паҳса қилиб силкитишга тушамиз. Мақтовга келсак, шунчалик осмону фалакка чиқариб қўямизки, оқибатда шоти қўйиб ҳам пастга туширолмай гаранг юрамиз.

Бироқ, беайб — парвардигор. Ҳамма буюк сиймоларимизда ҳам у ёки бу даражада нуқсон бор. Бизда камчиликни яширмасдан, мақтовини ошириб-тоширмасдан, бор моҳияти билан холис баҳолаш маданияти етишмайди. Мана, узоққа бормалик-да, Амир Темур бобомизга бўлган муносабатни олайлик. Кечаги кунгача «қонхўр», «босқинчи», «босган изидан вайроналар қолдирган», дея жала ерга жар солиб қоралаб келинди. Жудаям кўп олимларимиз, ёзувчиларимиз, исми-шарифини айтишим шарт эмасдир, биваракай ана шу кайфиятда нафас олиб яшаб келдилар. Ўзлари Амир Темурнинг эвараси, чевараси, зурриёди эканликларини унутдилар. «Бобомиз золим бўлса, ўзимиз ким деган одам бўламиз», — деган савол кўнгилларининг кўчасига ҳам келмади. Гўёки Амир Темур бошқа, биз бошқа, унинг бизга ҳеч дахли йўқдек...

Ваҳоланки, Амир Темурни «золим», «вайроначи», деганлар, аслида, у босиб олган маҳаллий халқнинг тарихчилари, олимлари. Ана шу «ёрлик» Европа ва рус олимларининг китобларидан китобларга кўчиб ўтиб, болалаб кетди. Ҳатто шундай китобларга катта-катта муқофотлар берилди, кўплаб тилларга таржималар қилинди, жаҳон бўйлаб ёйилди. Мана, биргина мисол — Сергей Бородин. У Амир Темур юртида яшаб, ошонини, еб тузини тотиб, яна унга «босқинчи», деган тамгани ёпиштириб кетди. Кўпгина рус адиблари билан суҳбатлашганимда улар Сергей Бородинга жудаям юксам баҳо беришади. «Самарқанд осмонида юлдузлар» асаридаги ана шу йўналиш ҳақида гапирганимда иккилариб қолишади. «Наҳотки, наҳотки», деб ҳайрат бармогини тишляшади.

Биз қаерда, қайси тупроқда яшаётганимизни, унинг қадриятларини унутмаслигимиз лозим, кимдан миннатдор бўлишимизни билишимиз керак. Агар Амир Темурни «қонхўр», «босқинчи», деб атасак, жаҳон фани, маданияти, адабиётининг нурли босқинчини ташкил этган теурийлар даврининг ҳам юзига чизиқ торган бўламиз; эшигини тамбалаб ташлашимиз керак. Айтайлик, теурийлар даврини инсоният тарихидан бир чеккага олиб қўйсак, бир зумгина йўқ, дея тасаввур этсак, қани нима бўларкин? Улуғбек йўқ, Навоий йўқ, Бобур йўқ, дейлик. Нафақат туркий ёки Шарқ халқлари тарихи, умуман, жаҳон фани, маданияти ва адабиёти тарихида катта бир ўпририлиш ҳосил бўлади. Теурийлар даврисиз инсониятнинг маънавият — санъат, маданият, меъморчилик ва бошқа соҳалар тарихи тугал ва тўхис бўла олмайди. Инсониятнинг маънавий камолотига беқиёс улуш қўшган туркий улуснинг даҳо фарзандларини теурийлар даври берди-ку.

Ёҳуд меъморчилик санъати ва маданиятини олайлик. Самарқандни Самарқанд қилган, Бухоронинг жаҳоншумул обрў-нуфузини таъминлаган ким? Амир Темур бобомиз бўлади. Муҳташам мадрасаларни, обидаларни, Аҳмад Ясавий мақбарасини ким бунёд этган? Кимнинг бир олам саъй-ҳаракати, рағбати ва давлати эвазига бунёд этилди? Ана шу муаззам қошоналар йўқ, дейлик. Ун минглаб, юз минглаб тиббиётга, риёзиётга, ҳандасага, тарихга, мусиқага, адабиётга ва ҳоказо соҳаларга оид олтиндан қиммат

китоблар, қўлёзмалар йўқ, дейлик. Жаҳон маданиятининг катта бир даври ғариб, юпун, яланғоч бўлиб қолмайдими?

Агар темурийлар даврининг маънавий-ақлий камолоти бўлмаганда жаҳон маданиятининг кўрки, шукуҳи, ғурури бўлган мазкур обидалар қачон, қаерда пайдо бўларди? Самарқанд, Бухоро — бу ўрмондаги қўзиқорин эмаски, ёмғирдан кейин тупроқдан бош кўтариб чиқиб қолаверадиган.

**Н. Раҳимжон:** Сиз Сергей Бородинни тилга олдингиз. Лекин ўзимизнинг кўпгина тарихчи, филолог, файласуф олимларимиз, шоир ва ёзувчиларимиз ҳам авлиё эмас. Уларнинг аксарияти «катта машинанинг кичик винтчаси» бўлишга, коммунистик сиёсат механизми беқусур ишлашга «баҳоли қудрат» ҳисса қўшишга интилдилар. 1974 йили босилиб чиққан, «Ўзбекистон ССР тарихи» китобида Амир Темур шахси ва фаолиятини баҳолашда айни шу жиҳат устивор.

Мазкур нуқтаи назар, чамаси, Гегелнинг «Тарих фалсафаси» асаридаги «баҳо»дан кейин урчиб кетди, шекилли. У Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва ролини Чингизхон билан тенглаштиради. «Халқларнинг шу хилдаги ҳаракати, кўчиши Чингизхон ва Темурланг (ифодага диққат қилинг — Р. Н.) йўлбошчилигида бўлган; улар, вайроналиклар олиб келувчи, кейин кутилмаганда, ғойиб бўлиб қолувчи тошқинлар сингари йўлида учраган ҳамма нарсани пайҳон қилишарди; зеро, уларда ҳеч қандай чинакам ҳаёт ибтидоси йўқ эди».

Ўзингникини тўрткиласанг ўзгачан меҳр қочади, ҳассаси билан уриб ўтади, деганлари шу-да. Ушбу ҳикмат, аввало, оқсоч тарихимизга муносабатда фактларни, воқеа-ҳодисаларни ўз номи билан айта олмаганимизда, маъноси ва моҳияти ила баҳолай билмаганимизда, қадрига етмаганимизда яққол кўринади. Мана, ўзингиз ҳам қаранг. Амир Темур XIV асрда яшаб ўтди, Гегель эса ундан тўрт юз йил кейин — XVIII асрда. Албатта, у темурийлар даври фани, маданияти, санъати, меъморчилиги, адабиёти сингари соҳаларнинг жаҳон таваққури тараққиётида тутган аҳамияти, Амир Темурнинг эса ўзи тузган марказлашган давлатнинг, ижтимоий-иқтисодий ислохотларининг жаҳоншумул нуфузи ҳақида билиши, бир оғиз қайд этиши мумкин эди.

Еҳуд соҳибқирон амалга оширган ҳарбий юришларнинг икки жиҳати хусусида тўхталмаслик мумкин эмас. Биринчидан, Амир Темурнинг марказлашган давлат тузиши туркий халқлар маданиятида янги ёрқин саҳифалар очди. Ўз қавмидан бўлган Олтин Ўрда хони Тўхтамишни тор-мор этиши Россия халқига қанчалик озодлик олиб келган бўлса, турк султони Боязидни Анқарада мағлуб этиши Европани титратиб турган турк ҳамласидан халос этди. Бу ҳар икки ҳодиса Европа халқлари учун ижобий ва оламшумул аҳамият касб этди, аммо туркий халқларнинг келгуси тақдирида салбий роль ўйнади. Туркий халқларнинг боши қовушмай, бўлиниб-бўлиниб, душманларга ем бўлиб келяпти. Ваҳоланки, Амир Темургача ва ундан кейин ҳам туркий халқларнинг бошини қовуштирадиган шахс тарих саҳнида юзага чиққани йўқ ҳали.

Кейинги пайтда яна иккинчи кўринишдаги бир чекланганлик ҳам пайдо бўлиб қолди. Хусусан, етмиш йил бадалида «тарихимиз қоронғи», «ўтмиш чиркин», «разолат, жаҳолат ботқоғи», дея тилимизга келган, ақлимиз етган қора бўёқлар билан чаплаб келинди. Эндиликда эса, аксинча, олис ўтмишни ҳам, улкан сиймолар шахсияти ва фаолиятини баҳолашда ҳам фақат мадҳ-саного берилиб кетилди. Ёлғиз қоралаш ёки ёлғиз олқиш билан тарихий воқелик моҳиятини холисона идрок ва ифода этиб бўлармикан? Еҳуд бу ҳам тарихни бадий ўзлаштиришдаги алоҳида бир босқич, ижодкорларимиз изланишларидаги ўзига хос йўллардан бири бўлиб қолармикан?

**М. Али:** Тўғри. Мен ҳам шуни гапириб келаётган эдим. Биз, бир пайтлар, ўтмишни қоралашга тушиб кетгандик. Амир Темур хусусида ҳам. Эндиликда бир ёқламаликнинг бу томонига ўтиб кетдик. 1967 йили «Гумбаздаги нур» деган дoston ёзган эдим. Амир Темур ҳақида ёзиш бошқаларнинг қўлидан келмади, деган маънода тушунманг бунини асло. Фақат ўша пайтдаги сиёсий исканжада ҳам бирон-бир фикр айтишга интилишнинг кучли бўлганлигини эслатмоқчиман, холос. Ушанда Амир Темурга холис баҳо беришга интилган эдим.

Темур, сенга эдим даркор  
«Фотиҳ» деган номни олмоқлик?  
Кўҳна тарих майдони аро  
Аросатда туриб қолмоқлик?  
Қайгадир от сурмоқлик, нега?  
Наҳот сени тўйдиролмаган,  
Тупроғи зар бўлган шу ўлка?  
Не-не элни боққан шу Ватан?  
Истабмидинг ёки шон-шараф,  
Истабмидинг ё мол-дунёни?  
Ҳар нарсада бор икки тараф,  
Таёқнинг ҳам икки томони...  
Европага панжа ургали

Ул Боязид — усмоний арслон  
Ер титратиб улгурмай ҳали,  
Бўлганида ер билан яксон,  
Россияни ютмоқ қасдида  
Оғиз очган саҳройи аждар —  
Олтин Ўрда, қипчоқ даштида  
Ер юзидан кетганда бадар,  
Темур, Европанинг чехраси  
Сенга кулиб боқди ўшанда.  
Кўп ғаройиб тарихнинг иши,  
Илтифоти қизиқ экан-да...

Мен, шу саҳифаларда, Темур бобо, буюк бунёдкорлигингиз олдида тенгсиз ҳайратдаман, бош эгаман, ва лекин, босқинчилик юришларингизни тан ололмайдман. Наҳотки, «Не-не элни боққан шу Ватан», тупроғи зар шу тўкин ўлка Сизни қаноатлантира олмаган бўлса? Ҳарбий ишларингизни асло оқлай олмайман, демоқчи эдим.

Сўнги вақтларда, ҳали айтганимдек, турли хил сифатлар, таърифлар билан фақат олқишга берилиб кетаяпмиз. Тарихни ўрганишда озини қўлга киритаман, деб кўпидан айрилиб қолмаслигимиз керак. Амир Темур — табаррук бобокалонимиз. Улуғ саркарда, юртимизни оламга танитган сиймоларимиздан бири. Унинг шахсига ёндашган пайтда камчиликларини ҳам айтишимиз керак. Тарихий шароитдан келиб чиқиб, холис тушунтириб бера олсақгина, ўқувчи ўша камчиликларни шахснинг хатоси эмас, аксинча, тарихий жараённинг маҳсули сифатида эътироф этади. Бировларнинг ғашига ям тегмайди.

Яқинда тарихчи олим ва адиб Бўрибой Аҳмедов билан суҳбатлашиб қолдик. Шунда Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарини қайтадан ўқиб чиқанликларини айтиб, қизиқ бир гап устида тўхталдиклар. Бизнинг тасаввуримизда Амир Темур паҳлавон келбатли, доимо жангу жадалларда юрган, толиқиш нималигини билмайдиган бир шахс эди. Аслида, у эллик ёшдан кейин мунтазам касал бўлар экан. Лекин касалликларини бировларга билдирмай, яшириб келаркан.

Энди, адибларимиз унинг хасталикларини ёзишса, бу шахснинг ожизлигини кўрсатиш бўлмайди-ку. Унинг бирон-бир фазилати камайиб, камчилиги ортиб кетмайди-ку. Қайтага, қадри ортади. Амир Темур касалликларини яшириб юришига сабаб шуки, у атрофдагиларнинг иродаси сусайиб қолмасин, ғурури букилмасин, деган ниятда экан. Қолаверса, ҳарбий юришлар чоғидаги тўкилган қонлар, чопқинлар, ўлимлар, вайроналиклар. Буларни ўша давр муҳитидан, шароитидан келиб чиқиб, моҳиятини тушунтира билишимиз шарт. Шунда Амир Темур шахси ва фаолияти тарихий зарурат, тарихий эҳтиёж эканлиги ўз-ўзидан ойдинлашади.

«Сарбадорлар» асаримда ўттиз ёшлик Амир Темурнинг хаёлларини бермоқчи бўлдим. 1362 йилда Темурбек билан Амир Ҳусайн Сеистонда асир тушиб қолишади. Амир Ҳусайн ўзини ҳар томонга уради, «сичқонларга ем бўлиб кетамизми?» дея умидсизликка тушади. Уни кўриб Темурбек хаёл қилади: «Э, ажабо, сен нечун бу майдонга кирдинг? Бас, кирдингми, энди унинг қийнчиликларига ҳам чида. Дунё — хиёнатчи хотиндур, хушторлари кўп. Унинг домига илиндингми, макру найрангларига ҳам, азоб-уқубатларига ҳам бардош бер. Агар, атрофингдаги ўн кишидан бири дўст бўлса, шод бўл, ва лекин ўнтадан ўн битта киши душман чиқиб турса, кимга додингни айтасан?..»

Шу тариқа ул зот ўзларига таскин ва танбеҳ берадилар. Унда бир сўзлик, садоқат ва вафодорлик, эътиқод сингари фазилатлар ниҳоятда кучли ва бокира бўлганлиги учун ҳам дўстлари, биродарлари бисёр бўлган.

**Н. Раҳимжон:** Шу ўринда бир масалага муносабатингизни билдириб ўтсангиз. Аксарият китобларда, илмий адабиётларда «1366 йили Амир Темур ва Ҳусайн қўшин билан Самарқандга келиб, сарбадорларни бостириб, тахтни эгаллаб олдилар», деган ифода кенг қўлланилади. Сарбадорлар ҳаракати билан Амир Темур фаолияти бири-бирига зид қўйилади.

**М. Али:** Бир жойда айтган эдим, майли, такрорлаш фойдалидир. Сарбадорлар ва Амир Темур ўртасидаги муносабатларга бағишланган китоблар, ўша воқеалар кечгандан қарийб қирқ-эллик йил кейин ёзилган. Афсуски, 1365 йили Чинозда Сирдарё бўйида мўғуллар билан бўлган даҳшатли «Жанги Лой» деб аталувчи муҳорабада, 1366 йили Самарқандда кечган воқеаларда бевосита иштирок этган, ўз кўзи билан кўрган, жаранлар қозонида қайнаган кишилар томонидан ёзилган тарихий солномаларга эга эмасмиз. Балки бордир, лекин ҳали илмда маълум эмас.

Демак, бизгача етиб келган тарихий китоблар ҳам ўша воқеаларни кўрган-билганлардан эшитиб, кейин битилган саҳифалардир. Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асари ўша тарихий воқеалар тингандан кейин юз йил ўтгач ёзилган. Шу боисдан аксари ҳолларда, тарихчилар ҳам қисман эса-да, тахминларга берилишган. Хусусан, Бартольддек олим ҳам, «жуда кўп тарихий асарларни ўқиб чиқдим; ва лекин уларнинг орасида сарбадорлар ҳаракати даврини ўз кўзи билан кўрган кишининг ёзгани ёки шу ҳақда на бир парча солнома, на ҳикоя, на манзума, на нақл, на

бирон-бир шеър учратадим», дейди. Шояд, олимларимиз шунга дахлдор ноёб би-тикларни кўлёмалар орасидан топиб қолишса.

Шу вайждан сарбадорлар билан Амир Темур ўртасидаги муомала хусусида ҳам тахминий фикрлар юради. Уша воқеалар тугагандан кейин, орадан тўрт йил ўтгач Амир Темур тахтга минади. Натижада, у сарбадорларни энгиб тахтни эгаллади, деган нотўғри бир тушунча онгимизга сингиб қолган: кўпдан бери шу фикрнинг қули бўлиб келамиз. Аслида эса, у бутунлай бошқача бўлган. Унинг чуқур манتيқий илдиэларига қарашимиз керак. Бунинг мохияти нималардан иборат? Мана, эътибор беринг. Амир Темур шу тупроқнинг фарзанди. Сарбадорлар ҳам шу заминнинг ўғлонлари. Уларнинг душманла-ри бир — мўғуллар эди. Биз бугун айтаяпмизки, Амир Темурнинг бош муддаоси она заминни мўғул истилосидан халос этиш, уни жаҳоний миқёсга олиб чиқиш эди деб. Ана шу олижаноб ниятни амалга ошириш учун бел боғлади; тош келса кемирди, сув келса симирди. Душманлари унинг бошида айлангич хулосамнинг тегиримон тошидан омон чиқа билди. Мамлакатини бошига кўтара олди.

Сарбадорларнинг нияти нималардан иборат эди? Улар ҳам фозил бир жамоа бунёд этишга бел боғлагандилар. Улуси тенг ҳуқуқли бўлса, ҳаёт берган неъматлар-дан баробар баҳраманд бўлишса, тўкин яшаса, катта-кичик деган нарсалар бўлмаса, деган қутлуғ ниятларини рўёбга чиқариш, комил жамятти барпо этиш учун кураш-ган мард, жасур одамлар эди. Лекин бунинг учун мўғул босқинчиларини энгиб ўтиш зарур эди.

Тошкент шимолидаги мўғулларни «жета» — қароқчи, дейишарди. Моваруннаҳрда-ги Чингизхон авлодларини «қаравунос» (яъни маҳаллий туркий халқлар билан қўшилиб кетган дурагай маъносиде) айтишар эди. Демак, сарбадорлар билан Амир Темурни бирлаштирган нарса, бу — улуг ниятнинг холислигида, душмани бир, ўшани энгиш. Иккинчидан, ота маконини мўғуллар қадамидан тозалаш, элни озод, юртни обод этиш. Шундай экан, ўзингиз ўйланг, улар яқдиллик ўрнига, муҳолиф бўладими? Лекин, эъти-бор беринг, шу ўринда фоят нозик бир жиҳат бор. Яъни, Темурбек амирлар авлодидан эди. Сарбадорлар эса оддий фуқаролар. Улар иттифоқ эдилар, ва лекин ошқора дўст бўлишолмас эди. Уша давр нуқтаи назаридан этикдўз, косиблар билан амирнинг дўстлашиб юриши ақлга сиғадиган ҳодиса эмас.

Бу — масаланинг бир томони. Уларнинг иттифоқиға оид ўша давр адабиётларининг ҳам йўқлиги шу билан изоҳланади, менимча. Кўплаб тарихий китобларни кузатиб, бир-бири билан қиёслаб, кейин топган мантиқий хулосамнинг бири шу.

Иккинчидан, сарбадорлар билан Амир Темур яқинлигини таъминловчи яна бир жиҳат бор. Хусусан, сарбадорларнинг сардорларидан бири Мавлонозода билан Амир Темур ниҳоятда қадрдон эдилар. Амир Ҳусайн сарбадорлар билан Амир Темурнинг яқинлигидан доимо хавфсираб юрарди. Амир Ҳусайн сарбадорларнинг етакчиларини дорға тортаётган пайтда Амир Темур ёлғиз шу йигитни — илми толиб Мавлонозодани дор сиртмоғидан сақлаб қолишга муваффақ бўлади. У билан Амир Ҳусайн ўртасидаги келишмовчилик, совуқчилик ҳам сарбадорларга бўлган муносабатдан туғилган.

Лекин Амир Темурни жаҳон майдонига от суриб кириб келган илк дамларидан бошлаб атрофидаги энг ишончли, энг садоқатли кишилари барлос уруғига мансуб эди. У ёлғиз ўз қабиладолари билан сирдош ва қадрдон бўлган. Бу — тарихда бор нарса. Дўстлари ҳам барлослардан. Бошқаларга ишонмаган. Шундай бир вазиятда Амир Темур ўзидан беш-олти ёш кичик толиби илм Мавлонозодадан тез-тез хабар олиб турарди. Улар ана шу яқинлиқни сақлаб, охиригача содиқ қоладилар.

Шу биргина мисолдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сарбадорлар билан Амир Темур ўртасида ниҳоятда кучли бир яқинлик мавжуд. Амир Темур катта сиёсатчи бўлганлиги боисидан ҳамма нарсани кўз-кўз этиб, ошқор қилавермаган, кўнглида пинҳон сақлаган. У Мавлонозода билан суҳбатлашиб қолганида ҳам: «Менинг оқ кўн-лим сарбадорлар тарафиндадир. Сиз буни аларга айтинг, ўзлари билсун, ва лекин ўзгаларнинг билиши шарт эмас», — дейди.

Аслида сарбадорларнинг ҳалокатга учраши Амир Ҳусайн туфайли юз берди. У хон эса-да, дағал ва бетакаллуф бир киши эди. Амирлашкар Темурбекнинг эл-юртда, черик ўртасида обрўси баланд бўлган. Бу, албатта, Амир Ҳусайн кўнглида ҳасад ва ғайирлик туғдирган. Темурбек Амир Ҳусайн билан яқинлашиш, ишончини қозониш учун ҳатто унинг сингисига ҳам уйланади. Лекин, барибир, икки ўртадаги пинҳона ишонсизлик йўқолмайди, аксинча, кучаяди. Сарбадорлар ҳам айна шу ишонсизлик қурбони бўладилар.

Амир Ҳусайн 1366 йили — наврўзнинг иккинчи куни сарбадорларнинг етакчилари оқсоқол Абу Бакр Калавий, Ҳўрдан Бухорийларни дорға остиради. Амир Темур бу пайтда Шохизиндада эди; фожиадан хабар топиб, шошилиб етиб келганда сиртмоқ Мавлонозоданинг бўйнида экан. Ёлғиз толиби илмни ўлим чангалидан асраб қолишга улгуради, холос. Ана шу воқеадан кейин Амир Ҳусайн билан ўрталаридаги зиддият янаям кучаяди, оралари буткул бузилиб кетади. Бу тарихий факт. 1370 йилгача, Амир Темур тахтга ўтиргунга қадар ўрталаридаги совуқчилик сақланиб қолган.

Хуллас, мўғулларга охириги қақшатқич зарбани берган куч — сарбадорлар эди.



Улар Амир Темурнинг марказлашган давлат тузишига катта кўмак — йўл очиб бердилар. Хусусан, 1365 йил кўкламида Чиноз олдида Туғлуғ Темурхоннинг ўғли Илёс ҳўжа бошлиқ мўғуллар билан ҳал қилувчи жанг бўлади. Амир Темур билан Амир Ҳусайн уч кунлик жангдан сўнг енгилдилар. Мўғуллар юртни талаб, Самарқандга қараб йўл оладилар. Лекин шаҳар аҳли сарбадорлар етакчилигида мўғулларга ўнганмас зарба берадилар. Уша қочганча, мўғуллар қайтиб келмайди.

Амир Темур ва сарбадорлар. Улар халқнинг турли тоифаларига мансуб бўлганлиги учун биз уларни яхлит бир куч сифатида кўрмаймиз. Лекин уларнинг исми-шарифи ёзувларда ёнма-ён турмаган эса-да, тарих саҳнасидаги фаолиятлари бир-бирини тўлдирди. Уларни ботиний робиталар бирлаштириб туради. Тарихий мантиқ шуни тақозо этади.

Амир Темур сарбадорлардан фойдаланиб тахтни эгалладими ёки уларни енгиб салтанат соҳибқирони бўлдимиз? Менимча, иккаласи ҳам эмас. Биргина равшан нарса бор — бу сарбадорлар фаолияти — мўғулларни енгиши Амир Темурнинг тахтга келишини енгиллаштирди, тезлаштирди.

**Н. Раҳимжон:** Тоғ тепасига чиқиб, пурвиқор чўққилар силсиласига қарасанг, улар қанчалик осмонўпар бўлмасин, кўзимизга кичкина бўлиб кўринади. Лекин у алдамчи таассурот. Аслида эса, чўғ ҳам милтираб кўринади. Чўғ — оловнинг уруғи. Унда буюк ҳарорат ва ёруғлик қудрати бор. Машъалалар ҳам урвоқдек чўғлардан туғилади. Алангаси дунёни тутиб кетади.

Қорачиғдек данак ҳам митти бўлиб кўриниши мумкин. Ва лекин, аслида унинг бағрида осмонларга тўш урган азим чинорлар ухлайди.

Ҳали кўҳна тарихимизни тарих фалсафаси, тарих эстетикаси, тарих санъати тариқасида ўрганиш, ўзлаштириш, тақиқ этиш у ёқда турсин, факт ва маълумотлар бор ҳолича, воқеа-ҳодисалар солномаси тарзида ҳам ойдинлаштира олганимиз йўқ. Бугунги кунгача улуғ тарихимизга бағишланган илмий ва бадий асарлар унинг урвоғичалик ҳам эмас. Тарих илми ва тарихни бадий ўзлаштирувчи адабиётимизнинг ҳолати ўтмиш остонасига зўр-базўр етиб келган, олис сафарга отланган сайёҳнинг ҳолатини эсга солади.

Ижодий изланишларингизнинг энг кўп қисмини тарихий мавзуга бағишланган асарлар ташкил этади. «Қадимги кўшиқлар» туркуми, «Машраб», «Гумбаздаги нур» достонлари, «Боқий дунё» шеърий романи, ва ниҳоят, «Сарбадорлар» насрий романи. Шунингдек, «Ешлик» журналида эълон қилинган «Тарих — давомли мангу сабоқдир», «Туркистон» (собик «Еш ленинчи») рўзномасида босилган «Ўз-ўзингни англаб ет», 1989 йилда Америка Қўшма Штатларидаги «Ўрта Осиёни тадқиқ этиш ассоциацияси» бюллетенининг 2-жилдида чоп этилган, инглизчага таржима қилинган туркум мақолаларингиз бобо тарихимизга бўлган адоқсиз меҳр-муҳаббат учқунлари, дейиш мумкин. Улар олис ўтмишни бадий ўзлаштиришдаги қизиқишларингиз тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётганлигини кўрсатади. Ижодкор сифатида она тарихимизга бунчалик боғланиб қолишингиз боиси нимада? Кўҳна тарих саҳифаларини варақлаб кўпроқ қайси рангларни кўрасиз? Улардан қандай маъноли ранглар кашф этиш йўлида изланаётирсиз?

**М. Али:** Ўзим ҳам баъзан ҳайрон қоламан. Достон ва шеърий туркумдан олдин Муқанна ҳақида шеърлар, Спитомин ҳақида бир етча шеър ёзгандим. Кейин Дукчи Эшон, Жиззах кўзғолонлари ҳақида қалам сурилди. Ўзим ҳам шу қизиқиш боисини кўп ўйлайман. Буни изоҳлаш қийин. 1970 йили «Шарқ юлдузи» журналининг анкета саволларига жавоб бериб, «халқимизнинг бадий тарихини яратиш зарур», деб ёзгандим. Дарҳақиқат, бадий тарихимиз яратилмас экан, халқ ўзининг улуғлигини тўла-тўқис англай олмайди. Беруний, Бобур, Улуғбек сингари буюк сиймолар тўғрисида алоҳида-алоҳида романлар яратилиши лозим, деб орзу қилган эдим. Иншоолро, бугун шундай кўркам асарларимиз бор.

Тарих нима учун ўрганилади? Одам ўзининг кимлигини билиш учун, ўзлигини англаш учун. Бизда аксари ёзувчиларимизнинг онги-шуури, қалами шу кунгача ғоявий — буюртмалар асосида бошқарилар эди. Ишчилар, колхозчилар, қурилишлар, янги ерларнинг ўзлаштирилиши ва ҳоказо хусусида асарлар битиш шарт қилиб қўйиларди. Бу нарса атайин қилинган. Ижодкорларнинг кучи юзаки нарсалар билан чалғитиб келинди. Халқ ўзининг улуғ ўтмишни билса онгли-дунёқараши ўсади, совет мустамлакасига қарши кураши тезлашади, деган ҳадик-хавотир бор эди ҳукмрон коммунистик мафкурада.

**Н. Раҳимжон:** Халқларни ўз ўтмишидан айириш, ягона совет миллатини юзага келтириш учун интилиш сиёсати — бу халқимизни миллат сифатида тугатишга қаратилган ёвуз ният шарпаси эди.

Кўрмаганингиз кўргани курсин, кўк эшакка мингани курсин, дейишади. Коммунистик мафкура жаҳон халқлари тарихида ҳеч қачон пешволик қилмаган эди. ХХ асрда Ленин иддао билан ҳокимиятни кўлга олдию, чоризм ворисларининг темир пошнасида Шарққа ҳам етиб келди. Одамларнинг юриш-туришию кийинишигача, ўқишию қизиқишларигача сиёсатлаштирилди. Натижада шўро даври ўзбек адабиётида расмий тантанавор шеърят пайдо бўлди. Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик, синфийлик, типиклик сингари жаҳон эстетикаси тан олмаган хусусиятлар устивор мезонларга айланиб

қолди. Оқибатда бугунги кун дардларига тарихдан малҳам, маъно топишдан кўра ҳукмрон ғоя қилипига — тоғорасига сиғадиган факт ва маълумотлар изланди. Бу нарса халқни ўз тарихидан айиришга, кўзларига мил тортишга қаратилган эди.

«Ранглардан иборат бу ҳаёт, ранглардан иборат ҳар инсон», дейди шоир бир шеърда. Адабиёт учун энг муҳим нарса мафкура эмас, аксинча — инсон. Тарихни билиш, тушуниш, тарихий шахслар руҳиятини англаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Зеро, у ҳар бир ижодкор салоҳиятининг даражасини кўрсатади. Ҳар қандай ҳаётий муҳитда, ҳар қандай ижтимоий шароитда намоён бўлган ватанпарварлик, инсонийлик хусусиятларини кўра олиш ҳамда кўрсата билиш тарихни билишнинг бош мезонидир.

**М. Али:** Коммунистик идеология нафақат бизнинг авлодни, балки бир неча авлодларни ўз тарихидан саводсиз қолдиришга эришди. 1959 йили ўрта мактабни эндигина битирган кезларим. Ҳазрат Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асари босилиб чиқди. Унда устознинг ўтмишга мурожаат қилиб айтган машҳур гаплари бор. Шу нарса менда тарихга нисбатан адоқсиз меҳр уйбоғган, деб ўйлайман. Кейин Мирзо Улуғбек, Бобур тўғрисида асарлар битилди. Буларнинг ҳаммаси Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхоздалар ёққан аланганинг ёғдулари.

60-йилларда тарихга мурожаат орқали бугунги кун муаммоларини айтиш унчалик расм бўлмаган эди. Эндиликда, тарихни ўрганиш қувончли бир ҳодисага айланди. Бу ҳар қанча таҳсинга сазовор. Тарих ҳақида ҳамма ёзиши керак. Албатта, билиб ёзган маъқул.

Энди, шу ўринда эътибор берилиши керак бўлган нозик бир жойи бор. Хусусан, тарихдан сабоқ олиш, савод чиқариш учун, энг муҳими, унга билим билан ёндашишимиз зарур. Аксинча, бадий асар қанчалик қизиқарли ёки зерикарли чиқишдан қатъи назар, ўқувчиларнинг тарихдан кўнглини совутиб қўймаслик лозим.

Кўҳна тарихимизнинг қайси қатламларига эътибор беришимиз кераклигини, қайси даврларини ёзишимиз шартлигини Сизга айтайми?

Мана, Буюк Турк хоқонлиги бор. V—VII асрларда ҳукм сурган. Китобларда ёзилишига қараганда, унинг сарҳадлари, бир томони Хитой деворларигача, иккинчи чеккаси Яъжуз-Маъжуз тоғларигача (чамаси Урол тоғлари бўлса керак), яна бир чеккаси Каспий — Ҳазар денгизигача, буёғи Ҳиндистон тоғларигача бўлган улкан маъвони эгаллаган экан. Уша пайтда ҳинд, хитой адабиётларидан нодир асарлар таржима қилинган. Араблар бостириб келганларидан кейин бебаҳо қўлёмалар, китоблар қатори ўша таржима асарлари ҳам ёқиб юборилган. Афсуски, ёқиш, кўйдириш, бузиш, ўпириш — қаҳримдан қолган иллат экан-да. 629 йилда Сюань Цзан исмли хитой олими-сайёҳи Турк хоқонлигига, Самарқандга келган. Унинг ёзишича, мамлакат маданият нуқтаи назаридан бир бутунликка эга экан. Уша пайтдаги тўкуз-ўғузча алифбо 28 ҳарфдан иборат бўлган. Одамларнинг либослари, ёзувлар, тил ҳамма ерда бир хил. Жаҳон адабиётининг нодир намуналари ана шу тилга таржима қилинган. «Қултегин битиклари», «Тунюкүк битиклари» ана шу имло намуналаридир.

Яна, қарийб икки юз-уч юз йил ҳукм сурган Қорахонийлар даври. Маҳмуд Қошғарий, Юсуф хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийлар ана шу давр фарзандлари. Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида Саъдулла Сиев роман ёзди, хайрият, яқин кунларда ўқиб қолармиз.

Буюк Хоразмшоҳлар сулоласи. Бизга фақат В. Яннинг «Чингизхон» романи асосида гавдалантирилган Хоразмшоҳнинг айрим жиҳатлари маълум. Мақсуд Шайхозданинг «Жалолиддин Мангуберди», Мирмуҳсиннинг «Темур Малик», ҳассос шоир Эркин Самандарнинг «Аждодлар қиличи» сингари саноқли насрий ва шеърый асарларни биламиз. Булар ҳали кам. Қанийди, биз ўзимиз бўлиб, ўзлигимизни жаҳонга кўз-кўз этувчи кўплаб асарлар яратсак. Биз ўз тарихимиз, маданиятимиз ҳақида ўзимиз атрофлича фикр юритишимиз, асарлар битишимиз лозим.

Ехуд темурийлар даврини олайлик. Кошкийди, бу давр буткул зиддиятлари, мураккабликлари, буюкликлари, фожиалари билан холис ёритилса! Биласизми, Амир Темурнинг фарзандларидан у қадар омади келмади. Агар уни Чингизхон билан қиёс қилинса, бу маънода Чингизхон Амир Темурдан омадлроқдек туюлади. Амир Темурнинг агар Жалолиддиндек, Темур Маликдек ёки Бобур Мирзодек ўғиллари бўлгандами... Олам яна ҳам ўзгача чирой касб этган бўларди, бу шубҳасиз! Лекин, на чора, ҳар тўқисда бир айб, дейдилар. Худои таоло Амир Темурга бор-йўғи тўрт ўғил ато қилди. Афсуски, тўрт ўғилдан иккиси ота ҳаётлигидаёқ оламдан ўтди... Қолган икки ўғилдан бири Мироншоҳга аввал Хуросон (пойтахти — Ҳирот), сўнг 1393 йилда «Халокухон салтанати», яъни мўғуллар давлатини бошқариш топширилди. Шимолий Эрон, Бағдод ва Қофқозни ўз ичига олган бу ҳудуднинг йирик шаҳарлари Табриз билан Султония эди. 1396 йилда Амир Темур Мироншоҳга Озарбайжонни бошқариш ҳақида фармон берди. Бир йил ўтар-ўтмас Мироншоҳнинг хотини Хонзода бека эрининг ноҳўя қилмишлари ва адолатсизликларидан шикоят қилиб Самарқандга Амир Темур ҳузурига бош уриб келади. Усиз ҳам Мироншоҳ тийнатидаги турфа ўзгаришлар ҳақидаги хабар пойтахтга кам-кам келиб турган эди.

«Мироншоҳнинг отасидан мерос бўлиб ўтган вайронагарчилик майллари, — деб ёзади В. В. Бартольд «Улуғбек ва унинг замони» китобида, — жуда ҳам кучайиб кет-

ди...» Бу ерда олим Мироншоҳ баҳона Амир Темур боғига ҳам тош отиб ўтмоқда. Яъни вайронагарчиликка мойиллик Амир Темурнинг ўзида бор эди, ўғлига ҳам ўшандан ўтган демоқчи. Бу фикрга албатта ҳеч қўшилиб бўлмайди. Бу, энди, бошқа масала.

Амир Темур Хонзода бека сўзларини эшитиб, Озарбайжонга отланади, Мироншоҳни тахтдан тушириб, маслаҳатгўйларини қатл қилдиради, улар ҳуда-беҳуда сарф этган давлат пулини ғазнага қайтартиради. Мироншоҳнинг ўғли Абу Бакр Бағдодда ҳокимлик қиларди, у бобоси Амир Темурдан отаси Мироншоҳнинг Бағдодда яшашига ижозат олади. Мироншоҳ 1408 йил 21 апрелда Табризда Абу Бакр билан Қора Юсуф туркман қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлади, бу пайт у 42 ёшда эди. Мана Амир Темурнинг учинчи ўғли тақдири ҳикояси. Айтингчи, Амир Темур ўзининг марказлашган буюк давлати тизгинини кичик бир ўлкани ҳам бошқара олмаган ношуд ўғил қўлига топшира олар эдимми? Албатта, йўқ. Яна бир жиҳат бор. Амир Темурнинг ўз зурриёдига нисбатан қаттиққўллиги унинг адолатпеша эканлигига ҳам зўр мисолдир.

Ибн Арабшоҳ таърифича, «юзидан нур сочилган, Шириндан ҳам ҳусндор» Хонзода бекани 1373 йилда амирзода Муҳаммад Жаҳонгирга олиб берадилар. Икки йилдан сўнг Муҳаммад Жаҳонгир оламдан ўтади. Шу йили унинг ўғли амирзода Муҳаммад Султон туғилади. Хонзода бека тул қотгач, уни Мироншоҳга узатадилар. Бу никоҳдан Халил Султон туғилади. Меъморчилигимиз дурдонаси саналадиган Гўри Амирнинг қурилиши бевосита Муҳаммад Султон номи билан боғлиқ. Муҳаммад Султон Амир Темурнинг суюкли набираларидан эди. «Муҳаммад Султоннинг зийраклиги ва истиқболи порлоқлигига очиқ-ойдин далиллар бор эди, — деб ёзади Ибн Арабшоҳ. — Темур унинг хислатларида бахту соадат нишонларини мушоҳида этгач, зотан у зийракликда Темур фарзандлари ва набираларидан устун эди, уни барчасидан афзал кўрди ва амакилари мавжудлигига қарамай ўзига валиаҳд қилди...» Шу нарсанинг ўзи ҳам Амир Темурнинг фарзандлардан унчалар кўнгли тўлмаганини кўрсатади.

**Н. Раҳимжон:** Қарангки, Сизнинг тарихий мавзуда битилган илк шеърингиз ҳам («Спитомин», «Спитоминнинг боши»), дostonингиз ҳам («Машраб») тарихий шахслар ҳаётини, тақдирини ёритишга бағишланган. Бу, шунчаки бир тасодиф бўлмас керак. Негаки, У Сизнинг ҳозир кенг шарҳлаган бадий мезонларингиз билан боғлиқ туюлаётир.

Машраб шахси ва ҳаёти қайси жиҳатлари билан сизни жалб этди? Шоирлигимиз, эрксеварлигимиз, «шаққок» исёнкор руҳими? Одатда, ижодкор, у ёки бу мавзунини «қўлга олиб» танишгач, осонликча асар ёзишга киришиб кетавермайди-ку.

**М. Али:** Тўғри. Уша пайтда — 1966 йили Москвадаги Адабиёт институтининг талабаси эдим. Кутубхонаси ҳайратомуз бой эди. Бошқа халқларнинг классик шоирлари ижоди билан кўп қизиқардим. Асарларини севиб ўқирдим. Айниқса Байрон билан Пушкинни. Эътибор берсам, уларнинг ижодида тарих етакчилиқ қиларкан. Мана, Байронни олинг. У инглиз бўлатуриб, ҳатто бошқа халқларнинг тарихи билан ҳам қизиққан, асарлар ёзган. Пушкин, Гёте, Ҳайнени айтасизми? Уларнинг тарихни бадий тадқиқ этишдаги ўзига хос нуқтан назарларини қунт билан ўқиб-ўргандим. Гўё улардан: «Эй, шоғирд, эй шоир, бирон-бир нарсанга эришаман, десанг тарихингга мурожаат қил», деган бир садо эшитгандек бўлдим.

Байроннинг аксарият дostonлари тарихий мавзуда. «Шильон тутқуни» дostonини ҳам бежиз таржима қилмаган бўлсам керак. Шу маънода, Пушкиннинг шоҳ асарлари ҳам тарихга оидлигини таъкидлаш жоиз.

«Машраб» дostonи 1966 йилда институтни битириш кезларида Москвада ёзила бошлаган. Унга қизиқанлигим — аввало ниҳоятда зиддиятли қаҳрамон эканлиги. Ўзининг фожиали тақдири билан айниқса фикри-зикримни банд этиб олди. Жаҳон адабиёти, маданияти тарихида Машраб сингари шахс бошқа учрамаса керак.

Энди эсласам, «Машраб» дostonининг ёзилиш шакли ҳам Байрон таъсирида бўлган экан. Унинг «Чайлд-Ҳаролд», «Дон Жуан» асарлари октава — саккизлик шаклида. «Машраб» ҳам шундай.

Байрон билан Пушкиннинг ўтмишга бағишланган тарихий дostonларида яқка бир шахс, ёлғиз бир қаҳрамон бўлади. У жамиятнинг барча иллатларига қарши ёлғиз ўзи курашади. «Корсар» ҳам, «Кайн» ҳам, «Кифир» деган асари қаҳрамонлари ҳам жаҳоний куфрлар, разолатлар, қабоҳатларга қарши танҳо ўзлари бош кўтариб чиқадилар, яқкама-яқка дадил олишадилар. «Машраб» ҳам ана шу бадий-фалсафий қарашдан келиб чиқиб яратилган.

«Машраб»да шундай сатрлар бор:

Икки минтақадан яралган ҳаёт:  
Зулумотдан — қора, ёруғликдан — оқ.  
Икки ранг бор экан, инсон умрбод  
Уфққа интилар, уфқ эса йироқ.  
Умид чорлаганда гўёки чироқ,  
Улим барчасини этгуси барбод.  
Қора ранг — қабристон аломатидай,  
Оқ — ёруғ дунёнинг кароматидай.

Икки ранг ўртасида экан бу ҳаётимиз. Машраб ёруғ дунёни қора ранглардан — қабих кучлардан тозалаш учун, покдомон ниятлари амал топиши йўлида курашади: қора ранг — ёвуз кучлар чанғалида ҳалок бўлади. Демак, зулмат осонликча маҳв бўлади, ёруғлик ўз-ўзидан тантана қилаверади, деган пуч хаёлларга камроқ берилишимиз керак экан.

Ойбек домланинг 1936 йили ёзган «Машраб» деган шеъри бор. Ундаги «Сочлари патила, кўзлари хумор» деган сатрлар ҳамон эсимда. Уша йиллари сиёсатнинг қиличи чархланган кезлар; Машраб тўғрисида бадий асар у ёқда турсин, мақола ёзиб чиқара олмай юрганлар ҳам бор эди. Устознинг ўша кўркем шеърідан кейин на бирон-бир ҳикоя, на бирон-бир пьеса ёзилган эди. Ғафур Ғулом саҳна асари, яна қай бир шоиримиз дoston ёзмоқчили, деган узун-қулоқ гапларни эшитганлигим бор. Лекин уларнинг Машраб тўғрисидаги асарлари ёзилмади.

Машраб тўғрисида жудаям кўп латифалар, нақллар, ҳикоялар эшитганмиз. Айниқса бир нақл сираям хотирамдан кўтарилмайди. Эмишки, Машраб эрта саҳарлаб Мулло Бозор Охунд мактабига сабоққа борар экан; бир куни Мулло Бозор Охунд Машрабнинг отасига шикоят қилибди: «Ўғлингиз таҳсилга келмаяпти», деб. «Нечун, ахир у эрталаб мактабга деб чиқиб кетиб, кечкурун қайтиб келади-ку!» Бир кун Бобораҳимнинг ортидан кузатиб боришибди. Бобораҳим уйдан чиқиб ҳар гал мактабга — чап томонга бурилар экан. Бу гал негадир ўнг томонга бурилиб кетибди. Йўл тўппа-тўғри қабристонга олиб борибди. Қабристонга кирибдию, Бобораҳим дабдурустдан ғойиб бўлиб қолибди. Бориб қарашса, у бўш қабрнинг ичида ётган эмиш.

— Эй, бўтам, не қилиб ётурсиз бу ерда? — деб сўрабди Мулло Бозор Охунд.

— Устод, — дебди Бобораҳим, — бир томонимда оқлар, иккинчи томонимда қоралар ётибди. Айтинг-чи, менинг руҳим қай бирларига мансубдир?

— Эй, бўтам, буни оллоҳ таолодан бўлак ҳеч ким билмайди; мен бир ожиз бандаси бўлсам...

— Агар, мен юз йил отамга хизмат этсаму, ва лекин руҳим қораларда бўлса, қора кетаман. Мабодо юз йил отамни ранжитсаму, бироқ руҳим оқларда бўлса, охиратда оқ кетаман, — деб сўйлабди Бобораҳим. — Шундоқ экан, бунинг сир-синаотларини менга айтингиз, боисини тушунтирингиз.

— Бўтам, Сиз таҳсил даражасидан аллақачон ўтиб кетибсиз, — дебди Мулло Бозор Охунд ҳайратда. — Сизнинг сўровларингизга жавоб беришдан ожизмен. Энди Сизнинг сабоқ олишингиз зарурати йўқ.

Шундан сўнг Бобораҳим Қашқарга — Оппоқхўжа Эшон ҳузурига борадилар.

Машраб шахси ва тақдирига мени қизиқтирган яна бир нарса бор. Билсангиз керак, Европада ўта ноёб иқтидор эгаларини, болалигидан бошлаб ўта ҳайратомуз салоҳиятларини намоён этган кимсаларни вундеркинд дейишади. Машраб ана шундай бетакрор ва беназир салоҳият соҳиби эди. Афсуски, шу пайтгача Машраб шахсиятини холис, тўлиқ тушуна олганимиз йўқ.

Бобораҳим Машрабда шундай қараш бор. Танҳо Оллоҳ таолога сиғингум, дейди у. Шу боисдан ҳам «Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак, Иброҳимдан қолғон ул эски дўконни на қилай», деган сатрлар битади. Бу тахлит сатрлар гўёки шаккокликдек туюлиши мумкин. Каъбатуллоҳни Иброҳим Ҳалилуллоҳ бунёд этган. Мен Оллоҳ таолосиз Маккага бормаيمان, дейди у, аввало дилда Оллоҳ бўлсин, унинг шавқибодаси кўнгилни тўлдирсин. Кўнгилларда худо жо бўлмас экан, унинг шавқи дилларда жўш урмас экан, Каъбатуллоҳ бу Каъбатуллоҳ эмас, Иброҳимдан қолган эски дўкондан фарқи бўлмай қолади... Бу ерда ўз-ўзидан ёдинга Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Қалбингда Оллоҳ бор, Оллоҳга чекин!» сатри тушади.

Машраб шахси ва дунёқарашини безаган мана шу тахлит жуда катта фалсафа, ижтимоий маъно менинг ул зоти шарифга бўлган қизиқишларимни янаям кучайтирди. «Машраб» достонидаги қуйидаги мисралар шу жиҳатдан ҳам ўринлидай туюлади:

Мен бор эдим бу жаҳонда,  
Бор эди ёлғиз санам.  
Ўртамизда — ломаконда  
Қоврилар эрди ситам.  
Ўртамизда ҳеч нарса йўқ.  
Яъни бўлсин илоҳий,  
Пир нимадир, худди йиртик  
Қаландарнинг кулоҳи...

Кейин Машраб тўғрисида роман ёзишга киришмоқчи эдим. Бир неча саҳифа ёзганман ҳам. Лекин унга катта тайёргарлик кераклигини сезиб, тўхтатган эдим.

**Н. Раҳимжон.**

Балхда дор интизор бу дарбадарга,  
Қора ер бўлғуси сўнгги маскани.

Ҳаётда тегмиши шу сарбадорга,  
Аммо Навоий ҳам, Сино ҳам, яъни,  
Умр йўлларида ким топса маъни,  
Уша — сарбадордир, ва уни дорга  
Гар ўзи тортмаса, тортгуси риё,  
Ё замон, ё осмон, охири — дунё.

«Машраб» достонидаги ушбу фалсафий маъно Сизнинг ижодий ниятларингизга бир очкич вазифасини ўтаётгандек туюлади. «Машраб»дан кейин, назаримда, сарбадорлар ҳақидаги шеъринг ёки насрий асар битилиши керак эди, шекилли. Лекин «Гумбаздаги нур» достонингиз кетма-кет ва ҳатто бир пайтда юзага келди.

**М. Али:** «Машраб» — якка бир шахс тақдирига бағишланган асар. «Гумбаздаги нур»да эса бош қаҳрамон — бу халқ. Нимага эришадиган бўлса, халқнинг ўзи шунга етишади, деган фикр бор бу ерда. Озгина хотирангизга солсам, Гумбаздаги нурда биронта ҳам меъморнинг исми йўқ. Уша Гўри Амир гумбазида ва яна бошқа обидалар пештоқларида меъморларнинг муборак исмлари ёзиб қўйилган. Уларни атайлаб достонга киритмадим. Халқимизнинг меҳри-муҳаббати, назари — бу буюк яратувчи куч, деган маънони ифдаламоқчи бўлдим.

Сиз билан бизнинг фақат ғурурланадигангина эмас, шу билан баробар сиғинадиган жойимиз ҳам Гўри Амир. У санъат асари сифатида ҳам юксак. Уни халқимизнинг суянадиган ва сиғинадиган муқаддас, табаррук жойи сифатида қаламга олган эдим. Шу тариқа Гўри Амининг яратилиши тарихи билан қизиқдим. Боя айтиб ўтганим — Муҳаммад Султон тарихини билиб олдим. Гўри Амир бор, унинг ичида бобомиз Амир Темур бор. Шунинг учун достоннинг бир боби Амир Темурга бағишланган.

Достонда шоир тарих билан баҳсга киришади. У Темур исмли бола билан она юрт сарҳадларини айланади. Ва лекин, тезда кеч кириб қолади. Шоир Темур исмли боланинг қўлидан ушлаб хаёлларга — келажакка кетади. Ортида эса, Гўри Амир мақбараси.

Халқимизнинг бадий тарихи — бу умрлар, тақдирлар, ғурурлар тарихидир. Тарих хотирасининг муҳташам иморатига илк ғиштларни Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Мақсуд Шайхода сингари алломаларимиз қўйган, асос солган эди. Устозларга муносиб бўлиш, ўша иморатнинг қаддини кўтарадиган бирон-бир ғишт қўйиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.


**Н. Раҳимжон:** Олис сафарга чиққан одам ўқтин-ўқтин босиб ўтган йўлига қараб олади. Бу — йўлдан адашмаслик учун, ўнқир-чўнқирларда қўқилмаслик учун керак экан; бошидаги ёруғ юлдузларни кўздан йўқотмаслик учун, бир умр интиқ талпинган офтоб дабудурустан кўзларини қамаштирмаслиги учун ҳам зарур экан.

Муҳаммад Али ака, суҳбатимиз ҳам Сизнинг қутлуғ эллик ёшга тўлишингиз — муборак тўй арафасида кечаётир. Бундай файзли, бетакрор дамларда, одатда ижодкор аҳли ушалган ҳамда ушалажак ижодий ниятларини сарҳисоб қилишни, келгусида амалга оширажак, кўнглининг бир четига тугиб қўйган режаларини нурга йўғириб олишни маъқул кўради; табиатан бу нарсага кучли мойиллик ҳам сезади. Шу маънода Сизнинг кўнглингизни қандай ижодий ниятлар банд этган? Агар мумкин бўлса, бўлишсангиз. Бу нарса ўқувчилар учун ҳам қизиқарли ва мароқли.

**М. Али:** Мана, ўттиз йилдан ошаяпти, баҳоли-қудрат улў шеърятимизда, буюк адабиётимизда халққа манзур бирор СУЗ айтиш иштиёқида меҳнат қилаяпман, интилиб яшаяпман. Саъй-ҳаракатларим кўпроқ тарихга қаратилган. Олтинчи йиллар бошида ниш урган, учкун берган ушбу мойиллик кейинги йилларда катта бир «дардга», «касалликка» айланди. Бунинг давоси она халқ ўтмишини, Ватан тарихини янаям чуқурроқ ўрганиш, уни юксак билим ва савия билан холис ёритишга эришиш.

Ушбу йўналишда «Улуғбекфильм» студиясининг буюртмасига кўра машҳур тарихчи Бўрибой Аҳмедов ва кибернетик олим Шавкат Воҳидовлар билан ҳамкорликда икки қисмли илмий-маърифий — ҳужжатли «Мирзо Улуғбек» фильмининг сценарийсини ёзиб тугалладик. Фильм буюк бобомиз Мирзо Улуғбекнинг олти юз йиллик тўйига тайёр бўлади. Шунингдек, ана шу студия буюртмаси билан Мирзо Улуғбек ҳақидаги икки серияли бадий фильм сценарийсини ёзиш ишларини бошлаб юбордик. Бўрибой Аҳмедов, Шуҳрат Аббосов ва мен ушбу фильм матнини яратаяпмиз. Шуҳрат Аббосов уни экранга олиб чиқади. Ҳар қандай ижтимоий, сиёсий муҳитда ҳам намоён бўлган одабийлик хусусиятларини, ана шу фазилатларни тарбиялаган, юзага чиқарган халқимиз табиатидаги умуминсоний фазилатларни очиб бериш, кўрсатиш Мирзо Улуғбек шахси ва фаолияти орқали тажассум топади.

Яна бир насрий роман ёзиш ниятим бор. «Сарбадорлар» романининг давоми бўлиши керак, деган фикрни дўстлар ҳам, ўқувчилар ҳам кўплаб билдиришяпти. Маълумки, романда воқеалар 1366 йил билан якунланади. Орадан тўрт йил ўтгач, 1370 йили Амир Темур тахтга ўтиради. Миллат бутунлиги, дин покдомонлиги, имон саломатлиги учун яшаган, курашган Амир Темур роман марказида бўлади. Бош қаҳрамон Амир Темурнинг ҳам подшоҳ, ҳам саркарда, ҳам инсон сифатидаги буюклигию ожизликлари, худо юктирган нурли фазилатларию, ожиз бир банд сифатидаги нуқсонлари романда қаламга олинади. Яқин орада ёзишга киришмоқчиман.



Нуриддин Муҳитдинов

## 1983 ЙИЛДАГИ ИККИ УЧРАШУВ

(Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига)

1983 йил ноябрь ойи бошида мен Женевада эдим. Бу ерга биз Швейцария томонининг таклифига биноан икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш учун СССР Савдо-саноат палатаси вакиллари сифатида келган эдик. Белгиланган вазифалар деярли бажарилган, мезбонлар — швейцариялик ҳамкасбларимиз Вок ва Веран жаноблари бизга Швейцария бўйлаб автомобилда саёҳат қилишни таклиф этишди. Биз рози бўлдик. Мамлакатни айланиб чиққач, охири куни Альп тоғларига кўтарилдик. Швейцариянинг гўзал табиат манзаралари бизни мафтун этди.

Оқшом тоғдан тушгач, швейцариялик ҳамкасбларимиз бизни Женева кўлидаги сузувчи ресторанда меҳмон қилишди.

Шунда дастурхондаги хуштаъм винолардан энди бир қадахдан ичганимизда совет бош консулхонасининг ходими Смирнов секин ёнимга келиб, «Рашидов вафот этибди», деб пичирлади. Мен ҳайрон бўлиб:

— Нима деяпсиз?! — дедим.

— Рашидов вафот этибди, — деди у яна секин, — радиодан ўз қулоғим билан эшитдим.

Менда қаттиқ безовталиқ бошланган бўлса ҳам, даврадагиларга билдирмасликка, уларнинг яхши кайфиятини бузмасликка ҳаракат қилдим. Лекин иложи бўлмади, улфатларим ўзгариб қолганлигимни сезишди. Мен уларга қайғули хабарни айтишга мажбур бўлдим. Даврадагиларга Рашидов ва Ўзбекистон, марҳум билан ишлашган йилларимиз ҳақида гапириб бердим.

Мезбонлардан бири аллақердан қўлда кўтариб юрадиган кичик радиоприёмник топиб келди. Даврадагилар уни турли тўлқинларга олиб, Рашидов вафоти ҳақидаги хабарни радиодан эшитмоқчи бўлишди.

Рашидовнинг вафоти ҳақидаги хабарни Оврўпа ва Яқин Шарқдаги деярли барча радиостанциялар беришди. Аммо унинг вафоти сабаблари ҳақида турли радиостанциялар турлича хабар тарқатишди. Бири Рашидов ўзини-ўзи отди, деса, иккинчиси заҳар ичиб ўлди, учинчиси унга суиқасд қилишди, тўртинчиси автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлди, дейишарди.

Кейин менга маълум бўлишча, Рашидовнинг ўлими тўғрисида бундай ҳар хил гап-сўзларнинг тарқалишига Ўзбекистон ва Москва матбуотларидаги хабарлар сабаб бўлган экан. Рашидов вафоти ҳақида ёзилган таъзияномада «тўсатдан, бевақт вафот этди», деб ёзишган. Мана шу ноаниқлик чет элда ва мамлакатда ҳар хил миш-мишларнинг юзага келишига сабабчи бўлди.

Мен Женевада Рашидов вафоти сабаблари ҳақидаги турли-туман ахборотларни эшитиб хаёлим қочди. Уша йили мен Шароф Рашидович билан икки марта — май ва август ойларида учрашган эдим. Сўнги бор учрашганимизда у кўзимга жисмонан бардам кўринган, қиёфасида касаллик аломати сезилмаган эди. Ёш жиҳатидан ҳам ўртача ёшда эди. У нима бўлиб вафот этди экан, деган фикр хаёлимдан кетмай қолди.

Телефонда Париж орқали Тошкент билан боғландим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг навбатчиси мен билан сўзлашиб, Рашидов Қорақалпоғистонда вафот этганлигини, дафн маросими 2 ноябрь соат 12 га белгиланганлигини айтди. Дафн маросимида қатнашиб, у билан видолашиш ҳақида ўйладим. Лекин бунинг иложи йўқ — Женевадан Тошкентга етиб бориш учун вақт оз қолган эди. Бунинг устига ҳали швейцариялик ҳамкасблар билан ҳамкорлик тўғрисидаги бир нечта битим ва протоколга имзо чекишимиз керак.

2 ноябрда тайёранинг тунги рейсида учиб, 3 ноябрь кундузи Москвага етиб келдим ва аэропортдан тўғри Ўзбекистоннинг доимий ваколатхонасига бордим. Бу ерга келиб-кетаётган кишилар кўп эди. Ваколатхона бошлиғи Тошкентда экан. Мени унинг ўринбосари В. Тихомиров кутиб олди. У билан бошлашиб, ваколатхонанинг маросимлар зали тўрига қўйилган, гардиши қора лента билан ҳошияланган Шароф Рашидович портрети ёнига бориб турдим. Шунда беихтиёр у билан бирга ишлашган, юрган, турган, сўхбатлашган пайтларимиз кўз ўнгимдан ўта бошлади...

Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилгандан бери унинг Марказий Қўмитасига етти киши биринчи котиблик қилди: Владимир Иванов, Акмал Икромов, Усмон Юсупов, Амин Ниёзов, Нуриддин Муҳитдинов, Собир Камолов, Шароф Рашидов. Шароф Рашидович бу ҳамкасблари орасида энг узоқ ишлаган ва энг кўп эътиборга сазовор бўлган инсондир. Унга икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилди. Ленин мукофоти ва ўндан ортиқ Ленин ордени, яна бир қатор орден ва медаллар билан тақдирланди. Мана, энди бу одам йўқ.

Шароф Рашидович портрети ёнида қанча турганлигим ёдимда йўқ. Тихомиров секин тирсагимдан ушлаб: «Нуриддин Акрамович, одамлар кутиб қолишди», деганидан кейин ўзимга келдим. Ёнимга қарасам, Рашидов портрети ёнида фахрий қоровулда туришни истаганлар навбат бўлиб қолишибди. Унга бурилиб, эшик томон юрдим.

Уйга келсам, оиламдагилар ҳам воқеадан хабардор бўлишган экан. Рафиқам Мукаррам билан Тошкентга — Рашидовнинг уйига кўнгироқ қилиб, оиласига таъзия билдирдик. Унинг рафиқаси Хурсаной Шароф Рашидович қандай вафот этганлигини, ўлими арафасидаги аҳволини, айтган сўзларини гапириб берди. Жумҳурият раҳбарларига ҳам кўнгироқ қилиб, ўз таъзиямни изҳор этдим.

Уйда ўтириб рўзномаларда кенг тарзда ёзилган хабарларни — Шароф Рашидовнинг фаолияти ва хизматлари тўғрисида илиқ гаплар ёзилган таъзияномани ўқидим. Таъзияномага КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси аъзолари, вилоят қўмиталарининг биринчи котиблари ва

бошқа арбоблар — жами 35 киши қўл қўйган эди. Эртаси жумҳурият рўзномаларини олдик. Уларда Рашидов билан видолашув маросими кенг ёритилган эди.

«Совет Ўзбекистони» рўзномасида ёзилишича, дафн этиш комиссиясининг раиси Иномжон Усмонхўжаев мотам митингини очатуриб шундай деган:

«Доно ва катта тажриба эгаси бўлган улкан оғамиз, дўстимиз, ўртоғимиз энди йўқ, биз уни инқилоб ишига содиқлиги учун, мақсад йўлида ноёб курашчи, масъулиятни чуқур ҳис этувчи бўлганлиги, тенги йўқ камтарлиги учун илиқ севар эдик.

У оташин байналминалчи, содиқ коммунист-ленинчи эди. Унинг бутун ҳаёти партияга, халққа сидқидил билан хизмат қилиш намунасиudir...»

Мотам митингида нутқ сўзлаганларнинг ҳаммаси шу руҳда гапирган. Марҳумни қабрга қўйиш олдидан Вазирлар Кенгаши раиси Н. Ж. Худойбердиев сўнги бор видолашув нутқини сўзлаб шундай деган: «Биз доно раҳбаримиз, устозимиз, отамиз ва ўртоғимизнинг жасади олдида бошимизни эгамиз. Миннатдорлик билан тўлган қалбларимизда хотирангиз умрбод қолади, унутилмас Шароф Рашидов!»

Уни шаҳар марказидаги В. И. Ленин музейи рўпарасидаги хиёбонга зўр тантана билан дафн этишди. Бу ер 1917 йилгача Туркiston бош ҳарбий губернаторининг ташқари ҳовлиси бўлган.

Дафн этиш комиссияси аъзолари шу жойни танлаганликларини маълум қилишганда дафн маросимида қатнашган КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюроси аъзолигида номзод, КПСС МҚ котиби В. И. Долгих бунинг учун Москвадан рухсат олиш кераклигини айтган. Москвага кўнғироқ қилишганда:

— Тошкентда раҳбарлар дафн этиладиган қабристон борми? — деб сўрашган.

— Ҳа, бор, — деб жавоб беришибди.

— Рашидовни ҳам ўша қабристонга дафн этиш маъқулдир.

Лекин Ўзбекистон раҳбарлари ўз қарорларини тўғри ҳисоблаб, Рашидовни Ленин музейи рўпарасидаги хиёбонга дафн этишди.

Илгари бу жойга Йўлдош Охунбобоевни ҳам, Усмон Юсуповни ҳам дафн этиш масаласи муҳокама этилган. Кейин шаҳарнинг ҳар жойида ҳар бир кишига алоҳида қабристон очавериш тўғри бўлмаса керак, деган мулоҳаза билан Йўлдош Охунбобоев Кафанов номидаги майдондаги Биродарлар қабристонига, Усмон Юсупов эса Фаробий номидаги (Чифатой) қабристонга дафн этилганлар.

\* \* \*

Швейцарияда Альп тоғига чиққанимизда устим юпунроқ эди. Қорли чўққилар ёнига борганимизда ҳавонинг салқинлиги сезилиб, баданим бироз жунжиқкан эди. Шунинг асорати бўлса керак, уйга келганимда кечаси бирдан ҳароратим кўтарилди. Уйдагилар «тез ёрдам»ни чақирдишди. Дастлабки тиббий ёрдамдан кейин эрталаб ҳароратим бироз пасайди. Шундан кейин шифокорлар мени Мичурин кўчасидаги шифохонага олиб бориб ётқизишди. Бу ерда ўн тўрт кун даволандим.

Бир куни шифохона вестибюлига чиқсам, ўриндиқда ўтирган хушрўйгина, қора соч, қора кўз, ёш жувон ўрнидан туриб:

— Ассалому алайкум, Нуриддин Акрамович! — деди.

— Ваалайкум ассалом!

Жувон танишдай туюлди, лекин қаерда кўрганлигимни эслай олмадим. У буни пайқаб:

— Мени танимадингиз-а, — деди.

— Кўзимга таниш кўриняпсиз. Лекин қаерда кўрганимни эслолмаяпман.

— Мен — Тамараман, Қалимбек Камоловнинг қизи, Шароф Рашидовичнинг келиниман. Қорақалпоғистонга борганингизда уйимизда меҳмон бўлгансиз. Ушанда мен ёш қизча эдим...

— Бўлди, бўлди, ҳаммаси ёдимга тушди. Биз отангиз Қалимбек Камолович билан кадрдон дўст эдик. Отангиз, онангиз соғ-саломатмилар? Қайнотангиз вафот этиб, оилангиз бошига мусибат тушибди, таъзия билдираман.

— Раҳмат!

Тамара билан бироз суҳбатлашдик. У ақлли, маданиятли аёл экан, қайнотасининг сўнги кунлари, ўлими ҳақида гапирди.

Олдиндан шуни айтишим мумкинки, Шароф Рашидович билан бирга ишлашган йилларимиз баъзи бир масалаларни ҳал этганимизда турлича фикр билдирган, анча тортишган пайтларимиз бўлган. Лекин ўзаро муомаламиздаги лутф, бир-биримизга эътибор, иззат-ҳурмат ҳеч қачон ўртамиздан кўтарилмаган.

Шароф Рашидов иккимиз тенгдошмиз, у 1917 йил 6 ноябрда Жиззах шаҳрида, мен ўша йили 19 ноябрда Тошкентда туғилганман. У билан 36 йил мобайнида мустаҳкам алоқада бўлганимиз. Шундан саккиз йил мобайнида жумҳуриятнинг юқори раҳбар ташкилотларида ёнма-ён ишлаганимиз.

КПСС Марказий Қўмитасига ишга ўтганлигим муносабати билан 1957 йилда оилам билан Москвага кетдим. Шундан бери қаерда бўлмай ва қандай лавозимда



ишламай, байрамларда ва бошқа муҳим воқеалар муносабати билан иккимиз мунтазам бир-биримизга табрикномалар юбориб турганмиз. Мен ҳар гал командировка билан, йўл-йўлакай ёки отпускаи олиб Тошкетга келганимда албатта у киши билан учрашардик. Ҳатто менинг ташрифим дам олиш кунига тўғри келган бўлса ҳам, у барибир учрашув учун вақт топарди.

Шароф Рашидович билан биринчи марта 1947 йил октябрда учрашганмиз. Ушанда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг тарғибот бўлимида «Қизил Ўзбекистон» рўзномаси муҳарририятининг иши муҳокама қилинди. Рўзнома бош муҳаррири Ш. Рашидов маъруза қилди, текширишда қатнашганлар ва таклиф этилганлар музокарада иштирок этишди. Мен ўз нутқимда (бу пайтда Наманган вилоят партия қўмитасининг мафкура бўйича котиби бўлиб ишлардим) рўзнома чиқишларининг ижобий томонларини, шунингдек айрим мақолалардаги камчиликлар ва бўш томонларини таъкидладим, бир қатор таклифлар киритдим. Маърузачи сўнги сўзида фикрларимга қўшилганлигини маълум қилди.

1949 йилда Рашидов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси бўлиб ишлаётганида Наманганга борди. Мен бу пайтда вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлардим. Уч кун мобайнида биргаликда туманларда, жамоа ва давлат хўжаликлариди бўлди, тоғдаги яйловга бориб қимизхўрлик қилдик, Катта Фарғона каналида чўмилдик, вилоятдаги ёзувчилар ва зиёлиларнинг вакиллари билан учрашдик.

Кечкурун вилоят ижроия қўмитаси боғида иккимиз ёлғиз ўтирдик. У вилоятда бўлиши ва таассуротлари тўғрисида ҳаяжонланиб гапирди, абадий дўстлигимиз ва биродарлигимиз учун қадаҳ кўтарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси апрель (1950 йил) Пленумида иккимиз ҳам Марказий Қўмита бюро аъзоси этиб сайландик ва шу кун раҳбарлик лавозимларини эгалладик: у — жумҳурият Олий Кенгаши Раёсати раиси, мен Марказий Қўмитада мафкура бўйича котиб бўлдим.

Уша пайтда Москвада жумҳурият адабиёт ва санъати ўн кунлигини ўтказишга тайёргарлик кўриляётган эди. Ш. Р. Рашидов комиссия раиси, мен унинг муовини этиб тайинландим. Ун кунлик муваффақиятли ўтди, жумҳуриятнинг адабиёт ва санъатдаги ютуқлари юксак баҳо олди...

Баъзи масалаларда Шароф Рашидович билан қарашларимиз зид келган пайтлар ҳам бўлган. Мавриди келса, бу ҳақда кейинроқ яна ёзиш насиб этар, деб ўйлайман...

1956 йил 14—25 февраль кунлари КПСС XX съезди бўлди. Бу тарихий съезд бўлиб, шахсга сифинининг зарарли оқибатлари тўғрисида қарор қабул қилди. Шу съездда мен КПСС Марказий Қўмитаси Раёсати (Сиёсий бюро) аъзоликка номзод этиб сайландим.

Ўзбекистонга қайтгач, биз ғоят кескин масала — 1937—38-йилларда қатагон қилинган ўртоқлар ишларини қайта кўриб чиқиш билан шуғулландик. Махсус комиссия тузилиб, у ҳар бир делони батафсил ўрганиб чиқди, тегишли таклифлар ва ҳужжатлар тайёрлади. Уларни аввал котибият кўриб чиқар, сўнг Марказий Қўмита бюросида тасдиқланар, ана шундан кейин Иттифоқ раҳбар ташкилотларига тақдим қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг ташаббуси ва бевосита иштироки билан 1956—1958-йилларда илгари ўлкада ишлаб қатагон қилинган, турли миллатга мансуб бўлган талайгина партия, давлат ва жамоат ходимлари, зиёлиларнинг вакиллари оқландилар. Бир неча минг кишидан «халқ душмани» деган тамға олиб ташланиб, уларнинг кадр-қимматлари тикланди...

Мен Москвада бўлганимда, бош прокурор Р. А. Руденкога ва КПСС Марказий Қўмитасидаги масъул ўртоқларга Файзулла Хўжаевнинг ҳам пок номини тиклаш масаласига ижобий қарашимни айтдим.

Роман Андреевич Руденко ва Аверкий Борисович Аристов мени тушунишганини изҳор этиб, фикримга қўшилишди, ижобий қарор тайёрлашга ваъда беришди.

Файзулла Хўжаев ҳам А. Икромов сингари оқланди. Унинг онаси Райхон опа ва рафиқаси Маликахон сургунда вафот этишган эди. Иккинчи хотини Фотима ва қизи Вилоят қайтиб келишди.

Абдулла Қодирийни оқлаш масаласида ҳам жуда қаттиқ тортишув бўлди. Баъзилар Абдулла Қодирийни оқлашга қаттиқ қаршилиқ кўрсатаётганлиги сабабли ҳам мен Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби бўлатуриб, 1956 йил 3 ноябрда Марказий Қўмитага хат ёздим. 1956 йил 6 ноябрда бу мактуб тўрт ярим соат муҳокама қилиниб, унда баён қилинган Абдулла Қодирийга берилган баҳо, хулоса ва таклифлар маъқулланди. Шундан кейин ёзувчи ва олимлардан иборат уч комиссия тузилди. Мазкур комиссияларга ёзувчининг асарларини нашрга тайёрлаш вазифаси топширилган эди, бу иш ўз вақтида амалга оширилди.

1957 йил 16 декабрда КПСС Марказий Қўмитаси Пленуми бўлди. Унда Хрушчевнинг таклифи билан мени КПСС Марказий Қўмитаси котиби ва Раёсати (Сиёсий бюро) аъзоси этиб сайлашди. Эртасига Марказий Қўмита Раёсати мажлисида Н. С. Хрушчев менга Тошкентга учиб бориб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси раҳбариятини тузишда, жумладан, бошқа биринчи котибни сайлашда ёрдам беришни ва мунтазам яшаш ва ишлаш учун Москвага қайтиб келишни таклиф қилди. Кейин ким-

ни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби этиб сайлаш мумкин, деб қизиқди. Бу саволга тайёр эмасдим. Марказий Қўмита Бюро аъзоларидан бир нечтасининг, шу жумладан Ш. Рашидовнинг ҳам номини айтиб, буларнинг ҳар бири ушбу лавозимда муваффақиятли ишлаши мумкин, дедим. Сўзимни тинглагач, Н. С. Хрущев шундай деди: «Мен шахсан Рашидовни биламан, бошқалар билан умумий тарзда танишман».

Тошкентга 1957 йил 22 декабрь кечқурун келиб, аэропортдан тўғри Марказий Қўмитага бордик. Бюро аъзоларига Марказий Қўмита биринчи котиблигига кимни сайлаш кераклиги ҳақида ўзингиз ўйлаб кўринг, дедим. Эртага куннинг иккинчи ярмида бу масалани муҳокама қилишга тўпланишни таклиф қилдим. 28 декабрда Пленум чақиришга қарор қилинди. Биринчи котиб лавозимига номзод танлашга аралашмаслик учун ўша заҳоти Эски шаҳарда яшайдиган отамнинг олдида кетдим.

Эртаси куни соат 14.да Марказий Қўмитага бюро мажлисида қатнашиш учун келдим. Ўртоқлар ҳар томонлама муҳокама қилиб, Собир Камоловни Марказий Қўмита биринчи котиби, Мансур Мирзааҳмедовни эса жумҳурият Вазирлар Кенгаши Раиси этиб сайлаш тўғрисидаги таклифни Пленумда қараб чиқиш учун киритиш мақсадга мувофиқ, деб тан олинганини маълум қилишди. Ҳар икки номзод жумҳуриятда таниқли арбоблар, раҳбарлик вазифаларида узоқ вақт ишлаганликларини ҳисобга олиб, бюро аъзолари фикрини қувватладим. Хрущевнинг Рашидов ҳақидаги луқмасини айтганимда, уни ўша вақтдаги юқори лавозими — жумҳурият Олий Кенгаши Раёсати раиси лавозимида ишлайвергани маъқул дейишди.

Собир Камолович Камолов КПСС Марказий Қўмитаси қошидаги Олий партия мактабини тамомлаган, Қорақалпоғистон ва Фарғона вилоятлари партия қўмиталари биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси тармоқ котиби бўлиб ишлаганди, ўша пайтда жумҳурият Вазирлар Кенгаши раиси бўлиб ишлаётган эди.

Мансур Зиёевич Мирзааҳмедов эса партиядаги фаолиятини бошланғич партия ташкилотидан бошлаб, барча босқични босиб ўтган, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг кадрлар бўйича котиби, Андижон вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаганди. Ўша пайтда жумҳурият Вазирлар Кенгаши раиси биринчи ўринбосари эди.

Бюро мажлиси тугагач, Москвага қўнғироқ қилдик. Никита Сергеевич иш жойида йўқ экан, Раёсат аъзоси, ўша пайтда ташкилий ва ички партия ишлари билан шуғулланган КПСС Марказий Қўмитаси котиби А. И. Криченко билан боғландим. Унга Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси қарорини маълум қилдим. У менга Н. С. Хрущев грип билан оғриб қолди, уни безовта қилиш керак эмас, деди. Кейин қўшимча қилди: «Ҳамон сенга топширилдим, ўзбекистонлик ўртоқларнинг фикрларига қулоқ солавер».

27 декабрда жумҳурият партия-хўжалик активини ўтказиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт соҳасидаги 1957 йил якунларини муҳокама қилдик ва келгусидаги вазифаларни белгиладик.

Эртаси куни, 28 декабрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Пленуми бўлди. Уни Марказий Қўмита иккинчи котиби Р. А. Мельников очди ва у охиригача раислик қилди. КПСС Марказий Қўмитасига ишга ўтганлигим муносабати билан мени Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби ва бюро аъзоси вазифасидан озод қилишди. Кейин Р. А. Мельников Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси котиби М. А. Абдураззоқовга сўз берди. У Марказий Қўмита Бюро мажлиси бўлганлигини, унда ҳар томонлама муҳокама қилиб ва чамалаб кўриб, С. К. Камоловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби этиб сайлаш тўғрисидаги таклифни Пленумда қараб чиқиш учун киритишга қарор қилинганлигини маълум қилди. Кейин қисқача таржимаи ҳолини гапириб берди ва уни таърифлади. Овоз бериш йўли билан С. К. Камоловни сайлашди, ҳеч ким қарши чиқмади.

Шундан кейин М. А. Абдураззоқов С. К. Камолов ўрнига М. З. Мирзааҳмедовни Вазирлар Кенгаши Раислигига тавсия этишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги бюро фикрини маълум қилди. Бунга ҳам мулоҳаза, эътироз ёки бошқа бир номзодни айтишмади.

Пленум О. А. Алимов, Р. Ф. Фуломов, Т. Қ. Қамбаров ва С. Н. Нуриддинов ўртоқларни Марказий Қўмита Бюро аъзолари этиб сайлади.

Охирида, қисқача нутқ сўзлаб, биргаликда ишлаганлигимиз учун ташаккур билдирдим ва жумҳурият партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари олдида турган долзарб вазифаларга тўхталдим. Шу билан Пленум ўз ишини тамомлади. Ўша заҳотиёқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси Пленуми қарори тўғрисида КПСС Марказий Қўмитасига ахборот юборишди. У ерда маъқул топишди.

Куннинг иккинчи ярмида бизнинг ҳаммамиз Тошкент шаҳрида янги аэровокзал очилишида иштирок этдик.

1958 йил 5 январь кечқурун Москвага кетгач, эртаси куни КПСС Марказий Қўмитасига ишга бордим. Хонамдан Н. С. Хрущевга қўнғироқ қилдим. У учрашувни соат 12.00 га белгилади. Ҳузурига кириб, Ўзбекистондаги кадрлар алмашуви тўғрисида

гапура бошлагандим, сўзимни бўлиб, ахборотни ўқиганлигини айтиб, ўзининг айрим милоҳазаларини билдирди. Кейин деди: «Яхшилаб жойлашинг, шароитга кўникинг, ҳозирча аппарат иши билан танийшинг, бўлим мудирлари билан суҳбатлашинг, ким нима билан шуғулланишини билинг, кейин Сизнинг вазифаларингизни белгилаймиз».

15 ойдан кейин чет эл командировкасида қайтиб келиб, рўзномада Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси XI Пленуми бўлиб ўтганлиги ҳақидаги хабарни ўқидим. Пленумда етти йиллик план бажарилишининг дастлабки яқунлари қараб чиқилгач, С. К. Камоловни Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби вазифасидан озод қилиб, Ш. Р. Рашидовни Марказий Қўмита биринчи котиби этиб сайлашибди.

1959 йилда СССР Ёзувчилар уюшмаси раҳбарлари К. Федин, А. Сурков КПСС Марказий Қўмитаси маданият бўлими мудирини П. А. Поликарпов қабулида бўлишиб, асарлари Ленин мукофотига тақдим этилган ёзувчилар, шоирлар, драматурглар тўғрисида ахборот беришади. Улар Ёзувчилар уюшмаси раҳбарияти кимларни қўллаб-қувватлашни кўзда тутаетганлигини маълум қилишиб Ўзбекистондан Ленин мукофотига Ш. Р. Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романи тақдим этилганлигини таъкидлашибди. Асарни диққат билан ўрганиб чиқиб, бу роман юксак бадий қимматга эга эмас, унга мукофот бериб бўлмайди, деган фикрга келишибди.

П. А. Поликарпов КПСС Марказий Қўмитаси котибияти мажлисида мана шуларни айтди. Марказий Қўмитанинг барча котиблари ва иштирок этаётганлар Ёзувчилар уюшмаси раҳбарларининг Ленин мукофотини олиш учун номзодлари қўллаб-қувватланганларнинг шахсий таркиби ва Ш. Р. Рашидов номзоди қайтарилиши сабабларига қўшилишди. Шу ернинг ўзида менга шахсан Рашидовга қўнғироқ қилишни ва романини мукофот олишга қўйилганлар рўйхатидан қайтариб олишни тавсия этишни топширдилар.

Шароф Рашидовичга қўнғироқ қилдим. Ёзувчилар уюшмаси правлениеси ва КПСС Марказий Қўмитаси котибиятининг фикрларини очиқ айтмай, номзодини Ленин мукофоти лауреатлигига қўйиш тўғрисидаги материалларни қайтариб олишни тавсия қилдим.

Анча давом этган сукунатдан кейин Шароф Рашидович:

— Нима учун? — деб сўради.

Унинг иззат-нафсига ортиқча тегмасликка ҳаракат қилдим:

— Ҳозирги мавқеингиз, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби эканлигингизни ҳисобга олганда шундай қилганингиз маъқул, деган фикр бор.

— Ёзувчилар ташкilotининг ўзи кўриб чиқсин. Ушалар қандай қарорга келишса, шундай бўлади... — деди Шароф Рашидович.

КПСС Марказий Қўмитасидан ишдан кетишимнинг асосий сабаби шундаки, мен М. А. Суслов билан келишолмай қолган эдим. У КПСС Марказий Қўмитасининг мафкура комиссияси раиси, мен эса унинг муовини эдим. Иккимиз СССР Олий Кенгаши икки палатаси — у Иттифоқ Кенгаши, мен Миллатлар Кенгаши ташқи ишлар бўйича комиссиялари раислари эдик. Иш жараёнида биз у билан турли хил, айрим вақтларда мафкура, назария, сиёсатга доир принципиал масалалар юзасидан қарама-қарши фикрлар билдириб қолардик. Бундан ташқари, мен унинг иш услуби, фикрлаши, ақидапарастлигига кўникалмасдим. Икки марта бундай тортишувларимиз Марказий Қўмита Раёсатида муҳокама қилинган эди. Шундан кейин мен Никита Сергеевичдан Ўзбекистонга қайтарилишни сўраганман. Н. С. Хрущевни ҳурмат қилардим ва ҳозир ҳам ҳурмат қиламан. Унга катта ёшдаги ўртоғимиздай муносабатда бўлардим ва у менга — тақдирнинг тақозоси билан мамлакат раҳбариятининг олий табақаларига ишга келган, узоқ ўзбек кишлоғидан чиққан оддий бир кишига ёрдам берарди.

Н. С. Хрущевни ҳурмат қилиш билан бирга, турли вақтларда айрим йирик масалаларда шахсий фикримни билдирардим, бу унинг фикрига зид бўлар ёки ҳамиятига тегар эди.

Масалан, Хитой ва Албания билан муносабатлар, Жазоирга кўмак бериш, Сталинга нисбатан тадбирий чоралар кўриш, миллий сиёсат сингари муҳим масалалар МҚ Раёсатида муҳокама қилинганда қарор лойиҳаларини М. А. Суслов, А. И. Микоян, Ф. Р. Козлов тайёрлашган. Уларни Н. С. Хрущев маъқуллаган.

Раёсатда муҳокама вақтида мен шу ҳужжатларнинг айрим моддаларини ноўрин, деб топиб ўз фикримни айтдим. Икки-уч нафар Раёсат аъзолари ҳам танқидий фикрларни издор қилишди. Кенг муҳокама натижасида қисман ўзгартиришлар киритилди-ю, бироқ лойиҳалар қабул қилинди. Бу, айниқса, XXII съездга тайёргарлик ва съезд иши жараёнида кескин тус олди.

Съезднинг ҳужжатларини тайёрлаш учун бир неча комиссия тузилди. Шу жумладан, партиянинг Дастурини тайёрлаш билан бир гуруҳ кишилар шуғулланди. Булар орасида мен ҳам бор эдим. Суслов йигирма йилда коммунизм қурамыз, ҳамма миллатлар бирлашиб, ягона миллатга айланади, тил ҳам ягона бўлади, деган жумлани Дастур лойиҳасига киритди. Мен бу фикрга бутунлай қарши чиқдим. Айтдимки, СССРда 20 йилда коммунизм қуриб бўлмайди ва коммунизм қачон қурилишидан қатъи назар, миллатлар ва уларнинг тиллари қолади. Анча тортишув бўлди. Масалани комиссия ҳал қилолмагач, Марказий Қўмита Раёсатида муҳокама қилиш-

ди. У ерда аввал Сустовни, кейин мени тинглашди. Кўп тортишувдан кейин менинг миллатлар ва уларнинг тиллари ҳақидаги фикримни маъқуллаб, Сустов таклифи лойиҳадан олиб ташланди. Бироқ, Сустов, Козлов, Микоянлар қаердадир Хрушчев билан бирга ўтиришганида ўзаро келишиб, «Совет фуқоролари энди бир халқ — яъни совет халқи бўлишди», деган жумлани лойиҳага қўшишди.

КПСС Марказий Қўмитасида ишлаган йилларимда сездимки, Раёсат аъзолари орасида буюк давлат шовинизми кучли экан. Шу руҳдаги ишларни ўша вақтда КПСС Марказий Қўмитаси Раёсатида масалаларни ҳал қилишда алоҳида имкониятларга эга бўлган кишилар Сустов, Микоян, Козловлар амалга оширишга ҳаракат қилишар ва уларни кўпчилик Раёсат аъзолари қўллаб-қувватлашар эди. Бундай шароитда улар билан ишлашни — нотўғри миллий сиёсатни амалга оширишда иштирок этишни истамадим. Бу ҳақда Хрушчев билан иккинчи бор гаплашганимда у айтдики, бўлмаса, сени ҳозирги ишингдан озод қиламиз-да, СССР Вазирлар Кенгаши раисига муовин этиб тайинлаймиз, хоналаримиз Кремлда ёнма-ён бўлади, бирга ишлашда давом этамиз.

XXII съезд кунларидан бирида Хрушчев Ёдгор Насриддиновани ҳам Кремлдаги хонасига чақириб, «Айрим сабабларга мувофиқ Мухитдиновни Марказкомдан Вазирлар Кенгаши Раисига муовин қилиб ўтказиш ниятимиз бор», дебди.

Бироқ шундан кейин съезднинг сўнгги кунларидан бирида бир воқеа бўлди. Съезднинг навбатдаги мажлиси тугагач, Хрушчев Раёсат аъзоларидан Сустов, Козлов, Подгорний, Микоян, Шелепин ва мени ўз хонасига таклиф этиб: «Эртага Сталиннинг жасадини мавзолейдан олдириб, Новодевичье қабристонига кўмдириш тўғрисида съезд қарорини чиқарсак, нима дейсизлар?» деди.

Шунда мен:

— Никита Сергеевич, Сталин вафот этганида Сиз дафн этиш комиссиясининг раиси бўлган эдингиз. Уни Ленин ёнига қўйиш тўғрисида КПСС Марказий Қўмитаси, СССР Олий Кенгаши Раёсати ва Вазирлар Кенгаши қарор қабул қилган. Энди уни Новодевичье қабристонига элтиб кўмсақ, халқ бунга қандай қарар экан? — дедим.

Иккинчидан, бизнинг мусулмон ва умуман Шарқ халқлари одатида марҳумни ёмонлаш, унинг жасадини сарсон қилиш хунук иш саналади. Марҳумнинг нотўғри ишларини тузатиб, ишни давом эттириб кетавериш керак. Ҳатто бизда одамлар саҳрода кетаётган бўлсалар ҳам, нотаниш қабри кўриб қолсалар тўхтаб, фотиҳа ўқийдилар. Сталиннинг жасадини Новодевичье қабристонига элтиб кўмиш яхши иш бўлмаса керак, дедим.

Гапга Микоян аралашди:

— Сен ҳозир, айниқса партия съезди бўлаётган бир пайтда мусулмонча урф-одатларингни тикиштирма, Сталин — нажас, уни Лениннинг ёнидан олиш керак.

— Менимча ҳам Сталиннинг жасадини Новодевичье қабристонига олиб бориб кўмиш тўғри бўлмайди, — деди Шелепин. — У ердан унинг жасадини грузинлар ёки бошқа одамлар бир кечада махфий олиб кетишса, бутун дунёга шарманда бўламиз.

— Бўлмаса қаерга кўмамиз? — деди Хрушчев.

— Мавзолейнинг орқасида Сталин билан ишлаган кишилар — Калинин, Дзержинский, Жданов ва бошқалар ётибди. Ушларнинг ёнига кўмилса маъқул бўлар, — дедим мен.

Бу фикрга кўпчилик қўшилди.

Кечқурун уйга қайтиш олдидан Козлов қўнғироқ қилди. У билан қўшни эдик.

— Ишингни тамомладингми, уйга қайтасанми?

— Қайтаман.

— Пастга туш, менинг машинада бирга кетамиз.

Машина йўлга тушганида Козлов:

— Жуда чарчадим, истасанг, сен билан озгина ичгим бор, — деди.

Мен рози бўлдим:

— Жуда яхши, бизникига борамиз. Ичгандан кейин палов ейиш керак.

— Йўқ, — деди Козлов, — узоқ ўтираолмайман. Яхшиси, бизникига кирайлик, Катя бирон егулик тайёрлаб қўйгандир.

Унинг уйда ўтириб, бир қадахдан ичиб, тамадди қилганимиздан кейин, Козлов костюмининг ички чўнтагидан бир қоғоз олди-да, деди:

— Хрушчев билан бир фикрга келдик. Эртага съездда Сталиннинг жасадини мавзолейдан олиш ҳақида Подгорний маъруза қилиб, съезд қарорини лойиҳасини ўқиб беради. Уни муҳокама қилиш мўлжалланяпти. Биринчи бўлиб сенга сўз берилади, Ўрта Осиё халқлари номидан гапириб, Сталиннинг жасадини мавзолейдан чиқариб ташлаш ҳақидаги таклифни маъқуллайсан. Кейин Кавказ халқлари номидан Мжаванадзе, рус халқи номидан Спридонов, украин халқи номидан Кальченко ва бошқалар гапиришиб, қарор лойиҳасини маъқуллашади.

— Аввало, Ўрта Осиё халқлари номидан гапириш ваколатини менга ҳеч ким бермаган, — дедим мен. — Ўзинг ўйлагин, мен гапирсам-ку, залдан бирон-бир одам

туриб: «Сизга ким ваколат берди?» деб қолса нима деб жавоб қиламан? Қолаверса, биласанки, ҳозир мен Марказқўмда Урта Осиё билан эмас, бошқа масалалар билан шуғулланяпман. Бундан ташқари съездда гапирдим, раислик қилдим, учта комиссияга аъзо бўлиб, ишида иштирок этдим. Ана, Урта Осиёдан келиб, съездда иштирок этаётган делегатлар бор, ўшаларнинг бошлиқларидан биронтаси гапирса яхши бўларди.

— Айёрсан, Нуриддин, — деди Козлов жилмайиб.

— Сен мендан уч карра айёрроқсан, — дедим унга қараб.

— Фикрингни ҳозир телефонда Хрушчевга айтаман, — деб у ўрнидан турди.

— Жуда яхши.

Шундан кейин мен Катяга раҳмат айтиб чиқиб кетдим.

Эртаси съезднинг эрталабки мажлиси очилиши билан кун тартибида бу масала бўлмаганига қарамасдан, раислик қилувчи Подгорнийга сўз берди. У юқорида айтганимиздек, 15—20 минутча гапирди ва Сталиннинг жасадини мавзолейдан олиш ҳақидаги қарор лойиҳасини ўқиб берди. Тўрт-беш киши сўзга чиқиб, уни маъқуллашди ва очиқ овоз билан Сталин ҳақидаги қарор қабул қилинди.

Сўзлаганлар орасида Мжаванадзе йўқ эди. Кейин билсам, шамоллаб, овози бўғилиб қолганлигини баҳона қилиб, сўзлашдан бош тортибди.

Соат 2 да Пленум очилди. Унда Марказий Қўмитанинг биринчи котиби, МҚ котиблари, Раёсат аъзолари сайланди. Эски составдан беш киши — котиблар ва Раёсат аъзоларининг, жумладан, менинг ҳам номимни Хрушчев айтмади. Бу масала муҳокама ҳам қилинмади, мен ҳам Пленумда гапирганим йўқ. Пленум қарорларини эълон қилиш ва съездни якунлаш учун съезднинг охириги мажлиси очилди. Унга мен бормадим.

Ш. Рашидов Марказий Қўмита Раёсати аъзолигига номзод қилиб сайланди.

• • •

1983 йил 23 ноябрда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг 1227-қарори эълон қилинди. Мазкур қарорда шундай дейилган эди:

«1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашига Тошкент шаҳридаги «Ўзбекистон» кўчасини Шароф Рашидов номидаги шоҳ кўча деб қайта номлаш топширилсин.

Тошкент шаҳар Герман Лопатин кўчасидаги 68-уйга ва Самарқанд Давлат дорилфунуни биносига Ш. Р. Рашидовнинг хотираси учун ёдгорлик лавҳалар ўрнатилсин.

Тошкент тўқимачилик комбинатига, Жиззах шаҳридаги вилоят кутубхонасига, Қорақалпоғистон АССР Қораўзақ туманидаги «Маданият» давлат хўжалигига Ш. Р. Рашидов номи берилсин.

Ш. Р. Рашидов қабри устига ёдгорлик қурилсин.

2. СССР Денгиз флоти вазирига қурилаётган кемалардан бирига Ш. Рашидов номи бериш топширилсин.

КПСС МҚ Бош котиби  
Ю. Андропов

СССР Вазирлар Кенгашининг  
Раиси

Н. Тихонов»

Бундан ташқари жойларда унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида кўплаб ҳар хил тадбирлар амалга оширилди.

Лекин орадан ярим йил ўтгач, бу қарор ҳам, Рашидов шаънига айтилган илиқ-иссиқ гаплар ҳам унутилди. Рашидовни тириклигида ҳам, вафот этганда ҳам алқаган, осмонга кўтариб мақтаганларнинг ўзи уни биринчи бўлиб ёмонлашни бошлаб беришди. Унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони бериш, Ленин мукофоти бериш тўғрисидаги фармон ва қарорлар бекор қилинди.

1984 йилнинг ёзида биз (СССР Савдо-саноат палатаси вакиллари) Польшанинг Познань шаҳридаги халқаро кўргамада бўлган эдик. Шу ерда «Правда»нинг янги сонини олиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг XVI Пленуми тўғрисидаги ҳисоботни ўқидим. Унда жумҳуриятдаги қонунчиликни қўпол равишда бузиш, кадрлар сиёсатини издан чиқариш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш, пахтачиликдаги қўшиб ёзиш, алдамчилик, порахўрлик каби нуқсонлар тўғрисида гапирилганди.

Кейинчалик мен Москвада шу пленумнинг стенографик ҳисоботи билан ҳам танишиб чиқдим. Унда нутқ сўзлаб, Рашидовни ёмонлаган 20 кишидан 14 нафари у ҳақдаги таъзиянома остига қўл қўйган, Рашидов билан бирга кўп йиллар қўлни қўлга бериб ишлаган кишилар эди. Уйлаб туриб, ёқангни ушлагинг келади. Бу кишилардан ўн нафари кейинчалик пора олган ва пора берган деган тўхматлар билан қамалишди.

Кўп ўтмай Москвада КПСС МҚда Ўзбекистонга бағишланган махсус йиғилиш бўлди. М. С. Горбачев раислигида очилган бу йиғилишга Марказқўмнинг деярли барча аъзолари, ҳукумат, иттифоқ вазирликлари, маҳкамалари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ахборот воситаларининг раҳбарлари тақлиф этилди. Кенгашда Е. К. Лигачев маъруза

қилиб, Ўзбекистондаги ишларда шундай ёмон таъриф бердики, ҳамманинг руҳи тушиб кетди. Жумладан, у жумҳуриятда кадрларни танлаш ва тарбиялаш тартиби издан чиққанлиги, порахўрлик, давлат хизматидаги одамларни сотиб олиш, лавозимни сотиш, қўшиб ёзиш, фирқа Уставини, Конституцияни бузиш ҳоллари одатий ҳодисага айланганлиги тўғрисида гапирди.

Лигачев Марказқўм бўлимлари, вазирликлар, маҳкамалар раҳбарларини Ўзбекистонда бўлаётган воқеаларга эътиборсизлик билан ёндошганликда, келган шикоятларни оқибатсиз қолдирганликда айблади.

Шунда мен беихтиёр Рашидовни, у билан 1983 йилнинг майидаги учрашувимизни, ундан аввал ўзим гувоҳи бўлган воқеаларни ўйладим. Очиғи, XVI Пленумдаги ва ундан кейинги нохуш гапларнинг шабадаси менга бироз илгарироқ, Рашидов ҳаётлигида маълум бўлган эди.

1982 йилнинг бошида менга ўша пайтда СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси раси бўлиб ишлаётган Ю. В. Андропов кўнғироқ қилди. У соғлигимни, ишимни, оиламининг аҳволини сўрагач:

— Нуриддин, эртага бир олдимга келиб кетолмайсанми? Сен билан суҳбатлашмоқчиман, — деди.

— Ҳўп, қай пайт борсам бўлади?

— Эрталаб соат тўққизда кутаман.

Юрий Владимирович билан биз эски кадрдон эдик. Мен КПСС Марказий Қўмитасига котиб бўлиб ишларим йилларим Андропов Марказий Қўмита бўлим мудури эди, иш соҳасида бир-биримизга боғланган эдик. У ўша пайтдаёқ ишчанлиги, фикри кенглиги, узоқни кўра билиши билан ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган эди.

Эртаси куни қабулига бордим. У мени самимий кутиб олиб, яна ҳол-аҳволимни сўради. Кейин ўйланиб туриб:

— Нуриддин, Ватанинг бетинч-ку, хабаринг борми? — деди.

— Йўқ, хабардор эмасман, нима бўлибди?

— У ерда аҳвол яхши эмас, — деди Юрий Владимирович. Кейин яна саволга тутди:

— Рашидов қанақа одам, мен уни яхши билмайман.

— Шароф Рашидович яхши одам. Кўп йиллардан бери Ўзбекистонни бошқариб келаётган тажрибали раҳбар. Жумҳуриятда анчагина яхши ишлар қилган, қияпти.

— Уз юртдошингни ҳимоя қиялпсан, — деди Юрий Владимирович жилмайиб.

— Бу чин сўзим, — дедим ишонч билан.

Юрий Владимирович селектр орқали бир кишига мурожаат қилиб, «Рашидов папкаси»ни олиб кириб, деди. Орадан икки-уч дақиқа ҳам ўтмай хонага чекка сочлари оқарган, ёши элликлардаги одам қўлида папка билан кириб келди. Биз билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, менинг рўпарамга ўтирди.

— Папкангиздаги ахборотлардан Нуриддин Акрамовичга ўқиб беринг, — деди Юрий Владимирович.

Ҳалиги одам папкадаги қоғозларни бирма-бир олиб, овоз чиқариб ўқий бошлади. Булар ҳаммаси Ўзбекистондан юборилган маълумотлар бўлиб, уларда гап жумҳуриятдаги раҳбарлик бўғинларида ишлаётган кадрларнинг порахўрлиги, қўшиб ёзиш билан шугулланаётганликлари, давлат мулкини талон-торож қилаётганликлари кабилар ҳақида борарди.

Ходим маълумотларни 25—30 минут ўқигач, Андропов: «Бас қилинг», деди. Кейин менга ўғирилди.

— Қалай, энди нима дейсан?

— Мен, очиғи, Ўзбекистондаги ҳозирги аҳволни яхши биламан, деб айтолмайман. Лекин бу ердаги гаплар бирорта нуфузли комиссия аниқлаб, тасдиқлаган фактларга ўхшамайди. Ўзбек халқининг ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, виждонлилиги, меҳмондўстлиги ҳаммага маълум. Иттифоқ олдидаги вазифаларини доим бажариб келган. Шунинг учун халқ устидан бундай салбий гаплар юргизилишини ҳақорат деб биламан. Рашидовга келсак, юқорида айтдим, унинг раҳбарлиги вақтида Ўзбекистонда барча соҳаларда кўп яхши ишлар қилинди. Шу билан бирга, иш жараёнида у ҳам ўзига хос камчиликларга йўл қўйган бўлиши мумкин.

Кейин араблар билан Исроил ўртасидаги можаро ҳақида суҳбатлашдик. Шу билан суҳбатни тамомлаб, хайрлашдик.

1982 йил 10 ноябрда Л. И. Брежнев вафот этди. КПСС МҚнинг 1982 йил 12 ноябрда бўлган навбатдан ташқари Пленуми Ю. В. Андроповни КПСС Марказий Қўмитасига Бош котиб этиб сайлади.

Орадан бир неча кун ўтгач, мен унга кўнғироқ қилиб, янги лавозим билан табрикладим. У саломлашиб, ҳол-аҳволимни сўради. Гапининг охирида: «Биз сен билан яқинда учрашамиз, ўзим сени чақиртираман», деди.

Ҳақиқатда, 1983 йил январь ойида Андропов мени ҳузурига чақирди. У билан анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Кейин Юрий Владимирович қўлимга катта папкани тутқазиб:

— Илгари сен бошқа маълумотлар билан танишган эдинг, энди КПСС Марказий Қўмитасига келган шикоят хатларни кўриб, чиқ, — деди.

— Материал кўп-ку, бу ерда ўтириб ўқисам Сизнинг вақтингизни оламан.

— Бунинг иложини қиламиз.

Юрий Владимирович ўрнидан турди-да, мени тўрдаги дам олиш хонасига бошлади.

— Шу хона сенинг ихтиёрингда. Бемалол ўтириб ўқийвер.

Хатлар билан танишдим. Шикоятларни Ўзбекистонда турли соҳаларда меҳнат қилаётган айрим кишилар ёзишган экан. Гап яна ўғирликлар, порахўрликлар, оммавий кўшиб ёзишлар, оддий меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш ҳоллари ҳақида эди.

Хатлар билан танишиб бўлгач, Юрий Владимировичнинг олдида чиқдим.

— Таассуротларинг қандай? — деди у.

— Мен бу шикоятларнинг ҳаммаси ҳам тўғри деб ўйламайман. Сабаби, шикоят ёзган раҳбар ходимларни қисман танийман. Ўзбекистонда бу хатларда ёзилганидек даҳшатли фожиалар рўй беришига ишониб бўлмайди, — дедим.

— Хўш, сен нимани таклиф қиласан?

— Буни ўйлаб кўришим керак.

Андропов селектр орқали Лигачевга деди:

— Олдимда Нуриддин Муҳитдинов ўтирибди. Анча суҳбатлашдик. Савдо палатасида шунча дам олгани етар, энди биз билан бирга ишласин. Червоненко ва бошқа ўртоқлар билан маслаҳатлашинглар-да, Муҳитдиновдан ўзига лойиқ лавозимларда фойдаланиш ҳақида таклиф киритинглар.

Юрий Владимирович шундан кейин дераза томонга қараб бироз жим турди-да, деди:

— Мен мамлакатни жуда яхши биламан, деб айта олмайман. Лекин менга шу нарса аниқки, мамлакатда тартиб-интизом бўшашиб кетган. Шундан келиб чиқиб, бир иш қилмоқчиман, нима дейсан?

— Нима экан?

— Учта нарсани: тартибни, интизомни, қонунчиликка риоя қилишни маҳкам ушламоқчиман.

— Тўғри иш бўлади бу.

— Мен бу ҳақда халқ олдида сўзламоқчиман. В. В. Гришин мени бир заводга олиб бораман, деб қўймапти. Уша заводга бориб, ишчилар олдида шу хусусда гапирмоқчиман.

Шундан кейин биз Юрий Владимирович билан хайрлашдик. Ҳақиқатда, у Лихачев номидаги заводда бўлиб, ишчилар билан бўлган учрашувда нутқ сўзлади. Бу нутқ Бутуниттифоқ телевидениеси ва радиоси орқали эшиттирилди. Эртаси барча марказий рўзномаларда чоп этилди.

1983 йил май ойида Тошкентда Иттифоқ бўйича экспортга сотилаётган пахта сифати ҳақида кенгаш бўлди. Мен Ҳиндистондан қайтиб келаётиб, Тошкентда тўхтаб, шу анжуманда иштирок этиб, нутқ сўзладим.

Кенгаш тугагач, жумҳурият Савдо-саноат палатаси раиси Ж. Илҳомова билан бирга Ш. Р. Рашидов қабулида бўлдик. Расмий гаплар тугагач, Рашидов Илҳомовага рухсат берди. Менга эса «Сиз қолинг, гап бор», деди. Хонада иккимиз қолганимизда, у:

— Нуриддин Акрамович, менинг аҳволим жуда оғир, — деди.

— Нима бўлди?

— Мени бир неча кун илгари Москвага чақиринди. Лигачев олдимга Ўзбекистондан борган бир папка шикоят хатларни қўйиб: «Нега Ўзбекистонда бундай аҳвол юзага келди?» деди. Анча тортишдим. Охири, майли, ишимдан қаноатланмаётган бўлсанглар, пенсияга чиқиш учун ариза ёзишим мумкин, дедим. У рози бўлди. Кейин пахтанинг аҳволи яхши эмаслигини ўйлаб, икки ойга рухсат сўрадим. Шунга сиз нима дейсиз? Ҳеч дардлашадиган, юрагини ёзадиган одамим йўқ. Уй ўйлаб охирига етолмаяпман...

— Бу шикоят хатлари билан мен ҳам танишман. Андропов ҳузурига чақириб кўрсатган. Унга нима дейишимни билолмай қолганман. Сиз ҳамон ариза ёзишга ваъда берибсиз, демак, бу амалга ошадиган нарса. Менимча, Шароф Рашидович, Марказий Қўмита Пленумини ўзингиз ташаббус кўрсатиб чақиринг-да, барча камчилик ва нуқсонлар ҳақида ошкора гапиринг. Ахир, Сиз бу камчиликларни бир ўзингиз қилмаганиз-ку, атрофингизда Сиз билан бирга бир неча йиллардан бери ишлашиб келаётган кишилар бор... Сиз шу йўсинда фаолиятингизга баҳо олинг. Ишонаманки, жумҳурият кадрлари орасида етук кишилар оз эмас, улар йўл қўйилган камчиликлар билан бирга, сиз қилган яхши ишларни ҳам гапиришар ва фаолиятингизга одилона баҳо беришар.

— Таклифингиз яхши. Фақат бу ишни кузда, пахта плани тўлганидан сўнг қилсаммикан, деяпман.

— Буёғини ўзингиз биласиз.

Шундан кейин мен дедим:

— Жумҳуриятдаги ҳозирги аҳволга ўзингиз қандай баҳо берасиз?

— Камчиликларимиз бор, аммо айрим шахслар марказга ёзаётган даражада эмас.

— Шароф Рашидович, ўртамизда дилдан сўхбат бўлаётгани учун баъзи бир нарсаларни сўрасам хафа бўлмайсизми?— дедим.

— Йўқ, бажонидил эшитаман, барча саволларингизга жавоб беришга тайёрман.



— Эллигинчи йилларда мамлакатда ҳокимият тепасига Хрущев келганидан кейин, унинг олдига бир неча марта илтимос билан кириб, пахта, пилла, қоракўл тери ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини анча оширган эдик. Нимага Сиз 1960 йилда КПСС Марказий Қўмитаси Президиумида, Ўзбекистон деҳқонлари тўқ, фаровон турмуш кечиришяпти, жамоа ва давлат хўжаликлари бойиб кетди. Энди Иттифоқ давлатига ёрдам бериш учун пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархини бир неча миллиард сўмга арзонлаштирмақчимиз, дедингиз? Бу фикрингизга Президиумда Косигин, Игнатов ва мен қарши чиқдик, бошқалар эса маъқуллашди. Шунга қарамасдан, сиз бу таклифингизни Пленумда ҳам такрорладингиз, залдагилар қарсак чалишди, сизни байналмилалчи, деб мақташди. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳосини арзонлаштириш ҳақида қарор қабул қилинди. Натижада Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига зарар етказилди.

Рашидов шундай деди:

— Мени бунга Никита Сергеевич мажбур қилган. У, ҳозир Қозоғистон ва Россиянинг жанубидаги бўз ерларни ўзлаштиряпмиз. У ерлардан олинадиган ғалла ва гўштининг бир қисми Ўзбекистонга берилади. Сизлар бой яшаяпсизлар, бизга ёрдам беринглар, деб қўймаган.



— Николай подшонинг даврида ҳам пахтакор ва қоракўлчиларга, уларни кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга қизиқтириш учун ғалла, чой, қанд, газлама, ҳар хил қишлоқ хўжалик машина ва ускуналари биринчи навбатда берилган. Бундан ташқари пахта экилган майдонлардан ер солиғи олинмаган.

Совет давлатининг дастлабки йиллари шахсан Лениннинг назорати остида бу ишлар давом эттирилди. Уруш йиллари ва ундан кейин Сталиннинг буйруғи билан пахтакорлар ва чорвадорлар ўз маҳсулотлари эвазига (отоваривание йўли билан) ғалла, газлама, ёғ, совун, қанд ва бошқа зарур маҳсулотлар билан кафолатли таъминлаб турилганлар. Нима учун Сиз Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига биринчи котиб этиб сайланганингиздан кейин бир неча йил ўтгач, қишлоқда мол айрибошлашнинг энди кераги йўқ, жамоа ва давлат хўжаликлари бунга муҳтож эмас, деб КПСС МҚга хат ёздингиз. Марказда бу ташаббусингизни ҳам мақташди, Сизга орден беришди. Хўжаликларга ва деҳқонларга эса катта моддий зарар етказилди.

— Тўғри, бу иш хато бўлди. Мен тажрибасизлик қилиб, ўзимиздаги мутахасссларнинг сўзига кирибман. Иттифоқ манфаатини кўп ўйлабман-у, ўз манфаатимизни ўйлабман.

Шароф Рашидович бу гапларни эзилиб, изтироб билан айтди ва узоқ жимиб қолди.

— 1956 йилда Марзачўлда яна 300 минг гектар ер ўзлаштириш учун 4 миллиард 200 миллион сўм, кейин яна 600 миллион сўм олдик, — дедим мен. — Қозоғистон, Тожикистон раҳбарлари билан биргаликда Мирзачўлни ўзлаштиришнинг ягона дастурини туздик. Бундан асосий мақсад пахтачилик, чорвачилик, сабзавотчилик ва мевачиликни янада юксалтиришдан ва марказнинг хом ашё базаси бўлиб қолишга чек қўйиб, барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўзимизда тўла қайта ишланишига эришишдан иборат эди. Бу мақсадимизни Хрушчев, Косигин, Булганин, ўша пайтдаги иттифоқ Госплани раиси Байбаков, молия вазири А. Г. Зверьев маъқуллашган эди. Натижада 1956 йил 6 августда КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Вазирлар Кенгашининг Мирзачўл ерларини ўзлаштириш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу қарорда 34 та давлат хўжалиги ва 34 та завод қуриш белгиланган эди. Бунда давлат хўжалиги ва завод бир жамоа қўлида бўлиши, яъни жамоа ва давлат хўжаликлари ўзлари тайёрлаган маҳсулотга ўзлари ишлов бериб, тайёр маҳсулотни ўзлари сотишлари режалаштирилган эди. Масалан, пахта етиштирган хўжалик уни тола, чигит, кунжара ва ёққа айлантириб, бемалол сотавериши мумкин эди. Нега шу режа, Тожикистон ва Қозоғистон жумҳуриятлари билан маслаҳатлашмаган ҳолда бузилди? Оқибатда Ўзбекистон илгари қандай хом ашё базаси бўлган бўлса, шундайлигича қолиб келаяпти.

Рашидов яна оғир сукут сақлади-да, деди:

— Иттифоқ енгил саноат, қишлоқ хўжалик вазириликлари саноат ва қишлоқ хўжалигида шу пайтгача мавжуд бўлган тартиб ўзгармагани маъқул, акс ҳолда марказий шахарлардаги мавжуд ва қурилаётган саноат корхоналари хом ашёсиз қолиши мумкин ёки уларга чет элдан валюта сарфлаб хом ашё сотиб олишга тўғри келади, деб туриб олишди. Биз, қарорни бажаринглар, десак, заводлар қуриш учун асбоб-ускуналар етишмайди, дейишди. Шу билан бу масала қолиб кетди. Тушунман, етарли талабчанлик қилмадик. Энди эса бу хатоларни тузатиш керак,— деди.

(Шу ўринда бир нарсани айтиш керак. Ҳозир мустамлакачилик сиёсати ва марказ зўғуми ҳақида очиқ-ойдин гапирилаяпти. Ўзбекистонни хом ашё манбаига айлантириш ва шу ҳолда ушлаб туриш ўша даврнинг устамон сиёсати бўлган. Бу сиёсатга қарши бориш Рашидовнинг ҳам имкони даражасида булмаган. Шароф Рашидович гарчанд «талабчанлик қилмадик», деб айбни ўз зиммасига олаётган бўлса ҳам марказ иродасига қарши бориш жуда мушкул эди).

— Нуриддин, дўстим, — деди Шароф Рашидович, — Ўзбекистонга қайтиб келинг, фаолиятимизнинг охирида яна бирга бўлайлик...

— Бу гапни менга 1976 йилда ҳам айтгандингиз-ку. Мен Сизнинг гапингизга биноан элчиликдан озод этишлари ҳақида Брежневга ариза ёздим. Кейин эса бу масала амалга ошмади.

— Оғайни, мени ҳам тушунинг, — деди Шароф Рашидович ўйланиб, — иккимизнинг бирга ишлашимизга қарши кишилар Тошкентда ҳам, Москвада ҳам бор.

— Ҳозирги шароитда менинг Ўзбекистонга қайтиб келишимни ҳамма ҳам тўғри тушунмас, — дедим мен. — Бунинг устига, Марказий Қўмита Пленумини чақириб, барча камчилик ва нуқсонларни ошқора муҳокама қилсанглар, мен унда иштирок этиб нима ҳам дейишим мумкин? Жумҳуриятдан чиқиб кетганимга анча йиллар бўлди, бу ердаги аҳволни яхши билмайман, кўпгина кадрларни бевосита танимайман. Шунинг учун ўзингиз биринчи сиёсий раҳбар сифатида яна бир иродангизни кўрсатиб, юқоридан қарор ёки буйруқни кутиб ўтирмай, Марказий Қўмита Пленумини чақириб, ҳаммасини очиқ-ойдин гапириб, тегишли чора-тадбирларни белгилаш йўлига ўтсангиз маъқул бўларди. Раҳбар ходимлар йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни ўзлари тузата олишларига ишонаман.

— Раҳмат, дўстим Нуриддин, очиқ-ойдин айтган бу гапларингизни ўйлаб кўраман, — деди Шароф Рашидович. Кейин сўради: — Бу йил отпуска қилдингизми?

— Йуқ, августда чиқибди мўлжаллабман.  
— Қаерда дам олмақчисиз?  
— Урушда яраланган оёғим тез-тез оғрияпти. Бирон-бир санаторийда оёқни даволатсамми деяпман.  
— Узимизнинг Чортоқ яхши, болалар билан шу ёққа келинг.  
— Шундай қилсам ҳам бўлади.

Рашидовнинг таклифига биноан августда оилам билан Чортоқда дам олишга қарор қилдим. Москвада касабга уюшмалари орқали тўртта путевка сотиб олиб, Тошкентга учдик. Бу ерга келгач, яна Шароф Рашидович билан учрашдим. Аммо бу галги суҳбатимиз қисқа бўлди. У менга, Сиз билан гаплашадиган гапим бор, уч-тўрт кундан кейин олдингизга — Чортоққа бораман, деди. Лекин иш билан овора бўлиб кетди чоғи, Чортоққа ўтолмади.

Тошкентга қайтиб келиб, унга қўнғироқ қилсам, котибаси Майя:

— Шароф Рашидович Жиззахдалар, — деди. — Тошкентда эканлигингизни ҳозир қўнғироқ қилиб айтаман.

Эртаси Майя уйимизга қўнғироқ қилиб шундай деди:

— Тошкентга келганингизни Шароф Рашидовичга маълум қилдим, у киши салом айтдилар. Аммо Тошкентга келолмас эканлар, зарур иш билан Самарқандга ўтар эканлар.

Эртаси мен оилам билан Москвага учиб кетдим. Афсус, Шароф Рашидович билан бошқа кўриша олмадик.

\* \* \*

Мана жумҳуриятимиз жамоатчилиги Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигини нишонляпти. Бу жуда ўринли тадбир бўлди.

Шароф Рашидов фаолиятини оддий педагогликдан бошлаб, ўзининг ақли, ташкилотчилик қобилияти билан энг юксак лавозимларга кўтарилди. У тўққиз йил Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига раис, йигирма уч йил Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасига биринчи котиб бўлди. У жумҳуриятда биринчи шахс бўлиб турган йилларда халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шубҳасиз, кўп ишлар қилинди. Амалда 1966 йилдаги зилзиладан кейин Тошкентда кўп бинолар қурилиши, турли вилоятларда бунёд этилган гўзал обидалар, илм масканлари Шароф Рашидовичдан ёрқин хотира бўлиб қолди. Унинг анчагина илм ва ижод аҳлининг бошини силлагани, одамларга меҳр-муруват кўрсатгани ҳақида мисоллар келтириш мумкин. Бундан кўз юмиш, инкор қилиш инсофдан эмас.

Аммо шу билан бирга у киши раҳбарлик қилган йилларда Ўзбекистонда пахта якка ҳокимлиги қарор топгани, жумҳуриятнинг Марказга иқтисодий қарамлиги кучайгани, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда экстенсив йўлдан борилиши оқибатида Орол денгизи ҳалокат ёқасига келиб қолгани, халқ хўжалиги, айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигидаги қўшиб ёзишлар, кўзбўямачилик фактлари рўй берганлиги ҳам бор гап.

Лекин бунинг учун биргина Шароф Рашидовичга маломат тошлари отиш, Ўзбекистонни ёмон отлик қилиш тўғри эмас.

1986 йилда Ўзбекистонга қайтиб келгач, вилоятларни айланиб чиқдим, оддий меҳнатқашлар — пахтакорлар ва чорвадорлар, ишчилар ва зиёлилар, турли бўғиндаги раҳбарлар билан суҳбатлашдим. Жумҳуриятда юзага келган аҳвол билан танишгач, бу ҳақда КПСС Марказий Қўмитаси Бош котиби М. С. Горбачевга уч марта мактуб ёздим. (Бу хатларимнинг ҳар бирини Москвага жўнатишдан аввал Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси биринчи котиби И. Б. Усмонхўжаев ва Вазирлар Кенгаши Раиси Ғ. Ҳ. Қодировга кўрсатдим). Шундан кейин мени Кремлга чақиришди. У ерда масъул ўртоқлар билан суҳбатда ҳам ўз мактубларимда баён қилган фикрларимни такрорладим. Фикрим шу бўлдики, «ўзбек иши», «пахта иши», «ўзбек мафияси» деган иборалар жумҳурият халқи ва кадрларга нисбатан тўхмат, Ўзбекистонга Марказдан юборилган бир неча юз раҳбар ва уч юзга яқин терговчининг у ерда бўлишларига ҳожат йўқ. Бу биринчидан, Ўзбекистон партия ва совет ташкилотларига ишончсизлик туғдирса, иккинчидан, ўзбек миллатига қарши ҳаракат сифатида баҳоланиб, халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликка путур етказди.

Мен 1991 йилда «Еш ленинчи» рўзномасида ёзган «У кунлар энди қайтмасин» номли мақоламда, Москвада нашр этиладиган «Аргументи и факти» ҳафталигида чоп этилган суҳбатимда ва «Шарқ юлдузи» ойномасида босилган «Хрушчев, Брежнев ва бошқалар», «Усмон Юсупов» очеркларимда Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев ҳақида ёзган эдим. Яқин фурсатда Шароф Рашидов ҳақидаги барча гапларим ва материалларимни жамлаб, у ҳақда муфассал бир нарсга ёзиш ҳаракатидаман.

Шароф Рашидович Рашидов жуда мураккаб бир вазиятда Ўзбекистонга узоқ йиллар бошчилик қилган тарихий шахс сифатида халқ қалбида қолади.

## УНИНГ ЧҮЛДАГИ ИЗЛАРИ

(Шароф Рашидовнинг Мирзачўлдаги  
фаолиятдан лавҳалар)

### «ШЕЪРЛАРИДА ФАЛСАФА КУЧЛИ...»

1966 йил эди. Сирдарё вилояти партия қўмитасининг навбатдаги пленуми ўз ишини тугатди. Пленумда иштирок этган ва нутқ сўзлаган Шароф Рашидовни кузатиш палласи эди. Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби Носир Маҳмудов билан Шароф Рашидов бинодан чиқиб, «Зим» ёнига боришди, суҳбатларини тик турганларича давом эттиришди. (Камина ўша йиллари биринчи котибнинг ёрдамчиси бўлиб ишларди.) Мен четроқда, фавқуллодда бирор топшириқ бўлиб қолишини кутиб, уларни кузатиб турардим. Носир Маҳмудов мен тарафга қараб, имлаб чақирдилар, бордим. Шароф Рашидовга мени таништирдилар.

— Ёрдамчи қилиб олдим. Касби журналист, сизга ҳамкасб, вилоят рўзномасидан олдим.

— Жуда яхши.

Шароф Рашидов хаёлига бир нима лоп этиб тушди, шекилли, мен тарафга бир қадам ташлаб, дедилар:

— Шу вилоят рўзномасида бир шоира қиз бор, зап шеърлар ёзади, рўзнома ва ойнамаларда ҳар-ҳар замон кўриниб турибди.

Ким экан у қиз? Ҳеч хаёлимга келмайди, авваламбор, ўша йиллари «Сирдарё ҳақиқати» рўзномасида шоира қизлардан ҳеч ким ишламасди. Носир Маҳмудов айтганларидек, ўзим ҳам шу рўзномада ишлаганман. Қолаверса, адабиёт ва санъат бўлимини бошқарганман, ҳар қандай шеър менинг қўлимдан ўтарди. Шароф Рашидов гапида давом этди:

— Шеърларида фалсафа кучли, маъно чуқур.

Шу пайт Боёвут туман рўзномасида ишлаётган ва вилоят рўзномасида «Оқ йўл» тилаб, бир қатор шеърлари берилган Ҳалима Худойбердиева ёдимга тушди.

— Ҳалима Худойбердиевами?

— Ҳа, худди ўша.

— У Боёвут туман рўзномасида ишлайди.

Шароф Рашидов Носир Маҳмудовга юзландилар.

— Шу қизнинг ҳаёти, турмуши, шарт-шароитлари билан қизиқиш керак, имконияти бўлса, вилоят рўзномасига ишга чақиринглар. Мен Зулфия опага ҳам айтаман, мураббийлик қилсин. Келажаги бор унинг.

Носир Маҳмудов ваъда қилдилар.

Биз Ҳалима Худойбердиевани вилоят рўзномасига ишга жойлаштирдик ва уй-жой билан таъминладик.

Мана, ҳозир Ҳалима Худойбердиева Ўзбекистон халқ шоири, «Саодат» ойнамасининг бош муҳаррири.

### ИШГА ТУФИЛГАНЛАР

1980 йилнинг кузи эди. Ворошилов (ҳозирги Сайхунобод) туманидаги Карл Маркс номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қодиркул Султоновни туман партия қўмитасининг биринчи котиби зудлик билан чақириб қолди. Ота: «Нима гап, бирор жойга ўт кетдими?» деганини билади, телефон аппарати шарақлагани қулоғига чалинди.

Ота, оббо, деб ўрнидан турди ва тушликка кетган шофёр болани чақиртирди. Райкомда бир масала кўндаланг қилиб қўйилди.

— Ёшингиз етмишдан ошди, пенсияга чиқинг!

— Пенсияга аллақачон чиққанман, болам.

— Яхши, раисликни топширинг.

— Кимга, сизгами, болам?

— Ҳазилни қўйинг.

— Нега ҳазил бўлади, топшир, дедингиз, айтинг, кимга топширай?

— Ишдан бўшатиш ҳақида ариза ёзинг.  
— Мен сизга ариза бермайман. Аризани мени раис қилиб сайлаган колхозчиларга бераман.  
— Масхарабозлик қилманг, қари одамга ярашмайди.  
— Хўп, колхоз аъзолари билан маслаҳатлашай, улар рози бўлсалар ариза ёзаман.  
Ота шу гапни айтди-ю, биринчи котибнинг: «Тўхтанг, ҳали гапим тугагани йўқ», де-йишига қарамай, ўрнидан туриб, орқасига қайтди.  
Идорага келиб, колхоз фаолларини чақирди. Уларга биринчи котибнинг гапини оқизмай-томизмай етказганда, ҳамма отадан ариза бермасликни талаб қилди.  
— Ариза бермасам, у менинг гўштимни ейди.  
— Биз бормиз, қўрқманг.

Ота бир ҳафтача нима қиларини билмай гаранг бўлиб юрди. Уша кунлари, Ворошилов туманига Шароф Рашидов келар экан, деган хабар пайдо бўлиб қолди. Райкомдан кўнғироқ қилиб, шундай мазмунда топшириқ беришди: «Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари идорада бўлишсин, кўча-кўйларга чиқишмасин».

Ота бу топшириқни бузиб, туман марказига олиб борадиган катта йўл бўйига чиқди. Машинасини бир четга қўйиб, Шароф Рашидовнинг йўлини пойлади. Ниҳоят, олдинда ГАИ ходимларининг машинаси, орқасидан оқ ва қора «Волга»лар кўринди-да, унинг олдига келиб тўхтади.

Шароф Рашидов кабинадан чиқиб, Қодирқул Султоновга қаради. Ота югуриб унинг ёнига келди, улар кучоқлашиб кўришдилар, ҳол-аҳвол сўрашдилар.

— Хўш, Қодирқул ака, бизга хизмат борми?— сўради Рашидов.

— Хизмат йўқ, фақат, бу бизнинг райкомимиз ариза берасан, пенсияга чиқасан, дейди. Колхозчилар эса сизга жавоб йўқ, дейди.

— Колхозчиларингиз тўғри қилишади, ҳали сиз билан биз кўп иш қилишимиз керак. Ишсиз яшай олмаймиз.

Шу гап бўлди-ю, райкомнинг биринчи котиби отадан ариза эмас, ҳол-аҳвол сўрайдиган бўлди.

## МОЛЛАР ПАХТАГА ТУШГАНДА

Мен Шароф Рашидов билан йигирма йил давомида учрашиб, суҳбатлашиб келдим, мен унда заррача кўполлик, совуқ гап, ҳўмрайишни сезганим йўқ. Ҳамиша бир хил — оғир-вазмин, салобатли эди. Ширин сўз, доно фикр, кишини илҳомлантирувчи, куч бағишловчи даъват бўларди унда. Бирор кишининг дилини оғритганини билмайман, у ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини тутта биларди, инсонни қадрлай оларди. Эсимда, 1972 йилда, мен у пайтлари Янгиер шаҳар партия кўмитасининг котиби вазифасида ишлардим, Шароф Рашидов бизнинг Ховос туманига ташриф буюрди. У билан биргаликда «Фарҳод» совхозига борадиган бўлдик. Йўлга тушдик. Қатор машиналар пахта дала-лари ўртасидан бораётганди. Олдинда Шароф Рашидов, вилоят ва туман раҳбарлари ўтирган машина. Бир вақт машиналар бирин-кетин тўхтади. Биз орқада келаётган машиналарда эдик. Нима гап, деб кабиналардан ташқарига чиқдик. Бундай пахтазорга қарасак, Раимберди Жумаев (ушанда совхоз директори эди) пайкаллардаги молларни қувиб, ҳайдаяпти. Терим охирлаб, пахтанинг ҳар бир толаси учун кураш кетаётган бир пайтда пахтани моллар еб юрса?! Энди Раимберди акага қийин бўлди, ишдан олиб, партиядан ўчиришмасинлар ишқилиб, деган ваҳимада бўлдик. Эртаси куни Раимберди аканинг ҳолидан хабар олгани бордим.

— Қаранг энди, атайин қилгандек бу молларнинг юришини қаранг!

— Шароф Рашидов нима дедилар?

— «Пахтазорда молларни кўриб, ўтиб кетсак, увол бўлади. Ҳайдаб чиқариб кўяйлик», дедилар. Сўнг мен югуриб бориб, молларни ҳайдаб чиқардим, вассалом. Бошқа гап бўлгани йўқ.

— Қўрққан бўлсангиз керакку-я?

— Ҳа, қўрқувдим, аммо, машина кабинасига қайтиб келиб ўтирганимда мол ҳақида бир оғиз ҳам сўз айтмадилар. Гап мавзуси бошқа ёққа бурилди.

## БИР АБЗАЦ ХАБАР

Шароф Рашидов Мирзачўл қишлоқ хўжалиги уйғун механизациялаштирилишининг маёғи, деб такрор-такрор айтардилар. «Маёқ» дегани нима ўзи? Мен бу сўзнинг луғавий маъноси билан қизикдим. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да шундай дейилади: Маёқ — 1. Кемаларга йўл кўрсатиш учун денгиз қирғоғи ёки оролларга қурилган ва сигнал воситалари билан жиҳозланган минора. 2. Ўрнак, намуна, машъал.

Биз шунга гувоҳмизки, Сирдарё вилоятининг марду майдонлари оғир қўл меҳнати талаб қиладиган пахта теримидек машаққатли ишни машиналар зиммасига юклашда масли кўрилмаган натижаларга эришдилар. Мамажон Дадажонов, унинг укаси Тўлан Дадажонов, Жавод Кўчиев, Николай Комаров, Тўхтаҳон Қирғизбоева, Инобат Охунова

каби машхур механизаторлар мактаби шу чўлда яратилди. Шароф Рашидов уларнинг ҳар бири билан яқиндан таниш, ҳолидан тез-тез хабар олиб турарди.

1970 йилнинг август ойида Гулистон шаҳридаги А. С. Пушкин номи (ҳозирги «Гулистон») дам олиш ва истироҳат боғининг соя-салқин оромгоҳида вилоят механизаторларининг қурултойи бўлиб ўтганди. Бу анжуманда Шароф Рашидов ҳам қатнашди.

Мен жумҳурият рўзномасининг муҳбири сифатида бу қурултой материаллари билан олдиндан танишиб чиқиб, кенг ҳажмдаги мақоланинг хомакисини Тошкентга жўнатиб юборган эдим.

Маърузачи ва сўзга чиққан ўртоқлар бу йил ялпи ҳосилнинг кам деганда 75 фоизини машиналарда теришга сўз бердилар ва Шароф Рашидов шаънига кўпгина илиқ ва самимий гапларни айтдилар. Шароф Рашидов шаънига айтилган мақтовларни ўзига сингди-ролмай ўтирарди. У сўзга чиқиб, камтарлик ҳақида доно фикрларни айтди.

«Қурултой тугаши билан менинг олдимга кимдир келиб, сизни Шароф Рашидов сўраяптилар, деб қолди. Мен минбарда тик турганларича ким биландир сўзлашаётган Шароф Рашидов ёнига бордим. У киши мен билан салом-алиқ қилгач, шундай дедилар:

— Бу қурултой ҳақида бир абзац материал берсангиз бўлади. УзТАГга ҳам хабар қилинг, шов-шув қилиб юрмасин, бир абзац бўлса бас. Мақтовлар ҳақида гапирилмасин. Ортиқча гаплар кўп бўлди.

Шунда, Тошкентга кўнғироқ қилиб, рўзноманинг эртанги сонидан чиқаётган ярим саҳифача мақоламни олдириб ташлаб, ўрнига бир абзац хабар бердиришга мажбур бўлгандим.

Менинг назаримда, ўшанда Шароф Рашидов ўзининг шаънига айтилган мақтовлар рўзномаларда чиқиб кетишининг олдини олган эди.

### РУҲИ МАДАДКОРДИР

Мендан сўнг жумҳурият рўзномасининг Сирдарё вилояти муҳбири этиб, ёзувчи Самар Нуров тайинланди.

Самар Нуров Қарши чўлини пиёда кезган, яхши очерклар, ҳикоялар, қиссалар ёзган қаламкаш эди. У энди мирзачўлликлар ҳаётини қаламга олиш ниятида ўз ташаббуси билан бу ерга ишга келганди. Қатор-қатор очерк ва лавҳалари рўзнома ва ойномаларда чиқиб турган бир пайтда Оқ олтин туманида сафарда юрган чоғида фалокат оёғи остидан чиқиб, бўйин умуртқаси узилди. У туман шифохонасига тушади.

Мен Самар Нуров билан курсдош эдим. Шум хабарни эшитиб, зудлик билан шифохонага бордим. Аҳволи жуда оғир эди. Маҳаллий врачларнинг гапларига қараганда, бундай жароҳатнинг 99 фоизи ўлим билан тугар экан. О бечора, бу қандай кўргилик бўлди, етимлик билан ўсганди, не-не қийинчиликлар билан ўқиганди, айрим кунлари фақат чойу нон билан тирикчилик ўтказганди. Ижоди эндигина гуллаб, камол топаётган, бирин-кетин китоблари нашр этилаётган бир пайтда бу фалокат нимаси эди?

Врачлар унинг бўйнига тош осилтириб, чалқанча ётқизиб қўйдилар. Унинг танасида ҳаёт билан ўлим олишарди. Дўстлари, ёру биродарлари ундан хабар олиб турар, умр йўлдоши кечаю кундуз ёнидан жилмасди. Мен ҳам деярлик ҳар куни унинг олдига бориб турардим.

Бир куни борсам ёзувчи Назир Сафаров унинг ҳузурда экан. Самарнинг кўнглига таскин бериб ўтирарди.

— Самаржон, сенинг бу аҳволга тушганингни Шароф Рашидовга айтган эдим. У минг афсус чекиб, соғлиқни сақлаш вазирига кўнғироқ қилди. Бугун-эрта бу ерга профессорлар келишади. Сени албатта Тошкентга олиб кетамиз. Ҳали отдай бўлиб кетасан. Биламан, сенинг ироданг кучли, ҳаётни севадан, бардошлисан, ҳали кўп асарлар ёзишинг керак.

Назир ака айтгандай, эртаси куни профессорлар гуруҳи келишди, улар маҳаллий дўхтирларнинг муолижаларини маъқул топиб, икки кундан сўнг уни Тошкентга махсус машинада олиб кетдилар.

Самар Нуров тўрт ой ўлим тушагида ётиб, бир умрга мажруҳ бўлиб қолди. Аммо, у ҳеч қачон тушкунликка тушмади, нола қилмади, руҳан эзилмади.

Унинг кейинги ёзган: «Сени севадан, ҳаёт!», «Олис юлдузлар» каби қиссалари, «Нарвон», «Майсаларни аёз урмайди» каби романлари бундан гувоҳлик беради.

Самар унга яхшилик қилган Шароф Рашидовнинг руҳи олдида ўзини доим қарздор ҳис қилади.

### ГУЛИСТОНДА БИР ДАРАХТ БОР

Гулистон шаҳридан ўтгач Киров номи каналнинг ўнг қирғоғида жойлашган «Табиат уйи» деб аталмиш хилма-хил дарахтлар, гулларга бурканган даргоҳда бўлганмисиз? У табиат уйигина эмас, уни шундай деб аташ камлик қилади, эрам боғи десак ҳам арзийди. Бундай боғ Мирзачўлнинг бошқа ҳеч бир бурчагида йўқ. Бу ерда турли-туман дарахтлар борки, уларни кўриб, мафтун бўласиз.

Биз яқинда шу «Табиат уйи» асосчиларидан бири, собиқ вилоят ижроқўми раисининг муовини, бугунги кунда вилоят қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ташкилотига раҳбарлик қилаётган Рауф Ғаниевич Абдурахмонов билан Шароф Рашидовдан қолган бир ёдгорликни кўриш мақсадида бу боғда бўлдик.

Бу ёдгорликни Рашидов 1981 йил июнь ойида қолдирган. Ушанда Гулистон шаҳрида биринчи ва ягона «Табиат уйи»нинг очилиши тантанаси бўлган эди. Рашидов канал устига қурилган осма кўприкдан ўтиб, қарсақлар остида лентани кесган эди.

Биз Рауф Ғаниевич билан бу воқеани эслаймиз.

Рашидов «Табиат уйи» ичкарасига кириб, хона пештоқидаги мраммар тошга битилган ёзувга кўзи тушди, бу ёзувнинг тагида «Ш. Рашидов» деган имзо бор эди. Рауф Ғаниевичдан рус тилида битилган ўша ёзувни овоз чиқариб ўқишни илтимос қилди. Рауф Ғаниевич ўқиди.

Бу ёзув ҳозир ҳам бор. Фақат «Ш. Рашидов» деган имзо олиб ташланган. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ, дейдиганларнинг иши бўлиши керак бу.

Шу ўринда бу ёзувнинг ўзбекча матнини келтиришни лозим топдик. «Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштириш юртимиз солномасига олтин саҳифа бўлиб кирди. Яна йиллар ва кўп йиллар ўтади, янги авлодлар дунёга келади, йигирманчи асрнинг 50-йилларидаги чўлқуварларнинг қаҳрамонона ишлари миннатдор халқ хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди. Ш. Рашидов».

Р. Ғ. Абдурахмонов бу матни ўқиб бўлгач, Шароф Рашидов ундан сўради.

— Тўғри гапми?

— Жуда чиройли айтилган гап,— деди Рауф Ғаниевич.

— Чиройли айтилган экан, шунга яраша иш тутиш керак, чўлқуварларни қадрлаш лозим.

— Албатта, Шароф Рашидович.

Шундан сўнг Рауф Ғаниевич Шароф Рашидовдан «Табиат уйи»нинг азиз меҳмони сифатида эсдалик китобига ёзув қолдиришни ва бу ерда дарахт кўчати ўтқазишни илтимос қилди. Шароф Рашидов ёзув қолдиргач, ташқарига чиқиб, ўтқазиш учун тайёрлаб қўйилган кўчатни қўлига олди.

— Бу қандай дарахт экан?

— Қрим соснаси.

— Қрим қарағайи денг. Бу дарахт кўчатини июнь ойида ўтқазсак, ўсармикин, кечикмадикми?

— Ўсади, Шароф Рашидович.

— Майли, ўтқазамиз, агар ўсмай қолса, сиз агрономсиз, уволи сизга.

— Мен аминман, ўсади, Шароф Рашидович.

Шароф Рашидов кўчатни ушлаганича қазиб қўйилган жойга қўйди ва белкуракни олиб, унинг илдизига тупроқ тортди, унинг ёнида вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Виктор Алексеевич Хайдунов ва бошқалар ҳам кўчат ўтқаза бошладилар.

Биз Рауф Ғаниевич билан орадан ўн йил ўтгач, шу ўтқазилган дарахт ёнига бордик. Қрим қарағайи кўкка бўй чўзиб турибди.

— Яхши ўсибди,— дедим мен Рауф Ғаниевичга. — Аммо, шу дарахтни Шароф Рашидов ўтқазган, деган ёзув йўқ экан-да, афсус.

— Бор эди, кимдир олиб ташлабди.

Уша «кимдир» ким экан ўзи? Рауф Ғаниевич, бу жойлар эгасиз қолибди, дегандай атрофга изтироб билан нигоҳ ташлади. Ёнимизга келган қоровул Маматқул ака ҳам Рауф Ғаниевичдан нолиб кетди:

— Рауф Ғаниевич, сиз ҳаммасини ташкил қилишда кечаю кундуз ухламадингиз, бошқа ишга ўтиб, ҳолимиздан хабар олмай қўйдингиз, бу боғ дам у ташкилот, дам бу ташкилот ихтиёрига ўтказилиб, дарахтларнинг парвариши билан эса ҳеч ким шуғулланмай қўйди. Сиз келтирган сув насосларини ҳам кимлардир олиб кетди. Лимонариялар ҳам тугаб боряпти.

Маматқул аканинг дарди кўп экан. Биз бу ердан фақат бир нарсадан қувониб қайтдик: Шароф Рашидов ўтқазган Қрим қарағайи шохлари чўл шамолидан шовуллаб, ўзининг борлиғи ва муқаррарлигини бутун элга маълум қилаётгандай эди.

## ВОҚЕАЛАР, ВОҚЕАЛАР...

Ён дафтарчамни варақлаб ўтириб, 1972 йил 16 май куни бўлиб ўтган жумҳурият радио кенгаши ҳақидаги чизгиларимга кўзим тушди. Шароф Рашидов радио кенгашини оча туриб, шундай деган экан:

— Ўртоқлар, пахтачиликда, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида оғир вазият вужудга келганлиги муносабати билан биз бу радио кенгашини ўтқазишни лозим топдик. Баҳор бир ойга кечикди, ҳарорат паст, совуқ кунлар, ёғингарчилик кўп бўлди. Бундан кейин ҳам бўлиши кутилмақда. Нима қилишимиз керак? Шу масалада маслаҳатлашиб олишимиз зарур. Ҳаммаларингизга маълумки, пахтачиликда осон йил бўлган эмас, бўлмайдиган ҳам. Аммо бу йил катта қийинчиликка дуч келаяпмиз. Демак, ҳар қачон

гидан ҳам ҳам зўр уюшқоқлик, фидойилик, маҳорат кўрсатиш талаб қилинади...

...Шундай бўлди ҳам. Уша йили халқимиз катта жасорат кўрсатди ва режани ба-  
жарди.

Мана қаранг, орадан 20 йил ўтгач, жумҳуриятимизда худди ўша об-ҳаво такрор-  
ланди. Бу йил чигитлар 2—3 марта қайта экилди.

Уша кенгашдан икки ярим ой ўтгач, Шароф Рашидов қувончли хабар билан вилояти-  
мизга келди. 1972 йил, 28 июль. Янгиер шаҳридаги қурувчилар саройида чўлқуварлар-  
нинг сардорлари: Саркисов (марҳум), Терситский, Озерский, Боймиров, Қосимов ва  
Беняминовичларга Ленин мукофоти лауреатлиги дипломи ва нишонларини топширди.

Қадимий чўл, бугунги бўстон Мирзачўлда Шароф Рашидов билан боғлиқ воқеалар,  
фактлар, саналар жуда кўп, албатта. «Москва» (ҳозирги «Зомин») совхозининг собиқ  
директори марҳум Жўра Тишлиқов менга бир воқеани айтиб берган эдилар:

— Бизга обкомдан қўнғироқ қилишиб, Шароф Рашидов «Мирзачўл» совхози та-  
рафидан келишини, катта йўлга чиқиб туришимиз кераклигини хабар қилдилар. Тушлиқ-  
ка яқин пайт эди, ҳар эҳтимолга тушлиқка тайёргарлик кўриб қўйдик. «Бир пиёла чой»га  
таклиф этиш биз ўзбекларнинг азалий удумимиз-ку, ахир. Хуллас, биз у кишини йўлда  
кутиб олдик. Ишларимизни, аҳволимизни сўрадилар. Шундан сўнг у киши биз билан  
хайрлашмоқчи бўлиб қўл узатдилар. Мен «Шароф Рашидович, бир пиёла чойимиз бор,  
ҳар куни ҳам бизнинг совхозга келавермайсиз-ку», дедим.

— Вақтимиз зикроқ,— дедилар Шароф Рашидович, сўнг катта йўл четларидаги  
уйларга қараб қўшимча қилдилар:— Хўп, сизнинг сўзингиз ҳам ерда қолмасин, ху анаву  
ҳовлидан бир коса қатиқ олиб чиқинглар, ана шу бир пиёла чойдан ўн баравар афзалроқ.

Йигитларимиздан бири Рашидов кўрсатган хонадонга қараб кетди. Менинг юрагим  
така-пука, қатиқ бўлмаса-чи у ерда, сигири бормикан, кимнинг ҳовлиси эди у, эслолмай  
бошим гаранг. Хайрият, йигит тез орада бир коса қатиқ олиб келди. Шароф Рашидов  
уни бир хўплаб дедилар:

— Жуда мазали экан, боплаб увитибди, уй бекасига менинг номимдан раҳмат ай-  
тинглар.

Сўнг:

— Ҳар бир хонадонда сигир бўлсин, ўртоқ директор, бу масалада ҳам қайғу-  
ринглар,— деб қўшиб қўйдилар.

Раҳматли Жўрабой ака бу воқеани ҳаяжон билан сўзлаб берган эдилар.

Яна бир воқеа:

Шароф Рашидов 1973 йилда Сирдарё ГРЭСига боратуриб, Янгиер шаҳридан Фар-  
ғона йўлига бурилишда бир аёл икки қўлида беш-олтита тандир нонини кўтарганича  
йўл четида турганига кўзи тушади. Машиналар тўхтабди. Шароф Рашидов аёл ёнига  
келиб, саломлашади.

— Ўз қўлим билан ёпганман, иссиққина, бир мазасини кўринг,— деб илтимос қи-  
лади аёл. Шароф Рашидов бир нонни қўлига олиб, бир бурдасини ушатиб мазасини кўра-  
ди, аёлга раҳмат айтиб, йўлида давом этади.

Ҳикоя қилишларича, ўша аёл Шароф Рашидов ушлаган нонни бутун маҳалла  
болаларига «бу табаррук» деб, бир тишламдан тарқатиб чиққан экан.

Ҳа, халқимиз уни бағоят ҳурмат қилар, эъзозларди.

Ховос посёлкасида масжид билан боғлиқ яна бир воқеа эсимда.

Бу шундай бўлган. Қариялар тўпланишиб, ўз маблағларига қабристонда бир  
бино қуришиб, унинг очилишига худойи ўтказадилар. Уша йиллари Ховос посёлка Со-  
ветининг раиси бўлиб ишлаган марҳум Худойқул Каримжонов бу худойига қатнашади  
ва савоб иш қилганликлари учун чолларга катта миннатдорчилик билдиради. Бу воқеани  
обкомга етказувчилар, Ховосда масжид очилди, посёлка Советининг раиси тантанали  
нутқ сўзлади, бу тантанада коммунистлардан палончи-пистончилар қатнашди, мазму-  
нида хабар юборадилар. Шундан сўнг вилоят миқёсида бўлган катта йиғинда обкомнинг  
биринчи котиби «Жамолов Янгиерда масжид очди», дея мени танқид қилади. Мен у  
пайтлари Янгиер райкомида мафкура бўйича котиб эдим. Хуллас, «масжид»ни қулфлаб  
қўйдилар. Чоллар у ёқ-бу ёққа югурдилар, натижа бўлмади. Бир куни кекса коммунист  
Бобониёзов бошчилигида бир гуруҳ чоллар кабинетимга кириб: «Котиблардан мусул-  
мони фақат сиз, сиз ёрдам бермасангиз ким ёрдам беради, Ховосда рус черкови ишлаб  
турибди-ку, нега бизнинг тиловат қиладиган жойимизни ёпдириб қўйдиларинг», дея арз  
қилдилар. Мен уларга қўлимдан ҳеч иш келмаслигини айтдим.

— Хўш, кимга мурожаат қилайлик?— деди улардан бири.

Мен уларга фақат Рашидов ёрдам бериши мумкинлигини айтдим. Икки-уч кундан  
сўнг Рашидовнинг ёрдамчиси — бир ўзбек йигити менинг ҳузуримга келиб, бир гуруҳ  
чоллар Рашидов ҳузурига борганини айтди. Кейин «масжид биносини бир бор кўздан  
кечирмоқчиман», деди. Мен уни масжидга бошлаб бордим.

Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас масжид очилди.

Албатта, ўша йиллари масжиднинг қайта очилишига сабабчи Рашидов эканини би-  
ровга айтиб бўлмасди. Ердамчиси бу масалада мени қайта-қайта огоҳлантирган эди.

## НАСР

Хуррам Маҳмудов. Едлов. Қисса . . . . .	3
Мирза Карим. Моҳларойим . . . . .	28
Тоҳир Малик. Шайтанат. Қисса . . . . .	48

## НАЗМ

Эркин Самандар. Баҳор фасли, ёр васли . . . . .	20
Олимжон Холдор. Бу оламда ҳамиша мен фидоларга фидо бўлсам . . . . .	46
Абдул Жалил. Юрагимни елларга берай . . . . .	141

## БУЛОҚ КҮЗ ОЧДИ

Тўғилади бир мусаффо руҳ . . . . .	143
------------------------------------	-----

## МЕРОС

Абдулла Қаҳдор. Пақир кўмондонлари. (Адиб таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан) . . . . .	150
Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома . . . . .	153

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Муҳаммад Али, Нўъмон Раҳимжон. Тарих — тафаккур офтоби . . . . .	163
--	-----

## ЕДНОМА

Нуриддин Муҳитдинов. 1983 йилдаги икки учрашув (Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига) . . . . .	163
Турғун Жамолов. Унинг чўлдаги излари . . . . .	187

На узбекском языке  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»  
№ 11

Журнал писателей Узбекистана

Издательско-полиграфический концерн «ШАРҚ» при управлении делами аппарата президента республики Узбекистан.  
Ташкент — 1992

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев

Навбатчи Асқаршоҳ

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар муаллифларига қайтарилмайди. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент — 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 06.09.92 й. Босишга рухсат этилди 14.10.92 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 12. Шартли босма тобоғи 16,8. Шартли-рангли босма тобоғи 17,5. Нашриёт-ҳисоб тобоғи 18,2. Адади 88053 нусха. Буюртма 1072. Баҳоси 10 сўм.

Ўзбекистон республикаси президенти маҳкамасининг ишлар бошқармаси ҳузуридаги «ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.